

# Шарк юлдузи

Ўзбекистон Ёзувчилар  
союзининг органи

ОЙЛИК, АДАБИЙ-БАДИИЙ,  
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖУРНАЛ



48-йил чиқиши



ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ  
АДАБИЁТ ВА САНЪАТ  
НАШРИЁТИ

1980

8

# Мундарижа

<b>Х. Исроилов. Жасорат</b>	3
<b>Ж. Мўлдағалиев. Сел. Достон</b>	26
<b>А. Чаковский. Галаба. Сиёсий роман. Давоми.</b>	44
<b>М. Али. Боқий дунё. Шеърӣй роман. Давоми.</b>	89
<b>Р. Абдурашид. Эътиқод. Шеърлар</b>	109
<b>Ш. Қурбон. Лирик шеърлар</b>	115
<b>М. Шатров. Алвон яйловда кўк тулпорлар. Инқилобий лавҳа. Давоми.</b>	118
<b>Д. Ҳакимов. Уқ илдиз. Достон.</b>	137
<b>Шуҳрат. Оқибатли кишилар. Қисса. Охири</b>	141

## ҲИКОЯЛАР

<b>У. Усмонов. Яна келган бахт</b>	200
<b>А. Асиров. Райҳон иси</b>	211

## ЮБИЛЯРЛАРИМИЗ

<b>И. Отамуродов. Халқ виждонининг садоси</b>	214
<b>С. Яхин. «Тонглар достонига ёздинг отини»</b>	216

## ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК

<b>В. Зоҳидов, М. Ҳамроев, Н. Шодиев. Хассослик ва қиёсий таҳлил</b>	219
<b>О. Шарафиддинов. Мунаққиднинг биринчи китоби.</b>	224

## КИТОБЛАР ОЛАМИДА

<b>М. Юнусов. Жаҳон кезиб тўпланган куйлар.</b>	235
<b>Б. Назаров, Н. Раҳимжонов. Изланиш.</b>	237

## ЭН САСОРИЯТ

*Қўриқда миллион-миллион совет кишилари революция тажрибасини амалга оширишни давом эттирдилар. Янги тарихий шароитларда унинг муваффақиятларини бойитдилар, ривожланган социализм ғолибона қурилишининг жонли тажрибасини ижод қилдилар.*

Л. И. БРЕЖНЕВ. «Қўриқ».

1979 йил кўклами анча кеч келди. Дарахтлар уйғонганича йўқ. Ҳаммадан олдин гуллайдиган бодом ҳам сепсиз. Толлар сочпопук тақмаган бўлса-да, баҳор шабадаси кезиб юрибди. Далаларда тракторларнинг овозлари эшитилиб туради. Экин-тикин бир оз кечиккан, ишлар ўтган йилдагидан кам, лекин ташвиш кўпайиб, йиғилиб бораётганлиги сезилиб турарди. Райком котиби хонасидаги телефонлар тез-тез жиринглаб, маслаҳат сўрашади, бу ердан совхозларга ҳам оғзаки, ҳам қоғозга ёзилган кўрсатмалар тез-тез учади.

Обком секретари ўртоқ Қлемёнов билан далаларни кун бўйи айландик. Ҳамма жойда гўё ишлар яхши бораётгандай, техника ҳам ишлаётгандай. Аммо сеялкаларни киритишнинг иложи йўқ. Тупроқдаги ҳарорат паст, нам кўп.

— Мана шу картага эртага чигит ташласак бўлмайми?— деди Евгений Александрович, бир сиқим тупроқни кафтида ишқалаб кўрар экан.— Бу ернинг тупроғи қумоқроқ экан, менимча бошлаш керак.

Об-ҳавонинг аёзлироқ бўлганлигидан ҳеч нарса демай, далага қараб туравердим. Евгений Александрович директорга юзланди:

— Агрегатларингиз шайми? Ҳозир шу ерга келтирсангиз, юргизиб кўрар эдик. Ёки райком секретари индамаганига сиз ҳам эрта деяпсизми? Йўқ! Вақти келди, ўртоқлар! Сизнинг фикрингиз-чи,— кулимсираб Қлемёнов яна менга қаради.

— Бошласак бошлайверамизда, лекин кўчат ҳам олиш керак-ку,— дедим.

Агрегатни келтиришди, картага тушириб юргизиб кўрдик. Уч-тўрт

марта бориб келди. Қадалган чигитларни кавлаб кўрдик, яхшидай, экса бўладигандай. Экишни бошлаш ҳақида бир фикрга келишиб олдик.

— Ҳамма хўжаликларда ҳам экишни бошлаш керак, сеялкаларни тўғрилаб олганга қадар об-ҳаво ҳам юришиб кетади,— Евгений Александрович машинада менга уқтириб келарди. Биз район марказига яқинлашганимизда боягина чарақлаб, нур сочиб турган офтоб юзини қора булут қоплади. Қўзғолган шамол зарбидан йўл четигадаги қатор дарахтлар бетоқат чайқала бошлади. Автоинспекция пости олдида милиционер йигит машинани тўхтатиб, менинг тезликда обкомга телефон қилишимни айтди...

Обкомнинг биринчи котиби районимизда экин-тикин ишларининг кечикиб бораётганини, чигит экадиган агрегатлар, экипажлар, ҳали ҳам тайёр эмаслигини, ер тайёрлашнинг ниҳоятда қониқарсиз бораётганлигини норози оҳангда сўзлади. Қўшни районларда экиш аллақачон бошланиб кетганлигини айтди. Ёгингарчилик бўлиши мумкин, қатқалоқ ҳам бўлиши мумкин, ана шуларга қарши курашиш усуллари кўрсатиш учун Конев номли колхозда семинар ўтказамиз, деди.

Чигит экишнинг кечикиб бораётганини сезиб бораётган агроном, бригадир, хўжаликларнинг раҳбарлари ҳам ташвишда эди. Улар тинмай картама-карта юришар, ер кавлаб, тупроқни текширишар, экишга шай турган агрегатларнинг атрофида бетоқат айланишарди. Кеч-қурунлари совхозларнинг раҳбарларини райкомга чақириш кўпайди. Хона чироқлари алламаҳалгача ўчмас, қизгин мунозаралар, баҳслар, раҳбарларнинг куйиб-пишиб гапирётган овозлари эшитилиб турарди. Ҳаммасига сабаб дала ишлари ривожининг ёмонлиги.

Об-ҳаво одамларга ўчакишгандай қовоғини очмасди.

Лекин, фурсат ганиматлигидан фойдалана билган механизаторлар, ишлаб чиқаришнинг чинакам командирлари — бригадирлар дала ишларини юргизиб юборишди. Партия ташкилотлари барча оммавий-сиёсий ишларни далага кўчиришди, одамлар орасида жонли суҳбат, социалистик мусобақа ишларини тўғри йўлга қўйишди.

Л. И. Брежневнинг «Қўриқ» асарини ҳамма жойда қайтадан ўқиш, ўрганишни ташкил этишди. Механизаторлар, бригадирлар эса ўзларини янгидан қўриқ очаётгандек ҳис қилиб, ишга киришиб кетдилар.

Одамларнинг иродаси ёгиндан ҳам, шамолдан ҳам зўр. Чигит экиш ҳамма жойда қизгин тус олиб кетди. Мавсум бошидаги «хар-хашалар» барҳам топди. Кўпчилик майдонларда нимжон бўлса ҳам яшил тасмадек кўчат қаторлари кўриниб қолди. Аммо ҳарорат талабдагидай эмас. Ниҳоллар нимжон. Кишилардан нажот кутгандек барглари буришиб турарди. Ҳар бир пахтакор, механизатор ана шу мурғак, совуқдан қаришиб қолган нозик ниҳолларни қалб ҳарорати билан иситмоқчи бўлгандай атрофида парвона. Кимдир авайлаб қатқалоқни юшатади. Биров дори сепеди, эгатларга культивацияни ҳам туширади. Мақсад: ғўза ниҳолларини тўла ундириб олиш, уларнинг эркин ўсиши учун шароит яратиш.

Чигит экиш поёнига етай деб қолди. Униб чиққан жойларда эртанги ғўзага дастлабки ишлов бериш, авайлаб парвариш қилиш юришиб кетди. Юришишга юришиб кетди-ку, аммо оби ҳаво ўчакишарди. Кунда ёғаётган ёмғир, шамол ниҳолларнинг ривожланиб, эркин ўсишига йўл қўймасди, одамларнинг дилини хуфтон қиларди.

Аҳвол озгина мураккаблашса, уни тузатиш, ишни ташкил қилиш ўрнига баҳона ахтарадиган, фақат юқоридан ёрдам сўрайверадиган раҳбарлар ҳам йўқ эмас. Дадажонов номли совхоз 4-бўлимнинг

2-бригадасида чигит бору агрегат ишламаган. 4-бригадасида эса сеялка тайёр турибди, чигит йўқ. Шу аҳволда учта агрегат кун бўйи ишлагани йўқ. 5-бригадасида эса 25 гектардан мўлроқ ерда текис униб чиққан ниҳоллар қатқалоқ исканжасида. Бўлим раҳбарларининг фикрича, экиш тамом бўлгандан кейин ишлов бошланармиш.

— Чигитни бригадалар орасида бўлишиб, сеялкаларни ишлатиш зарур-ку. Нега ташкил этмайсизлар, экин-тикин даврида бундай ишлаш ярамайди-ку.— Биз куйиб-пишамиз. Бўлим бошқарувчиси ҳам у ердаги совхоз «вакили»нинг ҳам пинаги бузилмайди: «чигит борлигини билмабмиз», дейишади.

Табиатнинг кундалик «саховати»дан баъзи раҳбарлар ўртасида ҳеч кимга ёқмайдиган, кайфиятни туширадиган «бузиб экиш» деган сўз пайдо бўлиб қолди. Бу сўз партия, совет, хўжалик раҳбарларини бирдан сергаклангирди.

Тонг сепини ёзмасдан далага чиқиб, изғирин шамол билан курашиб, кунни тунга улаб ишлаётган ҳар бир кишига чигитни қайтадан экиш жуда малол келади. Мурғак ғўзаларни табиий офат чангалига бериб қўйиш ҳаммага ҳам алам қиларди. Бунинг устига қўшимча ташвиш, қўшимча харажат эди.

Қосим Раҳимов номли совхознинг еттинчи бўлимида юз гектарли «райком картаси» деган майдон бор. Биз қўшни совхоздан қайтиб келаётганимизда совхоз директори Умарқул Жўрақулов бир ўзи карта ўртасида юрар эди. Майдонда қатқалоқ йўқ, ғўза кўчатлари ям-яшил бўлиб, яшнаб турарди. Картадаги қийғос кўчатларнинг яхши ривожини кўриб, руҳимиз енгиллашиб кетди. Бундай вақтларда салом-алик ҳам қуёқ бўлади.

— Мана кўрдингларми, уч-тўрт кун ёмғирни еса ҳам қатқалоқ ола олмади,— Умарқул Жўрақулов шоша-пиша эгатларга ишора қилиб, қувониб сўзлади. — Экиш пайти сеялкаларга мослама ясаб, чигит экилган изнинг устига чириган ғўнг, кўмирнинг майда қолдини туширадиган қилдик. Бунинг фойдаси, биринчидан ерни қотирмайди, иккинчидан ернинг ҳароратини ошириб, униб чиққан ниҳолларга озуқа бўлади. Қани энди ҳамма агрегатларимиз ҳам шундай қилганида.

Бу усулда чигит экишни ташкил этиш ҳақида бундан анча олдин семинар қилиб кўрсатилган эди.

Бироқ, биз ҳамма жойда бунини ташкил этолмагандик.

Кечда райкомга яна ҳаммани чақирадиган бўлдик. Мутахассислар, совхоз раҳбарларининг фикрини билиш, тезликда юз бераётган нуқсонларнинг олдини олиш, камчиликларни бартараф этиш ҳақида йиғилишдик.

Чигит экишнинг йилдагига қараганда анча чўзилиб кетганлиги кўп ишларимизни ғоят чалкаштириб юборди. Баъзи карталарда икки-уч хил аҳволни кўриш мумкин эди. Аввал экилган, униб чиққан ниҳолларга ишлов бериш зарур бўлса, бир қисмини қатқалоқ босганди. Яна бир қисмида эса, чигит чала унганди.

Табиатнинг қанчалик чиранганига, қайсарлигига қарамай, май байрамига қадар экиш тугалланди. Республика партия ташкилоти, область партия ташкилоти, унинг бюроси яратиб берган ишчанлик, талабчанлик билан уйғунлашиб кетган осойишталик вазияти, кундалик кўрсатилаётган амалий ёрдамлари бизларга жуда катта мадад бўлганди.

Бу йилнинг юки оғир, вазифалари улкан, мураккаб, чигит экиш, ундириб олиш қарийб бир ойга кечикди. Пахтакорлар баҳор, тинчлик байрами — 1 Майни чинакам меҳнат байрамига айлантириб юбордилар. Ҳеч кимнинг юзида зорланиш, умидсизлик кўринмасди, кишилар-

нинг руҳи тетик, ишончи бутун, кайфияти баланд. Баҳор ўз кучига кириб, оламни яшил либосга буркаган. Эртаги ўрикларда довуччалар кўриниб қолди.

Ҳар замон, ҳар замонда ер-кўк момақалдироқдан ларзага келарди. Паст булутлардан узилган тасма ергача етади. Бари бир даланинг ҳусн-чиройи кундан-кун ошиб боради. Зовурлар, йўл четигаги бағриқон қизғалдоқлар, нафис қўнғироқларини осиб олган чучмомалар ажойиб бир манзарани кашф этади. Тўрғайлар само кўксига муаллақ чарх уриб, меҳнат мадҳини куйлайди. Далаларга яшил гилам ёйиб қўйилгандай. Қарталарда тракторлар ҳам кўпайиб қолди.

Шундай кунларнинг бирида Дадажонов номли совхознинг Абдулла Мустанов бошлиқ 4-бригадасига ўтиб қолдик. Қарта ўртасида уч киши юрарди. Бир чопиқ трактори майдондан чиқиб, физиллаб кетиб борар эди. Қарта ўртасида юрган кишилар баҳслашгандай бири-бирига ниманидир уқтиришарди. Совхоз бош агрономи Эсиргап Қодирқулов бригадирга ҳам, Мустановга ҳам куйиб-пишиб тушунтиради:

— Бу пахтани бузиш увол-ку! Иккитадан чин барг чиқарган-а, гектар бошига 80 мингдан ошиқ кўчат!

— Машина теримини ўйлапмиз, сийрак жойда пахта тўкилишини биласиз-ку, ўртоқ агроном,— Абдулла Мустанов истамагандай агрономга жавоб қилди.— Биз ҳам ҳосил деб юрибмиз.

Чиндан ҳам гўза ниҳолларининг озгина сийраклигини ҳисобга олмаса, ривож яхши, бузишга ҳеч кимнинг ҳам кўзи қиймас эди.

— Қаторига ёки ёнбошига экиб, тўлдириш керак, шу кўчатларни бузишдан олдин эга бўлишнинг ўзи қийин-ку,— гапга аралашдим. Менинг фикримга бош агроном ҳам қўшилди. Шундай бўлгандан кейин бўлим бошқарувчисининг, бригадирнинг кўнмасдан иложи қанча. Шу картага дарҳол культивация тушириш, ўғит бериш, қатор ораларига экишга келишдик.

Бундай баҳслар, тортишувлар ҳамма совхозларда, бўлимларда учраб турарди. Сабаби, баъзи бўлим раҳбарлари, бригадирлар, бирданига текис, қийғос кўчатга эга бўлишни истар, бунинг бирдан-бир йўлини бузиб экиш деб биларди.

Мутахассислар қатор ораларига ишлов бериш, ортиқча намга қарши ўғитни кўпроқ солишни тавсия этишди. Партия ташкилотлари, ишчилар комитетлари томонидан кун талабига мос шиорлар, жанговар варақалар ташкил этилди. Жонли суҳбатлар ҳам ҳаммаси ана шу талабга мослаштирилди.

Райкомда ҳам, бошланғич партия ташкилотларида ҳам, совхозларда ҳам иш аввалгидай давом этарди. Жуда кўпчилик кадрлар, мутахассислар чинакамига жонбозлик кўрсатиб ишлашарди. Берилган топшириқларни эрта-кечи бажаришга жадал киришиб кетарди.

Райкомнинг бюро аъзолари хўжаликларга тарқалишиб кетган эдик. Мен К. Раҳимов номли совхозга биркитилган эдим. Райкомдан сим қоқиб, обкомнинг биринчи секретари ўртоқ Боймиров телефон қилганини айтишди. Қандай топшириқ берилганини ҳеч ким аниқ билмади. Ўртоқ Боймиров бизнинг районга келган, «Октябрь 50 йиллиги» совхозида бўлса керак, дейишди. Бир оз ноқулай аҳволга тушдим, ўша совхозда қарийб 300 гектар майдонга лой баҳонасида ҳанузгача чигит экилмаган эди. Ер етилганми, йўқми ўзим оралаб кўрмаган, директорнинг ахборотига ишониб қўя қолган эдим. Баъзан эса бундай ахборотлар бир оз оширилган бўларди.

Ўртоқ Боймиров совхоз директори, бош агрономи билан 4-бўлимда бетон канал устида суҳбатлашиб турган эди. Экилмаган майдонлар тўғрисида ҳеч нарса демади. Қаналнинг ёмон тозаланганлигини

ҳаммамизга кўрсатди. Коллекторнинг қамиш босиб ётганига ишора қилиб:

— Чигит экиш шунча кун турган экан, яна бир-икки кун турар, лекин каналдан сув юрмаса ёмон, коллектор ишламаса ёмон. Ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш чорасини кўриш лозим.

Ўртоқ Боймиров мен келгунча ишлар ҳақида гаплашиб бўлган экан. Жўнаб кетдик. Ленин номли, «Комсомол» совхозларини кўрдик. Ҳамма жойда карта четларини ерга қўшиш, коллекторларни тозалаш, дренажларни ювиш, сув йўлларини яхшилаш энг муҳим эканлигини қайд қилди. Дарҳол ғўзага ишлов бериш, ниҳолларни озиклантириш зарурлигини уқтирди.

Область партия комитети секретарлари, бюро аъзолари ҳаммани йиғилишларга чақиравермасдан тез-тез хўжаликларда, одамлар орасида бўлиши, фойдали маслаҳатлар, баъзан туғилган масалаларни тезкорлик ила ечишлари хўжалик раҳбарларини ҳам, райком раҳбарларини ҳам ҳушёр қилиб турарди. Ишларнинг малакали ҳал бўлишига жуда катта ёрдам берарди.

Кундалик хабарларда юз фоиз кўчат олинди, мунча майдонга ишлов берилди, мунча ўғит солинди деган маълумотлар ҳам пайдо бўлиб қолди. Илғор хўжаликларда дастлабки парваришлар ҳам туғалланди.

Обкомнинг иккинчи секретари Евгений Александрович, обком комсомолнинг биринчи секретари Зухра Болтабоевалар кун бўйи пахтакорлар, механизаторлар орасида бўлишди. Улар хўжаликнинг кўпчилик бўлимларида ғўза қатор ораларига ишлов беришнинг дуруст бораётганидан мамнун. Бир қатор бригадаларда ниҳолларнинг ёрдамга муҳтож бўлиб, қатқалоқ остида ётганидан, қатор ораларини тўлдириш учун бирор тadbир амалга оширилмаётганидан ранжишди. Бундай камчиликлар ҳамма хўжаликларда ҳам учраб турарди. Баъзи раҳбарлар ишнинг кўзини билмаганлиги, нўноқлиги оқибатида мавжуд механизмлардан ҳам ёмон фойдаланар эдилар.

Бунинг устига оби-ҳаво ҳали ҳам юришмаганди. Ёмғир томчилаб қўяр, офтобдан одамларнинг елкаси ҳали бирон марта қизимаган эди.

Кун пешиндан оққанда, биз «Комсомол» совхозининг Умрзоқ Игиликов бошлиқ бўлими даласида ғўза кўчатларини кўриб юрар эдик.

— Анави булутларнинг чиройлилигини қаранглар,— деди Зухра Болтабоева кўкда яна пайдо бўлган булутларга ишора қилиб кўрсатар экан.— Чиндан ҳам жуда ажойиб-а!

Булутларга биз ҳам қарадик. Улар кечки қуёш нурларидан худди қорли тоғларга ўхшаб, осмоннинг бир четини босиб келарди.

— Чиройли булутга ўхшамайди,— деди ўртоқ Клемёнов,— бир балони келтирмаса эди.

Картадан чиқиб, дала шийпонига етганимизда йирик-йирик томчилар туша бошлади. Кўп ўтмай ерлар лой бўлиб, ўша «чиройли» булутлардан чўзилган тасмалар ерга уланиб кетди.

— Мана сенга чиройли булутлар!— деди ўртоқ Клемёнов.

Дала шийпонидаги баримизни дилимизга ғашлик чўкди. Раҳбарларни кузатиб, бошқа совхозлардан хабар олишга шошилдим. Ёмғир кучайди. Машинанинг ойна тозалигичи томчиларни тозалаб улгуролмасди. Оламни момақалдироқ тутганди. Эгри чақмоқ атрофни бир ёритиб, ер қаърига кетди. Кўп ўтмасдан ёмғир томчиларига дўл аралашди. Макка донидан каттароқ, жовпазак ўрик довуччаларидек келадиган муз парчалари шиддат билан машинага уриларди. Асфальт-

да гўё сув ичида кетаётгандек эдик. Жиззах — Гагарин йўлига чиққаннимизда шофёр йигит юриб бўлмайди деб менга қаради. Машинани тўхтатишга мажбур бўлдик. Ёмғир аралаш муз парчалари гўё девордай бўлиб, беш метр наридаги масофани кўрсатмасди. Йўлнинг ҳамма жойидан, қирдан ҳам, сойдан ҳам баб-баравар бир қарич сув оқарди. Машинадан ташқарига чиқдик. Шу лаҳзаёқ ҳовузга шўнғиб чиққандай бўлиб қолдик. Негадир бирдан руҳим тушиб, бутун аъзои-баданимга игналар санчилгандай туюлди. Шу алпозда Абай номли, Рокоссовский, Конев, Дадажонов номли совхозларни кўриб чиқдим. Ҳамма ерда аҳвол оғир эди. Ёмғир озроқ томчилаган, тракторлар ишласа бўладиган далалар кам эди.

Тунда дала айланиб юрар эканман, Ленин номли совхоз директори Неъмат Исроиловни учратдим. Каналга тушиб чиққандай ҳамма ёғи жикқа ҳўл, ўзи ҳорғин эди.

— Ҳамма карталарга тушди,— ютингандай алам билан деди у. Балки кўзида ёш бўлгандир, тунда кўринмасди. Менинг аҳволим ҳам уникидан дуруст эмасди. Дўл тўхтаган бўлса-да, йирик ёмғир томчилари ҳамон шиддат билан саваларди.

Районнинг ҳам ҳамма жойига тушди,— дедим уни юпатгандай бўлиб. Хомуш, индамай бир оз турдик-да, хайрлашдик. Совхоз директорлари, райкомнинг бюро аъзолари жала тушган жойларни аниқлаб, хабар бериб, телефон қила бошладилар. Дастлабки маълумотларга кўра Дадажонов номли, «Комсомол», «Октябрь 50 йиллиги» совхозларининг, холос, бир қисми омон қолган эди. Ҳамма нарсага бефарқдай стулга чўкиб ўтирар эдик. Хаёлим қаерларда кезиб юрар, ўпкам тўлиб келарди.

Тунги соат бирлардан ошганда ўртоқ Боймировга ёмғир, дўл ҳақида қисқача ахборот бердим. Ўртоқ Боймиров зарарланган майдонларни суриштирди. Одамларнинг руҳини кўтаришни, ваҳимага тушмасликни, эрталаб ўзи келишини айтди. Район активлари тунда райкомда йиғилишди. Райкомнинг бюро аъзолари бошчилигида хўжаликларга тарқалиб кетишди. Совхозларда ҳам ҳамма йиғилиб, бўлажак ишларнинг режасини белгилашаётган эди.

Областан раҳбарлар, мутахассислар келишди. Тунги жалада зарар кўрган ҳамма карталар кўриб чиқилди. Кечагина яшил майсага бурканиб турган далалар улкан кўлни, суви тошиб, қирғоқларни босиб кетган дарёни эслатарди. Кўпгина жойлардан йиғилган сув карта четларини бузиб, жар қилиб кетганди.

Азамат дарахтлар ағдарилиб, йўлларда кўндаланг, симёғочлар қулаган, телефон симлари узилиб, хўжаликлар билан алоқа узилганди. Чиқиб кетадиган жой йўқлиги, йиғилган сувларни ўтказиб улгурмаганидан коллекторлар лиммо-лим сувга тўлиб кетган эди. Кўп дала шийпонларининг томи очилиб қолган, эшик-деразалари чил-парчин бўлганди. Ун саккиз минг гектардан мўлроқ майдондаги гўза ниҳолларини жала, дўл барбод этганди.

Ҳамма далага киқди. Тракторлар тинмай ариқ қовлар, кучли насослар, минглаб кишилар карта ичидаги сувни қочирарди. Умумий аҳвол ниҳоят даражада аянчли эди. Совхоз директорлари, айниқса бош агрономлар одамлар олдида ўзларини маҳкам тутишга уринсалар ҳам айримларининг кўзида ёш кўринарди. Ваҳимага тушиб, умидсизланиб, бошқа районларга кетмоқчи бўлган, ҳатто, кетган бригадирлар ҳам бўлди.

Обкомнинг биринчи секретари ўртоқ Боймиров деярли ҳамма хўжаликларда бўлди, аҳвол билан танишди:

— Анчагина зарар қилибди, кишиларнинг кўнглини кўтариб, руҳини тетик қилиш керак. Довдирамасдан, ақл-идрок билан иш кў-



риш зарур бўлади. Илкониётдаги ҳамма ёрдамларни кўрсатамиз. Сиз ҳам шошиб қолган кўринасиз, Хўжам Исроилович. Бу тадбирларни сиз бошқаришингиз керак. Районнинг ҳамма активларини шу офатнинг оқибатларини бартараф этишга сафарбар қилиш керак.

Шундай вазиятда обком секретарининг бирга бўлиши, маслаҳати, ниҳоятда катта ишонч ва мадад эди.

Далада тўпланиб қолган сувларни қочириш энг биринчи вазифа бўлиб қолган эди. Партия ташкилотлари секретарлари, хўжалик раҳбарлари, мутахассислар, комсомол-ёшлар, ҳатто мактаб ўқувчилари ҳам далага чиққанди. Мутахассислар ҳисобига кўра, икки соат ичида 44 миллиметр ёмғир, 66 миллиметр дўл ёққанди. Бу ҳажмдаги ёғингарчилик бизнинг шароитимизда қарийб ярим йиллик нормага тенг эди.

Табиий офат оқибатларини тугатиш йўлида олиб бораётган жиддий курашда энг аввало, область партия комитети, унинг бюроси, область ижроия комитети бош-қош бўлишди. Муҳим тадбирларни амалга оширишда саноат, транспорт ташкилотлари, «Джизакспенстрой» бошқармаси ёрдам беришди. Дала шийпонлари, ишлаб чиқариш биноларини тезда ремонт қилиб, алоқа йўлларини тиклаб, энергия билан таъминлаб беришди. Ғаллаорол, Бахмал, Жиззах райкомлари зарур бўлса, ҳар қандай ёрдамга тайёр эканликларини шу кечасиёқ билдиришган эди.

Табиий офат оқибатларини тугатишда бизга ҳамма дўстларимиз чинакамига ёрдам кўрсатишди. Тошкент шаҳар Октябрь райкомининг биринчи секретари Ҳожиакбар Тўхтаўжаев шу куни эрталабдан оқ етиб келди. У билан бирга механизаторлар, қанча техника воситалари ёрдамга келди. Республика министрлик ташкилотларидан, Москвадан, энг юқори раҳбар органлардан ўртоқлар келиб, аҳвол билан танишди. Тезда амалий ёрдам кўрсатиш чораларини кўришди.

Шундай кунларда КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Шароф Рашидович Рашидовнинг аҳволимиздан хабардор бўлиб, телефон қилгани катта мадад бўлди. У киши: «Табиатнинг инжиқликлари, офатлари бўлмайди, деб ҳеч ким ишонтира олмайди. Гап ана шундай мураккаб вазиятда тадбиркорлик билан иш кўра билишдадир. Партия ташкилотининг кадрлари худди шундай курашларда чиниқади, тобланади. Омгани қийин шароитда етаклай билиш кадрларнинг қобилиятига, маҳоратига боғлиқ», деди.

Ўртоқ Рашидовнинг маслаҳатлари пахтакорларимизнинг, деҳқонларимизнинг қалбига малҳам бўлди, уларни шижоат билан меҳнат қилишга ундади. Партия ташкилотларининг жанговарлигини кучайтирди, кадрларнинг ғайратини оширди. Далада табиий офатларнинг оқибатларини тугатиш учун курашаётганларнинг қай бири билан суҳбатлашманг руҳи тетик, ишончи қатъий, партия, ҳукуратимизга чексиз миннатдорчиликларини изҳор қилишар эди. Аҳвол ғоят оғир бўлса ҳам ҳеч кимнинг ногинани эшитмас эдик. Ватанимиз қудрати, дўстлигимиз қудрати, кўрсатилган амалий ёрдамлар, партия ташкилотларининг омгани эргаштириб, сафарбар эта билиши, ҳал қилувчи курашда коммунистларнинг, комсомолларнинг ўрнатилган кўрсатиши, пахтакор ва механизаторларнинг шижоат билан меҳнат қилиши эвазига табиий офат ҳам чекинди.

Эндиги вазифа беш кун — бир ҳафта ичида яна бошқатдан чигитни экиб, ундириб олишдан иборат бўлди. Бу осон иш эмас. Экиш агрегатларини қайтадан тиклаш, сеялкаларни қайтадан тақиш, ерларни экишга тайёрлаш — буларнинг ҳаммаси катта ташвиш, қўшим-

ча харажат. Бунинг устига уруғлик чигит ҳам тамом бўлиб қолганди. Вақт ҳаракатдаги лентадек тез ўтиб борар, пахтанинг умуман кечикиб кетиши хавфи ҳукм суларди. Тезпишар навли чигит бўлса айни муддао, лекин топиш муаммо!

Бу масаланинг ҳал этилишида ҳам партия, ҳукумат — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Министрлар Совети катта ёрдам берди. Пахтанинг тезпишар 47-27 нави ҳаво лайнерлари орқали Озарбайжон пойтахти Боқудан келтирила бошланди. Ана шундай ғамхўрлик, дарҳол кўрсатилган ёрдам кишиларни руҳлантириб юборди. Ҳар кимнинг ҳам кўпроқ меҳнат қилгиси келарди.

Май ойининг ўрталарида бўлса керак, Пахтакор район маданият саройида ЎзССР Министрлар Советининг раиси ўртоқ Н. Ж. Худойбердиев иштирокида обкомнинг кенгайтирилган ўртоси бўлиб ўтди. Кун тартибида бўлиб ўтган табиий офат оқибатида юз берган камчиликларни бартараф этиш, чигитни ундириб олиш вазифаси турар эди.

Мутахассисларнинг фикрлари тингланди. Райком секретарларининг ахборотлари эшитилди. Дала ишларини ташкил этишда нўноқлик қилаётган баъзи раҳбарларнинг камчиликлари кўрсатилди. Қайта экиладиган майдонларга чигитни тезда қадаш, омон қолган ғўза ниҳолларига ишлов бериш чоралари белгилаб олинди.

Обкомнинг бюросига иситмам ошиб боргандим. Буни раҳбарлар ҳам сезиб туришарди. Шунинг учунми менга гап камроқ бўлди. Тунги соат учларда районга ўртоқ Худойбердиев, обкомнинг секретари Муқим Ҳасановлар билан бирга қайтдик. Улар мени мажбур қилиб уйга жўнатишди-да, ўзлари райкомда қолишди. Мен уйга бормасдан бошқа томондаги совхозларга кетдим.

Тонг ёриши билан далага чиқиб кетган ўртоқ Худойбердиев, Муқим Ҳасанов ҳамма хўжаликларда бораётган ишлар билан танишиб, соат ўнларда райкомга қайтиб келишди. Улар баъзи хўжаликларнинг ишидан мамнун, ранжиганлари ҳам бор эди. Йўл-йўлақай ишларни янада тезкорлиги ҳақида маслаҳатлар беришди. Халқимизнинг «бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар» деган нақли бор. Чиндан ҳам табиий офат келтирган қийинчиликларга қарши курашда ҳамма катта-кичик, ёшу қари бирлашган эди. Улар бажарадиган вазифаларни суриштириб ҳам ўтирмасдилар. Қимга нима топширилса дарҳол бажаришга киришиб кетар, жон-дидан берилиб ҳаракат қиларди. Бирлик билан ҳамжиҳатлик, дўстлик билан амалга оширилган тадбирлар тезда натижасини кўрсатди.

Далани айланган киши пахтакорнинг аҳиллик билан, идрок билан иш кўриб, табиий офатдан келган жуда катта қийинчиликларни бартараф қилаётганига гувоҳ бўларди. Ҳамма далаларда зудлик билан ишлаётган тракторлар, карта бошига тез-тез бориб келаётган агрегатлар, кечагина кўлоб бўлиб ётган сув ўрнида чигит қадалган далаларни кўрарди. Тракторлар тунда ҳам тинмасди. Тун пардасини ёриб бораётган «олов кўз»лар ҳар бир картада учраб турарди.

Офат чекинди. Инсон қудрати, одамларнинг ақл-заковати табиий офатдан кучли чиқди.

Воқеалар кечмиш Дўстлик райони тарихи унча узоқ эмас. Тўққизинчи беш йиллик тенгдоши бўлган бу район янги ўзлаштирилган ерларда қад кўтарган совхозлар замирида барпо бўлган.

Район шу қисқа тарихида илгари ҳам қурғоқчилик, ялпи бўлмаса-да, қисман жала, дўл ювиб кетиш ҳоллари бўлган. Асрий чўлнинг кўксига тиф қадаб, унинг исканжасидан ерларни тортиб олиб ўзлаштирган, ҳаёт берган, дур ундирган оташқалб чўлқуварлар ана шундай курашларда тобланган эдилар. Ҳар доим ҳам, дўстлик, ўртоқлик

руҳи меҳнатга ҳамоҳанг эди. Бу бежиз эмас. Ушбу районнинг ўзида 48 миллат ўғил-қизлари елкама-елка туриб, боғу бўстон яратмоқда эдилар.

Ҳар йили гектар бошига сурункасига 40—45 центнердан ҳосил етиштириб келаётган Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тўлан Дадажонов, Ислоҳ Абдуллаев, Аҳмад Музаффаровлар бахтини чўлдан топишди. Хўжаликларнинг синалган ташкилотчилари Охунжон Отажонов, Намоз Холиқов, Маматқарим Қулжонов, Қаршибой Баратов, Қўчқор Эгамбердиевларнинг номлари республикага тарқалди. Улар қатор йиллар давомида йирик бўлимларга бошлиқ. Етиштирилган пахталарини бир жойга хирмон қилса Молгузар тоғидан ҳам баланд бўлиши турган гап. Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди деганларидек ана шу азаматлар ҳосил учун курашнинг биринчи сафларида. Пахта одамларнинг юрагида, қалбида, тилагида! Улар пахта-ни ўз боласидек кўрадилар.

Ленин номли катта хўжалик бошлиғи Неъмат Исроилов жала кунлари бир воқеани сўзлаб берганди:

— Жала қуйиб кетгандан кейин кечаси далани айланиб келаётган эдим, соат тундаги иккилар чамаси бўлса керак. Йўл четидаги лотокнинг нариги тарафидан кимнингдир овози эшитилди. Тўхтадим. Машинадан тушиб қулоқ солсам, карта ўртасида бир киши юргандай, биров билан суҳбатлашгандай. Яқинроқ бордим, чиндан ҳам у суҳбат қураб эди.

— «О, жонгинам, ниҳолим, омон қолдингми, жала-офатдан азият чекдингми, озуқа бераман, ишлов бераман, қалбим ҳарорати билан иситаман, ардоқлайман... Жонгинам пахта».

Карта ўртасида лой кечиб, сув кечиб ёлғиз суҳбат қуриб юрган киши бригада бошлиғи Эргаш Турсунмуродов экан.

Биз ҳаммамиз бутун жисмимиз билан пахтақормиз. Уша кунлари ҳар биримиз ниҳолларни қалбимиз ҳарорати билан иситишга тайёр эдик.

Инсоннинг куч-қудратига, унинг шижоатига тан бергандай табиат бўшашиб, кунлар юришиб кетди. Аммо йўл четидаги дов-дарахтлар яшил либосини ечиб ташлагандай ёки уйқусидан турмагандай, яқиндагина бўлган машъумликдан хабар бериб турарди. Баҳор тугаёзганига қарамай дарахтлар яланғоч, хунук қиёфада эди. Офатдан катта майдонлардаги буғдой, арпа, бедазорлар ҳам бағрини ерга бериб ётиб қолган эди. Гуллаб ётган қовун-гарвуз палаклари, сабзавот экинларининг ҳам умри тугаганди.

Келган зарарларнинг ҳаммасини пулга чақса, жуда катта маблағ. Бунинг ўрнини қоплаш, офат оқибатларини тугатиш кўп чўзилмай ечилди. Республика партия ташкилоти, ҳукумати томонидан жуда тез тадбирлар кўрилди. Омани сафарбар этиш, осойишта вазият яратишда ғоят катта ташкилотчилик намуналарини кўрсатган область партия комитети чинакам жанговар штабга ўхшарди. Энг аввало, кишилар ўртасида ваҳима, умидсизлик, ишончсизлик каби ҳисларнинг мутлақо йўқотилиши, бирдамлик, ҳамжиҳатлик, комил ишончининг барқарор қилиниши — чинакам ғалаба эди.

Сўзлаб берсанг ишониб бўлмайдиган даражадаги қийинчиликлар чиндан ҳам бартараф этилган эди. Сеялка судраган чопиқ тракторлари либосларини яна алмаштириб, картага қайта киришди. Улар энди яшил тасмадек тизилган нимжонгина ниҳолларнинг тагини юмшата бошлади.

Партия, совет ташкилотларими, хўжалик раҳбарларими, мутахассисларми, бир сўз билан айтганда ҳамманинг олдида улкан бир

вазифа, пахтанинг кечикиб кетган муддатини қисқартириш. Энди, қандай бўлмасин, ернинг ҳароратини кўпайтириш, ниҳолларнинг ўсишини тезлатиш ҳар бир пахтакорнинг истаги эди. Карта четларида катта-катта чириган гўнг уюмлари пайдо бўла бошлади. Зараркунандаларга эса шафқатсиз кураш эълон қилинди. Ғўзага ишлов бериш кўпайиб, сифати ошди. Сувчилар, механизаторлар ўртасида жуда катта маслаҳатлар бўлди. Яхши ишга мукофотлар белгиланди. Иш нормалари, маош ҳажми қайтадан кўриб чиқилди.

Экиш-тикиш, қайта экиш даврида ҳам область партия комитети кадрларга катта ишонч билдиргани билан бир қаторда талабчанлиги ҳам ниҳоятда қаттиқ эди. Ана шундай иш услуби: кадрларга ишониш, фикр-мулоҳазаларини эшитиш, ташаббусини қўллаб-қувватлаш, хулосаларнинг адолатлилиги райкомларда ҳам, бошланғич партия ташкилотларида ҳам қарор топди. Обком бюроси аъзолари, пахтакорлар ишидан доимо хабардор бўлиб туришарди. Улар аҳвол билан танишиш учун келганларида, албатта далада ишлаётганлар орасида бўлишар, маслаҳатлар айтишар, камчиликлар учраса тузатиш чораларини кўришар эди...

Ёз келди. Ғўзаларнинг кўсаклари тўрт-бештага етиб қолди, кўк-ламги қийинчиликлар кўпларнинг хотирасидан кўтарилган. Обкомнинг биринчи секретари ўртоқ Боймиров Арнасой районидаги Конев номли совхоздан ўтиб, бизнинг Мамажон Дадажонов номли совхозга келди. Чегарадаги чорраҳада биз, Арнасой райкомининг секретари Аҳад Соибназаров, Дадажонов номли совхоз директори Қудрат Шербековлар билан анча суҳбатлашиб турдик. Бунда Дўстлик райкомининг иккинчи секретари Михаил Лим ҳам бор эди. Баъзи бир масалаларни Аҳад Соибназаровга уқтирар экан, ўртоқ Боймиров Шербековдан сўраб қолди:

— Аҳвол қалай, ўт босган жойлар йўқми? Арнасой районида жуда яхши ғўзаларни кўрдик, сифатли ишлов берилган майдонларда олтигадан кўсак санадик. Баъзи бир ўт босган жойларини ҳам кўрдик. Сизларнинг ишларингиз билан ҳам танишмоқчимиз!

Кун иссиқ бўлишига қарамай костюм кийиб олгандим. Пешонамдан мунчоқ-мунчоқ тер томчиларди. Ҳали ҳам унча қувватга кирмаганлигим ўзимгагина эмас, бошқаларга ҳам сезилиб турарди.

Қудрат Шербеков, обком секретари картама-карта юрармиди, деб ўйлаб:

— Ҳамма ишимиз жойида, ўт босган карталар йўқ,— деб ошириб жавоб қилдим.

— Ундай бўлса жуда яхши, кўрамиз,— деди ўртоқ Боймиров. Кейин менга қаради.— Сиз бекор келибсиз, тобингиз йўқ-ку, шунинг учун ҳам сизга хабар қилмагандим. Бориб дамингизни олинг, биз ўртоқ Лим, Шербековлар билан бирга бўламиз.

Аҳволим яхши, биргалашиб бораман, деб ҳар қанча уринганимга қарамасдан менга рухсат қилмади. Бари бир мен райкомга қайтмадим. Қосим Раҳимов номли совхознинг 7-бўлимида совхоз директори Умарқул Жўрақулов билан бир-иккита картани кўриб чиқдик.

Эрта кўкламда биринчи бор чигит қадалиб, қийғос кўчат олинган картада Умарқул Жўрақуловни учратиб суҳбатлашган эдик. Бунда обком секретари Муқим Ҳасанович ҳам бор эди. Ҳозир ўша картада уч хил кўчат бор эди. Чунки у уч мартагача бузиб экилганди. Бир жойда тўрт-бештадан, баъзиларида икки-учтадан кўсак бўлиши билан бирга эндигина кўсаклаётган ғўзалар ҳам бор эди.

Қуёш уфққа бош қўйди. Тракторларнинг овози тинди. Шийпонларда чироқлар ёнди. Райкомга келдим. Келгуси кун режаларини

тузиш керак эди. Тунда ўртоқ Боймиров телефон қилиб, Дадажонов номли совхозда, айниқса унинг тўртинчи бўлимида аҳвол ниҳоятда ачи-нарли эканлигини, дарҳол ушбу аҳволни яхшилаш чораларини айтди. Совхоз директори Шербековнинг масъулиятсизлигини, мавжуд аҳвол-ни билмаслигидан ранжиди. Тўртинчи бўлимда кўпчилик майдонлар-ни қамиш босиб кетган. Ишловсиз қолган ғўзалар ёввойи ўтлар таги-да қолган, чанқаган, ҳашаротлар кўпайиб қолибди. Тракторларнинг иши унумсиз, сифати ёмон. Бўлим бошқарувчиси Эргаш Жўраевнинг ниҳоятда беғам одам эканлигини, райкомнинг ҳам ана шундай аҳвол-дан хабарсизлигидан норози бўлиб сўзлади.

Аҳволни бирга кўролмаганимдан, ноқулай бир вазиятга тушдим. Ўртоқ Боймировга камчиликларни тезда бартараф этамиз деб ваъда бердим. У киши эртага келажагини, бошқа совхозлар иши билан ҳам танишиш истагани билдирди.

Шу кунларда ўртоқ Шароф Рашидов областимизга келди. Биз-нинг районда ҳам ҳамма хўжаликларда бўлди. Қишлоқ хўжалик иш-лари, айниқса ғўзаларнинг ривожини билан атрофлича танишди. Ҳосил тўплашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган муҳим тадбирларни бирма-бир маслаҳатлашди. Бир қатор совхоз, бўлим, бригадаларда амалга оширилаётган тадбирлардан мамнун бўлди. Ўртоқ Рашидов-нинг ҳар доимги пахтакорлар ўртасида бўлиши, партия, совет ходим-лари билан суҳбатлашиши, кишиларни чинакам руҳлантирар, ташаб-бусларига қанот бағишларди. Ҳар бир ишнинг тезроқ бажарилишига катта ёрдам бўларди. Пахтакорларнинг фикрларини тинглар, фойда-ли ташаббусларни, янгиликларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлар, уларни тўлдирарди. Буларнинг ҳаммаси ҳар биримизнинг дилимизни, қалбимизни қувончга тўлдирар, баракали меҳнат ғайрати бағишларди.

Ўртоқ Шароф Рашидович Рашидовнинг маслаҳатларини, кўрғаз-маларини амалга ошириш мақсадида барча бригадалар, мутахассис-ларни тўплдик. Райкомнинг кенгайтирилган бюро мажлисини ча-қирдик.

Кун тартибдаги масала аниқ. Ғўзаларга ишлов беришдаги нуқ-сонларни бартараф этиш, пахтанинг тезроқ пишиб етишиши тадбир-ларини кўриш эди. «Шунча қийинчиликлар, машаққатли кунлар кечирилишига қарамасдан барча майдонларда мўл ҳосил етиштири-лаётган бўлса-ю, баъзи бир хўжаликларда, бўлимларда ғўза парва-ришига лоқайд қаралса, экинларни ёввойи ўтларнинг исканжасига бериб, сувсизликдан қовжиратса, бу инсофдан эмас, албатта». Ленин номли совхознинг бўлим бошқарувчиси пахта етиштиришнинг ҳамма сирларини биладиган Охунжон Отажонов сўз олиб ана шундай аччиқ-аччиқ гапларни баъзи беғам кишиларга қарата айтди. Узининг тажрибаларини гапириб ҳам берди. Машҳур пахтакорлардан Тўлан Дадажонов, Ислон Абдуллаев, Аҳмад Музаффаровлар ҳам фойдали фикрлар айтишди. Мутахассислар, бригадирлар — барчаси деҳқонча-сига лўнда-лўнда сўз юритишиб, ҳосил тўплаш ғўза ривожидидаги қо-лоқликни тугатиш йўллари, ўзларининг ишлари ҳақида фикрлашиб олишди.

Механизаторлар, сувчилар — ҳосил тақдири шулар қўлида. Бу азаматлар қанча ғайрат кўрсатса ҳосил баракаси шунча ошади. Бу-ларга қулай шароит, меҳнат натижаларини кўриб бориш, мусобақа, уларни мукофотлаш каби тадбирлар ҳам белгилаб олинди.

Бўшашиб, иш тизгинини қўлдан бериб қўйган баъзи бўлим бош-лиқлари, бригадирлар йиғилишда роса қизаришди. Энг ажойиби — танбехларни ҳам, қизартиришни ҳам ўзларининг ҳамкасблари қилиш-ди. Юзимизни шувит қилманг, пахтаойини ранжитиб, тарвузбой билан апоқ-чапоқ бўлиб кетманг, деб роса «дўшпослашди».

Райком бюроси ўртоқ Рашидов кўрсатмаларини амалга олиб, пахтакорларнинг фикрларини умумлаштирди. Дала ишларидаги юз берган нуқсонларни баргараф этиш тадбирларини белгилади. Зарбдор ойлик эълон қилинди. Белгиланган қарорнинг бажарилишини назорат қилишда мутахассисларнинг вазифалари аниқланди.

Хўжаликни ҳар томонлама ривожлантириш ҳар доим муҳим масаладир. Ўртоқ Рашидов буни яна такрор-такрор таъкидлади. Деҳқончиликнинг пахтадан ташқари соҳаларини ривожлантиришда чиндан ҳам камчиликлар бор. Қовун-тарвуз, сабзавотнинг ҳосили дилдагидек эмас. Айниқса чорвачиликни ривожлантиришга, сутни кўпайтиришга эътибор пахтадагидек эмас. Бу ҳақда областда бўлиб ўтадиган йиғилишларда кўлаб, лекин жуда тўғри танқид эшитганмиз. Баъзан район партия комитетининг қабул қиладиган ҳужжатларида ана шундай раҳбарларнинг адресига қаттиқ танқидлар, чоралар ёзилиши фактлари ҳам бор.

Қанчалик тўғри эканлигига гувоҳлик беролмайман, «миш-миш» гап тарқалибди. Баъзи узоқни кўролмайдиган, деҳқонларнинг шижоатли меҳнатига ишонмайдиган кишилардан чиққан шекилли. «Табиий офатлар кўп бўлди, пахта бир ойдан кўпроққа кечикди, ҳарорат ҳам етарли эмас. Йилдаги пахта бўлмаса керак, айниқса Дўстлик районида план ҳам тўлмаса керак» деган мазмундаги гап эди. Бу нарса пахтакорларнинг ҳам, бизнинг ҳам иззат-нафсимизга тегди, дилимизни ранжитди. Кишиларнинг қаҳрамонона меҳнатини, партия-ҳукуматимизнинг доимий ғамхўрлигини, амалий ёрдамини кўрган киши бу гапларга ишонмас эди. Бизлар, райком бюро аъзолари, район ташкилотларининг раҳбарлари далаларда доимо бўлиб, ҳосил чўғини чамалаб кўрардик. Донгдор пахтакорларимиз билан суҳбатда бўлардик. Бораётган ишлар, тўпланаётган ҳосил, партия ташкилотлари амалга ошираётган тадбирлари бундай гапларнинг асоссиз эканлигини тасдиқлаб турарди. Нима бўлганда ҳам хунук гап кишининг дилини ранжитиб, ишдан совутади. Райкомнинг бюро аъзолари, мутахассислари, совхоз директорларидан Неъмат Исроилов, Умарқул Жўрақулов, Бойкенжа Холиқулов (у ҳозир янги ташкил қилинган Зарбдор район Совети ижроия комитетининг раиси вазифасида ишлаётир), Абдулла Муликков район бўйича карталарни қайтадан тафтиш қилиш, кўсақлар, ҳосил тугунларини ҳисоблаб кўриш, яна қўшимча ўғитлар бериш, чопиқ тракторларини эса дефолиацияга қадар карталардан чиқармасликни маслаҳат қилишди. Ана шундай қўшимча тадбирлар амалга оширилди ҳам...

Жазирама кунларнинг бирида Тўхтамиш Боймиров телефон қилиб ЎзССР Министрлар Советининг раиси ўртоқ Худойбердиев келажагини айтди. Биринчи масала чопиқ тракторларининг ишлови эканлигини ҳам уқтирди.

Бунинг сабаби баъзи хўжаликларда ғўза ўсиб, шохлаб кетганлиги баҳонасида тракторларни тўхтатиб қўйиш фактлари ҳам бор эди. Қўшимча ишлов бериб, ҳосил тўплаш, пахтани тезроқ пишириш зарурлигини унчалик тушуниб етмаган айрим кишилар шундай қилаётган эди. Бу йилги шароитда ғўзаларнинг ривожланишига қараб, ишлов беришни табақалаштириб ўтказиш талаб қилинарди.

Ғўза чеканқасини вақтида ўтқазиш, кўсақларнинг пишиб етилишини, пахта очилишини тезлаштириш тадбирларини кўпчилик бригадалар, бўлимлар, хўжаликлар вақтида ўтказмоқда эдилар. Чопиқ тракторларининг филдираклари кўриниб-кўринмай ғўза ичида секин сузарди. Карта оралаб ғўзаларни ёнбошлатиб қараганда тўлиқ кўсақлар «ман-ман» деб кўзга ташланарди. Ана шу кўсақлар, денгиздай мавжланиб турган далалар киши дилини қувончга тўлдираб, руҳини

енгил қиларди. Лекин бу йилнинг плани жуда салмоқли бўлганидан ҳали ҳам тупланган ҳосилдан кўнглимиз тўлмас эди.

Пахтакорларнинг, механизаторларнинг чинакам меҳнатлари зое кетмаган эди. Уларнинг маржон-маржон тўккан терлари, тунни кунга улаб ўтказган дамлари ғўза тупларида, шода-шода кўсақларда намоеён.

— Қани, аҳволдан ахборот беринг, пахтаининг аҳволи қандай? — деди ўртоқ Худойбердиев карта оралаб, совхоз директори Чўтбой Намозовга.

— Қанча трактор ишлаяпти, чеканка тамом бўлдими, ҳалиям пахтага сув қўйяпсизми? — Қатор саволлар билан у ғўза тупларини текшириб кўрарди. Чўтбой Намозовнинг бир оз шошганлиги жавобларидан сезилиб турарди.

— Чеканкани деярли тугатдик, — деди Намозов. — Ғўза ўсиб қолди, тракторларнинг ишлаши қийин бўлаётир.

Ўртоқ Худойбердиев совхоз директори Намозовга ҳам, менга ҳам чопиқ тракторларининг нақадар зарур эканлигини асослар билан тушунтирди.

— Кечагина обкомда шу масалада топшириқ бўлган эди-ку, — деди ўртоқ Боймиров, Чўтбой Намозов гапидан ранжигандай бўлиб, — нима учун тракторлар чиқиб кетар экан.

«Кўриб чиқамиз, тракторларнинг ҳаммасини ишлатишни ташкил этамиз», деб уринганим билан бари бир ўрнига ўтмайди, чунки далада тракторлар йўқ эди. Унинг устига чеканкада ҳам камчиликлар бор.

— Бу ишларни райком назорат қилмоғи зарур эди-ку, — деди машинада ўртоқ Боймиров. — Совхознинг ҳамма далаларида тракторларнинг ишлаши мумкин. Бошқа совхозларда ҳам шундайми?

— Бошқа совхозларда тракторлар ишлаётган бўлса керак, — деди ўртоқ Худойбердиев кулимсираб.

«Ишлаётир», деб айтганим билан аҳвол енгиллашмасди:

— Бизнинг камчилигимиз, — дедим. — Бошқа хўжаликларда ҳам шу совхозда ҳам тракторлар ишлаб турган эди. Қайтадан яна бир бор ташкилий чора кўрамиз.

«Октябрь 50 йиллиги» совхозининг 2, 4, 5-бўлимларида ғўзалар яхши ривожланган, бўлиқ бўлса ҳам чеканка аппаратлари тақилган чопиқ тракторлари карталарда секин юриб борарди.

Дала шийпони яқинида серқатнов йўл. Сарвқомат чинорлар, серсоя толлар, қатор арчалар кўм-кўк. Шийпон ўртасида лоток лиммолим бўлиб сув оқаётир. Беш йиллик мажбуриятни муддатидан олдин бажаришга ундайдиган шиорлар, партия, давлат арбобларининг суратлари, ҳовлида қип-қизил гулзор. Сал нарида уфққача бирлашиб кетган пахтазор бошланади. Радиодан куй таралади.

Қуёш гандирдай қиздирганига қарамай одамлар далада. Ишлови жойига келтирилган бир текис ғўзалар ҳосил баракасидан бир-бирига нозли суянишган, карта ораласангиз кўсақлари киши тиззаси билан уришар эди.

Бу картада культивация оби-тобида ўтказилган. Кўчат қалинлиги нормада. Чеканка ўз вақтида бажарилган, яхши ишнинг натижалари ҳар бир туп ғўзада кўриниб турарди.

— Шундай пахтадан районда неча гектар бор? — сўради ўртоқ Худойбердиев. Уйланиб қолдим. Кўп десам, ким билади, мақтангандай бўлардимми?..

— Нега овозингиз чиқмаяпти? — аҳволимни енгиллаштирди ўртоқ Боймиров. — Деярли совхозларнинг ҳаммасида ҳам пахталар шундай, Нормаҳанмади Жўраевич, фақат тракторларнинг кам ишлаётганлигини айтмас!

Тер елкасига чиқиб кетган, юзидан ҳам шаррос қўйилаётган бўлим бошлиғи Мурод Абдувосиев картанинг нариги чеккасидан етиб келди. Мен уни таништирдим.

— Майдонингиз қанча гектар? Сизда кўкламда бузилиб экилган ерлар йўқми?— сўради ўртоқ Худойбердиев.

— Шу картани ҳам икки марта бузиб экканмиз, кўпроқ чириган гўнг бердик. Культивацияни бир марта ошиқ ўтказдик,— деди Абдувосиев.

Ушбу бўлимдаги ишлардан мамнун бўлишди. Пахтакорга омад тилашди. Мен ҳам енгил тортиб, ичимдан хурсанд бўлдим.

Қатта лавозимдаги раҳбарларнинг келиши, пахтакорлар билан уларнинг суҳбати жуда яхши. Кишиларнинг ишига мадад беришади. Райком, ижроком, совхоз раҳбарларининг ҳушёрлигини оширади. Бунинг устига энг зарур бўлган масалалар тезда ҳал қилинади. Бу сафар ҳам худди шундай бўлди. Нормажанмади Жўраевич пахта термига боғлиқ бўлган кўпгина вазифаларни ечиб, ҳал қилиб берди.

Тунлар кетидан кунлар қувлашиб, куз ҳам келиб қолди. Осмонда мезон учди. Қовун-тарвуз шира тортди. Ҳусайни узумга асалари оралади.

Денгиздай тўлқинланиб турган кўм-кўк далаларнинг ҳам ранги ўзгариб қолди. Ҳосил салмоғидан бир-бирига ёнбошлаган ниҳоллар сарғайиб, эгатлар билинмайди. Кўпчилик карталарда пахта нишона кўрсатди.

Майдонлар устида ниначидай самолётлар кўпайиб қолди. Тез орада барглар тўкилиб, далалар тусини яна бир бор ўзгартира бошлади. Ҳамманинг орзиқиб кутган дамлари келди. Сермашаққат меҳнат маҳсули — пахта пишди.

Чаноғидан сутдай тошиб турган оқ пахта, момиқ пахта — «оқ олтин» бу! Замирида қанчадан-қанча амалга оширилган тадбирлар ётибди. Пахтакорнинг юзида лўппи очилган пахтасидай табассум, дилида қувонч, юрагида шодлик. Ҳамманинг ғайрати тошган, катта маърака арафасидагидек элда ташвиш. Комбизнесоң кийган чавандозлар улкан пойгага «пўлат от»ларини шайламоқдалар.

Энг масъулиятли, ҳамма ишлар тез амалга ошириладиган, ҳеч нарсани кечиктириб бўлмайдиган палла. Бундан кейин бутун иш: тушунтиришлар, кишиларга кўрсатиладиган маданий-маиший, савдо хизмати шу маъракага бўйсунадиган, яна қайтадан далага кўчиб чиқадиган кун келди.

Машина — деҳқон қаноти, дейдилар. Фақат қаноти эмас, уларнинг оғирини енгил қиладиган мададкори ҳамдир. Шундай буюк хирмонни қўл кучи билан яратиш мумкинми? Йўқ албатта. Қатта майдонларда пахта етиштириладиган чўл шароитида техникасиз, машинасиз марра кўзлашнинг ҳожати йўқ. Ҳар бир пахтакорга ўн-ўн икки гектар ер тўғри келади хўжаликларда машинанинг қанчалик зарурлигини сўзламаса ҳам бўлади.

Офтоб гўё пахтазордан чиқиб, пахтазорга ботаётгандай туюладиган кўз илғамас кенг майдонлардаги лўппи-лўппи очилган пахталар районимиздаги кўпчилик хўжаликларнинг ўнинчи ҳосилдир.

Буларга қараркан, кишининг хаёлига баъзи бир узоқни кўролмайди олимларнинг инсон ғайратига, меҳнатига, партия иродасига тушунмай — Мирзачўлни ўзлаштиришга сарфланаётган харажат қопланмайди, пахтанинг ҳосили ошмайди деган гаплари эсга келади. Буларнинг ҳаммаси ошиқча харажат, дейишган экан улар.

Меҳнатда бахтини Мирзачўлдан топганлар, қаҳрамонлик юлдузини таққан Тўлан Дадажонов, Ислоҳ Абдуллаев, гектаридан доимо



қирқ центнердан ва ундан ошириб ҳосил кўтараётган Қосимжон Отажонов, Ҳалимжон Қодиров, Сафар Бойсунов, Хайрулла Шоймардонов, Аҳмаджон Музаффаровлар, буларнинг ўнлаб, юзлаб дўстлари қотириб жавоб қилишди. Сурункасига 350—400 тоннадан ошириб пахта тараётган Сафар Бойсунов, Жўрақул Маматалиев, Гулжамол Усмоновлар ўринлатиб жавоб айтишди.

Эндиликда Мирзачўл харажатларнигина қоплаб қолмай, балки элимиз даромадини ошираётир, хазинасини тошираётир. Бу ҳақда гапириб, ёзиб адо қилиб бўлмайди.

...Пайқалдаги пахтанинг очилиши яхши. Далаларга борсанг, картадарга оқ пойандоз тўшаб қўйилгандай бўлса ҳам, совхоз директорлари, бир оз кутайлик, яхшироқ очилсин, машиналар фронт бўлсин, дея озроқ қайсарлик ҳам қилишарди. Чунки, пахта теримини ҳамма жойда жадал бошлаш, суръатни кучайтириш ҳақида область партия комитетидан келаётган топшириқлар ҳам мажбурийдай эмасди. Йирик тадбирларни амалга оширишда мустақиллик берилганини, бошқа ўртоқлар ҳам маъқулласа керак, биз эса жуда рози эдик. Ғўзаларни дефолиация қилишда ҳам, машина теримини бошлашда ҳам муддатлар райкомларнинг, мутахассисларнинг, хўжалик раҳбарларининг ихтиёрига ҳавола қилинган эди. Шундан хўжалик раҳбарлари ҳам хабардор бўлиб, ўзларининг муддатларини кутаётган эди. Бизлар ҳам машиналарнинг ҳаммасини тушириб юбориш, уларнинг ишларини тезлатиш ҳақида қаттиқ талабчанлик қилаётганимиз йўқ. Баъзи далаларда битта-иккита машиналарнинг тебраниб юришини ҳисобга олмаганда, улар команда кутгандай стартда турарди. Лекин хўжаликларда, райком, ижрокомда ҳам катта арафа ташвиши сезилиб турарди.

Тадбирлар тузиш, иш планларини белгилаш, теримга алоқаси бўлмаган ишларни оператив бошқариш мақсадида марказий штаблар тузилганди. Унинг составига киритилган кишиларнинг вазифалари ҳам белгилаб қўйилганди.

Иш ҳар кунги ахборотлар, маълумотлардан бошланарди. Маълумотлардаги рақамлар эса жуда ҳам кичкина. Ҳеч кимни қаноатлантирмасди. Ҳосил сербарака, кўп эди-ю, кўкламги қайта экишлар оқибатиданми, кўсаклар ёппасига очилиб етмаганди.

Далаларни, пахтанинг очилишини кузатиб, ўрганиб чиққан Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Йўлдош Раҳимович Қурбонов теримнинг кечикиб бораётганини таъкидлади. Бизнинг йиғим-теримдаги тадбирларимизни қувватласа ҳам, ҳамма совхозларда машиналарнинг ишлаши учун иш fronti борлигини кўрсатди. Ишни ташкил этишда жуда яхши маслаҳатларини, қатор районларнинг тажрибаларини сўзлаб берди. Буларнинг ҳаммаси — иш услуби, методини такомиллаштиришга, оператив бажарилишига катта ёрдам кўрсатарди.

Шу гапларни гаплашиб ўтирарканмиз, ўртоқ Қурбонов бирдан сўраб қолдилар:

— Теримнинг мазаси йўқ, қалай, ўғилларингиз сводка талаб қилмаяптиларми? Қайси бири эди?

Мен кулиб юбордим.

Воқеа бундай бўлган эди: 1977 йилнинг кузида райоимиз пахта тайёрлаш планларини ошиғи билан адо этган палла эди. Ёгингарчилик ҳаммани зериктирган пайт. Область планини бажаришга озроқ қолган. Райоимизда кундалик пахта тайёрлаш графиги бажарилмаган кун. Ўртоқ Қурбонов обком секретари Муқим Ҳасанов билан районга келган эди. Райком секретарининг хонасида ишни унчалик

ташқил эта олмаганлигимиз учун мени қаттиқ койиган эди. Муқим Ҳасанович ҳам, мен ҳам индамасдан турардик. Шу пайт эшик очилиб, хонага биринчи синфда ўқийдиган ўғлим Диёр кириб қолди. Мен бошқаларга билдирмасдан, тез чиқиб кет, дея ишора қилдим. Буни Йўлдош Раҳимович сезиб қолиб:

— Шошманг, нега ҳайдайсиз болани, нима деб келибди? Қани ўғлим, берироқ кел, қандай иш билан келдинг?— деб сўради.

У болача ҳам сводка сўраб келганини айтди. Йўлдош Раҳимович кулиб юборди. Менга сводкани беришни мажбур қилди. У болача эса сводкани акамлар билан кўрамиз, деб чиқиб кетди. Ростини айтганда ушбу вазиятда анча енгил тортиб қолган эдим. Уртадаги оғир вазият ҳам анча бўшайганди. Бу воқеа завқилигидан ташқари, терим пайтида республикамизнинг каттадан кичиги пахтакорга айланишини кўрсатиши билан диққатга моликдир.

...Бир неча хўжаликларнинг далаларида бўлдик. Далалар гўё оқ дурра ўраб олгандай. Лўппи очилган чаноқлар «кўз-кўз» қилиб, териб олмайсанми дегандай бўлиб турарди.

Юқори партия органлари раҳбарларининг топшириқлари ана шу етишган ҳосилни тезроқ йиғиб олишга қаратилган эди. Бу жуда ҳам ўрнида, вақтида бўлаётган эди. Хўжалик раҳбарларининг ҳам, бизларнинг ҳам юришимиз тезлашиб қолди. Терим машиналари ишга тушиб кетди. Моторларнинг гуруллаши далаларни тутди. Бункерга тушаётган пахталар лайлак қорга ўхшайди. Тепага отилаётган чанг пайкал устида тумандек муаллақ турарди. Пешонаси танғилган «чавандоз»ларнинг суҳбатга вақти йўқ.

Сводкаларга ҳам барака кирди. Тонналар мингдан ошиб, процент рақамлари ҳам 3—4 га чиқди. Бу йиғим-терим кўкламдаги жала билан, офат билан курашда ундан устун келиб, айтиш мумкинки, унинг устига экиб етиштирилган ҳосилнинг йиғим-терими эди. Ҳар галгидек пешқадам Ленин номли совхоз механизаторлари терим суръатини кун сайин оширарди. Раҳимов, Саркисов, Дадажонов номли совхозларнинг «пўлат от» суворийлари ҳам ким ўзарга пойгалашмоқда.

Штаблардаги телефонлар тинмайди. Улар ҳар бир хўжаликдан ҳар икки соатда хабар олишади, юқори ташкилотларга маълумот беришади. Йўлларда пахта юклаган трактор-поездларнинг охири кўринмайди. Транспорт тракторларини бошқараётган шоввозлар ҳам механик-ҳайдовчилардан қолишгиси йўқ. Улар тўрт-олти, ҳатто саккиз тележка-арава тиркаб, пункт томон ошиқади. Қайтишда эса, саккиз-ўн, ўн икки бўш аравани тортиб, пайкалга шошади.

Ҳар бир мавсумнинг ўз ташвишлари бор. Аммо, терим мавсумининг ташвишлари ўзгача. Бунда ҳамма нарса ўйланган, одамларнинг бажарадиган ишлари аниқ белгиланиб берилган бўлади. Ҳамманинг фаолияти райком ишлари ҳам, ижрокомнинг вазифалари ҳам, бошланғич ташкилотларнинг ишлари ҳам унга бўйсундирилган бўлади. Ҳамма хизмат қайтадан далага кўчади. Ҳаваскорларнинг рақс-қўшиқлари ҳам пайкалларда, машиналарнинг ёнидан ўтади. Радио, газета мухбирлари аввалгидек зарур рақамларни идоралардан ахтармасдан, пайкалларда механизаторлар ўртасида тўплашади.

Илғор кишиларни топиш жуда ўнғай. Мана, денгиздай мавжланиб турган пахтазорларда сузаётган терим кемалари пештоқидаги қизил байроқчалар уларни кўрсатиб туради. Бункерларда юлдузчалар пайдо бўлади. Хўжалик, бўлим марказларида кўргазма тахталар, терим илғорлари шаънига меҳнат шўҳрати байроқлари кўтарилади. Буларнинг ҳаммаси илғорлардан хабарчи.

Меҳнат курашининг олдинги сафида бораётган азаматлар, идрокили иши, баракали натижаси билан оммага намуна бўлаётган дала

қахрамонлари кечқурунлари райком штабини гавжум қилишади. Пахта теримига боғлиқ бўлган масалаларнинг ҳаммаси шу ерда ечилади. Штаб чироқлари тунги соат иккиларгача ўчмайди. Ҳар куни кечқурун соат тўққиздан ўнгача бир группа инженерлар келишади. Уларнинг вазифалари эртадан кечгача пахта терган машиналарни кўздан кечириш. Улар ўзлари билан бирга эҳтиёт қисмлар юкланган махсус машина, электропайванд агрегати олиб юришади.

Бир хўжаликда бир кунда саккиз-ўн малакали инженер бўлгандан кейин уларнинг ёрдами дарров кўринаркан. Инженер гуруплари деярли ҳамма масалаларни чўзмай ҳал қилишади. Шунинг учунми, совхоз директорлари, жойларда ёрдам кўрсатиш учун биркитилган райком бюро аъзолари группани сўраб, штабга тез-тез телефон қилиб туришарди. Инженерлар группаси раҳбарлари терим машиналарининг техник ҳолати, терим сифати ҳақида кечқурун тўлиқ ахборот беришарди. Уларнинг ахбороти асосида эртанги ишларни режалари ҳам белгиланиб олинарди. Худди шунингдек, медицина хизмати, савдо, маиший хизмат кўрсатиш гуруплари ҳам далада амалга ошириладиган тадбирлари тўғрисида ахборот беришарди.

Тайёрлов пунктларида пахта қабул қилиш тун ярмидан ўтиб кетгунга қадар ҳам давом этарди. Тунги соат ўн икки, бирларда топширилган пахта ҳисоблаб кўрилиб, область штабига хабар бериларди. Шундан кейин ҳам марказий штаб аъзолари совхозларга жўнаб кетишарди.

Мавсумнинг ташвишлари жуда кўп. Бирор хўжаликда пахта топшириш кечаги кундан озроқ бўлиб қолса, баъзи хўжалик раҳбарлари транспорт ишламай қолди, электр ўчиб қолди, тележкалар бўшатилмай, далада пахта қолиб кетди, деб баҳона қилишарди. Шунинг учун ҳам пунктлардаги механизмлар узлуксиз ишлаб туриши, пахта қабул қилинишининг тўхтаб қолмаслиги доимо қаттиқ назорат қилиниб туриларди. Бу ишларни ҳам райком штаби томонидан белгиланган жанговар раҳбарлар бажарарди.

Қабул пунктларида деярли ҳар куни бир томондан совхоз ходимлари, иккинчи томондан пункт одамлари ўртасида жанжаллар бўлиб турарди. Скидка кўпайиб, намлик ошиб кетгани, пахта кўп қайтарилаётгани хусусида бўларди бу тортишувлар. Уларни ҳам ўз вақтида бартараф этилмаса, шубҳасиз, терим суръатига таъсир кўрсатарди.

Теримнинг авжи палласида обкомнинг иши ҳам тўғри ташкил этилганди. Обкомга чақиришлари жуда кам бўлди. Область миқёсида кўп бўлиб турадиган узун-узун йиғилишлар тартибга келиб қолди. Бунинг таъсири районларга ҳам кўчди. Раҳбарларнинг ҳам, мутахассисларнинг унумли ишлашларига қулай вазият яратилди. Обкомнинг биринчи секретари, ўртоқ Боймировга ҳар куни эрталаб соат саккиздан сал ўтганда ахборот берардик, йўл-йўриқлар олардик.

Қосим Раҳимов номли совхоз кунлик пахта топшириш ҳажмини беш фоиз ва ундан оширар, Ленин номли, Саркисов номли совхозлар ҳам тўрт-тўрт ярим фоизга етказишарди.

Октябрь ойининг иккинчи декадасида планимизнинг 40—44 фоизи миқдорида пахта топширдик. Социалистик мусобақада ғолиб ҳисобланиб, республика кўчма Қизил байроғини қўлга киритдик. Машиналар билан пахта теришда Социалистик Меҳнат Қахрамонлари Тўлан Дадажонов, Исломжон Абдуллаевлар ҳамон совриндор. Гулжамол Усмонова, Сафар Бойсуновлар пешқадам. Уларнинг мусобақадoshiлари ҳамма хўжаликларда бор. Терим суръатини тезлаштираётган, топшириш процентини ошираётган ҳам шулар эди.

Пахта теримининг эндигина бошланаётган палласи областимизга ўртоқ Шароф Рашидович Рашидов келди. Бизнинг районимизда ҳам

бўлди. Уша маҳалда карталардаги серҳосил, қийғос очилган пахта-ларни кўриб, пахтакорлар меҳнатига тасанно айтди. «Деҳқонларнинг мушкулини осон қиладиган, оғирини энгил қиладиган, манзилини яқин қиладиган ҳам техника, уни бошқараётган азамат механизаторлардир», деди Шароф Рашидович Рашидов. Ленин номли, Сарқисов номли, Қосим Раҳимов номли совхозларда машина терими суръати, сифати билан танишиб, кўкламдаги офатларнинг изи қолмаганидан жуда мамнун бўлди. Ҳамма ишларни бундан буён техника елкасига қўйиш, ялпи ҳосилни кам деганда 90—95 фоизини машиналар ёрдамида теришга эришиш учун курашишни маслаҳат берди.

Шароф Рашидович техникага урғу берад экан, унинг халқ фаровонлигини оширишдаги асосий омил эканлигини уқтирарди. Айниқса, хўжаликларни ҳар томонлама ривожлантиришни, фақат пахта билан чекланмасликни таъкидлаганда ҳам гапларининг асосий мазмуни халқнинг турмуш даражасини кўтариш бўларди. Шундай олижаноб инсон, партия, давлат арбоби, узоқни кўра олиш қобилиятига эга бўлган забардаст адиб билан учрашган, суҳбатлашган одам, ўша дамларни кўп вақтгача эслаб юрарди. Механизаторлар, бригадирлар ўзларининг айтган ваъдаларини бажариш учун жон-дилидан меҳнат қилишарди.

Ҳамманинг руҳи баланд, қалби шод бўларди. Маслаҳатларни амалга ошириш учун аниқ тадбирлар кўрардик.

Ҳақиқатан ҳам, техниканинг шарофати бригадалар, бўлимлардан келаётган рапортларда намоён бўлиб қолди. Пахта тайёрлаш планини тўрт, уч соат, бир иш кунда бажариларди, дейилса одамлар ҳайрон қолишиб, ишонмаслиги мумкин. Лекин механизацияга ишонган звеноларда ҳақиқатда аҳвол шундай эди. Ана шу, бир иш кунига етказмай планларни бажараётган звенолар 80—100, 120 гектар майдонларининг ҳар гектаридан 24—26 центнердан ҳосил кўтаришарди.

Марказий штабга хабар келди: Тўлан Дадажонов «Ўзбекистон» машинасида 22 тонна, Гулжамол Усмонова 11 тонна пахта терибди. Бу хабарлар бошқа механизаторларга ҳам етказилди. Машиналар билан пахта теришда элнинг чинакам таҳсинига сазовор бўлаётган «зангори кема» дарғалари кўпчиликни ташкил этарди. Улар чиндан ҳам ишнинг қаноти, қуввати эди. Оз муддатда осмонўпар хирмонлар бунёд этаётганлар ҳам шулар. Терим агрегатлари ўн, йигирма кун, кўп бўлса бир ой унум билан ишлайди. Шунинг учун механизаторлар терим машиналаридан иложи борича кўпроқ фойдаланиш йўлларини излайди! Бир картадан иккинчи картага кўчиш, машиналарни мойлаш, созлаш ишлари тунда ёки бўлак ишдан ташқари вақтларда бажарилади. Овқатланиш ҳам машина ёнида, баъзан рулда бўларди.

Машиналарнинг ишлаши билан танишиш мақсадида бирор механизаторнинг олдига бориб, суҳбатлашиш учун тўхтатсангиз, уларга жуда малол келади. Жавоблар ҳам қисқа бўлади. Мабодо «қанча тердингиз, мажбуриятингиз қанча?» деб сўрасангиз, механизаторлар бункерга ишора қилиб қўя қолишади. Чунки, мажбурият ҳам, теримдаги натижа ҳам бункерга ёзиб қўйилган, юлдузчалар сурати солинган бўлади. Ҳар бир юлдуз ўн тонна дегани. Ҳа, қўл кучи билан узоққа бориб бўлмайди. Катта маррани кўзлаб бўлмайди. Шароф Рашидович шунинг учун ҳам биринчи суҳбатини машиналардан бошлар эди.

Шу куни Марказий Штабнинг инженерлар группаси Дадажонов номли совхозда машиналарнинг иш унуми ва сифатидан норози бўлиб келди. Группанинг раҳбари чоғроқ, ёш инженер йигит кўзлари чақнаб куйиб-пишиб сўзларди:

— Эрталабки ишни бошқа совхозлардан бир соат кейин бошлашди... машинанинг шпинделларини вақтида ювишмайди. Машина қайта-

диган полосаларда ғўзалар янчилик, пахта сочилик-тўкилик ётибди. Механизаторлар тушки овқатга терим агрегатларида келишади. Бир кунда ҳар бир машинада икки тоннадан, баъзилари бундан ҳам кам пахта теришяпти.

— Қайси бўлимларда?— штаб аъзоларидан бири сўради.

— Иккинчи, учинчи, тўртинчи бўлимларда, айниқса. Бошқа бўлимларда ҳам аҳвол яхши эмас!

Штабда ана шу каби ва бошқа воқеалар ўрганиларди. Вақт алламаҳал бўлганига қарамасдан ҳал қилинар, керак бўлган жойда область ташкилотларига сим қоқиб, илтимос қилардик. Баъзи масалалар юзасидан ҳатто ўртоқ Боймировгача мурожаат қилардик.

Кунлик иш якунланди. Натижа турлича. Биринчи ўринни Ленин номли совхоз механизаторлари эгаллабди. Ҳаммадан кейин Дадажонов номли совхоз. Техника хизматини кучайтириш, қўшимча механизаторлар топиш вазифасининг уйдасидан чиқмаётган бўлимларга ёрдам кўрсатиш ва бу ишларнинг ҳаммасини тезда ташкил этишни штаб йиғилиши менга топширди. Совхознинг ишлари аввалдан маълум, аҳволи анча оғир. Баъзи бўлимларда механизаторларнинг тажрибаси кам. Совхоз директори Қудрат Шербек, партия ташкилотининг секретари Эркин Самадовларни даладан кўра кўпроқ совхоз идорасида учратардим. Бош инженер Асад Ирсимбетов чопиб юргандай бўлса ҳам ишнинг тайини камроқ. Бунинг устига устахона, ремонт базасининг мазаси йўқ.

Тегишли инженер-техник ходимлар совхозга жўнаб кетишди. Қурилиш, транспорт ташкилотларининг раҳбарлари бўлимларда ўтириб олиб, жиддий ёрдам кўрсатишди. 34-кўчма колонна бошлиғи Алексей Ильич Ряскин билан совхознинг 4-бўлимига бордим. Аҳвол инженер Йигит айтгандан ҳам бадтар эди. Тўққиз машинадан тўрттаси ишлаяпти. Улар ҳам пахтани тўкиб, чала тераяпти. Бўлим бошқарувчиси йўқ, агроном тележка орқасидан кетганмиш. Совхоз директори Шербеков жилови қўлдан чиқиб кетган, боши ва охирини кўролмайдиган аҳволда, ерга қараб, миқ этмасдан турарди. Асабимиз қайнаб, тошиб кетса ҳам нима қилардик. Ишни ташкил этиш, машиналарни юритиш зарур.

— Сиздан қаттиқ илтимос,— Ряскинга мурожаат қилдим,— механик, слесарь-ремонтчиларни ҳам ўзингиз топасиз, тўққиз машинада камида қирқ беш тонна пахта терилишини таъминлайсиз. Транспорт топиш, одамларнинг иссиқ-совуғидан хабардор бўлиб туриш ҳам ўзингиздан.

Алексей Ряскин райком аъзоси, ажойиб ташкилотчи, омманинг ҳурматини қозонган раҳбар. Бошда бир оз эътироз билдиришга оғиз жуфтлади-ю, масаланинг жиддийлигини билди шекилли, индамади. Иккита янги мотор ва терим аппаратини тез юборишни сўради.

Кўчатчилик хўжалиғи директори Шаҳобиддин Иброҳимов, махсус кўчма колонна бошлиғи Урозбой Эркаев, 25-кўчма колонна бошлиғи Саидқул Эгамқулов, «Госкомсельхозтехника» районлараро бирлашмасининг бошқарувчиси Сарвар Эшонқуловлар (у ҳозир Тимирязев номли совхоз директори) совхоз бўлимларида ишларини ташкил этиш, терим агрегатларини унум билан ишлашига катта ёрдам кўрсатишди. Булар райкомнинг ажойиб активлари эди.

Тўсатдан кўтарилган шамол, осмонда пода-пода бўлиб сузиб юрган булутлар ҳаммамизни сергаклантирар эди. Ҳар куни радиодан об-ҳаво ҳақидаги ахборотни канда қилмай тинглардик. Ёши улуг кекса кишилар билан учрашиб қолсак, дастлабки сўзимиз об-ҳаво устида борарди. Улар ҳам кўнглимизни хотиржам қилгиси келгандек, кунлар очик бўлади, дейишарди.

Аммо... Октябрь ойининг учинчи ўн кунлигида шариллатиб ёмғир уриб берди. Далада терилмаган ҳосил жуда кўп, План бажарилгани

йўқ. Ана энди дефолиация ва теримнинг кечиккани тўғрисидаги, машиналарнинг унумсиз ишлаганлиги ҳақидаги гаплар кўзғолиб қолди. Бир марта бўлиб ўтган ёмғир кўкламги қийинчиликларни кўз олдимишга шундай келтириб қўйди.

Долзарб кунларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг барча пахтакорларга, бутун аҳолига қарата Мурожаати эълон қилинди. Бу оташин чақириқ ҳаммани руҳлантириб, қалбини тўлқинлантириб юборди. Кўкламги қийинчиликларни мардона енгиб, изғиринли шамол, ёғин-сочинлар, ёзнинг жазирама офтоби, маржон-маржон тўкилган пешона терлари эвазига етиштирилган «оқ олтин»имизнинг бир мисқолини ҳам нобуд қилмай териб олишга, оммани қалб амри билан меҳнат қилишга чорлар эди бу ҳужжат. Мурожаат партия ташкилотлари ишининг асоси бўлиб қолди. Дала шийпонларида, жамоат жойларида шиорлар осилди, матбуотда доимий рубрикалар пайдо бўлди. Агитаторлар, сиёсий ахборотчилар далада, овулу кишлоқларда, ишлаб чиқариш бўлимларида мурожаатни ишлаб чиқишар, оташин чақириқнинг бутун халққа, уй бекаларидан тортиб пенсиядаги нуруний-кексаларнинг қалбига етказиш учун туну кун тинчимас эди.

Мурожаат асосида янгидан вазифалар белгиланди. Унда ҳар бир меҳнатга қобилиятли кишининг, терим машиналарининг, кўрак терадиган, эгатларда тўкилган пахталарни йиғадиган машиналарнинг кунлик нормалари белгиланди. Ёрдамчи ишларда юрадиган кишилар сони камайтирилиб, теримчилар кўпайтирилди. Белгиланган тадбирларни амалга ошириш устидан партиявий назорат ўрнатилди. Бошланғич, цех партия ташкилотларида коммунистлар, депутатлар етакчи бўлди, бошқаларга ўрнак кўрсатди.

Оғир дамларда, машиналарнинг юриши қийин бўлган пайтларда энг тажрибали механик-ҳайдовчилар группалари ташкил этилди. Бу азаматлар агрегатларни моҳирлик билан бошқариб, ҳеч илжасиз бўлиб кўринган пайтларда ҳам бир-бир ярим, ҳатто икки тоннадан пахта теришди. Бундай шоввозлар сони юздан ошди. Фақат шуларнинг ўзи кунига 250—300 тоннадан пахта териб беришди. (Илгарилари бундай ҳолларда умуман пахта терилмас эди). Кундан-кунга шу каби моҳир механизаторларнинг сони ҳам, терилаётган пахта миқдоси ҳам ошиб борди. Барча кишилар, уй бекалари, ҳурматдаги кексалар ҳам, оталарига кўмаклашиш мақсадида мактаб ўқувчилари ҳам далага чиқишди. Партия, совет ташкилотларнинг, хўжаликларнинг раҳбарлари, мутахассислари — ҳамма пахтакорлар партия ва ҳукуматимизнинг оташин чақириғига амалий фаолиятлари билан жавоб беришга отландилар.

Осмоннинг қовоғи ҳамон солиқ. Дёзли изғирин одамнинг юз-қўлига игна санчади. Инсон билан табиат ўртасида кураш қайтадан давом этаётир. Табиатнинг қайсарлигига одамлар ақл-идрок, мардонавор меҳнат билан жавоб қилаётир. Бу курашда кишиларнинг шижоати, уларнинг иродаси устун келаётир. Ужарликнинг фойдаси йўқлигини билгандай, одамларнинг қудратидан қўрққандай табиат чекина бошлади. Увада булутларнинг йиртиқларидан офтоб яна мўралай бошлади. Кучли шамол булутлар подасини Ойқор, Молгузар тоғларидан ошириб қувиб кетди. Тунда тўлини ой жамолини кўз-кўз қилиб, осмонда олмос юлдузлар порлай бошлади.

Пахтазорларда аввалгидай иш қайнаб кетди. Бу борада бир-икки бор райкомнинг бюро мажлиси бўлиб ўтди. Терим ишларини ташкил қилиш, машиналардан фойдаланиш масалалари қараб чиқилди. Бюро мажлиси деганда, баъзи кишилар партиявий жазо бериб, баъзан ишдан четлатиш деб тушунишади. Бундай усул ҳамма вақт ҳам фойда беравермайди. Уртоқ Ш. Р. Рашидов сўзлаган нутқларининг бирида партия

ташкilotи бирор масалани муҳокама қилаётганда иш юзасидан бировни жазолаши мумкин. Лекин бу жуда осон йўл. Бир ходимга жазо бериш осон, уни вазифасидан бўшатиш бундан ҳам осон! Раҳбарликнинг туб моҳияти: камчиликларни вақтида сеза билиш, уни узил-кесил тугатиш йўлларини билиб, вақтида чора кўриш, кишиларни тарбиялашдир, деб уқтирган эди. Шунга амал қилиб, Ленин номли совхоз директори Неъмат Исроиловдан, «Комсомол» совхозини директори Чўтбой Намозовдан терим ишларини жонлантириш, машиналарни тўла ишлатиш жуда қаттиқ талаб қилинди, муддатлар белгиланди. Машиналарни эҳтиёт қисмлар билан таъминлайдиган ташкilot раҳбарлари ҳам жиддий огоҳлантирилди. Ишда ташаббуси камроқ бўлаётган район раҳбарларини райком бюросида танқид қилинди.

Барча хўжаликларда терим ишлари қайтадан ўрнига келганига қарамадан пахта тайёрлаш суръати олдинги даражага етмаган эди. Бундай аҳвол обкомни ҳам, юқори раҳбар органларни ҳам, энг аввало, ўзимизни ҳам қониқтирмас эди. Райкомга телефонограммалар кела бошлади. Бунда район партия комитети, район ижроия комитети, бошланғич партия ташкilotлари, хўжалик раҳбарларининг имконият даражаларида ишламаётганлиги кўрсатилар, терим суръатини кескин тезлаштириш қаттиқ талаб қилинар эди.

Республика партия ташкilotи ва ҳукумати ҳам ҳолимиздан тез-тез хабар олиб, зарур ёрдамларни беришарди. Шу кунлари областимизга келган Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. Ж. Худойбердиев партия, совет, хўжалик ташкilotлари диққат-эҳтиборини мавжуд камчиликларни узил-кесил тугатишга қаратди. Хўжаликларда бўлиб, резерв, имкониятлардан тўла фойдаланишни ташкilot этишда жуда катта ёрдам кўрсатди.

Раҳбарларнинг келиши қаттиқроқ ишлашимиз кераклигини кўрсатса ҳам, бизлар мамнун эдик, чунки пахта териш, тайёрлаш ишларида жиддий бурилиш бўларди. Баъзи ташкilotларнинг оғир қарвон раҳбарлари ҳам чақон бўлиб қоларди. Масалаларнинг ечилиши тезлашиб кетарди. Бу пахтакорларга катта ёрдам.

Районимиз ҳар йили октябрь ойининг ўрталарида планни бажарарди. Биз бунга ўрганиб қолган эдик. Бу йил эса, гарчи марра кўринаётган бўлсада, октябрь ойи аллақачон ўтиб кетганди. Кўпгина бригадалар, илғор бўлимлар маррани эгаллаганларига қарамадан, совхозлар ўринларида қимир этмай турарди.

Партия-ҳукуматнинг чақирғига жавобан пахтакорларга ёрдам бериш мақсадида республика пойтахтидан ҳашарга келишди. Булар орасида Тошкент шаҳар Октябрь район меҳнаткашлари вакилларидан слесарлар, электр пайвандчилар, механизаторлар бор эди. Абу Райҳон Беруний номидаги политехника институтининг профессор-олимлари, талабалари ҳам келишган эди. Шаҳарлик дўстларимизнинг келиши терим суръатига барака киритди. Кўз илғамас пахтазорларнинг ҳам файзи-баракаси ошди. Дала шийпонларини қувноқ овозлар тўлдирди. Кечқурунлари шўх ялла, музыка садолари эшитиладиган бўлиб қолди. Планнинг сўнгги тонналарини юклаган тележккалар қабул пунктларида турна қатор бўлиб қолди.

Эрталаб соат саккизларда телефон жиринглади. Ўртоқ Худойбердиевнинг таниш овозини эшитамиз:

— Хўш, процент қанча бўлди?— сўрайди у киши. Ахборотимизни эшитгач эса,— бугун ҳеч бўлмаса 40—45 тонна қўшиш чорасини кўринглар, бизлар ҳам бориб қолишимиз мумкин,— дейди. Ўртоқ Боймиров ҳам шу вазифани уқтиради. У кишиларнинг келишини қаерда кутайлик дея сўрасак, ишларингизни қилаверинг, ўзимиз топиб оламиз дейишарди. Чиндан ҳам хўжаликда терим агрегатлари ёнидами, ҳашар-

чилар яшайдиган шийпонлардами учрашиб қолардик. Ўртоқ Н. Ж. Худойбердиев теримчиларга, механизаторларга, айниқса ҳашарчи-талабаларга зарур турмуш шароити яратилишини жуда синчковлик билан кўздан кечирар, агар бирор камчилик топса, ҳеч кимни аяб қўймасди. Бундай ғамхўрликларнинг меҳнат унумига қандай таъсир этишини ҳаммамиз билардик...

Марра! Орзиқиб кутилган марра! План бажарилди! Икки сўзнинг замирида қанчалик меҳнат ётибди. Уйқусиз тунлар, машаққатли кунлар, қанчалик қийинчиликларни бошидан кечирмади, дейсиз пахтакорлар. Ана шу қийинчиликлар бугун худди эртақдагидай, ўтмишда бўлиб ўтгандай туюлади.

Табриклар... Пахтакорлар қалбида қувонч, дилида шодлик ҳукмрон. 67 минг тонна пахтани уйиб қўйиш ҳазил гап ҳам эмас. Қалби қайноқ, дили пок, меҳнати сербарака, шер билакли «пўлат от» суворийларига тасанно! Мақсади аниқ, иродаси мустаҳкам, ғайрати тўлиб-тошган, иши билан сўзи бир, Ватанга чексиз садоқати меҳнатида намоён бўлиб турган пахтакорлар, бригадирларга офарин!

Пахтакор — деҳқонларнинг қийин кунларида ҳамдам бўлган, ишларига дўстона ёрдам берган, хирмоннинг баракасини оширган шаҳарлик ҳашарчиларга таъзим!

Халқ учун, унинг тинчлиги, осойишта меҳнати, беғубор осмони учун, кундан-кун яшнаб бораётган бахт-саодати учун доимо ғамхўр партиямизга, жонажон ҳукуматимизга чин дилимиздан, чуқур миннатдориз, дейишди бир оғиздан барча меҳнаткашлар!

Агар йил давомида содир бўлган воқеалар, амалга оширилган тадбирларни лентага тушириб, кинодагидек олдинга, орқага айлантриб қарайдиган бўлса, 1979 йил шароитида амалга оширилган меҳнатнинг ҳажмини, меҳнатнинг маҳсулини ўлчайдиган бўлса, халқ чинакамига жасорат кўрсатганлиги намоён бўларди.

Бу жасорат бутун куч ва иродани бир нуқтага тўплаб, бир сонияда ишлатишни талаб этадиган жасорат эмас. Бу жасорат бутун кучқувватни йил давомида ҳар куни, ҳар сонияда талаб этадиган, табиатнинг бир хуружи ила меҳнат куйганда яна бошқатдан ҳаммасини бошлашга куч топа билишни талаб этадиган жасоратдир. Бу жасоратни пахтакор-деҳқон кўрсатган. Бунда ҳамма катта-кичик раҳбару ишчи иштирок этган. Партия ташкилотлари бошчилик қилган жасоратидир!

Пахтакорларимизнинг ғалабаси билан ҳаммамиз учун ҳурматли ўртоқ Рашидов қизгин табриклади. Мажбуриятни ҳам тезроқ бажаришда ҳаммамизга соғлик, омад тилади.

Май ойида жала-дўл ҳамма жойни вайрон қилганини айланиб кўриб, райкомга келганимда кўзларимиздан ёш тирқираб чиқиб кетганди... Мана бугун ҳам беихтиёр, кўзларимиздан ёш оқарди юзимга. Бу бошқача ёш эди!

Пахтакорларнинг улкан ғалабаси билан республикамиз партия Марказий Комитетининг барча бюро аъзолари ҳам қизгин табриклашди. Терим суръатини бўшаштирмай, область, республиканинг улкан хирмонини бунёд этганча ғайрат намуналарини кўрсатишни, ташкилотчиликни янада такомиллаштиришни, ҳар бир теримчи, терим машинининг иш унумини янада ошириш вазифаларини қўйишди.

Далада ҳосил мўл. Машиналарни ҳали анча ишлатса бўлади. Теримнинг айни авжига чиққан пайтида қайсарлиги тутиб, ўчакишган табиат инсоннинг қудратидан кўрқди шекилли, кунлар мутлақо юришиб кетди. Даладан тележка тортиб чиқаётган тракторларнинг гилдираклари тикилиб, жойида айланиб қолмайди. Осмон феруза, офтоб чароғон. Инсониятнинг улуғ маъракаси — Октябрь революциясининг



62 йиллигини далада байрам қилган пахтакорлар, план тўлди деб, бўшашиб қолгани йўқ. Ҳамманинг дилида бир фикр, бир мақсад — Ўзбекистоннинг 5 миллион 700 минг тоннаси. Ҳамма гадбирлар, пахтазордаги қизгин курашлар, партия, совет ташкилотлари фикри-зикри ана шу маррага интилган. Интилганга — толе ёр дейишади. Бу чўққининг эгалланишига ҳеч ким шубҳа қилмас эди.

Хушxabарлар кўпайиб кетди. Кўпгина бўлимлар оширилган мажбуриятларни ҳам адо этишди. Дастлабки зафар қучган Қосим Раҳимов, Мамажон Дадажонов, «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» совхозлари коллективлари мажбуриятларини бажаришди. Юки оғир, катта карвон Ленин номли совхоз пахтакорлари забардаст одимлар билан маррага етиб келди.

Баъзи телеэшиттиришларда, радио хабарлари, газета мақолаларида қайси бир хўжаликнинг 2 минг, 2,5 минг тонна пахта етиштиргани ҳақида ахборотлар эшитилиб, кўзга ташланиб қолади. Бу ҳам катта ютуқдир, ўзларига яраша муносиб натижадир. Районимиз пахтакорлари орасида эса, бирон хўжалик ўн минг тонна пахта етиштирибди дейилса, ҳайратга туширмайди. Хўжаликларимиз чиндан ҳам ўн мингдан ошиб, ўн беш мингга яқин хирмон кўтарадиган катта карвонлардир. Ҳар бир киши 10—12 гектарда деҳқончилик қилиб, 32—34 тоннадан пахта етиштиради. Хўжалик йилида зарар кўрилди, деган иборалар совхозларимиз ҳаётдан чиқиб кетган. Уларнинг иқтисоди бақувват, одамларининг турмуши фаровон. Қиз чиқариш, келин тушириш тўйларида навбат тегиши қийин. Энг муҳими улар ўртасида ўртоқлик, дўстлик ҳукмрон.

Мамлакатимизда меҳнат тақдирланмай қолмайди. Пахтакорларимиз ана шундай шарафли меҳнатлари эвазига 1975, 1976, 1977 йилларда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритиш шарафига муяссар бўлган. Бундай катта ютуққа Ленин номли совхоз меҳнаткашлари ҳам уч мартаба эришдилар. Меҳнаткашларнинг 1978 йилги зафарлари республика партия ва ҳукуматининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди. Ана шундай улўф мукофотларни қўлга киритишда ҳамма иштирокчи. Коммунистлар, комсомоллар меҳнат фронтининг улкан курашларида доимо олдинги сафларда. Бошланғич, цех партия ташкилотлари жуда катта ташкилотчилик, оммавий-сиёсий ишларни олиб боришди. Омманинг улкан пахта хирмони учун курашида доимо етакчи бўлди.

Улка бўйлаб дилларни хушнуд этувчи хушxabар тарқалди. Аҳдига вафодор, иродаси метиндек пахтакорлар, шаҳарлик ҳашарчилар ҳормай-толмай манзилга етиб келишди. Республика хирмони 5 миллион 700 минг тоннадан ошиб кетди. 326 минг тонналик хирмони билан навқирон Жиззах области, 72 минг тонналик хирмони билан Дўстлик райони ҳам муносиб ҳисса қўшди.

Эл-юртда тантана, ҳамма бир-бирини чин қалбдан табриклашади. Ҳар томонга табрик телеграммалари учирашади. Барчанинг қалби қувончга тўлган.

Шоирнинг қаламида пахтакор, санъаткорнинг қўшиғида пахтакор, раққосанинг хиронида пахтакор, радиода, телевизор экранида пахтакор. Пахтакорларнинг тарих билмас жасоратини ҳамма мадҳ қилади. Катта пахта учун, осмонўпар улкан хирмон учун кураш, бу курашда элнинг жасорати, ниҳоят, ғалабанинг қалбларни қувончга тўлдирувчи тантаналари давом этаверади.

Жубан Мўлдағалиев



ДОСТОН<sup>1</sup>

1

Минг тўққиз юз етмиш учинчи йил,  
Ун бешинчи июль,  
Якшанба...  
Минг тўққиз юз етмиш учинчи йил,  
Ун бешинчи июль,  
Якшанба...

Уша йил,  
Уша ой,  
Уша кун —  
Борлиқ тафт, зиёга тўла кун  
Бамисли чайқалди ер-осмон,  
Даҳшати тасвирга бус-бутун  
Сирмайди, —  
Еприлди зўр тўфон.

Одамлар,  
Она юрт,  
Сақлангиз шу кунни —  
Учирмай хотирдан!  
Ҳеч кимса унутиб  
Кетмасин хотиржам!  
О, маним Олмаотам!  
Яшнаю тоабат,  
Учмасин ёдиндан  
Бу кулфат, бу офат!

Гуруринг, фахрингни  
Биларди кенг жаҳон,  
Қозондинг сен яна  
Мардона доврүг-шон.

Кўп мушкул дамларда  
Айланиб аскарга,  
Енголдинг тўфонни  
Курашиб беомон.

Тилсиз ёв ҳамласин  
Даф этдинг дафъатан.  
Шахдингга лол қолди  
Замона ҳам Ватан.  
Ҳайиқмай келдинг бас,  
Тошқинга илк нафас.  
Ташладинг йўлига  
Фовлар — тоғ, қоядан.

Бемаврид ўлимнинг  
Қўллари кесилди.  
Тобутлар ланг оғзи  
Мангуга бекилди.  
Олмаотам, қудратинг,  
Шавкатинг, шуҳратинг  
Асримнинг кўзида  
Намойиш этилди!

2

Қуёш силжиб тик само сари  
Саратонда куйдирар ҳар вақт.  
Қалендарнинг саҳифалари  
Балки шундан йиртилар барвақт.

Қабинетлар димиқиб, исиб,  
Ел қорасин кўрмагай мутлоқ,

<sup>1</sup> Қисқартилиб босилмоқда.

Галстуклар бўйинни қисиб,  
Семиз танлар ҳарсиллар бу чоқ.

Гулзорлардан эсмас шабада,  
Япроқлар-да қилт этмас, сувсаб.  
Кун тафтидан боғлар ҳам зада,  
Оқ ёмғирлар дийдорин қўмсаб.

Ўргимчакнинг иплари мисол  
Кўринади ариқ ярқираб.  
Фонтанларнинг қошида хушҳол  
Бола-бақра ғужғондир бироқ.

Тик кранлар эса олисдан  
Қоматларин кўз-кўзлаб шу чоқ,  
Қудуқдан сув чиқараётган  
Турналарга ўхшаб кетар нақ.

Қундан кунга ёшарар қалъа,  
Бўй чўзар у кўкларга пойдор.  
Сўйлаб ётар балки шу ҳақда  
Тўлқин уриб оқувчан анҳор.

Интилиб у мангу чиройга,  
Олисларни кўзлайди ҳаргиз.  
Зотан кўркам кўча, Саройга  
Ленин номин қўймаган бежиз.

Яшил даҳлиз мисоли шинам  
Медеога чорлайди бу йўл.  
Қўш кифтига тушган уйлар ҳам  
Юракларда завқ уйғотар мўл.

Юксаклардан боқиб Тийиқсув  
Хаёл сураб кунда ярқираб:  
«Чопсаммикин мисоли оху,  
Кенг адирлар сари шарқираб...»

Музликларнинг феълин кузатиб  
Кезар унда ҳушёр соқчилар.  
Худди темир капалак каби  
Вертолёт ҳам тинмай чарх урар.

Хабар учар эфирга тагин  
Огоҳ этиб офатдан такрор:  
«Сергак туринг! Бемаврид ёнғин  
Ёхуд тошқин бўлиш хавфи бор!...»

Аммоки, эл осойишта, тинч,  
Хавф-хатардан бўлса-да огоҳ,  
Одамларда фақат бир илинж;  
Сал шабада эсса эди, оҳ...»

Тоғдан етиб келгунча хатар  
Ҳали гап кўп, дерлар хотиржам.  
Йўлда қолиб Кичик Олмаота —  
Ошармиди дафъатан қирдан?!

Қилолмасди ҳеч ким тасаввур  
Сел шиддатин, унинг елишин.

Ва борлиқни забт этиб бир қур,  
Субҳи саҳар босиб келишин.

Тоғ тарафдан  
Болалар лиқ-лиқ, —  
Тушиб келар тўп-тўп машина.  
Бундай бўлмас эди-ку...  
Қизиқ,  
Саёҳатми, сайрми бу — нима?

Ажабланса бировлар бундан,  
Завқлангандек эди баъзилар.  
Гумонсираб турганлар бу дам  
Дерди: «Бунча ошиқиб келар?..»

Ҳозир ўйнинг мавриди эмас, —  
Машиналар нечун саф-қатор?  
Болалар-ку,  
Чин хавфни сезмас,  
Юзларида лек жиддийлик бор.

Йўлга тушмоқ тўсатдан, зумда  
Улар учун эди кўп оғир.  
Тоғ бағрида яйраб, ўйинга  
Тўйишмаган эди-да, ахир.

Болалардан деди бирови:  
— Лагерлар ҳам, қара, кўчмоқда...  
— Демак, бекор осмон авзойи  
Бузилмаган экан бу чоқда.

«Сел!» деган сўз дафъатан, бехос  
Янградию  
Сўнгра серқутқу  
Акс садога айланиб рўй-рост,  
Йироқларга қанот қоқди у.

Лекин бовар қиларди ким ҳам  
Шаҳар қайнаб турган бир онда?  
Қаптарлар ҳам тўп бўлиб беғам  
«Ғув-ғув»лашар эди майдонда.

### 3

Таранг ёйдан учган ўқ мисол,  
Физиллаган тошдайин ёхуд  
Етиб келди «сел» сўзи алҳол  
Ҳукуматнинг Биносига зуд.

Янгради у, кимдир зарб билан  
Сермагандек қамчини бежо,  
Етиб келди бу сўз дафъатан  
Товушдан ҳам илдамроқ ҳатто.

Етиб келди қоққунча киприк,  
Етиб келди хаёлдан шитоб.  
Юракларга ларза ташлаб илк,  
Идрокларни забт этди шу тоб.

Етиб келди — муқаррар офат,  
Кулфатларнинг ҳидин уфуриб.  
«Сел! Сел!...» деди дилгир, бетоқат  
Масъул ходим ўрнидан туриб.

Беҳуд айлаб бу машъум хабар,  
Таҳликага туширди аён  
Ва бир лаҳза ўтмиш лавҳалар  
Кўз олдига бўлди намоён.

... Шаҳар қолган эди эгасиз,  
Афт-ангорин бўлмасди таниб  
Ва қийралган боғлар меваси  
Ётар эди лойга беланиб.

Ариқлару кўчалар бир ҳол —  
Ухшар эди чигал арқонга.  
Иморатлар нураб бемажол,  
Айланганди гишти талқонга.

Неки эди сўлим ва сара —  
Қасб этганди абгор манзара.  
Солга ўхшаб сузиб юрарди  
Ағдарилган тўсин, панжара.

Ашқол-дашқол оқиб тўлқинда,  
Ялтирарди жазира кунда.  
Сувга бўккан мурдалар кўзга  
Ташланарди унда на бунда.

Ўрдақлару ғозлар, товуқлар  
Тўлқинларда ётарди чалқиб.  
Турфа гиёҳ, анвойи гуллар  
Кўринарди кўпикдай қалқиб.

Омон қолган ёғоч уй...

Даҳлиз...  
Ухларди бир болакай ғофил.  
Кўз уқалаб,  
Уйғонса бир кез,  
Теграсида айқирарди сел.

Бу кун мана ўша болакай  
Гувоҳидир бу офатнинг ҳам:  
«Эҳ, қанийди  
Асов тулпордай  
Сел шиддатин қайирса ўктам!..»

Тонг отаркан зилол, мунаввар  
Эслади у шум қисматни бот:  
Кўз олдига — саф-саф тобутлар,  
Қулоғига келди оҳ-фарёд.

Ёв ёқадан олаётган пайт  
Тортган каби почадан кўпнак,  
Эл бошига бу сўқир офат  
Кўп талофат етказди бешак.

Лекин қодир большевик насли  
Истиқболни кўзлаб ҳар нафас,  
Эта олди офатни таслим,  
Ёвуз кучга кела олди бас.

Учмасин-чун хотирдан сира  
Бу кулфатга берганимиз дош.  
Едгорликдай  
Кенг кўча узра  
Ётар эди уйдаин чўнг тош.

Турмуш коми этганда ҳам ғарқ,  
Сақларди у мудом мағрур тус.  
Лекин бунни унутиб, бефарқ  
Элтишибди қайгадир, афсус.

Зотан у тош  
Оқин Тоир<sup>1</sup> нинг  
Достонидай кечмишни бўйлаб,  
Юрт қисмати,  
Шонидан вазмин  
Одамларга турарди сўйлаб.

... Трубкани тутганча бу дам,  
Олис тоққа бот ташлаб назар,  
Кўпни кўрган ва закий Раҳбар  
Сўйлашарди Москва билан.

— Сел! — деди у ташвишманд  
пича, —

Хавфи унинг бормоқда ўсиб.  
Тош лавалар йўлин ҳозирча.  
Чўнг Медев турибди тўсиб.

Тўғон эса...  
Ишониб бугун  
Бирор нима демоқлик гумон.  
Чунки аввал —  
Эллик йил бурун  
Ўтган селдан зўрдир ўн чандон.

\* \* \*

Баайни Сиз айтгандек, ҳа, ҳа:  
Бор куч,  
Маблағ селнинг йўлига...  
Ёрдам қўлин чўзса Москва,  
Рухланмайлик биз бундан нега!

<sup>1</sup> Тоир Жароков (1908—1965) таниқли  
қозоқ совет шоири, «Сел» ва «Селнинг  
жидовланиши» дostonларининг муаллифи.

Техникаю одамлар кун-тун  
Шай турибди,  
Енголмас офат.  
Хабар бериб турамиз ҳар кун.  
Ҳар кун эмас?  
Майли, ҳар соат!

... Синашта уфқ сел хавфини чинга йўяр,  
Гўё зумда ўз комига олиб қўяр.  
Қатта Бино деразасин ланг очганча  
Раҳбар олис тоққа разм солиб қўяр.

Ҳов қоялар нени хаёл қилаётир?..  
Билишмайди — гўё нелар бўлаётир.  
Кўкда офтоб нурун сочар мўл, хотиржам,  
Шаҳар эса осойишта, бежавотир.

Ғам кўрмаган, Олмаотам — масканимиз,  
Доим шундоқ нурли бўлсин осмонимиз.  
Юрт тинчини бузмөқликка ҳаққимиз йўқ,  
Ахир, унинг ҳаловатин посбонимиз.

Узилмасин одамларнинг шўх кулгиси,  
Бузилмасин бемаҳалда қиз уйқуси.  
Бир Медев билсин ваҳм хуружини,  
Қоя ошиб ўтолмасин сел қутқуси.

Раҳбар турар деразанинг қошида жим  
Ва ўйлайди: «Наҳот тўғон бермас тўзим?  
Гар Медев этолмаса офатни даф,  
Жавобгари бўлай элнинг менинг ўзим!..»

У билади: ножоиздир саросима,  
Қурч халқи бор кўзларининг қорасида.  
Бекор низо туғилмаган бу асрда,  
Ахир, худо ва инсонлар орасида.

У солдатдир бу сония.  
Жасур солдат.  
Бурчи оғир, аммо унда мўлдир тоқат.  
Аён унга мушкулнинг паст-баланди,  
У олдинда бормоқлиги зарур фақат.

Шеърим! Сиртдан таъна этма бировга ҳеч,  
Бўлар-бўлмас алқовдан-да, мадҳдан-да, кеч.  
Кўз қири-ла баҳо бермоқ доим осон,  
Сен қалбларнинг ичига кир, жумбоғин еч.

Тоғу тошни емиргандек ёғин-сочин,  
Майда ҳислар забтга олар пинҳон, ботин.  
Мен биламан —  
Мушкул дамлар имонига,  
Эътиқодга кўплар содиқ қололмас чин.

Мард одамни идроку бурч, ақлу ғайрат  
Мудом юксак сарҳадларга ундар фақат.  
Аммо қайси ялангликда ўпқон, ўнгир  
Олдиндаги  
Шерюракка қилмас ҳасад?!

Одамлар бор —  
 Очиқ юзли, дили кинсиз,  
 Одамлар бор —  
 Истарасиз, юраги муз.  
 Ҳар кимни ўз баҳоси-ла баҳолаймиз,  
 Тош эмасмиз,  
 Ахир, бизлар одамлармиз.

Баъзи одам кулгуда ҳам  
 Узин тутар.  
 Баъзи одам чекканда ҳам  
 Узин тутар.  
 Ич-ичини ёндируу айтар сўзи,  
 Аммоки у баҳслашган дам  
 Узин тутар.

Менинг неки дилимда бор — ошкор доим,  
 Одамлардан нимами ҳам яширайин.  
 Жиним суймас кимсаларни кўриб қолсам,  
 Еб қўйгудай боқадирман бўридайин.

Қалтис сўзга узр сўрмоқ жоиздир, ҳа,  
 Зотан суриб юрганингдан гал-галига, —  
 Менимча, бу соғлиққа ҳам фойдалидир,  
 Гаплашганинг эркакчаси, дангалига.

Сайр қилмоқ — юрак учун даво, дерлар,  
 Дилдан кулмоқ баридан ҳам аъло, дерлар.  
 Ёмон бўлмас — нафратингни тўкиб олсанг,  
 Гарчи буни хулқ-одобдан авло, дерлар.

Меҳру вафо, нифоқ-низо — азал расм,  
 Инкор этиб бўлмас холис кўнгил сасин.  
 Разм солиб,  
 Фариштага йўйиш мумкин,  
 Юз одамдан, кам деганда саксонтасин.

Беэтибор — четда қолиб кетса, бешак,  
 Изтиробга йўғрилгайдир ҳар бир юрак.  
 «Сен — ўзимсан» деб тан олса халқи кимни,  
 Бундан ортиқ мартаба йўқ — олий, юксак.

О, ўқувчим!

Сенга айтар ўтинчим бир:  
 Таъбиримда саҳв кетсам айла узр.  
 Аммо кимни юрт «Инсон!» деб тилга олса,  
 Унинг учун ушбу баҳо энг улуғдир.

Ҳар тирик жон ноил эрур бир меҳрга,  
 Қуш учмасин қаёқларга, қўнар ерга.  
 Ҳар юракнинг орзуси бу, армони бу —  
 Асл фарзанд бўла олмоқ туққан элга.

Бу баридин мўътабар ва аъло туйғу,  
 Шу туйғу деб, майли, дилга чўксин қайғу.  
 Булбул — булбул эмас, боғни этмаса лол,  
 Раҳбар бўлмоқ — эл ишончин қозонмоқ бу.

Бургут тулки қувмаган ҳеч ерда елиб,  
 Този парвоз қилолмаган бургут бўлиб.

Раҳбарлик бу —  
Барча ишга масъулликдир,  
Ҳар мушкулга чора топмоқ эвин билиб.

У масъулдир  
Офтобга ҳам, бўронга ҳам.  
У масъулдир  
Қашқирга ҳам қўтонга ҳам,  
У нафақат марҳумларга, тирикларга —  
Балки масъул янги насли замонга ҳам.

У раҳбар-да масъулларнинг бири эрур,  
Юрт гашвиши доим дилин тўри эрур.  
Бу аснода ўрин йўқдир ортиқ сўзга,  
Сув балоси офатларнинг зўри эрур...

#### 4

Айқириб бебош тошқин,  
Ҳайқириб бебош тошқин,  
Ямлар неки — йўлида  
Думалатиб тош тошқин.

Гоҳ ҳарсанглар зўлдирдай  
Енгил ўйнаб келади.  
Сув балоси ўр-қирдан  
Ваҳшат солиб келади.  
Кичик Олмаотага  
Қириб келар пишқириб.  
Кичик Олмаотага  
Ларза солар тўш уриб.

Офатларга хумордай  
Тўлганани у сўқир.  
Ҳеч нарсани аямай,  
Қилиб келар тап-тақир.

Ямларди у ҳаммасин  
Комига олиб бехос.  
«Горельник» турбазасин  
Четлаб ўтганди, холос.

Нақ гугуртнинг чўпидай  
Уйнар эди тўсинлар.  
Узилар эди ипдай  
Пўлоти чайир симлар.

Дарё бўйлаб бу маҳал  
Билмайин ҳадик недир —  
Уч йигит интиқ, маҳтал  
Чорлашарди кимнидир.

Гоҳ бир жойга тўпланиб,  
Тарқалишар эди тез.  
Тилларида қиз номи,  
Қўлларида эдельвейс...

Аммо сел солмас қулоқ  
Уларнинг оҳ-додига.  
Чопар гоҳ худди қочоқ —  
Боқмай орқа-олдига.

Гоҳ йиртқичдай дўқ-довли,  
Ҳеч нарсани уқмас, о.  
Уни ўзинг жиловла,  
Метин сарҳад — Медео!

\* \* \*

Тоғлар бунда яшилликка бурканмишдир,  
Медевнинг донғини ким билмас, ахир?!  
Бу саҳндан учқур коньки садолари...  
Ҳар йили у дунё бўйлаб тараладир.

Икки қоя оғушида у Медев,  
Икки қоя паноҳидир унинг гўё.  
Учинчи бир баҳодирдай турар тўғон,  
Уша тўғон устида тонг очар рўё.

Лол қолгандир балки ақл ўшал дамда, —  
Парвоз қилган ҳаяжондан ё баландга,—  
Азим тўғон зумда бунёд бўлган маҳал  
Кичик Олмаота дарасида кўндалангга.

Ялпи офат хуруж қилиб турган бу он,  
Саржабҳада қизир эди кураш, туғён,  
Тўғон бўйлаб кўринарди талай одам,  
Зирҳ бетига чегаланган михларсимон.

Йўқ, уларнинг иродасин букиб бўлмас,  
Ҳар қандайин даҳшатга ҳам келурлар бас.  
Ҳа, ўзлари бунёд қилган иншоотни  
Сақламоққа шай турарлар ҳар бир нафас.

Зотан улар ўйидадир кундузу тун:  
«Наҳот бардош бермас?..» деган ташвиш бутун.  
Эрта тонгдан ҳозирдирлар улар бунда,  
Ўйламангиз чиқишган деб сайил учун.

Тулпор олға интилгандай бамисли ел,  
Гулдуради чанг-тўзонга кўмилиб ер.  
Қояларга бўғиғ-товуш урди кўксин...  
— Сел кўринди!  
— Қараиғлар, ҳой, кўринди сел!..

Тўлганганча, йўғрилиб у зўр қаҳрга,  
Гоҳ важоҳат, гоҳо тўлиб турфа нурга —  
Дам айқириб, дам гувраниб келган оқим  
Урди ўзин аввал улкан, кенг қувурга.

Тўғон зирҳин ушатгудек қалдироқ-ла —  
Ўймаланган ҳарсанглардан тоғ титроқда.  
Фавворадан кўчган каби қайнаб-тошиб,  
Пишқирганча отилди сув чор атрофга.

Тийқсудан ошиб ўтган бу ўжар сув  
Дараларга бунча ларза солар, ёҳу!  
Гоҳ ўкириб наъра тортса арслон каби,  
Гоҳ жарларга урар ўзин мисли оҳу.

Қамалган сел бирор чора тополмайин,  
Дамланарди, зўриқарди лаҳза сайин.  
Гўё бу чоҳ кўҳна, қадим Олатов ҳам,  
Дарз кетгандай эди худди шишадайин.

Эҳ, тоннелга нима бўлди айни чоқда?  
Упқондайин эди-ку у — ютаноқдай.  
Энди эса ўтказолмас томчи сувни,  
Бир қултум ҳам юта олмас қилтомоқдай...

Чўққиларни лов-лов ёқиб оқшом олди  
Пастликларга Қуёш ҳайрон нигоҳ солди.  
Дегандайин:  
«Ярқираган нима? Кўлми?  
Ундоқ эса қайдан пайдо бўла қолди?»

Пайқамди Медев кун ётганин ҳам.  
Пайқамди Медев тонг ётганин ҳам.  
Уни ўйлаб талай одам жонни ҳалак,  
Пайқамас у юраклар ях қотганин ҳам.

Қим бўлсанг-да, қалқон бўлгин,  
Наф айла сен,  
Сел зўраяр — шижоатинг сарф айла сен.



Токи бизнинг ғайратимиз, техникамиз,  
Офат йўлин тўса олсин, даф айласин.

Чўққи узра уйғонди тонг кўз ишқалаб,  
Лек унгача неларнидир тимирскилаб,  
Прожектор пайпаслади дара-тоғни  
Узун дасти — шуълалари билан силаб.

Собит-метин тўсинларга демай ҳаш-паш,  
Тўқинарди келиб турфа нарса яккаш:  
Қўпорилган дарахтлару харсанг бунда  
Уймаланиб борар эди айқаш-уйқаш.

Пўртаналар эса сапчиб, кўтариб дов,  
Тўғон кўксин этмоқ бўлар алғов-далғов.  
Тополсайди қандайдир дарз ёхуд тирқиш,  
Осонгина сурилсайди бу улкан ғов.

Сел ноилож жиловланиб тонгга қадар,  
Лекин ҳар бир нафасидан эсиб хатар,  
Бот-бот баланд тўсин сари ирғишларди,  
Сакраб кетар эди  
Қурби етса агар.

Ажиб бир кўл яратганди у шу кўйи,  
Аксанарди энди унда офтоб рўйи.  
Дара туби биқирларди булоқ бўлиб,  
Кўтарилиб қолганди сув туя бўйи.

Уч мард ғоввос хавф-хатардан четга жилмай,  
Шўнғирдилар бўтанани писанд қилмай.  
Сув остида қолишмасин улар ҳарчанд,  
Чиқардилар қувур оғзин оча билмай.

Бу дам дарё ҳам офатга кириб оро  
Тўлғанарди лойқаланиб, бўлиб қора.  
Земснаряд, насослар иш бошласа-да,  
Кўтарилиб борар эди сув тобора.

Тўғон бўйи қадар келиб қолар алҳол,  
Ана-мана дегунингча ошар дарҳол.  
Лим-лим тўлиб борар эса шу алпозда  
Бу телбани банди этиб турмоқ маҳол.

Оч тўлқинлар қашқирларнинг галасидай  
Шаҳар сари ташланмоққа ҳар лаҳза шай...  
«Тўғон узра ўрнатмоқлик шарт тарновлар,  
Токи сойлар оқиб турсин аввалгидай!

Токи сувсиз қақшамасин гулу япроқ,  
Токи яшил шаҳримизга тушмасин доғ.  
Оби ҳаёт  
Узилмасин ариқлардан  
Баҳра олсин ундан гулзор, ҳар кўкат, боғ!»

Кучга кирди мазкур қарор айни муддат,  
Ва олимлар ҳукумат-ла аниқ муҳлат  
Белгилашди: селга қарши қатъий ҳужум  
Бошландию  
Қанот ёзди ушбу журъат.

Аммо бунда авж олганди ғовур-ғувур:  
 «Қанақаси бўлди бу гап?..»  
 «Сел нимадир?..  
 Балки бунча хавфга ҳожат қолмас эди  
 Қуриланганда дастлаб яна битта қувур...»

Ким айбдор бу ҳолга, хўш? Қурувчими?  
 Муҳандисми? Ёхуд саркаш сел кучими?  
 Эҳтимол сен саҳв этгансан, ўртоқ Раҳбар,  
 Ўз вақтида эътиборга олмай буни?

Лек кулфатни эшитибоқ жабҳа томон  
 Сенинг билан отланди эл-юрт бегумон.  
 Дирижёрга ўхшаб кетар туришидан  
 Енгинангда турган анов чапдаст ўғлон.

Ҳов бошқаси: халал бериб бўлмас асло,  
 Зотан ишни у жонидан кўрар аъло.  
 Бу дам у завқ, ҳордиқ нима — унутганки,  
 Гўё улар бир умрга ундан авло.

Ҳов анови учинчиси: гапдон, дилкаш,  
 Чеҳрасидан ёғилади бир нур яккаш.  
 Туни бўйи ухламаса ҳамки ёлчиб,  
 Қадамлари тетик, бардам, аммо дилғаш.

...«Мартабали» демас ҳеч ким унга боқиб,  
 Қибр билан юракларни этмас таъқиб.  
 Инженеру ишчилар-ла юрар бирга,  
 Ҳар маслаҳат, ҳар таклифга қулоқ қоқиб.

Ҳақ ҳақлигин топар доим баҳслашиш-ла,  
 Зотан мисли мўъжизавий улкан ишда,  
 Даран узра тўшалганди чўнг қоялар  
 Бундан етти йил муқаддам портлатишда.

Бу ниятнинг режаси ҳам неча бора  
 Рад этилиб,—  
 Топмаганди кўмак, чора.  
 Буни фарзанд тўлғоғига менгаш мумкин,  
 Туғилгач ҳам меҳри этар кўп овора.

Аюҳаннос солганлар-ку, бўлмади кам:  
 «Оқибатин ўйлаб чиққан ким чинакам?  
 Портлаш зарби этиб ерни остин-устун,  
 Ажаб эмас, шикаст берса шаҳарга ҳам.

Чўнг ларзага тушганида ногаҳон ер,  
 Ҳатто эсиб турган майин шабада, ел —  
 Туртки бериб йироқ-йироқ кўчкиларга,  
 Туғдириши мумкин беҳос даҳшатли сел.

Ким кафилдир портлашнинг ҳад-салмоғига?  
 Ким комилдир унинг тинчиб қолмоғига?  
 Балки сабаб бўлса-чи бу шаҳар устин —  
 Фавқулод газ чиқиб қоплаб олмоғига?»

Ҳар қандайин гулхан ўздан учқун сочар,  
 Зулмат доим учқунлардан четга қочар.  
 Фикр асил бўлса чўғи сўнмагай ҳеч,  
 Шамоллардан унга фақат ўт туташар.

Баъзилар бор — журъати зўр; дили шоён,  
 Ҳеч бир тўсиқ маҳв этолмас руҳин, аён;  
 Баъзилар бор — кўрар фақат оёқ остин,  
 Улар учун мансаб, амал — манзил, поён.

Маълум зотан —  
 Дангалсўзлик, ботирлик, ҳа,  
 Курашларда бўлдолмагай таянч якка.  
 Фақат шубҳа чиниқтирган қатъият-ла  
 Етмоқ мумкин олий орзу, чўнг тилакка.

Бари қуш ҳам бургут бўлиб учавермас,  
 Шоир зотин илҳом кунда қучавермас.  
 Ҳар қанақа портлаш этмас кунпаякун,  
 Шамол турган билан бўрон кўчавермас.

Гирдоб ўйлар ойдинлашиб тинсин учун  
 Онгдан сизиб ўтмоғи шарт серғалва кун.  
 Ақл-тадбир васвасага ёт бўлгандек,  
 Чин идрок ҳам сафсатага ётдир бутун!

Дангаллигу  
 Қизгин баҳслар ва таъналар...  
 Шу аснода ирода ҳам хўб синалар.  
 Муҳандислар  
 Уз ишига бир умрмас,  
 Икки умр масъул бурчли шахс саналар.

Академик анов — ўктам ва жангари,  
 Интиларди фанда доим чўққи сари.  
 Сочларининг оқлигин нақ қиров дейсиз,  
 Асрий қоя бужуридай ажинлари.

Қалби очиқ эрур унинг сахий, танти,  
 Тоғ қўпориш ғоясин илк ёқлаганди.  
 Сел хавфини эшитгану,  
 Сибирь ёқдан  
 Бу ёққа тез отланмаса бўлмаганди.

Пойдор эди унинг умрин ҳар лаҳзаси,  
 Ҳал бўларди қўли теккан иш барчаси.  
 Мўйсафидга ўхшаса ҳам гап-сўзидан,  
 Тенгқурлари ичра эди барвастаси.

Эниб пастга, кўтарилиб гоҳ юқори  
 Бирга юрар эди унинг дўст — ҳамкори —  
 Қотма, офтоб қорайтирган бир инженер,  
 Зеро у ҳам бу тўғоннинг иждокори.

Сел хабари уни-да бу ерга элтган,  
 Қора кўзли, соч-соқоли ўсиб кетган.  
 Афғ-ангорга қарамоққа вақти қайда,  
 Аён — уни ташвиш обдан беҳол этган.

Қачонлардир кечган қизгин баҳс чоғида,  
 Курашганди мазкур режа рўёбига.  
 Бир лаҳзада тоғ бағрини этиб ларзон,  
 Бу тўғонни бунёд этган иккови, ҳа!

Не калтабин муҳолифлар енгиб раъйин,  
 Баҳсда голиб чиқмаганда улар тайин

Ва сел йўлин тўсмаганда  
Ушбу тўғон,  
Ҳолимиз не кечар эди — айтмоқ қийин.

Уйлади у:  
«Қудратлидир халқим бисёр!  
Кучай десам бир йўла, эҳ, қучоғим тор.  
Сел йўлини тўсибдими удда қилиб,  
Ҳар офатга бас келолгай — бахти пойдор!...»

Халқнинг қодир, ўқтамлиги ўзида жо,  
Зотан ўзи азим тўғон этди барпо.  
Лекин тоғни қўпоришга чеккан имзонг,  
Уртоқ Раҳбар, юрт ёдидан ўчмас асло.

Шаҳд этдинг сен  
Ишонч билан ҳар қадамда.  
Уйламадинг ўз қисматинг ҳадик-ғамда.  
Раҳбарлигу муҳандислик фазилатин  
Сен ўзингда аён этдинг ўшал дамда.

Инженер!  
Ҳа, бор бу сўзда ажиб гурур,  
Ярашади айтсанг ҳатто кўкрак уриб.  
«Бошлиқман», деб айта олар ким рўй-рост,  
«Инженерман!» — десанг арзир мағрур туриб.

Кўз ўнгида унинг  
Чўллар бўлди гулгун.  
Сув ичмоқда саҳролар ҳам яшнаб бутун.  
Хизмат билан кечди унинг қирқ йил умри,  
Қирқ йил ичра бордир не-не бетакроп кун!

Сабру сабот тимсолидир қозоққа нор,  
Юксакликда ўсса қулоч отгай чинор.  
Ўз ташвиши эмас, балки кўпнинг ғами  
Сочларига унинг эрта қўндирмиш қор.

Мурғак йиллар эсга тушиб лаҳза, бир зум  
Энтиктирар:  
Ҳавас эди ризқу рўзинг.  
Ҳақу ноҳақ ҳузурингга келар энди,  
Кимга ҳам арз қилгайдирсан сенинг ўзинг?!

Эсга тушар  
Қўнғиротнинг яйловлари,  
Елдан енгил олиб учар бедовлари.  
У чоғ гўё дуркун эди далаю дашт,  
Серб эди табиатнинг сийловлари.

Узоқ йиллар хотираси — илиқ шуур  
Уйларида сўнди унинг мисоли нур.  
...Ҳа, Раҳбарнинг диққатини ушбу дамда  
Ҳеч бир нарса бўлмаслиги мутлақ зарур.

## 6

Уғирилди календарнинг бети тагин,  
Оқар дарё каби дунё

Оларми тин:  
 Рангин ҳаёт бағрин очди чақалоққа,  
 «Бахт уйи»га қадам қўйди куёв-келин.

Ўгирилди календарнинг бети такрор:  
 Сочларида кимдир оқлик  
 Кўрди илж бор.  
 Қариликка кимдир изн берди бу дам,  
 Этса ҳамки олис ёшлик қалбин бедор.

Ўгирилди календарнинг бети.  
 Кимдир  
 Янги тонгдан ахтаради мўъжиза, сир.  
 Кимдир гирён бўлди бошга тушган ғамдан,  
 Бошқа биров дили ҳамон хуфтон, дилгир.

Ушал қирғоқ узра балки ҳов уч ўғлон  
 Ерларини топа олмай зордир ҳамон.  
 Балки бунда ҳар тонг кўзёш ҳам тўкурлар,  
 Вужудларни ўртаб нола, аччиқ армон.

Уч қиз исми таралганда дара, тоққа,  
 Бўғиқ ҳаво кўмиларди  
 Мунг, титроққа.  
 Энди қайдан таскин топсин улар, эвоҳ,  
 Машҳаргача кўникмаслар бу фироққа.

Қўлларида ўша кунги анвойи гул,  
 Лекин улар сўлиб битган эди буткул...  
 Қани энди у кулгулар —  
 Кумуш жаранг?  
 Қани энди тўлқин сочлар —  
 Бўйи сунбул?

Юпанарми дил  
 Елларга сўйланса дард?  
 Ё қўшиқ-ла фориг бўлар ундаги гард?  
 Арчазорни оралашар улар тонгдан —  
 Топгаймиз деб  
 Бекинмачоқ ўйнашса гар.

Ахтаришар улар гирён, астойдил,  
 Чор атрофга югуришиб бамисли ел.  
 Лекин парво қилмай сира айқирарди  
 Бўтана сув қирғоқларга тўлиб мил-мил.

\* \* \*

Эслайсизми?  
 Ларзасидан титраб замин  
 Тўғон узра  
 Тўш уриб ёл тараганин?  
 Лойу хасдан,  
 Харсанглардан юксалиб сув  
 Ой нурида мудрай бошлар эди  
 вазмин.

Кошки мудраб қолса эди у бир  
 йўла.  
 Аксинча,  
 Хавф орттирарди тўла-тўла.  
 Залворидан  
 Ер қайишиб борар ҳатто.  
 Ва бу залвор  
 Тўғонни-да сурмоқ бўлар.

Тўғон эса ўз измида —  
 Собит турар, мустаҳкам.  
 Муқаррарми лекин офат?  
 Содир бўлар қайси дам?  
 Қирқ қаватли уйдаи юксак  
 Тўғон, гарчанд савлатли,  
 Унинг қалин қатламидан  
 Сув сизарди дам-бадам.  
 Тўғон бети қораймишди  
 Қора терга тушгандай,  
 Кўз ёшини шимдирар сел  
 Йўл тополмай ҳеч қандай.  
 Юксакларда — Тийиқсудан  
 Чопар янги жилғалар,  
 Селга мадад бўлмоқликка  
 Қанот боғлаб учгандай.

Сел тўғонни итқитмоқчи  
 Ана-мана дегунча,  
 Унда шаҳар қолиб кетар  
 Туман ичра, тун ичра.  
 Хавф-хатарнинг томирини  
 Топмоқ қийин бу лаҳза,  
 Гавдаланар кўз ўнгимда  
 Ташвишларга банд чехра.  
 «Москвами? Лаббай!  
 Ҳали  
 Тушмади сел шаҳидан!  
 Хавф хуружин даф этгали  
 Курашяпмиз ҳар бир дам.

Шу кечадан чиқиб олсак  
 Бетасодиф, саломат,  
 Зуд қурилган қўш тоннелдан  
 Чекингайдир фалокат.

Димиққан сув  
 Қулоч кериб  
 Ташқарига отилгай.

Тўғон ўзин  
 Эркин сезиб,  
 Захи, нами тортилгай.  
 Собитдирмиз биз ҳар нафас,  
 Уюшмоқ иш кўзидир.  
 Бу хулосам раҳбар эмас,  
 Муҳандиснинг сўзидир...

Не ёрдам? — деб сўрар дўстлар,  
 Тошкент, Киев, Боқудан.  
 Не ёрдам? — деб сўрар дўстлар  
 Биз-чун чекиб қайғу-ғам.

Ўзимизда куч бор,  
 Лекин  
 Минг раҳмат дўст-қардошга.  
 Узатгайлар доим қўлин  
 Тушганида ғам бошга.  
 Нима дейсиз?  
 Халқимизми?  
 Халқимиз тинч, осойиш!  
 Беғамликми ё мардликми —  
 Янграр қўшиқ, борар иш.

Ишончми бу?  
 Афтидан шу!  
 Эл мардона, мағрур қад:  
 Бутун шаҳар — зарур бўлса,  
 Отлаиҗгайдир ҳамжиҳат.  
 Бу кеч ҳар ким ўз фикрини  
 Тўкиб солар ўртага.  
 Ҳал қилувчи жанг якуни,  
 Сўнгги синов — эртага.

Бугун бошда ташвиш гарчанд,  
 Эрта порлар яна нур.  
 Қамаймагай бизнинг миллиард,  
 Хайрли тун!  
 Ташаккур!»

\* \* \*

Ёғдуларнинг теграсидан  
 Кеч тун аро  
 Парвоналар сийраклашиб қолмиш  
 ҳатто.

Раҳбар эса ҳамон бедор,  
 Балки бу пайт  
 Кўз остида битта ажин бўлар  
 пайдо.

Шивирлайди у оҳиста:  
 «Тонгга қадар  
 Ширин уйқунг бузма,  
 Ором ол, эй шаҳар,

Тонгдан яна бошланади қизгин  
 ҳаёт —

Ишга шошгунг,  
 Гул кўтаргунг,  
 Қучгунг зафар!  
 О, одамлар,  
 Тарк этмасин шуқуҳ сизни,  
 Сизлардадир давримизнинг ҳукми,  
 изми.

Қандай сўз-ла олқаш мумкин бу  
 асрда —

Ўзингизни,  
 Оламшумул ишингизни?!

Оддий тун бу,  
Йўқдир унда ўзга мазмун,  
Лекин сеҳри  
Келажакка этар мафтун.  
Тонг ёғдуси,  
Булбул саси билан уйғон,

Боғлар, шаҳар!  
Ҳозирликча хайрли тун!

Аммо улкан қоялари мудраётган  
Тоғ қўйнида қизгин меҳнат борар  
Бу дам!..»

\* \* \*

Раҳбар эса  
Тагин ишга кетар шўнғиб.  
Телефонни ўз олдига суриб илдам.

Трубкани кўтарару  
Сўрар жиддий:  
— Яна қанча кўтарилди тўғон усти?  
Қувурлар-чи?  
Қаергача етиб борди?  
Дамланган сув сатҳи яна қанча ўсди?  
Барчангизга зўр ташаккур ундай эса!—  
Дедию сўнг бедорлиги тушди эсга.  
Ва мизғишга эндигина тутинган чоғ  
Жиринглади телефон  
У олди тезда.  
— Ёмғир денг-а! — сўрди такрор. —  
Барақалла!  
Томчига зор эди қўриқ ушбу палла.  
Медевми?  
Унинг ҳақда эрта тонгдан  
Хабар учгай эфир бўйлаб хуш, баралла!

...Ҳар бир лаҳза кўчса ҳамки тигиз, илдам,  
Мен бир гойиб изн-ихтиёр сезиб дилдан,  
Ўзгаларнинг суҳбатига аралашдим,  
Навбат келди сўз очмоққа яна селдан!

7

О, ўқувчим, ўйлаганинг — ўйим, билсанг,  
Узинг асия дўстимдирсан, тангримдирсан.  
Воқифдирсан, бор нарсдан огоҳдирсан,  
Энди сени нима билан тонг қолдирсам?

Кўҳна замин чарх уради билмайин тин,  
Тўхтатолмас йиллар унинг айланишин.  
Мухрлай деб  
Ақалли бир сонияни,  
Юрт билар бу қиссани шеър айладим мен.

Шоир зотин улуғлаган, этган машҳур,  
Билсанг агар, мансаб эмас, имон эрур.  
Забт этмас у юракларни илми билан,  
Балки ҳассос қалби унинг элга манзур.

Оқиним деб атар бўлса мени элим,  
Бундан ортиқ мартабани бергайдир ким?  
Шеър дегани эрмак эмас менинг учун,  
Ҳар сатрга бахшидадир ўйим, дилдим.

Езмайман мен шунчаки бир — вақт ўтсин деб,  
 Ё дилларни енгил-елпи ром этсин деб.  
 Кошки шеърим аср руҳин, умр шавқин  
 Жо этолса,  
 Бўлолса юрт мадҳига зеб.

Эътирозинг ўринлидир; ҳа, ўқувчим,  
 (Ҳар дақиқа дилимдан ҳис этурман жим):  
 Ҳамма билар Медевнинг қурбин, дейсан,  
 Тагин минг йил туришига аминмас ким?

Ҳамма билар: сел тўғондан ошолмади,  
 Саратоннинг тафтида ҳам тошолмади.  
 Ҳамма билар — одамлару шаҳар омон  
 Ва бу офат юрт ҳуснига доғ солмади.

Тўғон узра тўлқинларин сермаган сув,  
 Кундуз ором,  
 Тунда уйқу бермаган сув,  
 Қўш тоннелдан ташқарига ўзин отди,  
 Бамисоли озодликка чиққан оху.

Биров қувноқ, жилолмасди лек ўрнидан,  
 Биров карахт — неча кунки олмаган дам.  
 Ҳаволарни титратгудек чалар қарсақ —  
 Тун-кун рулдан ажралмаган қўллар бу дам.

Хуллас, руҳинг яшнатганда ғолиб юзлар,  
 Қандоқ тасвир этгай буни оддий сўзлар?!  
 О, ўқувчим,  
 Бир сония назар солгин,  
 Қай дилда нур ёқолмас бу чақмоқ кўзлар?!

Бир-бирларин қутламоққа бот интилиб,  
 Қучоқ очар эди ҳамма катта қилиб.  
 Билиб бўлмас — таниш ким-у, нотаниш ким,  
 Ёшроқ ким-у мўйсафид ким — бўлмас билиб.

Бедорликда юргандан тун-кечаларда,  
 Терми, ёшми ялтирарди мишжаларда.  
 Яширмасди ҳеч ким бу чоқ кўз ёшини,  
 Зеро сурур,  
 Дил хитоби — жо уларда.

Авлодларга ибрат бўлсин дея ҳар чоқ  
 Тердан шўрлаб кетган кўйлак, темир қалпоқ —  
 Нухаларин қўяр эдим мен музейга  
 Ва олардим севинч ёшидан-да озроқ.

Жасорати лол айлаган зотлар барин  
 Қояларга ўяр эдим суратларин.  
 Тўғон бўйлаб ҳайкалларин ўрнатардим,  
 Илк уларга бахш этарди тонглар зарин.

Ҳа, уларнинг кўпи эди фидойи жон  
 Ва офатнинг забтига бас келишган он —  
 Уйлашмади, қолармиз деб тарихда ҳеч,  
 Уйлашмади, бўлармиз деб чин қаҳрамон.



Тўғон боши тўла эди оломонга,  
Улар ичра кўзим тушди уч ўғлонга.  
О, ўқувчим,  
Эсингдами, ҳов уч ўғлон?  
Лим-лим эди улар дили ўт-армонга.

Уйғонишиб улар ҳар тонг қуёш билан,  
Дардларини ичга ютиб бардош билан,  
Эдельвейслар улашишар одамларга  
Чехраларни ювиб дув-дув кўз ёш билан.

Лек машғум кун,  
Машғум соҳил дилдан кетмас  
Ва шу ёққа элтмоқдадир ушбу нафас —  
Гулларини.  
Одамлар, эл бу қирғоқни  
«Қизларкетган» деб аташса ажаб эмас.

Кўз намланмас  
Мавжлаңмаса қалб агарда,  
Шодмон эрди барча қувонч, зафарлар-ла.  
Ғолиблар шан қуршовида борар Раҳбар —  
Мутахассис, инженерлар, раҳбарлар-ла.

Ҳа, навқирон Олмаота эди омон,  
Истиқболга юз бурганди  
Яшнаб чандон.  
Ҳовлилардан чиққан ғозлар етаклашиб,  
Савлат тўкиб ўтишарди сойлик томон.

Сарин эпкин қанот ёзмиш яна ғолиб,  
Адирларнинг ва боғларнинг тараб болин.  
«Оби ҳаёт келмоқда...» деб шивирларди  
Гулзорларни суюнчилаб,  
Бўса олиб.

Келарди сув  
Таманнолар қилган мисол,  
Мавжларида оқ кўпигу ўзи зилол.  
Ёз осмони гарчи эди тиниқ, зангор,  
Пасайгандек кўринарди тафти хиёл.

## 8

Сел ҳам ўтди,  
Хавфи унинг йитиб кетди.  
Бу орада икки йил ҳам ўтиб кетди.  
Бегумонки,  
Доскадаги бўр ёзувдай  
Хотирадан талай туйғу ўчиб кетди.

Унут бўлмас минг тўққиз юз етмиш уч лек,  
Ҳануз унинг овозаси билмайди чек.  
Ҳар оғизда ҳар хил миш-миш кезар бешак,  
Зотан кимки нима деса, ўзида эрк.

Биров сўйлар  
Кўзи билан кўрган бўлиб,  
Ёвуз селга нақ бақамти келган бўлиб.

Биров сўйлар  
Қизгин, долзарб паллалардан  
Юрагига алланечук фахр тўлиб.

Тоғ йиқишни ёқлагандик биз ҳам, дерлар,  
Биров сўйлар ўжар сел-ла олишувдан.  
Лек барчанинг тилида бир шукроналик:  
«Не кечарди бўлмаганда Медев агар?..»

Кўмилмайин қолди шаҳар лой-харсангга,  
Бироқ офат жунбуш этиб турган дамда  
Бир Медевнинг қурби қайга етар эди,  
Фидойилар жон олиб жон бермаганда?

Не кечарди — топилмаса мардлик, туғён?  
Не кечарди бўлганида эски замон?  
Гарчи булар ҳақиқатдир очиқ-ойдин,  
Лекин дилда зикр этмоқлик жонз бир он.

Лутфикордир шаҳримизнинг чаман-боғи,  
Меҳмонларнинг адоғи йўқ, йўқ саноғи.  
Зиёратгоҳ бу кун машҳур Медевимиз,  
Маккага ҳам бунча сайёҳ бормас чоғи.

Келар улар ер юзининг ҳар бурчидан,  
Баъзилари чўнг ҳайратга толар бир дам.  
Баъзилари шаҳримизга қизиққандан  
Саволларни қалаштириб ташлар бирдан.

Гарчи донғи дунё аро машҳур жуда, —  
Офат билан олишувлар борасида, —  
Ажаб кўкрак кериб,  
Савлат тўкиб тўғон  
Етар бу кун баланд тоғлар орасида.

Утса ҳамки йиллар,  
Утса ҳамки аср,  
«Лаббай» дегай ундан ҳар чоқ қодир насл.  
Инсоният қудратига обида у,  
Фарзандидир ўз даврининг содиқ, асил.

Ҳа, сел катта сабоқ бўлди бизлар учун —  
Шу кунларнинг ғам-ташвишин қилиб якун,  
Янги тоннель бунёд этдик — эҳтиёт шарт,  
Ҳатто поезд сиғиб кетар унга бу кун.

Тийиқсудан ҳам аримас одам доим,  
Тилсими кўп,  
Лек қарашлар хуш, мулойим.  
Кўм-кўк мавжлар узра сузар қайиқлар шан,  
Чўққилардан эса музлик ҳўмраяр жим.

Табиат-ку,  
Сийлаб қўймас хавф-хатарсиз.  
Шу боисдан сел хуружин зикр этиб,  
Ҳозирча тинч, осойишта Тийиқсувнинг  
Томирин ҳар уришидан бохабармиз.

Қўнгунича чўққиларга илиқ кўклам,  
Пастликларга музлик карахт боқар кўкдан:

Кўринади — Чимбулоқнинг булоқлари,  
Кўринади — Мингйилқию Қизларкетган.

Этакларда мудраб ётар ёвқур шаҳар,  
Боғлар мўлдир,  
Мўлдир унда толе, зафар.  
Ярашгайдир ул жасорат шарафига  
Шу боғларда буюк ҳайкал қўйилса гар.  
Буюк ҳайкал бордир зеро,  
У — ҳов тўғон!  
Сақлаб қолди у шаҳарни селдан омон.  
«Гар Медев бўлмаганда...» деб шукрона  
Унинг номин тилдан қўймас ҳар хонадон.

Шундай қилиб достоним ҳам бўлди охир,  
Сел ҳақида нени билсам, этдим зоҳир.  
Сел — баҳона.  
Ёзганларим нечук бўлсин —  
Сен ҳақингда, ўзим ҳақда бўлмай, ахир?!

Шеър руҳимнинг озигидир,  
Жоним менинг,  
О, ўқувчим,  
Куйлай дейман қалбинг сенинг.  
Зафарларинг асосига боққин тераң,  
Шу замона  
заминидир барчасининг.

Дилда борин айтиб бўлдим сўзим тамом.  
Мухтасарлик, мумтозликка йўқдир давом.  
О, ўқувчим,  
Уйла,  
Фикр эт  
Ва достоним  
Давомини юрагингда эттир давом!

Қозоқчадан Мирпўлат МИРЗАЕВ таржимаси



Александр Чаковский



СЪЁСІЙ РОМАН

Руснадан  
Ҳ. АЛИМТОВ таржимаси

Еттинчи боб

Сталин

УЧТА башанг ва саккиз нафар одатдаги вагондан иборат поезд нақ Можайск шоссесини кесиб ўтгандек Москвадан ўн километр берида турарди. Рельслар кўринмас, уларни ўсиқ кўкатлар кўздан яширарди. Гуё поезд бу бийдек далага қандай келиб қолгани ҳам номаълум эди.

Состав бошидаги паровоздан ташқари, орқароқда яна иккитаси — бири етакчи паровоз ёнида, иккинчиси состав охиридаги вагондан бир неча метр берида турарди. Биринчи ва учинчи паровознинг тендери ёғоч панжара билан қуршалган бўлиб, унинг орқасида одамлар ҳамда пулемётлар бор эди. Состав ёнида ҳар икки томондан икки узун ярим ҳалқа ташкил қилиб автоматчилар саф тортганди. Башанг вагонлардан бирининг зинаси ёнида унвони генерал ёки камида полковник даражасидаги офицерлар кўринарди. Улар ўқтин-ўқтин соатларига қараб қўйиб, бу ерга яқин-у, аммо кўзга чалинмовчи Минск шоссеси томон боқиб қўйишарди.

...Эрталабки соат олтидан ўтганда турна қатор машиналар катта тезлик билан Арбат бўйлаб Дорогомиловск заставаси томон ела бошлади. Бу эрта тонгда Москва деярли бўм-бўш эди. Ишга кетаётганлар

<sup>1</sup> Давоми боши журналнинг 6, 7-сонларида.

Ўқдай елувчи автомобилларни ҳанг-манг кузатиб қолишди. Одатда бундай пайтларда ўткинчилар автомобилларнинг бирида Сталин борлигини аниқ билишарди.

Аммо бу машиналарнинг ҳеч бирида Сталин йўқ бўлиб, уларда ташқи ишлар халқ комиссарлиги ходимлари кетаётгандилар. Айримлар дипломатик состав учун уруш вақтидаёқ жорий этилган ним кулранг формада, бошқалар одатдаги фуқаро кийимида эдилар. Булар ташқи ишлар халқ комиссарлигининг масъул ходимлари, шунингдек, шифрловчи, радистлар, секретарлар, стенографистлардан иборат. Турли ҳужжат, доклад, ёзув, рефератлар билан тўла портфель ва папкаларни кўтариб олган бу одамлар эллик нафарча эди.

Машиналар Минск шоссесидан ўн километрча йўл босиб ўтгач, поезддан эллик метрча берида тўхтади. Машинадан тушириш, ҳужжат текширув, вагонларга ўтқазиб ишларига тўқ қизил ҳошияли шапка кийган бир неча полковниклар раҳбарлик қилишарди. Полковниклар дам-бадам: «Ҳозирча вагонлардан чиқилмасин!», дея такрорлашарди. Бу ишлар жами ярим соатча вақт олди. Йўловчиларини туширган машиналар дарҳол орқага бурилиб, келган томонларига жадал елиб кетдилар. Ҳаракатсиз турган поезд ёнида яна фақат автоматчилар билан Давлат хавфсизлиги халқ комиссарлиги формасидаги бир неча ҳарбийларгина қолганди. Атрофда илҳақлик вазияти ҳукмрон эди. Мазкур вазиятни уфқдан кўтарилиб қолган ёрқин ёзги қуёш нури ҳам, ўсиқ кўкатларни тебратаётган илиқ шамол, қушларнинг сайраши, чигирткалар чириллашлари ҳам буза олмасди.

Эрталабки соат еттида шосседа яна икки нафар машина пайдо бўлди. Улар деярли ёнма-ён елар, олдинда келаётган машина тўхтаганда, генерал ва полковниклар машиналар сари пешвоз чиқишди. Автоматчилар турган жойларида ғоз қотишди. Машиналар тормозларини энгил ғижирлатиб, нақ поезд ёнида тўхтади. Бир машинадан Молотов, унинг ёрдамчиси Подцероб ва соқчилар тушишди. Халқ комиссарини кутиб олган ҳарбийлар кузатувида Молотов бир неча ўн қадам юриб, составнинг ўртасидаги вагонлардан бирига кириб кетди. Автоматчилар худди «вольно» командаси пайтидагидай қўл-оёқ пайларини пича бўш қўйдилар.

Паровозлар пишиллаб, буферлар тарақлади. Аммо ҳамон жиддийлик вазияти ҳукмрон эди. Ҳарбийлар ҳадеганда соатга боқиб, паст овозда гаплашишарди. Соат етти яримга жом урди.

Шу пайт шосседа уч нафар машина кўринди. Улар нуқул жойларини алмаштириб катта тезлик билан яқинлашмоқда эдилар: биринчи машина дам иккинчи, дам учинчи ўринга ўтар, учинчи машина гоҳ биринчи, гоҳ иккинчи бўлиб ела бошларди.

Поезд яқинидаги одамлар чурқ этмай, худди келишиб олгандек китель ва гимнастёркаларини тортиб қўйишди. Гарчи, ҳеч ким «смирно» командаси бермаса ҳам, автоматчилар яна ғоз қотишганди.

Биринчи машина нақ радиатори поезд ўртасидаги вагонлардан бирига теккудай бўлиб таққа тўхтади. Ҳали машина тўхтамасданоқ олдинги эшиги очилди. Автомобилдан Сталиннинг шахсий соқчи-офицери Хрусталева сакраб тушди. У дарҳол кабинанинг орқа эшигини очди-да, унинг дастасини ушлаб, эшик орқасида тик қотди. Сталин машинадан шошмай, истар-истамас бош чиқарди. Шамол унинг шапкасиз бошидаги сийрак-сарғишроқ нуроний сочларини энгил тебратди. Сталин гўё одамларни ҳам, поезднинг ўзини ҳам кўрмагандай атрофга боқди. Иккинчи машинадан, Сталиннинг секретари Поскребишев, соқчилик Бош бошқармасининг бошлиғи генерал Власик, ички ишлар халқ комиссари Кружолов ва яна бир неча ҳарбийлар чиқишди. Сталин ерда биринчи қадам ташлаши билан Хрусталева машинанинг орқа ўриндигидан

Сталиннинг маршаллик погонли тўқ кул ранг плаши ва шапкасини олди. Қўлида плаш ва бош кийимни тутган Хрусталева ҳозир Сталинга ҳаммадан кўра яқинроқ турарди.

— Хўш... нима гап?— деб сўради секин Сталин кутиб олган ҳарбийларга мурожаат қилиб.

Генерал ва полковникларнинг орқа томонида темир йўлчилар формасидаги кимдир пайдо бўлиб, бир қадам олдинга чиққач, баланд овозда деди:

— Состав жўнашга тайёр, ўртоқ Сталин. Поезд бошлиғи Ковалёв.

— Сиз ҳам куни кечагина йўллар алоқаси комиссари эдингиз, — деди салгина жилмайиб, қуёшдан кўзларини қисиб Сталин. — Хўш, сизни кўтаришдими ёки пасайтиришдими?

— Нима дейишга ҳам ҳайронман, ўртоқ Сталин...— жавоб берди Ковалёв Сталиннинг ҳазил қилаётганини тушуниб. Айни вақтда у бунга тўлиқ ишонч ҳосил қилмаганди ҳали.

— Менимча, ҳар қалай кўтарганлар, — Сталин одатича баъзи сўзларни чўзиброқ давом этди. — Биз ҳозир ҳаммамиз йўловчилармиз, сиз эса бошлиқ. — У Ковалёвдан ўгирилди-да, ҳеч кимга алоҳида мурожаат қилмасдан сўради: — Молотов келганми?

— Худди шундай, — жавоб қилди генераллардан бири.

Сталин поездни паровоздан тортиб охирги вагонигача аста кўздан кечириб чиқди.

— Модомики, ҳамма нарса тайёр экан, нимани кутяпмиз?— кифтларини қисиб, яна савол ташлади у.

Ковалёв башанг вагон эшиги томон бош ирғади. Сталин тутқични ушлади. Хрусталева унинг чап тирсагини астагина ушлаб, зинага кўтарилишга ёрдам қилди. Лаҳза ўтар-ўтмас, Сталин тамбурдан ичкарига кириб кетди. Хрусталева, Власик, Поскребишев унга эргашдилар.

Икки-уч минутдан кейин поезд гўё ўсиқ кўкатларда эмаклаётгандек аста қўзғалди-да, Белоруссиядан бошланиб, ғарб томон элтувчи калта шохобчадан темир йўл магистралига чиқиб олди.

Бу 1945 йил, ўн бешинчи июль куни эди.

Сталин вагонга кириб, атрофга нохуш ва пича жаҳл аралаш назар ташлади. Чамаси, уни сайқал берилган қизил тахталар, мис тутқичлар тозаллиги, доира стол устида осилиб турган биллур қандилларнинг ялтираши ажаблантиргандек эди. Сталин урушдан аввалги йилларда жанубга қилган сафарларида ҳам башанг вагондан фойдаланган эди, аммо улар анча содда эди. Вагонлар одатда чоғроқ иш бўлмаси ва овқатланиш жойи сифатида хизмат қилувчи хона, ҳар доимгидек учта икки ўринли купедан иборат бўлгувчиди. Унинг биттасини Сталиннинг ўзи эгаллар, қолган иккитасида кузатувчилари жойлашишарди.

Бу вагон эса, чамаси, қадимий вагонлардан бўлса керак, ҳозир уни ҳафсала билан таъмирлашган шекилли!

Хрусталева Сталиннинг плаш ва шапкасини илгичга осиб қўйгач, чиқиб кетмоқчи бўлди.

— Молотовни чақиринг, — деди секин Сталин.

Молотов икки-уч минутдан сўнг келди. У ташқи ишлар халқ комиссарлигининг бошқа ходимларидан фарқли ўлароқ оддий фуқароча кийимда эди. Сталин саломлашиб ўтирмай — у энг яқин ўртоқлари билан саломлашмас, хайрлашмас эди, — сўради:

— Громико билан Гусев ҳозир у ердамилар, етиб боришганми?

— Ҳа, — жавоб берди Молотов, — кеча етиб боришган.

— Улар-чи?...— қўли билан ноаниқ ҳаракат қилиб сўради Сталин.

— Тунги соат йигирмада олинган маълумотга кўра, ҳар иккаласи ҳам Берлинга бугун ёки эртага етиб келишлари керак.

— Хўш,— деб қўйди аста чўзиб Сталин ва дераза ёнига келди. Текис, ўқ ўтказмайдиган ойнадан ташлаб кетилган дотлар, сув тўла чуқурликлар кўринди. Уруш бу ерлардан уч йил аввал ўтган, аммо унинг излари ҳамон ҳамма нарсада сезилиб турарди.

— Нима ҳам дердик.— Молотовга тескари туриб ва деразага қараган кўйи ўзига гапираётгандек деди Сталин.— Майли, бир оз кутишин. Биз уларни узоқроқ кутганмиз. Дуруст. Жойингга бориб ишлайвер.

...Сталин сиёсий бюро мажлислари, ҳарбий бошлиқлар, олимлар, конструкторлар ва бошқа саноат раҳбарлари иштирокида ўтказиладиган кенгашларда, чет эл дипломатлари билан учрашув вақтларида ўзида ҳеч қандай ахборот материаллари ва ҳеч қандай ҳужжатларга эга бўлмасди. Ҳеч қачон унинг портфель ва папкалари бўлмасди...

Бунинг устига Сталин одатда ҳеч қандай ёзувлар қилмасди. У яхши кўрган одатига амал қилиб, хонада юриб турар ва трубка чекарди. Сталин кишилар олдига фақат трубка билан чиқиб, стол атрофида ўтирганларнинг сўзларини тингларди. Вақти-вақти билан луқма ташлаб, гапирувчилар сўзини бўлиб тургучийди. Агар стол ёнига ўтиришга тўғри келиб қолса, баъзан қалам билан бир варақ қоғозга расм чиза бошларди.

Аммо ҳеч нарса ёзмасди. Фақат расм чизарди, холос. Булар баъзан одамларнинг ён томонидан кўриниши, баъзан ҳар хил ҳайвонларнинг расми бўларди. Кўпинча бўрилар расмини чизарди.

Сталин ўз хотирасига ишонармиди? Хотираси чиндан ҳам уни кам доғда қолдирган. Аммо шундай бўлса-да, энг муҳими бошқа нарса эди. Сталин айтмоқчи бўлган ёки мамлакатнинг моддий ва маънавий ҳаёти заруратидан кун тартибига киритишни лозим кўрган масалаларнинг барча аспекти, одатда, партия ходимлари, йирик олимлар, тажрибали хўжалик ходимлари, машҳур ҳарбий бошлиқлардан иборат маҳсус гуруҳлар томонидан ишлаб чиқиларди. Сталин эса вазиятни тез баҳолаш, энг муҳим нарсани танлай билиш ва ўз нуқтаи назарида энг зарур сиёсий умумлаштиришлар ва хулосалар чиқаришдек нодир қобилиятга эга эди.

Шунга қарамасдан, ўша йиллари кенг тарқалган — бунга унинг ўзи ҳам маълум даражада ҳисса қўшганди — Сталин даҳолиги туфайли ҳамма нарсани олдиндан кўра билади ва ҳар қандай мураккаб масалани бир ўзи ҳал қила олади, деган фикр тўғри эмас эди, албатта.

Масалани узил-кесил ҳал қилиш чиндан ҳам ҳамиша унга қоларди. Агар қарор қабул қилганига қадар сокин кабинетда ўтириб беҳисоб кўп ҳужжатлар — сиёсий шарҳ, тарихий ҳужжатлар, турли-туман, баъзан эса қарама-қарши фактларни ўрганиб чиқмаганида Сталин бундай қарорлар қабул қилишга қодир бўлмас эди. Бу ҳамма ҳужжатларни қудратли партия, давлат ва дипломатик аппарат тайёрлаб берарди.

Аммо Сталин ҳамиша олдидаги асосий мақсадни кўра билишдек муттасил қобилиятга эга эди.

Мақсадлар кўп бўлиши мумкин, аммо уларнинг ичида ҳамиша энг муҳими бўлади. Уларни эсламоқ учун Сталинга ҳеч қандай ҳужжат керакмасди. У аввало ўқиган қоғозларини барча маъноси, рақами ҳамда бошқа деталлари ва қўшимчалари билан бир томонга суриб қўйгандек бўларди. Рақамлардан фақат икки-учтаси — энг моҳиятлисини эслаб қоларди. Тафсилотлардан фақат баъзиларини, мақсадга хизмат қилувчиларинигина танлаб оларди. Агар суҳбатдоши, айниқса у бошқа давлатнинг вакили бўлса, ишнинг моҳиятидан ўзини четга тортса, Сталин юмшоқлик, мулоимлик билан, баъзан эса энгил истеҳзо билан тўхтатар ва уни бош масалага боғлиқ суҳбатга қайтарарди.

Тарихий шахсга айланиб кетган давлат арбоблари орасида бундай барқарор ва айнаи вақтда бундай қарама-қарши характерни топиш қийин.

Тарихий воқеалар ва тарих чўққиларига кўтарилган шахсларнинг характерларини таҳлил қилувчиларни ҳамиша оддий, бир томонлама қарор қабул қилиш иштиёқи чулғаб олади. Бундай иштиёққа берилиб кетиб, барча бўёқлардан фақат биттасигина — ёки оқ, ёки қораси танлаб олиниб, бу тарихий сиймолар бир хил андоза билан баҳоланади.

Албатта, тарихда биргина оқ ёки қора бўёқ билан асосий моҳиятини ифодалаш етарли воқеалар ва характерлар бўлган ва бўлиши мумкин.

Чунончи, революция ва контрреволюция. Фикрлари ва ҳаракатлари ҳамиша халқ бахт-саодатига қаратилган тарихий арбоблар ёки тарихга халқнинг ашаддий душмани бўлиб кирганларни олайлик. Бу ўринда қарама-қарши рангдан бошқа бўёқ керак эмас.

Аммо Сталиннинг фаолиятини бундай баҳолашгина тўғри эмас. Унинг характерида яхшилик билан қусурлар ўзгача чирмашиб кетган. Фақат давр шамширигина бу чирмашувни сархиллай билди.

Бу шамшир сўнгги марта Сталин узра уруш йиллари ярақлаб унинг характерида неча бор ниш урган қусурни кесиб ташлагандек бўлганди.

1945 йил, ўн бешинчи июлда энг ашаддий душман билан олиб борилган тўрт йиллик қонли жангда мамлакатга бошчилик қилган сиймо кенг, ёруғ вагон деразасидан қараб турарди.

Сталин кетаётган поезд кам-камгина тўхтаб, олға еларди. Аммо уруш уни изма-из кузатаётгандек эди. Сталин деразадан қайси томонга қарамасин, траншеялар, алоқа йўллари, окопларни кўрарди. Бир пайтлар гуркириб ўсган ним яшил кўкатлар билан қопланган далаларда узун ва чуқур чандиқ янглиғ намоён бўларди бу излар. Сталин вайрон қилинган дот ва дзотларни, култепага айланган иморатларни кўриб борарди...

Албатта, у бу вайроналикларни авваллари ҳам разведкачи самолётлардан олинган фотографиялар, озод этилган районларда суратга олинган кинохроника кадрларидан яхши биларди.

Аммо ҳақиқий, ҳали қон оқувчи уруш жароҳатларини биринчи марта ўз кўзи билан кўриши эди. Унинг кўз олдида яқин ўтмишдаги азоб-уқубатлар билан бузилган, хароб этилган совет тупроғи ястаниб ётарди.

Мамлакатга узоқ йиллар раҳбарлик даврида Сталин мамлакат бўйлаб кўп юрмади: йигирманчи йиллар охирида — Сибирга галла тайёрлашга, кейинроқ — Ленинградга ва ҳар йили Кавказга, Сочига борди. Шунга қарамай, у кўп нарсани биларди. Харитага қараб, қаерда қандай шахарлар пайдо бўлиши, қаерда заводлар қад кўтариши, қаерда электростанциялар қурилишини, қаерда каналлар очилаётганини, қаерда қандай ерлар — қоратупроқ, лойтупроқ, қумлоқ борлигини, улкан ўрмонзорлар қаердалигини ва қаерда дашт-биёбонни гармсел ҳали ҳам хароб этаётганини бехато кўрсата оларди.

У урушдан олдин қад кўтарган домна миноралари, қудратли турбиналарни ҳаракатга келтирувчи сунъий сув шаршаралари, икки беш йиллик даврида тубдан ўзгартирилган совет ўлкаси қиёфасини осонгина тасаввур қилар эди. Ҳали Кремлдан чиқиб кетмасданоқ, совет ерининг анча қисмида, шафқатсиз уруш босиб ўтган қисмида — энди буларнинг ҳеч қайсиси йўқ эканлигини биларди. Ҳаммаси бузилган, портлатилган, нес-нобуд этилиб, сувга ботирилган...

Қўнгилчанликдан узоқ ҳиссиётга берилишни ёқтирмовчи, баъзан ортиқ даражада тошбағир Сталин ҳозир кенг дераза ёнида туриб ке-



таркан, күз олдидан ұтаётган вайрона манзараларга диққат билан тикиларди.

Сталин беҳол, оч-наҳор ва уйқусизликдан юзлари карахт солдат гимнастёркасидаги, июль иссигига қарамай пахталик, урушдан аввалги кийимлардаги эркак ва аёлларни кўриб борарди.

Қоринлари шишган озгин болалар чўпдек ингичка қўлларини чўзиб, яқинлашиб келаётган поезд сари интилишарди. Улар нон тилашарди...

Худди шу манзарани Сталин демобилизация қилинган солдатлар тўла поезд тўхтаган, Москва яқинидаги кичиккина бир темир йўл станциясида кўрган эди.

Унлаб, юзлаб болаларнинг қўлчалари иргитилган сухари, нон бурдаси, консерва банкалари, қанд чақмоқларини тутиб олиб, поезд-вагонлари томон узатиларди. Солдатлар бисотларидаги нарсаларни гўё поезд юриб кетиб, улгуролмай қоладигандек қиёфада апил-тапил улоқтирардилар...

Сталин тушган поезд кам-кам, қисқа муддатли тўхтаб ғарб сари еларди. Одамлар поезд йўли томон шошилардилар, аммо маълумки, оддий солдатлар алоҳида бу составда ким кетаётганини билишмасди.

«Мабодо билганларида-чи?» деб ўйлади Сталин.

Унда улар нима ҳақида сўраган бўлардилар? Бундан кейин қай тарзда яшай бошлаймиз? Нон бўладими? Уйлар бўладими? Қачон? Ахир, у — Сталин ҳамма нарсани билиши керак, ахир, унга ҳамма нарсаси олдиндан аён-ку, ахир, у ҳамма саволга жавоб бера олади...

Поезд ҳали номлари уч-тўрт йил аввал Сталиннинг қулоқларида момоқалди роқ бонги каби жаранглаган аҳоли пунктлардан елганча ўтиб кетди. У гўё ўтмишга саёҳат қилгандай бўлди. «Демак, немислар совет пойтахтига ҳал қилувчи ҳужум қилиш учун тайёрланиб, шу ерда турганлар», деб ўйлади Сталин. Телефонга Жуковни чақириб, у ўша вақтда шундай сўзларни айтдики, уларнинг ҳар бири микрофон мембранига қонга бўялган тошдек бўлиб урилди: «Коммунист сифатида виждонан айтинг-чи... нима деб ўйлайсиз, Москвани сақлаб қола оламизми?..»

Ниҳоятда узоқ жанг олиб бориш номи билан боғлиқ бўлган шаҳар — Смоленск. Ун минглаб душман солдатлари учун гўр бўлган Смоленск ерлари. Совет жангчилари бу ерларда жон бердилар, аммо таслим бўлмадилар. Мана, Сталиннинг фикрини урушнинг энг биринчи ва энг аччиқ кунларига қайтарган Минск. Қирқ биринчи йил июнининг охиридаёқ бу шаҳар душман ҳалқасида қолувди...

Яна уруш касри теккан бўм-бўш дала ва адирлар бошланди. Хотирага йўқ бўлиб кетган шаҳарларни келтирарди бу сайхонликлар.

Баъзан ёнгинадан қарши поездлар елиб ўтарди. Буни кўрган Сталин ҳамма нарсаси бурч адо этилишига қаратилганидан мамнун бўларди. Поездлар ғарбдан шарққа борарди. Ғилдираклар тақир-туқир эшик ва деразалардан эшитилувчи қўшиқлар ҳамда гармон овозлари билан қўшилиб кетарди. Олд томонларига кўкатлар билан қуршалган унинг — Сталиннинг портрети ўрнатиқли состав паровозлари еларди.

Совет солдатлари урушдан қайтардилар. Улар тамбурларда тўп-ланган кўйи вагонларнинг деразаларидан боқишар, дағал кирза этик-ли оёқларини осилтирганча теплушканинг очиқ эшиклари олдида ўтирардилар. Офтоб, тердан ранги ўзгарган ёқаларининг тугмаси ечиқ. Қуёш қорайтирган ҳорғин юзлари — урушнинг охириги йилидаги барча солдат, офицерлар учун хос эди бу — бахтиёр жилмаярди. Енларидан елиб ўтаётган поездга тетик салом бериб қолишарди гармонь, баян, аккардеон чалиб келувчи фронтчилар.

Қанийди, улар бу поездда ким кетаётганини билишса!

Сталин тўрт йил аввал, Мавзолей минбаридан туриб солдатларни фронтга қузатган эди. Улар Қизил майдондан тўппа-тўғри пойтахт тақдири ҳал қилинаётган томонга жўнаган эдилар. Сталин Мавзолей қаршисидан шаҳдам қадам ташлаб ўтган жангчиларни қўл силкиганча табриклар қолганди.

Сталин ҳозир қаршидан чиққан поездга салом бераётган солдатларга қараб: «Улар орасида 1941 йил 7 ноябрь куни Қизил майдондан ўтганлардан бормикан? Улардан бирортаси қолдимикан?..» дея хаёл сурди.

Юмшоқ қайтарма ёқали, одатдаги кул ранг тужуркасини ҳарбий кителга алмаштирган бу одамнинг ўзи ҳам шахсан жанг йилларида кўпларидан ажралди. Немислар асир олган ва албатта қатл этган ўғли Яков бедарак йўқолди. Ёшликдаги дўстлардан кўпчилиги бу дунёдан абадий кўз юмишди, охири пайтлар Сталиннинг бундай яқин дўстлари қолмаганди. Ушандай абадий кўз юмганлар орасида Реваз Баканидзе ҳам бор эди. Сталин нима учун эслади ҳозир уни? Реваз на фақат эски ошналиги, балки коммунистик ҳуқуқи тақозоси билан унга — Сталинга: «Нима учун?! Нега душман Ленинград ва Москвага яқинлаша олди?», дея дангал таъна қилишга журъат этгани сабабчимикан бунга?

Уша вақтда Сталин ғалабадан кейин сўзлаяжак нутқи ҳақида ўйлаганмиди? Бу нутқида у мажбуран эмас, сидқидилдан уруш пайтлари вужудга келган «оғир лаҳзалар» ҳақида эътироф этиб, кўп мусибатларга қарамай, коммунизм ғоялари йўлида содиқ қолган қаҳрамон халққа ўша «оғир лаҳза»ларда ҳукуматга билдирган ишонч учун ташаккур изҳор этди.

Қанийди Баканидзе тирик қолса! Сталин уни ҳозирги сафарга бирга олиб борган бўларди. Улар дераза олдида ёнма-ён туриб, қувноқ ва бахтиёр одамлар билан тўла қаршидан елувчи поездларни томоша қилишарди. Кейинроқ ғумбазида қизил байроқ ҳилпировчи Рейхстагга биргалашиб боқишарди.

«...Аввало душманни тор-мор этиш керак... Қолганлари ғалабадан кейин!», бу сўзларни Сталин қирқ биринчи йили, Кремлдаги квартирасида Баканидзенинг талабчан кўзларига боқиб туриб айтган эди.

Мана энди ўша «ғалабадан кейин»ги вақт етиб келди!

Ғалаба — миллионлаб совет кишилари учун тинчлик, қариндош ва яқин одамлар билан учрашиш, ниҳоят қуролни нари улоқтириб, ишлаш, қуриш, ер ҳайдаш, ихтиро қилиш, ижод этиш демак эди...

Ғалаба Сталин учун яна жуда кўп нарсаларни билдирарди. У ғалаба қандай машаққатлар орқасида қўлга киритилганлиги ҳақида ўйларди. Яқинда Политбюрода уруш Совет Иттифоқи учун йигирма миллион инсон ҳаёти ва қарийб етти юз миллиард сўм зарар келтирилганлиги қайд этилди.

Мамлакат вайрона. Жароҳатлардан қон оқиб турибди. Ўнлаб шахталар ташландиқ ҳолда ёки сув бостирилган. Урушдан аввалги беш йилликларнинг қалдирғочлари бўлган ўнлаб заводлар бамисоли култета. ДнепрогЭС портлатилган. Сталинград, Севастополь ва яна қанчадан-қанча шаҳар ва қишлоқлар бузиб ташланган. Ун минглаб ишчи ва колхозчилар ертўлалар, тахта баракларда яшамоқдалар. Шаҳарлар, қишлоқлар, заводлар, электростанцияларни қайта тузатиш, ҳаётнинг урушдан аввалги даражасига етказиш учун миллионлаб кишиларнинг ғоят кўп меҳнати ва жуда кўп маблағ талаб қилинарди. Совет кишилари бошидан кечирилган мусибатларга қарамай янги, меҳнат жасорати кўрсата билишлари керак эди. Қандай бўлмасин, зарур маблағ топиш керак. Акс ҳолда не машаққатлар билан эришилган зафарлар сохта бир нарса бўлиб қолади.

Шундай теран мулоҳазага берилган Сталин урушдан кейинги Европа қиёфасини ҳам тасаввур этарди.

1943 йилдаёқ, ҳали жанг айни қизиб турган, Сталинград ғалабаси яқиндек туюлган бир пайтда Марказий Комитет топшириғи билан махсус гуруҳ урушдан кейинги дунёнинг тахминий қиёфасини ишлаб чиқа бошлади. Мазкур гуруҳга кекса ва ёш авлод вакиллари, дипломатлар, иқтисодчи ва тадқиқотчи олимлар, МК халқаро бўлимининг раҳбар ходимлари киришди.

Гуруҳ фаолиятида урушдан кейинги совет халқи ва Европа халқларининг манфаатларига тўлароқ мос келадиган вазиятни аниқлаш мақсадида олиб борилган кўп томонлама ва сердиққат ишнинг энг муҳим таркибий қисми бўлди. Мавжуд ҳарбий иттифоқчилар ўртасида қандай баҳсли масалалар чиқиши мумкин? Бу ҳарбий баҳсли масалаларга совет муносабати қандай бўлиши керак?

Мана шу ва бошқа кўп муаммолар Политбюрода ва Давлат муҳофаа Комитети мажлисларида муҳокама қилинган эди. Шундай қилиб, Сталин узил-кесил қарорга келиш учун зарур энг муҳим материалларга ҳаминша эга эди.

Уни ҳозир, Берлинга кетаётганида Совет мамлакатининг ғарбий чегараларининг хавфсизлиғи муаммолари айниқса ташвишлангирмоқда эди.

Урушдан аввалги узоқ йиллар давомида, аслида революциянинг биринчи кунлариданоқ ғарбий чегаралар буткул душманлардан иборат эди. Болтиқ бўйида Юденич Ленинградга кўз олайтирди. Польшада эса кўп йиллар давомида советларга қарши фитна тайёрланар, Совет Иттифоқи жосус ва қўпоровчилар ташланажак плацдарм бўлиб қолди. Руминия душмани, Болқонда фашистлар террори авжга минганди.

Ўз-ўзидан, наҳотки совет кишилари Ватан ва Европани гитлерчилар қуллигидан озод қилиш йўлида бекорга қон тўккан бўлсалар, деган савол туғиларди. Наҳотки энди, тинчлик ўрнатилгандан кейин ҳам Совет Иттифоқига чегарадош давлатлар, Советларга қарши ҳукуматлар, подшоҳлар, қироллар, диктаторлар ҳукмронлигида бўлсалар?

Демак, совет халқи доимий хавф остида яшаши керакми? Демак, қуролланиш, ғарбий чегарада янгидан-янги истеҳкомлар қуриш учун яна кўплаб маблағ сарфлашга тўғри келадими? Ҳар бир сўм, ҳар бир тийин ҳамон ингровчи ер ярасини даволаш учун зарур бир вақтда...

Мамлакатни тиклаш ишида иттифоқчилар ва биринчи галда уруш пайти яна ҳам кўпроқ бойиб, ўтган аср бошидан бери ўз ерида бирор-та душман солдатини кўрмаган Америка Қўшма Штатлари ёрдам қилади, деб умид боғлаш мумкинми?

Йўқ, жиддий ёрдамга умид қилиш мумкин эмас. Катта уруш вақтида ҳам умумий душманга қарши Американинг қанчалик тежамкор ва хасислик билан ёрдам қилганини Сталин яхши биларди.

У бундай ёрдам тўғрисида Рузвельт билан келишиб олган эди. Энди Рузвельт йўқ. Қўшма Штатларнинг янги президенти Трумэн эса ишни «ленд-лиза» бўйича мол етказиб беришни «вақтинча» тўхтатишдан бошлади.

Гарчи, Сталин ҳеч қандай нарсага қарамай, гитлеризм билан кураш йилларида вужудга келган ҳарбий иттифоқ урушдан кейинги тинч ҳамкорликка айланади, дея чиндан ҳам ишонган бўлса-да, Трумэннинг бу очиқдан-очиқ душманлик қараши уни жиддий огоҳлантириб қўйди.

Сталин кўнгилчан одам эмасди. У ҳар бир нарсага ақл ва ҳисоб-китоб кўзи билан қарарди. Урушдан кейинги ҳамкорликка ишонгани ҳолда икки антагонистик ижтимоий система ўртасидаги муқаррар қара-

ма-қаршиликлар, фикрлардаги, мақсадлардаги ва ҳаёт тарзидаги туб тафовутларни унутмаган эди, албатта.

Аммо Сталин бундай ҳамкорлик ҳатто капиталистик тушунча бўйича ҳам иттифоқчилар учун, биринчи галда Қўшма Штатлар учун ҳам фойдали бўлиши керак, деган фикрда эди. Сталин Ялтада қарор қилинганидек Совет Иттифоқининг Япония билан уруш қилиши кераклиги учунгина эмас, анча узоқроқ вақтга мўлжалланган режага амал қилган эди. Совет Иттифоқи Америка Қўшма Штатлари билан умумий чегарага эга эмас, ҳеч кимга таҳдид ҳам қилмасди. У Америка билан савдо-сотиқда рақобатчилик ҳам қилолмасди. Шунинг билан бирга урушдан кейинги биринчи йилларда совет бозорлари, табиийки, фақат хом ашё бўйича ҳақиқатан ҳам чексиз эди...

Ҳа, Сталин кўп марта жиддий хатоларга йўл қўйди, партия тасдиқлаган, Ленин ишлаб чиққан қонунларни бузди. Аммо у турли социал системаларга эга давлатларнинг тинч-тотув яшашлари ҳақидаги ленинча концепцияга қатъий амал қилди. Мазкур концепция учун альтернатива уруш эди. Ҳар бир мулоҳазакор давлат арбоби учун ҳозиргина тугаган жаҳон фожиасидан сўнг бундай альтернатива мумкин эмас эди.

Сталин урушдан кейинги тинч ҳамкорликнинг мумкинлигига ишонарди. Ишонарди-ю, айти вақтда шубҳаланарди...

Бу галги шубҳаланишда Сталинга хос ҳамма нарсага гумонсираб қараш эмас, анча жиддий ва чуқурроқ жиҳатлар сабабчи бўлди.

Ялта конференциясидан икки ҳафта кейинроқ 1945 йил, 25 февралда Совет Иттифоқининг Қўшма Штатлардаги элчиси Громико ташқи ишлар министрлигига хабар юборди, Молотов хабарни дарҳол Сталинга етказди. Бу хабарда АҚШ давлат департаментида ғарбий Европа мамлакатлари: Франция, Бельгия, Голландия, Испания ва Италиядан иборат блок тузиш режаси туғилганлиги ҳақидаги сўзлар ости қизил қалам билан чизиб қўйилганди.

Громиконинг ёзишича, мазкур режа ташаббускорлари блокни ҳар қандай қилиб бўлса ҳам, АҚШ ва Англиянинг таъсири остида бўлишига интилганлар. Блокни иқтисодий жиҳатдан асосан Қўшма Штатлар қўллаб-қувватлаши керак эди.

Англиянинг урушдан кейин ҳам Европада ҳукмрон бўлиб қолишига интилиши унга аввалдан ҳам маълум эди. Путури кетган Британия империяси фақат Қўшма Штатларнинг актив қўллаб-қувватлаши билангина бундай ролни ўйнай олиши мумкинлигини ҳам тушунарди Сталин. Аммо Ялта конференциясида, империалистик мамлакат бўлган ва шундай бўлиб келажак Қўшма Штатлар фойдасини кўзлаган Рузвельт Европа манфаатлари ҳақида ғамхўрлик қилишни мутлақо Черчиллга ишониб топшириш ниятида эмасди. Ишларнинг боришига кўра, Рузвельт Совет Иттифоқи билан урушдан кейинги ҳамкорликка чиндан ҳам ишонарди.

Аммо кейинги воқеалар ва улардан энг муҳими — Даллеснинг Вольф билан Берндаги сепарат музокаралари Сталинни ғазаблантирди. Бутун бир давлат миқёсидаги бундай хиёнат Сталинда нафрат уйғотди. Ҳали урушни давом эттираётган Совет Иттифоқидан пинҳона немислар билан музокара олиб бориш учун Даллесни вакил қилган Қўшма Штатлар худди мана шундай хиёнаткорлик қилган эди. Гарчи, музокаралар натижасиз тугаган бўлса ҳам, гарчи, Рузвельт Сталиннинг ғазабланган норозилигига жавобан ўлим олдида юборган мактубида ўзининг Совет Иттифоқига нисбатан дўстлик туйғуси ҳақида ва умумий душманга қарши биргаликдаги курашни тўлиқ ғалабагача олиб боришга қайта-қайта ишонтирган бўлса ҳам, бари бир Сталин дилида шубҳаланиш йўқолмади.

Сталин Черчиллнинг мақсадларини ўзича равшан тасаввур қиларди. Инглиз бош министри у ёки бу ҳолатларда ўзини қандай тута билишини у жуда аниқ ёки аниқроқ айтиб бера олиши мумкин эди. Аммо уч ойгина аввал Америка Қўшма Штатларининг президенти бўлган Трумэн Сталин учун одам сифатида ҳам, сиёсий арбоб сифатида ҳам равшан эмасди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти фаолиятига асос солган Сан-Франциско конференциясидан сўнг Молотов Трумэн билан Вашингтондаги учрашуви ҳақида Сталинга батафсил гапириб берган эди. Чамаси, Қўшма Штатларнинг янги президенти Ялта конференцияси белгилаб берган йўлдан очиқдан-очиқ чекинмоқда эди. Иккинчи томондан эса у Москвага Гопкинсни юборганди.

Кремлга худди шу Гопкинсни йўллаб ва албатта, у энг дўстона равишда кутиб олинишини билган Трумэн нимага асосланган эди? Америка президенти нимани истарди? Совет раҳбарларини ўз ғарбий чегараларини тинчлик чегараси қилиш фикридан қайтишга ишонтирмоқчими? Советларга қарши барча манбалар ва уялари билан бирга эски Европани тиклашга мажбур қилмоқчимикан?

Аммо номи америка-совет ҳамкорлигининг рамзига айланиб келган Гопкинсни мана шундай мақсад билан Москвага юбориш шартмиди? Ахир, бу ном Рузвельтнинг номи билан шу қадар чамбарчас боғланиб кетганки, президент вафотидан кейин Гопкинс худди унинг ердаги соясига айланиб қолгандек эди.

Наҳотки, бу шахс Троян оти ролини ўйнашга рози бўлган бўлса? Ёки у Трумэннинг ҳақиқий мақсадини билмаганмиди? Гопкинс нима қилаётганини билармиди? Америка-совет ҳамкорлигида пайдо бўлган раҳнани бартараф этишга кўзи етармиди ёки унинг? У ҳолда кўзлаган мақсади билан бажаражак роли қандай қилиб бир-бирига мос келиши мумкин? Гопкинснинг оқил ва ҳалол шахслигига шубҳа қилмовчи Сталин унинг мақсади билан ижро этажак роли қандай қилиб бир-бирига мос келишини тушунмай боши қотарди.

Хўш, гап нимада?..

Сталин хаёлан қарийб икки ой орқага қайтаркан, 26 май Гопкинс билан Кремлдаги бўлиб ўтган учрашув пайтидан ҳозирги саволга жавоб излай бошлади.

Жозеф Дэвис Чекерсда Черчиллнинг советларга қарши газабли сўзларини эшитиб ўтирган вақтида Гарри Гопкинс ҳам Сталиннинг Кремлдаги кабинетига янги америка президентининг махсус топшириги билан кириб келди.

Президент Рузвельтнинг озгин, оғир дард эзиб қўйган собиқ ёрдамчиси, раҳнамози қазосидан кейин ўз вазифасини йўлигагина бажарар, аммо аслида ҳамма ишлардан четлатилганди. Баногоҳ, Трумэн уни ҳузурига чақириб, «Катта учлик»нинг бўлажак учрашуви ҳақидаги масалани Сталин билан муҳокама қилиш учун Москвага бориб келишини таклиф этди.

Гопкинс биринчи марта Москвага 1941 йил июль охирида келган эди. Ўша вақтларда бутун дунё матбуоти гитлерчи қўшинларнинг Совет Иттифоқи ичкарасига яшин тезлигида кириб бораётганлиги ҳақида ёзаркан, яқин кунларда бўлмаса ҳам икки-уч ҳафта ичида СССРнинг таслим бўлиши ҳақида кароматлар қилди. Америка элчихонасида ҳам худди шу фикрда эдилар. Гопкинсга харитадан ўша вақтда фельдмаршал фон Бок қўмондонлигидаги «марказ» немис армиясининг олдинги қисмлари қаерда турганини кўрсатдилар. Жанглар Смоленск бўсағасида борарди. Бу июнь охирида қўлга киритилган Минскдан кейинги Москва йўлидаги энг сўнгги йирик аҳоли пункти эди.

Деярли ҳар куни немис авиацияси пойтахтни бомбардимон қилар-

ди. Совет ахборотига кўра Москвага «Люфтваффе»нинг фақат айрим бомбардимончиларигина ёриб кира олганди. Аммо шаҳарнинг кўчаларида ҳар кеча ёнғинлар чиқиб турарди. Замбараклар гумбурлаши ва бомбалар портлашидан америка элчихонасининг деразалари зирилларди.

«Совет Иттифоқи лоақал бир-икки ой бардош бера олармикан? Унга ёрдам қилишнинг маъноси борми?» Уша вақтлар, қирқ биринчи йилда Гопкинс президент Рузвельтнинг шу саволларига жавоб қилиши керак эди. Гопкинсда ҳал қилувчи таассурот қолдирган нарса нима эди? Сталин билан суҳбат чоғида сирли совет раҳбари, Россия бардош бера олади, деб қатъий тасдиқлаганими? Йўқ, биргина шунинг ўзи Гопкинсга таъсир қилмаган бўларди. Сталиннинг сўзларини совет-герман frontiдаги мавжуд аҳвол билан солиштирилса, ижобий хулосага келиш мумкин эмас эди.

Ваҳоланки, Сталин ҳеч нарсани яширмаганди. Юзаки қаралганда англашилмасиздек туюлувчи ошкоралик совет раҳбари америка вакилига Қизил Армия тушиб қолган ҳақиқий мушкул аҳволни тасвирлаб берди. Гопкинс Сталиндан оддий ҳисоблар асосида гитлерчи қўшинларнинг муваффақияти камситиб кўрсатилади, деб кутган эди. Аммо совет раҳбари булар ҳақида америка элчихонасида билганларидан ҳам ортиқроқ нарсаларни айтиб берди. Мана шунинг учун ҳам унинг Қизил Армия ҳар бир қарич совет ери учун жанг олиб боради, Совет Иттифоқи ҳар қандай шароитда ҳам Гитлерга бўйсунмайди, деган ишончли сўзлари Гопкинсда ғоят катта таассурот қолдирди.

Нафсиламир, гап фақат Сталиндагина эмас эди. Гопкинс бир неча кун бўлган Москва унга Кремлдаги суҳбатдан кам таъсир кўрсатмади. Гопкинс Америка матбуотининг хабарлари, ватанига қайтиб келган дипломатлар билан қилган суҳбатларидан немис-фашист қўшинларининг қадами теккан Европа мамлакатларининг пойтахтларида юз берган ваҳималарни биларди. У Москвада бундай нарсаларни кўрмади. «Бир қадам ҳам орқага чекинилмасин!», «Ғалаба ёки ўлим!»— ўша пайтларда совет пойтахти мана шу шiorлар билан яшаётгандек эди.

Кечалари замбараклар наъра тортарди. Осмон бағрини тилкаловчи прожектор нурлари зулматдаги ҳаво тўсиғи бўлмиш тек қотган аэрогатларни ёритиб-ёритиб кўярди. Эрталаблари эса трамвай, автобус ва троллейбуслар ишга шошилаётган одамлар билан тўла бўларди. Баъзида милиционерлар ҳарбий сафларни ўтказиб юбориш учун ҳаракатни тўхтатиб қўйишарди. Булар солдатлар ва брезент ёки пахталик кийиб, елкасига милтиқ осган кишилар эди. Элчихонада Гопкинсга булар халқ лашкарлари — бирор сабаб билан армияга чақирилмаган гражданлардан тузилган ихтиёрий отрядлар, деб тушунтиришди.

Москванинг осойишта, салобатли кўриниши, Сталиннинг ошкоралиги ва айни вақтда қатъий ишончи бирга қўшилиб Гопкинсни Россия охириги солдати қолгунча жанг қилади ва унга жанговар техника билан ёрдам кўрсатиш керак, деб Рузвельтга маслаҳат беришга ундади.

Кейинги уч йил мобайнида Гопкинс Сталин билан учрашмади. Аммо у олис Вашингтонда туриб совет қўшинларининг муваффақиятсизлигидан қайғурар экан, ютуғидан қувонар ва Россия ерларидаги буюк жанглари диққат билан кузатиб борарди.

Сабаб нима бунга?

Уруш бошида, Совет Иттифоқининг тақдирини қил устида турганида президентни бу мамлакатга ёрдам қилишга, ёки бизнес тили билан айтганда, бефойда корхонага пул сарфлашга ундаганлардан бири бўлганлигими? Эҳтимол, совет халқи уруш олиб бораётган ғояларга хайрихоҳ бўлгани учун шундай қилгандир Гопкинс?

Йўқ, Гопкинс коммунизмга Рузвельтдан ортиқ хайрихоҳ эмасди. Бироқ Гитлернинг ҳокимият тепасига келиши, фашистларнинг Германиядаги бебошликлари, гитлерчиларнинг Европага ҳукмрон бўлиш даъволари, кейин эса бу даъвои самолётлар ва танклар билан амалга ошириш учун қилинган уринишлар — мана шуларнинг ҳаммаси америка сиёсатдонларининг раҳбар гуруҳини Гитлерга кескин «йўқ» жавоби берадиган вақт бўлди, деган хулосага олиб келди.

Шундай қилиб, бир томонда Гитлер бор эди. У Совет Иттифоқига қарши урушдаги дастлабки муваффақиятдан кейин Япониянинг Пирл-Харборга ҳужумидан сўнг Европа устидангина эмас, жаҳон устидан ҳам ҳукмрон бўлишга даъво қилди.

Иккинчи томонда Совет Иттифоқи мавжуд эди. Бу давлат ҳеч қачон Қўшма Штатларга хавф солмаган эди. Россияда Американинг интервенцияси унутилгандек эди. Мамлакат чегаралари, америка бизнесменлари айниқса, инженерлар, техниклар, юқори малакали ишчилар учун ланг очиб қўйилган эди. Уларнинг аксариси ўтгизинчи йилларда Американи ларзага келтирган инқирозлардан жабрланиб улкан индустриалаштириш режаларини бажаришга киришган Совет Иттифоқида ўзларига иш топдилар.

Шундай қилиб, ҳаётнинг ўзи Қўшма Штатларда коммунизмдан узоқ, айни вақтда, Совет Иттифоқига хайрихоҳ кишилар пайдо бўлишга ёрдамлашди. Американинг собиқ элчиси Жозеф Дэвис билан Гарри Гопкинс шундай шахслар жумласидан эди.

...Гопкинс Сталин билан сўнгги марта Ялтада, Қрим конференцияси вақтида учрашган эди. Ушанда АҚШ президентининг махсус ёрдамчиси америка делегациясининг аъзоси эди.

Энди янги америка президентининг вакили бўлмиш Гопкинс учта иттифоқчи давлатнинг урушдан кейинги биринчи конференцияси учун замин тайёрлаши керак эди.

Москвада Ғалаба куни тантанали байрам қилинганидан бери уч ҳафтача вақт ўтди. Гопкинснинг назарида байрам ҳали давом этаётгандек туюларди. 1941 йили улкан шаҳар оқшомлари зим-зиё қоронғилик бўларди-да, тез бўшаб қоларди. Йўлкаларда, бир-бир қадам ташлаётган соқчилардан бошқа ҳеч ким бўлмасди. Ҳозир Москвада минглаб чироқлар порлаётганди. Шаҳар марказини тўлдирган одамлар қаттиқ сирена овози, замбараклар гумбурлаши, бомба портлашисиз кўчаларда бемалол юриб роҳатланардилар.

Эркакларнинг аксарияти погонларсиз, аммо ҳарбий формада эдилар. Дераза ойналарида зарб шаклида ёпиштирилган қоғозлар ҳам учраб турарди. Деворларда ҳамон совуқ ва ёз ёмғири ўнғитган плакатлар совет кишиларини ҳаёт-мамот жангига ундарди. Аммо шунга қарамай, Гопкинс совет пойтахтидаги байрамона кайфият ҳукмронлигини сезарди.

Гопкинсга Сталиннинг оқшомлари ва кечалари ишлаш одати маълум эди. Шунинг учун ҳам у аэродромда кутиб олган Қўшма Штатларнинг СССРдаги элчиси Гарриман, Сталин билан биринчи учрашув шу бугуноқ тунда бўлади, деганида ажабланмади.

Тайинланган вақтда Гопкинс Гарриман билан давлат департаментининг вакили Болен (у Америка томонидан таржимон бўлиши керак эди) ҳамроҳлигида Кремль йўлакларидан келишарди. Бу ердаги ҳамма нарса худди 1941 йилдагидек, айни вақтда бошқачароқ ҳам эди.

Шифтда осифлиқ чироқлар ёриғроқ ёнаётган, паркет тозароқ артилган ёки гилам поёндозларда фронт йўлларида олиб келинган чанг ва лойли этик излари кўринмаётган бўлиши мумкин.

Қабулхонадан Сталин кабинетига кирадиган эшик ярим очик эди. Америкаликлар пайдо бўлган заҳоти Гопкинсга аллақачонлардан та-

иш бўлган Поскребишев мана шу ярим очиқ эшикни кўрсатди. Кабинетга биринчи бўлиб Гопкинс кирди. Хонанинг ўртасида Сталин ва шунингдек Гопкинсга таниш Молотов ва таржимон Павлов ўтирдилар.

Сталин ва у билан ёнма-ён Павлов Гопкинсни кутиб олишди.

1941 йилдан кейин Гопкинс Сталинни биринчи марта Ялтада кўрганди. Уша вақтдаёқ у Сталиннинг бу вақт ичида қанчалик ўзгариб кетганидан ҳайратга тушган эди. Унинг айниқса чакка сочлари сийраклашиб сарғайган, мўйловларига оқ оралаганди. Кўз ослари ҳам сезиларли салқилашибди.

Сталин минглаб портретларда қайтарма ёқали тужурка шим ва этик кийган қиёфада тасвир қилинган эди. Ушанда, қирқ биринчи йили Гопкинс Сталинни худди мана шундай кўрган эди.

Ҳозир Сталин қотирма ёқаси тик, зарҳал юлдузли кенг погонлари бор мундирда, одатдагидек ёмшоқ этик эмас, ботинка кийиб олганди. Мундирининг чап томонида олтин юлдуз ялтирарди.

— Салом, жаноб Гопкинс. Биз сизни тагин совет тупроғида кўрганимиздан гоят хурсандмиз,— деди Сталин Гопкинснинг кўзларига тикиларкан, қўлини унга узатиб. Сўнгра қўл қисиб кўришишни бир дақиқага чўзиб, такрорлади: — Багоят хурсандмиз.

Гопкинс Молотов билан саломлашгач, жаноб министр Сан-Франциско жангларидан кейин ўзига келиб олдим, деб сўради.

Молотов билинар-билимас кифт қисиб одатдаги майин эҳтиросиз овози билан дудуқлана-дудуқлана жавоб берди:

— У қадар кучли жанглари хотирлай олмайман. Жанглар ортда қолган ҳозир. У ерда фақат баҳслар бўлган эди.

Узун столнинг иккала томонида курсилар қўйилган эди. Сталин Гопкинсга қаршисидан эмас, ёнидан жой кўрсатди.

— Жаноб Сталин, рухсатингиз билан мен ўшандаги жойимда ўтирсам,— деди Гопкинс столнинг бу томонидаги курсини кўрсатиб.

— Иримларга ишонасизми дейман?— хушчақчақ кулги билан сўради Сталин.

— Яхши иримларга, тўғрироғи анъаналарга ишонаман,— деб жавоб берди Гопкинс ҳам жилмайиб.

Ҳамма америкаликлар бир томонга, Сталин, Молотов ва Павлов иккинчи томонга ўтиришди.

— Зиммамдаги вазифа моҳиятига ўтишдан аввал, жаноб Сталин, сизга президент Рузвельтнинг сўнги кунлари ҳақида гапириб бермоқчи эдим.— Биринчи бўлиб сўз очди Гопкинс.

Бу Гарриман ва Болен учун қутилмаганроқ бошланиш эди, шунга қарамай Болен Гопкинснинг сўзларини дарҳол таржима қилди. Сталин Гопкинснинг фикрига қўшилгандай ва айни вақтда марҳумнинг хотирасини ҳурматлаб аста бош эгди.

— Президент Рузвельтнинг вафоти ҳаммамиз учун оғир жудолик бўлди,— деди секин у.— Ялтада бундай тез, фожиали фалокат рўй бериши сира сезилмаганди.

— Марҳум президент,— давом қилди Гопкинс,— кучли ирода эгаси эди. Ялтада мамлакатларимизгина эмас, бутун инсоният учун муҳим бўлган ишлар ҳақида гап борган эди. Буни ҳис қилиш унга катта куч бағишлаган эди.

— Улкан мақсадни ҳис этиш кишиларга ҳамиша куч бағишлайди,— деди аста бош силжиб Сталин.— Тубан мақсадлар эса ҳатто кучлиларни ҳам кучдан қолдиради,— бир оз жимликдан сўнг у қўшиб қўйди.— Қулоғимиз сизда, жаноб Гопкинс.

— Ялтадан қайтаётганида президентнинг куч-қуввати тугаётгани менга маълум эди. У шу соғлиғи билан имконияти бор ва ҳатто мум-



кин бўлмаган нарсаларни ҳам бажарди. Мен президент охириги кучига тугади, деб ўйлагандим. Хайрият, янглишган эканман. Уйга қайтгандан кейин президент актив фаолиятини давом эттирди. У менга кўп марта гитлерчилар Германияси тобе қилган мамлакатлар ва халқлар иттифоқини мустаҳкамлаш керак, бунинг учун кўп ишлаш керак, деганди. Вафоти кунин президент бир неча мактублар ёзди ва баъзи муҳим ҳужжатларга имзо чекди.

— Шу жумладан ўртоқ Сталинга ёзилган мактубини ҳам,— қўшимча қилди Молотов.— Мактуб ўн иккинчи апрелда ёзилган.

Сталин Молдтовга қараб қўйди. Унинг назаридан Сталин Молотовни маъқулладими ёки Гопкинсининг сўзини бўлгани учун танбеҳ бердими — билиш қийин эди.

— Ҳа,— деди Гопкинс Сталинга мурожаат қилиб.— Президентнинг сизга йўллаган мактуби умуман, у ёзган хатларнинг охиригиси эди.

Гопкинсининг овози билинар-билимас титради.

— Уша хатнинг мазмуни ёдингизда бўлса керак, албатта,— давом этди у.

— Президент Россияга муносабат кўп йиллар давомида самимий дўстликка асосланганини яна бир марта тасдиқлади. Мен мактубнинг сизга маълум жиҳатини эслатишга журъат этишимнинг сабаби ҳозирги мақсадимдир.

Сталин Рузвельт битган сўнги мактуб билан Гопкинсининг ҳозирги мақсади ўртасида бевосита алоқа борлигига олдиндан маълумдек ўтирган қўйи жимгина бош эгди.

— Президент врачларидан бирортаси ҳам унинг бу қадар тўсатдан ва тез вафот этишини кутмаган эди,— сўз қотди секин Гопкинс.— Хуруж оқибатида президент ҳушига келмай, жони узила қолди.

— Бизнинг Ленин ҳам худди шундай дард билан вафот этганди,— деди Сталин.— Мияга қон қуйилиб, қўллари фалаж бўлиши оқибатида рўй берганди фалокат.

— Биласизки, президент кўпдан бери фалаж дардига мубтало эди. Унинг ақл-идроки айнимаганди. У ҳушидан кетганига қадар нима ҳақида ўйлаганини ҳеч ким билмайди. Агар мендан сўрасалар, у яқинлашаётган ғалаба фикри билан банд эди, дердим.

— Фикримча, у ғалабадан кейин нималар бўлиши тўғрисида ҳам ўйлаган бўлиши керак,— деди салмоқ билан Сталин.

— Шубҳасиз, тасдиқлади Гопкинс,— биз Ялтадан қайтаётганимизда президент иттифоқдошлар тинчлик кунларида ҳам уруш вақтларидагидек ҳамкорлик қилишлари мумкин, деган янги ишонч билан конференциядан кетаётирмиз, деб айтган эди. У бу мавзуга кўп марта қайтган эди.

— Ниҳоят,— давом этди Гопкинс,— марҳум президентнинг шахсан сизга нисбатан бўлган ҳурмат ва қойил қолиш ҳис-туйғусини ҳам айтмоқчиман, жаноб Сталин. Шуниси ҳам борки, сиз бу гапларни кўп марта эшитишингизга тўғри келган ва фақат президент Рузвельтдангина эмас.

Сталин унинг сўзларида қандайдир бошқа маъно йўқми эканлигини билмоқчидай Гопкинсга диққат билан тикилди. Аммо америкаликнинг чувак юзида ўзгариш сезилмади. Чамаси, Рузвельт ҳақидаги хотиралар уни бутунича жалб этиб қўйганди.

— Баъзан кишилар ҳис-туйғуларни одат бўйича, инерция орқали ифода этадилар,— деди Сталин қисқа сукунатдан кейин.— Баъзида эса, ўзларининг бошқачароқ ҳисларини яширмақчи бўладилар. Аммо президент Рузвельт ҳеч қачон бундай қилмасди. Унинг дилидаги тилида бўлгучиди.

Энди Сталинга диққат билан боқиш навбати Гопкинсга келди. У Даллеснинг Берндаги фаолияти Совет Иттифоқи билан Қўшма Штатлар муносабатини мураккаблаштириб юборганини биларди. Сталин ҳозир бошқа йўл билан ўшани эсга солмоқчи эмасмикин? Уларнинг кўзлари тўқнашди. Сталиннинг ташқи мулоим юзидан одатда ҳеч қандай туйғу сезиш мумкин эмас эди. Аммо Гопкинс бу гал Сталиннинг юз ифодасида: «Йўқ, йўқ, шубҳа қилманг, мен ҳақиқатан ўйлаган нарсамни айтдим. Юз берган кўнгилсизлик дилимни жароҳатлади, аммо Рузвельт ҳақидаги фикримни ўзгартирмадим. Америка президентини вафотидан сўнг уни буюк деб атаган бўлсак, буни биз самимийлик билан айтганмиз», деган маънони англади.

— Ялтадан қайтаётганимизда, — яна гап бошлади Гопкинс, — у албатта келажакда учрашув бўлажаги ҳақида кўп гапирганди. Учрашув Берлинда бўлажагига ишонганди.

— Ялтада ўртоқ Сталин Берлинда худди мана шу учрашув учун қадаҳ кўтарган эди, — қўшиб қўйди Молотов.

— Қадаҳ бобида Молотовнинг хотираси яхши, — жилмайиб луқма ташлади Сталин. — Нафсиламир, унинг хотираси умуман яхши, — жиддият билан қўшиб қўйди у.

Гопкинснинг хаёлидан, ўтмиш ҳақида бекорга бу қадар кўп гапирётгандирман, деган фикр кечди. Ахир, уни бу ерга шунинг учун юборганлари йўқ-ку. Гопкинс Гарриманнинг унга тоқатсиз қараётганини кўрди. Болен эса унга кераксиз нарсаларни таржима қилишга мажбур этаётганларидек қарарди.

Йўқ! — хаёлидан ўтказди Гопкинс. — Утмиш шунчаки осонлик билан унутилмайди! Айниқса ҳозир эслатилган ўтмишлар. Мазкур учрашувимиз биринчи учрашувдан тўрт йил кейин бўлмоқда. Тўрт йил ва миллионлаб қурбонлар. Мен Трумэннинг топшириғини бажараман, аммо бегона киши сифатида эмас. Бу кабинетда озми-кўпми саъий ҳаракатим изи қолган...»

— Жаноб Сталин, — деди Гопкинс. — мен сиз билан бўлган биринчи учрашувимни яхши эслайман. Сиз менга ўшанда халқингиз ғалаба қозонилмагунча уруш олиб боришга тайёр эканлигини айтган эдингиз. Уйга қайтиб, президент Рузвельтга Совет Иттифоқи ҳеч қачон Гитлерга тобе бўлмайди, деган эдим. Президент мамлакатингизга ёрдам бериш программасини таклиф қилганди. Уша вақтларда биздаги кўплар Гитлер ғалаба қозонади, деб ишонишганди. Аммо Рузвельт оқимга қарши чиққанди.

— Президент Рузвельт кабилар кўп марта оқимга қарши боришларига тўғри келган, — деди Сталин. — Аммо улар соҳилга ғолиб сифатида етиб боришди.

— Рузвельт — марҳум, — давом этди Гопкинс. — Менга келганда, мен чарчадим ва хастаман. Президент Трумэн зиммамга юклаган вазифани рад қилмаганимнинг сабаби эстафетани шахсан ўзим топширмоқчи бўлганлигимдандир.

— Биз жаноб Гопкинсни ҳали кўп марта Москвада кўришга умидвормиз, — гоятда самимийлик билан деди Сталин. — Ишонамизки, уни бўлажак конференцияда ҳам учратамиз...

— Буни худо билади ва... — Гопкинс пича тараддудланди, — шундай масалалар мавжудки, — у гўё зиммасига юкланган топшириқни бажаришга киришаётганини англамоқчидай бошқачароқ, расмий оҳангга ўтди, — уларни мен ва элчи Гарриман сиз — жаноб Сталин, ҳамда жаноб Молотов билан муҳокама қилмоқчи эдик. Бу масалаларга ўтишдан олдин мен энг муҳим нарса тўғрисида гапирмоқчи эдим. Яъни, Совет Иттифоқи билан менинг мамлакатим ўртасидаги асосий, фундаменталь муносабатларни назарда тутяпман.

— Бу фундаменталь муносабатларда бирор ўзгариш юз берди-ми?— деб сўради Сталин «фундаменталь» сўзига урғу бериб.

— Рухсат этсангиз, ҳаммасини тартиби билан айтиб берсам,— гўё Сталиндан гапни бўлмасликни илтимос қилгандек тез-тез гапирди Гопкинс.— Биласизки, яқиндагина, айтайлик, икки ой муқаддам, америка халқи Совет Иттифоқига жуда катта мойиллик билан қараб, президент Рузвельтнинг сизга яхши маълум сиёсатини тўлиқ қўллаб-қувватлади. Ўз-ўзидан маълумки, ҳар хил Херст ва Маккормик кабилар бизнинг Россия билан ҳамкорлигимизга қарши чиқиб, Рузвельтга турли йўллар билан халақит беришга уриндилар. Аммо халқ уларни қувватламади. Акс ҳолда халқ Рузвельтни сурункасига тўрт марта сайламаган бўларди. Америкаликларнинг аксари мамлакатларимиз ўртасидаги катта сиёсий ва мафқурий тафовутга қарамай, урушдан кейин ҳам ҳамкорлик қилишимиз мумкин, деб ишонадилар.

Гопкинс, балки Сталин менинг гапимни шарҳлашни истар, деган маънода бир дақиқача сукут сақлади.

Аммо Сталин жимгина ўтириб тингларди. У чўнтагидан трубкани олиб, стол устига қўйди.

— Бироқ ҳозир,— давом этди Гопкинс,— Қўшма Штатлардаги жамоат фикри ўзгариши хавфи пайдо бўлди. Баъзи нарсаларда ўзгарди ҳам.

— Демак, президент вафотидан сўнг «ҳар хил Херстлар билан Маккормиклар» устун кела бошлашдими?— киноясиз, астойдил сўради Сталин.

— Мен ишни бундай соддалаштиришни хоҳламасдим,— таънаомуз эътироз билдирди Гопкинс.— Америкаликларнинг кайфиятини ўзгартирувчи сабаблар бир нечта, мен фактнинг ўзинигина шарҳлаб бераман. Президент Трумэн мени Москвага юборар экан, ҳозирги вазиятдан ташвишланаётганини изҳор этди.

— Президент Трумэн Рузвельтнинг сиёсатига тузатиш киритмоқчимиз?— эҳтиёткорона сўради Молотов.

— Э, йўқ,— шошилишч жавоб берди Гопкинс.— У Рузвельтнинг сиёсатини давом эттирмоқчи. Аммо шунга қарамай, менимча, вазият жиддийга ўхшайди. Жиддий сабаблар бўлмаса, ҳозиргидай оғир бетоблигимда сафарга отланмасдим...

Сталин хайрхоҳлик билан бош эгди. Громиконинг хабаридан у Гопкинснинг ҳақиқатан хаста эканлигини биларди. Бундан ташқари, Трумэннинг ҳокимият тепасига келиши билан бу одам аслида ишдан четлатилганини ҳам тушунарди. Янги президент фикр-ниятларини Гопкинсга эмас, американинг дипломатия уфқида нур соча бошлаган янги юдуз — Бирнсга ишонарди. Аммо Трумэн Москвага юбориш учун, ҳар қалай, худди шу Гопкинсни танлади. Нима учун? Дипломатияси ворислигини намойиш қилиш учунми? Ёки, аксинча, ўзгаришларни ниқоблаш учунми?

Гарчи чеҳраси жиддий ва шавқсиз бўлса ҳам Сталин ҳозир мана шу нарсалар ҳақида ўйларди.

Гўё унинг дилидагини сезгандек Гопкинс яна тилга кирди:

— Мен бу ерга аҳволни жиддий деб ҳисоблаганим учунгина эмас, аввало, ҳозирги тенденцияни тўхтатиш ва олдинга силжиш заминини яратиш мумкинлигига ишонганим учун ҳам келдим.

Сталин олдида ётган трубкага тегмай, очиқ яшил қутичадан папирос олиб, тутатди. У бу ишни Гопкинс ўз сўзларини охиригача етказишига имконият бермоқчидек шошилмай бажарарди.

Аммо Гопкинс бошқа гапирмади.

— Жаноб Гопкинс, Қўшма Штатлардаги жамоатчилик фикри, деб атаган нарсанинг ўзгаришига конкрет сабаблар нимада?— сўради Ста-

лин хиёл олдинга эгилган кўйи назарини Гопкинсдан оларкан, Гарри-манга боқиб.

— Аниқ сабабларни айтиш мушкулроқ, — жавоб қилди Гопкинс. — Мен ҳозирча фақат шуни қайд қилмоқчи эдимки, жамоат фикрининг қувватлашисиз, Рузвельтнинг собиқ тарафдорлари қувватлашисиз президент Трумэн Совет Иттифоқига нисбатан аввалги сиёсатни давом эттира олмайди.

Бизнинг мамлакатимизда жамоат фикри алоҳида роль ўйнайди...

— Эҳтимол, жаноб Гопкинс, эндиликда Қўшма Штатларда «ҳар хил Херстлар ва Маккормик»лар жамоат фикрининг ҳақиқий ифодачилари сифатида тан олинмоқда, демоқчимизми? — давом этди Сталин тутаётган папиросини биллур кулдонга қўйиб. — Жаноб Гопкинс «ҳозирча» умумий сабаблардан бири сифатида жамоат фикрини кўрсатмоқчилигини айтди. Шундай қилди ҳам, дейлик. Энди у аниқроқ сабабларга ўтар?

Гопкинс вазият аста-секин кескинлашаётганини сизди. Жамоат фикридек объектив омилни ваз қилиб кўрсатиш билан у Сталинга президент Трумэннинг ҳам, ўзининг — Гопкинснинг ҳам ҳеч қандай алоқаси йўқ эканлигини билдирмоқчи эди. Сталин чамаси буни оддий бир риторика, деб қабул қилди.

— Яхши, — дадил журъат билан давом этди Гопкинс, — аниқ сабабларга ўтайлик. Биринчи галда бу Польша масаласи.

— Ҳали шундайми? — бош қимирлатиб кулди Сталин. — Айтмоқчи, Польшанинг энг чет ғарбий чегараси билан Қўшма Штатларнинг исталган қирғоғигача неча километр масофа бор? Олти мингми? Ёки кўпроқми?

— Киноянгизга тушундим, маршал, — деди Гопкинс. — Аммо шундай масалалар борки, унда масофа бош ролни ўйнамайди.

— Польша проблемаси худди мана шу масалага кирадими?

— Америка ҳақида гапирилса, ҳа.

— Совет Иттифоқи ҳақида гапирилса, йўқ, — қайириб ташлади Сталин. — Польша билан ёнма-ён яшовчи бизлар учун масофа жуда муҳим роль ўйнайди.

Сталин лаҳзали сукутдан сўнг Гопкинсгагина эмас, бошқа америкаликларга ҳам мурожаат қилган кўйи бир текис ва осойишта оҳангда давом этди:

— Молотов менга президент билан қилган суҳбатини айтиб берди. Билишимча, президент Ялта қарори бажарилмаганидан норози экан. Шундайми? — деб сўради у Молотов томонга ўгирилиб.

Ҳеч ким чурқ этмади.

— Ҳа, Ялта конференциясининг Польша бўйича қарори ҳалигача бажарилмай келди. Бу тўғри. Ялтада қандай келишгандик? Биз — сиёсатчиларнинг хотираси яхши бўлиши керак. Аммо баъзида хотираларимиз панд бериб қўяди. У ҳолда хотираларимизни... янгилашга тўғри келади. Ялтада биз Польша ўз территориясини шимол ва ғарб томондан сезиларли даражада кенгайтиришига келишгандик.

— Аммо бу кенгайтиришнинг ҳажми ҳақида янги Польша ҳукумати билан маслаҳатлашиш шартлашилган, — деди Гарриман.

— Баракалла! — қониқиш ҳосил қилди Сталин. — Кўриб турибманки, жаноб Гарриманнинг хотираси яхши экан. «Янги Польша ҳукумати билан» — Гарриманга тикилганча дона-дона қилиб такрорлади у. — Аммо қани у — «янги Польша ҳукумати»? — Сталин гўё ҳақиқатда бундай ҳукуматнинг йўқлигига ишонч ҳосил қилмоқчи бўлгандек ҳатто атрофига қараб ҳам қўйди. — Польшанинг муваққат ҳукумати бор, у билан биз — Совет Иттифоқи дипломатик муносабатлар олиб бораемиз. Ундан бошқа Польша ҳукумати йўқ.

— Боши берк кўчага кириб қолганмиз, жаноб Сталин,— тоқатсизланиб гап қўшди Гарриман.— Ялтада анча кенг базага эга Польша ҳукумати тузиш (мамлакатнинг ғарбий қисми озод этилмасдан олдин илож йўқ эди бунга) тўғрисида келишилганди. Шунинг учун ҳам сизлар — давлат бошлиқлари, Польшанинг ҳозирги Муваққат ҳукумати ўз составига Лондондаги полякларни ҳам киритиш йўли билан кенгроқ демократик асосда қайта тузилади, деб шартлашгансизлар. Аммо Америка Қўшма Штатларида ҳозир Совет Иттифоқи келишилган қарордан чекинмоқда, деган таассурот ҳосил бўлган. Ҳукумат ҳалигача қайта тузилмади.

— Совет Иттифоқи келишилган қарордан ҳеч қачон чекинмайди, жаноб Гарриман,— деди насиҳатомуз оҳангда Сталин.— Чекинмаган, чекинаётгани йўқ, ҳеч қачон чекинмайди ҳам. Иттифоқчиларимиз бўлса — мана улар — баъзан чиндан ҳам чекиндилар. Аммо биз бунга... тантилик билан қарашга ҳаракат қилдик.

— Бироқ Польша проблемаси ҳозир ҳукуматни қайта тузишдан иборат бўлиб қолди. Польшанинг янги ҳукумати Совет Иттифоқининг тўғридан-тўғри ёрдамисиз тузилиши мумкин эмас. Ахир Польша территориясини сизнинг қўшниларингиз эгаллаб турибди-ку!— хитоб қилди Гопкинс.

— Янглишяпсиз, жаноб Гопкинс,— норози бош чайқади Сталин.— Аниқланишича, Польша проблемаси бошқа нарсада.

— Нимада экан?— сўрадилар Гопкинс билан Гарриман деярли бир вақтда.

Сталиннинг кўзлари тўсатдан қисилиб, лабларида истеҳзоли табасум жилваланаркан, доимий чекиш сарғайтирган мўйлови билан сарғиш тишлари яққол кўрина бошлади.

— Гап шундаки,— секин давом этди у,— Совет Иттифоқи Польшанинг дўстона қўшниси бўлишини истайди, жаноб Черчилль ва унинг Лондондаги поляклари эса бизнинг чегарамизда санитар кордон системасини тиклашни истайдилар.

— Афсус, Қўшма Штатларнинг ҳукумати ҳам, президент ҳам бундай ниятда эмаслар!— шартта жавоб қайтарди Гопкинс.

— Жаноб Гопкинс Қўшма Штатларнинг ниятларини яхшироқ биледи, албатта, менга келганда эса, санитар кордон ҳақида гап юритганимда, аввало Англияни назарда тутдим. Инглиз консерваторлари Совет Иттифоқига дўстона Польша бўлишини истамайдилар ва у ерда ўз ниятларига мос келадиган ҳукумат тузмоқчилар. Аммо биз бунга рози бўлолмаймиз. Ишонаманки, поляклар ҳам рози бўлмайдилар.

Сталин қуруқ ва совуқ гапирди. Ҳолбуки, у ҳозиргина хушфеъл, ўта мулоим, ҳатто юмшоқ эди...

Гопкинс Сталиннинг «йўқ» деганидан сўнг бир қадам ҳам чекинмаслигини яхши биларди.

Баногоҳ кўнгли ғашланган Гопкинс бу ерга бекорга келгани, врачларнинг гапига қулоқ солмай, бекорга тўшакдан турганию бекорга океан кесиб ўтиб, Кремлдаги мана бу кабинетда ўтирганини афсус-надомат билан ўйлай бошлади.

У яқинлашаётган ажалини сезган кўйи умри беҳуда ўтмаганини туйди. Россияга ёрдам қилишга эришиш билан у ўз мамлакатини ҳам, сеvimли президентини ҳам доғда қолдиргани йўқ. У ҳозир қаршида ўтирган, баъзан сирли, баъзан ростгўй-қаттиққўл, ўз ниятларини яширмайдиган манави одамни ҳам алдаган эмас. Вашингтондаги Оқ уйда ва Капитолийдаги кўпчилик Сталинни шарқ золими, маккор византиялик, америкаликлар амал қиладиган ҳамма нарсаларга ёт, душман деб ҳисоблайдилар. Гопкинс бу одамнинг баъзан қаттиққўл, шафқат-

сиз бўлишини ҳам биларди. Аммо у ўзининг тўғрилиги ва шубҳасиз, кучли иродаси билан қойил қолдирарди.

«Москвада бۇ гал кимнинг манфаатини ҳимоя қиляпман?— деб ғамгин сўради ўзидан Гопкинс.— Рузвельтними? Ахир, у оламдан ўтган-ку. Трумэнними?» Аммо Гопкинс бу қадар тасодифан Қўшма Штатлар президенти бўлиб қолган бу одамни етарли даражада яхши билмасди. Черчиллнингми? Уни Гопкинс яхши билади. Гопкинснинг Москвага жўнаб кетиши олдида Трумэн унга Черчиллнинг сўнгги мактуб ва телеграммаларини кўрсатди. Ҳали Европа осмонини уруш тугуни қоплаб турарди. Ҳали ҳам Ғалаба йўлида қўлни-қўлга бериб руслар, америкаликлар, англизлар ҳалок бўлардилар. Черчиллнинг сатрларида эса русларга нисбатан нафрат чексиз эди.

...Гарри Гопкинс деб аталган одамнинг бир йилга етар-етмасгина умри қолганди. У доимо ҳақиқий америкалик бўлди. Шунинг учун ҳам Узоқ Шарқдаги жанглар етказган ва етказатган қурбонларни ҳисобламаганда ўз мамлакатининг урушдан энг бой, ҳарбий қиронлардан деярли зарар кўрмай чиққанини, мутлақо табиий ҳол, деб қабул қилди. Аммо ҳозирги урушнинг тугаши ҳам — табиийки, Гопкинс, буни махфий Ялта битимидан билган эди — энди Совет Иттифоқи билан боғлиқ эди. Буларнинг ҳаммаси Гопкинсни муҳим хулосага олиб келиши керак эди ва шундай бўлди ҳам: жаҳоннинг келажаги ўз мамлаката билан Россиянинг муносабатларига боғлиқдир.

Гопкинс нечоғли осойишта кўринишга уринса ҳам, ҳозир уни қарама-қарши ҳис-туйғулар эзарди. У Черчилль туфайли Сталин билан оғзаки жанг қилишга мажбур эди. Гопкинс Британия лидерининг ақл ва идрокини лойиқ даражада баҳолагани билан уни президент Рузвельт каби ҳеч қачон севмаган эди.

Ўз уйида, қирқ биринчи йили Кремлда ва ниҳоят яқингинада Ялтада ҳамма нарса Гопкинсга равшандек туюлганди. Ҳозир эса у доддираб қоляпти. Польша масаласида албатта Сталин ҳақ, аммо айни вақтда Черчиллнинг агар Европа «қизилларники» бўлса «Европанинг қуёши ботиши» ҳақидаги ваҳимали огоҳлантириши ҳамон Гопкинснинг қулоғи тагида жарангларди.

Ниҳоят, у оғир сукунатни бузишга қарор қилди.

— Жаноб Сталин,— деди Гопкинс қатъий.— Мен бу ерда Британия бош министрининг эмас, Қўшма Штатлар президентининг вакилиман. Сизни ишонтириб айтмоқчиманки, президент Совет Иттифоқига дўстларча муносабат кўрсатажак Польшанинг мавжудлиги тарафдоридир. Бунинг устига, у барча совет чегаралари бўйлаб сизларга дўст мамлакатларни кўришни истайди.

Шу сўзларидан кейин Гопкинс ичида: «Истайди?..», деб қўйди. Сўнг зўр бериб гумонини енгишга ҳаракат қила бошлади.

— У ҳолда,— аввалги хушфёъл оҳангга ўтди Сталин,— Польша масаласида биз осон келишишимиз мумкин. «Биз» деганда,— тушунтирди у,— мен поляклар билан Совет Иттифоқини назарда тутяпман.

Гопкинснинг дилида яна шубҳа кўзғолди. «Трумэннинг позицияси тўғрисида ошириб юбормадиммики?»— деб ўйлади у.— Ҳозир Қўшма Штатларнинг президенти Рузвельт эмаслиги фактини етарли даражада ҳисобга олдими?..»

Нафсиламир, Рузвельт билан Гопкинснинг муносабатлари ҳам ҳамиша силлиқ бўлавермаган. Баъзан Рузвельт ёрдамчисини ўзидан нарироқ тутар, кейин яна яқинлаштирарди. Рузвельт билан Гопкинсни бирлаштирган энг муҳим нарса — келажакдаги тинчлик гарови — Совет Иттифоқи билан ҳамкорлик йўлидаги ўзаро ишонч эди. Гарчи СССР билан ҳамиша, ҳамма нарсада ҳамкорликка таянишмаса-да,

аммо ер юзидаги тинчликка алоқадор асосий нарсаларда ҳамкорлик тарафдори бўлиб чиқишарди улар.

Трумэнга келганда... Янги президент Гопкинсга ҳамма нарсада марҳум президенти йўлини давом эттирмоқчи эканини очиқ билдирган эди. Демак, Гопкинс баёнот беришга ҳақли эди. Лекин шунга қармай... Гопкинс Сталинга Америкада жамоат фикри ўзгараётгани, советларга қарши кайфият кучаяётгани, аммо маршалнинг Польша масаласини ижобий ҳал қилишга тайёр эканлиги, сўзсиз, вазиятнинг яхшилашига ёрдам беражagini яна бир марта эслатиб ўтди.

— Албатта, Польша масаласини ҳал қилиш мумкин,— билинар-билинемас жилмайиш билан деди Сталин. У, Гопкинс аввалги гапини такрорлаётганини сезганди.— Фақат шарт шуки, Британия консерваторлари санитар кордонни тиклашга уринмасликлари керак.

Гап ниҳоясига етказилган, энди Польша масаласига ортиқ қайтиш керак эмас эди.

— Турган гапки,— яна давом этди Гопкинс,— Польша — мен кўтаришим керак бўлган биргина масала эмас. Чунончи, жаноб маршал, президент Трумэн сиз билан учрашиш ва Европада уруш тугаши асносида юзага келадиган барча масалаларни муҳокама қилиш иштиёқида.

Сталин жимгина бошини қуйи эгди.

— Агар рози бўлсангиз,— қўшимча қилди Гопкинс,— ўша учрашувнинг вақти ва жойини белгилаш мумкин бўларди.

— Жой масаласида мен президентга жавоб юбордим,— деди Сталин.— Биз Берлинни таклиф этдик.

— Афтидан, президент сизнинг бу мактубингизни мен Вашингтондан жўнаб кетганимдан кейин олган бўлса керак.

— Молотов сизга ва жаноб Гарриманга нусхаларини топширади,— деди Сталин.

Молотов қаршисидаги қоғоз саҳифасига нималардир ёзиб қўйди.

— Биз,— яна тилга кирди Гопкинс,— совет ҳукумати контроль Кенгашда Германия юзасидан вакил тайинланишини кутяпмиз. Президент бизнинг вакилимиз этиб генерал Эйзенхауэрни тайинлади.

— Жуда соз,— деди Сталин.— Совет Иттифоқи номидан маршал Жуков вакил қилинади.

— Яна бошқа масалалар ҳам бор. Чунончи, Совет Иттифоқининг Япония билан уруш бошлаш вақти, сулҳ конференциясини чақириш истиқболи борасида, репарациялар бўйича комиссия ҳайъати ҳақида...

— Бу масалаларнинг ҳаммасини муҳокама қилишга биз тайёрмиз,— деди Сталин.— Чамаси, Молотов билан ҳали кўп марта учрашсанглар керак. Менга келганда, ҳаммаша сизларни кўришга тайёрман.

— У ҳолда, бугун сизнинг вақтингизни олмай қўя қолайлик,— деди Гопкинс, Гарриманга боқиб. У бош ирғади. Америкаликлар ўринларидан тура бошлашди, аммо Сталин уларни қўл ҳаракати билан тўхтатди.

— Хайрлашишимиздан аввал баъзи нарсаларни айтмоқчи эдим,— оёйишталик билан деди у.— Суҳбатимиз бошида жаноб Гопкинс Американинг жамоат фикрига ишора қилди. Мен совет жамоатчилиги фикрини ниқоб сифатида фойдаланишни истайман ва совет ҳукумати ҳамда шахсан ўз номидан гапираман. Сиз — жаноб Гопкинс,— Сталин америкаликка диққат билан тикилиб, гўё унинг нақ дили тубига кириб бормоқчидай давом этди,— америка доираларида Совет Иттифоқига нисбатан совиш юз берди, дедигиз, ҳа, биз буни сезяпмиз. Қўшма Штатлар ҳеч қандай огоҳлантиришсиз ленд-лиза етказиб бериш соҳасида манёвр қилишяпти. Сизлар Англия билан биргаликда Реймсда бизларсиз немис қўшинларининг бир томонлама таслим бў-

лиши актини ўтказдинглар. Ҳаққониятни тиклаш учун иккинчи, Берлиндаги таслим бўлиш актини ўтказиш талаб қилинди. Сизлар,— такрорлади Сталин бу сўзга иккинчи марта ургу бериб,— немис савдо флотининг бизнинг ҳам ҳаққимиз бўлган каттагина қисмини ушлаб турибсизлар. Яна бошқа баъзи бир фактлар ҳам бор,— у қўлини енгил ҳаракатлантириб қўйди.— Улар ҳақида гаплашишга улгураимиз ҳали. Шундай қилиб, савол тугилади: Қўшма Штатларнинг Совет Иттифоқи га тазйиқ кўрсатиш, унинг билан сиқув асосида музокаралар олиб бориш нияти йўқмикан? Агар шундай бўлса... мен сизларнинг бундай хаёлларингни парчалаб ташлашни истар эдим.

— Гапингиз ноҳақ, маршал!— деди Гарриман.— Президент Трумэн Москвага Гарри Гопкинсни йўллаш билан марҳум президентга яқин бўлган кишинигина эмас, балки Совет Иттифоқи билан ҳамкорлик тарафдори сифатида танилган одамни танлагани тасодифий эмаслиги наҳотки равшан бўлмаса сизга? Президент Трумэн Гопкинсни сиз у билан дангал суҳбатлаша олишингизни (бундай гаплашишни ёқтиришингиз ҳаммамизга аён) билгани учун жўнатган.

Сталин нигоҳини Гопкинсдан Гарриманга кўчираркан, унга диққат бериб тикилди.

— Ҳа, — деди у секин,— мен дангал ва очиқ гаплашишни яхши кўраман. Шунинг учун сизлардан ҳам очиқчасига гаплашишни илтимос қиламан. Жаноб Гопкинс тасдиқлашча, Қўшма Штатларнинг бизга нисбатан муносабатидаги совуқликнинг сабаби Польша проблемаси эмиш. Нима учун бу совуқлик Германия енгилган ҳамоно ва сиз, америкаликларга энди русларнинг кераги йўқдай бўлиб туюлганида юз берди?

Гарчи Сталин деярли овозини кўтармасдан гапирган бўлса ҳам, унинг сўзларида ғазаб ва аянч очиқ сезилаётгани учун америкаликлар талвасада жим ўтирардилар.

Ниҳоят, Гопкинс тилга кирди:

— Бундай шубҳаларни эшитиш менга оғир. Ишонинг, ўринсиз бу шубҳалар! Польша масаласига келганда, уни ҳал этишга менинг ҳеч қандай ҳуқуқим йўқ. Мен фақат шунни айтмоқчиманки, Польша масаласи америка жамоатчилиги фикри учун у ёки бу проблемани Совет Иттифоқи билан бирга ҳал қилишдаги қобилиятимизнинг бир рамзидек холос. Турган гапки, Польша биз учун алоҳида ролга эга эмас. Проблема биз учун снёсат томондан кўра кўпроқ маънавий томонга эгадир.

— Маънавий томони дейсизми?— жўрттага ажабланиб қайта сўради Сталин.— Буни қаранг-а, бу жуда ҳам қулай позиция-ку, жаноб Гопкинс, ҳам жамоат фикри ортига яшириниш, ҳам маънавийликни қалқон қилиш. Хўш, энди нима маънавию нима номаънавийлигини ким ҳал этади? Қўшма Штатларми? Аммо бир киши ҳам президентлик, ҳам Рим папаси вазифасини қўшиб олиб бориши мумкин эмас-ку, ахир.

— Қўшма Штатларнинг президенти ҳеч қачон бундай ниятда бўлган эмас,— эътироз билдирди Гопкинс.

— Мени афв этгайсиз,— мийғида кулди Сталин.— Мен конкрет америка президентини назарда тутмаяпман. Шунчаки... қандайдир рамздан фойдаландим, холос. Яна шунни айтмоқчиманки,— энди ҳеч қандай киноясиз ва ҳатто самимийлик билан давом этди Сталин,— жаноб Гопкинс жўрттага америка жамоатчилиги фикри орқасига яширинмоқчи, деган фикр хаёлимга ҳам келгани йўқ. Мен биламанки, у самимий ва очиқ кўнгил одам.

Шу сўзларни айта туриб, Сталин столнинг четига бармоқлари билан суянган кўйи ўрнидан тура бошлади.

Қолганлар ҳам кўзгалдилар.



Гопкинс хонадан охирида чиқа туриб, бұсағада тұхтаб қолди. Сталин билан унинг таржимони эшикдан бир неча қадам нарида турардилар.

Гопкинс Сталинга яқинлашиб аста сұради:

— Нахотки, сиз билан президент Рузвельт тиклаган дўстлик биноси дарз кетса?

— Бордию шундай бўлса ҳам, бунда биз айбдор эмасмиз,— жавоб қилди Сталин.

— Саломатлигим анча ночор, жаноб маршал,— маъюс зорланди Гопкинс.— Пойдеворида менинг ҳам ғиштим бор бинонинг омонатлашиб бораётганидан қаттиқ афсусдаман. Қани, ростини айтинг-чи, мана энди тинчлик ўрнатилган бір пайтда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар умумий душманга қарши курашган вақтларимиздагидек бўлиб қолиши мумкин, деб ҳисоблайсизми?

— Мумкингина эмас, балки лозим деб ҳисоблайман,— ишонч билан жавоб қайтарди Сталин.

— У ҳолда сўнги савол: инсон дунёга устун бўлолмайди. Бошқалар... айтайлик, хаҳ, анави, кейингилар сизнинг нуқтаи назарингизга амал қилишармикин?

— Агар бизнинг мамлакатимиздагилар назарда тутилса,— жавоб қилди Сталин,— ҳа, бунга ишончим комил. Бу менинг нуқтаи назарим бўлгани учун эмас, балки ҳаётнинг ўзи тақозо қилади.

— Раҳмат,— деди Гопкинс,— бугун ухлашим осон бўлади. Яна учрашгунимизча хайр.

У Сталинга қўл узатди...

«Мана шундай...», деди ичида Сталин яқинда Гопкинс билан қилган суҳбатини бошдан-оёқ хаёлида тиклаб.

Вақт имиллаб ўтар эди. Вагонга Москва ва Берлиндан ҳозиргина олинган шифровкалар билан Молотов икки ёки уч марта кирди. Поездининг радиостанцияси узлуксиз ишларди. Телеграммалардан баъзиларига Сталин дарҳол қисқа жавоблар ёздирди. Молотов чиқиб кетгандан сўнг кўп ўтмай, унинг катта ёрдамчиси Подцероб жавобларга имзо чектириш учун бўлмага кирди.

Сталин якка ўзи овқатланди. Қолган ҳамма вақтини дераза ёнида ўтказди...

Баъзан станция разъездларида Сталин қаршидан келаётган поездларни кўрарди. Паровозларнинг тумшуқларидан Сталинга унинг ўз портретлари боқиб ўтарди. Маршаллик формасида. Фақат юзи портретларда ёшроқ, урушдан олдинги қиёфасида эди. Қора мўйлов, қора қош, қора соч...

«Вақт!», деб қўйди Сталин ўзига хос бўлмаган маъюс оҳангда аста. Уруш унинг учун изсиз ўтмаганини тан олди. У тез қарияпти. Баъзида юраги безовта қилади. Сталин мурожаат этишни ёқтирмайдиган врачлар ноаниқ ва айни вақтда тинчлантириб: «Томирлар!», деб қўйишади.

«Менга яна бир неча йил керак!— ўйлади Сталин.— Лоақал бир йил! Яна битта жангги енгиш, яна битта, эҳтимол ҳозир эришилганидан ҳам муҳимроқ ғалаба қозониш керак... Ушандан кейин...»

Қош қорайиб борар, ўқ ўтмас дераза орқали бирор нарсани кўриш қийин эди. Аммо Сталин ўз фикрлари билан банд ҳолда ҳамон дераза ёнида турарди.

## Саккизинчи боб

### Кутини

**БАБЕЛЬСБЕРГДА** совет кино ва фотомухбирлари турадиган уйнинг учинчи қаватидан Вороновга бир хона ажратиб беришди. Воронов Потсдамдан Бабельсбергга қайтиб келгач, ҳар ҳолда, Сталиннинг қачон келишини билишга уриниб кўрди.

Аммо у ҳеч қаерда — совет делегациясининг маъмурий қисмида ҳам, кинога олиш группасида ҳам, аниқроқ бирор нарса билолмади.

У Қарповни излаганди, аммо генерал жойида йўқ, Карлсхортга кетган эди.

Совет журналистлари орасида Воронов бир вақтлар танишган, «Луч» журналининг муҳбири Николай Дувакни учратиб қолди.

Ҳамма қатори Дувак ҳам фуқаро кийимида эди. Унинг кўкрагида иккита фотоаппарат осиглиқ. Воронов билан Дувак эски ошналардай саломлашишди.

— Қуёшда қорайптиларми?— деб сўради Дувак.— Бугун хўжайин келмайди,— қўшиб қўйди у, кейин овозини пастлатиб:— буниси аниқ,— деди.

— Сен қаердан биласан?

— Мен биладиган нарсалар кўп,— муғомбирона кўз қисиб, жавоб берди Дувак.

Вазиятга кўра, бугун ҳеч қандай воқеа рўй бермаслиги сезилиб турарди. Воронов ўз хонасига кўтарилиб, стол ёнига ўтирди-да, Гретадан олган «Потсдам ва унинг тевақлари» китобини очди. Бу китобда уни худди шу Потсдам, тўғрироғи, мазкур шаҳарнинг конференция ўтказилувчи шарқий чеккасига жойлашган Цецилиенхоф саройи қизиқтирарди.

Китобда сарой биринчи жаҳон уруши вақтида немис меъмори Шульце-Наумбург томонидан яратилган дейилган эди. «Инглизларнинг шаҳар ташқарисидаги қалъалари услубида» қурилган бу бино 1916 йилда тамомланган ва саккиз миллион олтин маркага баҳоланган. Унлаб хона ва заллардан иборат қалъа 1917 йилда герман валиаҳдининг қароргоҳи бўлган вориснинг хотини Цецилия шарафига Цецилиенхоф деб номланган.

«Ақл боғар қилмайди!», деб ўйлади Воронов. Биринчи жаҳон урушини вайронгарчилик кўлами жиҳатидан ҳам, қурбонлар миқдори жиҳатидан ҳам ҳозиргина тугаган урушга таққослаб бўлмайди, албатта. Уруш немис солдатларини қираётган бир пайтда бинокор-ишчилар «инглизларнинг шаҳар ташқарисидаги қалъалари услубида» сарой қураётганларини Воронов тасаввур қила олмасди. Истибодд эмирилишидан сўнг бир йилдан ҳам кам вақтда бу саройга герман валиаҳдининг келиб жойлашиши яна ҳам ҳайратомуз туюлади.

Воронов оқшом алламаҳалгача китоб ўқигач, ётиб ухлади. Эрта-лаб Сталиннинг келиши ҳақида бирор хабар билиш умидида аввало пастга тушди. Аммо иккинчи қаватда ҳам, биринчи қаватда ҳам ҳеч ким йўқ. Ҳамма нонушта қилишга кетган эди. Воронов ҳам ошхонага йўл олди.

У тош девор ёки жимжимадор темир панжаралар билан қуршалган уйлар ёнидан аста-секин ўтиб борди. Энди бу уйлар ёнида айниқса чегарачи солдатлар кўп кўринарди. Йўлкалар бўйлаб соқчилар кезиб юрарди.

Шу яқин атрофда Трумэн билан Черчилль тўхтаганлари учун ҳам кўрилаганди бу эҳтиёт чора. «Улар қаерга жойлашганикинлар?», ўйла-

ди Воронов. Бу ҳақда сўраш тентакликкина эмас, ҳатто хатарли ҳам эди.

«Эҳтимол,— ўйлашда давом этди Воронов,— Сталин ҳар қалай Бабельсбергга келганлиги учун кўрилгандир бу эҳтиёт чоралар?»

Бундан беҳабар қолиш — кечириб бўлмайдиган гуноҳ-ку, ахир!

Аммо Воронов дарҳол ўзини босди: унинг ҳамкасблари — кино ва фото журналистлар Сталиннинг келишини олдиндан билган бўлардилар, албатта. Воронов учинчи қаватдаги ўз хонасида бўлганида уларнинг пастдаги ҳаракатларини эшитмаслиги мумкин эмасди. Бироқ у томондан ҳеч шовқин эшитилмади. Афтидан, бу эҳтиёт чораларнинг ҳаммаси — биринчи учраган соқчи Вороновдан ҳужжат кўрсатишни талаб қилди — Трумэн билан Черчиллнинг келганликлари учун кўрилган бўлса керак.

Воронов, тор кўчадан юриб, ёнма-ён кўчага ўтди. Бу ерда ҳам автоматчи-соқчилар ҳар эллик-юз қадамда кўзга ташланарди.

У «объектга рухсатнома»сини кўрсатиб, алоҳида уйлардан бирининг биринчи қаватига жойлашган ошхонага кирди. Кенг залда крахмалланган оппоқ қордай дастурхонлар ёпилган столлар турарди. Воронов стол ёнига ўтириб, одати бўйича менюга қаради ва дарҳол ўзини уйдагидек ҳис этди. Танлаш учун Москванинг яхши ресторанларидагидек таомлар: шчи, карам шўрва, гўшти ва балиқли ёвғон, киевча котлетлар таклиф қилинарди.

Стол ёнига келган официантка москвалик экан. У Вороновга, ошхонанинг барча ходимлари бу ерга келганларигача «Москва» меҳмонхонасида ишлаганлар, деб айтди.

Кинематографистлар группасининг раҳбари, атоқли совет режиссёри Герасимов дераза ёнида ўтирарди. Унинг столидан бошқа ҳамма жойлар банд эди. Воронов Герасимовнинг ёнига келди — уни Герасимов билан кеча таништириб қўйган эдилар — саломлашди, унга эгилиб, секин сўради:

— Янгилик йўқми?

— Мутлақо,— жавоб қилди Герасимов. Овозидан у ҳам асабий эканини тушуниш қийин эмас эди.— Кутиш керак, азизим,— қўшиб қўйди у,— сабр қилиш ва кутиш керак...

— Мен машина чақира қоламан,— ўзига гапиргандай деди Воронов.

— Нима учун?

— Цецилиенхофга бориб келмоқчиман. Кейин вақт бўлмаса керак.

— Ажаб қиласан,— жилмайди Герасимов.— Аммо бунинг учун Карлсхорстдан машина чақиришнинг кераги йўқ. Бу ердан Цецилиенхофгача икки километрча келади, холос...

...Сталин «Қатта учлик»нинг Берлинда учрашувини таклиф этганида шунчаки географик тушунчага амал қилган эмасди, албатта. Берлин Қизил Армиянинг ғалабаси рамзи эди. Рейхстаг тепасида ғалабанинг Қизил Байроғи ҳилпираб турарди. Гарчи, шаҳар шартли равишда тўртта оккупация зонага бўлинган бўлса ҳам, уни совет қўшинлари шиддатли жанглар билан эгаллаган эди. Фақат совет қуроли туфайли собиқ рейх пойтахтига бошқа иттифоқчи давлатлар кира олдилар.

Сталин «Қатта учлик» худди мана шу Берлинда учрашувини таклиф қилганида шуларнинг ҳаммасини ҳисобга олган эди.

Шаҳарда мувофиқ жой топишни Сталин Жуковга топширган эди. Аммо Берлин бошдан-оёқ вайронага айлангани учун бундай жой топилмади. Потсдам, тўғрироғи Бабельсберг ва яқингинага жойлашган

Цецилиенхоф, ҳақиқатда Берлиннинг музофоти бўлиб, барча лозим талабларга жавоб берарди.

Хуллас, олий меҳмонларнинг келишига кўп нарса тайёрлаш, саройнинг барча биноларини тартибга келтириш ва мебеллар қўйиб чиқиш керак эди. Силжитиш ва демонтаж қилиш мумкин бўлган ҳамма нарсани эпчил-валиаҳд Германиянинг гарбий қисмига олиб кетган эди.

Саройнинг барча биноларини саришталаб зарур нарсалар қўйиб чиқиш учун вақт етишмасди. Уттиз олти хона ва конференция залини капитал ремонт қилишга қарор қилинди. Унда катта юмалоқ стол, давлат бошлиқлари учун креслолар ва делегация аъзолари, маслаҳатчилар, ҳамда таржимонлар учун курсилар қўйишга жой етарли эди. Германияда бундай катта стол тополмадилар, уни Москвадан олиб келдилар...

Воронов булардан ҳали беҳабар эди.

У экскурсиясини бошлаганида Цецилиенхоф районида тўлиқ оёйишталик ҳукмрон эди.

Бу ерда совет чегарачиларидан бошқа ҳеч ким йўқдек эди.

Воронов йўлда учраган совет офицерларидан саройнинг узоқ-яқинлигини сўради.

Офицер ундан ҳужжат талаб қилди. Офицер ҳужжатларни текшириб бўлгач, «Цецилия»гача яна бир километрча борлигини айтди. Воронов кўрсатилган томонга йўл оларкан, ортидан мотор овозини эшитди. Нақ йўл ўртасида америка солдатлари тўла «жип»лар келарди.

Ниҳоят, Воронов томи гумбазли бинони кўрди (ўқиган китобида ёзилишича мана шу Цецилиенхоф эди) ва дарҳол америкалик ҳарбийлар қуршовига тушиб қолди. Бир четда «жип»лар турарди. Ҳарбийлар ҳозиргина уларда келган бўлишса керак.

Воронов Америка офицерини излаб топиб, унга учта байроқчали рухсатномани кўрсатди.

— Йўқ, сэр,— деди мулойим, аммо қатъий оҳангда офицер.— Ҳозир Цецилиенхофга ўтиш мумкин эмас.

— Нима учун?

Офицер кифтларини қисди.

— Цецилиенхофни лоақал ташқарисидан бўлса ҳам қандай кўришим мумкин?— ёлворган овозда сўради Воронов.— Ахир, биз иттифоқчилармиз-ку!

Америкалик бу сўзлардан ногаҳон таъсирланиб кетди.

— Инглиз тилида гапирган русни биринчи марта кўришим,— деди у жилмайиб.

— Мен Эльбада бўлганман,— деб юборди беихтиёр Воронов.

— Мен ҳам,— жилмайди офицер,— Торгау?

— Худди шундай!

— Гап бундай, йигит,— деди овозини пасайтириб офицер.— Ҳозир сени ўтказиб юбораман. Аммо, бари бир, қасрга ўтолмайсан. Ҳали замон бу ерга боссимиз келиб қолади.

Офицер орқасида турган солдатлар томонга ўгирилиб бақирди:

— Манави рус йигитни ўтказиб юборинглар!..

Аммо, дарҳақиқат, Воронов нарига ўтолмади. У Цецилиенхофга яқинроқ ерда туриб, саройнинг уч пештоқи дарвозаси ёнига оғир зирҳли таниш машина келиб тўхтаганини кўрди. Ундан Трумэн, Бирнс ва Леги тушишди. Шу заҳоти инглиз ва америка журналистлари тўдаси боққа ёпирилиб кирди. Воронов ҳам беихтиёр ўшалар орасига тушиб қолди.

Трумэн ва унинг ҳамроҳлари сарой ичига кириб кетишди. У ерда узоқ тугилмай, қайтиб чиқишгач, машинага ўтиришди. Машина дар-

ҳол ўрнидан қўзғалди. Америкалик ҳарбийлар шартта ўз «жип»ларига чиқишди-да, президент машинаси кетидан йўлга тушдилар. Журналистлар ҳам бирин-кетин ўша томонга йўналишди.

Президентнинг машинаси ва уни кузатиб борувчи «жип»лар дарвозадан чиқаётганида, кимдир Вороновнинг кифтига қўл қўйди.

— Хэлло, Майкл! Сенинг бу ердалигингни билмабман!— деди таниш овоз.

Воронов орқасига ўгирилиб, Брайтни кўрди. У худди кечагидек кўринишда, фақат кўксига янгигина «Спид-грэфик» осилиб турарди.

— Топдингми?— жилмайиб сўради Воронов, аппаратга ишора қилиб.

Орадаги борди-келдиларга қарамай, бу одам Вороновга ёқиб қолганди.

— Сотиб олдим! Икки юз эллик бак<sup>1</sup>. Танишларим бошлаб шишиди. Қимматга тушди, аммо илож қанча. Сен нега камерасизсан?

— Бу ерга тасодифан келиб қолдим. Қасрни томоша қилаётгандим, шу пайт...

— Жин урсин, қандай тартиб бу!— койинди Брайт.— Биз Берлинда президентнинг бу ерга келишини у Бабельсбергдан чиқишига йигирма минут қолганида билдик. Машинани елдиришга тўғри келди...

Брайт машинани қай алфозда ҳайдаб желганини тасаввур этган Воронов мийғида қулиб қўйди.

— Менга қара,— давом этди Брайт,— сени йигитларимиз билан таништирмоқчиман. Жентельменлар!— у погонларида мухбирлик белгилари бор нарироқдаги инглиз ва америка формаси кийганларга мушоаа қилди.— Бу худди ўша кеча менга аэродромда ёрдам қилган рус журналисти. Иси Майкл...— Брайт тутилиб қолди.

— Воронов.

— Мистер Воронов,— баланд овозда эълон қилди Брайт.— Танишинглар!

— Сизни кўришдан хурсандман, мистер Воронов,— деди бошқалардан яқинроқ турган ўрта ёшлардаги тилла гардишли кўзойнак таққан киши. У кўринишидан ўттиз беш ёшларда бўлиб, Вороновга қўл узатаркан, давом этди:

— Вилиам Стюарт, «Ивнинг геральд», Буюк британия.

Воронов унга қўл узатгач, фамилиялари, ўзлари вакили бўлган газеталарни тез-тез айтган бошқа мухбирлар билан ҳам саломлашиб чиқди. Танишиш тугагач, Брайт тилга кирди:

— Менга қара, Майкл, йигитлар сенга норозилик билдиришмоқчи. Кеча кечқурун айтишларига қараганда эртадан бошлаб Конференция территориясига кириш қатъий ман этиларкан. Ким у ерга қадам босса дарҳол Берлиндан чиқариб юборилармиш. Бизларнинг ҳаммамизни Целлендорфга жойлаштиришди, у ердан Бабельсберггача ўн тўрт миль келади.

Воронов ҳамманинг нигоҳи ўзига қаратилганини сезди.

— Бунинг менга нима алоқаси бор?— норози гудранди у.

— Бабельсберг территорияси русларнинг назорати остида,— маънодор қилиб деди Стюарт.— Демак, тартибни сизлар ўрнатасизлар.

— Тартиб учала мамлакат вакиллари томонидан ўрнатилган,— бўшашиброқ жавоб берди Воронов.

— Бабельсбергда яшайсан-ку, ахир сен!— хитоб қилди Брайт.

— Йўқ, Потсдамдан,— эътироз билдирди Воронов.— Потсдам, ҳар қалай, Бабельсберг деган гап эмас. У ердан ҳатто немислар ҳам кўчириб юборилган. Энди эса,— Воронов қисқа сукутдан фойдаланиб,

<sup>1</sup> Доллар (америкача жаргон).

қўшиб қўйди,— маъзур тутгайсизлар, жентельменлар, вақтим зиқроқ эди.

У орқасидан яна Брайтнинг овозини эшитганида дарвозага яқинлашиб қолган эди.

— Менга қара, Майкл,— америкалик секин Вороновнинг қўлидан тутди,— ростингми, бизни лақиллатапсанми?

— Нимани назарда тутяпсан?— саволга савол билан жавоб қайтарди дарҳол Воронов.

— Потсдам хусусида...

— Ҳеч кимни лақиллатаётганим йўқ. Ё текшириб кўрасанми? Потсдам, Шопенгауэрштрассе, саккиз.

Воронов блокнотининг бир варағига адресини ёзиб, уни Брайтга узатди.

— Энди бўлгандир-а?— Воронов жавоб кутмасдан Цецилиенхоф районини Бабельсбергдан ажратиб турадиган Хавель анҳори кўприги томонга йўл олди.

— Яна бир савол, Майкл,— Вороновга эргашган кўйи илтимос оҳангида деди Брайт.— Сталин қачон келади ўзи?

— Билмадим,— америкаликка қарамасдан жавоб қайтарди Воронов.— Узр, шошиб турибман.

— Москвадан йўлга чиққанмикан?— тирғалишда давом этди Брайт.— Шунга айт лоқал...

— Билмадим,— олдинги жавобини такрорлади Воронов,— ҳеч нарсадан хабарим йўқ дедим-ку сенга.

Эртаси эрталаб Воронов эшикнинг қаттиқ тақиллашидан уйғониб кетди.

— Ҳа, ҳа!— бақирди у соатига қараб. Вақт эндигина еттидан чоракта ўтган эди. Воронов шимини йўл-йўлакай кийиб, эшик томонга шовилди. Бўсағасида Дувак турарди.

— Нима гап?— сўради Воронов.— Келдимми?!

— Келяпти,— маънодор жавоб берди Дувак.

— Тушунтириброқ гапирсанг-чи!— ўшқирди жаҳли чиқиб Воронов.— Қачон келади? Қаерда кутиб олинади?

— Билмадим,— дангал тан олди Дувак.— Герасимов ҳаммамиз соат тўққизда тўпланишимизни буюрди.

— Бориб сўрай қолмадингми?

— Буни энди сиз, ўртоқ совинформбюро мухбири, сўрайсиз. Сизга тезроқ айтишлари мумкин.

Аммо Воронов энди бу сўзларни эшитмас эди. У зиналардан пастга ўқдай отилди.

Герасимов кийиниб соқолини тозалаб қирган эди. Гўё у қаерларгадир боргану ҳозиргина қайтиб келгандек эди.

— Ўртоқ Сталин Берлинга бугун соат ўн бирда келади,— деди Вороновнинг саволига жавобан Герасимов.

— Қайси аэродромга қўнаркан?— тез сўради Воронов.

— Ўртоқ Сталин поезд билан келади,— насиҳатомуз жавоб берди Герасимов.— Поезд Силезск вокзалига ўн биру ноль-нолда келади. Мен ўз группамни тўққизда тўплайман. Тўққизу ўттизда биз Берлинга жўнаймиз. Сизнинг машинангиз бор эди шекилли-а?

— Ҳа, аммо машинам Карлсхорстда-ку.

— Соат тўққизга чақиринг, Бирга кетамиз. Ўзингиз учун ҳам яхши бу.

Ҳали вақт кўп эди. Воронов Карлсхорстга телефон қилиб, ҳайдовчисига тўққизда етиб келишни буюрди-да, Бабельсбергни сайр қилмоқ-

чи бўлди. Сайрдан қайтгач, уйи олдида «эмка»си турганини кўрди. Машина эшигини очган старшина:

— Улар жўнаб кетишди, ўртоқ майор!— деди.— Аппаратураларни ўрнатишларига кўп вақт керак экан.

Воронов хавотирда соатига қаради. Миллар ўнта кам тўққизни кўрсатарди. Шундан сўнг у юқоридаги хонасига отилиб чиқиб, фото-аппаратига ёпишди...

— Шлезисхербанхофгача қанча йўл? Анави Силезск вокзалигача?— сўради шоша-пиша Воронов машина жойидан кўзгалиши билан.

— Қирқ минутларда етамиз, узоғи билан қирқ беш минутда.

Воронов йўлда кетар экан, бутун фикри-зикри ҳали замон Сталинни ўз кўзи билан яқингинадан кўришлигини ўйларди.

У ҳеч қачон Сталинни яқиндан кўрган эмасди. Фақат Қизил майдонда май ва ноябрь намоёнлари вақтида кўргучийди. Воронов ҳозир ҳам Сталинга яқинлашолмаслигини биларди, албатта. Бироқ Сталин вагондан чиқаётганида уни бир неча бор расмга олиш мумкин бўлади.

Аммо Воронов Берлинга келганидан бери биринчи марта мақсади амалга ошмай қолди. Вокзал биноси икки қатор чегарачилар билан ўраб олинган эди.

Яшил ёки қизил гардишли шапка кийган офицерлар Воронов кўрсатган рухсатномага бефарқ боқиб:

— Йўл йўқ,— дея қисқа жавоб қилардилар.

Герасимов ҳеч ерда кўринмас эди. Воронов агар кинематографистлар билан бирга келганимда, албатта, ҳозир перронда бўлган бўлардим, деган фикрдан юраги сиқилиб кетди.

Бирор чора топишнинг иложи бўлмагач, у Бабельсбергга қайтишга мажбур бўлди.

Кўн ўтмай, Герасимов ҳам Бабельсбергга пайдо бўлди. Унинг айтишича, киногруппа ҳам муваффақиятсизликка учрабди. Группа вокзал биноси ичига кира олибди-ю, аммо перронга ҳеч кимни чиқаришмабди. Тўғрироғи, ҳеч қандай тантанали кутиб олиш маросими ўтказилмабди. Оркестр ҳам, фахрий қорғувул ҳам йўқ экан. Сталинни Жуков, Вишинский, Антонов ва яна бир неча олий ҳарбий саркардалар кутиб олишибди.

Поезд Берлиндан Потсдамга тўппа-тўғри ўтиб кетди, аммо бу ҳақда деярли ҳеч кимни хабардор қилишмади.

Герасимов ҳам, айниқса Воронов ҳам, уларнинг муваффақиятсизликларининг сабаби Сталин ҳали Москвадалигидаёқ Жуковга: «Ҳеч қандай тантанали кутиб олиш, ҳеч қандай маросим бўлмасин!», деган буйруғи эканлигини билмас эдилар.

«Иш билан шўғулланиш керак», деб қўйди Воронов ўзига ўзи. Битта хабарни у Москвага жўнатиб юборди. Энди иккинчиси ҳақида ўйлаши керак эди.

«Модомики шундай экан, нима учун Потсдамга бориб, мақола устида ишламаслигим керак экан?»

Бабельсбергга энди диққатни бир ерга йиғиш қийин, Потсдамда эса жимлик ва осойишталик эди.

У ўн беш минутдан кейин Шопенгауэрштрассе кўчасидаги таниш уйга етиб қелди. Старшинага кечки соат саккизда келишни буюриб, эшикни қоқди.

Эшикни Грета очди.

— Was wallen Sie<sup>1</sup>? — кескин оҳангда сўради аёл.

<sup>1</sup> Сизга нима керак (немисча).

— Мен кеча сизникида бўлгандим,— Воронов ҳам немисча жавоб қилди. Аёлнинг гап оҳанги уни ўйлантириб қўйганди.

Вороновга ҳамон нохуш қараб турган Гретанинг юзида ногаҳоний табассум пайдо бўлди.

— О-о, жаноб майор!— хитоб қилди Грета.— Афв этасиз! Мен сизни граждандан кителида танимабман! Кутдириб қўйганим учун узр!

Аёл чекиниб, Вороновга йўл берди.

Воронов ташаккур айтиб, зина орқали ўз хонасига кўтарилди. Ичкарида ҳамма нарса худди кечагидай эди. Фақат стол устида сиёҳдон бўлиб, унинг ёнида эскирган ручка ётарди.

Воронов Москвадан олиб келган Берлин планини ёйиб қўйиб, блокнотини очгач, йирик ҳарфлар билан:

### «КАТТА УЧЛИК» КОНФЕРЕНЦИЯСИ ХУСУСИДА

деб ёзиб қўйди.

Мақоланинг бошланиши Потсдам йўлида шакллана бошлаган эди: «Шубҳасиз тарихий бўлиб қоладиган Конференция очилишига фақат бир кечагина бор. Президент Трумэн ва бош министр Черчилль тушган самолётлар кеча Берлиннинг Гатов аэродромига қўнди. Генералиссимус Сталин бугун поездда келди...»

Воронов яна нималар ёзиши кераклигини биларди, аммо пастдан эшитилган бўғиқ эркак овози унинг эътиборини тортди.

«Афтидан хўжайин заводдан қайтган бўлса керак»,— дея ўйлади Воронов. У Нойманнинг: «Герман Вольф — юқори малакали ишчи», деган сўзларини эслади.

Соат бешга яқинлашиб қолганди.

Вольф ҳақида ўйланиб ўтиришга вақт йўқ эди.

Воронов ўз газетхонларига Потсдамнинг бир вақтлар пруссия милитаризми маркази бўлганлигини эслатиб ўтди. «Катта учлик» Конференциясининг худди шу ерда ўтказилишининг ўзи чуқур рамзий маънога эгадир», деб ёзди у.

Воронов газетхонларга Цецилиенхоф қасрининг ташқи қиёфаси ҳақида умумий тушунча берди. Ўзи қаср ичига киришга муваффақ бўла олмагани учун газетхонлари олдида Конференция ўта махфий вазиятда иш бошлайди, мухбирлар ҳозирча қаср ичига кириш имкониятидан маҳрум, дейиш билан ўзини оқлашга қарор қилди.

У ишлаб ўтириб, зинада кимнингдир оёқ товушини эшитди.

Соат энди олтидан ўн беш минут ўтган эди. Кимдир астагина эшик қоқди.

— Кириш!— деди Воронов немисчалаб.

Остонада баланд бўйли, бир оз букчайган эркак киши пайдо бўлди. Унинг эгнида коржомага ўхшаш ўнғиганроқ кўк куртка бор эди. Қўйлаги янги, оппоқ, қора галстуги сириб боғланганди. Барвақт кексайган бўлса ҳам, ҳали бақувватдек кўринарди. Пешонасини кесиб ўтган чуқур ажинлар ва қуюқ қошлари уни кучли ирода эгаси эканлигини билдирадди.

— Кечирасиз, майн хэрр,— деди ҳамон остонада турган одам.— Танишиш учун киришга журъат этдим. Мен Герман Вольфман. Халақит берган бўлсам, маъзур тутасиз.

Вольф чаққон ҳаракат билан кифтларини тўғрилади-да, анчагина эски, аммо яхшилаб тозаланган ботинкаси пошналарини бир-бирига уриб қўйди.

— Салом, хэрр Вольф,— деди мулоимлик билан Воронов ўрнидан туриб.— Уйингизга кириб олганим учун мен кечирим сўрашим керак. Исмин Михаил Воронов.

— О-о, хэрр майор!— дея Вольф гап бошлаганди, аммо Воронов унинг сўзини бўлди.



— Унвонимни айтманг, жаноб Вольф. Ҳозир ҳарбий хизматчи эмасман. Журналист Михаил Воронов. Нега остонада турибсиз? Марҳамат, ичкарига кириг. Айтмоқчи, рафиқангизнинг рухсати билан манави ердан битта китоб олган эдим. Жойига қайтариб қўйиб қўйдим уни.

Вольф гўё тойиб кетишдан ҳайиқаётгандек эҳтиёткорлик билан ичкарига йўналди.

— Утиринг, марҳамат,— деди Воронов унга хонадаги ягона курсини кўрсатиб.— Дўстингиз ўртоқ Нойман менга сизни заводда ишлайди, деди. Тўғрими шу?

— Ҳа,— қисқагина жавоб қайтарди Вольф.

— Бу заводда нима ишлаб чиқарилади?

— Станоклар, жаноб Воронофф,— деб қўйди пича тутилиб Вольф.

— Бутун қолгани яхши бўлди заводнинг. Эрталабки сменада ишлайсизми? Сизни кеча ҳам, бугун ҳам кўрмадим.

— Ишга барвақт кетаман,— қуруққина жавоб берди Вольф.— Хотиним Грета,— унинг овози ўзгариб мулойимлашди,— пастига тушиб бир чашка кофе ичишингизни илтимос қиляпти.

У ҳурмат, ҳатто эҳтимол пича хушомадгўйлик билан гапиришига қарамай, қиёфаси иззат қилишга аригули эди.

— Жоним билан,— деди Воронов.

— Марҳамат қилинг, майн хэрр!— тетиклашди Вольф.— Грета мунтазир. Умуман, биз сизнинг ихтиёрингиздамыз,— қўшиб қўйди у тўсатдан.

Вольф гўё икки хил одамдек эди. Бир томондан — осойишта, вазмин, ўз қадрини биладиган, иккинчи томондан — зўраки, эҳтиросли, голиб билан мағлуб ўртасидаги фарқни унутмасди сира чамаси.

— Гап бундай, жаноб Вольф,— деди Воронов,— шартлашиб олайлик: мен сизнинг уйингизга оккупация қўшинларнинг вакили сифатида эмас, шунчаки сизнинг меҳмондўстлигингиздан фойдаланиб жойлашган оддий бир кишиман. Менинг отам ҳам сизга ўхшаган ишчи одам. Айтмоқчи, у ҳам мастер. Тушунтиролдимми?

— Явол, майн хэрр,— шошилигич жавоб берди Вольф. Аммо унинг қуюқ қошлари тагидан эҳтиёткорона боқишдан Воронов ишончсизлик ифодасини пайқади.

Ошхонада бир пайтлар оппоқ бўлган, кейин вақт ўтиши билан тез-тез ювила-ювила сарғайиб кетган тўр дастурхон ёзиқли стол ёнида Грета ўтирарди. Стол устида чашкалар билан ялтироқ чойнак кўринарди.

— Марҳамат, хэрр майор,— дея Грета бидирлай бошлаганди, аммо Вольф унинг сўзини шартта бўлиб қўйди.

— Хэрр майор ўзининг фамилияси билан — хэрр Воронофф, деб аташни илтимос қиляпти.

Грета:

— Қандай қилиб...— деб сўз бошлаган эди, аммо эрининг қуюқ қошлари чимирилгани учун дарҳол гапни бошқа ёққа бурди:— марҳамат, бир чашка кофе ичинг. Афсуски, шакаримиз йўқроқ!

— Қофени шакарсиз ичишга ўрганганман,— деди Воронов хижолатпазликни юмшатиш учун.

Вольф чашкани лабларига яқинлаштириб, кофедан бир хўплаб қўйгач, хотинига қовоқ уюб қаради.

— Нега яхши кофедан дамламадинг?

— Яхши кофедан?— деди Грета гўё ундан қуш сути сўралаётгандек оҳангла.

— Ўзингни гўлликка солма,— овози мулойимлашди Вольфнинг.— Грета Берлинга бориб туради,— тушунтирди у Вороновга.— Америка-

ликлар билан инглизлардан ҳар хил эски-тускиларга кофе алмаштириб олади. Биз вайрон қилинган, енгилган мамлакатмиз, ахир,— ғамгин қўшиб қўйди у.— Яхши кофедан дамла, Грета.

Грета шкафдан қопқоғи сийқа шиша банкани олиб, итоаткорона ошхонага йўналди. Бир оздан кейин қўлида патнис билан қайтиб келди. Патнисда учта кичкина кофе чашкаси кўринарди.

— Кечирасиз, хэрр майор,— деди эрининг огоҳлантиришини унутиб Грета.— Мен бу кофени Герман учун олиб қўйгандим. Унинг эрта-лаблари аччиқ кофе ичиш одати бор...

— Анчадан бери аччиқ кофе ичганим йўқ,— гапга аралашди Вольф.— Нақ ёғ ўрнига замбарак ишлаб чиқара бошлаганимиздан бери кўрмайман ундай кофени.

— Ростини айтсам, кофега ҳушим йўқ,— деди Воронов.— Қанақаси бўлса ҳам, бари бир менга. Шунчаки сизлар билан бир гаплашиб ўтиргим келиб қолди, холос.

Воронов юқорида чала қолган иши борлигини эслаб безовталана бошлади. Аммо чайиб кетишидан олдин кофени ичиб қўйиши ва ло-ақал пича уй эгалари билан гаплашиб ўтириши керак эди.

Ниҳоят, кофе ичиб бўлинди. Воронов кетиш учун энди ўрнидан турган эди, ташқари эшикнинг кучли тақиллагани эшитилди. Кейин қўн-гироқ қаттиқ жиринглади.

Герман билан Гретага саволомуз қараган Воронов улар бир-бир-ларига хавотирланиб тикилаётганларини кўрди.

Вольф стол ёнидан туриб, даҳлизга чиқди.

Шу заҳоти Воронов кимдир чала-чулпа немис сўзлари аралашти-риб инглизча гапираётганини эшитди. Кейин уни ажаблантириб Чар-льз Брайт кириб келди.

— Хэлло, Майкл-бэби!— деди хахолаб бақирганча Брайт. Сўнгра Вольфни хиёл ўзидан итараркан, Гретага эътибор ҳам бермай, Воро-нов сари отилди.— Анави лаънати Шопингоорстрессангни излаб, бутун шаҳарни кезиб чиқдим!— бидирлаб кетди у.— Ёзиб берганингни ўқиб, кейин йўқотиб қўйдим, номини эслаб қолдим. Аммо ҳеч қайси немис билмас экан у кўчани. Анави олифта инглиз билан гаров ўйнадик. У сени Бабельсбергда яшайди, деди. Мен сенинг ростгўйлигингга ишо-ниб Потсдамда яшашлигингга қасам ичдим. Юз бакдан гаров ўйнадик. Алдаганлигингга ишона бошлагандим. Ахир, бирор одам бу ярамас кўчани билмаганидан кейин...

Брайт ҳали-вери бидирлашдан тўхтамайдигандай эди.

— Бас, Чарльз!— хитоб қилди Воронов. Брайтнинг бетакаллуф кириб келганидан жаҳли чиққанди унинг.— Биринчидан, «Шопингоор» эмас, «Шопенгауэр», «стрессеи» эмас, «штрассе». Иккинчидан, уй эга-ларига салом бериш керакми, ахир?!

— О-о!— Герман билан Гретани эндигина кўргандай бақириб юборди Брайт.— Узр. Леди, кечирасиз, сэр!— У қўлини пилоткасига олиб борди.

— Америка муҳбири Чарльз Брайт,— деди Воронов немисчалаб,— бу қадар беодобларча кириб келгани учун узр сўраяпти.

— Явол, явол,— жилмайиб бидирлади Грета,— биз америкалик-ларни яхши кўришимизни мистер Брайтга айтиб қўйсангиз, ҳозир унга бир чашка кофе дамлаб бераман!

— Кофе таклиф этишяпти сенга,— таржима қилди Воронов.— Аммо билиб қўй, кофе шакарсиз.

— Жин урсин кофесини! Юз бак ютиб турибман-ку. Ювиш керак. Вискилари бормикин?

— Камбағал немис хонадони бу.— танбеҳона деди Воронов,— иш-чи оиласи...

— Явол! — немисчалаб хитоб қилди Брайт. — Айн момент!

У эшик томонга ғизиллаб, кўп ўтмаёқ қўлида виски шишаси билан кириб келди. Кейин шишани кифтига қўйиб, оғзини Вольфга қаратди-да, хурсанд қичқирди:

— Банг-банг! Гитлер капут!

Вольф башарасини хунук буриштирди. Аммо дарҳол ўзини тутиб олиб зўраки жилмайди.

— Стакан топиладими? — омилкорлик билан сўради Брайт.

Грета жавондан қадаҳлар олиб қўйди.

— Россияда мана бундай ичилади, шекилли? — Брайт вискини шартта бир кўтаришда ичиб кўзларини олайтираркан, мўйлов бурагандай бармоқларини лаблари устида ҳаракатлантиргач, томоқ қириб қўйди. Сўнгра Вороновдан бошқа ҳеч кимга назар ташламасдан кескин оҳангда:

— Кетдик, Майкл! — деди.

— Қаёққа?

— Ҳали айтмаганманми сенга? — астойдил ажабланди Брайт. — Ким билсин бу ерда нима деб аталаркин? У ерни биз оддийгина қилиб „Under ground“ деймиз. У ерда кечқурунлари тўпланамиз. Кетдик!

«Under ground», хаёлида такрорлади Воронов ва «бу нима дегани? Инглизча бу сўз «яширин», умуман, ер ости дегани, шекилли», дея ўйлади.

Брайт тўсатдан таклиф этиши ва энг муҳими, бу таклиф сўзсиз қабул қилинади, деган ишонч Вороновнинг нафсониятига қаттиқ текканди.

— Ҳеч қаёққа бормайман! — деди у шартта.

— Сени Стюартга олиб бориб кўрсатсам, юз бак ютаман-а! Сен билан эрталаб таништирган тилла кўзойнакли инглиз йигити эсингдами? Нима, юз бакдан маҳрум қилмоқчимисан мени?

Бу гапларни Брайт арз-илтижо оҳангида айтди.

— Мен ишляяпман, — деди Брайт билан жиддий гаплашиш мумкин эмаслигини ўйлаб, чўрт кесиб Воронов. — У-бу ёзишим керак, ҳеч қаёққа боролмайман.

— Ҳўш, анави юз бак нима бўлади?

Йўқ, бу йигитдан хафа бўлиш мумкин эмасди ҳозир!

— Тилхат ёзиб бераман. Стюартингга кўрсатасан, — мулоим жилмайди Воронов.

Брайт бир дақиқа ўйланиб қолди.

— Бўлмайди, — рози бўлмади у. — Тилхатни русча ёзсанг, Стюарт ҳеч нарса тушунмайди. Инглизча ёзсанг, сенинг қўлинг билан ёзилганини қандай исботлайман?

Воронов кифтларини қисиб қўйди.

— Менга қара, Майкл, — жиддийлашди Брайт, — наҳотки гарблик касбдошларинг билан танишишни хоҳламасанг? Ё рус журналистлари биз билан алоқада бўлишлари тақиқланганми? У ҳолда очирини айт, мен ҳозироқ кетаман.

Брайтнинг сўзлари Вороновга қаттиқ тегди. «Тақиқланиш эмас, аксинча, сизлар билан имкони борича кўпроқ мудоқатда бўлишим топширилган, — ўйлади у, — қийналиб мақола ёзиб ўтиргандан кўра, чет эл журналистлари ўртасида бўлиш яхшироқ эмасми? Ушанда «Конференция атрофида» деган ном ҳам ўзини оқлайди. Ҳали олдинда бугун умр оқшом бор. Эрта эрталабга мақола тайёр бўлади».

— Қайта келтириб қўясанми мени? — иккиланиброқ сўради Воронов.

— Албатта! — деди шартта Брайт.

— Жаноб Вольф,— бир оз сукутдан кейин мурожаат этди Воронов,— бугун шу ерда тунаб қолсам, безовта қилиб қўймайманми сизларни?

— Хона буткул сизнинг ихтиёрингизда.

— Унда илтимос.— Чет эллик касбдошлар билан учрашув энди Вороновга мароқли ва ишга фойдаси тегадигандай туюла бошлади.— Соат саккизда бу ерга менинг машинам келади. Мен бир хат ёзиб қолдираман, ўшани ҳайдовчиға бериб қўйсангиз.

— Явол, майн хэрр.

Юқорида хат ёзиб, уни Вольфга бериш бир неча дақиқагина вақтни олди.

— Кетдик!— деди Воронов Брайтга.— Биз кетдик,— буну у Вольф учун немис тилида такрорлади.

— Сабр қилинг, хэрр Воронофф,— тўхтатди уни Вольф.— Марҳамат, қалитни олинг. Шундай қилганингиз маъқулроқ.

Раҳмат,— деди Воронов қалитни олатуриб.— Ҳар қалай бемаҳалга қолмасам керак.

## Тўққизинчи боб

### Ундер граунд

Қадимий шаҳар аста-секин оқшом қоронғилиги билан чулғана бошлади. Кўчалар бўм-бўш эди. Фақат баъзангина америкалик, инглиз ёки совет солдатлари тушган машиналар учраб қоларди. Машиналарнинг ҳаммаси Потсдамштрассе бўйлаб Бабельсберг сари еларди.

Брайт ўриндиқ суянчиғига таяниб, кеккайганча руль бошқариб борарди.

— Беканг анча мард аёл экан,— деди кулиб у Вороновга.— Юқоридалигингда пича бизнес қилиб олдик у билан.

— Бизнес?— ажабланди Воронов.

— Беш пачка кофе, уч блок «Лаки страйк» ва тўрт қадоқ қандга бир даста кумуш қошиқ алмашмоқчимиз. Нарсаларни топиб келиш менинг зиммамда.

— Уят эмасми, Чарльз?— деб юборди беихтиёр Воронов.

— Уят? Ахир, унинг ўзи илтимос қилди-ку! Бранденбург дарвозаси ёнида унга икки баравар кам нарса беришади.

— Қошиқларнинг нима кераги бор сенга?

— Ҳеч ҳам керакмас. Жейнга совға қилмоқчиман, холос.

— Кимга?

— Яхши кўрган қизимга. Исми Жейн. Яқинда турмуш қурмоқчимиз.

— Ҳозир қаерда у? Индепенденсдами?

— Бабельсбергда.

— Қаерда?!

— У Давлат департаментида хизмат қилади. Стенографистка.

Мен уни Европага олиб кетишларини билганимдан кейин, газетам мени ҳам бу томонга юборишлари учун барча чорани кўрдим. Лекин фойдаси бўлмади.

— Нима учун?

— Биласан-ку, Бабельсберг менга Штатлардан яқин эмас! Шунча кунлардан бери Жейнни бир марта — фақат шу бугун кўрдим!

— Унинг ўзи сенинг ёнингда — Берлинга кела қолмайдами?

— Иши бошидан ошиб ётибди. Эрталабдан кечгача банд.

Воронов билан Брайт бир оз вақт жим бордилар.

— Менга қара, Майкл,— ниҳоят жимликни бузди Брайт.— Сени огоҳлантириб қўймоқчиман. Йигитлар жуда ҳам норозилар. Биз матбуот билан бундай муомала қилишларига ўрганмаганмиз.

Воронов чурқ этмади. Унинг ўзи оғир аҳволда эди. Унга Бабельсбергга бўлишгагина рухсат этилганди, холос. Аммо Воронов бу ҳақда гапиргиси келмади. Тўғрироғи, у Трумэн билан Черчиллнинг ташрифини ҳамма мухбирлар расмга олишгани, аммо Сталиннинг келишини ҳатто совет мухбирлари ҳам расмга тушира олмаганларини айтмоқчийди.

— Менга қара,— иттифоқо гап бошлаб қолди Брайт.— Мен юз долларимни ҳалол ютмадим. Сенинг Бабельсбергга киришга ҳақинг бор, деярли ўша ерда яшайпсан. Йигитлар кўришибди.

— Мен Потсдамда яшайман,— қайсарона эътироз билдирди Воронов.

— Мен ҳам балки бу жаннат маконга кела олмайман, деб бекорга нолиётган бўлсам керак. Жейн йўлини топади... Лекин булар ҳаммаси қалтис. Бизнес бизнеслигича қолади. Сен Стюартнинг олдида, Потсдамда, Шюпингоор, саккизинчи уйда тураман, дегандинг. Мен ҳам сени шу ердан топдим, тўғрими?

— Шопенгауэр, Чарли, Шопенгауэр!

— Юз бак учун бу номни ҳар қандай талаффуз этишга тайёрман. Ҳа, айтгандай, бу Шопе... нима ўзи? Миллати?

— Файласуф. Жуда ҳам мискин файласуф. Утган асрда яшаган. «Дунёда ирода ва тасаввур сифатида» китобини ёзган.

— «Дунё»... нима сифатида? Менга қара, Майкл, сафсатабозликларни қачон юқтира қолгансан?

— Институтда тарих билан шугулланганман.

— Тарих фақат бугундан бошланади. Айтгандай, мен ҳам қолледжда бир оз ўқиганман. Кейин ташлаб кетдим. Манави лаънати су-раткашликка қизиқиб қолдим.

Осмонни булут қоплади. Теварак ҳамон бўм-бўш эди. Байрон иморатлар бомба ва снарядлардан пайдо бўлган чуқурлар билан қўшилиб, ўйдим-чуқур ой сатҳини эслатарди. Ҳар қалай, Воронов болалигида ойни шундай тасаввур этарди...

— Манави ерда бизнинг матбуот клубимиз жойлашган,— деди Брайт бир зумдаёқ орқада қолиб кетган икки қаватли бинога ишора қилиб.

— Бу қайси кўча?— сўради Воронов.

— Ким билади дейсан! Целлендорф райони. Америка сектори.

Брайт машинага кескин тормоз бериб:

— Бўлди! Нарига ўтиб бўлмайди,— деди.

Дарҳақиқат, машина иморат култепаларидан иборат боши берк кўчага бориб тўхтаганди. Олдинда ўн бештача «виллис» машиналар турарди. Брайт ўз машинасини иккинчи бир машинага тақаб қўйди. Олдинги машинанинг тумшуғи деворга тегиб турарди.

— Менга қара, Чарли,— деди Воронов,— олдинги машина чиқиб кета олмайди-ку, бу аҳволда.

— Нима, у бу ерни сотиб олганми?— тўнғиллади Брайт.— Бўлмаса «private property»<sup>1</sup> деган тахтача осиб қўйсин.— Шундан сўнг—у қўлига сумкани олди.— Қани, орқамдан юр.

— Қаёққа?

— Манави ресторанга-да, барга, локалми, бу ерда нима деб аталишини ким билсин?

<sup>1</sup> Хусусий мулк (инглизча.)

Машиналарни оралай-оралай улар боши берк кўчадан чиқиб олишди. Теварақларда ҳамон вайроналар кўринарди. «Бу ерда қандай бар бўлиши мумкин?», ажабланиб ўйлади Воронов.

Аммо шу пайт қаердандир, худди ер остидан янграётгандек унинг қулоқларига элас-элас музика овози эшитилди. Воронов қулоқ солиб, қадамни секинлаштирди. Музика бўғиқ, аммо дурустгина эшитиларди.

— Нега қолиб кетдинг?— Вороновни кутиб, тўхтади Брайт.

— Айтган баринг қаерда?— деб сўради Воронов, гарчи музика оҳанглари тобора аниқроқ эшитилаётган бўлса ҳам.— Ахир, бу ерда битта ҳам бутун қолган уй йўқ-ку!

— Уйларда юқори қаватлардан ташқари, ертўлалари ҳам бўлади. Ганслар осмондан дўппослаганларида шу ерда жон сақлашган, тундундингларми?

Брайт пастга олиб тушадиган зинапоя ёнида турарди. Афтидан, бар чиндан ҳам қаердадир вайроналикларнинг остиди бўлса керак.

— Кетдик,— деди буйруқомуз Брайт.— Қўлимни узатайми?

Вороновнинг назарида у дўзахми ёки ёруғликдан қўрқадиган кўршапалаклар яшовчи ўрага тушиб кетаётгандек туюлди.

Зинапоя бир томонга кескин бурилди. Воронов Брайтнинг орқасидан яна бир неча қадам юрди-да, ҳайратдан тош қотиб қолди.

Унинг қаршисида столлар қўйилган катта зал пайдо бўлганди. Тўрдаги девор тагида чоғроқ супача бўлиб, унда бир неча чолғучилардан иборат оркестр жойлашган эди.

Нима учун Брайт бу муассасани «Under ground» деб атаганини у эндигина тушунди. Бу чиндан ҳам ер тагидаги яширин маскан эди.

Стол теварагида тамаки тутуни қуршаган ҳарбий кийимли кишилар ўтирарди. Столлар ўртасида юрган официантларни ҳисобга олмас, фуқароча кийимлилар деярли йўқ эди.

Аёллар анча-мунча эди. Улар деярли ҳар бир стол ёнида бор эди. Вағир-вугур, музика, официантларнинг идишларни шарақлатиши бирга қўшилиб, қаттиқ шовқин ҳосил бўларди.

Брайт ҳали ҳам зинада, Воронов эса унинг орқасида турарди.

— Шошма,— деди Брайт.— Мен ҳозир Стюартни топаман.— У оёқ учида атрофга аланглади.— Ана у, Урсуласи билан экан. Қалай, қизи маъқулни сенга?

Воронов Стюартни ҳам, унинг «қизи»ни ҳам кўрмаётганди.

— Юр!— деди Брайт яна буйруқ оҳангида.— Ҳозир сени кассирга чек кўрсатгандай кўрсатаман.

Брайт бу ерда ҳамманинг эркатойи бўлиб қолган эди. Ҳар бир стол ёнидан «Хэлло, Чарли!» деб қўйишарди.

Стюарт билан «қизи» эстрадага тескари, эшик томонга қараб ўтиришарди. Уларнинг столи ёнидаги иккита жой бўш эди.

— Бу аёл ким?— қизиқсиниб сўради Воронов.

— Унинг Урсуласи дедим-ку. Қаерданлигини ҳеч ким билмайди. Мен уни иккинчи марта кўришим, холос.

— Инглизми?

— Стюартнинг инглиз қизлари Лоңдонда ҳам етарли. Немис қиз у!

— Хўш, ким ўзи у аёл?

— Бирор аёл билан тўшакда ётишдан аввал шахсий гувоҳнома талаб қиласизларми дейман-да, а?— кесатди Брайт.

Улар Стюарт билан Урсула ўтирган стол ёнига яқинлашишди. Стюарт қўлида ним сариқ суюқлик қўйилган стакан тутиб турарди. Стол устида кўкиш ўткир ичимлик қўйилган қадаҳлар кўринарди. Брайт ҳамон ўрнида ўтирган Стюартга мурожаат қилди:

— Шахсан мистер Воронов бўладилар бу киши. Яшаш жойлари Потсдамдаги... — у бир оз-тутилиб қолди.— Хуллас, ўша жин урган кўча. Сен ютқаздинг. Нақд тўлайсанми ёки чек биланми?

Стюарт Брайтга қиё ҳам боқмай, унга жавоб бермасдан ўрнидан туриб тавозе билан таъзим қилди.

— Марҳамат, мистер Воронов. Бизга қўшилинг. Хонимнинг исми Урсула,— жойига қайта ўтиратириб, давом этди Стюарт.— Урсула, рухсат этасиз, сизга рус ҳамкасбимиз ва иттифоқчимиз, хэрр Вороноффни таништирмоқчиман.

Ажабтовур немисча янграган бу сўзлар Вороновни ҳайратда қолдирди.

Вороновга қиё боққан Урсула аста бош ирғаб кўйди.

— Марҳамат, ўтиринг,— яна инглизча гагира бошлаб, Вороновга муурожаат қилди Стюарт.— Бу Шейлок таклифсиз ҳам ўзи ўтираве-ради.

Дарҳақиқат, Брайт узун оёқларини стол тагига узатиб ўтириб олган эди.

— Сен мени нима деб атадинг, Вилли?— савол ташлади у.

— Шейлок,— киноя аралаш такрорлади Стюарт.

— Хўш, буниси яна ким бўлди?— хўмрайброқ қайта сўради Брайт.

— Шекспир хато қилган. У Шейлокини Брайт деб аташи керак эди.— Очиқчасига кесатди Стюарт.

У Брайтни дангал калака қиларди. Чарли, чамаси, ҳеч қачон



А. ХОЛИҚОВ чизган расм.

Шейлокнинг номини эшитмаган эди. Аммо у анча-мунчага ўзини йўқотиб қўймасди.

— Мен сизнинг ўрнингизда бўлсам, мистер Стюарт, сэр,— чертиб-чертиб деди Брайт,— аввало шалтоғимни тозалаган бўлардим. Юз бак чўзиб қўйсангиз.

Стюарт чўнтагидан камбар, узун чек дафтарчасини чиқарди.

— Ручканг борми?— деб сўради сўнг-хўрсиниб Брайтдан.

— Хизматингизга тайёрман, сэр.

Стюарт дафтарчасини очиб, унга нималарнидир ёзди-да, бир ва-рақни йиртиб олиб, ручка билан бирга Брайтга узатди.

— О, кей!— деди Чарли чекни диққат билан ўқиғач.— Энди бо-риб, буни алмаштирамиз.

— Нима?!— хитоб қилди Стюарт.

— Умид қиламанки, жиддийлашди Брайт,— сенинг омонатингда юз бак борлигини тасдиқлайдиганлар топилади. Хуллас, чекни нақд пулга алмаштирмоқчиман.

Чарли Брайт ҳозир Воронов билган шўх, гапга чечан йигитдан мутлақо бошқа одамга айланган, башараси тундлашаркан, қошлари чимирилиб, лаблари қаттиқ қимтилганди.

Стюарт Брайтга хиёл жим қараб турди.

— Яхши. Кетдик,— деди у ўрнидан тураётиб.— Шубҳачи дўстим-ни афв этгайсиз, мистер Воронов.— Ижирганиб қўшиб қўйди у кейин.— Бир неча минут сизни Урсула билан ёлғиз қолдирамиз.

Бу манзарани кузатаётган Урсула айни вақтда ўзига тегишли ни-ма ҳақдадир ўйлаётгандек ҳам эди.

Брайтнинг қиёфаси одатдаги болаларча шўх ҳолатга қайтди.

— Айни бисхен бизнес. Кляйне, кляйне...— у немис тилини ғоят бу-зиб шундай дегач, кўз қисиб қўяркан, Стюартга эргашди.

Оркестр танго куйи «inénisse, ihrendnd, madame»ни чалди. Воронов ёшлик пайтида кенг тарқалган бу куйни яхши билар-ди. Рақс тушиш учун белгиланган майдонча бир зумда одам билан тўлди. Асосан инглизлар билан америкаликлар танца тушишарди. Уларнинг ҳаммалари ҳарбий формада эдилар. Фуқаро кийимидаги-ларнинг аксарияти чамаси немислар бўлиб, улар ҳамон столлар ёнида ўтиришарди.

Рақсчилар боши узра сирпалган нур бир лаҳза Урсуланинг юзи-ни ёритиб ўтди. Воронов бирваракай қизнинг иккала юзини кўргандек бўлди. Урсуланинг бир тараф юзи орқали иккинчиси ҳам ёришгандек туюлар, юзи бокирароқ, юмшоққина эди.

Аслида бу хоним Воронов учун бари бир эди. Чамаси, у америка-ликлар билан инглизлар боқиб юрган немис аёллардан бири бўлса ке-рак.

Аммо Урсуланинг ким бўлишидан қатъи назар, аёл кишига нис-батан бетакаллуф муносабатда бўлиш Вороновга ёқмасди. Стюарт Ур-сулани бегона эркак билан якка қолдириши яхши эмас.

— Улар ҳозир келишади,— деди Воронов немисчалаб.— Зарур иш-лари чиқиб қолди.

Урсула паришон жилмайди.

— Бу танго менга студентлик йилларимни эслатади...— деди Во-ронов лоақал бирор нарса тўғрисида гаплашиб ўтириш мақсадида.

— Сиз чиндан ҳам русмисиз?

— Ҳа, албатта!— савол замиридаги кескин оҳанг Вороновни ажаб-лантирганди.

— Нега формада эмассиз?

— Нима кераги бор?— жилмайди Воронов.— Ахир, уруш гуга-ди-ку.



— Сиз Германияда ўқиганмисиз?— Урсуланинг қисик кўзларида бадхоҳлик ифодаси учқунланди.

— Германияда?!— ҳайратланиб қайта сўради Воронов.— Нега бундай деб ўйлаяпсиз? Урушдан олдин сираям Германияда бўлган эмасман.

— Россиянларда ўз қўшигинлар йўқми? Еки немис куйига рақс тушишга мажбур этишадими?— Урсула бу сўзларни жигга тегар даражада ачитиб айтди.

Воронов бу немис аёлига кўпроқ ажабланиш билан қарай бошлади. Унинг сўзларидаги Россияга нисбатан адоват тушунарли эди. Аммо у ана шу адоватни яширмаётгани ажабланарли эди.

— Бизни ҳеч ким ҳеч нарсага мажбур қилган эмас,— беихтиёр кескин жавоб қайтарди Воронов.

Кейин шу заҳоти қўрслиги учун ўзини койиб қўйди. «Қасд олишга топган одамими-чи!— деди ичида надомат билан.— Бу бахтсиз аёлнинг ейишга нони ҳам йўқдир балки... Геббельс тарғиботи билан заҳарланиб, ҳамон ҳар бир русни қонхўр душмани деб билади-ку, ахир у!»

Вороновнинг бу ғалати қиз билан суҳбатлашгиси келиб кетди. Унинг дилига қўл солиб кўриш, энди руслардан қўрқишнинг ҳожати йўқлигини тушунтиришни хоҳларди.

— Ешлик пайтларимда ҳар хил рақс куйларимиз, шу жумладан немис ва поляк куйлари ҳам кенг тарқалган эди.

— Поляк куйлари?— хўмрайиб сўради Урсула.

— Полякча «Маленька Манон» тангоси энг эъзозли хотираларимни эслатади. Худди шу куйга кейинчалик уйланган қизим билан рақс тушганман.

Аммо Урсула энди гап эшитмай қўйганди. Буни сезган Вороновнинг ҳам суҳбатга иштиёқи қолмади. «Дилочдилик қилиб юбордим, шекилли,— деб ўйлади ва қалбида Урсулага нисбатан адоват билан.— Хотира-потираларимни сариқ чақага ҳам олмайди».

Урсула Вороновга қиё ҳам боқмай, вискили стаканни қўлига олганди, оппоқ билагига кўриниб кетди. Билагига каттагина қизил чандиқ кўзга ташланарди.

Урсула вискидан бир ютум ҳам ичмасдан, стаканни столга қўйди. У Воронов билагига диққат билан қараётганини сезиб, қўлини шартта тиззасига туширди. Худо билади кимикин бу, ўйлади Воронов. Хоним унинг кўзига ёмон кўриниб кетаётганди. Эҳтимол, «Гитлерюгенд»дандир. Яқингинада солдатларимизга граната улоқтирган ҳам бўлиши мумкин.

Воронов кетмоқчи бўлди-ю, аммо машинаси йўқ эди. Беихтиёр Брайт қайтишини кутишга тўғри келди.

Энди Урсулага эътибор бермай қўйган Воронов, Брайт ёки Стюартни кўриш умидида ўрнидан турди.

Аммо рақс давом этар, прожектор нурлари ҳамон рақсчилар боши узра сирпалиб, қолган нарсалар ғира-шира қоронғилик қўйнида эди.

— Gestatten Slemvr, bitte, inre Dame einrulaen<sup>1</sup>.

Бу сўзлар Вороновнинг ортидан эшитилди.

У орқасига ўгирилиб, кийим-кечаги яхши дазмолланмаган, ёши ўтинқираган бир немисни кўрди.

— Анави Чарлилар йўқлигида...— деди немис чамаси Вороновни ўз ватандоши ҳисоблаб.

— Хонимнинг ўзидан сўранг,— кифтларини қисиб жавоб қилди Воронов.

<sup>1</sup> Хонимингизни таклиф қилишга ижозат беринг (немисча).

— Рақс тушгим йўқ,— деди шартта Урсула.

Немис:

— Менга қара, қизалоқ...— деб оғиз жуфтлаганди, Урсула силтаб ташлади:

— Истамайман!

— Бунча қўполсан, қизалоқ!— деди мулойим овозда немис, кейин бошқа оҳангда қўшиб қўйди.— Яхши. Биз ким қаерда, қачон, ким билан рақс тушганини ҳисобга олиб қўямиз. Чарлилар кетишгач, шундай эмасми, майн хэрр?

Немис Вороновдан хайрихоҳлик кутиб, очикдан-очик унга мурожаат қилганди.

Воронов ҳеч нима демасди. Зерикиб кутиб ўтирган стол томон Брайт, Стюарт ва уларнинг кетидан френч ёки ҳарбий кўйлак кийган яна бештача одам яқинлаша бошлади.

— Таниш, Майкл,— деди Брайт улар стол ёнига етиб келишгач.— Булар бизнинг дўстларимиз. Газеталарнинг казо-казолари. Утиринглар, йигитлар!

Аммо стол ёнида фақат иккита бўш жой бор эди, холос.

Урсула:

— Мен кета қолай!— дея ўрнидан қўзғалди.

— Қимирламанг!— деди Стюарт мулойим, айни вақтда буйруқона.

Урсула итоаткорона жойига қайта ўтирди. Дарҳақиқат, жой етишмасди. Брайт сумкасида бир неча пачка сигарета чиқариб, уч нафар немис ўтирган стол томон йўналди. Немислардан бири ҳозиргина Урсулани рақсга таклиф этган эди.

Брайт столга яқин келиб, ўша немисга сигареталарни ташлади-да, баланд овоз билан деди:

— For Sic Andnowgetand Gotit? Herans! Gansawoe! Spatileen ulksy<sup>1</sup>.

Кийимлари яхши дазмолланмаган немис тезгина жавоб қилди:

— Zawahemein, Heri<sup>2</sup>.

Немислар чўнтакларига сигарета пачкаларини солгач, ўринларидан туриб, эшик томон йўналишди.

Воронов беихтиёр Урсулага қаради. Қизнинг кўзларида таъна эмас, бахиллик ифодаси бор эди.

Ниҳоят, ҳамма стол теварагига ўтирди. Баъзилари икки киши бир стулга ўтирдилар. Брайт чуқургина сумкасида икки шиша виски олди.

— Мистер Воронов,— деди Стюарт,— буларнинг ҳаммаси сизнинг касбдошларингиз, америкалик ва инглиз журналистлари, Сиз буларни бугун Цецилиенхоф ёнида кўргансиз.

Воронов улардан бирортасини эслолмаса ҳам, тасдиқ маъносида бош силкиб қўйди.

— Сабр косамиз тўлиб боряпти, мистер Воронов,— давом этди Стюарт.— Бирор чора кўришдан аввал сиз билан гаплашиб олсак маъқулмикин...

Брайтдан фарқли ўлароқ Стюарт шошилмасдан гапирар эди.

— Албатта!— давом қилди у.— Матбуот клубида гаплашиш қулайроқ бўларди, аммо совет журналистлари у ерга боришмайди. Сизлар бизни шунчаки ўзинглар менсимайсизларми ёки буйруқ биланми?— деб сохта мулойимлик билан сўради Стюарт.

Бир неча дақиқа муқаддам Вороновнинг бутун фикри-зикри антиқа Урсулага қаратилганди. Стюарт гап бошлаганида Воронов ниҳоят

<sup>1</sup> Бу сиз учун, энди жўнаб қолинг! Тушунарлими? Жўнанг бу ердан! Қани бир кўчага чиқинг-чи! Равшанми? (инг. ва нем. аралашмаси.)

<sup>2</sup> Хўп бўлади, жаноб. (нем.)

энди бу ерга келишнинг асосий мақсади — бўлажак Конференция ҳақидаги дўстларча суҳбатга киришиш мумкин бўлади, деб ўйлаган эди.

Аммо Стюартнинг саволига қараганда иш мутлақо бошқача бўлиб чиқди. «Эҳтимол бошқалар бу инглизнинг очиқдан-очиқ бадбинлигига қўшилмас...»

— Биринчидан,— Стюарт гапирган оҳангда гапиришга урина бошлади Воронов,— матбуот клубинглар қаердалигини билмайман. Иккинчидан, мени ҳеч ким у ерга таклиф қилмади.

— Таклиф этилсангиз борармидингиз?— деб сўради баланд бўй, озғин, сочи типратикан нусха бир америкалик.

— Нега бормас эканман?

Воронов чин кўнгилдан жавоб қилди. У ҳақиқатан ҳам Брайт айтган ўша матбуот клубига борган бўларди.

— Модомики, бу ерда учрашган эканмиз...— гап бошлади Стюарт.

— Жин урсин бундай «учрашув»ни, кулги аралаш таъна билан унинг гапини бўлди Брайт.— Уни етаклаб келасан, деб зулукдек ёпишиб олдинглар-ку.

— Уртангларда профессионал алоқа ўрнатилганини билганимиздан кейингина Чарлидан илтимос қилдик,— деди типратикан нусха сочли америкалик.

Қолганлар ҳам унинг гапини маъқуллашди. Стюартнинг савол беришдаги оҳанги кўпларни хижолат қилиб қўйганди, шекилли.

— Торгауда бўлганмисиз, сэр?

Воронов савол берган кишига диққат билан тикилди. У одам паст бўйли, кифтлари кенг, инглизча ҳарбий формада эди.

— Бўлганман.

— Биз учрашган бўлсак керак!— астойдил завқланиб деди инглиз.

— Фантазиянгиз кенг экан, сэр,— гапга аралашди Стюарт.— Менинг билишимча, Торгауда инглизлар бўлишмаган. Руслар у ерда америкаликлар билан учрашишган. Жеймс, эҳтимол сиз у вақтлари америкаликларда хизмат қилгандирсиз?

— Мен инглиз армиясида хизмат қилганман ва ҳозир ҳам хизмат қиляпман, сэр.— Овозини баланд кўтариб жавоб берди Стюарт Жеймс, деб атаган киши.— Сиз Лондондаги Флит-стритга орқангизни суртаётганингизда мен иттифоқчилар қўшини билан Европага тушганман. Торгауда эса, Брэдли армияси билан инглиз журналисти сифатида бўлганман.

— Руслар билан учрашишга шошилгандирсизлар?— жилмайди Стюарт.

— No comment<sup>1</sup>,— қуруқ жавоб қайтарди инглиз.

Маъқуллаган кулги кўтарилди.

— Келинг, очиқчасига ўтайлик,— Стюарт гапни Воронов учун ёқимсиз — олдинги изга бурмоқчи бўла бошлади.— Бу ерда фирром ўйин бўляпти. Ҳукуматингиз Конференцияга тааллуқли ҳамма нарсани қаттиқ махфийлаштириб қўйган.

— Нега энди бизнинг ҳукуматимиз?— Воронов вақтдан ютмоқчи бўлди.

— Сизга факт керакми?— хитоб қилди Стюарт.— Марҳамат. Президент Трумэн ва бизнинг бош министримиз қачон келишларини бизга олдиндан айтиб қўйишди. Эҳтимол, сизга ҳам айтишгандир.

Воронов тасдиқ маъносида бош ирғаб қўйди.

— Ана, кўрдингизми!— деди тантанали оҳангда Стюарт.— Биз маршал Сталиннинг келган-келмаганини билмаймиз.

<sup>1</sup> Изоҳнинг ҳолати йўқ. (инг.)

— Келди. Бугун кундузи.

Воронов шундай дедию дархол ичида ўзини койиди: эҳтимол, Сталиннинг келиши ҳали ҳам маҳфий тутилаётган бўлса-чи? Иккинчи томондан, ғарб матбуоти совет матбуоти вакилига Сталиннинг келиши ҳақида ҳеч нима маълум эмаслигидан фойдаланишни истамас эди. Воронов ҳозирок кўз олдига «Трумэн билан Черчилль келишди. Сталин қаерда?» деган газета сарлавҳасини келтирди.

Воронов Стюартга жавоб қайтаргани ҳамано савол устига савол ёғилиб кетди: «Сталиннинг қиёфаси қанақа?», «Қайси аэродром ёки вокзалга, умуман қаерга келди?», «Уни кимлар кутиб олди?».

Воронов жим туравергани учун Стюарт яна сўз бошлади:

— Очiq гапирганингиз учун ташаккур, жаноб Воронов, аммо, демак, совет журналистлари учрашувга иштирок этдилар-у, инглизлар билан америкаликлар эса бўлмадилар. Худди мана шу фактнинг ўзи,— Стюарт овозини кўтарди,— очикдан-очик камситиш эмасми? Ахир, бу ерда ҳаммамиз тенг ҳуқуқлимиз-ку.

— Йўқ!— деди кескин Воронов.— Тўғри эмас. Совет журналистлари ҳам кутиб олишда қатнашмадилар. Тенг ҳуқуқлилиқ масаласига келсак...— У бир дақиқа тутилиб қолди. «Бу нима қилганим? Алоқа ўрнатиш ўрнига вазиятни кескинлаштиряпман-ку!»— Тенг ҳуқуқлилиқ масаласига келсак,— бари бир давом этди Воронов,— вазифаларимиз баб-баравар бўлишини англатади.

— Бу билан нима демоқчисиз?

— Сизлар учун Берлинга йўл очиб беришда ўн минглаб совет солдатлари ҳалок бўлишди. Уларнинг орасида америкалик ҳам, инглизларнинг ҳам ҳарбийлари бўлган эмас.

Стюарт бу гап оҳангига қараганда ўзини ҳеч ким иттифоқчи, деб аташга ҳақли эмас эди. Немисларга қарши жанг қилган америкалик ва инглиз солдатлари билан офицерлари иттифоқчилар эдилар. Бу ерда тупланган журналистларнинг кўпчилиги Стюартнинг саволлари ва унга Вороновнинг берган жавобларига нисбатан муносабатларига қараганда улар ҳам иттифоқчи эдилар.

— Нима ҳам дердик,— бир оз ноқулай сукутдан кейин рози бўлгандай гап қўшди Стюарт.— Биз жаноб Вороновдан энг муҳим нарсани билиб олдик. Маршал Сталин шу ерда. Кечирасиз, у энди генералиссимус. Демак, конференция бўлади.

Стюарт Урсулага қаради. Суҳбат чоғида Урсула чамаси ҳеч нарсаси тушунмай жим ўтирди. Тўғрироғи, у Вороновга икки мартача ганимона бўлмаса ҳам, адоватли қараб қўйгандек туюлди.

— Биз борайлик энди,— деди қуруққина Стюарт.— Мен хонимни уйига элтиб қўйишга ваъда берганман. Биз кетишимиз керак,— немисчалаб Урсулага мурожаат қилди у.

Ҳамма ўрнидан турди.

— Жаноб Воронов, сиз билан яқиндан танишганимдан гоят хурсандман,— гапига хулоса ясади Стюарт.— Ишонаманки, Урсула ҳам хурсанд.

Улар стол ёнидан ўтиб, ташқарига йўналишди. «Оббо, нима қилиб қўйдим, нималар қилиб қўйдим?!— деб такрорларди Воронов ичида. Буларнинг кайфияти, ёзажак мақолаларига хиёл бўлса-да таъсир кўрсатиш ўрнига Стюарт билан олишиб ўтирибман!.. Аммо иккинчи томондан қараганда, бошқа нима иложим бор эди? Чап юзимга тарсаки туширишса, ўнг юзимни ҳам тутиб беришим керакмиди?..»

Йўқ, у гапирмаслиги ҳам, Стюартнинг сўзларига бефарқдек мумтишлаб ўтириши ҳам мумкин эмас эди. Бу юпқа лаб бадбин, Совет мамлакатини очикдан-очик қораламоқчи бўлди. Гап фақат Конферен-

цияга тааллуқли бўлганда ҳам... Чамаси, Стюартга бирор баҳона керак эди.

— Бемаъни иш бўлди-да,— деди Воронов Брайт билан машинага ўтиришаётганда.

— Мен эса хурсандман!

— Албатта-да,— жилмайди Воронов.— Юз долларли бўлдинг, ахир.

Шу пайт Брайт тўсатдан тормозни қаттиқ босгани, Воронов оз бўлмаса машинадан учиб чиқиб кетай деди.

— Ақлинг жойидами, бу нима қилганинг?— жеркиб берди Воронов.

— Менга қара, Майкл!— деди ўзига хос бўлмаган дағал оҳангда Брайт.— Мени ким деб ўйлаяпсан? Бу ерга келишимиз катта аҳамиятга эгалигини айтгандим-ку. Гапим тўғри бўлиб чиқди. Мен уларга совет журналисти алдоқчи эмаслигини исботладим. Кўп нарса жўндек туюлади ўзи. Пул эса... Эй, мистер!— қичқирди Брайт ўриндиқдан ярим қўзғалиб.

Воронов унинг кимга мурожаат этганини тушунмади. Шу пайт машина чироғи йўлни кесиб ўтаётган чол гавдасини ёритди. Иссиқ июль ойи бўлишига қарамай, чол эгнига бахмал ёқали эски пальто кийиб олган, шляпаси ғижим бўлиб кетган эди. Шу яқин атрофда яшовчи, уйига кетаётган немис чол бўлса керак бу.

— Эй, мистер!— қичқирди яна Брайт. Сўнгра моторни ўт олдириб, машинани хиёл юргизгач, яна тормоз берди. Бу гал машина вайрон деворга қапишган чолнинг ёнгинасида тўхтади. Моторни ўчирмаган Брайт Вороновга буйруқомуз:

— Кимлигини сўра!— деди.

— Ростдан ҳам ақлдан озганга ўхшайсан!

— Истамайсанми?— Унинг аччиғи чиқиб, пешонаси тиришди. Майли, сенсиз ҳам ўзим бажараман унда.— Кабинадан бошини чиқарган Брайт баланд овоз билан сўради:— Хей, майн хэрр! Ви альт зи? Вифиль? Вифиль ярен? Зи, зи!<sup>1</sup>

Немис чурқ этмади. Унинг хасса тутган қўли титрарди. Ниҳоят, немис чолларга хос хирқирқ овозда базўр:

— Ахт унд зибцих...— деди.

— Нима деб валдираяпти?— Вороновга ўтирилди Брайт.— Неча ёшдамиш?

— Етмиш саккизда.

— О, кей!— қаноат ҳосил қилди Брайт.— Демак, жанг қилмаган.

Шундан сўнг у кўйлагининг кўкрак чўнтаги тугмасини шартта ечиб резина билан боғлаган бир даста пул чиқарди.

— Ушла!— қичқирди Брайт немисга инглизча мурожаат қилиб.— Ол дедим, сенга.

Саросималанган чол миқ этмади.

— Немен,— яна гудранди Брайт бу гал немис тилида. Кейин машинадан гавдасини кўпроқ чиқаргач, қўл чўзаркан, пулни орқа томондан ёқасига тикди. Сўнгра ўриндиқ суянчиғига ястанди-да, газни босди.

— Менга қара, Чарльз!— хуноби ошди Вороновнинг.— Айтсанг-чи, бу нима қилганинг?

— Айтаман, болакай, лекин ҳозир эмас.

Брайт ўйчан, маъюс жавоб қилди. Вороновнинг ёнида ҳозир учинчи Чарли Брайт ўтирарди. Улардан бири чаққон, мақтанчоқ. Воронов қачонлардир Москва киноэкранида кўрган америкалик ковбой бўлса, иккинчиси Вороновга ертўлада рўпара бўлган камгап, жаҳлдор, шафқатсиз кимса эди. Мана эндиги Чарли Брайт осойишта, ўйчан, қан-

<sup>1</sup> Ҳой, жаноб. Ешингиз нечада? Нечада? Неча ёшдасиз? (Сиз, сиз).

дайдир маъюслик чулғаган бир одам. Ана шу учинчи Чарли машинани хайқиброқ, зўрға ҳайдаяпти.

— Тўғри йўлдан кетяпсизми?— деб сўради хийлагина жимликдан сўнг Брайт.

— Ҳа.

— Анави Шопенгоор қандай одам дединг?

— Файласуф. Тушқун-мискин файласуф.

— Жин урсин ўша тушқунларни!— хитоб қилди Брайт худди уй-қудан уйғонгандек одатдаги шўх оҳангда.— Менга қара, Майкл, кел, кўчангнинг номини ўзгартирайлик. Уни Рузвельт кўчаси, деб атай қоламиз. Йўқ, яхшиси, Сталин кўчаси, дейлик. Ҳар ҳолда, урушда сизлар устушлик қилдинглар-ку!

— Кўчаларнинг номи бизга боғлиқ, деб ўйлайсанми?— жилмайди Воронов.

— Ҳамма нарса боғлиқ бизга, болакай,— ишонч билан жавоб қилди Брайт.— Мутлақо ҳаммаси! Етдик шекилли?— деб сўради у машинани секинлата туриб.

...Воронов ҳеч кимни уйғотиб юбормаслик учун эшикни астагина қалит билан очди. Олдинги хонада чироқ ёнарди. Ухлашга ётаётганлариди уй эгалари Воронов хонасига кираётганида туртиниб юрмаслигининг чорасини кўришибди.

Вақт ҳали бемаҳал эмас, эндигина ўн бирга яқин бўлса-да, уй ичи жимжит эди.

Вольф барвақт ишга кетадиган бўлгани учун ҳалитданоқ ухлагани ётган бўлса керак.

Воронов зиналар гижирламаслиги учун оёқ учида хонасига кўтарилиди.

У «Андерграунд»даги воқеалар таъсирида эди.

У шу бугунги оқшомга қадар ҳамма бараварига бўлажак Конференцияни хушнуд, сабрсизлик билан кутяпти, деб ўйлаганди: худди шу сабрсизлик билан кутиш ҳар хил миллат ва ҳар хил қарашдаги кишиларни яқинлаштиради бамисоли.

Аммо вазият мураккаброқ шекилли. Ҳали ҳеч ким, айниқса, журналистлардан ҳеч бири, Конференцияда қандай масала муҳокама қилинишини билмас эди. Конференция атрофида — тўғрироғи унга тайёргарлик атрофидаги кураш эса аллақачон бошланган эди. Ертўлага бориб келиш Вороновда бунга ишонч ҳосил қилди.

«Ошириб юбормаётганмикинман?», деб ўйлади у. Ахир, фақат Стюартгина ўзини беодоб тутди, шекилли. Бошқа журналистлар Вороновга ҳар қалай дўстона муносабатда бўлгандек эдилар.

Аммо биргина Стюартнинг муомаласи ҳам етарли эди.

Воронов лозим маълумотларни ололмаслик ҳамisha журналистларнинг асабига тегишини яхши биларди. Сталинни кутиб олишга руҳсат этилмаганлигигина эмас, унинг келишини ҳозиргача махфий тутаётганларидан журналистлар норози эдилар, албатта.

Маълумки, ғарб журналистларидан газетхонлар шов-шув кутишадди. Ғарб журналисти президент кабинетинингми ёки кино юлдузининг ёпиқ оромхонаси қулфининг тешигидан қарашга ишқивоздир. Жиддий фикрлари унга фақат шов-шувли тафсилотлар билангина етиб келади.

Бугун ғарб журналистлари ўз газетхонлари талабини қандай қондираркинлар? Уларни Бабельсбергга қўйишмади. Сталиннинг келишини махфий тутишяпти. Трумэн билан Черчиллнинг келишини етарлича ёздилар. Энди нима қолди? Ҳар хил тахминлар қилишми? Бўлажак Конференция урушдан кейинги Европа тақдирини ҳал қилиши кераклигини қайта-қайта ёзаверсинларми?

«Майли, бўпти, вақтни бекорга ўтказмай энди», деди ўзига Воро-

нов. Сўнгра ўзини мақолани ёзиб тугатишга мажбур қилди. Мақола ўша кунидея Москвага жўнатилиши учун уни эртага эрталаб фельдсвязь бўлимига топшириш керак эди. Мақола Москвада таҳрир қилиниб, чет тилларга афдарилиши, инглиз, америка ва бошқа телеграф агентликларга тарқатилиши керак эди.

...У соат олти яримда уйғонди. Машина еттига келиши керак эди. Бабельсбергдаги ошхона ҳам еттида очиларди. Демак, у мақолани машинкалаши, нонушта қилиб Герасимовдан бугунги кун қандай режаштирилганини аниқлаши учун ҳали вақти бор эди. Конференция бугун очилади, аммо Воронов Конференция соат ўндан олдин бошланмайди, деб ўйлаганди.

У пиллапоялардан пастга тушаркан, Герман ёки Гретага дуч келиб қолмаслик пайида бўла бошлади. Аммо нияти амалга ошмади. Ошхона эшиги очилиб, хонага Герман кириб келди. Эғнида рангпар коржом, чиройлигина галстук таққанди у. Қўлидаги кепкага қараганда Вольф ишга кетаётганди.

— Салом, хэрр Воронофф,— деди у мулойим.— Сизни бу қадар эрта туради, деб ўйламаган эдик. Бир чашка кофе ичсангиз бўлармиди?

— Яхши ётиб турдингизми, жаноб Вольф. Бабельсбергда нонушта қила қоларман.

Улар эшик олдига чиқишди. Машина йўлак ёнида турарди.

— Заводинглар узоқ эмасми?— деб сўради Воронов суҳбат узилиб қолмаслиги учун.

— Э, йўқ! Потсдамдан икки-уч километрча, холос. Мен одатда уйдан эртароқ чиқаман ўзи. Ҳаво олиб, дегандай.

— Машинага ўтиринг,— таклиф этди Воронов,— элтиб қўяман.

— Ҳа, йўқ, йўғ-э, овора бўлманг!— деди апил-тапил, ҳатто Вороновнинг назарида қўрқиб кетгандек қиёфада Герман.

— Жаноб офицерни уринтирмақчи эмасмикин,— деб ўйлади Воронов,— ёки ватандошларидан қўрққани учун совет машинасида юришни истамаяптими?»

— Утиринг!— илтимосдан кўра буйруқомузроқ гапирди Воронов. Вольфнинг юзида яна қўрқиш аломати сезилди, аммо у Вороновнинг қатъий оҳангдаги гапини қайтара олмади.

Улар кейинги ўриндиққа жойлашишди.

— Йўлимиз қаёққа?— деб сўради Воронов.

— Қарама-қарши томонга!— дея олди базўр Вольф.

Улар бир неча кўча гаплашмай боришди. Вольф йўл кўрсатиб турди. Ҳа демай, машина Потсдам четига чиқди.

— Раҳмат, хэрр Воронофф,— деди Вольф.— Етиб келдик. Бу ёғи яқин қолди.

— Утираверинг, элтиб қўяман,— туриб олди Воронов.

— Э, йўқ, йўқ, илтимос, қолинг шу ерда!— хитоб қилди Вольф очикдан-очиқ эсхонаси чиқиб.

«Ўзини совет машинасида кўришларини истамаяпти!— узил-кесил тушунди Воронов. Яқин-атрофда ҳеч қандай завод кўринмас эди.— Эҳтимол, харобалар ортида бўлса керак».

Воронов кифтларини қисди.

— Майли,— деди у совуққина. — Ишингиз бароридан келсин. Кўришгунча.

— Раҳмат, хэрр Воронофф!— анча енгил тортди Вольф машинадан чиқаркан.— Катта раҳмат.

У хиёл юргач, орқасига ўгирилиб, Вороновга енгил қўл силтади, қадамини тезлатди. Кўп ўтмай, унинг гавдаси вайроналар ортида кўздан ғойиб бўлди.

— Менга қара дўстим,— деб беихтиёр ҳайдовчисига мурожаат қилди Воронов.— Немис кетган томонга сал бориб кел-чи. У ерда бирор завод бормикин?

— Явол!— гап нимадалигини тушунгандай кўз қисди старшина.— Ҳозир текшириб кўрамиз.

— Фақат тезроқ, йўқса, объектга кечикиб қоламиз.

— Ҳозир-да!

Беш минутлардан сўнг харобалар орасида кўринган старшина машина томонга отилди...

— Хўш, нима гап?— деб сабрсизлик билан сўради Воронов.

— Завод бўлган, ўртоқ майор, аммо ҳозир йўқ!— қўл силтади старшина ўриндиққа жойлаша туриб.

— Бу нима деганинг?

— Темир-терсақларгина қолибди холос заводдан,— деди старшина машинани кўзғатаркан.— Унтача фугас бомба тушган бўлса керак...

Воронов ҳеч нима тушунмади. У бу ерда ҳеч қандай завод йўқлигига шубҳа қилмас эди. Хўш, унда нега Вольф уни алдадийкин?

— Фрицингизни кўрдим ўша ерда!— хурсандлик билан хабар қилди старшина.— Яна йигирматача фриц бор.

— Нима қилишяпти у ерда?— ажабланиб сўради Воронов.

— Асти сўраманг, ўртоқ майор, темир-терсақларни латта билан артиб-артиб бир ерга тўплашяпти. Терлаб-пишиб кетишган, аҳволларига маймун йиғлайди!

«Эҳтимол немислар вайрон қилинган заводни тиклашаётганмикин?» ўйлади Воронов. Берлинда май ойининг охирида бир нечта метро линияси ишлай бошлади, темир йўл станцияси ва дарё порти ишга тушди. Тўғри, бу ишларга совет қўмондонлиги раҳбарлик қилди.

— Менга қара,— у ерда бизнинг солдатларимиз йўқмиди?

— Биттасини ҳам кўрмадим, ўртоқ майор.

— Немислар нечта дединг?

— Йигирма бештача бор-ов.

— Наҳотки улар қўл кучи билан заводни қайта тикламоқчи бўлишса?

— Қайдам, ўртоқ майор.

Старшина дам сайин Вороновга қараб гапираркан, айти вақтда йўлни ҳам кузатиб борарди.

«Ҳар қалай нима учун Вольф у ерга қатнасайкин?— ўйлади Воронов.— Бунинг учун унга ким ҳақ тўлайди? Йигирматача одам кучи билан техника ёрдамисиз вайрона заводни қайта тиклаш фикри кимдан чиққан бўлсайкин?»

Бу орада машина Потсдамни ортда қолдирди. Бабельсбергга кириш олдиан уни совет ҳарбий соқчиси тўхтатди.

Воронов рухсатномасини чўнтакдан чиқара туриб, Вольфни ҳам, хароба заводни ҳам унутган эди. Унинг фикри-зикри бугун — ўн еттинчи июлда очиладиган Конференция билан банд эди.

(Давоми келгуси сонда).





## 10

Сув сепгандай чўкди сукунат,  
Ваҳимаки мажҳул бир туйғу  
Қўнгилларнинг таҳ-батаҳ,

қат-қат —

Қаър-қаърига сингиди, ёҳу!  
Мардикорлик! Оҳ, қандай замон!  
Нечук корга лозим бу хуруж?  
Биров билмас. Билурлар аён:  
Уруш борар, уруш... о... уруш...  
Империя, ҳа, мададга зор,  
Россиянинг қурир дармони.  
Уч ҳовлидан — битта мардикор,  
Шундоқ эмиш подшо фармони!  
Бухоролик Шояхши эшон  
Хитобнома тарқатмиш ўзи:  
«Мардикорлик — кори хайр-эҳсон,  
Пошшо сўзи — оллонинг сўзи!»  
Эркаклар-ку боқиб турар жим,  
Ғунчақиз дер фақат: «Вой шўрим!»  
Етди, хайҳот, серхатар онлар,  
Урда ёқдан кўчди суронлар...

## 11

Насриддинбек ғарбга кўз солди,  
Айниб келар эди об-ҳаво.  
Нохуш бедги: Нуракни олди —  
Юракни ҳам олди... Вовайло!  
«Гар чўққини қопласа булут —  
Дерлар элда: — Демак, бегумон:  
Юртдан кетар барака-ю қут,  
Ёғин бўлур, қон тўкилур, қон!»  
Насриддиннинг орзиқди қалби,  
Мадрасанинг олдида саф-саф  
Тўпланарди «Жиззаҳлик» халқи  
Қамти келмиш асаб ва ғазаб.  
Биров тутиб олмиш паншаха,  
Бировининг қўлида таёқ.  
«Мардикорга бормаймиз, ҳа-ҳа!..»  
«Умид қилма, эй сийниталоқ!»  
«Одам ахир бундагилар ҳам!»  
«Бойлар борсин!» Ҳалойиқ!» — шу дам

Назирхўжа эшон сўзланди,  
Қишиларга бир-бир юзланди.

## 12

«Мен Тошкентдан қайтдим  
тонгсахар,  
Рост сўзлайман, бош узра ҳақ бор.  
Жунбуш ичра суринар шаҳар,  
Жўнатмамиш зинҳор мардикор!  
«Болаларни бермаймиз асло,

майли чопинг, майли отинглар» —  
Шундай дебон Себзорда ҳатто  
Исёнга бош бўлди... хотинлар!  
Ожизалар кўтарса-ю бош,  
Тоғни талқон қилгувчи эрлар  
Товуқмижоз қисинса ювош,  
Бунинг отин, айтинг, не дерлар?  
Эй ҳалойиқ! Оқ пошша — ғаддор!  
Қўй мисоли қараб турманг тек!  
Иншолло, худо сизга ёр,  
Сизга бошдир Назирхўжабек!  
Дукчи руҳи тирикдир ҳамон!  
Ким кофирга бермаса омон —  
Ҳақ таоло бўлғуси рози!  
Ўлган шаҳид, ўлдирган ғози!»

## 13

Саратонда қовжирок пичан  
Маҳтал бўлган каби шарарга  
Фавқуллода шаҳд-шиддат билан  
Халқ отланди янги шаҳарга  
Жиззаҳлигу мўлканлик шунда,  
Ховослик бор, тошлоқлик ана!  
Совунгарлик, яктанлик шунда,  
Асрий нафрат қилди тантана!  
Уроқ тутмиш Соли ғазабкор,  
Очил новвой унинг ёнида.  
«Рўйхатларни берсин Мирзаёр,  
Умид қилса хонумонидан!»  
Ловуллаиди Насриддин юзи,  
Қийиб олмиш бир либос: «Қаҳр».  
Қўнглида бор қониқши ҳисси:  
Пошшо билан жанг қилар ахир!  
Бир ўзимас, мана бутун халқ  
Наъра чекар. «Эй, оёққа қалқ!»  
Худди шундоқ деганди Иван.  
«Стой!» — саси таралди бирдан.

## 14

Бежамали фойтундан, ана,  
Кўз-кўз айлаб савлатин, кўркин,  
Гўё ерга қилгандек таъна,  
Аста тушди полковник Рукин.  
Уйиз тўра оғиз очганди...  
Ҳар тарафдан ёғди овозлар:  
«Хўп бизларни ўйлабди анди,  
Инсофи йўқ мардикорбозлар!»  
«Фармон бериш унга писандми?»  
«Фармон нима — оғзининг ели!»  
«Энангга қил дўқ-пўнисангни!»  
Қарздормас Жиззаҳнинг эли!»  
«Великий царь велит, что вас...»  
«Саринг билан қўшмозор бўлгур!»

«Улар ҳўкиз болтадан тоймас...  
Баччағарнинг жон жойига ур!»  
Полвон қўлга чоғроқ тош олар,  
Хаёлига бир ташбиҳ келар:  
«Арузда ҳам устундир — руки,  
Урусда ҳам устундир — Рукин...»

15

Бу ғалати ташбиҳдан ҳайрон  
Чапанича сўкиб, чираниб  
Ғазабингиз тош отди полвон  
Мўлжал айлаб Уйиз тўрани.  
Нақ манглайга бориб тегди тош,  
Ботмон тошми Насриддин отган?  
Тўра қулар, бош эмасди бош,  
Бир тўп эди ол рангга ботган!  
Таёқ тикди кўзига биров,  
Биров солди бўйнига ўроқ.  
Очил новвой сапчибон дарров  
Приставга ёпишди! Шу чоқ  
Паншахани бир йигит шитоб  
Томоғига ғарч санчиб олди:  
Лаҳза ичра шўрлик пристав  
Чанг-тупроқда қорилди қолди!  
Жазавага туцган оломон  
Тўфон янглиғ келар беомон!  
«Ғайридинга, кофирга ўлим!»  
«Ўлим-ўлим! Кофирга ўлим!»

16

Музлаб кетди Насриддин тани,  
Даҳшат ичра тўлғанди шуур!  
Эслади-ю Валентинани  
Хира тортди кўзларида нур!  
Пурғазаб саф борар суронли...  
Ажраб чиқди оҳиста полвон.  
Хаёллари ваҳма, гумонли  
Ошиқди-ку, станция томон!  
Не кечдийкин маҳбуба ҳоли?  
Исёнчилар аро мустарми?  
Илҳақмикин? Ё илтижولي,  
Полвонидан кўмак истарми?  
Завол чоғи, ботиб борар кун...  
Полвон пастқам йўллардан юрди.  
Вокзалда ҳам, эвоҳ, итирқин,  
Пала-партиш тўполон кўрди!  
Қурч оломон изларни бузар,  
Қарсиллатар, симларни узар,  
Илож топган жойда қўяр ўт,  
Дуч келгани айлашар нобуд...

17

«Ур, кофирни!» «Изини қурит!»  
«Қочди! Қочди!» «Олдидан тўс-да!»  
Полвон кўрса елиб-югуриб,  
Келаётир ўзининг дўсти!  
Ортдан қувиб келар бир тўда,  
«Ҳай-ҳай» — деди Насриддин

полвон. —

Оғайнилар, гоҳ бўлманг жуда!  
Бу ишчи-ку! Сиздек бир инсон!..»  
«Полвон! — Ваня қичқирар. — Тез  
қоч!

Ғап англаймоқ мушкулдир ҳозир!»  
Бироқ дўстин кўриб ноилож  
Тўхтаб қолар, дилда хавотир!  
Миқти киши бақирар шу он:  
«Миршабни ур!» Бебошвоқ тўда  
Силжиб келар Насриддин томон  
Яксон этай деган орзуда:  
«Миршабни ур!» «Қофирни ўлдир!»  
«Ваня, шитоб уйингга югур!» —  
Ва тўдага ўзин урди ул!  
Алломишдек саваш қурди ул!

18

Муштин ишга солди ботир эр,  
«Насиб» этди не шўрлик бошга.  
Мушт солару алам билан дер:  
«Пошшо бошқа! Бу ўрис бошқа!»  
Гоҳ таёққа чап берар полвон,  
Гоҳ Ваняга: «ҳозир бўл!» дейди.  
Миқти киши мушт тушган замон  
Ингрансинди: «Оҳ, еди, еди!..»  
Сийрак тортди тўда. Ким қочди,  
Ким сўлқайиб ётар. Шу замон  
Олис поезд учқунлар сочди:  
Ўтхонадан қўрқмай оломон  
Тутантириқ олмоқда эди.  
Не бўлдийкин ишчилар? Эвоҳ!  
Қош қорайиб келмоқда эди:  
«Ваня! Билмам, балки сен огоҳ,  
Валентина...» Бошқа сўз демас.  
Манглайига бир урар бесас,  
Қўлларига «чип» ёпишар қон...  
«Ёрилибди манглайинг, полвон!»

19

Уйга чопди икки қадрон,  
Валя хомуш ўлтирар эди:  
Эвоҳ, олтин сочлар паришон,  
Мовий кўзлар мўлтирар эди...

«Шерим!» «Валя! Жоним, ўксима!  
Жонгинангга етдими озор?»  
Қиз бош қўяр полвон кўксига,  
Кўзлариде ёши шашқатор:  
«Соғ-саломат бор экансизлар...  
Мен-чи... узиб қўйгандим умид...»  
Юпатар, қиз сочларин силар,  
Кўз ёшларин симирапар йигит.  
«Бунда қолмоқ хатарли... Вания!  
Тез қайтарман, Валя, дили жон!» —  
Ва шовқинли шаҳарга яна  
Сингиб кетар Насриддин полвон.  
Валя тагин қолар қийноқда...  
Итлар ҳурар йироқ-йироқда,  
Милтиқларнинг садолари гоҳ  
Шом саҳнида янграр баногоҳ.

## 20

Вания дилгир, Валя дили хун...  
Биргина вақт имиллар лоқайд.  
Қўлтигида каттақон тугун  
Қайтиб келди Насриддин бир пайт.  
Тугунни шарт бўшатди полвон,  
Чопон билан паранжи олди.  
Паранжини олди-ю... ҳайрон  
Валентина бошига солди!  
«Вания! — деди. — Сенга бу қуроқ!»  
Вания кийгач торгди-ку сипо.  
Паранжили Валя-чи бироқ  
Кўринарди мисли рўдапо.  
«Кетдик энди эски шаҳарга,  
Энди андак хавфдан четдамиз.  
Руслигингиз билса агарда,  
Эл ташланса... унда нетамиз?»  
Қиз хўрсинар: «Хўп, хўп, жонгинам!  
Кўриб қўяй паранжини ҳам!»  
Хавф-хатардан диллар шикаста,  
Учцов йўлга чиқдилар аста...

## 21

Уммонларда қизиқ хислат бор,  
Уммонларнинг кенгдир даргоҳи.  
У юзтубан ётар хокисор,  
Чалинмагай қулоққа оҳи.  
Тош отсалар — чўқар қаърига,  
Лом-мим демас кема солсалар.  
Лом-мим демас... Бари-барига  
Гўё лоқайд, бепарво қолар...  
Бироқ, қаҳри тубида пинҳон!  
Бироқ келса уммон ғазоби,  
Кемаларни ўйнатур осон,  
Ўйноқлатур мисли хас каби!  
Ўт олди-ку Жиззах туманин,

Буюк ғазаб ўртади ортиқ!  
Жарариқ, Ём, Қаробчи, Зомин,  
Бахмал, Оқтош, Ўснат, Қийли,  
Қирқ,  
Хадчамугур, Боғдод, Чашмаоб,  
Қоратошу, Сангзору Синтоб, —  
Барин ялар умтиб, интилиб,  
Кўзғолоннинг оловли тили...

## 22

Сангзор ёқда, тонгсаҳар пайти,  
Мутаассиб Тўракул қози  
Ғазавотга элни бошлайди:  
«Ўлган шаҳид, ўлдирган ғози!»  
Абдурахмон Жевачи ҳам — бек,  
Фориш, Боғдод элига сарвар:  
«Ғазот қилинг, истасангиз эрк!  
Мадаккордир туғи пайғамбар!»  
Халойиққа жар солди бутун  
Қосимхўжа эшон Зоминда:  
«Қофирларни йўқотинг, тутинг!  
Яшаб бўлмас битта Заминда!»  
Халқ қўпган чоғ, ўзин деб улуг  
Нокас беклар чиқиб ҳар ёндан  
Ўроқда ҳам, машоқда ҳам йўқ  
Мана шундоқ ҳозир хирмонда!..  
Аччиқ толе! Бу нечук хоҳиш?  
Бир калтабин, ношуд қилар иш,  
Жазосини эса олур халқ...  
Лек бундоғин кўрмаганди Шарқ!

## 23

Юртни қамрар буюк кўзғолон,  
Талотўпда қолар дала, тоғ!  
Жиззах сари қўрқмай, беомон  
Босиб келар бахмаллик Шойзоқ,  
Билиб бўлмас бирдан, нечоғлик  
Тизгинни бўш қўйди замона:  
Мавлон батрак —

қорақишлоқлик —

Дўстларини бошлар мардона!  
Умур деҳқон Қолтой томондан  
Кўзғолончи сафга бош бўлди...  
...Тошкент, Қўқон, Каттақўрғонда  
Эл қўлида фақат тош бўлди!  
Гувлаб турар уммоний қаҳр,  
Фарғона-ю, Хўжанд, Андижон...  
Эй изоҳга бўй бермас тақдир,  
Эй жафокаш юртим Туркистон!  
Дукчи эшон ҳолидан гарчи  
Огоҳ эдинг, бироқ мардларча,  
Бош кўтардинг такрор деб ҳаёт,  
Истибодни этай барбод деб!

24

Туш кўргандай бўларди Қудрат,  
 Қўзларига ишонмас эди:  
 Жиззах узра, ажиб, пуршиддат  
 Толотумли сурон, сас эди.  
 Хотин-халаж, йигит-қизларни  
 Ҳайдаб келар аскарлар, алҳол:  
 «Қутқарингиз, домла, бизларни!  
 Шогирдингиз Камолман,

Камол!..» —

Деган сўзни эшитди Қудрат!  
 Термиларди Камол мунғайиб.  
 Қайғусига, ғамига йўқ ҳад  
 Онаси-чи, бўзлар соч ёйиб.  
 Уксиб-ўксиб йиғлар чақалоқ,  
 Бир аёл дер: «Болагинам оч...»  
 Қудрат беҳол интилди! Шу чоқ  
 Қамчи тушди бошига: «Прочь!  
 Прочь, эй сарт!» — отлик капитан  
 Фавкуллода бир жаҳл билан:  
 «Убирайся!» — дея сўкинди.  
 Қўрқув босди Қудратни энди.

25

Йироқлашди аскарлар кам-кам  
 Беихтиёр Қудрат ҳам, ажаб,  
 Кетаверди қалбида алам  
 Тўда оққан томонга қараб,  
 Нега борар? Бунда нечук сир?  
 Мақсад недир? Қандай андиша?  
 Қўрқув босса Қудрат нечундир,  
 Ботир бўлиб кетар ҳамиша!  
 Бу-ку, бир гап, олмоқ керак тан,  
 Ногаҳоний ботирлик бироқ  
 Қўрққанидан шерга отилган  
 Қуён ҳолин эслатар озроқ...  
 Кенг майдонда, Урда олдида  
 Саф тортганди жазо қўшини.  
 Қудрат ногоҳ кўриб қолди-да  
 Оқ қўлқоплик ҳарбий кишини...  
 От ўйнатиб турган шу жаноб  
 Наҳот ўша... Пётр Иванов?  
 Қадрдони, дўсти, тираги...  
 Қаттиқ-қаттиқ урди юраги!

26

«Изн беринг, жаноб полковник!»  
 Қудрат кўрди: ёшроқ офицер  
 Товонларин шақиллатиб, тик,

Қаддин ростлаб, честь берар-да,  
 дер:

«Исёнчини ушладик охир,  
 Уйига ўт қўйдик... Бало сарт!  
 Хотин, қизин айладик асир...»  
 Гезаради исёнчи: «Номард!» —  
 Қўлларини қияди арқон  
 Яқин келар полковник ва сўнг  
 «Туземец!» — дер кўзи тўла қон,  
 «Сволочь!» — дер яна дағал, тўнг.  
 Исёнчи ҳам қўрқиб ўрнига,  
 (Чамаси, у жонидан тўйди)  
 Полковникнинг қирра бурнига  
 Тупугини қўндирди-қўйди!  
 Исёнчининг юзига қараб  
 Револьверни олиб дарғазаб  
 Отди Пётр! Исёнчи юзи  
 Бўлди-да, нақ лоланинг ўзи!

27

Ҳаётсевар Пётр Иванов  
 Ҳарб ишига қўйган чин ҳавас.  
 Қаттиққўл у, ҳа, анов-манов  
 Ланжу лапғўш, латталарданмас.  
 Қизил қонли Лена достонин  
 Ахир бутун Россия билди:  
 Худди шунда Пётрнинг номи  
 Бешафқат, деб, юртга танилди.  
 Жиззах эли қўзғолиб шервор  
 Салтанатга ларза солганда,  
 Саноқдаги Иванов тақрор  
 Фармон туғин қўлга олганди.  
 «Баски, билсин жазочи қўшин:  
 Отилган ўқ ҳамиша ҳалол!  
 Тамом қўшин ўнгласин ҳушин:  
 Жиззах шаҳри этилсин ишғол!  
 Аниқлансин аҳволи ҳолат!  
 Жазолар ҳам бўлсин бешафқат!  
 Исёнчими ва ё ерли халқ,  
 Битта қўймай, қирилсин бефарқ!»

28

Муюлишда турганди Қудрат,  
 «Турганди»мас, қотиб қолганди.  
 Шафқатсизлик, сангдиллик беҳад  
 Юрагига човут солганди!  
 Оҳ, Пётр, Пётр! Тошбағир!  
 Мурувватдан бебаҳра инсон!  
 «Кўрқоқ бўлма! — дер эдинг. —  
 Ахир,  
 Қўрқоқларга тордир кенг жаҳон!..»  
 Ботирлигинг этдинг намоён...

Куллуқ! Куллуқ! Келса фурсати,  
Алпдай Қудрат сенга бегумон  
Ботирлигин қўяр кўрсатиб!  
Ҳозир борар... Сўзлашар

Пётр сари интилган дамда

бир-бир...

Нохуш сизди ўзин негадир,  
Оҳ, қалтироқ турди баданда!  
Хаёллари алмашган эди,  
Хира эди, чаплашган эди...  
Полковник ҳам амр этар шу он:  
«Қўшин! Кетдик станция томон!»

## Ўнинчи боб

*Гўёки ушбу Замин на бир гул, на бир майса,  
Устирибдир бағрида ёлғизу шамширу найза.  
«Рамаяна»дан.*

### 1

Жиззах! Жиззах! Жафокор диёр.  
Сен ўзбекнинг қалбидаги нур!  
Тарих узра такрор ва такрор  
Номинг олтин билан ёзилур!  
Сен — дилларнинг олий муроди,  
Эрк туйғуси гупирган суруд!  
Сен — орзулар синмас қаноти,  
Сен — армонсан, армон беҳудуд!  
Валламатсан... Тағин нима дей?  
Қон йиғлаган, қон ютган шаҳар!  
Фозил Йўлдош улуғлаган, эй,  
Манглайига шон битган шаҳар!  
Сен — уйига ўғри тушиб нақ  
Болалари тўзғиган она!  
На уйи тинч, на дилда фараҳ...  
Эс-ҳушидан буткул бегона...  
Болаларим қайда деб, қайда,  
Уввос тортиб қўринган жойда,  
Телбаликка ўзни урган сен!  
Кўчаларда мунграб юрган сен!

### 2

Неча кунки Жиззах эли хор,  
Қувғиндадир Қийли чўлида.  
Шўр манглайида тағин нима бор?  
Нелар келар қисмат қўлидан?  
«Худо, ўзинг асра илоё!  
Бандаларинг гофил, беғамдир!» —  
Кеча-кундуз қилар илтижо  
Кўпни кўрган Ойчучук кампир.  
Чодир тикиб кечирдишар кун  
Ваня, Валя, Насриддин... Эвоҳ!  
Турмушми бу? Жигар-бағринг хун,  
Азобдасан... Барига гувоҳ  
Рашиджон ва Қўйсинайлар бор,  
Ен чодирда туришар улар.  
Чўл қўйнида тентирар ночор

Дасти қисқа, ноумид ўйлар...  
Иван билан Валентина ҳам  
Шум қисматни кўрмакка баҳам,  
Қолдиришмай полвонни танҳо  
Қийли аро эди бенаво...

### 3

Ҳаёт доим ўз ҳаққин қўймас,  
Тўхтов билмас ғолиб одими.  
Гоҳ қаъридан чиқса мунгли сас,  
Гоҳ улуғлар шодлик отини.  
Бақамтидир тўй билан аза,  
Зулмат ва нур қоришиқ мисол.  
Бир нафаси — кечмишү азал,  
Бир нафаси — олис истиқбол...  
Чиқмадимми ёддан мабодо,  
(Узр, шеърхон, хиралик учун)  
Жалол ўғлон, темирчизода,  
Очил новвой эркаси Гулсун?  
Йигит дуркун, қиз ҳам ёш, дилдўз,  
Очилмоқни истар гунчалар...  
«Йигит — узук, қиз нақ ёқут кўз,  
Мос бўлмаса, қаранг, бунчалар!»  
Шундоқ ният барини ушлаб,  
Икки ёшнинг кўнглини хушлаб,  
Аввал баҳор унаштирдилар,  
Тарадудни жўнаштирдилар...

### 4

Бироқ юртга ёприлди-ю ғам,  
Оҳ, сўйлашга тил ҳам дил зада —  
Қалсоли ҳам, Очил новвой ҳам  
Ҳалок бўлди муҳорабада!  
Сўнгра қувғин... келиб хонаси,  
Урҳо-урда, Қийлида энди  
Икки қалбни Жалол онаси  
Қовуштирай дея уринди.

«Нима қилай, Ойчучук хола,  
Қайвонисиз, беринг маслаҳат:  
Ахир менинг сухсурдай болам  
Йигит бўлди Алпомиш сифат...  
Отасини ўлим-ку олди,  
Бизларни ҳам пошшо гум қилар.  
Қандай қора кунларга қолдик,  
Бугун — бормиз, эрта — ким  
билар?»

Энди дилга кўмиб ноламни,  
Уйлантурсам дейман боламни.  
Дунё ахир... Очилсин кўзи,  
Кўриб қолсин чимилдиқ юзин...»

## 5

«Вой Фотманса, шафқатли эгам,  
Яхши ният қилинг айланай!»  
«Бошимизда ўлим турса ҳам,  
Фатво беринг, тўйга шайланай!  
Тўй эмиш-а... Мундай боқсам...  
Уф...»

Ҳеч вақо йўқ, жон бордир фақат.  
Тўй дегани — ахир тасарруф,  
Югур-югур, ташвиш, машаққат...»  
Мунгсирайди Фотманса шўрлик,  
Елборади парвардигорга.  
«Кўйинг опа! Қадни тутинг тик,  
Ғам ёпишар имони борга.  
Тўй ҳам ўтар, турмасмиз қараб...»  
Рашиджон ва Қўйсиной шундоқ  
Бебахт аёл ҳолини сўраб  
Юпатишар, кўнглин этар тоғ.  
«Фотманса! — деб Ойчучук  
кампир. —

Сув билан туз, нон бўлса басдир.  
Тўйнинг нима, оз-ками борми?  
Ўзим айтай тўйда ёр-ёрни!»

## 6

Тўртта қозик ўрнатди полвон,  
Мўъжазгина тикдилар чодир.  
Оқшом чоғи мана ол алвон  
Ўрталикда ўт ёнаётир!  
Юз-кўзларга учқун урилар,  
Бугун ғам ҳам тан бергуси, тан!  
«Ёр-ёр» айтар куёвжўралар,  
Рашиджону Насриддин, Иван.  
Чеҳраларда гулхан ёлқини,  
Юзлар гўё бир парча ялов.  
Ана ортда чопон ёпиниб,  
Лўнг-лўнг борар куёв лакалов,  
Қочганича оғзин таноби,

Елғиз висол, висол — ўйида,  
Кўз ўнгида фақат моҳтоби...  
Бу ёқда-чи, келин уйида  
Валентина, Ойчучук кампир,  
Қўйсинойлар ҳаммаси жамдир.  
Бири борар, ўчоққа қарар,  
Бири келин сочини тарар...

## 7

Дастурхонга бир-бир қўярлар  
Сув, туз, икки дона чапати.  
Давра қурди куёвжўралар,  
Шундай бўлди тўй зиёфати...  
Сўнг ҳайратга солиб батамом  
Қувғиндаги Жиззах элини,  
Хотин-халаж айлаб издиҳом  
Туширишиб борар келинни.  
(Куёв уйи эса — ўн қадам!)  
Чилдирмани чала бошлайди,  
«Ёр-ёр» айтиб Ойчучукби ҳам  
Кўнгилларга олов ташлайди:

«Қийли чўли қийли-я,  
Надир чора, ёр-ёр.  
Куйиб адо бўлибди,  
Ёр бечора, ёр-ёр.  
Молгузарнинг арчаси  
Сўлмас экан, ёр-ёр.  
Севганига ётганлар  
Ўлмас экан, ёр-ёр...»

Қирғин, ёнгин, умрлар барбод...  
Юрт қўйнида — мотам ила ғам...  
Бироқ, ҳаёт — ҳамиша ҳаёт,  
Бироқ, одам — ҳамиша одам!  
Қулоқларда янграйди ёр-ёр,  
Ўтлоқларда янграйди ёр-ёр,  
Қум, тош янграр, тунда йўл

янграр,

Осмон янграр, машъум чўл

янграр...

## 8

Чодир ичра кирдилар шодмон  
Жалол билан Гулсун, икки ёш...  
Кўрпа бўлди уларга осмон,  
Водирито, ёстиқ бўлди тош!  
Не учундир ҳаприқди полвон,  
Шоир қалби тўлиқиб кетди.  
У битажак ғаройиб дoston  
Бир лавҳаси ахир шу эди!  
Жиззах ичра душмани қаттол  
Не-не уйга ўт қўйган чоқда,  
Топмасин деб халқ умри завол

Янги рўзғор бунёд бўлмоқда!  
 Каскушанда ёв зуғми ила  
 Бузилганда кўҳна Туркистон,  
 Тузилмоқда янги оила,  
 Яралмоқда мўъжаз гулистон!  
 Йўқ, бу халқни ўлдириб бўлмас!  
 Паймонасин тўлдириб бўлмас!  
 У — қурч халқ-ку, у — зўр

Ватан-ку!

У — бор эди. У — бор. У — мангу!

## 9

Тушлар кўрар Қудрат ғаройиб,  
 Тушларидан ўзи ҳайратда:  
 Ҳашаматли подшо саройи,  
 Сарой ичра ажиб сийратда  
 Юрар эмиш Қудрат... Ногаҳон  
 Пайдо бўлди Пётр Иванов:  
 «Қудратилло? Э, э, ошнажон!  
 Қуш юрагим! — дермиш

қувониб. —

Қўрқоқмисан ҳали ҳам, Қудрат?  
 Ҳаётингнинг қизиғи йўқ ҳеч...»  
 Ғазаб ила Қудрат пуршиддат  
 Шарт суғуриб исфиҳон қилич,  
 Солмиш Пётр бошига! Хайҳот!  
 Илон тилли қилич шувиллар!  
 Бориб тегар, бироқ шу заҳот  
 Қоғоздайин юмшоқ илвиллар!  
 Пётр эса қаҳ-қаҳ отармиш,  
 «Қўрқоқ!» дермиш, завққа

ботармиш...

Теваракдан келар эмиш сас:

«Қўрқоқларнинг қиличи

кесмас-а-а-с!...»

## 10

Тушларида йўқ эди тартиб,  
 Шаҳрихонда гоҳо кезарди,  
 Хотиралар тоғдай юк ортиб  
 Муштдеккина қалбин эзарди.  
 Азимбойнинг бевақт ўлими,  
 Хароб шаҳар, вайрон она юрт...  
 Гоҳо кўрар Фарҳод ўғлини...  
 (Фарҳод, Фарҳод, паҳлавону гурд,  
 Ўз исмига муносиб бўлур!)  
 Тошкент... Қудрат эслайди тушин:  
 Кенг кўчада тап тортмас, ёвқур  
 Гурс-гурс борар каттакон қўшин.  
 Сафда — Фарҳод, манглайи порлоқ,  
 Қадам ташлар ғоз тутиб қадин.

Отасини кўрмасмиш бироқ,  
 Қудратнинг ҳам сигмасмиш ҳадди  
 Сас бермакка, садо бермакка...  
 Бошқарармиш қўшинни якка  
 Бир полковник... Пётр Иванов!  
 Ҳар нарсага қодир Иванов!

## 11

Хонумонни қолдириб тамом.  
 Чўлга кетмоқ истарди Қудрат.  
 Шаҳар ичра қирғин, қатли ом,  
 Гардлар кўкда, хор эрур турбат.  
 Насриддинлар Қийлида ахир,  
 Қийлидадир бор аҳли шаҳар.  
 Қудратлар-чи, мисли бир сағир  
 Оқ байроққа ишониб магар  
 Уйни ташлаб кетиша олмас,  
 Суюнбойнинг ризолиги йўқ:  
 «Эрнинг иши қочиб қолишмас,  
 Менгами бор тарақа-туруқ?  
 Куёв тўра, ўйлангиз кам-кам,  
 Бу уйларни ким учун қурдим?  
 Жон тинчимни демайин ҳеч ҳам  
 Ҳар балога ўзимни урдим?  
 Сўққарошман, бир бошга бўлса,  
 Икки газ ер кифоя, ўлса...»  
 Ногоҳ ерни, шу сўз асноси,  
 Зириллатди тўпнинг садоси.

## 12

«Урдамиздан қолур култепа,  
 Урдага тўп отишаётир!  
 Ота, кўринг: оқилу телба  
 Инсон, мана, неларга қодир!  
 Боболардан қолган ёдгорлик,  
 Авлодларга ғурур ва камол.  
 Фотиҳда бор шундай беорлик:  
 У ғурурни айлайди поймол!»  
 «Куёв тўра! Урдани қўйинг,  
 Лозим эса тикланур бир кун!  
 Омон бўлсин ўз ҳовлинг, уйинг,  
 Учоғингдан ўрласин тутун!  
 Чўлга қочмоқ бўласиз, ажаб,  
 Намунча сиз бепарво, беғам —  
 Ки, нақ ажал оғзига қараб  
 Ошиққанча ташлайсиз қадам?  
 Бойни кўриб тутаб кетар халқ.  
 Идроклисиз, бундоқ этинг фарқ:  
 Сиз — Суюнбой куёви ахир!...» —  
 Бой соқолин силар бесабр,



13

Айри йўлнинг бошида ҳайрон  
 Иккиланиб турганда киши,  
 Минг андиша, минг битта гумон,  
 Шубҳага юз бурганда киши,  
 Муҳтож бўлур, оҳ-оҳ, кенгашга,  
 Сўз қудрати билинур шунда!  
 Қудрат тинди... Қийлидай даштга  
 Ортиқ майл қолмади унда.  
 «Нима қилай, бузруквор, дил гаши!  
 Менга тордир, тордир бу олам!  
 Қўнглимдаги гаши эмас, оташи!  
 Қўзимдаги ёши эмас, алам!  
 Мактабим йўқ, юртим вайрона,  
 Ошиқчаман ўзим ҳам, ҳа-ҳа...»  
 Бирдан Қудрат мисли девона  
 Елғондакам отди қаҳ-қаҳа!  
 «Бола бўлманг! — деди бой

чарчоқ. —

Дахлсиздир бизнинг ҳовли-боғ,  
 Тега олмас биронта ғаддор!  
 Нақ губирдан<sup>1</sup> ижозатим бор!»

14

Ут ичида тўлганар Жиззах,  
 Қуюқ тутун босмиш самони.  
 У дунёда бор бўлса дўзах,  
 Баски бўлур дўзахий соний!  
 Ениб битди қадимий шаҳар,  
 Қўнгишларда дод-фарёд қолди.  
 Қўшиқлардан кийди гулчамбар,  
 «Эрк тимсоли» деган от қолди.  
 Қорақийли ёнди, Қурқозон...  
 Эмлар ғувлар энди ўринда.  
 Зомин ёнди, кул бўлди Бордон,  
 Хоки ўйнар фазо қўйнида.  
 Умур Очил Янгиқўрғонда  
 Қўлга тушди саваш чоғида.  
 Казаклар-чи, алам кўрғанда,  
 Қилич солди саккиз ёғидан!  
 Шайзоқ Содиқ — бахмаллик

деҳқон,

Утдан қўрқмас, валлакат ўғлон  
 Тўп оғзига қўйиб отилди!  
 Халқ лаънатлар ҳануз қотилни...

15

Қишлоқларни чигиртка мисол  
 Оломончи казаклар босди!  
 Истаганин ҳайдаб гўё мол,

<sup>1</sup> Губернатор демоқичи.

Истаганин ўлдирди, осди!  
 Тош дилларда йўқ эди шафқат,  
 Таланди Ём, Қаробчи, Сангзор.  
 Уғри тушган уйлар оқибат  
 Урён қолган қиморбоздай хор.  
 Қайбир казак кўтармиш гилам,  
 Бири ёстиқ қучоқлаб олмиш.  
 Бири «пўшти!» деб суронлар билан  
 Қоп орқалаб йўрғалаб қолмиш.  
 Қимдир сандиқ элтар йироқда,  
 Қай бирови ҳайдаб борар қўй.  
 Бировида энди пишмоқда  
 «Фалон уйни боссам... — деган ўй,  
 Ҳов казак-чи, дароз ва дурқун,  
 Елкасига ташлапти хуржун:  
 Бир кўзига жойлапти кўза,  
 Бир ёғига — хурмада бўза...

16

Тун. Суюнбой чиқди ташқари,  
 Не учундир қочди уйқуси.  
 Зар-да, уни этган сарсари,  
 Бир сандиқча тилла — қайғуси!  
 Сандиқчани кўтариб аста  
 Йўрғалади боғ этағига.  
 Сассиз чуқур қазди бирпасда,  
 Кўмиб қўйди чинор тағига.  
 Хас-хашак-ла ёпди устини,  
 Қўнгли тинчиб уйқуга ётди...  
 Қийлида-чи, худди шу кун  
 Бир аёлманд боласин сотди!  
 Жовдиратиб тийрак кўзини  
 Гўдакчаси боқар: «Очман... оч!»  
 Нонга сотди катта қизини,  
 Шўрлик ота топмади илож!  
 ...Солдатлардан қочган қиз-жувон  
 Мозорларда сақлар эди жон...  
 Еқавайрон, хонавайрон эл,  
 Тақдиридан лолу ҳайрон эл...

17

Оқ туғ ётар эшикдан нари,  
 Қудрат кўнгли «шув» этди бирдан!  
 Палапартиш уй дарчалари  
 Ярим очиқ, ярим ёпилган...  
 Сочилганди синиқлар ҳар ён,  
 Лахтак-лахтак сўзана, дорпеч...  
 Уйга кирди. О, шўрбахт инсон!  
 Ортиқ ҳиммат кўрганмидинг ҳеч?  
 Бўялибди қора қонига  
 Гул беозор, Гунчақиз нигор!  
 Икки сочи икки ёнида

Ер бағирлаб ётар хокисор!  
Йиртилибди озроқ кўйлаги,  
Очилибди чап кўкси хиёл.  
Епайин деб очиқ кўкрагин  
Қўл чўзганча қолмиш ойжамол...  
Босиб кирган эди бир казак,  
Тап тортмабди ул нозик гажак,  
Хўп олишди қаттол ёв билан!  
Тенг бўлмади — гул ғаров билан...

## 18

Қудрат шўрлик лол бўлиб қолди,  
Кўзларида кўринмасди ёш.  
Кўзи тинди... Қалби тин олди...  
Сезди, ортиқ қолмади бардош!  
Бардош — бу йўл, чаман-чотир йўл.  
Қудрат шундоқ хаёл қилади:  
У болалик чоғидан мўл-кўл  
Уша йўлдан юриб келади.  
Насриддин-ла бўлди ҳамсафар,  
Ғунчақизни учратди шунда.  
Барчасига шукрона айтар  
Не учраган эса очунда!  
Йўл тугади ногаҳон мана!  
Ажаб, йўл ҳам тугайдими ҳеч?  
Йўл тугади! Сўнгида, ана  
Турар дўсти — Пётр Петрович!  
...Қудрат ҳушин ўнглади бир дам,  
Борар эди кўчада шахдам!  
Қўлтиғига қистирмиш теша,  
Нечук корни айламиш пеша?

## 19

Чап томонда қарсиллаб ёнган  
Биноларга боқмай ўтар ул.  
«Қайт! Қайт!» деган, дилда  
уйғонган —  
Сасга қулоқ қоқмай ўтар ул.  
Унғ томонга ер билан яксон  
Мадрасага боқмай ўтар ул.  
Бозорбоши олдида — майдон,  
Шу майдонга синчков қарар ул,  
Шунда юрди эртадан то кеч  
Ивановни кўрмоқ қасдида.  
Пайдо бўлди Пётр Петрович,  
Тулпор гижингларди остида.  
«Пётр!» — деди Қудрат ийманиб, —  
Кўрқоқ дўстинг ёдингда борми?»  
Кўшин боши Пётр Иванов  
Юганини тортди тулпорнинг.  
Боқса, резги қаримсиқ одам  
Имо қилар унга дамодам.

Базўр таниб олди-да Пётр:  
«Қудрат! — деди. — Зўраки  
ботир!»

## 20

«Шаҳримизга душ келдинг, Пётр!  
Келганингдан мутаассирмен.  
Қалбим чулғар шундай хавотир,  
Бир шубҳага бўлдим асир мен:  
Сендай йигит, савдогарзода,  
Ҳаёт севар чақ-чақ поручик,  
Қон тўкмоққа меҳринг зиёда.  
Шундоқ золим бўлмоқлик нечук?  
Улаксалар узра изғиған  
Саҳродаги қузғунлар мисол...  
Куйган, ёнган, тинган, тўзғиған  
Шаҳарни қез, одил назар сол!»  
Полковник дер: «Ноҳақсан мутлоқ!  
Ким подшодан айласа гина,  
Фармонига солмаса қулоқ.  
Исён этса, ҳа, ўшагина,  
Жазосини олур ҳамиша!  
Бу йўлда йўқ менда андиша!»  
Маҳкамага кирдилар икков,  
Икки ўртоқ, икки душман, ёв.

## 21

«Поездларда юролмайдди сарт,  
Офицер ё бирор чиновник —  
Утса, туриб таъзим этмоқ шарт...  
Қонун шулми, жаноб полковник?  
Ўз уйдан қувилса бадар,  
Шуъласидан қочиб оловнинг,  
Сувсиз ўлса тоғларда агар,  
Қонун шулми, жаноб полковник?  
Қазак уйга бостириб кирса,  
Ўз ўрнига қўйса таловни.  
Сўнг хотинин булғаб ўлдирса...  
Қонун шулми, жаноб полковник?...»  
Кирди Қудрат танига титроқ.  
Ҳисоб бериб ўрганмаган ҳеч,  
Сал ғаши ҳам келди-ю, бироқ,  
Ўзин босди Пётр Петрович.  
Оқ қўлқопли қўлига қарар,  
Сўнг қўлини белига тирар:  
«Қонунни қўй. Юрма, сир излаб.  
Чиқармаймиз қонунни бизлар!

## 22

Билким, сартлар, яъни тубжой  
халқ,  
Итоатда бўлмаса агар,

Подшомизнинг амрига бепарқ,  
 Қараса-ю гажир ва қайсар,  
 Мана шундоқ қолур қирғинга.  
 Улдирдингиз сизлар Рукинни.  
 Чиққан қилич кирмагай қинга,  
 Топмагунча қотил худбинни!  
 Мен топурман, билсин ағёрлар,  
 Совурмоққа мойил интиқом!  
 Йўл бўйида тикарман дорлар,  
 Мамлакатда қилгум қатли ом!»  
 «Бу феълдан қайт! Одамнинг  
 ҳар он

Қўлидан-ку келар ёмонлик,  
 Бироқ инсон эсанг, чин инсон,  
 Бахш эта кўр элга омонлик!»  
 «Улим тилаб келса гар ўзи,  
 Нафрат-ғазаб бўлса ризқ-рўзи,  
 Истаганин айлайман бажо:  
 Ачинмайман ўқимга асло!»

## 23

«Гуноҳ қилдим бир марта, оҳ, оҳ,  
 Ким тинглагай эндиги додни?  
 Учакишиб сенга мен густоҳ,  
 Ҳарбийликка бердим Фарҳодни!  
 Ул ҳам сендек бўлурми тошдил?  
 Ҳар қадамда экарми ўлим?..  
 О! Таъмагир, бандаи ғофил,  
 Бузрукворинг кечиргил, ўғлим!...»  
 Қудрат боши оғир эгилди,  
 Қўзлари ҳам шишадай нурсиз,  
 Пирпирамай ерга тикилди,  
 Олам эди сеҳру сурурсиз...  
 «Пётр! Сарт ҳам бир инсон ахир!  
 Ҳаққи бор-ку ёруғ дунёда,  
 Кун нурида тупроқда, соҳир —  
 Чаманларда, боди сабода!  
 Улдирмоққа уни, сенга ким  
 Ҳуқуқ бериб қўйибди, дўстим?...»  
 Елка қисди Пётр Петрович:  
 Бу хусусда ўйламабди ҳеч.

## 24

«Фикрларинг бағоят ўткир,  
 Қудрат, дўстим, ақлинг тўлибди.  
 Қай бир ишни, айтгин-чи, Пётр  
 Ўз хоҳиши билан қилибди?  
 Юрт хизмати учун тайёр ул,  
 Ижро этар Ватан амрини.  
 Ватанни деб сафларда бор ул,  
 Ватан деб бахш этган умрини!»  
 Ташқарида милтиқ отилди,



Чўчиб тушди Қудрат ҳам беҳос.  
 «Қўрқма! — деди Иванов, кулди  
 Қазакларим машқ қилар холос».   
 Қудрат энди қимирлар бежо,  
 Қўзларида чақнайди олов.  
 «Подшо амрин айларсан ижро!  
 Сен — подшонинг қўлида косов!»  
 «О, мен учун, Ватан ва подшо  
 Икки тимсол — яхлит бир  
 сиймо!» —

Шундай деру хонада кезар,  
 Қудратда бир нотинчлик сезар.

## 25

Пичирларди ўзича Қудрат:  
 «Қўрқоқмасман... Ботирман.   
 Ботир!

Ботирлигим мана ниҳоят  
 Бир бор кўриб қўяжак Пётр!  
 Абгор бўлган умр ҳурмати,  
 Бевақт кетган Ғунчақиз учун,  
 Сўнаётган қалбнинг қуввати,  
 Орзу, армон, туйғу, ҳис учун...»  
 Шу пайт тишда қўлар тўполон.  
 Сурон солар бир неча казак.

Пётр юрди дераза томон.  
 Қудрат борди аста жонсарақ...  
 Қоқ мияни мўлжалга олиб  
 Тешани шарт кўтарган эди!  
 Бирдан Пётр қайрилиб қолиб...  
 Эвоҳ, Қудрат ўзи ўқ еди!  
 Қоқ юракдан отганди Пётр,  
 Қўшин боши, чаптаст баҳодир.  
 Қудрат етмай дил пешасига,  
 Қулаб тушди ўз тешасига...

# УЧИНЧИ ҚИСМ

## БҮРОН

### Үн биринчи боб

*Бойқаро саройин шамлари ўчди.  
Ғафур Ғулом.  
Тур, эй миллат уйқудан, ҳасратлашайлик  
Абдулла Авлоний.*

#### 1

Минг тўққиз юз ўн еттинчи йил,  
Үн иккинчи сентябрь. Тошкент.  
Эрк Уйининг тоқида қизил  
Туғ ҳилпирар. Суронли бош кент.  
Жам бўлмоқда ишчи-ю солдат,  
Деҳқонларнинг мумтоз, аълоси.  
Кўнгилларда жанговар ҳолат...  
Йиғин қурмиш шаҳар шўроси.  
Одамлардан тирсиллайди зал,  
Нина тушмас ташланса ерга.  
Гоҳ меньшевик, эсдек, келиб гар  
Тегиб қолар минбар эсерга.  
Ижрокомга борадим сайлов,  
Кураш кетар оқимлар аро.  
Тўқнашади сув билан олов,  
Қамти келар Замин ва Фазо.  
«Ҳокимият Шўроларники!»  
«Бойларники!» «Гадоларники!»...  
«Битсин энди вақтли ҳукумат!...»  
«Битсин зулму азоб уқубат!»

#### 2

Енгинада, ички хонада —  
«Қизил хона» дердилар номин, —  
Хонадамас, балки панада.  
Кенгашарди шаҳар ревкоми.<sup>1</sup>  
Офтоб каби равшандир мақсад:  
«Ҳокимият ўтсин Шўрога!»

<sup>1</sup> Ревком — Революция Комитети, у 1917 йил 12 сентябрда Александр паркида бўлган митингга сайланган эди. У ҳокимиятни тўла қўлга олиши керак эди.

Тан олсин бас, Вақтли ҳукумат!  
Ҳеч бир гап-сўз сиғмас арога!...»  
Залда сайлов борарди ҳамон,  
Димиқ ҳаво, тутун, тер ҳиди...  
Иван Лапин сўзлар шу замон  
(Насриддин ҳам шу залда эди):  
«Ҳовлибоққа чиқамиз, дўстлар!  
Мажлис бўлар очик ҳавода!»  
Шодмон саслар, наърали сўзлар  
Зални босди ушбу аснода.  
Бўшаб борар қаторлар ана,  
Ана Валя, Насриддин, Вая,  
Ана бўйи бир қарич Муса,  
Ана Қобил — баҳодир кўса...

#### 3

Ҳовлибоққа тўпланар барча,  
Мажлис ҳали тиклангани йўқ...  
Фурсатимиз оз эрур гарчи,  
Китобхоним бер менга ҳуқуқ,  
Таништирай қаҳрамонларим:  
Бир йил дийдор кўришмадик биз.  
Кўз олдимдан жонажонларим  
Бир он нари бўлмади ҳаргиз:  
Иван Лапин қолди азобда...  
Жиззахдаги қирғин... Қўзғолон...  
Барчасини қўргандай хобда,  
Хотирасин ўнглолмас ўғлон.  
Нима бўлди?... Ҳа, ҳа, битди жанг,  
Насриддинни тутушиб олди...  
Оркестрлар чалди вадаванг,  
Ғат-ғатидан қулоқлар толди.  
Валентина айлади нола.  
Зор йиғлади Ойчучук хола.  
Кўнгилларни қилди-да вайрон  
Харьков сари жилди эшелон...

4

Қийлидаги қочқинлар ичра  
 Рус борлиги бўлгач ошкор,  
 Тинч қўймади Иванни сира  
 Таъқиб этди ҳар лайли-наҳор  
 Охранканинг айгоқчилари.  
 Иштибоҳлар аро кўмилиб,  
 Изтиробда юргани сари  
 Хаёлига келар Шумилов,  
 Эски дўсти, Қоля чилангар...  
 Танишдилар Тошкентда, депо —  
 Ҳовлисида... Сўзланса агар:  
 Фазали-ю Киев, Оқтепа,  
 Курган, Сибирь, Тошкент... Беомон  
 Саргардонлик йўллари бари!  
 Мана шундоқ бесару сомон  
 Сочилмишди умр йиллари...  
 Қора тортиб шу дўстин Ваня  
 Тошкент ёққа йўл олар мана.  
 «Ташлаб кетма, болам, — деб,  
 болам!» —  
 Эргашади Ойчучук хола.

5

Валя бўлса интиқ интизор  
 Насриддиндан хатлар кутади.  
 Россияда ахир қишу қор  
 Мустар кунлар қандай ўтади?...  
 Хаёл... хаёл... Бамисли шамол  
 Макони йўқ, беқўним, бесар,  
 Жафодийда, жорасиз ва лол  
 Ноумидлиг даштида кеза...  
 Княгина Трубецкая  
 Хотирига тушар шу замон:  
 Рус аёлин донғини ёя  
 Сибирларда кезди нотовон,  
 Кўз ёш тўкди вафодор дилбар,  
 Кўз ёшини биров билмади,  
 Изтироблар қон этди, магар  
 Тақдирдан нолиш қилмади!  
 Муҳаббатнинг буюк тимсоли,  
 Садоқатнинг олий камоли!..  
 Яралмишки дунё, бу дунё  
 Бундай қисмат кўрмади асло!

6

Княгина эмас, у гарчи,  
 Оддий қиздир, оддий рус қизи,  
 Садоқатда маликаларча

Меҳр-оқибат кўргизар ўзи.  
 На Иваннинг, на кампиршонинг  
 «Қолгин» деган гапига кўнар.  
 Полвонини ахтариб, ёниб  
 Валентина Харьковга жўнар.  
 Ҳориб-чарчаб Насриддин бир кун  
 Қайтган эди баракка энди,  
 Юзи ёниб совуқдан гулгун  
 Остонада Валя кўринди!  
 Кўзларида лиммо-лим меҳр,  
 Меҳр эмас, қайноқ кўз ёши,  
 Кўз ёшимас, нурафшон сеҳр,  
 Сеҳр эмас, инсон бардоши...  
 Полвон недир демоқчи бўлди,  
 Аммо бирдан... ўпкаси тўлди!  
 Томоғига тикилди нафас...  
 Истаса ҳам чиқмади бир сас...

7

Кулиб боқди бағри тош тақдир!  
 Кулиб боқди саодат ва шон!  
 О, дунёда сени ҳам ахир  
 Азизловчи киши бор, полвон!  
 Кўз олдинда бўлганда поймол  
 Қадр-қиммат, инсоний ҳуқуқ,  
 Суюклигинг келса сўраб ҳол,  
 Бундан кўра нурли иқбол йўқ!  
 Кўп нарсалар кўнглидан кечди,  
 Миннатдорлик туйғуси, ҳисси,  
 Олис йўллар... Биргина деди:  
 «О, ўриснинг улбола қизи!»  
 Аёл зотин фироқида маст,  
 Мустарликда танҳо йигитлар  
 Насриддинга қилишар ҳавас,  
 Юракларга туташар ўтлар...  
 Валентина садоқати-ей!  
 Насриддиннинг саодати-ей!  
 Бутун Харьков сўзлар шу ҳақда,  
 Севги ҳақда, ҳис-туйғу ҳақда.

8

Бир кампирнинг уйида ночор  
 Ижарада туришар улар.  
 Насриддинбек наҳордан-наҳор  
 Завод борар, паровоз қураар.  
 Валентина, ул меҳри офтоб,  
 Фельдшерлик қилар... Ногаҳон  
 Россияда кечди инқилоб,  
 Шиддатидан титради жаҳон!  
 Мардикорлар ҳайрон, ҳангу манг,  
 Қўллари ҳам ёқада, ҳайҳот  
 Наҳот подшо ҳоли бўлди танг?

Емирилди наҳот истибод?  
Наҳот ҳаёт тўлқинларида  
Камол топгай бизнинг

бахт-иқбол?...

Энди совдеп<sup>1</sup> йиғинларида  
Насриддинбек қатнашар фаол.  
Иван дўсти ёзибди мактуб:  
«Интиқдирмиз сузларинг кутиб.  
Тошкентдамиз, бирга онанг ҳам!...  
Баҳор келди...»

## 9

Наврўзи олам!

Туркистонга келди навбаҳор!  
Яшил қирлар, бўртоқ куртақлар...  
Сени эслаб, эй олис диёр,  
Уртанади интиқ юраклар!  
Тошкент сари жўнашди икков,  
Оренбургда поезд алмашди.  
Шунда тақдир айлади сийлов:  
Шодлигига шодлик улашди.  
Дўстларини учратди! Муса,  
Уша Муса, бўйи бир қарич!  
Намоз ўғри йигити — кўса,  
Уша кўса, Қобил! Полвон ҳеч  
Кутмаганди! «Мусамисан, а?  
Қобил кўса, бормисан ўртоқ?  
Нон-насиб-да, кўришдик мана  
Замон оти шунақа йўртоқ,  
Елдиримай учар боқосиз...  
Хотиралар эрур баҳосиз...»  
Эсладилар Дукчи эшонни,  
Сўнг, Қудратни, озурда жонни...

## 10

«Дарахт кесар эдик Сизранда.  
Чаппараста уриб турар қор.  
Мадор йўқдир бу хароб танда,  
Совуқ қаттиқ... дунё кўзга тор...  
Кўтаролмай дарахтни, ғамдан,  
Уф! — девордим. — А, шўрлик

инсон!

Насриддинбек бўлса шу дамда  
Қилмасмиди мушкулнинг осон?  
Қобил кўса ёнимда эди  
Гапларимни эшитган заҳот,  
Тўхтаг, қайси Насриддин? —

деди, —

Шаҳрихонлик эмасми? Наҳот?...  
Хуллас, эски танишлар такрор

Қучоқлашдик, йиғлашдик тўлиб.  
Елғиз деймиз, эй парвардигор,  
Умридан бор бўлсин, ишқилиб...»  
Полвон деди: «То ҳануз ахир  
Бизга бало ёғдирди тақдир!  
Биз ўлмадик, кўрдик дунёни!  
Энди келди яшаш замони!»

## 11

...Ховлибоққа тўпланди барча,  
Тўлқинланар ўрталик майдон.  
Сўзламоққа шайдир юзларча  
Жангчи, матрос, ишчи-ю деҳқон.  
Эшитилар ҳамма томондан  
Одамларнинг гангир-гунгири.  
Лампа чироқ ёнар айвонда  
Ховли юзин қопломас нури.  
Иван Лазин деди: «Ўртоқлар!..» —  
Барча тўхтаб, шовқин ҳам тинди:  
Измимизда долзарб чоқлар!  
Битсин Вақтли Ҳукумат энди!  
Йитсин корниловчи унсурлар!  
Эсер, эсдек бизга дўст эмас!  
Бой ҳам буржуй, муштуми зўрлар  
Туёғини шиқиллатсин, бас!  
Ҳокимият энди — йўқсулга!  
Ишчи ақл, маҳнаткаш қўлга!  
Ура! Ишчи-деҳқонга ура!  
«Ура»мизга сас берур курра!»

## 12

Залдан чиқди норғул бир аскар:  
«Ўртоқлар! Бас, бу хоинлик, бу!...»  
«Нима бўлди?» «Ревкомни улар  
Шартта қамаб қўйишибди-ку?...»  
Аҳли мажлис тушди ғазабга:  
«Ким қамайди?» «Нима ҳаққи

бор?»

«Кетдик шитоб турма тарафга!»  
«Ким жонидан тўйган ул ғаддор?..  
Жони нечта ўша малъуннинг?...»  
Энди барча зал сари оқди.  
Қаҳр-ғазаб бу машъум туннинг  
Қат-қатига машъала ёқди.  
«Кимдир ўзи? Борми унда эс?..  
«Келтирилсин, аҳдимиз қатъий!»  
Аскар деди: «Генерал Черкес,  
Прокурор Барановский...»  
Зал гувиллаб сас берди пурмавж:  
«Керак эмас сабаб, важ!  
Черкес бизга қилмасин зўрлик!  
Хурлик бўлсин, дўстларга,

хурлик!»

<sup>1</sup> Совдеп — Депутатлар Совети.

13

Тун ярмидан оғанди. Бир дам  
Боз жунбушга келди улкан зал.  
Остонада кўринди беғам,  
Прокурор билан генерал.  
«Хўш, не дейсиз, жаноблар?»—

Черкес

Бепарводай боқарди, бироқ  
Одамларга назар солган кез  
Ранги оппоқ оқарди, оппоқ...  
«Қандайдир бир кишилар, ажаб,  
Узларини олий билипти.  
Узларини «ревком» деб атаб  
Ҳокимият даъво қилипти.  
Ҳокимият вакилиман ман,  
Қўмондонман ҳам айни чоқда.  
Ташсоветнинг буйруғи билан  
Бевошларни олдим қамоққа...»

«Тез уларни қўйиб юбор, тез!  
Билмасанг гар билиб ол, Черкес:  
Бевош дея айлама бадном,  
Узимизнинг ревком бу, ревком!»

14

«Фармон этди жаноб Наливкин,  
Мен фармонга бўйсундим холос...»  
«Чиқар дейман ревкомни, лекин...»  
Чаппараста сўкинди матрос.

«Иложим йўқ...» — чайналди  
Черкес.

«Йўқ дейсанми?— чинқирди  
Қобил.—  
Йўрға нусха, қари сатанг, ҳез!

Қаловланма, бўлди, ҳаддинг бил!  
«Бошбошдоқлик...» Э, чўзма  
гапни!»

«Бир мушт есанг масаланг  
ҳал-да!»—  
Сигдиролмай ичга ғазабни

Тўлғанишар одамлар залда.  
«Тинчланинг!»— дер Иван зал  
ёққа.

Ут олганди ғазаблар бироқ.  
«Ур, Черкесни!» «Черкес —  
қамоққа!»

Кимдир отди унга мойчироқ,  
Ким — гул тувак. Сезде генерал:  
Зал пийпашга тайёр! Шу маҳал  
Сакраб қочди дарчадан Черкес!  
«Йўқол, аблаҳ! Қоранг ўчсин, пес!»

15

Қалт-қалт титрар Барановский.  
Насриддин дер: «Уртоқлар, қаранг:  
Прокурор хўп найрангвозки,  
Ревкомни-ку хонаи заранг —  
Тоштурмага элтиб қамапти,  
Сичқон ини кимга минг танга?  
Сенда бурду субут қолмапти,  
Қани ордер ёзиб бер манга!»  
Омбир каби полвон қўллари  
Прокурор гирибонидан  
Олиб, қаттиқ силтаган сари  
Айрилгудай бўлиб жонидан,  
«Хўп! Хўп!— дейди, тутади

йўтал, —

Мана ордер, ўзим ҳам борман!..»  
«Елғончи у!— гувиллайди зал —  
Ёқасини қўйиб юборма!»  
«Ўзи борсин, қатъийми сўзи?  
Озод этсин ревкомни ўзи!»  
...Ва ниҳоят тун ярим пайти  
Қамоқ ёқдан машина қайтди.

16

Гавжум эди Эрк Уйи олди,  
Ана ўзбек дружинаси.  
Анови саф — зўр Сибирь полки...  
Бирдай тепар барин сийнаси,  
Совет билан ревкомни ёвдан  
Қўриқламоқ — энг олий мурод.  
Шу дам дўстлар ичра, қуршовда,  
Дружина бошлиғи Фарҳод —  
Ун саккизга кирган баҳодир  
Неларнидир сўйларди қизгин.  
Залга яна одам оқадир,  
Ревком келгач, тикланди йиғин.  
«Дўстлар!— деди Иван —

Тошкентда

Советларга ўтди ҳукумат!  
Эди сайлов бўлар советда!»  
Сўнг тугёнли ўқийди рўйхат.  
Ижрокомга сайланди сара —  
Большевиклар: Першин, Манжара,  
Колесов бор, Цируль, Бауман,  
Насриддин ва Шумилов, Иван.

17

«Ҳокимият Советга ўтди!»—  
Эрк Уйидан таралган хабар  
Бутун шаҳри Тошкентни тутди,

Жунбушдайди барча даҳалар;  
 Хадра, Кўкча, Бешёғоч, Чақар,  
 Эски Жўва, Себзор, Миробод...  
 Ун учинчи сентябрь саҳар  
 Шаҳри Тошкент, машҳур музофот  
 Митинг қурмиш Шайхонтовурда,  
 Оқ саллалар тутмиш майдонни,  
 Паранжили аёллар ерда  
 Чўкка тушиб, гоҳ-гоҳ чачвонни  
 Қия қилар қарсак бўлганда.  
 Низомиддин Хўжаев, Фарҳод,  
 Насриддин ҳам етиб келганди.  
 Фарҳод билан кўришгач: «Хайҳот!  
 Уғилгинам!— деди.— Гулзорим!  
 Дўстгинамдан қолган ёдгорим!  
 Бизга ҳаёт берсин, сизга ёш...»  
 Кўзларига қалқиб келди ёш.

## 18

О, қанчалар бешафқат ҳаёт!  
 Тухфаи талх-ҳиммат этгани!  
 Уқишини битириб Фарҳод  
 Жиззах сари жўнаб кетгани  
 Шайланарди. Кўзи олдида  
 Собит эди Молгузар тоғи.  
 Қалсодиев Жалол — ёдида,  
 Тепкилашиб ўсган ўртоғи.  
 Жавзо боши, Авлоний бир кун  
 Фарҳод сари юзланди: «Уғлон!  
 Бузрукворинг Қудрат сен учун,  
 Ҳар нарсага тайёрдир, инон!  
 Бир дам сени ўздан қўймоққа  
 Кўргизмайди райъ ила рағбат.  
 Интиқ эрур гарчи кўрмоққа,  
 Ташвиш ичра юборибди хат:  
 «...Хаёллари, ҳай, бизда бўлсин,  
 Бироқ ҳозир ул сизда бўлсин,  
 Англайгайсиз, биродари жон,  
 Жиззах нотинч, қўпди ғалаён...»

## 19

Фаросатли, хушбичим Фарҳод  
 Оқил йигит бўлиб улғайди.  
 Хаёлларин эркин қўйса, бот  
 Еру қўкни чирмаб, чулғайди.  
 Шамолларнинг эсишидан то  
 Дарахтларнинг ҳолати қадар  
 Назар солар, сезарки дунё  
 Коинотда тўлғаниб ётар...  
 Мактуб олди Қудратдан ногоҳ:  
 «Афсус, ўғлим, хато қилибман.  
 Мундир кийиб юришингни, оҳ,  
 Орзулабман, аъло билибман!

Хайҳот, бунда мундир кийганлар  
 Эл бошига солмоқда офат!  
 Фақат ўлим, ўлимни англар  
 «Уруш» деган бало, касофат!  
 Сени, ўғлим, келмай омадим,  
 Илм кишиси қила олмадим!...»  
 Укинма, эй, падари бузрук,  
 Ҳарб ҳам илмдир, илмки буюк...

## 20

Сўнг фалокат юз берди... Даҳшат!  
 Шундоқ синар инсоннинг қадди!  
 Бир одамга шунчами ҳиммат?  
 Сийловми бу зулму таадди?  
 Тоғдан оққан жилғаларсимон  
 Тўкилганча йиғлайди Фарҳод.  
 Кўзи кўрмас, тўнглаган хаёл,  
 Юртга сиғмас кўнглидаги дод.  
 Қандайдир бир казак ўқидан  
 Қазо топмиш оназори,  
 Нураб бўлди сабот ва чидам...  
 Келибди-ю Қудратнинг ори  
 Даво талаб бўлиб борибди,  
 Полковникни бўғибди қаттиқ,  
 Поймол қадрим тиклаб бер, дебди...  
 Етар энди! Ортиғи ортиқ!  
 Фарҳод билди: ҳа, подшоши ҳам,  
 Губернатор ҳам, худоси ҳам  
 Бегонадир, қони қўшилмас!  
 Дўст бўлолмас, жони қўшилмас!

## 21

Жиззахда-чи, Суюнбой ҳайрон,  
 Йўқотганди оромин, тинчин,  
 Узи ҳайрон, хонаси вайрон...  
 Дунёдаги ёлғиз илинжи  
 Фарҳод бўлиб қолганди энди...  
 Набирасиқ олиб келса-чи?  
 Ё, ичидан ўтди қиринди...  
 Душман уни тутиб олса-чи?  
 Ҳа, йироқда бўлгани тузук,  
 Эл тинчисин, тинчисин замон...  
 Энди пулдир — юпанчининг ўзи,  
 Бойлик, зардир дилдаги имон!  
 Мингта қўйни пуллабди-ю ул,  
 Ақчаларга сандиқ тўлибди.  
 Саҳар турса... алмашибди пул:  
 Сўлкавойлар бекор бўлибди!  
 Тутам-тутам сочиб сўлкавой,  
 Телбаларча ингранарди бой:  
 «Оқ қўйим, ҳой, қурай, оққурай!  
 Қора қўйим, қурай, оққурай!...»



22

«Ҳокимият Советга ўтди!..»  
 Ёвлар асло беролмади тоб,  
 Қону қасос қўлидан тутди,  
 Бош кўтарди аксилинқилоб!  
 Тинч турарми Вақтли ҳукумат?  
 Гупираркан адоват ва кин.  
 Жон олмоққа пойлайди фурсат  
 Керенский, Черкес, Наливкин.  
 Бир ҳикматни унутди ревком:  
 Душман — душман, ўз ишин қилур.  
 Қурол борми қўлида, тамом,  
 Қорани оқ, ўзни ҳақ билур.  
 Инқилобга керак ҳимоя!  
 У гап билан бўлмас барқарор!  
 Ревком эса пояма-поя  
 Мажлисларга берди ихтиёр.  
 Зуғум этгач Вақтли ҳукумат  
 Тарқаб кетди ревком оқибат.  
 Ҳа, инқилоб кураши қийин...  
 Насриддинбек англади кейин.

23

«...Ҳокимият кетмоқда қўлдан,  
 Ўзбошимча Тошкент совети  
 Ишчиларни оздириб йўлдан  
 Душман ишин қилмоқда эди...»  
 Мана шундоқ иғволи хабар  
 Бориб етди Петроградга.  
 Керенский, чорасиз қайсар,  
 Ружу қўйди зулму форатга.  
 Сўнгра эса Коровиченко  
 Деди: «Баски, мен золу зўрман!  
 Катта ҳуқуқ берилмиш менга!  
 Исён аҳлин тигмурт қилурман!..»  
 Ва Тошкентга жазо қўшини  
 Қириб келди Келес тарафдан...  
 Эй! Инқилоб олий ишини  
 Қўлламоққа сафга кир, сафга!  
 Мажлисларда кўп овоз олмоқ...  
 Енгиб бўлмас бу йўлда бироқ!  
 Керак бизга, билиб қўй, курра,  
 Диктатура! Ҳа, диктатура!

24

Бош темир йўл устахонаси,  
 Эй, қалъаи инқилоб, буюк!

Ишчиларнинг сенсан онаси!  
 Бағри очиқ онасан суюк!  
 Танг аҳволга тушсалар агар,  
 Доим сендан топурлар нажот.  
 «Ишчи қалъа!» Бу гал музаффар  
 Инқилобга бахш этдинг қанот!  
 Шон-шавкатли Петроградда  
 Бонг урганда Улуғ Октябрь,  
 Жўр бўлдинг-да, голиб суратда  
 Хуррият деб бошладинг тадбир!  
 Гудок саси таралди саҳар,  
 Томирларга сигмай оқар қон!  
 Совет узра жипслашар шаҳар,  
 Ҳаққин талаб қилар қўзғолон!  
 «Ишчи қалъа» — зўр штаб бўлур,  
 Эрк йўлида бир хитоб бўлур,  
 Ва Тошкентни қамрар расмана  
 Гражданлар уруши мана.

25

Большевиклар кўпи қамоқда!  
 Фурсат кутмас, танг эрур аҳвол.  
 Гур-гур этиб ўт ёнар чоқда  
 Утин топиб улгурмоқ маҳол.  
 «Ишчи қалъа» эса суронли...  
 Қўзғолонни бошқарар Иван.  
 Курашчилар сафида онгли —  
 Насриддин бор Валяси билан.  
 Нохуш хабар етди Иванга:  
 «Иккинчи полк<sup>2</sup>» қуролсизланмиш!  
 Шум ниятли Коровиченко  
 Инқилобга томон хезланмиш!..»  
 Аён бўлди яна хатолиқ,  
 Манглайига Иван бир урди.  
 Ногоҳ айлаб ақли расолиқ  
 Идрокидан терсга юз бурди.  
 Ишчи қалбин бамисли чироқ  
 Ендиролди, жуда соз... бироқ  
 Қани қурол, уларга қурол?  
 Ишчиларнинг бари ҳайрон, дол...

26

Тун-кечада Насриддин чаққон  
 Биринчи полк томон жўнайди.  
 «Қурол олиб келурман, инон,  
 Биласан-ку, дўстинг қўймайди...»  
 Дамлар ўтди... Қолмади тоқат...  
 Иван боқса, юз қалам нари

<sup>1</sup> Большевиклардан 59 киши 27 октябрда Коровиченко томонидан қамоққа олинган эди.

<sup>2</sup> Иккинчи Сибирь полки ҳақида гап кетмоқда.

Келаётир бир гуруҳ солдат,  
Кучоқ-кучоқ милтиқ кўтариб!  
Барча чопди пешвоз! Ҳангу манг  
Тўхтаб қолди солдатлар бир дам.  
Насриддин дер: ҳеч ташвиш

қилманг!

Бари ишчи, бари ўз одам!»  
Душман казак полкидан<sup>1</sup> шу он  
Сайраб қолди пулемёт. Иван:  
«Очиқ жойдан тарқалинг, полвон!  
Душман сизди!» дегани билан,  
Сурон солиб барча бемалол  
Танлашишар, улашар қурол,  
Виз-виз учган ўққа боқишмас,  
Ҳеч бир сўзга қулоқ қоқишмас...

## 27

Оқлар билан тўлмишди шаҳар,  
Гимназисту юнкеру казак...  
Смольнийдан таралган хабар  
Олдирди-да ярасин газак,  
Қўними йўқ Коровиченко  
Тупроққўрғон томонга шошар.  
Мужмалликдан қурийди тинка,  
Қўринганга ғазабин сочар.  
Телеграмма берар Дутовга...  
Бош комиссар хўп яхши билур:  
Икки заряд битта қутбга  
Интилса, бас, чақмоқ чақилур.  
Большевиклар — қудратли заряд,  
Текканини наҳот кул этар?  
Генералга ёт эрур фарёд,  
У барчасин қул, қул, қул этар!  
«Қалъа»ни ҳам йиқар манжаниқ!  
Ҳа, генерал панжаси аниқ  
Инқилобни бўғиб ташлайди!  
Турфа жазоларни бошлайди!

## 28

Броневик ўрмалаб аранг  
«Ишчи қалъа» сари йўл олди.  
Бироқ йўлда ётган кўндаланг  
Чўнг теракка дуч келиб қолди.  
Юриб бўлмас ҳатто бир қадам!  
Яқин эди қалъа ҳам, яқин.  
Ортга қайтди, орқасида ҳам  
Терак пайдо бўлипти тагин!  
Макр билан ногоҳ алданиб  
Қаталакка тушган шер мисол,  
Броневик ночор тебраниб

Урта йўлда тўхтар. Бемалол  
Кузатарди қалъадан Иван:  
«Балли, Муса! — деди. — Сен  
дарахт  
Кесмоққа хўп моҳир экансан!  
Ишдан чиқди анови бадбахт!»  
Ҳайрон бўлди Иван шу онда:  
Жанг кетарми вокзал томонда?  
Пала-партиш ўқ саси бирдан  
Эшитилди ҳар ер — ҳар ердан.

## 29

Бу нечук сас? Душманми? Ҳайҳот!  
Иван кўнглин босди хавотир:  
Бош штабнинг ёнида наҳот  
Ёв жанг қилса бамайлихотир!  
Саваш қурса тарафма-тараф?  
Ким отмоқда? Кимга отмоқда:  
Фарҳод бошлиқ жанговар бир

саф —

Дружина келди шу чоқда.  
«Ўртоқ Лапин! Дружинам шай!  
Биз бош штаб ихтиёрида!  
Қуроллар ҳам топдик ҳар қалай,  
Милтиқ, қилич... энди бори-да.  
Эски шаҳар қўмитаси ҳам  
Буйруғингиз кутиб турибди...»  
«Фарҳод! Тингла: вокзалда шу дам  
Казак отряд кезиб юрибди.  
Даф этмоқ шарт ўша балони!»  
Дружина жўнар шу они.  
Вокзал ёқда — пагир-путир сас,  
Узоқ вақт отишма тинмас...

## 30

Дружина қайтди хуфтонда  
Фарҳод деди: «Найрангни қаранг!  
Отряд-ку йўқ вокзал томонда,  
Фақат битта вагон қилар «жанг»  
Та-та! Та-та! Тешгудай қулоқ,  
Шу вагондан отилмоқда ўқ,  
Вокзал, перрон кимсасиз бироқ,  
Теваракда аммо ҳеч ким йўқ!  
Ҳайратимиз ортарди кўриб...  
Яхши билур душман ишини:  
Пахтага ўқ аралаштириб  
Тўлдирибди вагон ичини!  
Ут қўйибди пахтага кейин,  
Вагон ўхшар ёнар тоққа нақ.  
Пахта ёниб боргани сайин

<sup>1</sup> Оренбург казаклар полки Муваққат ҳукумат томонида эди.

Отилибди патронлар пақ-пақ...»

«Душман иши — ваҳма,— дер

Иван,

Махоркасин тутатар экан, —  
Мана тагин, бурди йўқ, тўнка,  
Аҳдн<sup>1</sup> бузди Коровиченко!

### 31

Бошлагаймиз такрор қўзғолон!  
Диктатура ўз ҳаққин танир!  
Керак эса қон тўкамит, қон!  
Қалблар қасос ўтида ёнур!  
Майдон сари кўз ташлар Иван,  
«Ишчи қалъа» майдони саф-саф  
Солдат, ишчи бир жону бир тан  
Қатъият-ла туришар қараб.  
«Стасиков! Петров! Дунаев!  
Қалдироқли онлар келмоқда.  
Қўйлиқ бўйлаб силжийсан, Тоев!  
Сен, Насриддин, Госпиталь ёқдан!  
Дружинанг олгин-да, Фарҳод,  
Станцияни идора айла!  
Помогайбо! Тайёрми отряд?  
Сапёрнийдан ҳужумга шайлан!  
Михайлов! Сен — тўпчи, шунда

қол,

Шундан туриб аниқ мўлжал ол!  
Мортирангни сайрат, бир сайрат!  
Тупроққўрғон — кўзланган

мақсад!»

### 32

Тупроққўрғон сари чекинур  
Ночор қолиб юнкер отряди.  
Насриддинлар солиб «урҳо-ур»  
Юнкерларни қисиб боради.  
«Пешонага тегса ўқ агар,  
Сапчиб кетар, асло кор қилмас...  
Гар оғизга тегса — безарар,  
Шартта ютиб юборсангиз, бас!»  
Шундоқ дер-да, Насриддин гўё  
Кўнгилларга лаҳча ўт солар!  
Биқинини ушлаб шу асно  
Қобил кўса чўзилиб қолар.  
Бушлатини ечар фельдшер —  
Валентина. Кўса берар жон:  
Чап биқинда ўқ ўпирган ер,

Лахта-лахта лопилларди қон...

«Ўқ оғзимдан тегса нетарди?

Полвон дўстим, шартта ютардим!

Аммо юрак остида бу ўқ

Ўлмоқдаман... Ҳеч армоним йўқ...»

### 33

Саросима Тупроққўрғонда,  
Ҳаммада ҳам қуриди тинка.  
Ёв қуршаган барча томондан.  
Жим туролмас Коровиченко!  
Гоҳ тўпчига қилар дағдага.  
Кўрсатаркан «ишчи қалъа»ни:  
От! Яксон эт! Аяма, ҳа-ҳа! —  
Дер ғазабдан яниб, яланиб!  
Шу он кўкдан чийиллаб тушар,  
Тушар, портлар катта снаряд!  
Генералнинг эс-ҳуши учар,  
Бу — Михайлов отар, тўпчи мард!  
Бирдан аввал Сапёрний ёқдан,  
Сўнг Госпиталь тарафдан «Ура!»—  
Садолари келди қулоққа.  
Наъра чекар, ҳа, диктатура!  
Зўр инқилоб — сезар генерал —  
Чор атрофдан қилмоқда қамал,  
Кутулмоқнинг йўли йўқ мутлоқ,  
Йўли — кўкка учмоқ, ё ўлмоқ...

### 34

Тошкент ўхшар айни маҳшарга,  
Ғала-ғовур суронли оқшом  
Чўкмоқдайди нотинч шаҳарга.  
Қалапатра оқлар батамом  
Қўрғон сари қочиб қолмоқда,  
Энди ҳоким билиб ўзини  
Сибирь полки моҳир чалмоқда  
Инқилобнинг таранг созини!  
Сапёрнийдан бир батарея,  
Госпиталдан битта отряд,  
«Бу тарафда биз бормиз!»— дея,  
Бешёғочдан етишди мадад —  
Эскишаҳар йўқсил лашкари.  
Чопар борди Фарҳоддан шу дам:  
«Вокзалга бир отряд, жангари,  
Етиб келмиш — Кушқадан ёрдам!»  
Мамнун эди ревком раиси,  
Барчасининг бордир боиси:

<sup>1</sup> 1917 йил 30 октябрда генерал Коровиченко Тошкент ревкоми билан урушни тўхтатиш ҳақида битим тузиб, бу битимга кўра юнкерлар қуролсизланиши, ҳокимият советлар кўлига ўтиши керак эди. Бу ерда шу битим бузилганига ишора қилинмоқда.

Тупроққўрғон мана — сўнгги ғов!  
Фақат шунда қолди душман, ёв!

## 35


Иван Лапин мамнун эди хўп,  
Келажакни хаёл қиларди.  
Виз-виз ўқлар ваҳма, талотўп  
Қоп-қора тун бағрин тиларди.  
Пала-партиш снаряд учар,  
Душман отар таваккалига.  
Ногоҳ Иван бир сапчиб тушар,  
Ўзи ҳайрон ўзин ҳолига.

Гўё кимдир олиб чақир тош  
Миясига солгандай бўлар.  
Бош айланар, бўйин аралаш  
Им-илиқ қон секин қуюлар...  
«Ваня!» деди Валентина бот  
Чопиб келди! «Қўрқма!» — дер  
Иван. —

Қандайин саз гўзал бу ҳаёт!  
Тўйиб бўлмас термилган билан!  
Тупроққўрғон олинди бутун...  
Соат неча? «Ҳали ярим тун...»  
«Тунмас, Валя! «Ура!» де, чал  
бонг!  
Уфққа қара! Тонг отди-ку, тонг!»

(Давоми келгуси сонда)





Раззоқ Абдурашид

## Эзгақод

Дейдилар олисда,  
юлдуздан ҳам нари  
Бир манзил ярақлаб турармиш...  
Башарнинг кўзини ўйнатиб  
Юлдуздек чарақлаб турармиш...  
Инсон инсонлигини таниганидан буён,  
Ўз идроки,  
Ўз қалби  
Ўз орзусидан бунёдга келган  
Шу манзил йўлини кўзлармиш...  
Эзгу ўйларига,  
Бокира умидларига,  
Энг қутлуғ каломларига,  
Фарзандларининг номларига уни қўшиб,

Кечми ё эрта,  
Тунми ёки кун,  
Қишми, ёз демай  
Тўлиб-тўлиқиб ундан сўзлармиш!

Оқ сочли бу дунё  
Не-не тўфон кўрди,  
Ҳам не-не фасл...  
Ўнга келиб кетди  
Қанча-қанча элат,  
Қанча-қанча даҳо,  
Қанча-қанча насл.  
Бироқ ҳамма замонларни  
Туташтирган кўприк,  
Ҳамма авлодларни ўзаро  
Боғлаган бир ришта бўлганки —  
У эса — ўша манзил ишқи,  
Ўшанга етмак,  
ҳеч бўлмаса,  
бир қадам,

бир нафас,  
бир дам  
Уни яқин этмак орзуси!  
Хаёллар кўзгуси  
мисли ойнаижаҳон —  
Уша порлоқ орзу,  
Уша ўктам хаёл,  
Уша асрий армон  
Оламини кўз олдингда  
Жонлантиргай...  
Шунда инсон заковати,  
Инсон қудрати,  
Инсон хаёлоти  
Қашф этган ўша борлиқ ишқи

Вужудингга жон янглиғ киргай.

Отам сўз очганда ундан ҳар сафар,  
 Қуръон тутган каби руку этарди.  
 Сўнг букук қаддини кўтариб сағал  
 Буюк ихлос билан сўзлаб кетарди.  
 — Бир эзгу машъала бу манзил,— дер эди у,—  
 Парвона сингари  
 Интилгай бор олам...  
 Лак минглар уни деб умрини тинди-ку,  
 Асрлар зинаси етмади,  
 Етмагай ҳали ҳам...  
 Бобом ҳам шу манзил ишқида яшабди.  
 Уни деб тер тўкмиш бобомнинг бобоси...  
 Ким умрин шу йўлда бир зина билмабди,  
 Унга ҳаром экан тириклик сафоси.  
 Отам дерди аксар:  
 — Уй қуриш, фарзандлар не учун,  
 Изингни босмаса, ёқмаса чироғинг...  
 Аждодлардан қолган ишларки бус-бутун  
 Авлодлар кифтига тушган, чароғим!  
 Йўлингни офтобдек ёритсин бир умр  
 Оталар армони, имони.  
 Сен яшаб-яратиб янаям яқин қил  
 Ушал дориламон кунга дунёни...

Гунафша фасли мисол  
 Бир авлод ўтди яна,  
 Тағин бир зинага ортди  
 Тириклик нарвони.

Кун кетидан кун-у  
 Йил кетидан йил қувиб, мана,  
 Ушал мурод сари ўрлар  
 Башарият карвони.  
 Энди мен яшайман  
 Тер тўкиб, юрт қуриб  
 Боболар удумин бузмасман,  
 Қўнгилга муҳаббат  
 иштиёқ,  
 Армон ёр...  
 Бир нафас бахт эса,  
 Бир нафас — изтироб,  
 Бу дунё гоҳ кенг-у  
 гоҳи тор...

Бораман ҳаёт отлиқ  
 сертуғён йўллардан  
 Бир мақсад измида  
 ҳар куним,  
 ҳар оним.  
 Шу эзгу ниятга сафарбар  
 яралган —  
 Юрагим,  
 Идроким,  
 Қудратим,  
 Имоним.  
 Мана, кун оғадир уфқдан қуйига...  
 Нимқизил шафаққа қарайман.  
 Нурафшон, фараҳли бу кунлар  
 Эваздир аждодлар хунига,

Аждодлар ҳақини сўрайман.  
 Яшайман —

Минг орзу,  
 Минг ният,  
 Минг ташвишга эш,  
 Бағримда курашгай нур, зулмат ҳар нафас...  
 Керак бўлса, шаксиз,  
 Заволли боболар,

Армонли оталар,  
 Умидвор дўстларим ҳурмати —  
 Тикурман кунимни,  
 зеҳнимни,  
 қалбимни  
 яна ҳиддатим —  
 Ки умр ўтмасин бесамар —  
 (У ўзи шундоқ ҳам мисоли оний сас)  
 Инсоният орзуси —  
 Шу ўктам манзил —

яъни коммунизм деган ёрқин келажак  
 йўлида умрим

Бобом умри каби,  
 Отам умри каби,  
 Ҳамма эрксеварлар умри каби  
 Янги бир зина бўлсаю  
 Ўз наслини бир елка кўтарса,  
 Бир кунлик яқинлаштира ўша қутлуғ замонга  
 Менга шунинг ўзи бас!  
 Бу қадим,  
 Бу турфа,  
 Бу боқий дунёга  
 Шамол каби келиб кетар  
 Мендек бир киши учун  
 Ўзга ҳою-ҳавас керакмас!

## Замирага деганим...

Эркам биз — инсонлар,  
 Табиатнинг нодир ихтироси —  
 Ҳаводан, Зиёдан,  
 Тупроқдан,  
 ҳам алвон-алвон ранглардан  
 бунёд этилганмиз...  
 Зиё янглиғ  
 Ҳаво янглиғ,  
 Тупроқ янглиғ,  
 Яна алвон-алвон ранглар янглиғ  
 Шу она Ер оғушида униб,  
 етилганмиз.

Зуваламиз Ердан узилгани рост.  
 Лекин унга чимдим ёруғлик,  
 Чимдим ҳаво,  
 Чимдим кенглик,  
 Яна ранглардан қўшилган  
 Чимдим-чимдим...  
 Бу назокат,  
 Бу жасорат,  
 Бу зарифлик замзамаси тўла  
 вужудимиз  
 Камалак атласига ўхшайди  
 чиндан...

Ҳар зарраимизда билсанг,  
 Қоришиқдир ранглар —  
 Қизил,  
 Қора,  
 Пушти,  
 Сарик,  
 Қўк-у оқ.  
 Яна турфа-турфа хиллари мавжуд,  
 Не-не ранги,  
 Балки лисонда ҳам номи йўқ мутлоқ.  
 Мана хушбўй сочларингга,  
 Пайваста қошларингга,  
 Хурмойи кўзларингга  
 Табиатнинг энг қуюқ, сара ранги —

Қора ранги битилган...  
 Сийжангда эса патирлайди оқ қушлар.  
 Уша оқ қушлар, ўз тиниқликларидан  
 Сархушлар.  
 Ахир рангдан эмасми, қип-қизил рангдан  
 Юзларингга тепган шодлигинг, эркам,  
 Ахир рангдан эмасми, айт, сабуҳий рангдан.  
 Қўнглингнинг баҳорлиги, бахти кушодлигинг, эркам?!  
 Қўзларингга чўкмиш туннинг сим-сиёҳлиги  
 Қўзларингни қилмиш сим-сиёҳ...  
 Лабларингда ёнган ёқутий ҳарирлик  
 Хижолатдан яноғи қизарган иштиёқ...

Умидларинг эрур оппоқ-оппоқ,  
 Орзуларинг эрур оппоқ-оппоқ,  
 Кулгуларинг эрур оппоқ-оппоқ,  
 Ноз, ифатинг эрур оппоқ-оппоқ,  
 Муҳаббатинг эрур оппоқ-оппоқ,  
 Ҳар ниятинг эрур оппоқ-оппоқ,  
 Ҳамиятинг эрур оппоқ-оппоқ,  
 Сен оқликдан, ёғдудан ярадмишсан  
 Бошдан-оёқ!  
 Бироқ —  
 Қора бўёқдан ҳам холи эмас инсон дегани...  
 Нафрат, шубҳа, бўҳтон,  
 Жаҳолат, бадбинлик,  
 Гийбату разиллик, бахиллик,  
 Яна бўлак ёмонликлар,  
 Торликлар шакли-шамойили учун  
 Қора экан рангларнинг энг пароми, кераги.  
 Лекин оқил, собит  
 Комил-у мумтоз зотларда  
 Бу ранглар уйғунлиги бузилмагай зинҳор,  
 Турфа чалкашлиг-у чигалликлар  
 Не тонгки; табиатдаям бўлмиш...  
 Ҳамонки бор...  
 Бировларга кўнгли бўшлиқ қилиб  
 Оқни кўп бериб қўйибди, она табиат.  
 Бировларни эса сахийлик ила  
 Бошдан-оёқ қорага кўмибди, она табиат!  
 Бировларда қизилдан кўпроқ,  
 Бировларда пуштидан кўпроқ,  
 Бировларда нилий ранг кўпроқ...  
 Бировларда эса ортиқча ҳаво,  
 Бировларнинг тупроғи оғир...  
 Бировларнинг бағри кенг эрур,  
 Бировларда қўл деган қисқа...  
 Биров яшар бахт-омадга ёр,  
 Бировга-чи, тириклик — бир дор...  
 Биров орзу, эҳтирослар,  
 Яратишлар иштиёқи билан яшаса,  
 Бошқа бир кас — ҳасад, ғаразгўйлик  
 Бадбинликка эш...  
 Алқисса шу — буларда бузилган  
 Рангларнинг мисқоли...  
 Бу бузилиш кимга толе эрур,



Ё кимнингдир заволи;  
 Хуллас, биз — башар авлоди ранглардан яралганмиз.  
 Яшилдан,  
 Сарикдан,  
 Пуштидан,  
 Қизилдан,  
 Қорадан  
 Ҳам оқдан.  
 Ранглар янглиғ она ер узра таралганмиз.  
 Яшаб, яратиб,  
 бузиб-қуриб  
 ётамиз шу боқий тупроқда.  
 Минг орзу,

минг армонга эш умримиз ўтар,  
 Утмоқда.  
 Биз ўлмаймиз...

Вақти-соатимиз етганда, эркам,  
 Бу кўҳна дунёни янгилагани яна  
 Мисқол-мисқол тагин қўшилиб  
 Ёғду каби тўкилиш орзусида  
 Янги замонлар-у  
 Янги бир боққа  
 Ҳозирча ажралиб кетурмиз  
 рангларга —

Яшилга,  
 Сарикқа,  
 Пуштига,  
 Қизилга,  
 Қорага  
 Ва яна оққа...

## Сенсиз

Сен келганда ғаройиб ҳол  
 Юз беради:  
 Уйим нурга,  
 Дил сурурга  
 Ҳам ғурурга тўлиб кетади.  
 Ҳозиргина қалбни эзган  
 Қора ғашлик,  
 Совуқ ғашлик,  
 Сўқир ғашлик  
 Кунга бардош беролмаган  
 Қоронғулик каби

Гина-кудурат,  
 Қизғонишлар,  
 Надоматлар бўғилади,

Бошланади

Бир ҳушчақчақ,  
 Бир беармон,  
 Бир фаровон соатларим.


Чекилади

ҳижронларим

Эриб кетади, сўниб-кетади.  
 Рост билганим гумонларга  
 айланади.  
 Гумонларим туманларга айланади.  
 Сенга атаб қўйганларим —  
 Тиғдор сўзлар  
 Нафис-нафис сумандарга айланади.  
 Назокатлар,  
 Эрқалашлар  
 Ва орзулар туғилади  
 Сен келганда...

Сен келганда!





**Шукур Қурбонов**

## *Мудак шеърлар*

□

Бир кўриб тўймадимми,  
Минг кўриб ҳам тўймасман.  
Бу ҳолатим таъбирин  
Мен бекорга йўймасман.  
Севаманки, номингни  
Тилдан сира қўймасман.

Гул бўлур, бўстон бўлур  
Жонимда ёди васлинг.  
Шеър бўлур, дoston бўлур

Қўнглимда мадҳу васфинг.  
Мен бировни суйдимми,  
Шунчаки ҳеч суймасман.

Иккимизни шу қисмат  
Ишқилиб, айирмасин.  
Ишқ — орзуйим, қанотим,  
Қанотим қайрилмасин.  
Қуйсам, адо бўлурман,  
Ҳазилакам куймасман.

## **Мактуб**

Тоқатим тоқ бўлди, қоқ бўлмади дил,  
Номинг ёд айладим, куйдим муттасил;  
Қуйсам-да, куйсам-да, суйдим муттасил...  
Борай, деб ёзибсан юрак ютиб, оҳ,  
Ҳар на жавобимга мунтазир, муштоқ,  
Келавер, дейман-да, бошқа не дейман,  
Келавер, жонингдан жоним айлансин.



Ұзим ҳам чорловдим, унсиз чорловдим,  
 Ұзгага билгисиз, мунгсиз чорловдим.  
 Ұзимдин борсам-да, излаб бормовдим.  
 Мендан садоқат, деб, сендан марҳамат,  
 Бир оғиз сўзингга маҳтал неча қат,  
 Гоҳ гурур қўймасдан, гоҳо йигитлик,  
 Ҳажринг-ла қасдлашиб қилдим ҳам «итлик».  
 Борай, деб ёзибсан юрак ютиб, оҳ,  
 Ҳар на жавобимга мунтазир, муштоқ.  
 Келавер, дейман-да, бошқа не дейман,  
 Келавер, жонингдан жоним айлансин,  
 Наҳот шу рашк бўлса?..  
 Наҳот бу тикан —  
 Севги бўстонимда кўкармиш ногоҳ?  
 Нега бу тиканни кўрмадим экан,  
 Кўнгил кўчасига кириб борган чоқ?..

Ёшлик хаёллари кўз ўнгим тўсиб  
 Дунёни нурафшон кўрсатди менга.  
 Ғўзал бу жодудан парқувдай тўзиб,  
 «Ҳув» этиб, сочилдим жумла жаҳонга.  
 Шамолларга бердим эркимни шодон,  
 Тезоб дарёлар, тик тоғлардан ошдим.  
 Билмайман, мен не-ни изладим, нодон,  
 Билмайман, мен не-дан ул замон қочдим.  
 Билмайман ва лекин ноғиҳон бир чоқ  
 Ажиб бир ғўшада кўрдим ўзимни.  
 Қайдаман? Ҳайратда айладим сўроқ,  
 Ҳеч ким эшитмади бироқ сўзимни.

Фақат сен жимгина кириб келдинг-у,  
 Кўксимга бош қўйиб, суйдинг эркалаб.  
 Бўм-бўш юрагимни уммон қилдинг-у,  
 Эвазига ҳеч не этмадинг талаб.  
 Ўзда йўқ шодликдан, сўрамадим ҳам  
 Қайдан? Қандоқ келиб қолдинг ёнимга?..  
 Зеро мен қайдан ҳам билибман, эркам,  
 Азоб берурсан, деб бу кун жонимга!..

Наҳот шу рашк бўлса?..  
 Наҳот инонмоқ —  
 Бу дард меники, деб энди умрбод?  
 Аччиқ туйғуларда пинҳон ўртанмоқ  
 Ва яна ошкора сақламоқ сабот?!


## Болалик ҳақида

«Кўчага чиқай-чи!..» деди болажон.  
 Дадаси кўчадан безиллаб қолган,  
 Опаси кўчадан безиллаб қолган..  
 Рухсат беришмади болажонга ҳеч!

Кўчага чиққиси келарди унинг,  
Тупроқ ўйнагиси келарди жуда  
Кўчани тўлдирган болалар ила.  
Безиллаб қолганди болажон эрта  
Хонанишинликдан, чекланишлардан.  
Юқориги қават... Бетон хоналар  
Жонига текканди болажоннинг хўп!..

Рухсат беришмади ва лекин унга...

Очиқ деразадан боқди болажон  
Кўчага, юраги талпинган ерга.  
Очиқ деразадан ташлади ўзин  
Болажон юраги талпинган ерга...  
Ҳаммани ҳайратда қолдириб, яна,  
«Дик» этиб ўрнидан турди-ю, чопди  
Тупроқ ўйнаётган болалар томон.



Михаил Шатров

# АЛВОН ЯЙЛОВДА КУК ТУЛПОРЛАР

Иzzат СУЛТОН таржимаси.

ИНЦИЛОБИЙ ЛАВҶА<sup>1</sup>

## ИККИНЧИ ҚИСМ

### Йигирманчи йиллар ҳужжатлари

Мунозара.

«Қизил Пресня» райони нуқтаи назарига кўра, капитализмдан социализмга ўтиш даврида жинсий муаммолар».

Раислик қилувчи, докладчи ҳам ўша, Тихонов-Луговой.

Ҳозир бўлдилар: шаҳар соғлиқни сақлаш бўлиmidан — доктор Эпштейн; Ёшлар Иттифоқи райкомидан — Зябликова; «Қизил Пресня»нинг ёшлар иттифоқига аъзо бўлган ва бўлмаган йигит ва қизлари.

Тихонов-Луговой. Қадрли ўртоқлар! Муҳаббат масаласи ва у билан мустаҳкам боғлиқ бўлган ва ҳатто ундан бевосита келиб чиқадиган ўзаро жинсий алоқалар масаласи республикаимизнинг ҳамма ёшларини жуда қизиқтиради. Мана шунинг учун ҳам бу масалаларни ҳам назарий, ҳам амалий ҳал этишдан қочиш биз марксистларга ярашмайди. Буюк революция эски жамиятни унинг йўлдоши ифлос ва қалбаки жинсий ахлоқни билан бирга яқсон қилди. Буржуача ўзаро жинсий алоқаларга қарши нафрат ва бир ёстиққа бош қўйган икки кишининг муносабатлари қанақа бўлиши ҳақида буржуазия тўқиган тоғ-тоғ ёлғонларга қарши норозилик ҳар биримизнинг қалбимизда аллақачон ниҳоясига етган, ўртоқлар. Биз ҳаммамиз муҳаббат соҳасида эркинлик бўлиши тарафдоримиз, биз истаймизки, жинсий эҳтиёжни қондириш билан боғлиқ бўлган табиий биологик ҳисга энди буржуача никоҳ, хату ҳужжат ва шунга ўхшаш хурфотлар либоси кийгизилмасин. Биз, коммунистларда, ҳамма нарса худди ҳаётнинг ўзидек содда, табиий бўлиши лозим. Шу жумладан, ишқий ҳисни қондириш ҳам. Жинсий муаммолар инсонни янги дунё қуришдан чалғитмаган тақдирдагина у бутунлай эркин бўлган бўлади. Мен, муҳаббат пролетар ёшларнинг вақтини олмайди, уларнинг хаёлини банд этмайди, деб билман. Буржуа ёшларининг, шахсиятпараст-мешчан ёшларнинг йўриғи бошқа. Ўзингиз балоғат даври деб аталмиш даврга кирган бирорта буржуа олифта йигити ёки буржуа таннозига назар солиб кўринг. У йигит ёки у қиз бутун кун трестда ёки мактаб курсисида ўтиради, оҳ-

<sup>1</sup> Давоми. Боши журналнинг 7-сонида.

воҳ тортади, хаёл суради, севганига номачалар ёзади, ундан кейин кеч-қурун интизорлик билан кутилган учрашувга, висолга боради. Йигит ўз муҳаббатининг мусаффолиги ҳақида узундан-узоқ сафсата сотади. Унинг маъшуқаси эса унинг шунча ҳаракатларига бир илиқ назар ташлаш билангина, нари борса — қўлини ўпишга чўзиш билангина жавоб қайтаради. Буржуазиянинг мешчанларча шахсиятпарастлиги руҳи билан сугорилган, патриархал қолоқлик ва ўта эскилик шароитида тарбияланган қиз у йигит бечорага бундан ортиқ ҳеч нарса ҳадя қилолмайди. Нечун бундай? Чунки ўз биологик ҳирсини қондириш учун бу қиз никоҳ ўқилиши зарур деб ўйлайди, хат-ҳужжат тузилиши лозим деб билади, қиз бу никоҳдан кўп нарса кутади — оилавий осойишталик ва жиҳоз, гул ва саъва, оппоқ пардалар — қисқаси мешчанларча ҳаёт лаш-лушлари бу буржуа қизининг хаёлини банд этган. Лекин йигит ўн саккизга кириб қолган, у энди фақат оҳ-воҳу бўсаларга қаноат қилолмайди, шунинг учун бу муқаддас висолдан тўппа-тўғри ўз жинсий эҳтиёжини қондиришга жўнайди. Қаёққа жўнайди, денг? Трубная майдонига, Тверская хиёбонига, фоҳишахоналарга боради, фоҳишалар кучоғига отилади. Уша жойларда йигит ўз муҳаббатининг иккинчи бўлагига етишади. Ишчи ёшларда биз тамом бошқа нарсани кўрамиз. Ахир, Страстная майдонида ҳам, Тверская хиёбонида ҳам ана шу чипчиroyли кийиниб, илма ёки қистирма кўзойнак таққан, теп-текис дазмолли шим кийган олифта йигитлар фоҳишалар билан савдолашадилар. Ишчи йигитни эса у ердан тополмаймиз. Ҳар бир ишчи йигитнинг ўз ишчи маҳбубаси бор. Улар бир социал тошдан ясалган, муҳтожлик нима эканини иккаласи ҳам билади, улар бир жойда ишлашади, уларнинг ўзаро муносабатлари ҳам мутлақо содда. Йигит ойлигини оладию, ярмини ота-онасига беради, қолган ярмисини ўз Манькасига ботинка, берет олиш учун ҳаржлайди, кинематографияга билет олади, ўз қизи билан бирга ҳарпанага боради. Бу икки ёшнинг муносабатларида ҳеч қандай зўрма-зўракилик ва оҳу вой йўқ, келишмовчилик ва сафсаталар йўқ. Агар уришиб қолсалар, қиз йигитнинг бирорта ўртоғи билан дўст бўлиб кетаверади ва қиздан ҳеч ким гина қилмайди. Турли ўй-хаёлларга берилиб ўтириш ишчилар орасида йўқ нарса. Энди бир саволни ўртага ташласак, ўринли бўлади. Хўш, ким чатоқроқ: станокда ишлаб, ўз синфидан чиққан йигит билан ёки эртаси куни, унинг ўртоғи билан дўстлик қилувчи бизнинг камтар пролетаркамиз чатоқми, ёки бой куёвни, амалдор эрни кутиб, ўзининг бокира иффатини сақлаб ўтирувчи назанин чатоқми? Бу бокираликнинг ахлоққа хилоф эканлиги бизга аён. Ўртоқлар, биз бугуноқ бир ижобий фактни қайд этишимиз мумкин: комсомолка ўзини қанчалик содда тутса, у ўзининг аёллик фазилатларини қанчалик кам кўз-кўз қилса, ҳамма йигитлар унга шунчалик содда ва дўстона муносабатда бўладилар ва биз ҳеч бир жойда бундай қизга одамлар аёл деб қараётганини кўрмаймиз. Бутун ҳаёт ишга, янги жамият учун курашга бағишланган. Мана шунинг учун ҳам марксизм бугун буржуазиянинг жинсий алоқалар бобидаги ахлоқига бошқа бир назарияни қарши қўядики, бу назарияга биноан келажак жамиятда жинсий ҳирсини қондириш худди бир стакан сув ичгандек оддий бир иш бўлиб қолади. Ва бугун кимки мана шу тарзда яшаса, кўпдан бери кутилаётган ана шу келажакни аниқ ва реал равишда яқинлаштиришда бизга ёрдамлашган бўлади.

Доктор Эпштейн (*ўрндан туриб*). Нега мен болалигимда ўлиб кетмадим!

Доклад юзасидан музокаралар.

Гончаров. Прохоров мануфактурасида ишлайман. Ўртоқлар, бу доклад менга жуда ёқди. Нега десангиз бу доклад чалкаш масала-

ни тамом ечиб берди. Шахсан мен докладдан нима тушундим? Ҳар бир комсомол, пролетарий ўзининг жинсий интилишларини қондира олади ва қондириши лозим. Жинсий жиҳатдан нафсни тийишни аксилинқилобий мешчанлик деб баҳоламоқ керак. Ҳар бир комсомолка, ишчи факультетида ўқувчи, ҳар бир пролетар қиз, агар комсомол йигитга ёқиб қолган бўлса, у ўша синфдош ва партиядош ўртоғининг айтган гапига кириши керак, аксинча бўлса, у қиз комсомолка номини олишга номуносиб мешчанка бўлиб чиқади. Иттифоқимизнинг аёллардан иборат иккинчи ярми буни англаб, тушуниб олганида биз олға томон катта қадам босган бўламиз.

**Христовой.** Студентман. Менинг фикримча, комсомол қизлар орасидаги аҳвол докладчи айтгандан тамом бошқача. Мен Тихонов-Луговойнинг бу сўзларини аввал ҳам эшитган эдим. Мен амалий иш қилишни яхши кўраман, шунинг учун комсомолкаларнинг жинсий масалага қандай қарашларини амалда кўрмакка қасд қилдим. Битта қизнинг атрофида ликанглаб, гапимга кир, мен ҳам, сен ҳам эски урф-одатлардан мусаффомиз, балоғатга етганмиз, иккаламиз ҳам йигирманни уриб қўйдик, лекин атрофингда гиргиттон бўлишга менинг тобим йўқ, дедим-да, гапнинг пўст калласини ўртоқларча оппа-очиқ айтдим-қўйдим. Оқибат нима бўлди? Ўртоқлар мен шундай бир жавоб олдимки, туёғимни шиқиллатишимга тўғри келиб қолди. Кепкамни бўлса, деразадан кўчага иргитиб ташладилар. Иккита-учта эмас, деярли ҳамма комсомолкалар менга ана шунақа рад жавобини бердилар. Қизлар жинсий алоқадан воз кечган эмаслар, албатта, аммо уларни гангитиб, тузоғинга тушириб олиш учун, мен сизга айтсам, энг камида ярим ой овора бўлиш керак. Комсомолкаларнинг тузоққа тушиши ўзи менга ёқмайди, мен буни нафратга лойиқ иш деб биламан, аммо менга бир комсомолка: «Аҳмоқ экансан, тушингинки, биз ҳам муҳаббатга зор-миз, шунинг учун адашамиз, тузоққа илинамиз» деб тушунтирди. Менинг фикримча, комсомолкаларнинг ўзларини ҳам, бизни ҳам қондиришдан бош тортаётганига сабаб улар бола бўлиб қолишидан қўрқадилар. Шунинг учун мен болаларни ижтимоий йўллар билан тарбиялаш зарурлиги масаласини ўртага кўндаланг қўяман. Биз болаларни туғдираверамиз-у, давлатга топшираверамиз. Бу давлат учун ҳам яхши — чунки халқ туғилади, уни давлат қандай хоҳласа шунақа тарбиялай олади, бу бизга ҳам яхши — биз ҳам табиий эҳтиёжимизни қондиришни жамият учун фойдали иш билан қўша оламиз.

**Водоносов.** Христовойга ва докладчига савол: ундай бўлса, одам билан, масалан, чўчка орасида қанақа фарқ бўлади?

**Пивоваров.** Мен ўқитувчиман. Бу ерда фақат комсомол йигитлар ҳақида гапирдилар, уларни шаҳвоний бузуқликка чақирдилар, бу гўё келажак жамиятнинг белгиси эмиш. Лекин мен, мана, ёш ўқитувчиман ва айтмоқчиманки, докладчи бугунги муаммоларни тўғри қўйган бўлса ҳам, уларни ҳал қилиш ўрнига чигаллаштириб юборди. Аммо бу фақат комсомолларнинг нуқсони эмас, иссиқ-совуқни кўрган катта ўртоқларнинг ҳам нуқсони. Жинсий алоқа масаласига улар жуда юзак қарайдилар. Эркак ва аёл орасидаги алоқанинг давомли бўлишини улар тан олмайдилар. «Эр» ва «Хотин» деган гаплар одамни қизиқтирмайдиган, сийқаланган нарсалар эмиш, оила — нуқул мешчанлик эмиш. «Хотинингиз қаерда ишлайди?» деб сўрасангиз, улар буни қаттиқ ҳақорат деб биладилар. Улар ё тўғри жавобдан қочиб, масхара қилиб, кулиб қўядилар ёки «қайси хотинимни айтасиз?» деб савол берадилар. Мен битта масъул ходим билан таниш эдим, у одам қаерда ишласа ўша жойдан хотин топиб олар эди. «Шунақа яшаш ҳам мумкинми, ахир, бу ўтакетган расволик-ку!» деган саволга бу ходим одатда: «Сен ҳали ёшсан, нима яхшию, нима ёмон — тушунмайсан. Мен бир



хотин билан руҳан яқинман, иккинчи хотин билан жисман яқинман, учинчисини кўрганамда эса ҳам руҳий, ҳам жисмоний яқинлик ҳис қиламан» деб жавоб берар эди. У ходим пировардида мени «аҳмоқ мешчан» деб ҳақорат қилди. Эмиш, мен жинсий муносабатларга коммунистларча муносабат қандай бўлишини тушунмас эмишман. Мен бу муносабатларга шахсиятпараст, тор фикрли одам нуқтаи назаридан қарар эмишман.

Нуренков а. Прохоров мануфактурасида ишлайман. Докладчимизнинг фикрлари сип-силлиқ, лекин фақат қоғозда сип-силлиқ, ҳаётда-чи? Биз, комсомолларнинг шўхлигимиз оқибатлари дардини ким тортади? Хотинлар тортади. Ёки сизлар болаларнинг нимадан туғилишини унутиб қўйганмисиз? Ундай бўлса, мен ҳозир эсингизга солиб қўяман. А-а, биламиз денг? Эсларингга тушибди-да! Нега сиз ана у ёқда — чордевордан ташқарида буни унутиб қўясиз? Бугун бир қиз билан дўстлик қилар эмишсиз-да, эртага бошқа қизга кўнгил берар эмишсиз. Шунақа қилиб, умр ўтиб, мункайганингизни сезмай қоласиз. Бизда нега аборт кўп? Қим сизга аёлнинг соғлиғини барбод этиш ҳуқуқини берди? Ахир, ҳаётни ҳаммага аёл беради-ку! Мен Марксни ўқиган эмасман, аммо сиз айтган гапларни Маркс ёзганига ишонгим келмайди. Нега сизлар биз, аёлларни эркинликдан маҳрум этасизлар? Йигит менга бир тикилиши ҳамано мен дарров унинг тагига ётишим керак эмиш. Акс ҳолда мен мешчанка эмишман. Туёнингизни шиқиллатинг! Ҳа! Ўзларингга ҳам бир қаранглар: докладчи ҳам, Гончаров ҳам расвои радди маърака-ку! Шунақа башаралар қайси қизга ёқади? Сизлар «бир стакан сув» деган гапни ўз ниятларингизга тезроқ етмоқ учун ўйлаб чиқаргансизлар. Мен бўлса, кимни севсам, фақат шунга тегаман — мана менинг сизга айтадиган гапим! Биз не учун революция қилдик — аёл ҳам эркин бўлсин учун... Нима деясан? Менинг гапларим Марксга қаршими? Қайси Марксга? Сенинг Марксингга қарши бўлса, қаршидир, аммо бизнинг Марксимизга, ана у серсоқол Марксга менинг гапларим худди қуйиб қўйгандек тўғри келади! Ҳа!

Раис. Доктор Эпштейн, сиз сўзга чиқасизми?

Эпштейн. Мен айтадиган гапимни айтиб бўлдим.

Раис. Ундай бўлса, протоколга мундай деб ёзиб қўямиз: «Доктор Эпштейн нутқи: «Нега мен болалигимда ўлиб кетмадим». Шу билан мунозарани ёпиқ деб эълон қиламан.

Мажлисида ҳозир бўлганларнинг фикрлари бир-бирларига сира тўғри келмагани учун, доклад юзасидан резолюция қабул этиб бўлмади. «Мунозарада иштирок этганларнинг ҳаммаси, шу жумладан, докладчи ҳам шу тунда Петровский депосида темирўлчилар фойдасига ишлаб берсин» деган умумий резолюция бир оғиздан қабул этилди.

«ЯШАСИН КОММУНИСТИК МЕХНАТ БИЛАН ТУЗАТИЛГАН СОҒЛОМ ПАРОВОЗЛАРИ!»  
«ОЧЛИК ВА СОВУҚҚА МЕХНАТ ВА ИНТИЗОМ БИЛАН ЗАРБА БЕР!»

## Тўртинчи кўриниш

Лениннинг Кремлдаги квартирасида ошхона. Тушки ва кечки овқат доимо шу ерда қилинади. Бизнинг спектаклимизда Надежда Константиновна Крупскаянинг ва Мария Ильинична Ульянованинг ролларини ўйновчи актрисалар дастурхон тараддуидалар. Проектор сахнада турган, Клара Цеткин родини ўйнайдиган актрисани ёритади.

Актриса. Лениннинг рафиқаси ва синглиси кечки овқатга ўтирган маҳалда Клара Цеткин кириб келди ва ўша ҳамано сидқидилдан дастурхонга таклиф этилди.

Ульянова. Келинг, Клара келинг. Биз доимо ошхонада йиғилишамиз, бу ернинг ўз фазиси бор.

Крупская. Марҳамат! Озимизни ҳам кўп ўрнида кўргайсиз.

Цеткин (*ошхонага кириб ўтиради*). Миннатдорман.

Ульянова. Надя, шундай азиз меҳмон келганда бирор ширин нарса тополмаймизми?

Крупская. Шкафда бир банкача мураббо бўлса керак.

Цеткин. Бу нарса — ортиқча, гапимга ишонинг (*залга*). Қлара Цеткин Крупскаяни беш йилча кўрмаган эди. Крупскаянинг ёқимтой қиёфасида, меҳр тўла нигоҳида унинг соғлиғини қақшатаётган маккор хасталикнинг ўчмас излари бор эди. Аммо шу нарсани истисно қилганда, Надежда Константиновна аввал қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай — тўғрилиқ, соддалик ва камтарликнинг мужассами эди. Уни Ленин билан бирлаштирган нарса — ҳаётнинг мақсад ва маъносини тушунишда энг самимий фикрдошлик эди. Надежда Константинова Халқ Маориф комиссарлигида ишлар, Лениннинг ҳамма ташвишларига шерик эди. Лениннинг «Правда»да масъул секретарь бўлиб ишловчи синглицы Мария билан бирга Владимир Ильичга худди оналарча ғамхўрлик қилар эди. Бу икки аёл Лениннинг турар жойини энг олий маънодаги ҳузур-ҳаловат маконига айлантирган эди. Немис мешчанининг хаёлидаги ҳузур-ҳаловат марказига эмас, албатта, маънавий ҳаётга тўлаллиги жиҳатидан олий маънодаги маконга айланган эди бу жой. Бу ерда мусаффо ростгўйлик, самимийлик, хайрихоҳлик ва меҳрибонлик руҳи ҳукмрон эди. Кейинроқ Ленин кириб келганида Қлара ўзини узил-кесил ўз уйида ўтиргандек ҳис эта бошлади.

#### Ленин пайдо бўлади.

Ленин. Салом, Қлара! Менинг бекаларим сизни нима билан меҳмон қилишяпти? О! Мураббо! Қлара, сиз тез-тез келиб турсангиз бўлмайдими? Ҳақиқий мураббо-ку! Ойим ҳам шундай мураббо пиширар эди.

Цеткин. Геноссе Ленин, сиз мунақа майда-чуйдалардан баланд бўлишингиз керак.

Ленин. Мен бўлсам мунақа майда-чуйдалардан пастман. Бўйнимга оламан. Бир ҳафтадан бери менинг шу шкафга бир назар ташлагим келар эди, мен ўзим билан ўзим олишдим ва кўриб турибсизки, ўзим устимдан ўзим ғолиб чиқдим. Мураббони мен еб қўйган бўлсам, ҳозир сизни нима билан меҳмон қилишар эди бу бечоралар?

Цеткин. Доимо мен сизни тамом яхлит одам деб юрар эдим, лекин, энди билсам, сиз ҳам зиддият ва иккиланишдан холи эмас экансиз. Шундай эмасми?

Ленин. Қлара, бу гаплар ҳаммаси — афсона, мен ҳеч ҳам яхлит одам эмасман, мен мутлақо иккиланувчи одамман. Гёте, «Афсуски, менинг қалбимда икки руҳ яшайди» деганида у мени ҳам айтган. Мен зиддиятлар гирдобидаги одамман. Масалан, оёқ кийимимни тозалашни мен жуда ҳам ёмон кўраман. Жуда ҳам! Болаликдан одатим шу. Шу билан бирга ифлос ботинкада юришга сира ҳам тобим йўқ. Бошқаларни ҳам тозаланмаган оёқ кийимда кўрсам, жуда ғашим келади. Баъзи вақтда мана шу зиддият гирдобидан қандай чиқиш йўлини тополмай гаранг бўламан, Қлара. Надя нажоткор бўлади. Надя менинг азобу уқубатимга қараб туради-да, бирдан-бир чорани ўртага ташлайди: шчёткани қўлингга ол, дейди. Оламан. Оламан-да, дунёдаги ҳамма нарсага лаънат ўқиб, ана шу қуриб кетгур расво ботинкамни тозалай-вераман-тозалай-вераман!

Цеткин. Сиз ўтакетган лофчи экансиз.

Ленин. Қасамёд этаман — гапим рост... Сизлар нима билан машғулсизлар?

Крупская я. Маняша мақола гранкаларини олиб келган экан, шу мақолага илова бўладиган фотографияларни танлаяпмиз. Мақолада сенинг бутун эллик йиллик ҳаётинг ёзилган.

Ленин. Мақола қалай?

Крупская я. Бошдан-оёқ беҳуда гаплар!

Ульянова я. Йўғ-е, Надя, бошдан-оёқ эмас.

Крупская я. Мен бу мақолани дабдала қилиб юбордим. Ҳамма нарса чалкаштириб юборилган. Мақола ёзишнинг ўзи, умуман, кераксиз нарса.

Ленин (*фотографияларни кўздан кечирар экан, Цеткинга*). Мана бу отам. У акам қамалмасдан илгари вафот этган эди. Билолмадим, ҳаёт бўлганида нима бўлар эди?

Ульянова я. Ойим отамдан матонатлироқ эди, иродаси жуда ҳам кучли эди.

Ленин. Мен сизга айтсам, Клара, ўшанда ҳамма таниш-билишларимиз биздан ўзларини тортиб қўйдилар. Саломлашишга қўрқар эдилар. Кўчада учратиб қолсалар, биздан юз ўгириб, кўчанинг нариги томонига ўтиб кетар эдилар... Мана бу кекса муаллимнинг кечқурунлари мен билан шахмат ўйнашга келиш одати бор эди... Соат еттида ошхонада эшикнинг ҳар бир гийт этганига қулоқ солиб ўтирардим. Келмади. Эртасига ҳам келмади. Умуман, келмади. Ўшанда мен кўп нарсани тушундим... Россияда қамалган кишининг не ҳолга тушишини ана шунда англадим. Бир томонда — қўрқув, даҳшат, иккинчи томонда — ёрдам қўлини чўзиш ва хайрихоҳлик.

Крупская я. Мақолада эса бу ҳақда нима дейилган? Уқишга уяласан киши! Одам ўзининг маънавий қувватини қаердан олади? Оиладан. Бу хосият айниқса, руслар учун жуда характерли.

Ленин (*Цеткинга фотографияни узатади*). Ойим...

Крупская я. Кўпдан бери ойимнинг қабрини зиёрат қилганимиз йўқ.

Ленин. Шу қиш мен Питерга бораман.

Ульянова я (*Цеткинга*). Мана бу — Надя. Шушенскоеге жўнаш олдида. Бу қишлоқ Сибирда. Булар иккаласи ўша жойда сургунда бўлишган.

Крупская я (*суратга назар ташлаб*). Пахмоққина қиз эканман.

Ульянова я. Бекор гап. Дўндиққина қиз экансан. Володя, айт.

Крупская я. Мақоланинг муаллифи Шушенскоени қандай тасвир этибди, денг? Уқисанг, кулгинг келади, уят! Биз эрталабдан кечгача ўтириб олиб, фақат революцияни гапирар эмишимиз-да, Веббларнинг тредюнионлар ҳақидаги китобини инглизчадан таржима қилиш билан машғул эмишимиз, холос. Ахир, биз у вақтда ёш эдик, эндигина уйланган келин-куёв эдик-ку. Биз ошиқ-маъшук эдик, дастлабки маҳалда ёшлик завқи-шавқидан бошқа ҳеч нарса кўзимизга кўринмас эди. Маняша, мен сенга айтсам, мақола муаллифи ақлли эмас экан. Ўзининг ёшлигини эсига олиб кўрсин-чи боёқиш.

Ленин индамай хотинининг қўлини ўпади.

Ульянова я. Мен энди муаллифга нима дейишим керак?

Ленин. Муаллифга Гоголча ёзишни таклиф этсак, нима дейсизлар-а? Келажак авлодлар ундан ўпка қилмайдилар, бунисига мен кафил.

Ульянова я. Қўйсанглар-чи, мен сизларга жиддий гапиряпман, сизлар бўлса ҳамма нарсани ҳазилга бурасизлар. Володя, бу гапни қўй, ростини айт, сенга доктор Обух нима деди?

Ленин. Мен сизларга айтдим-ку: хатарли ҳеч нарса йўқ. Сайр этишим, дам олишим керак ва ҳоказо. Доктор билан учрашганим ҳа-

моно мен сизларга қўнғироқ қилган эдим, аммо ҳеч кимни тополмадим.

Крупская. Мен темирйўлчиларнинг йиғилишида эдим. Ҳамма бир гапни такрорлайди. Ҳар кимдан ўз сўзини эшитгинг келади киши. Ахийри биттаси чиқиб нима деди, денг: «Совет Россияси бепоёнлиги ва кенглиги билан сира енгилмасдир».

Ленин. Яна савод ва маданияти билан енгилмас бўлса, қандай яхши бўлар эди-я!

Цеткин. Геноссе Ленин, Россиянинг бесаводлигидан мунчалик қаттиқ ўпка қилмасангиз ҳам бўлади. Бир жиҳатдан олганда, халқнинг бесаводлиги, сиз большевиклар учун савоб иш бўлди. Ҳа, ҳа, худди мана шу бесаводлик сизга революция ишини осонлаштирди.

Ленин. Яъни?

Цеткин. Саводсизлик ишчи ва деҳқоннинг миясини буржуа пропагандасининг таъсиридан сақлаб қолди. Сиз большевистик уруғни бўз ерга сочингиз. Аввал бутун бир ёввойи ўрмонни кундаков қилиб, уруғ сепгандан кўра, бўз ерга уруғ сешиб, ҳосил кўтариш осонроқ.

Ленин (сукунатдан сўнг). Клара, мен сизнинг фикрингизга қўшилмайман. Биз саводсизликка умид боғлаган эмасмиз. Саводсиз киши сиёсатдан ташқарида туради. Ҳокимият учун кураш, эски давлат аппаратини яқсон этиш зарурати бор маҳалда саводсизлик билан чиқишиш мумкин эди. Аммо биз яқсон этиш учунгина яқсон этдикми? Йўқ, биз яхши дунёни яратиш учун эски дунёни яқсон этдик. Курилиш вазифаси эса саводсизлик билан салгина ҳам чиқишолмайди, бутунлай чиқишолмайди. Саводсизлик — боши берк кўча. Бугун биз қашшоқ халқмиз; тамоман бесаводмиз.

Крупская. Қанча ишлар қилинаётганини ҳам айт-да, Володя (Цеткинга). Саводсизлик билан чинакам жанг қиляпмиз. Кутубхоналар, кироатхоналар, оқартув поездлари...

Ленин. Бизнинг «бепоёнлигимиз ва кенглигимиз» олдида булар — денгиздан бир томчи, холос. Бизга иккинчи Октябрь — маданий революция керак. Ешларни эса саводсизликни битиришга ташлаш керак.

Крупская. Бу ўқитувчиларнинг ўзларини ҳали ўқитиш керак.

Ульянова. Керак. Лекин уларга ҳозир ҳамма жойда берилаётган таълим ҳеч кимга керак эмас.

Крупская. Ҳақ гап.

Цеткин (қизиқиб). Уларга ҳозир қанақа таълим бериляпти?

Ульянова. Ҳамма нарса яқсон қилинди, биз яп-яйдоқ жойга келдик, ўтмиш маданияти энди йўқ, деб таълим берувчилар бор бизда.

Цеткин. Бу қанақа гап бўлди?

Ульянова. Шунақа гап: «Битсин Пушкин» эмиш. «Битсин Рафаэль», «Битсин Данте» эмиш!

Цеткин. У ҳолда битмаган нима қолади?

Ульянова. Шарлатан-фирибгарлар бор орамизда, улар аллақандай алоҳида пролетар маданиятини ўйлаб чиқарибдилар ва ҳамма-нинг қўйини пуч ёнғоққа тўлдириб юрибдилар. Маориф комиссарлиги эса сипогарчилик қилиб ўтирибди, уларга зарба беришдан ҳайиқяпти.

Крупская. Нопок кишиларга зарба бериш керак. Масаланинг мураккаблиги шундаки, бундай гапларни кўтариб юрганларнинг асосий қисми пок кишилар.

Ульянова. Клара, бу масалада бизда чалкашлик ҳаддан ортиб кетди, масаланинг тагига етиш мушкул (залга). Бир неча кун ўтади-ю, Владимир Ильич бундай дейди: «Пролетар маданияти аллақандай номаълум жойдан келиб чиққан нарса эмас. Пролетар маданияти ботида ўзларини мутахассис деб атовчи кишилар ўйлаб чиқарган нарса эмас. Бундай деб ўйлаш бутунлай беҳуда нарса. Пролетар маданияти инсоният яратган билим запасларини қонуний равишда тараққий эт-

тиришдан иборат бўлмоғи лозим...» Владимир Ильич бошларни ахлат билан тўлдириш ўрнига, ўтмиш маданиятнинг энг яхши намуналарини, анъаналари ва самараларини олиб, ривожлантириш кераклигини бундан кейин ҳам қайта-қайта айтади, аммо бу фикрларни ҳамма ҳам дарров тушунавермайди ва қабул қилавермайди, эҳтиросли баҳслар яна узоқ давом этади.

Л е н и н (*истеҳзо билан*). Сизлар қариб, кексайиб қолибсизлар, шунинг учун ҳозирги ёшларнинг эҳтиёжларини тушунмайсизлар.

У л ь я н о в а. Сен ўзинг тушунасанми?

Л е н и н. Мен ҳам кексаман.

У л ь я н о в а. Ҳозирги замон эҳтиёжлари нима эканини кўриб қўйинглар «Правда»га эълон юборишибди (*папкадан бир варақ қогоз оладида, ўқийди*). «Жума куни мунозара бўлади. Мавзу: «Қизил Пресня райони ёшлар нуқтаи назаридан, капитализмдан социализмга ўтиш даврида жинсий муаммолар». Бир аҳмоқ докладчи пайдо бўлибди, ёшлар бўлса бундай мажлисларга ёпирилиб келишяпти...

К р у п с к а я. Ҳақ гап (*ўқийди*). «Қизил Пресня райони ёшлари нуқтаи назаридан» эмиш!.

Л е н и н (*кулади*). Бўлмасам-чи? Жинсий масалада шаҳар бўйича районлаштириш принципи жуда катта аҳамиятга эга. Жинсий жиҳатдан балоғатга етиш — Соколники районида бир хил, Красная Пресняда — иккинчи хил. Хамовка районида бўлса — тамоман ўзгача.

К р у п с к а я. Маня айтмоқчи, бу мунозараларга йиғилган одам еру кўкка сизмайди, тонг отгунча ўтиришади, ҳамманинг олдида беҳаё гапларни айтишдан тойишмайди. Шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг вакили доктор Эпштейн бечора бўлса, лол бўлиб қолибди-да: «Нега мен болалигимда ўлиб кетмадим!» дейишдан нарига ўтолмабди.

Л е н и н (*кулади*). Нима-нима? Эпштейн бошлабди-ку, уларни! Бундан чиройлироқ гап бўлиши мумкин эмас.

Ц е т к и н. Аммо, бу мунозараларда, балки, айбситадиган бир гап йўқдир. Сизларга муболаға қилиб айтиб беришгандир. Ахир, жинсий муаммоларни муҳокама этиш йўли билан ҳам тарихий материализмга келиш мумкин-ку ахир.

Л е н и н (*хушчақчақ*). Нима-нима? Қани, қани, Клара — кўнглингда борини айт. Сен айтган йўл — тарихий материализмга олиб келадиган янги ва, яширмай айтсам, жуда қизиқ, ўзига хос бир йўл.

Ц е т к и н (*табассум билан*). Геноссе Ленин, менинг гапимга кулишга шошилманг. Мен етарли даражада жиддий гапиряпман. Буржуа жамиятининг жинсий муаммоларини марксистик нуқтаи назардан таҳлил этиб, шу жамиятнинг ўзини таҳлил этишга келиш ва ундан кейин: «Эски дунё истеҳкоми барбод этилиши лозим» деган хулоса чиқариш мумкин эмасми? Фикримнинг нотўғри эканини исбот қила оласизми?

У л ь я н о в а. Ана, Володя, қўлга тушдинг.

Л е н и н (*қизгинлик билан*). Клара, сиз ўз партиядош ўртоқларингизнинг яхши ҳимоячисисиз ва менинг дўстимсиз, аммо ҳақиқат мен учун ҳамма нарсадан қимматлироқ. Сиз айтган гап тўғри, лекин бир шарт билан тўғри — агар ўша таҳлил ҳақиқатан марксистча таҳлил бўлса. Сиз бунга кафили бўла оласизми? Ахир, марксистик таҳлил учун забардаст илмий кучлар керак. Қани ундай кучлар? Бу кучлар қаерда бор? Сизлардами? Биздами? Аҳвол шундай экан, оқибат — тарихий материализм бўлмай, муаммоларни титкилаш бўлади, холос.

Ц е т к и н. Масалани бунақа қўйганда, рост, сиз айтган хавф бор. Сизнинг фикрингизга қўшилиб, яна айтишим керакки, мен ҳам Берлинда жинсий масалага ортиқча аҳамият берувчилар билан олишдим, аммо, ўзингиз биласизки, ўз юртингда эътибор топиш жуда мушкул иш. Оқибатда «мешчанлик қиляпсиз» деган таънани эшитдим, холос.

Л е н и н . Тупуринг бу гапларга! Мендан ҳам шу муносабат билан мешчанлик ва риекорлик ахтаряптилар. Лекин менинг парвойим фалак. Бунисига ҳам чидаймиз.

К р у п с к а я . Володя, гапинг тўғри-ку, аммо бугун бу масалалар ёшларнинг бошини қотираётганини сен ҳам рад этмасанг керак.

Л е н и н . Рост, Қлара. Мен бунга иқрор бўлишим керак. Афсуски, ёшларимизнинг каттагина бир қисми буржуазиянинг жинсий масалага доир ахлоқини тафтиш қилиш деган бемаъни нарса билан машғул. Қўшимча қилиб айтишим керакки, энг яхши ёшларимизнинг — бизни умидвор этгувчи ёшларимизнинг каттагина бир қисми шу билан машғул. Бу ҳам бир нав сўллик деган болалик касали... ўтиб кетади, албатта, ўтиб кетади, аммо...

Ц е т к и н . Нега бу ҳол сизни мунчалик қаттиқ ташвишга солади? Келинг, бу ҳодисага марксистларча назар ташлайлик. Уруш. Революция. Ҳамма одатий тасаввурлар ларзага келган. Ҳамма нарса ағдартўнтар бўлган. Аввал азиз деб тушунилган ҳамма тасаввурлар барбод бўлган, энди улар ҳеч кимни нотўғри йўлдан қайтаролмайди. Янгилик эса эндигина туғилиб келяпти. Буржуача оиланинг нопоклиги, эски дунёнинг жинсий масаладаги ахлоқнинг разилона иккиюзламалиги энг яхши кишиларнинг қалбини чуқур нафрат ҳисси билан тўлдирмоқда. Кишилар бу пасткашликка қарши бош кўтармоқдалар. Айниқса, ёшлар кескин бош кўтармоқдалар. Ҳаддан ташқари, дейсизми? Жўшқинлик ҳар кимнинг ёшига қараб бўлади. Сизнингча, буларнинг ҳаммаси ҳозирги замон ёшларининг буржуазияга ва уни азиз деб билган маънавий нарсаларига қаршилиги, шаклан бесўнақай, аммо моҳияти жиҳатидан ҳаққоний қаршилиги эмасми?

Л е н и н . Лаззатланишда хилма-хиллик ахтариш ташналиги бу мунозараларни қизитяпти ва осонлик билан ҳукмронлик касб эта бошлаяпти. Сизнинг фикрингизча ҳам шунақа эмасми? Бу лаззатланиш ташналигини «бир стакан сув» назарияси ниқобига буркамоқчи бўлишяпти, бу назариядан ёшларимиз қутурипти; бу бориб турган қутуриш. Бу назария кўп йигит ва қизларнинг бошига битган бало бўлди. Кимдир уларга, бу — марксча назария, дебди. Минг раҳмат-э бунақа марксизмга! Мен тарки дунё қилган тунд одамга жуда кам ўхшайман, аммо ёшларнинг, балки катталарнинг ҳам, янги жинсий ҳаёти, деб атаётган нарса менга кўпинча соф буржуа ахлоқи бўлиб кўринади, назаримда у ҳақиқатан ҳам «диёнатли» буржуа фоҳишахонасининг бир тури бўлиб қолади. Сиз айтган нафрат бизда ҳам шунақа йўлга кириб бораётир.

К р у п с к а я . Бу «стакан»нинг ижтимоий томонини унутмаслик керак. Акс ҳолда ўта ваҳшиёна бир нарса келиб чиқади. Аслини олганда, бир стакан сув ичиш ростдан ҳам ҳар бир кишининг шахсий иши. Аммо муҳаббатда икки киши иштирок этади, бунинг натижасида эса янги, учинчи бир ҳаёт майдонга келади. Худди шу учинчи ҳаётни эътибордан соқит қилолмайсан киши.

Л е н и н . Йўқ-йўқ, бу машмашаларнинг ҳаммаси биз, коммунистлар тушунган муҳаббат эркинлигига сира ўхшамайди.

Ц е т к и н . Геноссе Ленин, биз, коммунистлар, муҳаббат эркинлигини қандай тушунамиз?

Л е н и н . Афсуски, орамизда Инесса Фёдоровна ҳозир эмас. Бу масала юзасидан ўн бешинчи йилда, Инесса Фёдоровна бир брошюра ёзганда иккаламиз қаттиқ мунозара қилган эдик.

Ц е т к и н . Уртоқ Арманд қаерда?

Л е н и н . Биз уни Москвадан Кисловодскка ҳайдаб юбордик. Уғли билан бирга дам олгани кетди (*залга*).

«Уртоқ Инесса вафот этди, кутқаришнинг иложи бўлмади» деган бор-йўғи еттита сўз шу пайтда телеграф симлари орқали Россиянинг далалари ва ўрмонлари оша Кремлга келаётганини булардан ҳеч бири билмасди. Оғир мусибат буларни эртага ларзага солади-ю, фалокатга сабаб — вабо эканидан улар эртага кекқурун хабардор бўладилар. Икки ҳафтадан кейин улар тунги соат учда Қозон вокзалида рухланган тобутни қарши оладилар. Тобут мотам аравасига ўрнатилади. Владимир Ильични машинага ўтказмоқчи бўлишса ҳам, у: «Тобут орқасидан пиёда бораман» сўзларини шундай қатъият билан айтадики, ҳеч ким унга эътироз билдиришга журъат этолмайди. Тонг пайтида у билан Надежда Константиновна уйғонаётган бутун Москва бўйлаб тобут орқасидан аста қадам босиб борардилар. Ундан кейин неча минглаб кишилар Союзлар уйининг кўкимтир залида турган ёпиқ тобут олдида ўтади. Аммо бир вақтлар гўзал бўлган бу ажойиб аёлнинг нуруний киёфасини энди ҳеч ким кўролмайди. Бу аёлни Ленин ва Крупская билан содиқ дўстлик иплари боғлаган, бу дўстлик узоқ ва машаққатли йиллар синовидан ўтган эди. Ҳаётлигида ҳам, вафотидан кейин ҳам бу аёлни бутун партия фақат исми билан атар, фақат Инесса деб тилга олар эди. Шу мотам кунда одамлар ўша тобут олдидаги гулчамбарни кўрадилар, унинг атлас тасмасига «Уртоқ Инессага В. И. Лениндан» деган сўзлар ёзилган бўлади. Лекин бу воқеаларнинг ҳаммаси — кейин, телеграмма келгандан сўнг содир бўлади, телеграмма эса эртага эрталаб келади...

**Ц е т к и н .** Геноссе Ленин, биз, коммунистлар, муҳаббат эркинлигини қандай тушунамиз?

**Л е н и н** (*фикр юриади*). Ҳар ҳолда бу — муҳаббатга жиддий қарашдан озодлик эмас. Муҳаббат эркинлиги, деган сўз хотиннинг эрга хиёнат қилишга ҳаққи бор, деган сўз эмас. Аниққи, муҳаббат эркинлиги муҳаббат бобида моддий, молиявий жиҳатларни мўлжаллаб иш қилишдан озодлик, демакдир... Жамият хурофотларидан озодлик... Отаналарнинг зўравонлигидан озодлик... Қонун, суд ва полициянинг жабркор кишанларидан озодлик, деган сўз бу. Инсоннинг тўлатўкис мустақиллиги, ҳар қандай пайтда «йўқ» дея олиш эркинлиги бу... Ва ҳоказо, бу масаланинг нозик томонлари кўп. Инесса баъзи масалаларда мен билан баҳслашган эди. Бир хатида ҳатто ўткинчи эҳтирос ва алоқа ҳам бемаъни ва бетутуруқ эру хотинларнинг муҳаббатсиз бўсаларидан гўзалроқ ва тозароқдир, деб ёзган эди у.

**Ц е т к и н .** Шундай эмасми, ахир?

**Л е н и н .** Мен ҳамма вақт ўйлайманки, мантиқ нуқтаи назаридан қараганда, муҳаббатсиз бўсаларга муҳаббатли бўсаларни қарши қўймоқ керак. Муҳаббатсиз, бетутуруқ ва ифлос никоҳга муҳаббатли никоҳни қарши қўйиш керак. Ўткинчи алоқа-эҳтиросга келсак у тамом тоза бўлиши ҳам, ифлос бўлиши ҳам мумкин.

**Ц е т к и н** (*ажабланиб*). Ўткинчи алоқа-эҳтирос-а?

**К р у п с к а я .** Клара, ҳаётда шунақа бўлмайдими ҳеч? Мавжуд, бор нарсани тан олмаслик...

**Ц е т к и н .** Ҳа, сизлар ҳақ бўлсаларингиз керак. Қаранг-а, қанақа мураккаб масалалар, уларни ҳал этишда гангиб қолиш ва «риёкорсан» деган ҳақли таънага дучор бўлиш ҳеч гап эмас. Мени жин урсин, жин урсин, — ўзимга ўзим сира ҳам ёқмай турибман.

**У л ь я н о в а .** Ана у мунозарада ҳам одамлар тоза гангиб қолишибди. Тарозининг бир палласига пала-партиш жинсий ҳаёт олиб борувчи пролетаркани, иккинчи паллага бой қаллиқни излаб ҳеч ким билан учрашмаётган буржуа қизини қўйибдилар-да, буларнинг қайси бири ёмон эканини аниқлашга бутун кечани сарф этибдилар.

**Л е н и н .** Афсуски, иккала қиз ҳам тарозининг бир палласида, иккаласи ҳам расво. Менимча, жинсий ҳаётда инсоннинг табиатдан олган хусусиятларигина эмас, балки маданиятдан орттирган фазилатлари ҳам иштирок этади. Шунга қараб, одамнинг муҳаббати олижаноб бўлиши ҳам, разил бўлиши ҳам мумкин. Одам ё: «Пушкин билан Толстой керак» дейди, ёки бетутуруқ роман ва бемаъни латифа билан тамоман қаноат ҳосил этади. Ҳа, ҳа, масаланинг туб томири шунда — маданиятда! Маданият! Бошқа йўл йўқ! (*сўкунатдан кейин*). Бизнинг

олдимизда бугун миллионлаб муаммолар турибди. Кимларгадир ҳамма нарса қоп-қоронғи ва истиқболсиз бўлиб кўринади. Аммо биз орзу-хаёлга уста одамлармиз. Замонлар келади, кўрасиз, биз ўзимизнинг ютуқларимиз билан, маданият соҳасидаги ютуқларимиз билан ҳам оламни ҳайратга солаемиз.

Коридордан телефон кўнғироғи эшитилади. Ульянова чиқади.

Цеткин. Геноссе Ленин, сиз хаёлпараст экансиз, сизнинг фантазиянгиз зўр экан. Йўқ, йўқ, сиз фантастик асарлар ёзувчиси экансиз.

Ленин. Фантазиям зўр, албатта, Клара. Фантазияси зўр одамлар бўлмаса, бизнинг Россиядек бир мамлакат қандай қилиб революцияни бошлаб юборар эди. Биз голиб чиқамиз. Клара, бунга ишонгимиз келади, ғалаба қозонамиз, кўрасиз. Ва истаймизки, ана шунда большевиклар Россияни қандай аҳволдан қутқарганларини тўғри тушуниш ва баҳолаш учун, орқамизга тез-тез назар ташлайлик ва мана шу оч ва совуқ йигирманчи йилни эслаб турайлик (*табассум билан, эслаб*). «Афсус, у гўзал давронни энди сенга кўрмоқ қайда-ю, менга кўрмоқ қайда!» Майли, Клара, рўҳингиз тушмасин, сиз билан биз қандайдир масалада кексалигимизча қолаверайлик, революцияда ёш бўлсак ба.

Ульянова (*эшик тагида пайдо бўлиб*). Володя, сени Рига чақиряпти.

Ленин. Кечирасиз (*тез чиқиб кетади*).

Крупская. Клара, чой ичасизми?

Цеткин. Йўқ, раҳмат. «Бекиёс халқ йўлбошчиси, фақат ўзининг идроки туфайлигина йўлбошчи бўлган инсон». Инсоф билан айтганда, Жон Риднинг Ленин ҳақидаги ана шу сўзлари ўзининг ҳаққонийлиги билан кишини ҳайратда қолдиради.

Қовоғи солиқ, ўйчан Ленин қайтади.

Ленин. Польшанинг сулҳ ҳақидаги янги шартлари маълум бўлди.

Крупская. Оғир шартларми?

Ленин. Польша учун фойдали ва биз учун жуда оғир шартлар.

Цеткин. Сиз қандай қарорга келдингиз?

Ленин. Қарорни ЦКА чиқаради. Ҳамма иш жуда енгил битмас, деб ўйлайман. Брест сулҳи маҳалида бўлгандек бу сафар ҳам менга ўртоқларимиз билан қаттиқ жанг қилишга тўғри келар. Биз, албатта, бу қиш ҳам чидаб туриб беришимиз мумкин эди, аммо... аммо... Врангель ҳам рўпарамизда турибди. Мулоҳаза ва масалалар кўп, аммо уларнинг энг муҳими — битта: қаттиқ зарурият бўлмаган ҳолда биз рус халқини яна бир қишқи урушнинг даҳшат ва уқубатларига дучор қилишга ҳаққимиз борми? Одамларимиз шунча қийинчиликларга бардош берди, шунча машаққатларни кўтарди, ахир биз ўн тўртинчи йилдан бери урушяпмиз, яна уларни фронтга жўнатайликми? Яна оч қолмоқ, музламоқ, мушкул аҳволда чурқ этмай ҳалок бўлмоқ керакми? Йўқ, уруш даҳшатларини ўйласам, тоқатим тоқ бўлади.

## Йигирманчи йил ҳужжатлари

**«УЛУҒ ҚУРАШДА ҚУРБОН БУЛГАНЛАРГА ШОН-ШАРАФЛАР БУЛСИН, УЛАРНИНГ ИШИ — ТИРИКЛАРНИНГ ИШИ БУЛИБ ҚОЛСИН».**

«Россия Коммунистик Ешлар Иттифоқи Москва комитети Иттифоқининг аъзоларини, хайрихоҳларни ва бутун маданий дунёни жуда чуқур ҳасрат ва надомат билан хабардор қиладики, РКСМ Москва ташкилотининг асос солувчиларидан бири, дўстимиз ва ўртоғимиз Анатолий Перов фронтда жиноятчи оқ бандит кўли билан қаттиқ ярадор қилингандан сўнг йигирма бир ёшида вафот этди».



«Анатолий Перов (таъзиянома). Мана Толя Перовнинг ҳаёт қўшиғи ҳам энг баланд авжда узилиб қолди.

«Халқ эрки» ташкilotининг аъзолари устидан бўлган судда Александр Ульянов томонидан айтилган қуйидаги жумла бизнинг Анатолийнинг энг яхши кўрган сўзлари, унинг ҳаётий эътиқоди эди: «Ўз Ватанининг бахтсизлигини жуда чуқур ҳис этувчи ва шу сабабли ўз ишининг ғалабаси учун қурбон бўлишга тайёр кишилар рус халқи орасида донмо топилади». Ўзининг оғир бетоблигига қарамасдан Анатолий биринчилардан бўлиб қўлига милтиқ олди ва партия ташкilotи ҳам, Ёшлар Иттифоқи ҳам уни фронтга жўнашдан тўхтатолмади.

Анатолий урушни ёмон кўрар эди. Юмшоқ табиатли бу йигит бунёд этишни яхши кўрар эди. Толядан файласуф, олим, шоир чиқиши мумкин эди. Пролетариатнинг душманлари уни солдат бўлишга мажбур этдилар. Ёшлар Иттифоқи ўзининг илғор аъзосини Буюк революция йўлида қурбон берди.

Анатолийнинг ёрқин хотираси олдида қасамёд этайлик, ўртоқлар. Унинг порлоқ орзусини амалга оширамиз; қонли уруш даҳшатлари нима эканини, душманлик нима эканини билмайдиган, одамлар ака-ука бўлиб яшайдиган дунё бунёд этамиз.

Биз етим бўлиб қолдик.

Мен сени ҳеч қачон унутмайман. Алвидо! Ася».

Гитарачи йигитларнинг тоқатлари тоқ бўладию «Марсия» садолари янграйди:

«Изириб ва шодлик явшон юлдузи. Куйламоқ завқ-шавқи — узлуксиз	Тўлқинлар узра бурж — хотирот порлоқ...
Йигирма бир; йилнинг нурафшон зунжир... юзи —	Марсиялар асоси — ўлим. Алвидо, жигар! Улим қўшиғи бу — марсия.
Оппоқ доқа ости қон қотган бағир. Занжир синоқ, байрам, йўқотиш бесар;	Алвидо, ўртоқ!»

«Сўнги йўл.

Киев, 25 сентябрь, телеграф орқали олинди.

Қизил аскарларнинг азиз дўсти ва етакчиси Толя Перов тобути ёнидан тун бўйи жангчилар ва Ёшлар Иттифоқига унинг томонидан бирлаштирилган йигит ва қизлар ўтдилар. Марҳумнинг бошида РКСМ Москва ташкilotининг вакили Ася Истомина мудом турди. Сўнги сўзни ҳам у айтди. Мотам марши оҳанглари остида ёш қаҳрамоннинг жасади ер бағрига узатилади. Қабрга Москва ташкilotи номидан сариқ ва қизил заранг баргларида ясалган гулчамбар қўйилди. Қора-қизил байроқлар эгилди, милтиқлар овози оламни тутди.

Дафн маросими тугаши ҳамано мажлис бўлиб, унда Россия Коммунистик партияси сафига янги аъзолар қабул этилди.

«Алвидо, биродарлар. Сизлар шонли, олижаноб ҳаёт йўлингизни ҳалоллик билан босиб ўтдингиз».

### ҚАРОРДАН КҮЧИРМА

Константин Алексеевич Смагинни РКП(б) аъзолигига қабул этиш масаласи. Ёши—  
ўн саккизда. РКСМ аъзоси.

Сав ол. Сиз, партия аъзолигига ёзилапсизми ёки кирапсизми?

Жавоб. Кирапман.

Сав ол. Россия Коммунистик партияси аъзолигига кирар экансиз, сиз қандай имтиёз ва устунлиқлардан умидворсиз?

Жавоб. Хавфли ишга биринчи қилиб мени юборарлар, деган умиддаман.

Сав ол. Бундан кейинги ҳаёт йўлингизни кўз олдингизга келтира оласизми?

Жавоб. Йўқ, келтиролмайман.

Сав ол. Россия Коммунистлар партиясига киришга сизни нима мажбур этди?

Жавоб. Ўртоқларим ҳалок бўлаётганда мен бир чеккада қараб туролмайман. Уларнинг ўрнини босмоқчиман. Умуман, мен ҳамма сўзимни қасамимда айтганман. Қасамёд этсам, руҳсатми?

Смагин қасамёд қилгандан кейин РКП(б) аъзолигига бир овоздан қабул этилди.

Қўшимча (муаллифдан):

«Коммунистнинг бузилмас ваъдаси — қасами.

Мен коммунист-большевиклар партиясига онгли равишда, беғараз ва ўз ихтиёри билан кириб, ваъда бераман:

ҳамма коммунист ўртоқларни ва бизнинг таълимотимизга фақат сўзда эмас, балки амалда ҳам содиқ бўлган ҳамма кишиларни ўз оилам деб ҳисоблайман; камбағал ишчи ва деҳқонларнинг манфаатлари учун сўнги нафасимгача курашаман;

қўлимдан келганича ва қобилиятим имкон берганича пролетариат фойдасига хизмат этаман;

совет ҳокимиятини, унинг шон ва шарафини амалий равишда ва шахсий намуна кўрсатиб, ҳимоя қиламан;

Мажбуриятларим:

Меҳнаткаш халқнинг душманларини ҳимоя қилмаслик;

Коммунизм таълимотига янгидан-янги тарафдорларни жалб этиш;

Ўз оиламни ҳақиқий большевик қилиб тарбиялаш;

Ваъда бераман:

пролетариатни золимлар зулимдан озод этиш йўлида ўлимга дуч келсам, уни олижаноблик ва қаноат билан қарши оламан;

асирликда ҳам, жангда ҳам меҳнаткашларнинг душманларидан раҳму шафқат тиламайман;

шахсий фойда ёки ғараз учун душманлар олдида ўз эътиқодимни яширмайман.

Қуйидагилардан воз кечаман:

шахсий бойлик, пул ва нарсалар йиғиш;

қимор ўйнашни, ичкиликка берилишни ва шахсий бойлик йиғиш учун савдо-сотиқ билан машғул бўлишни уят деб ҳисоблайман;

одамларни тилига, динига, миллатига қараб бир-биридан ажратишни йўл қўйиб бўлмайдиган иш деб ҳисоблайман, чунки келажакда ҳамма меҳнаткашлар бирлашиб ягона оила тузадилар;

Мен фақат ўз нодонлиги натижасида алданиб, душманнинг домига илинган кишигагина шафқат қиламан, фақат самимий тавба қилиб, душман даргоҳидан биз тарафга ўтиб, ўз гуноҳини иш билан юшиб ташлаган одамларнинггина аввалги гуноҳини кечираман ва эски жиноятларини унутаман.

Агар мен онгли равишда — ғараз билан ёки манфаатимни кўзлаб ўз ваъдаларимдан қайтсам, мохов ва разил хоин деб атасинлар мени, чунки мен ўзимга ўзим ёлгон гапирган, ўз виждонимни алдаган ва инсонлик номига номуносиб иш қилган бўламан».

## Бешинчи кўриниш

В. И. Ленин кабинети. Ленин ўтирибди. Кабинетга йигирма тўрт-йигирма беш ёшлардаги аёл — Сапожникова киради.

Сапожникова (*ҳаяжонда*). Владимир Ильич, мен англашилмовчиликнинг қурбони бўляпман. Мен Октябрь-революциясининг иштирокчисиман, большевикман. Мени омма яхши билади...

Ленин. Сизга нима бўлди, нима бўлди? Тинчланинг, тинчланинг. Илтимос қиламан (*сўз қуйиб узатади*). Илтимос... Марҳамат қилинг.

Сапожникова. Раҳмат (*сўз ишди*). Шундай бир адолатсизлик қилишяптики, шундай бир адолатсизлик...

Ленин. Узингизни босишга ҳаракат қилинг... Илтимос... Мен гапингизни диққат билан эшитай ва қўлимдан келганича ёрдам берай.

Сапожникова. Ҳозир ўзимга келаман, ҳозир... Сиз мени биласиз, ахир... Сиз Лефортовода сўзга чиққанингизда мен президиумда ўтириб эдим, сиз мен билан гаплашгансиз.

Ленин. Дурустроқ ўтириб олинг... Мана шундоқ. Қулоғим сизда.

Сапожникова. Мен Москва Советида ишлайман. Менга Гречихин деган бир деҳқоннинг аризаси тушди. Гречихин бияси ҳукумат ихтиёрига олингандан норози. Бу иш нотўғри эмиш. Мен унинг аризасига, бунингсиз ҳам иш бошдан ошиб ётибди, майда-чуйда ишлар билан машғул бўлишга вақт йўқ, деб резолюция қўйган эдим...

Ленин. Нега бунақа қилдингиз?

Сапожникова. Чунки ҳақиқатан ҳам иш кўп, ҳар қандай бе-

худа нарсаларга вақт сарф қилишнинг пайти эмас. Шу ишим учун мени бағри тош тўра, чиновник деб эълон қилиб, катта ғалва кўтаришдилар ва оқибати — мана (*Ленинга қоғоз узатади*). Мени интизом йўли билан қамоққа олмоқчилар.

**Ленин** (*қоғозни кўздан кечиради*). Тушунтириб беринг-чи, менга: сиз қандай қилиб ва нима учун шундай қарорга келдингиз?

**Сапожников**. Буни тушуниш жуда осон! Биз душманлар қуршовидамиз, гоҳ у жойда, гоҳ бу жойда қўзғолонлар бўлиб турибди, контрреволюция бош кўтаряпти. Яна бир ёқда — Польша бойлари, Врангель. Қизил Армиямиз учун зарур нарсаларнинг ҳаммасини — донни ҳам, қуролни ҳам, буюмларни ҳам, отларни ҳам супра қоқди қилиб, зўрға йиғиб оляпмиз. Битта от масаласида хато қилган бўлсак, нима бўлибди энди? Худди шу бия бизнинг ғалабамизни таъмин этган бўлса-чи? Биз эса ғалаба қозонган ва миллион-миллион одамларни капитализмдан, чоризмдан қутқарган кишилармиз. Шундай ғалаба учун қурбонлардан тоймаслик ҳам керак. Баъзи деҳқонлар битта-икки-та нонни кам есалар ҳам бўлаверади. Ҳалиги деҳқон биясидан ажраб, ўлиб қолгани йўқ-ку, ахир?

**Ленин**. Ўлиб қолса нима қилар эдик?

**Сапожников**. Улса нима бўлибди? Тарих нуқтаи назардан олганда, бу қурбонга ачинмаса ҳам бўлади. Аммо у деҳқон ўлмаган, тирик қолган. Ҳозир янги тарихий давр бошланди. Биз жаҳон революциясини тайёрляпмиз, очлик билан курашяпмиз, миллионларнинг тақдирини ҳал этаётирмиз, коммунизмни қўра бошладик. Эрталабдан ярим тунчага ўрнимиздан турмасдан ишлаймиз, уч кунлаб ухламаган пайтларимиз ҳам бўлган, ҳамма майда-чуйдаларга эътибор беришга ҳаракат этамиз, ана у деҳқон бўлса, орага ўзининг биясини тиқиб...

**Ленин**. Сизнинг фикрингизча, бизнинг революциямиз деҳқонларга нима берди?

**Сапожников**. Ер берди.

**Ленин**. Бу олинган ерни эса ҳайдаш, унга ишлов бериш керак, шундай эмасми? Агар одамнинг ери билан оти бўлса, у ерни ҳайдаши ҳам, экиши ҳам, ҳосил кўтариши ҳам мумкин — масала аниқ. Уша қуриб кетгур бия бўлмаса-чи? Масала яна аниқ: ё от ўрнига қўшга ўзинг туш, агар бунга қурбинг етмаса, тўрва кўтариб, тиланчилик қил. Демак, сиз учун ва сизнинг хато фикрингизга амал қилсак — совет ҳокимияти учун ҳам, Гречихиннинг оти масаласи — диққатга арзимайдиган нарса, ана у деҳқон учун эса — ҳаёт ва мамот масаласи.

**Сапожников**. Сиз масалага давлат нуқтаи назаридан эмас, деҳқон нуқтаи назаридан қараяпсиз-да.

**Ленин**. Энди қурбонлар масаласига келайлик. Афсуски, халқимиз озодлик эвазига ана шунақа қурбонлар беришга мажбур. Аммо аҳмоқлик, қоқоқлик туфайли бераётган қурбонларимизнинг йўриғи бошқа. Бундай қурбонларни оқлашга ҳеч қачон асос бўлмайди.

**Сапожников**. Владимир Ильич, миллионларни ўйлаганингда битта Гречихинни унутиб қўйиш ҳам мумкин.

**Ленин**. Лекин мавҳум миллионлар конкрет Гречихинлардан, уларнинг болаларидан, еб-ичишни, яшашни истовчи конкрет кишилардан иборат. Бу гап ҳеч қачон сизнинг хаёлингизга келмадими? Агар сизнинг «давлат нуқтаи назарингиз» ўз граждандаримизнинг ана шу оддий, кундалик маиший манфаатларини эътиборга олмаса, бунақа давлатнинг кимга кераги бор?

**Сапожников**. Ундай қиладиган бўлсак, биз бир кишини деб минг кишини унутган бўламиз, Владимир Ильич!

**Ленин**. Уртоқ Сапожникова, сизнинг жойингизда ўтирган одам миллионларнинг тақдирини ҳал этмайди. Шундай эмасми? Сизга кон-

крет кишиларнинг тақдири билан машғул бўлиш топширилган, сизга ўша кишиларга ёрдам бериш вазифаси юклатилган. Кейин, сизга ҳеч ким совет ҳокимиятининг душманларини кўпайтириш вазифасини юклаган эмас, ё гапим нотўғрими?

**Сапожникова.** Владимир Ильич, нега сиз бунақа гапларни гапирасиз-а? Ростини айтсам, сиз мени хафа қияпсиз.

**Ленин.** Келинг, иккаламиз ўзимизни Гречихиннинг ўрнига қўйиб, унинг ҳолига киришга ҳаракат этиб кўрайлик. Бу деҳқоннинг билими оз бўлгани туфайли у сиз билан, совет ҳокимиятини бир-биридан фарқ этолмайди, унинг учун сиз — худди сиз — совет ҳокимиятисиз. Энди совет ҳокимияти, яъни сиз бу деҳқонга нисбатан адолатсизлик қилсангиз, уни назар-писанд қилмасангиз, уни очликка, ўлимга маҳкум этсангиз, қани энди ўзингиз айтинг-чи, бу деҳқонга бунақа ҳокимият нимага керак? Нима учун деҳқон совет ҳокимияти тарафдори бўлиши керак? Бу деҳқон бизнинг душманамиз бўлиши лозим, душманамиз бўлишга мажбур.

**Сапожникова.** Бу деҳқонларингиз ўзи шунақа... Бўрини қанча боқсанг ҳам, бари бир, ўзи бу ерда-ю, кўнгли ўрмонда.

**Ленин.** Кечирасиз, сиз ким томонидандир айтилган беҳуда гапни такрорлаяпсиз. Ёвуз кишилар айтган бу беҳуда гапни. Агар совет ҳокимияти деҳқон учун инсоний ҳаёт шароитини яратса, революциянинг маъноси ҳам шунда эди, у ҳолда деҳқон ҳеч қандай ўрмонга қочмайди. Агар шу шароитни яратолмасангиз, фақат деҳқоннигина эмас, ҳеч кимни бизнинг томонимизда тутиб қололмайсиз (*у ёқдан-бу ёққа юра бошлайди*). Қани айтинг-чи, ўртоқ Сапожникова, Гречихин деҳқон бўлгани учун сиз унинг аризасига шунақа резолюция қўйганмидингиз? Ахир, сизнинг гапингизга қараганда, деҳқонларнинг кўнгли ўрмонда.

**Сапожникова.** Йўғ-э, мен деҳқонлар билан ишчилар иттифоқини мустаҳкамлаш тўғрисидаги ҳамма қарорлардан хабардорман. Мен ишчининг аризасига ҳам худди шундай резолюция қўйган бўлар эдим.

**Ленин.** Исмингиз нима?

**Сапожникова.** Шура. Александра Тихоновна.

**Ленин.** Шура. Александра Тихоновна, сўзларимга эътибор беринг: Сиз бориб турган бюрократ эмасмисиз, а? Тирик, ёш бюрократ эмасмисиз?

**Сапожникова.** Сиз нималар деяпсиз, Владимир Ильич? Мен қанақа бюрократ бўлар эканман? Мен Россия Коммунистлар партиясининг аъзосиман.

**Ленин.** Сизнингча, бюрократизм нима деган гап?

**Сапожникова** (*кулади*). Шунақа саволлар берганингизга кулгим келади менинг.

**Ленин.** Нега кулгингиз келади?

**Сапожникова.** Мен ўзим мана шу мавзуда омма олдида докладлар қиламан.

**Ленин.** Қизиқ. Сиз оммага нималарни гапирасиз?

**Сапожникова.** Ячейкага келаман-да, секретардан ёки ташкилот бўлими мудиридан бюрократизмга оид, маҳаллий оммага маълум икки-уч фактни билиб оламан, кейин ана шу фактларга суяниб, ўзининг муҳим фикрмни ривожлантираман.

**Ленин.** Қандай фикрни ривожлантирасиз?

**Сапожникова.** Доимо ижобий мисоллардан гап бошлайман, кейин: «Эски бюрократизм мажақлаб ташланди, аммо бюрократлар ҳали ҳам бор. Улар совет муассасаларига кириб олиб, орамизга қолюқлик ва қоғозбозлик, хўжасизлик ва бебошлик руҳини киргизмоқдалар. Совет ҳокимияти ҳаммага маълум қиладики, мамлакатни идора этишга

кенг оммани жалб этиш йўли билангина... шу йўл билангина...» Бу ёғи қанақа эди?

Л е н и н . Бу ёғи қанақалигининг аҳамияти йўқ. Бу мақола бундан бир йил илгари ёзилган. Сиз бу мақоладан парчани сўзма-сўз келтиряпсиз, шекилли?

С а п о ж н и к о в а . Сиз нимаики ёзган бўлсангиз, мен ҳаммасини ёдлаб оламан.

Л е н и н . Хотирангиз бақувват экан.

С а п о ж н и к о в а . Ёшман-да. Сўнги сўзларингизни келтириб, «Коммунизмда бюрократларга жой бўлмайди» деганимда, доимо қаттиқ чапак бўлади.

Л е н и н . Сиз бу «коммунизм» деган сўзни қандай тушунасиз?

С а п о ж н и к о в а . Владимир Ильич, мен сизнинг нутқингизни ўз қулоғим билан эшитганман. Коммунизм — электрофикация зами-нидаги совет ҳокимияти демакдир.

Л е н и н . Демак, совет ҳокимияти ва электрофикация. Жуда соз! Совет ҳокимияти ўзи нима?

С а п о ж н и к о в а . Саволингиз қизиқ. Совет ҳокимияти — бизнинг ҳокимиятимиз. Аввал подшоҳлар, помещиклар, капиталистлар хўжайин эди. Энди — биз ўзимиз хўжайинмиз.

Л е н и н . «Биз» деганингиз ким?

С а п о ж н и к о в а . Ким бўлар эди, ўз лавозимларига тайин этилган большевиклар... Энг аввал — сиз, ундан кейин Қалинин, бошқалар; яна ҳам пастроқда — биз, давлат аппаратида ишловчилар.

Л е н и н . Мен яқинда бир ўртоқни грамматикадан имтиҳон қилдим. Мен ундан «Совет ҳокимияти» деган иборада «исм нимаю, сифат нима?» деб сўрадим. У одам «исм — ҳокимият», сифат эса — «совет», деб жавоб берди.

С а п о ж н и к о в а . Бу жавоб тўғри эмасми?

Л е н и н . Грамматик нуқтаи назардан ва у одамнинг тушунишича, бу жавоб тўғри. Биз учун эса «совет» — исм, «ҳокимият» эса сифат бўлади. Фарқиға фаҳмингиз егяптими?

С а п о ж н и к о в а . Ўйлаб кўрай.

Л е н и н . Сиз ёдлаб олган, аммо кечирасиз, сиз тушунмаган ҳалиги сўзларда «совет ҳокимияти нима?» деган саволга жавоб бор. Совет ҳокимияти — энг кенг халқ оммасининг давлатни идора қилишга иштирок этиши демакдир. Бу шаклан идора этиш деган сўз ҳам эмас, омма овоз берадию, масалан, айтайлик, сизга ўхшаш омма манфаатларидан узоқ тўра, чиновник ҳал этади ва амалга оширади, деган сўз эмас. Йўқ, давлат идорасига ҳамма ҳақиқий равишда тортилиши, жалб этилиши лозим. Совет ҳокимияти — ўзини халқ хизматига бағишлаганлар ҳокимияти эмас, балки халқнинг ўз ҳокимиятидир. Шунинг учун биз ҳар бир аёл...

С а п о ж н и к о в а . Давлатни идора этиши лозим...

Л е н и н . Давлатни идора этишга ўрганиши лозим, деган шиордан ҳеч қачон воз кечмаймиз. Мен уқтириб айтаманки, ҳар бир ошпаз аёл давлатни идора эта билишга ўрганиши лозим. Акс ҳолда, ошпаз аёл давлатни ошхонадек идора қилади. Ахир, қозон-товоқ атрофида орттирилган билимидан бошқа ҳеч қандай билим йўқ бу аёлда. Тушундингизми?

С а п о ж н и к о в а . Ўйлаб кўрай.

Л е н и н . Энди, электрофикация нима?

С а п о ж н и к о в а . Владимир Ильич, сиз мени ёш бола деб ўйла-япсиз, шекилли. Бундан аниқроқ гап йўқ. Электрофикация — электр-лаштириш, электр станциялари, нур, лампочкалар, заводлар, фабрикалар — қисқаси — саноат, демакдир.

Л е н и н . Буларнинг ҳаммасининг тагида нима гап бор? Маданиятнинг энг юқори тараққиёт даражаси деган гап бор. Ёппасига саводхонлик, ёппасига маърифат — бу маданиятнинг пойдевори. Ким бизга халақит беряпти, денг? Бизнинг бутун ишимизни нима барбод этмоқчи бўляпти, денг? Бюрократизм. Бюрократ давлатни идора қилишга кенг оммани жалб этиш йўлида доимо тўсиқ бўлиб ётади, чунки у ўзининг имтиёзли мавқеини йўқотиб қўйишдан қўрқади. Бюрократ доимо, ҳатто онгсиз равишда бўлса ҳам, ҳақиқий маданиятга қарши, зиёли бўлишга қарши жанг қилади. Фақат маданиятгина бюрократизмни тўла-тўкис барбод этиш борасида ҳал этувчи омил бўлади. Тушунапсизми?

С а п о ж н и к о в а . Ўйлаб кўрай.

Л е н и н . Шу сабабли сиз интизом йўли билан қамоқда ётган чоғингизда бу масалани охиригача ўйлаб кўрсангиз, ўша деҳқон можаросида ўзингиз қанчалик хунук роль ўйнаганингизни осонлик билан тушуниб оласиз.

С а п о ж н и к о в а . Бу нима деганингиз, Владимир Ильич? Наҳотки, мен, пролетар аёл, РКП(б) аъзоси бўла туриб, ўз ҳукуматимга ўзим халақит берсам? Менинг нимаам бюрократ?

Л е н и н . Қасби жиҳатидан пролетар бўлган кишининг майда буржуа шахсиятпараси ёки бюрократ ролини ўйнаши, афсуски, анчагина учраб тўради. Пролетар фарзандиман, дедингизми? Жуда соз. Аммо бу камлик қилади... Маълумотингиз қанақа?

С а п о ж н и к о в а . Уч синфни тамомлаганман. Ҳозир сиёсий савод тўғарагига қатнапман.

Л е н и н . Тўғаракда нима ишлар билан машғулсизлар?

С а п о ж н и к о в а . «Коммунизм алифбоси»ни, брошюра, газеталарни ўрганяпмиз.

Л е н и н . Қандай ўрганяпсизлар?

С а п о ж н и к о в а . Мен айрим жойларни ва шиорларни дафтарга кўчириб олиб, ёдлаяпман.

Л е н и н . Энг оддий билимларга муҳтож эканингизни сиз баъзан сезмайсизми?

С а п о ж н и к о в а . Сиёсий савод тўғарагига қатнаётганим бунини сезганим учун эмасми, ахир?

Л е н и н . Хўш, сиёсий савод тўғарагидан бошқасига ҳам қатнайсизми?

С а п о ж н и к о в а . Вой, Владимир Ильич, шу тўғаракни эпласам ҳам кошки эди.

Л е н и н . Сиз, ҳар ҳолда, энг оддий билимларга эга бўлсангиз, зарар қилмас эдингиз, албатта.

С а п о ж н и к о в а . Энг оддий билимларсиз ҳам куним ўтар. Мен ҳозирги пайтнинг масалаларини тушуниб олсам — бас.

Л е н и н . Ҳозирги пайт масалалари, деб нимани тушунасиз?

С а п о ж н и к о в а . Шамол қайси томондан келаётганини пайқаб олиш керак... Контрреволюционерларнинг нияти нима... Польша масаласи қанақа ҳал бўлади... Шулар қаторида — деҳқонлар масаласи ҳам. Янги кўрсатмалар қанақа?.. Оммага қанақа жавоб қайтариш керак?

Л е н и н . Йўқ, азизим Шура, Александра Тихоновна, иш бунақа бўладиган бўлса, биз коммунизм нима эканини ҳеч қачон англай олмаймиз. Агар коммунизмни ўрганиш коммунизм ҳақидаги китоблар ва брошюраларни ўқишдан иборат бўладиган бўлса, сиз билан биз фақат манманликка берилган коммунист қироатхонлар ва мақтанчоқларгагина эга бўламиз. Ёшлар фақат коммунистик шиорларнигина ўзлаштирадиган... уларни фақат ёд оладиган бўлса, бундан яна ҳам хавфлироқ оқибатларни кутиш керак. Ёшларимиз иттифоқининг қанча аъзоси бор? Ярим миллионми? Бугун — шунақа, эртага эса — миллион. Миллион ёш

йигит ва қиз коммунизмни ана шундай ўрганганидан кейин ўзини коммунист деб атайди, денг? Менимча, бу жуда ҳам хавфли нарса, коммунизм иши учун улкан зарар. Агар иш ана шу хунук йўл билан борадиган бўлса, ҳар хил демагоглар ва шарлатанлар ёшларни осонлик билан йўлдан урадилар, қаллоблик қиладилар, уларни мумдек мижғилаб, ўзларига боп қилиб оладилар, сиз буни кўз олдингизга келтирасизми?

Сапожникова. Уйлаб кўрай.

Ленин. Александра Тихоновна, агар биз инсоният томонидан бизга мерос қилиб қолдирилган нарсаларнинг ҳаммасини ўзлаштирмасдан туриб коммунист бўлиш мумкин, деб ўйласак, жуда катта хатога йўл қўйган бўламиз. Ҳа, ҳа, Шура, ўқимоқ керак, энг оддий билимларни билиб олмоқ керак. Ҳар куни — умум ишимизга фойдали бир иш қилиш лозим. Майли, бу кичкина бир иш, қўлимиздан келганича иш бўлсин, аммо одамларга фойдаси тегсин... Ҳозирча эса... объектив равишда олганда, сиз — бугун совет ҳокимиятига тушган доғсиз, совет ҳокимияти йўлидаги тўсиқсиз... Шу сабабли, менимча, совет ҳокимияти — бошқа нарсаю, сиз — бошқа нарсасиз, десак, жуда ҳам тўғри иш қилган бўламиз.

Сапожникова. Мен бугун доғ эканманми? Эртага-чи?

Ленин. Масаланинг бу томони кўп жиҳатдан ўзингизга боғлиқ.

Сапожникова. Мен энди нима қилишим керак? Гангиб қолдим мен.

Ленин. Уйланг. Тушунинг. Уқинг, ўрганинг (*сукунатдан сўнг*). Сизга бу лавозимдан кетишга тўғри келади — сиз бунга хафа бўлманг. Бунинг сизга фойдаси кўп бўлади. Бундай лавозимда ишловчи — одамларга қаттиқ меҳр қўйган бўлиши керак. Сиз бўлсангиз одамни ҳатто ўлим ёқасига олиб бориб қўйганингизни сезмай қолибсиз.

Сапожникова. Кечиринг.

Ленин (*жавондан китоб олиб, унга тез имзо қўяди*). Мана сизга мендан хотира. Бу китобда кўпгина қизиқарли гаплар бор. Уқиб кўринг.

Сапожникова. Раҳмат...

Ленин. Хайр...

Сапожникова кетади. Ленин чуқур ўйга толиб, ўтириб қолади. Унинг кўнгли жуда ғаш. Наташа киради.

Ленин (*ўйлашда давом этади*). Гейне ўз тақлидчилари ва ношуд «давомчилари» ҳақида: «Мен шерлар туғдирдим, деб ўйлаган эдим, бургалар туғдирган эканман» деганини Энгельс бир вақтлар эслаган эди. Бугунги ҳолатнинг энг ёқимсиз томони нима? Бузиб кўрсатилган марксизмни баъзи кишилар ҳақиқий марксизм деб тушунадилар (*қўққисдан*). Разиллар!

Наташа. Қимлар разил, Владимир Ильич?

Ленин. Шу аёлни билимдан маҳрум этган кишилар. Йўқ-йўқ, бу ҳодиса ҳозирча бу аёлнинг айби эмас, унинг бошига битган бало... ҳали ҳозирча... (*телефон трубкасини олиб*). Луначарскийни беринг... Анатолий Васильевич, Красин топган юз минг фунт пулнинг ҳаммасига чет эллардан қалам фабрикаси сотиб олсак, нима дейсиз? Биз бесавод халқмиз, биз ўқишга зўр беришимиз керак. Миллион-миллион қалам керак. Биламан, хўжалик ходимлари менинг адабимни беришади, лекин агар сиз менга қўшилсангиз, бирлашиб жанг қилаверамиз. Келишдик. Масалани эртага Халқ Комиссарлари Совети муҳокамасига қўямиз (*трубкани қўяди*). Наташа, ЦКамолдан олдимга кирмоқчи бўлган ёшларни топинг. Дарров етиб келишсин. Тез топинг.

Наташа. Владимир Ильич, сиз сайр этишга чиқишингиз керак-ку! Доктор Обух сизни ҳовлида бир соатдан ортиқ кутиб ўтирибди.

Унинг гапига қараганда, сиз ўз умрингизни ўзингиз эғовлаб, хато қил-  
япсиз. Менимча ҳам шундай. Сиз ўзингиз эрталаб, комсомоллар иши  
ҳеч ҳам шошилинич иш эмас, деган эдингиз.

Л е н и н . Хато қилибман. У иш бугун жуда шошилинич, энг муҳим  
иш экан, энг, энг...

Н а т а ш а . Сўзга чиқмоқчимисиз?

Л е н и н . Албатта. Ростини айтсам, айтар сўзимни бугун айтиб  
бўлдим... Майли... Айтиб бўлган бўлсам яна ҳам яхши... Яна... (*кўққис-  
дан жим бўлади*).

Н а т а ш а . Сиз бир нима демоқчи эдингиз, шекилли?

Л е н и н . Маркс тамом ҳақли: нодонлик — жуда ҳам даҳшатли  
куч, бу куч ҳали кўп фожиаларни туғдиради (*стол олдига боради*).  
Ҳа, айтгандек, Наташа, эрталаб мен сиздан бир нарсани илтимос қилган  
эдим...

Н а т а ш а . Суриштириб билдим, Владимир Ильич. Сизни хафа  
қилгим келмай турган эди, холос.

Л е н и н . Вафот этибдими?

Н а т а ш а . Ҳа, бир ҳафта бурун.

Л е н и н . Сурат нима бўлибди?

Н а т а ш а . Суратни у тамомлай олмабди.

Л е н и н (*узоқ сукунатдан сўнг*). Комсомолларга қўнғироқ қилинг.  
Мен уларни кутаман.


Авансценага чиқиб, залга мурожаат этади. Комсомолнинг Учинчи съезди ҳозир  
Ленин комсомоли номидаги театр ишлаб турган бинода бўлди... Худди осмондек  
кенг алвон байроқ президиум устида ҳилпирар эди. Кўзга чалинар ҳамма жойда  
шиорлар осиглиқ эди.

Саҳна бизнинг кўз олдимизда ўзгариб, РКСМ нинг Учинчи съезди президиумига  
айланади.

Энг уdda бурро делегатлар саҳнага чиқиб олган, шунинг учун бу ерга қанақа  
қилиб яна докладчи сиққанини сира тушуниб бўлмас эди. Президиумдаги бир  
киши ахён-ахёнда: «Саҳна майдони бўшатилинсин» деб илтимос қилар, аммо ҳар бир  
зилда бу илтимос унга эмас, бошқа кўшнисига алоқадордек бепарво ўтираверар эди.  
Қалда саҳнадан ўнг томондаги қаторларни Питер вакиллари, чап томондаги қаторларни  
эса москваликлар банд этган, улардан кейин украинлар, тулаликлар, уралликлар жой-  
лашган эди. Владимир Ильич «Ёшлар Иттифоқининг вазифалари ҳақида гапираман», деган-  
нида, ҳамма делегатлар ҳайрон бўлиб, бир-бирларига қараб олишдилар: уларнинг ҳар  
бири бу вазифаларни ҳар нарсадан ортиқроқ ёд билар эди. Красновга зарба берил-  
ди. Деникинга, Колчакка, поляк генералларига зарба берилди. Яна кимнинг адабини  
бермоқ керак? Ленин бўлса кўққисдан: «Ўқиш, ўқиш керак» деб юборди, коммунизмни  
ўрганишга чақирди, ахлоқ, маънавий қиёфа, маданият ҳақида гапириб кетди. Сирни  
яшириб ўтиришга ҳожат йўқ, унинг сўзларини у вақтда ҳамма делегатлар ҳам дарров  
тушуниб ололмади, фақат сал кейинроқ, айниқса, йигирма тўртинчи йилнинг даҳшат-  
ли январидагина у нутқнинг асл маъноси аён бўла бошлади. Ахир, аслини айтганда,  
бу нутқ — ёшларга васият эди. Ҳа, ҳа, «васият» деган сўз бу нутққа энг муносиб ном  
бўлса керак. Ахир, Ленин мансуб бўлган авлод, ўзининг тарихий аҳамияти жиҳатидан  
жуда ажиб бир ишни адо этиб, кўп ўлмай тарих саҳнасидан кетажаги, энг оғир ишга,  
энг оғир иш эса ундан кейинги авлоднинг зиммасига, шу жумладан, сиз билан биз-  
нинг зиммамизга тушажаги ҳақидаги фикр унинг ўша нутқидаёқ беҳос зўхур топган  
эди-ку... Аммо-лекин бу фикрларнинг ҳаммаси кейин айтилади. Ҳозир, 1920 йилнинг  
иккинчи Октябр кунини эса, мана шу жойда, ҳаммани ғафлатда қолдириб, ҳеч кимга  
билинтирмай, Владимир Ильич пайдо бўлади. У уэр сўраб-сўраб, ҳеч кимга туртиниб  
кетмасликка ҳаракат қилиб, йўл-йўлакай пальтосини ечар экан, президиум столи ёни-  
га ўтади. Уни аллақачон таниган эдилар. Содда, камтарин Ленин жилмайдди.

Л е н и н . Салом! Бугун мен сизлар билан Ёшлар Иттифоқининг ва-  
зифалари ҳақида суҳбатлашмоқчиман...





Ошунжон Ҳакимов

# Ҳ ИЛДИЗ

## БАЛЛАДА

— Мулоқот қилайлик дейсизми?  
Кўп соз...

Ширин мулоқотга бормиз-да, ука.  
Ва лекин, бир гапни айтай рўйи-рост:  
Гап шуки, опчиқиб қўймайсиз кўкка.

Битта ҳамкасбингиз келди тунов кун,  
Ўзи соддагина, бошида кепка.  
Худди сиз-у биздек, кўринсада жўн,  
Ё тавба...

Таърифни чизаркан ипга!

Нима ёзибди денг?

«Қўшоқвой ака  
Эҳтимол сезмас ҳам офтоб ботганин.  
Даладан чиқмайди, сингиб жўякка  
Ғўзага қўшилиб илдиз отганми?!»

Соғлиқ қалай десанг, кўсаклар тўқ дер...  
Бундай меҳнаткашга қуллуқ ва таъзим!  
Эсласам, манглайдан чиқар ҳамон тер,  
Ушбу мақтовларни қилолмай ҳазм.

...Қасбим шу. Билганим, ука, шу дала,  
Ўзга барча нарса туюлар эриш.  
Гап келди, шуни ҳам айтай баралла:  
Деҳқонга кибр ёт, ётдир кўпириш!

Матал бор: жўжалар кузда саналар,  
Ҳар эгат мен учун «олтин» ўзани.

Ғўзада битдими тўнғич шоналар,  
 Ҳар тупнинг олдида букиб тиззани  
 Биз «жўжа» санаймиз,  
 Шошиб санаймиз...

Эҳ-ҳе,

бундай саноқ они етгунча  
 Тушар кифтимиздан неча карра пўст.  
 Гапирсам гап кўп-у, бу мулоқотда  
 Сизга бошқа гапни айтганим дуруст:

Осмон деганини яхши биласиз,  
 Оламлар йўргаги — ғаройиб олам.  
 Биз ундан доимо нажот тилаймиз,  
 Шундан топинмасмиз пайғамбарга ҳам...

Бир эмас, тўрт фасл унда кўзимиз.  
 Гоҳи: бўл, ёғ! — деймиз,  
 Аксари: ёғма!..  
 Аммо, бир чақага олмай сўзимиз  
 Гоҳо терс иш қилар у,  
 Мен шунга доғман!

Тўкин куз кўкига ёйилган чоғда  
 Ости илма-тешиқ бетийиқ булут,  
 — Фейлинг кўп тор экан! — дейман титроқда,  
 Эй, осмон, бўлсанг-да гарчанд беҳудуд!

Маъзур тутинг мени, дарвоқе, ука,  
 Ҳасрат қилар экан, деманг кўрганга.  
 Пахтакор дегани — айтайин тикка:  
 Оғирнинг остидан юриб ўрганган!

Шуни айтмоқчиман. Пухта гап ҳам шу,  
 Бизлар кийгизмаймиз гапга асло тўн.  
 Салкам олти миллион учун олишув  
 Кечмас демоқчиман осойишта, жўн.

Олти миллион-а!

Уни кифтида

Кўтарган мен! — деб гоҳ қилурман ғурур!  
 Аммо, бизнинг ҳақда билсам, афтидан,  
 Ҳар бошда бор экан ҳар хил тасаввур.

Яна бир гап айтай, кўнгилга олманг,  
 (Ахир биз илдизмиз борлиқ жаҳонга).  
 Энди урилганда тушлик учун занг  
 Бир ошнам кепқолди излаб шийпонга.

Бирга кечган эди болалигимиз  
 Тупроқ кўчаларда кўтариб сурон.  
 Шаҳардан буюрган экан нону туз,  
 Қайси бир дўконда ҳозир каттакон.

— Қўшоқмисан? — дейди, — танибман аранг, —  
 Чой-пойни қўй, ошна. Кетаман. Утир.  
 Бу нима...

Соғлигинг эмасми сал, танг,  
 Ё Қасбу корингдан кетганми пугур?..

Узимга бир боқиб... уялиб кетдим!  
 Яхтагим енглари турар сузилиб.  
 Этикни ҳам ўтган куз олган эдим,  
 Билмабман, пошнаси қопти эзилиб.

Ошнама бош чайқади аста «ух» тортиб,  
 Сўнгра чўнтагидан олди кармонни.  
 Бир ғазаб танимни ёқиб юборди,  
 Бир алам тиззамдан олди дармонни.

У-чи, виқор билан келди қошимга,  
 Қўлида шалди роқ битта «юзталиқ».  
 — Хўш, ошна, этик ол, яхтак ол бунга,  
 Мендан бўлиб қолсин битта эсдалиқ!

Пулни олдим секин титроқни ютиб,  
 — Бўл! — дея хушнуд у кифтимдан туртди.  
 Дамни қаттиқ олиб, хап саними деб  
 Йўлни қисқа олиб уйимга йўртдим.

Хўш, пул нима бўпти, қандай матоҳ у?  
 Ендимми ё унинг кўйида, укам?!  
 Сичқонга панд бериб, туғиб белбоққа  
 Шифтга илиб қўйган уни маликам...

Шартта юлиб олиб изимга қайтдим,  
 Йўқ-йўқ, учиб келдим далага қушдек.  
 Шийпон атрофида лапанглаб, дайдиб  
 Ошнама юрган экан чалганча хуштак.

Ғазабимни ютиб, қошига бордим,  
 Тугунни оҳиста ечдим-у ногоҳ  
 Оёғи тагига шартта ағдардим:  
 — Бизда ҳам топилар бунақа матоҳ!..

Мана у!..

Ол, дедим. Истаганча ол,  
 Ё ўхшаб кетдими наздингда камга?  
 Пешона тери бу, виждондек ҳалол,  
 Уйлама келгани йўқ бу гардкамга!

Турар у шаммисол қотиб қаршимда,  
 Асар қолмагани шаҳд-у ғурурдан.  
 «Тавба қилдик,— деди боқаркан зимдан,—  
 Унда...

сал ўзингга қараброқ юр-да...»

Ана сизга фикр...

Ана мулоқот!

Кўнглим ағдарилди латта исидан.  
 Фикри нари ўтмас балки, умрбод  
 Курк товуқнинг қилиқ доирасидан!

«Ўзингга қарамиш...»

Қараган нарсам

Бугун фақат ғўза!

Фақат ғўзадир!

Бўлиқ пайкалларни оралаб юрсам,  
 Ғўза ҳидлаб юрсам кўнглим ўсади!

Майлига яхтагим кифти сизилса,  
 Майлига пошнам ҳам узилса ҳатто.  
 Ахир, кўсакларга мен миллионларнинг  
 Башанг энгил-бошин этаяпман жо!

Мўйлаб қайчилатиш билан ўтса кун  
 Виждон сўрамасми, қани дея, бурд.  
 Унда нима дейди бу гардуни дун,  
 Қанча қитъаларда қанча-қанча юрт?

«Ўзингга қара»миш...

Даркормас мутлоқ  
 Менга минғир-минғир ўгит-у баҳслар.  
 Унга эҳтимолки, соларлар қулоқ  
 Даланинг шамоли учирган «ҳас»лар!..

Гаплар шундоқ, ука.

Хулласи калом,  
 Сўзлайверсам гап кўп: ошар достондан.  
 Лекин, айтиб қўяй, бизда бурунмас,  
 Кўкрагимиз баланд доим осмондан!

Сиз эса... Майлига, не десангиз денг,  
 «Пахтага асир»ми, ёки «шайдо»ми...  
 Асли, шу далалар каминангизнинг  
 Бирдан бир мулоқот майдони!

Шу бизнинг бошларга, укам, яхшиям  
 Қўниб қолган денг пахта юлдузи.  
 Худди шунда асли қут-барака ҳам,  
 Тўкинликнинг асли шу — ўқ илдизи!

Бу илдиз...

шу бизнинг заминга хосдир,  
 Етмиш пуштимизга сир-асрори ёд.  
 Уни билиб келар муқаддас дастур  
 Авлод-аждодимиз милодма-милод.

Ҳа-ҳа, ширин жондек вужудимга жо,  
 У иқбол, у истак, у ғурур ҳисси.  
 Мухбир айтганидек, пайкаллар аро  
 Илдиз отганимнинг шудир боиси!

1979 йил, сентябрь.  
 Фарғона.



# ОҚИБАТАШ КИШИЛАР



ҲИССА<sup>1</sup>

## X

**К**асаткин Хачекнинг қочириқларини яхши фаҳмлаган ва кўнглига тугиб олган эди.

Аслида иккаласининг оралари болалигидан бузуқ. Улар бирга ўқишган. Дастлабки жанжал синфда жой талашишдан чиққан. Иккаласи деразанинг тагида ўтирмоқчи бўлиб қолди. Олдин ўтириб олган Хачек: «Тошингни тер, бу ер меники!» деб Касаткиннинг папкасини отиб юборди. Касаткин болалигида ҳам сиркаси сув кўтармайдиган мақтанчоқ, бошқалардан ажралиб туришга ишқибоз бола эди. Хачекнинг бу қилмиши, албатта, унинг у ёқ-бу ёғидан ўтиб кетди. Унинг папкасини олиб, деразадан улоқтирди. Хачек папкасига чопиш ўрнига Касаткинга ташланди. Ёқасидан олди.

- Қани олиб келиб бер!
- Аҳмоқ йўқ!
- Сенга айтяпман!
- Ут-ўт!

Хачек қизиққонлигига бориб, ёқалашиб кетди. Касаткиннинг бурни қонади, Хачекнинг кўйлаги йиртилди. Шу сабаб бўлдими, ёки юлдузлари ўзи тесқари келдими, кейинчалик ҳам дўстлашиб, аҳил бўлиб кетишолмади. Йиллар ўтди. Касаткин силлиқ, чиройли, савлат тўкиб кийинадиган, қўлини совуқ сувга уришдан эринадиган йигит бўлди. Қишлоқда биринчилардан бўлиб галстук тақди. Қизларни йўлдан ур-

<sup>1</sup> Охири. Боши журналнинг 6—7-сонларида.

ди. Район банкида ишларди. Хати чиройлигидан бошлиғи яхши кўрарди. Пуллар унинг кўзини ўйнатарди. Йирик пулларга кўзи тушса, хаёли чувалиб қоларди. Тенгдошлари орасида банкдек савлатли ерда ишлашини билдириш, қизларга сиёҳ билан иш тутадиган хизматчи эканини мақтанаш учун бармоқларига атайин сиёҳ оқтириб келарди. Гап орасида бармоғини ўйнаган бўлиб, кўз-кўз қиларди. Бу пайтда зиёли кам, Қасаткинга ўхшаган, савлатлилар тез кўзга ташланарди. У отаси олиб берганини тепиб, ўзи топганини авайлаб киядиган ўғил бўлди. Не-не қизларнинг бошини айлантириб, биттасига уйланишга мажбур бўлиб қолди. Лекин у қизнинг аввал Хачек билан юрганини эшитиб, кўнгли ғаш бўлди. Савлатига доғ тушгандек яна Хачек кўзига хунук кўриниб қолди.

Бу маҳалда Хачек аллақайси бир шаҳарда техникумда ўқиб юрган, касаллиги туфайли ташлаб келган, эндиликда соатсозлик ҳунарини ўрганаётган эди. Бу орада дадаси чақим билан қамалиб кетди. Чақимда Қасаткиннинг қўли борлиги юзага сузиб чиқиб қолди. Лекин салдан кейин омон-эсон қайтиб келган дада, очиқ-ойдин тасдиқламаса ҳам: «Емоннинг бети қурсин, болам, қўй тенг бўлма!» деди. Гарчанд, Хачек ундан қасос олмаган бўлса ҳам, сал ётиб дадаси армон билан ўлиб кетгач, алам қилди, қори кетиб музи қолди. Худди шу кезларда Қасаткин соатини тузатгани олиб келган эди, юрагида йиғилиб ётган қаҳрини сочди:

— Тухматчининг соатини тузатмайман.

Қасаткин «Қим тухматчи?» деб ўтирмади, қонундан келди.

— Тузатасан, бу сенинг шахсий дўконинг эмас!

— Йўқ дедим, йўқ!— Хачек унинг бетига ҳам қарамади.

— Ҳм... Ҳали қасдим бор дегин?— Қасаткиннинг чиройли юзлари хунуклашиб, тишлари гижирлаб кетди.— Тухматчи эканимни исботлаб берасан ҳали! Мен ҳалол хизматчиман.

Хачек унинг пахтавон дўқига парво қилмасдан бир кўзига соат механизмини йирик қилиб кўрсатадиган дурбинини қисди, қўлига ремонт қилаётган соатини олди.

— Тузатмайсан-а?— деди Қасаткин яна таъкидлаб.

— Йўқ!!

— Давлат дўконини ўзимники қилиб олганман, дегин!

Хачек индамади.

Ичи ёниб кетган Қасаткин Хачекнинг «тепса тебранмас»лигидан тоқати тоқ бўлди, ғазаб билан тупириб, жўнаб кетди.

«Аблаҳ!» деб ғудурланиб қолди орқасидан Хачек.

Сал вақтдан кейин босар-гусарини билмай юрган Қасаткин қамалиб қолди. Банкда қандайдир ғайри қонуний иш қилибди. Икки-уч йилдан кейин қайтиб келиб, аллакимлар билан ғижиллашиб юрди, ичди, тўполон қилди, кўнглидаги ишни топиб ололмади, бундайроқ ишга бўйни ёл бермади. Бу орада ҳангомалари жонига теккан чиройли хотини ташлаб кетди. Бу унинг ярасини яллиғлатиб юборди. Милицияга тушадиган бўлиб қолди. Одамлар энди додга келганда Қасаткиннинг ўзи қаёққадир ғойиб бўлди. Биров: «Ўрта Осиёда юрганмиш», деса, биров: «Польшага ўтиб кетибди», деди. Хуллас, қаҳратон қишнинг қалин қоридек йиллар ўтган сари унитилганда бирдан — мана уруш бошланиб Қасаткин ҳам пайдо бўлди. Яна асли ҳолига келган, ҳатто жиндай қорин қўйган, салобат кашф этган, савлати жойида. Кимдир: «Немис қўшинлари билан келди», деса, кимдир: «Ушаларнинг хизматида юрган экан», деди. Томдан тараша тушгандек бирдан пайдо бўлган Қасаткин бир-икки кун ётсирадими ёки қовушолмадими, одамлардан четлаб юрди, кимдир: «Димоғ пайдо қилибди» деди, бошқаси: «Юзи чидамаяпти» деди. Йўқ, сал кунда қишлоқ оқсоқоли қилиб

тайинланди-ю ўз қолипига тушиб олди: ўзидан юқоридагининг оёғини ялаб, пастдагининг бошига оёқ қўйишга тайёр. Қишлоқни яхши билганиданми, комендантнинг олдида обрўйи яхши. Ичингдан чиққан балога, қайга борасан давога, деганларидек одамларнинг нафаси ичида, ўчакишмоқчи эмас. Фақат баъзан ёши улуғ, бева хотинлар юзига чанг солмоқчи бўлади, баб-баравар олишади. Қасаткин улардан тортиниброқ ҳам юради.

Шу икки-уч кун ичида қишлоқда бир хунук гап тарқалди: «Ўсмирлардан бир қисмини Германияга жўнатармиш!»

Ҳаммадан олдин Маро буви типирчилаб қолди: «Ҳойнаҳой, шу Қасаткин орқали бўладиган бўлса, Рустамни биринчи қилиб ёзади. Ўша куни кулиб турган бўлса ҳам, турқи бузуқ эди. Хачек тушкур нима қиларди ўша кўпак билан олишиб... Ичида «Сен яхши, сендан ит яхши» деб ўз ишининг битказиб кетавермайсанми? Энди нима бўлди? Ўзинг бўлсанг ҳам майли эди, талашиб-тортишиб олиб қолармидинг, менинг қўлимдан нима иш келади. Эҳ, нодон болам, эртани ўйламайсан, кекса бошим билан энди нима қилдим?

Ҳалол ва покиза одамларнинг юраги яқин одамнинг ташвишини олдиндан сезади, деганлари тўғри экан.

Маро буви «ваҳимам илоҳим ёлғон чиқсин» деб юрган эди, бари бир ростга айланди. Эшикдан такаббуруна юриш қилиб Қасаткин кириб келди. У Хачекнинг йўқлигини биларди. Унинг йўқлиги Қасаткин учун айни муддао. Кампир билан болани истаганча чирқиратса, аламини олса, уларнинг қўлидан нима келади, кўз ёшидан бошқа нимага кучи етади.

Қасаткиннинг ҳовлига кирганини кўрган Маро буви оёқ-қўли титраб, пешвоз чиқди, ҳамон чакаги тинмаётган итига кесак отди:

— Ул-э! Бунча акиллайсан, ўзимизнинг одам-ку, танимайсанми? Келаверинг, акиллаб қолаверади.

— Шу кунда менга вовиллайдиган кўпайиб кетди, энди ташланмаган сен қолувдин!— деди Қасаткин итга ўқрайиб.

— Ит-да, итлигини қилади, айланай! Келинг! Уйга ўтинг.

— Раҳмат! Ишим қистов!— Чатаногини йириб, қўлини белига қўйди Қасаткин. Маро буви стул олиб чиқиб қўйса ҳам ўтирмади.

— Хачек қани?— бирдан сўради жўрттага.

— Бола-чақасини олиб келгани...

— Қочиб кетди денг!— уни гапиртирмади Қасаткин.— Хавотирсирайдиган иши бормиди!

— Нега қочади? Қочса шу кунгача қочмасмиди, айланай, азбаройи болаларини соғингандан... ўзим юбордим, келинг, айланай, Хачек бўлмаса, мана мен бор, жияни бор, ичкарига киринг, меҳмон бўлинг.— Маро буви ёмонликни сезгандек юраги увишиб, золимнинг зулмини юмшатишга уринарди. Унинг сўзлари ғалбирда турмаган қумдек ерга тўкиларди.

— Бу йигитча набирангизми?— Остонада турган Рустамга тикилди.

— Ҳа, неварам, айланай, неварам! Мени кўргани келган экан, бунақа бўлиб, нима қилишини билмай, кунда бир хархаша солиб ўтирибди.

— Ота-онаси у томондами?

— Ҳа, ўша томонда, айланай, бўлмаса шунча гутиб ўтирармидим.

— Большевиклар денг?— ўсмоқчилади Қасаткин бит кўзларини Маро бувининг кўзига тикиб. Унинг кўзларида, мен сенинг ичининг кўриб турибман, деган маккорона ишонч бўлса, бувеникида хавотир ва ташвиш аломатлари, саросима бор эди. Маро буви бардош беролмади:

— Большевиклигини билмайман-у, куёвим доктор, қизим муаллим, чумолига ҳам озор бермайдиган одамлар.

— Шунақами, даданг большевик эмасми?— Қасаткин остона кеса-кисига суяниб турган Рустамга қаради. Рустам «билмайман» маъносида елкасини қисди. Маро буви уни тасдиқлади:

— Еш бола қаёқдан билади, айланай!

— Еш боламиш, мўйлови чиқиб қопти-ку! Кеча қўшнининг қизини гапга солиб турганини ўз кўзим билан кўрдим.— Ишшайди Қасаткин. Унинг сичқонниқига ўхшаган майда тишлари кўринди, кўзининг жия-гига табассум югурди.— Ёлгонми?

— Ёлгон!— деди қип-қизариб Рустам.— Қап-катта одам ёлгон гапиряпсиз!

— Ҳой бола, унақа дема, уят бўлади!— ўртага тушди буви.

— Нега ўзлари ёлгон гапирадилар!— пўнғиллади Рустам.

— Аканг ҳазиллашяпти, болам. Ҳазилни ҳам билмайсанми.

— Дадаси доктор денг?— яна Маро бувиға мурожаат этди Қасаткин.

— Ҳа, доктор.

— Онаси муаллим?

— Ҳа, муаллим.

— Бу жавобларингиз тўғри!— деди Қасаткин қатъий қилиб. Кейин бирдан товушини баланд кўтарди ва ҳижжалади.— Лекин улар сизнинг куёвингиз ҳам эмас, қизингиз ҳам эмас, бегона кишилар. Бу бола сизга ҳеч қанақа неварга ҳам эмас. Тушунарликми?! Кекса хотин ёлгон гапирманг!

Маро буви турган ерида қотиб қолди, тилигача музлаб кетди. Дир-дир титрарди, сўзини йўқотиб қўйди. Қалқиганга ўхшаб кетди. Буни кўриб турган Рустам югуриб келиб, унинг қўлтиғига кирди. Қасаткинга ўқрайиб қаради:

— Ҳамма гапни билар экансиз, кекса хотинни калака қилганингиз нимаси! Тўғри, мен бу кишининг невараси эмасман. Докторнинг ўғлиман, госпиталь хирургининг. Хўш, нима қилибди? Бир айб қилибманми, ота-онам жиноят қилибдими?!

Қасаткин остонада бўшашибгина турган боладан шунчалик гап чиқишини кутмаган эканми, аввалига ҳайрон бўлиб қолди, кейин пичинг отди:

— Булбулсан-ку! Тилинг бунча узун!

— Сизникидан узунмас!..

— Гап тамом: Германияга кетасан! Рўйхатда борсан. Қочгудай бўлсанг, отиласан. Сизнинг кафиллигингизда қолдираман, кампир. Эҳтиёт бўлинг, тагин ўзингиз ҳам балога қолманг. Бу буйруқ!— Қасаткин шиддатли қадамлар билан эшикка юрди. Ит яна ҳуриди, унга қўлида ўйнаб турган чўпини отди, ўтиб кетди. Эшикни тарсиллатиб ёпди. Ит баттарроқ вовиллади.

Маро буви илигидан дармони қуриган одамдек инқиллаб кириб, диванга ташланди ва инграб юборди. Бир оздан кейин ўзига келиб, Рустамни бағрига босди:

— Сен қўрқма, болам, ҳеч қаёққа кетмайсан. Яна болалигингга бориб у ёқ-бу ёққа қоча кўрма, бефойда. Овчи итдек бу жувонмаргларнинг димоғи ҳид билади, болам!

Чиндан ҳам Рустамнинг нияти бузилган эди: қочиш керак! Лекин қаёққа? Кимнинг олдига? Йўл билмаса... То Маро буви тилга киргунча шу охири кўринмас чалкаш фикрлар ари уясидек ола-ғовур бўлиб, бошини гангитиб ётарди. Бувининг огоҳлантириши уни ҳушёрликка чақирди. Борадиган ери аниқ бўлса Маро бувининг гапига қулоқ солмас, балки уни ҳам ёнига олибми, қочса бўларди. Буви бормага-



нида ҳам уни нима қиларди? Йўқ... Борадиган ери аниқ бўлмагани бўлмаган, шунча меҳрибонлик қилган мўйсафидни ўтга ташлаб кетиш инсофданми? Нима гуноҳи учун азоб чекиши керак. Йўқ, нима бўлса бўлди, Маро бувидан ажралмайди. Германияга олиб кетса, пешона-сидан.

Рустам шу ўйлар билан гоҳ дадилланиб, гоҳ хомушланиб ўтирганида ичкари уйдан Маро буви кишиликка киядиган кийимда, қўлида сумка билан чиқиб келди:

— Сен уйда қимирламасдан ўтир, мен бир ерга бориб келаман,— деди ва ортиқча гап чуватмасдан чиқиб жўнади. Эшик олдига борганда:— товуқларга дон сешиб қўй!— деди.

Рустам ўйлади: «Бувининг тухумларни олиб, товуқларга дон сепишга ҳам вақти бўлмади, демак, иши жуда қистов экан. Қизиқ, шу вақтда, қош қорайганда, нима зарур иши чиқиб қолди экан? Шошиб иш қилишни ёмон кўрарди-ку!..»

Рустам ҳовлига тушиб, ёзлик ошхонадан пишиқ новдадан бандлик қилиб тўқилган саватчани олди. Товуқхонага кириб, товуқларни қақиллатиб тухумларни йиғди, олиб чиқиб, даҳлиздаги идишга бўшатди, товуқларнинг остини Маро бувига ўхшаб, юзалаб-юзалаб супирди, кейин дон сепди. Сувдонларига сув қуйди. Товуқларнинг бир-бирини босиб ўтиб, дон талашиб ейишини томоша қилиб гурди. Ичиди: «Бунча булар очопат бўлар экан» деб қўйди. Айниқса, анави чипори жуда очкўз экан, ёнига товуқ йўлатмайди, яқинлашди — чўқилаб ташлайди. Қизиқ, шу вақтгача Рустам диққат қилмаган экан, хўроз ўзини донга уравермасдан тақсимлаб беришга ҳаракат қилар экан. Бир хилининг бошини чўқиб танбеҳ бераркан! Анави хўроз жуда кеккайган экан, худди Қасаткиннинг ўзи! Тўданинг ичиди-ю, бегонага ўхшайди. Икки марта қақағлаганда билдики, товушида ҳам ўхшашлик бор. Ё тавба! Худди ўзи-я! Уша хўроз ҳеч нарсдан, ҳеч нарса йўқ битга товуққа ташланиб, кўзини очирмай қўйган эди, Рустам «Ҳой, Қасаткин!» деб унга кесак отди. Бу сўз тилига қаёқдан келиб қолганини билмади, бир оз ўз кашфиётидан хурсанд бўлди. Туппа-тузук хўроз шу онда кўзига ёмон кўринди, урушқоқ, гож, тўполончи кўринди. Товуқлар орасига кириб дон чўқиласа гаши келади. Сувга бўйинни чўзган эди, кесак отиб ҳайдади. «Сўйиш керак бўлса, сени сўяман!» деб қўйди.

Бу вақтда Маро буви Қасаткиннинг уйида ўтирарди. Кўз ёшини дарё қилиб, унинг оёғига бош урарди:

— Жон болам, менинг қўлим сизнинг этагингизда, сизники худонинг этагида бўлсин! Хўп денг. Умид билан шу ғарибга бағримни очганман, инига илон кирган чумчуқдек чирқиллаб қолмайин! Раҳмингиз келсин!

— Ахир, менинг қўлимда эмас!— маъноли ишшайди Қасаткин.

— Йўқ, сизнинг қўлингизда, кўзингиздан кўриниб турибди.

— Кўзимга ёзилган эканми?— яна кулгига олди Қасаткин. Унинг бу ҳаракатларида «Хўш, аҳволинг шу экан-ку, ўғлингнинг тили бир қарич!» деган таъна бор эди. Маро буви эса, бўш келмас эди:

— Унақа деманг! Комендант тўрада бўлса, оғзингизнинг ели: «Ундоқ эмас, бундоқ экан», десангиз вассалом. Ўзи ишониб қўйган одамнинг гапини иккита қилмайди.

Қасаткига «Ўзи ишониб қўйган одамсиз» дегани ёқиб кетди. Сал шахтидан қайтгандай бўлди, кўзи кулди. Буни сезган зийрак Маро буви яна отини қамчилаб қолди:

— Одам боласига савоб ҳам керак. Мана шунақа вақтда бир-иккита савоб иш қилсангиз, кейин керак бўлади.

— У дунёдами?— яна кулгига олди Қасаткин.

— Кулманг, болам, кулманг. Худонинг қаҳри келади. Денгиз тў-

либ тошса ҳам, бари бир, дарёнинг сувига муҳтож. Дарёнинг сувини етимчанинг кўз ёши қуритади. Етимни йиғлатманг. Худо хайрингизни берсин.

Маро буви Қасаткинни эритган ҳисоблаб, секин яқинига сурилди, бармоғидаги тилла узукни чиқариб олдига қўйди:

— Яхши кунларга тақинг! Отамдан қолган, табаррук.

Буюмга ўч Қасаткин илтимоснинг бунчалик инъом билан тугаши-ни кутмаган экан шекилли, узукни кўриб, юзига мамнуният табассуми сочилди, кўзи ёнди. Лекин ўзини тийиб, узоқдан чамалаб қаради.

— Қани, бармоғингизга тақиб кўринг, тўғри келади.

Қасаткин бунақа буюмларни олишга ўрганиб қолган кишидек тадбиркорлик билан икки бармоғини оташкурак қилиб узатди. Қўлига олиб, айлантириб кўздан кечирди:

— Эски шекилли?

— Оҳ, содда болам-а! Тилла билан кумушнинг эски-янгиси бўладими! Пробасига қараб биласиз-қўясиз.

Қасаткин пробасини қидирди. Тополмаган кишидек бир-икки айлантирди. Унинг жўрттага қилаётганини сезиб турган Маро буви ҳам жўрттага луқма ташлади.

— Пастиди, айланай, пастиди. Мана бу ерда.— Маро буви энгашиб кўрсаткич бармоғи билан имо қилди.

— Мана бу, денг. Мен буни эзилган ери эканми, дебман.

— Нега эзилган бўлади, болам!

— Хўш, шундай қилиб неча пул туради энди?— Қасаткин атайин ўсмоқчилади.— Неча пулга берасиз?

— Пул нимаси, болам, сизга инъом!

— Йўғ-э! Қайси қилган катта хизматимизга шундай тилла инъом оламыз?

«Ичингда жон деб ўлаётгандирсан?» деб кўнглидан ўтказган Маро буви сир бой бермади:

— Унақа деманг, от миндирсам кам. Мана бу келинпошшага. Яхши кунларида тикдириб кийсин. Йўқ деманг.

— Ие, келинга ҳам инъомми?

— Инъом эмас, шунчаки бир нарса. Сандиғимда ётувди.

— Бунақалардан сандиқда кўпми?— яна ҳангамага олди кулиб Қасаткин.

«Ҳа, иштаҳанг очилмай ўлсин!» деб хаёлидан ўтказган Маро буви изоҳлади:

— Яхши кун бор, ёмон кун бор — олиб қўйган эдим. Мана, кунимга яради, болам!

— Ёмон кунингизгами?— илмоқ ташлади Қасаткин.

— Нега ёмон куним бўлади? Худога шукур, яхши кунимга, яхши лигимга яради. Ишим битди.— Бўёғини яна суваб кетди Маро буви.— Биладан, сиз ҳам қўли очиқ одамсиз, сизда ҳам қолмайди. Бу дунё шунақа, болам, сендан угина, мендан бугина! Бировники бировда қолмайди!

Қасаткин узукни бармоғига солиб, кийимликни шифонерни очиб, ичига улоқтирди, кейин Маро бувига юзланди:

— Хўш, энди нима қиламыз? Неваранинг номини рўйхатдан резина билан ўчирамызми ёки устидан чизиб қўя қоламызми?

— Нима қилсангиз ихтиёр ўзингизда, айланай, ишқилиб, етимча бегона юртда дайдиб қолмаса бўлди.

— Унақа деманг, борганлар дайдимайди, ишга боради!

Маро буви қўрқиб кетди. Дарров сўзини тузатди:

— Кексалик-да, болам. Сизларга ўхшаб топиб ҳам гапиролмайман. Маъзур тутинг, болам.

— Биров эшитиб қолса...

«Сўзимни биров эшитишдан қўрқасан-у, порамни олишдан чўчи-майсан, ҳа, каззоб!» деб кўнглидан ўтказган кампир яна чекинди:

— Оғзимдан чиқиб кетибди.

— Бу замонда оғзини қаттиқ тутиш керак.

— Хўп, болам, хўп. Энди шунақа қилмайман.

Пўписани маромига етказган Қасаткин «Порани ҳам бировга оғзидан гулламайдиган қилиб олдим» деб ўйлаб, яна Рустам ёзилган рўйхатга қайтди:

— Бошда ҳам шу етимчани рўйхатга тиркашга қўлим бормаган эди, нима бўлиб ёзиб қўювдим. Охири бари бир бўлмади. Майли, сиз энди бораверинг.

— Ишонаман-а, болам!— аниқлаб олмоқчи бўлди кампир.

— Сўз битта! Лекин оғзингизга эҳтиёт бўлинг. Ҳиди чиқиб қолса, ўша куннинг эртасига жўнатиб юбораман.

— Тош гапирса гапирди-ку, менинг оғзимдан чиқмайди.

«Пухталамай ўл!— деб ичида қарғаган бўлса ҳам, Маро буви Қасаткинникидан енгил тортиб чиқди.— Хотинининг йўқлигини айтинг! Айни муддао бўлди! Хотини бўлса нима эди! Йўқ, бунақалар хотинидан қўрқади, хотинига фаришта бўлиб кўрингиси келади. Наҳотки, хотини эрини билмайди? Ҳаммасидан хабардор. Шу эр бўладиган бўлса, ичида сўз ётмайди! Лекин хотинининг йўқлиги яхши бўлди, очиқ-ойдин айтдим-қўйдим. Узукни кўриб, ранги ўзгармади-я! Бети ўлиб, уста бўлиб кетибди! Туя ютса, думи кўринмайди. Майли, ўлимига буюрсин! Есин-ичсин тўймасин. Икки ўртада ишим битди. Болам ёнимда қолди. Битта узук кетса кетибди! Унинг дадаси кечаси билан тепасида ўтириб, Ҳачегимни ўлимдан олиб қолганда унинг арзанда ўғли учун менинг битта узугим билан бир парча латтам кетса кетибди-да! Бош-кўзидан садақа! Мол-дунёни энди кўрибманми, жон омон бўлсин. «Йўқ, иложи йўқ» деб, олдидан сув чиққан эшакдек оёғини тираб туриб олса, нима қилардим. Худо кўрсатмасин. Нафс қурсин. Нафсига урдиму қутулдим. Шу нафси бўладиган бўлса, бир кунмас-бир кун қилтаноглигига йўлиқади! Ишқилиб сўзида турсин-да...»

Маро буви шу ўйлар билан каттагина қишлоқнинг у бошидан бу бошига — ўз уйига келганини сезмади. У кириб келганда Рустам эшик тагида йўлга қараб ўтирарди. Жуда хомуш эди.

— Ҳа, болам, уйда қўрқдингми?

— Қаёққа кетиб қолдингиз?

— Бир одамда зарур ишим бор эди, учрашиб келдим. Энди бор-майман, доим ёнингда бўламан, болам, қўрқиб кетдингми?

— Хавотир олдим. Соат неча бўлди?

— Бўлганча бўлди, болам. Юр уйга!

Маро буви Рустамнинг ёлғиз ўтиришига раҳми келиб, елкасидан қучоқлаб, уйга бошлади.

Янги чиққан ой ҳандалакнинг бир тилимидай бўлиб тепада турарди.

Эртасига яна майдонга одам тўпладилар.

Комендант бошлиқ катта-кичик ўша ерда. Қасаткиннинг қўли-қўлига тегмайди.— елган-югурган. Қулоғини гоҳ комендантга тутаяди, гоҳ кўзи йиғилиб келаётган оломонда. Терлаб кетган. Қимгадир бақириб, кимгадир дўқ уради. Одамларни доира ясаб туришга қис тайди.

— Қулоқ борми, йўқми!— деб тартиб бузганни силтаб қолади. Ёки қўли билан итариб керакли ергача қўйиб келади. Комендантнинг қовоғидан қор ёғади. Оппоқ қўлқопининг биттасини ечиб, иккинчисига уриб, атрофга асабий назар ташлайди. Бир маҳал бир машина сол-

датлар келиб тушди. Комендантнинг буйруғи билан доира ясаб турган аҳолининг олдига қатор тизилди. Автомати қорни устида.

Одамлар мудҳиш бир ҳодисани кутаётгандек нафаси ичига тушиб кетган. Хотин-халажлар рўмолини юзининг ярмигача тўсиб ўраган, нима учундир болаларнинг қий-чуви эшитилмайди. Кишилар ҳаракати вазмин ва босиқ.

Бунинг сабаби изоҳсиз ҳам ҳаммага аён эди. Уртада иккита совуқ дор турарди. Уни ҳалигина одамлар тўплангунча Қасаткин иккита устага жадаллик билан ясади. Сустлик кўрсатган устани ҳатто тепиб юборди:

— Жонингдан тўйдингми?

— Яшашдан ўлишни фарқи қолмади, оқсоқол, кишини хор қила-верманг!— Гудурланди болта чопаетган устанинг биттаси.

— Советлар яхши дегин?— баланддан келди пўписа қилиб Қасаткин.

— Яхшими-ёмонми ўзимизники эди, ўз тилимизда гапирарди.

— Мана, янги касб ҳам орттиряпмиз.— Пичинг қилди унинг шериги.— Одамларга уй-жой қурадлик, эшик, дераза ясаб берардик, энди дор қуришни ҳам машқ қиляпмиз.

— Тилингни қисқа қил, тагин бўйнингга сиртмоқ бўлмасин!

— Иккитаси камлик қиляптими, оқсоқол?— устанинг биттаси Қасаткиннинг кўзига тик қаради. Унинг гудурлаганини Қасаткин эшитмаган бўлса ҳам болтанинг зарб билан тушириш сабабини тушунди. «Хаф, сеними!» деб кўнглига тугиб қўйди. Шу орада хабарчи келиб, уни чақириб кетди. Кетиш олдидан яна бир қистаб қўйишни унутмади: — Тезлатларинг!!

Бу гал усталар индамади.

Маро буви «Тилдан қолсанг ҳам, элдан қолма» деб, Рустамни бошлаб майдонга етиб келганда дор қурилиб битган, одамлар деярли тўпланган эди. Орани ёриб машинада Рустамга таниш комендант, Қасаткин ва бир неча офицер, солдатлар ўтди. Рустамларникида кеча гердайиб, икки гапнинг бирида тишининг орасидан чирт-чирт тупириб турган Қасаткин бу ерда бошқача эди. Тупириш эсига ҳам келмасди. Икки кўзини комендантдан узмай, сал имо қилса икки букилиб қулогини тутуди, зарур топшириқ олаётгандек қўлларини ҳарбийдек ёнига тушириб, адил туради. Топшириқ олди дегунча оёғини кўлига олиб югуриб қолади. «Хачек тоғам ёмон кўрганидек жуда устамон экан. Унинг юришини қаранг, сув илонга ўхшайди-я! Одамларга дўқ қилишни қаранг, худди ҳоқимнинг ўзи! Оғзидан сўз тош бўлиб ёғилади. Бўлмаса комендант кўриб турибди. Демак, немисга шунақаси маъқул экан-да».

Шу маҳал узоқдан ҳаммаёғи берк қора машина келиб тўхтади. Ичидан иккита киши тушди. Бири эркак, бири хотин. Иккаласининг ҳам қўллари кишанланган. Кийим-бошларига қараб бўлмайди, доғ-дуг, йиртиқ. Эркакнинг соқоллари ўсиб, юз-кўзини тутган, одамлик даражасидан чиққан, бошланг, оёғида иплари суғириб ташланган ботинка. Хотиннинг сочларига эса бу яқин орада тароқ теккани гумон. Бети сарғайиб кетган, кўринишдан элликларга бориб қолган, сочлари оппоқ.

— Ёшгина қиз эди-я! Сочлари оқариб кетибди,— деди кимдир шивирлаб. Рустам товуш келган томонга ялт этиб ўғирилди:

— Ўзи ким?

— Мактаб бош пионервожатийси эди.

— Нима қилибди?— қизиқиб қолди Рустам. Маро буви унинг қўлини силтаб торгди:

— Жим! Жим тур, болам, кўрган кунимиз қурсин!

Бу даҳшатли кўринишдан Рустамнинг юраги қанчалик ваҳимага тушмасин, болалик қизиқиши кўнглида саволлар кетидан саволлар туғдирарди. Лекин кимдан сўрашини билмай армонда эди.

Қўли кишанланган иккита одамни бешта автоматчи солдат ўраб, ҳайдаб борарди. Эркак бошини бемалол кўтариб ҳеч кимдан тили қисич ери йўқ одамдек атрофга назар ташлаб борарди. Мўматалоқ бўлиб кетган юзида қандайдир нур қалқиб, кўриниши хотиржам эди. Ана, у кимгадир жилмайиб қўйди. Ўзининг бу аҳволга тушганидан ўкинчи йўқ, «марднинг ўлими мардона бўлади!» деган бир ақида билан бораётгани юришидан, чарчаган-у, аммо маънодорлигини йўқотмаган қўй кўзларидан кўриниб турарди.

Рустам ҳам шуни пайқади шекилли, Маро бувини аста туртиб, шивирлади:

— Анави кишини қаранг, парво қилмайди-я!

— Кўриб турибман. Қишлоқ Советимизнинг раиси эди. Эски партизанлардан.

— Кўриниб турибди!— танимаган кишисининг матонати билан фахрлангандек чуқур нафас олди Рустам.

Қизнинг кийим-боши дабдала бўлиб кетган. Таранг тўшининг ярми, оппоқ сонлари кўриниб ётибди. Қиз шундан хижолатда бўлса керак, бошини қўйи солган, теварак атрофга қайрилиб қарамайди. Лекин шеригидан узилиб қолмасликка ҳаракат қилиб, унинг эркакча икки қадамни қиз тўртта қилиб, етиб борапти. Тўзғиган сочлари юз кўзини тутган.

Унинг бунчалик эзилиб бораётганини эркак сездими, унга бир нарса деб шивирлади. Ёнида бораётган офицер бақириб берган бўлса ҳам, қиз бошини янаям баланд кўтарди, сочини орқасига силтаб ташлаб, элнинг юзига дадил қаради, кейин дорга кўзини тикди. Кимнидир кўзи билан қидирди. Унинг кўзларигина ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган навқирон қиз эканидан, ҳаётга ҳали тўймаганидан далолат берар, бу кўзларнинг тубларида ётган чуқур сокинлик, жозиба, маъно нималарнидир ифодаламоқчи бўлиб, жавдирар эди.

Улар дор олдига яқинлашуви билан Маро буви Рустамнинг қўлидан ушлади:

— Юр, болам, кетдик. Тушингга киради, қўрқасан!

— Тўғри қиласан, Моро! «Болани олиб келиб чакки қилибди» деб турувдим,— деди соқол-мўйлови махоркадан сарғайиб, жез рангига кирган чол.— Томошаси қурсин!

Рустам оғзи кўринмай кетган чолнинг ширакайфдек қип-қизил кўзига қараб, Маро бувининг олдига тушди. Маро бувининг:

— Қай кунларга қолдик, эй, худойим!— деганини аранг эшитди. Бувининг кўзлари жиққа ёш эди.

## XI

**Х**ачек бола-чақасининг олдига кетмаган ва ҳатто фронтдан ўтишга ҳам ақли етмас эди. Уни район марказига бир ўртоғи сирли таклиф этган эди.

Тунов куни Хачек нимадандир диққинафас бўлиб келаётса, эски бир қадрдони — Витяни учратиб қолди. Унинг районда ишлаб юрганидан, кейин областга кўтарилганидан хабари бор эди.

— Бу ёқларда нима қилиб дайдиб юрибсан?— деди кўришиб.

— Қариндошлардан хабар олгани келувдим.

— Хўш, тинчликми?

— Юрт қатори,— деб кулди Витя ва аста қармоқ ташлади.— Шу пайтда тинч одам борми, дўстим. Эртасининг нима бўлишини ҳеч ким билмайди.

— Менга қара,— деди Хачек сўрашга одам топмаганидан куйиниб.  
— Бу ўзи нима гап? Шунақа чекиниб кетаверамизми?

Витя дарров жавоб бермасдан ёки жавоб беришга истиҳола қилиб елкасини қисди:

— Ҳозирча шунақа бўлади шекилли-да!

— Ҳозирчамикин ишқилиб?

— Менга қара, Хачек. Мен шошиб турибман. Анчадан бери кўришганимиз йўқ, вақтинг бўлса бир кел, отамлашамиз. Қеласанми?

— Қаерга?

— Менинг уйимга-да. Ҳозир райондаман. Эшитдим, дўконингни талаб кетибди. Ҳойнаҳой бекор бўлсанг керак.

— Бекорлигим рост-ку, лекин...

Уни гапиртирмади Витя:

— Лекини йўқ, бир кел. Гап бор. Янгилик бор.— У маъноли қилиб бир кўзини қисди. Кейин Хачекнинг қўлини қаттиқ қисиб: «Кутаман!», деди. Нарироқ бориб, қўлини силкиди.

Хачекнинг Витяга ёшлиқдан меҳри тушиб қолган. Ёшлигида ҳам ақлли бола эди. Доимо кишининг кўнглидагини топиб гапирарди. Сал кунда обрў ортириб, қишлоқ Советига котиб бўлди. Ундан ўқишга кетди. Шу кетганича қишлоққа қайтиб келмади, район марказида қолди. Олдинига район молия бўлимида, кейин областга кўтарилди. Ҳар йили гоҳ иш билан, гоҳ отпусказида келиб, дарё бўйларида дам олиб кетарди. Келди дегунча Хачекни чақиртиради, кулиб туриб қарши олади, юқорига ўтқазиб, ҳурмат кўрсатади.

— Бу қандай бўлди, сен туриб мен юқорига чиқишим, деб тегишса:

— Амалик областда қолган. Биз болалик қадрдонлармиз. Сенларни бирам соғинаман! Бундай йўқлаб борай ҳам демайсанлар. Инсофларинг йўқ!— деб куларди.

— Қўл тегмайди, оғайни!

— Тирикчилик ғамига тушиб кетганман, дегин. Миллионер бўлиб қолдингми? Озроқ чўз!— Қаҳ-қаҳ солиб кулади у.— Астойдил соғинмайсан. Соғинсанг-ку, қуш бўлиб учиб борардинг. Мана, мен келиб турибман-ку.

— Сенинг йўлинг бошқа. Командировканг бор.

— Сенинг ҳам дам олиш кунинг борми? Отпусканг-чи?

— Дам олиш куни айни бизнинг ишимиз қизийди. Отпускани қанақа қилиб ўтиб кетганини билмай қоламан.

— Биласан, нега билмас экансан! Арманистонга бориб келасан. Қиз топиб уйланасан...

Витянинг бу гапида жон бор эди. Хачек, гарчанд, тўйни Арманистонда қилган бўлса ҳам, бу ердаги ўртоқларини йиғиб ўтириш қилган, уйланиб келганини маълум қилган эди. Ана шунга вақт топиб Витяни хабардор қилолмаган эди. Бу луқма шунга ишора эди.

— Гуноҳ менда, дўстим!— Бўйнига олди қўлини кўксига қўйиб Хачек. — Сен қачон эшигимни қоқиб келсанг, ўша куни яна тўй-да!

— Чақирилган меҳмоннинг иззати баланд бўлади.

— Сеники ҳар вақт баланд, кўнглинг тўқ бўлсин!

— Бу сўзингга ишонаман. Сенинг тилинг билан дилинг битта.— Якун ясагандек салмоқларди Витя. Кейин орада ҳеч нарса бўлмагандек ўйин-кулги, ҳангома, зиёфат бошланиб кетарди. Орага жиндай шишадагидан аралашиб қолса, давоми Хачекникига кўчарди. Чунки Хачекнинг ўзи яхши ичмаса ҳам, уникида доим «запас» бўларди. Бунинг устига Маро бувининг пазандалигини Хачекнинг ҳамма ўртоқлари

биларди. Ширин сўзлигини айтмайсизми, ўғлининг ўртоқлари учун жонини фидо қилиб юборарди. Витя эса:

— Закускани онанг бошлади. Умуман, кавказликларнинг овқати закуска боп!— деб улуғлаб қўярди. Бўлмаса Витянинг ўзи қувиб ичмас, дўсти учраб қолгандагина эрмак қиларди. Баъзан «Ажойиби келиб қолди!» деб областдан бир шиша, икки шиша кўтариб келиб қоларди.

— Шу ўртоғининг юрагида кири йўқ, тоза бола,— дер эди Маро буви ҳам.— Кулгани кулган, шунча кулгини қаёқдан олади!

— Табиати равшан, ойи, иши яхши.

— Уникичалик иши яхшилар йўқми! Ўзи ақлли, одобли, дегин, бу бошқа гап!

— Ақллиликка ақлли,— онасининг сўзига қўшилади Хачек.

— Мана шунақалар билан улфат бўлсанг, мурод-мақсадингга ета-сан: жарликдан ҳатлатиб, тоғдан ошириб ўтади.

— Бу ерда турмайди-да, ойи.

— Кўнглинг яқин бўлса, болам масофа нима деган гап! Кўздек қўшнинг бўлади, ойда бир кўрнинг келмайди. Минг чақиримдаги дўстингни кунда бир соғинасан, учиб бориб кўриб келасан. Илойим, кўн-гил орасини узоқ қилмасин!

Ана шундан кейин Хачек онасининг удумига амал қилиб, областга бориб кўрадиган бўлди. Олдинига:

— Сени соғиниб келдим,— деса ишонмади.

— Хўш, нима иш билан келдинг? Менинг ёрдамим керакмасми?— деб туриб олди. Зўрға ишонтирди. Ана шунда қувониб кетганлари! Ут-қазгани жой тополмай қолди. Хотинини чақириб:

— Бизни кўргани атайлаб келибди Хачек! Соғингани рост экан!— деб қучоқлаб ўпанди. Қайтишида йўлга машина қилиб берганди. Кейин бир йили Хачекнинг туғилган кунини қаёқдандир билиб, хотини билан кириб келди. Бир қучоқ совға-салом!

— Қаёқдан билдинг? Қим айтди?

— Авлиёмиз, ўртоқ. Хабар келиб туради,— деб одатдагидек хуш-чақчақлик билан қучоқлади.— Узоқ йиллар омон юрайлик, дўстим. Хола, сиз ҳам бахтимизга омон бўлинг!

— Раҳмат, ўғлим,— эриб кетди Маро буви ва у билан иссиқ сўрашди.— Келиб жуда яхши қилибсизлар. Ўзукка кўздек ярашиб тушдинглар. Менинг Хачегимнинг ақли қисқа, ҳар нарсага фаҳми етавермайди. Таклиф қилса-ку, бўлади.

— Туғилган кунга таклиф қилинмайди, ойижон! Ҳурмат қилган одамнинг ўзи келаверади.

— Одатинглар қўрмасин! Хабар қилсанг, бир еринг камайиб қолмайди. Қишининг иззат-ҳурмати!

— Қўяверинг, хола. Энди мана билиб олди, айтмаса ҳам ҳар йили шу куни келаверамиз. Қани, дастурхон тузмасин-чи!— Яна кулгига олади Витя.

— Дастурхон сизлардан айлансин, келаверинглар. Ўғлим бор— келасизлар. Мени сўраб келиб бўпсизлар!— Гинахонлик билан ҳазиллашди она.

— Аввалам ёлғиз қолманг. Шу уйга аввалам сизнинг ҳурматингиз учун келамиз. Кейин мана бу қаланғи-қасангиларни соғинамиз.

Гуррас кулги кўтарилади. Хачек пичинг қилди:

— Биз энди қаланғи-қасанғи бўлдикми?

— Ўзим ҳам шунинг ичидаман-да! Хавотир олма, дўстим!

— Сал четроқдагисига ўхшайсан.

— Йўқ, йўқ, айни марказидаман!— деди Витя «Ўзим марказда ишласам ҳам, кўнглим сенлар билан доимо» деган маънони англадиб.

— Гапга тутма, Хачек, дастурхонга ўтиришсин.— Маро буви интизорлик билан уларнинг ўтиришини кутарди.

— Қани, марҳамат, қаланғи-қасанғиларнинг дўсти!— деди Хачек назокат билан қўлларини ёнига ташлаб.

— Сўзим қаттиқроқ теккан бўлса, кечирасан. Гап келганда отангни аяма, қабалида бўлди шекилли-да, бизни ҳазил ҳам! Яна бир бор узр!

— Тентак бўлма!— уни қайтарди Хачек.— Нодўст ҳазилни қийшиқ тушунади. Сен билан биз... Агар мени ҳам ўшанақалар қаторига қўшиб қўйган бўлсанг, билмадим.

— Мутлақо!— деди Витя ва биринчи қадаҳни баланд кўтариб, юзини тўлдириб кулди.— Шу қадаҳни биз қаланғи-қасанғиларнинг биттаси Хачекнинг камида юз йил яшаши учун ичамиз! Лекин ёнида холамизнинг, бағрида хотинининг бўлиши шарт! Ура!

Қий-чув билан бошланган кеча тун яримдан ошганда тугайди. Ҳамма хурсанд. Кечаси қариндошиникига бориб ётган Витя, эрталаб келиб хайрлашиб кетади.

— Анча бўлди, борганинг йўқ-а Хачек!— деб қўлини қаттиқ сиқади. Бошқалар билан эгилиб хайрлашади.

Лекин уруш арафасига келиб, бу дўстлик сустрлашгандек бўлиб қолади. Сабабини на у, на бу билади. Шу орада Витя Москвага қандайдир қисқа курсга кетди. Келганини эшитса ҳам Хачек «ана бораман-мана бораман» билан қолиб кетди. У ҳам бу томонга кам келади-ган бўлиб қолди, отаси ўлгандан кейин эса, оёғини тортиб кетди. Хачек: «Ўзи нима гап, Витя?» демагандек, Витя ҳам: «Мени соғинмадингми, Хачек?» демади. Ҳатто бир куни ўғлининг тезлигини билган Маро буви Хачекдан ёзгириб қолди:

— Витяни хафа қилдинг, шекилли, ўзини тортиб кетди.

— Улай агар бир нарса деган бўлсам!

— Дегансан, тилинг тез!

— Ишонмайсиз-а, одамга!— Упкalandи Хачек.

— Бўлмаса бориб хабар ол! Иши чатоқми, касалми? Шўнақа ҳам беоқибат дўст бўласанми?

Хачек энди хабар оламан деб гурганда, мана бунақа бўлиб уруш бошланиб кетди. Кейин ўз ташвиши билан овора бўлиб, эсидан чиқди. Эндиги учрашувларининг совуқроғлиги шундан эди.

Хачек район марказига кириб борганда кун оққан, кечки салқин ел юриб қолганди. Аввало район маркази ўзига ўхшамайди, файзи кетган. Авваламбор ҳаёт изидан чиққан, одамлар бесаранжом. Кўча-кўйлар вайрон, магазинлар берк. Кўчанинг ҳусини дўконлар, киоскалар, кафелар очиб турар экан шекилли, уларнинг кўпчилиги ишламагандан, эгаси кўчиб кетган ҳовлидек ҳувиллаб ётибди. Немис машиналари у ёқдан-бу ёққа ғизиллаб ўтиб турибди. Баъзан оламни шовқини билан бошига кўтариб танклар, оғир юк машиналари ўтиб қолади. Одамлар бир нарсадан ҳадиксирагандек четлаб юради. Унда-бунда немисча ёзилган вивескалар пайдо бўлибди. Санъат уйининг пештоқида крестли немис байроғи ҳилпирайди. Хачекнинг ўрганмаган кўзига жуда хунук кўриниб, ғашини келтирди. Уроқ-болғали қизил байроқ қандай чиройли эди! Бунинг совуқлигини қара: бузуқ соатнинг тишига ўхшайди, тагин қоп-қора! Худди ниятининг ўзи!

Витя уйда йўқ экан, хотини Хачекни кутиб олди. Урта уйга олиб ўтди. Олдига дастурхон ёзди. Лекин бирон марта тишининг оқи кўринмади. Онаси ва бола-чақасини ҳам тузуккина сўрамади.

Бунинг Хачек икки ёқлама тушунди: ё бу оила Хачекдан қаттиқ хафа, ёки немислар келгандан бери табиати хира!

Бу нарса Витя келгандан кейин маълум бўлди: кейингиси экан! Хачек эркин нафас олди!



Бари бир аввалги учрашувларнинг ўндан бир завқи-ҳарорати йўқ эди. Витя жуда чарчаган кўринади. Чехрасидан авваллари кулги аримайдиган Витя гоҳ-гоҳ жилмайиб қўяди, ҳазил-мутойибага тоқати йўқ. Ҳатто овқатни нохушлик билан чайнайди. Ичи гапга тўлиб кетган-у, айтишга одам тополмагандек уҳ тортганнамо бир ҳаракат қилади.

— Гапир!— деди Хачек.— Оғзингга сўк тўлдириб олганмисан?

— Нимани гапираман?

— Гапим бор деятган эдинг-ку!

— Қарасам, келмайдигансан. Бир баҳона қилдим-да!

— Йўқ, гапинг бор! Кўзингдан кўриниб турибди. Гапир!

Бари бир гап қовушмади. Кечки овқат олдида қўйилган шиша ҳам бир рюмкадан қўйилганча маҳтал бўлиб қолди. Хачек: «Қани, қуй!» демади. Витя: «Қуяйми, ичасанми?» деб сўрамади.

— Ол, энди,— деди юраги сиқилиб Хачек.— Азага йиғилганмизми, бир нарса де!

— Узинг айт!

— Йўқ, ўзинг дўндираман! Айтавер. Кетма-кет ичирадиган анави гапларинг қани?

— Улди!!— деди Витя бепарволарча.

— Йўқ, ўша гапларнинг ўлмаслиги учун ичамиз, ол!

— Майли!— Витя қадаҳини чўзди.— Раҳмат, ўртоқ!

Шу билан бу ҳам тамом бўлди. Хачек ҳам шу маҳалда гапиреверишни ўзига эп кўрмай, папирос тутатди. Витя папирос сўради:

— Чекмасдинг шекилли?

— Чекмасам бўлмаяпти!

— Урганма, бу лаънатини!— дея Хачек унинг олдида папирос қутисини сурди.— Авваллари бир қутисини икки кун чекардим, энди бир кунга зўрға етади!

— Топилиб турса майли-я. Эрта-индин шунга ҳам муҳтож бўлиб қоламизми, деб кўрқаман.— Витя бу гапларни Хачекни синамоқчи, унинг ҳозирги ҳаёт ҳақидаги фикрини билмоқчи бўлиб айтди. Хачек эса, унинг бу ниятидан хабари йўқ, юрагидагини тўкди-қўйди:

— Ҳеч гапмас! Бу зўравоннинг қилиғи хунук!

Витя буёғига ўтмади, фикрини чуқурлатмади. Хаёл суриб, жаз чайнаганича Хачекни дастурхонга таклиф этди, қистади:

— Нега ҳеч нарса емайсан? Бирор ерда овқатландингми?

— Қаерда овқатланаман? Ҳаммаёқ қабристон бўлиб ётибди-ку!

— Ол бўлмаса! Ё ўзига қолмайди, деб кўрқаяпсанми?

— Бу томони ҳам бор.— Мийиғида кулди Хачек.— Ҳозир бировнинг уйида яйраб овқатланиб бўлмайди.

— Кўрқма, меникидан олавер!

— Нима, ишонган еринг борми?

— Бор. Бўлмаса оёқ-қўлимиз бутун-ку!

— Эй дўстим, шу аҳволда бораверса, оёқ-қўлинг бутунлиги кифоя қилмайди.

— Тағин нима керак?— Хачекка кўзини тикди Витя ўсмоқчилаб.

— Билмасам... Сенлар билмасанг.

— Нега энди биз билишимиз керак? Сенлар, деб кимни кўзда тутасан?

— Сенлар ўша — сен, сенга ўхшаганлар-да, кўпни кўрган, катта-кичик орасида юрган!

Бу гап ҳам шу билан тамом бўлди. Витя гапни давом эттиришни истамди. Овқатдан кейин Хачек кетмоқчи бўлган эди, жавоб бермади. Зўрлагандек олиб қолди:

— Шу маҳалда қаёққа борасан? Немиснинг жаҳли ёмон-а, кечаси юрганни ёқтирмайди.

— Жаҳлига ўйнаб қўйдим! Қўришга кўзим йўқ. Қишлоққа кир-масидан менинг дўконимни талади.

— Тез кетма, тез юрган бот қоқилади, дўстим.

— Бўлганим шу!

— Ана, холос. Сендан шуни кутмагандим. Бўйнингни немиснинг сиртмоғига тутиб беряпсан-ку. Жонидан тўйган ҳам бу ишни қилмайди.

— Хўш, нима қилади?— ўдағайлагандек деди Хачек.

Витя унинг кўзига тикилиб туриб, шарт кесди:

— Ёниб, ёндиради. Тушундингми?!

Хачек аслида яхши тушунмади. Тушунмаганини билдирмасдан жим туриб қолди. Буни Витя ўзича тушунди, уни фаҳмлаган ҳисоблаб деди:

— Эртага сени бир киши билан таништираман. Иш бор.

Улар бир уйда ётишди. Иккаласи ҳам узоқ вақт ухлолмади. Хачек икки марта папирос чекди. Витяга таклиф қилган эди, олмади:

— Ўзинг чекма, деяпсан-ку,— баҳона қилди у.

— Айтдим-қўйдим-да. Юрагинг сиқилиб тургач, не илож!— Хачек папирос тутатиб сўради:— хўш, энди нима иш қилмоқчисан? Қаерда ишлайсан?

— Ҳайронман. Немисда иш бор. Хотиним ишлайвер, дейди...

— Ишла! Ё запасинг каттами?

— Запас қаёқда. Уртоқлар билан маслаҳатлашиб олсамми, дегандим.

— Қанақа ўртоқлар?— Қизиқди Хачек. Витя айтилмаслиги лозим бўлган сўз билан қўлга тушиб қолган одамдек қизариб кетди. Яхшиям кечаси экан. Хачек кўрмади. Йўлини топди:

— Хизматдагилар бор. Сенга ўхшаган дўстлар бор.

— Ҳм... бундоқ дегин!— Хачек бошқа бир нарсанинг ҳидини билгандек унинг жавобидан қониқмади. Уша «бошқа нарса» нима? Уйлаб охирига етолмади. Витянинг бир нарсани сир тутаётганини лекин яхши сезиб турибди.

Хачек эрталаб турса, Витя йўқ. «Қаёққа кетибди?» дедию шошмасдан ювиниб, эшикка чиқди. Папирос тутатди. Салқин шамол хуш ёқди. Файзи кетган катта кўчанинг у бошига тикилиб, хаёл суриб турса, ёнбошдаги бурилишдан Витя пайдо бўлди. Шошмасдан келяпти.

— Ҳа, сахарҳез бўлиб қолибсан, тинчликми?

— Зарур бир иш бор эди. Нонушта қилдингми?

— Сени кутиб турибман.

— Юр бўлмаса!

Улар тезгина нонушта қилишди. Ортиқча гап-сўз ҳам бўлмади. Бу орада Витя икки марта соатига қараб қўйди. У қандайдир оғир ва зарур ишга шошилаётган одамдек билинар-билинем ҳаяжонда эди. Имтиҳон олтидан студентлар шунақа ҳаяжонланади. Буни Хачек сезса ҳам индамади. У яхши биладики, Витянинг жуда зарур иши бўлмаса ойда, йилда бир келадиган меҳмонни ёлғиз қолдириб, сахарлаб жўнаб қолмайди. Яхшиликка бўлса, майли! Тинч бўлсин.

Биринчи бўлиб Витя ўрнидан турди. Нимдош костюмини кийди. Ошхонада болаларини нонушта қилдираётган хотинининг олтига ўтиб, нималарнидир тайинлади, кенжа қизини эркалаб, юмшоқ ухфа сочли бошидан ўпди:

— Тўполон қилмай ўтиринглар,— деб Хачекка ўтирилди.— Қани, кетдик. Болалари тушкур шўх. Боғчаси ёпилиб қолгандан бери ҳеч ерга сиғмайди.

— Боғча жоннинг роҳати-ку!— Хачек ўз болаларини ўйлаб кетди: «Ҳозир нима қилишаётганикин? Мени соғиниб, онасига тоза хархаша

қилаётгандир». Унинг юраги қалқиб кетди. Шунда билдики, ўзи ҳам болаларини тоза соғинибди! Лаънати уруш!

Улар анча ергача индамай боришди. Район четига чиқиб қолишди. Уйлар орқасида кўм-кўк ўрмон кўринди. Санқиб юрган итлар кўзга ташланди. Одамлар борган сари сийраклашиб бормоқда. Охири ўрмон бўсағасидаги бир ёғоч уйнинг эшигини қоқишди. Витя ичкаридан жавоб бўлгунича эшикни очиб, ичкарига кириб кетди ва ким биландир гаплашгандек бўлди:

— Хачек, келавер!

Хачекни элликлардан ошган, чаккасига оқ тушган, миқти бир одам қарши олди. Маҳкам қўл сиқиб кўришди. Унинг ҳаракатидан, сўраб-суриштиришидан иш билармон, тadbирли, чаққон одам эканлиги яққол кўриниб турарди. Хона ўртасидаги деҳқонча, соддагина стол атрофига ўтиришди. Стол устида устига дока ёпилган нон ва ширинлик. Мезбон Витяга маъноли қараб олиб гап бошлади:

— Витя сизни менга таништирди. «Сосновка»дан экансиз. Унинг синашта ўртоғисиз.

Хачек дарров тушундики, Витя эрталаб шу кишига учрашиб кетган. Лекин бу ерда эмас, бу ерга дарров келиб кетолмас эди. Бу ерга ваъдалашган бўлиши мумкин. Яна сездики, бу хонада бу киши турмайди. Бу одам, гарчанд, содда кийинган, бегалстук, этикда бўлса ҳам аслида зиёли экани шубҳасиз. Гап-сўзлари бошқача.

У одам аввал қишлоқдаги аҳволларни сўради. Кишиларнинг кайфиятини суриштирди.

— Немислар жонга теккани йўқми?— деб кулгига олди.— Ҳали ҳеч кимни осмадимми?

— Йўқ. Пода қилиб кишиларни ишга ҳайдаб турибди. Қош қорайди — кўчага чиқармайди. Икки-уч киши бир ерга тўпланолмайсан. Кулсанг, нимага кулдинг, йиғласанг, нимага йиғладинг, дейди.

— Ҳоким-да! Мана бугун сизда иккитасини осийшти.

— Йўғ-э? Қим-кимни?— Хачек қишлоқда яшаб туриб беҳабар қолганидан ажабланди, бу киши эса, билади.

— Борганда биласиз!— Мезбон жавоб бермасдан сўзнинг давомини олиб кетди.— Хўш, немис битта-иккитадан олиб чиқиб осаверади. Эртага пода қилиб Германияга ҳайдайди, индамай ўтираверасизларми?

Хачек бу хилда кўндаланг қўйилган саволдан шошиб қолди. У нима дейиши мумкин? Нима иш қўлидан келади? Бунақа ишларни бошидан кечириб кўрмаган бўлса!

У Витяга қаради. Витя одоб сақлаб, икки қўлини столга қўйиб ўтирарди. Лекин, бу мезбон — катта одам, бир нарсага аҳд қилган ва ақли етади.

Витядан жавоб бўлмагач, Хачек:

— Мен билмасам,— деб бўшашди.

— Йўқ, билишингиз керак. Ҳар бир совет кишиси билиши керак. Йўл битта: курашмоқ! Немиснинг йўлига тикан ташлаш керак, томоғига қилтаноқ бўлиб қадалиш керак. Имкон бор жойда, қасос олиш керак. Токи, бизнинг таслим бўлмаганимизни, қулликка асло тоқатимиз йўқлигини, озод туғилган эканмиз, озодлик учун ўлишга тийёр эканимизни билсин! Зарбимизнинг захрини тортсин! Тўғрими? Ё сизда бошқача фикр борми?

— Тўғриликка тўғри. Лекин йўлини билмаганингдан кейин қийин. Ҳеч бошимизга тушмаган бўлса...

— Бу бошқа гап!

Мезбон қисқа қилиб шунақа тушунтирдикки, Хачекнинг кўзи мон...

дек очилиб, вужуди ғайратга тўлди. Бу иш катта бир санъат-ку! Шу кунгача хўрозман деб юрган экан-у!

— Арман халқининг журъати ва ғайратини яхши биламан,— деди охирида мезбон,— ҳалол, меҳрибон халқ, курашчан, қаҳрамон халқ. Ҳар бирининг юраги Арарат тоғидай бор. Кўнгли ҳам Севандай тоза ва гўзал!

Улар яна бир оз гаплашиб ўтиришди. Мезбон Хачекнинг ҳалоллиги ва ғайратига ишонч ҳосил қилди шекилли, Витяга қараб деди:

— Шундай ўртоқ билан таништирганингиз учун раҳмат! Энди бирга ишлашамиз, шундайми, ўртоқ Хачек? Лекин менинг битта илтимосим бор: сал қизиққонроқ кўринасиз, бизнинг ишда эса, босиқлик жуда зарур. Менинг бу танбеҳимни тағин кўнглингизга олманг, азбаройи сизни эҳтиёт қилганимдан айтяпман. Биз бир-биримизни эҳтиёт қилишимиз шарт!

— Хўп, босиқ бўлишга ҳаракат қиламан!— деди қип-қизариб Хачек ва Витяга қаради.

Витя унинг ёнини олди:

— Кавказлик-да, Иван Петрович! Зийрак йигит, ўзини ўнглаб олади.

— Менинг бунга шубҳам йўқ!— деди кулиб Иван Петрович ва Хачекнинг елкасига қўлини ташлади.— Қани, бўлмаса кетдик. Витя, сиз бу кишини ўзингиз бу ёққа олиб ўтасиз!

— Хўп.

Хонадан аввал Иван Петрович чиқиб жўнади. Кейин Витя билан Хачек йўлга тушди. Улар келган йўлига эмас, ўрмонга қараб кетишди.

Ўрмон кўм-кўк ва салқин, куз ҳиди келиб қолибди. Олам ташвишидан беҳабар қўшларнинг сайроғи бу атрофда одам камлигидан дарак берарди. Утлар тизза бўйи келади. Бу яқин орада чалғи теккани гумон. Олди чечаклар сарғая бошлаган, гулини тўккан. Оромбахш бир юмшоқлик ҳамма ёқда ҳукмрон.

Бир оз юришгач, қўшлар овози пасайди. Айримларининг оҳанги аниқ эшитилди. Ана олмахон думини бароқ қилиб шохдан-шохга учиб ўтди, кейинги оёғида енгил ўтириб ниманидир қарсиллатиб чақди, пўчоғи ерга пир-пирак бўлиб учиб тушди. Уларни кўриш билан яна бошқа дарахтга ўтиб кетди. «Менга таҳдид қилиб орқамдан келаётганинг йўқми?» дегандай олис бутоқдан кўзларини йилтиллатиб қаради, кейин яна пилдирлаб юқори шохга чиқиб кетди.

— Олмаҳоннинг қаноти йўқ-ку, қанотлидан тез учади,— деди Хачек унинг чаққонлигига ҳайрон қолиб.

— Думи-чи! Бароқ думи қанот вазифасини ўтайди,— деб жавоб қилди Витя. Ваҳоланки, Хачек савол бермаган, мулоҳаза юритган эди. Шу ерларда туғилиб, эсини таниб, олмахон қанақа учишини билмаса ўлдими!

Витя йўғон ва тик ўсган қўшалок қарағайнинг оралиғига энгашиб маймунжон терди. Биттасини оғзига солиб, бир қисмини Хачекка узатди:

— Бу ерларники жуда ширин бўлади!

Хачек, ўртоғимнинг қўли қайтмасин, дедими, фақат бир донасини олди. Ўзи теришга киришди. Витя қўлидаги маймунжоннинг сувини оқизганча қандайдир куйни хиргойи қиларди, кўзи эса атрофда. Ана шунда Хачек бу юмалоқ қарағай бир белги — атайин тўхташганини тушунди. Витяга халақит бермай, маймунжон билан овора бўлиб турди.

— Қани кетдик!— деди охири Витя ва йўл бошлади. Салдан кейин ўрмон ўртасидаги кичиккина майдонга чиқишди. Бу ерда икки киши гаплашиб турарди. Уларни кўриб, пешвоз чиқди, қўл узатиб кўришди.

Биттасининг қўли мойли эди. буни Хачек дарров пайқади ва унинг кийим-бошига қаради. Кийим-бошида ҳам қора доғ излари бор эди. Ҳарбий бўлгани ўзини тутишидан билиниб турибди.

— Булар бизнинг ўртоқлар!— таништирди Витя.

Хачек бу ерда бир неча кун қолиб кетди. Майдончанинг этагидаги ертўлада ҳалиги кишилар билан яшади. Витя ўша кунёқ тушликдан кейин қайтиб кетди. Кетиш олдидан, Хачекдан узр сўраб, ўша кишиларнинг биттаси билан бир четда сирли суҳбатлашди, сўнг:

— Кўришгунча!— деб қўл силкиди.

Хачекнинг ҳарбийда хизмат қилмаганидан мезбонлар ачинишди:

— Э, аттанг, бошидан бошлашга тўғри келади.

— Оёғим бунақа бўлгандан кейин...— ўзини оқламоқчи бўлди Хачек.

— Тушунарли!— деди ўрта ёшлиси ва ҳарбийларга хос чечанлик билан қўшиб қўйди.— Ҳечқиси йўқ. Зеҳн ўтқирми, вассалом! Витя сизни мақтаб кетди. Уста соатсозмишсиз!

— Қасбимиз шунақа!

— Яхши. Автомат, тўппончаларнинг қисмини ўрганганда фойдаси тегади. Нозик касб.

Чиндан ҳам, соатнинг майда қисмлари билан иш тутгани Хачекка нафи тегди. Немис автоматларини салда ўзлаштириб олди, икки хил немис тўппончасини, ўзимизнинг «ТТ»ни ҳам ўрганди. Уша кишиларнинг ўзига ймтиҳон берди.

— Тузуксиз! Қийналиб қолармикансиз, дегандим!— деди ўша ўрта ёшли киши мамнун бўлиб. Ундан кейин қўл пулемётларини машқ қилишди. Хачек ёлғондакам отиб кўрди. Яна ўқлади, яна отди. Автомат ва тўппончада ҳам машқ қилди.

— Сиз-ку, бевосита ўқ отиб урушмайсиз, лекин жойи келганда шошиб қолмаслигингиз керак!— деди машқ қилдираётган ўша одам. Унинг ҳарбий кишилиги, қурооларни жуда яхши билиши, юриш-туришидан энди жуда аён бўлди.

Хачек билдики, бу ерда ундан олдин кишилар бўлган, машқ қилган. Иван Петрович буларнинг умумий раҳбари. Витя ҳам бекорчи эмас. Демак, совет ҳукумати бу ерларда қулаган билан одамлари бор, ҳаёт тинч ётгани йўқ. Немисга кафан бичяпти. Иван Петрович айтганидек йўлига тикан босяпти, томоғига қилтаноқ бўлиб қадалаяпти...

Урмондан кейин Хачек яна Витяникига қайтиб келди. Ундан қишлоқда нималар қилиш ҳақида йўл-йўриқ олди.

— Иван Петровичнинг гапларини эшитдинг, қизишма. Қанчалик босиқ бўсанг, шунчалик яхши! Қасаткин билан дўстлаш, ичига кир, эски гина-кудуратларни унут! Эсингда бўлсин, сен қишлоқда ёлғиз эмассан! Керак бўлса, улар сени топиб олади. Хайр, омон бўл! Холамга салом айт!

— Сенинг олдинга келганимни ойим билмайди.

— Билмаса майли, индамай қўя қол! Ўзингни эҳтиёт қил!

Улар қуюқ хайрлашди.

Хачек ҳориб-толиб қишлоғига қайтиб келди. Умид қилган еридан ноумид қайтган одамдек эшикдан хомуш кирди. Ҳайрон кутиб олган онасига нолиди:

— Бўлмади! Ҳеч иложи йўқ. Ҳар қадамда назорат. Фронтга яқин ҳам бориб бўлмайди.

— Майли, болам, майли! Ўзинг омон-эсон қайтибсан, шунга ҳам шукур. Кечадан бери тушим бузилиб ўтирган эдим. Бола-чақанг хавотирли ердамас, ота-онасининг иссиқ бағрида, куйинмай қўя қол.

Она дастурхон ёзди:

— Очин-тўқин қолгандирсан! Кўзларинг ҳам ичига гушиб ке-

тибди. Кела қол, болам, тамадди қилиб ол. Бир кўнглимдан ўтдинг-а... Майли, ҳозир олов ёқиб юбораман. Сен мана буни эрмак қилиб тургин!

Эшикдан ўқдай учиб, Рустам кирди. Хачекнинг бўйнига ташланди.

— Яхши келдингизми? Ўғлингиз қани?

— Ўтолмадим, жиян. Йўл берк!

Рустам бирга ўйнашга ўртоқ келишини кутган эканми, тарвузи қўлтиғидан тушди, ўксигандек бир четга ўтиб ўтирди. Кеча қаёқдандир топиб келган Жек Лондоннинг «Мартин Иден» китобини дивандан олиб, ўқий бошлади. Ўқиш кўнглини ёриштирди шекилли, анчадан кейин ундан бошини кўтариб, Хачекнинг йўлда нималар кўрганини болаларча қизиқувчанлик билан сўради.

— Қўй, болам, аканг ҳориб келган, кейин сўрарсан, дамини олсин.

Хачек ювиниб чиқиб, ётиб ухлади. Уйқудан туриб ҳам ҳамма нарсага қизиқавермади. У ўзгариб қолган эди. Буни онаизор дарров фаҳмлади. Лекин бунинг сабабини бола-чақасининг олдига ўтолмаганидан кўриб, ичидан хафа бўлди, уни ардоқлади, кўнглини кўтарадиган гаплар қилди. Ваҳоланки, Хачекнинг қулоғида Иван Петровичнинг гаплари ҳамон жаранглаб, ақл-идрокини қамраб турарди. Уни ўйлатарди, турли фикр ва режалар туғдирарди. Вазминликка ўзини кўниктирмоқда эди.

Эрталаб комендатурага борди, соатсозлик дўконини очмоққа ижозат олди. Ундан ўтиб қаровсиз ётган будканинг у ёқ-бу ёғини тазатди. Бўяди, жойига ўрнатди. Вивескани осди. Лекин бу гал вивесканинг бир томонига немисча ёзилган — комендатура шуни шарт қилиб қўйган эди. Сал ўзини ўнглаб, хаёлини йиғиб олгач, иш бошлайди. Ҳали мияси эшитган, ўрганган нарсалари билан ғувиллаб ётибди.

## XII

Эртасига узоқдан бош силкиб кўришганда Хачекдан табассумли жавоб олган ва кўнгли ёришган Қасаткин тушдан кейин уйига кириб келди. Ўзи хон, кўланкаси майдон. Шод, хурсанд, гап-сўзлари бурро. «Давринг келди — сур, бегим!» қабилида яшаётгани нафас олишидан тортиб, оёқ ташлашигача ҳаммасида аён эди.

Хачекнинг очиқ юз билан кутиб олганидан, рўшнолик билан ичкарига таклиф қилганидан «энди ўзингга келибсан» деб тасаввур ҳосил қилган Қасаткин, яна ўзини бемалол тутди. Хачекнинг сиполигини ўзича тушунди:

— Хомушсан?

Хачек жавоб ўрнига ўзидан сўради:

— Ўзинг қалайсан?

— Ёмоннинг оғзига ямоқ, яхшининг оғзига қаймоқ бўлиб юрибман.

Ўзинг қалайсан?

— Ёмонмас, овора бўлиб қайтдим.

— Сабр қил, ҳадемай Советлар тамом бўлади. Бемалол самолётда борасан.

— Яқинми? — жўрттага ўсмоқчилади Хачек.

— Шу кетиши бўладиган бўлса, қишгача тамом. Пачағлаб ташлайди. Бир чўқишлик аҳволи бор экан-ку, бир қарич еримни бировга бермайман, деб оламга жар солади.

— Бунинг бало экан! — унинг қўлтиғига сув пуфлади Хачек.

— Ҳазилакаммас! Франциядек мамлакатни 40 кунда муккалатган-да. Кимга хизмат қилишни биламиз, Хачек! — керилди мамнун табассум билан Қасаткин.

— Сен-ку йўлингни топиб олдинг. Мен қолдим, икки йўл ўртасида адашган тойлоққа ўхшаб, бўзрайиб.

— Менга қара, Хачек, нотаниш фариштадан, синашта шайтон яхши, деган гап бор,— очилиб кетди Қасаткин.— Кел, эски-туски гапларни қўй! Бундоқ ўйлаб қарасам, бирга ўқишганлардан сену мен қолибман.

— Коля ҳам бор-ку.

— Унинг одамми! Уша пайтда ҳам қаторда йўқ эди! Ҳали ҳам эски чоригини судраб юрибди, на сонда бор, на сифатда!

— Худога шукур, мени ҳам шунақа демаринг!— кулгига олди Хачек ва Қасаткининг юзига қараб турди.

— Сен-ку ажойиб йигитсан! Лекин сал...— ўйлаб қолди у ибора қидириб.

Хачек илиб кетди.

— Тажангсан.

— Йўқ, сал қонинг қизиқ. Бирдан куздаги хазондек гуриллаб ёниб кетасан.

— Тўғри, бу нуқсоним бор!— Хачек Иван Петровичнинг танбеҳини эслади.— Кейин ўзим пушаймон қилиб юраман.

— Ҳа, балли!

— Тунов кунни сенга пичинг қилганимдан ҳалигача кўнглим хира. Сен бўлмасанг бошқаси шу ишни қиларди-да!

— Биларкансан-ку!— деб юборди.— Шундай бўлгандан кейин ўзинг ўйлаб кўр, иккаламизнинг терс бўлиб юришимиз уят. Болалигимиздан билганлар нима дейди?

— Ростини айтгайми, Қасаткин, дилимдаги гапни айтдинг. Мана шу боришимда ўрнинг билинди. Сен ёнимда бўлсанг, ўтказиб юборардинг. Худо ҳаққи, бу иш сенинг қўлингдан келарди. Мен сендан ўтганини кечирай, сен ҳам мени маъзур тут.

— Мана бу бошқа гап. Қани, қўлни ташла!— Қасаткин очилиб кетди. Шундай гапга муҳтож бўлиб юрган одамдек Хачекнинг қўлини олиб астойдил сиқди.— Дўстнинг юзтаси кам, душманнинг биттаси ортиқча! Сен билан менинг талашадиган нарсамиз йўқ.

«Соатсоз учун советлар нима-ю, немислар нима!» деб кўнглидан ўтказган Қасаткин унга бир яхшилик қилиб қўймоқчи бўлди:

— Хўп десанг, мен сенга ўзинг боп бир иш топаман.

— Йўқ, ўртоқ, ўзим гаплашиб келдим.

Қасаткин унинг оғзига урди:

— Сендан илтимос, шу ўртоқ сўзини ишлатмагин. Худди биров томоғимдан бўғиб, қулоғимга мих қоқаётганга ўхшайди.

«Айни фашистнинг ўзи бўлган экансан!» деб кўнглидан ўтказган Хачек, буёғини пайсаллади.

— Кечирасан, оғиз ўрганиб қолган.

— Эсингдан чиқар!

— Дўконимни очаман,— аввалги фикрини давом эттирди Хачек.

— Тўғри, оч! Мен кириб тураман. Бир оз илдииз отиб олайин, яна маслаҳатлашамиз. Ёнингга мана бу йигитчани ол, кесак тепиб, кўча чангитиб юрадими? Ҳунар ўрганади.

— Булар-ку, ҳаммаси яхши. Лекин йўқотган соатларимнинг эгаларидан кўрқаман. «Тўлаб бер» деб ёқамдан тутса нима қиламан?

— Буёғини менга қўйиб бер. Қанча одамлар ўлиб кетди-ку, битта эски соатини даъво қилиб келадими!

— Шунга айт-а!

— Менга сал сездир, попугини ўзим босиб қўяман, тўғрим, Руслан? Менга Рустам исмидан Руслан ёқади. Кел, Руслан қилиб қўя қолайлик.

Диванда ҳамма гапларга қулоқ солиб ўтирган Рустам индамади. Унинг кўз олдига Касаткин кириб келгандан бери ўша одам осилган кун қайта гавдаланган эди: ана Касаткин елиб-югуради, кўзи одамларда-ю, қулоғи комендантда. Икки букчайиб гапига қулоқ солади. Кимгадир гапириб, нимагадир ўдағайлайди. Ўз ишини фидойилик билан бажарарди. «Одам ҳам шунақа ўзгарувчан бўладими?» деб кўнглидан ўтказди Рустам. Ахир ҳозирги Касаткин бошқа одам эди-да! У ерда одамларни ютиб юбораман дерди, бу ерда меҳрибонлик қилади. Ажабо!

Рустам ҳозирги гапларга ишониб-ишонмай қулоқ солиб ўтирди. Хачекнинг бугун унга бунчалик ялпоғланиб қолганидан ҳайрон эди. Одамларга ўзи бир нима бўлдими! Ё Хачек бола-чақасини олиб келгани бориб, йўлда кўрадиганини кўриб, тавбасига таяниб қолдими? Чиндан ҳам ўзгариб келди. Мана бугун жинидан ёмон кўрадиган Касаткин билан дилкашлашиб ўтирибди.

— Менга қара, Хачек, сен сафардалигингда онангга раҳмим келиб, бир ишга тавсия этган эдим. Тўғриси, жуда ўнг келиб қолди. Комендатура хоналарини супуриб-сидиришга одам йўқ, ишончли киши топилмайди. Қимни айтсам, комендант «Йўқ, бунинг бўлмайди, ўзгасини топ!» дейди. Бошқасини айтсам, яна ёқмайди. Охири: «Рус бўлмасин!» деди. Бундоқ ўйлаб қарасам, Моро холам бор. Бунинг устига сен йўқ, рўзгорнинг ўзи бўлмайди, йўталмакка ҳам куч керак. Комендантга маъқул тушиб қолса, йўқ дема. Холамнинг розилигини олганман. Уша ерда ўзим борман.

— Кучлари етармикан?

— Етади. Иш кўп эмас. Яна биттаси ҳам бор.

— Шунақами, ойи?

— Нима қилай, ўртоғинг ҳеч қўймади. Бир амалларман. Вақт бунақа бўлса, битта сенинг топганинг нима бўлади.

— Аввал ҳам ишлаганлар шекилли?— деб луқма ташлади Касаткин.

— Ҳа, мактабда ишлагандим. Анча йил бўлди.

— Бўпти-да, тажрибангиз бўлса бор.

Маро буви ҳаммадан ҳам ўғлининг босиқлик билан муҳокама қилаётганидан ҳайрон. Баъзан иш ҳақида гап очса, бургадек сакраб туншарди. «Оч қолдингизми?» деб бақчириб берарди. Қизиқ, шу беш-ўн кун ичида ўзгарди-қолди. Худо инсоф берса, ҳеч гап эмас экан! Мана, ҳозир ҳам босиқлик билан «Шунақами?» деб қўйди, жаҳли ҳам чиқмади, товуши ҳам ўзгармади. Бошқа вақт бўлса, кўзининг пахтаси чиқиб, «Ойим бекор айтибдилар, у киши ишламайди!» деб ҳукм чиқариб қўя қоларди. Касаткиннинг тилини суғириб оларди. «Худога шукур, тил топишиб олди. Утган ишга салават. Онанинг бутун ташвиши шундан эди. Шунинг учун ўзига оғир бўлса ҳам баҳона топиб, хотинининг олдига жўнатган эди. Йўлда яхши-ёмонни кўриб, кўзи очилибдими, бошига туюлибдими, бирорта яхшига ҳамроҳ бўлдими — мўмин-қобил бўлиб қайтди. Уша аввалги феъл-атвори бўлса нима қиларди? Унинг оғзини пойлаб, дамани қайтариб турармиди. Рустамнинг кўнглини олармиди? Мана, иккаласи ҳам кўнгилдагидек. Одам олмаси ичида. Лекин Касаткин билан топишгани яхши бўлди. Минг қилганда ҳам, немиснинг одами, Хачекнинг кетига тушгудек бўлса, айбини топади, бирини икки, иккисини беш қилиб ҳокимларига етказса, биров билиб ўтирибдими! Тунов куни майдонда юришини кўр, сув илонга ўхшайди. Комендантнинг енгидан кириб қўлтиғидан чиқяпти. Душманнинг ташқарисида бўлгандан ичида бўлган яхши, хабардор бўлиб туради. Ахир, мен ҳам ширин гапириб, олдига дастурхон ёзиб турсам бетга чоғгани уялар, еган оғиз уялади, деган гап бор! Ундан кейин Касат-



киннинг ўзи ҳам ўгли орқасидан бўралаб сўкиб юрганидек писмиқ эмас; бир қоп ёнғоққа ўхшайди. Гап-сўзлари ёмон эмас. Ёки ўша берган узуги билан кийимлиги тилини боғладимикин?..»

— Кучингиз етса, ишланг ойи! Бу хилда ҳаммасини ишга ҳайдашига, кечирасиз, ишга чиқаришига қараганда навбат сизга ҳам келиб қолади. Эрмак қилиб келасиз. Истаса, Рустамни олиб кетасиз, сувингизни ташиб беради,— деди Хачек мўйсафидлардек мулоҳаза билан салмоқлаб.

Онанинг бу мулоҳазали маслаҳатдан диққати бўлинди. Углининг кўзига қараб ўйчанлик, вазминлик ва яна аллақандай унга номаълум сир ётганини кўрди. «Ишқилиб яхшиликка бўлсин!» деди-да, ўзига тасалли берди.

— Майли, ўғлим, сен рози бўлсанг яна яхши. Айтганингдек эрмак бўлади. Кучим етмаса, боғлаб кўяرمىди, бўшаб кета қоларман. Уртоғингнинг сазаси ўлмасин!— деди Маро буви ва Қасаткин томонга юмшоқ ишора қилди.

— Раҳмат, хола! Жуда тadbирли хотинсиз-да! Амаким сиздан рози бўлиб кетгандирлар.

— Амакингни худо раҳмат қилсин, ипақдек юмшоқ, безиён одам эди.

— Унга фақат сенинг зиёнинг теккан!— эски қилиғини қилиб, бир чимчилаб олди Хачек.

— Ана шу гапинг ёлғон!— қатъий рад этди Қасаткин.

— Утган гап-ку, ростини айт, Қасаткин, дадамнинг ишида сенинг қўлинг йўқми?

— Йўқ. Сен бекорга мендан домонгир бўлиб юрибсан.

— Шу виждонинг сўзимми?

— Худо ҳаққи! Мана!— Қасаткин уч бармоғини бир туғиб, чўқинди. Бари бир Хачек ишонмади. Маро буви ўртага тушди.

— Қўй, болам, ўтган ишни бунча ҳижжалайсан. Отанг темирчими чўзасан! Қамалиб чиқмаганда ўлмасмиди! Буванг қамалгандан ўлиб-дими! Майда гап бўлма. Етган ажал!

Онанининг гапи таъсир қилдими, ёки Иван Петровичнинг танбеҳи эсига тушдими, Хачек дарров ўзини ўнглаб олди. Қасаткининг елкасига қарсиллатиб туширди:

— Бўлди! Бошқа гапирган номард!

— Бу бошқа гап. Отангга шу ишни қилган бўлсам, сен билан шунақа пачакилашиб ўтирармидим. Отам... отам! Мен отамни тузуккина эслолмайман. Шоп-шалоп тақиб юрарди шекилли, эсэрми, кадетми бўлган экан.

— Оқсуякман дегин! Ижтимоий чиқишингни ҳунарманд ёзиб юрардинг шекилли?

— Офицер ёзиб бўлармиди!

— Оқлардан дегин?

— Қолчак штабида ишлаган экан.

— Тирикми, қаёқда?

— Онам чет элга қочган дерди. Билмадим.

— Замон сал тинчиса отангни Европадан қидириб топарсан ҳали?

— Be! Дарёга сочилган тарикдек дунёнинг қайси бурчидан қидираман.

— Бадавлат бўлса, ворислик деган гап бор!— Хачек атайин унинг нозик ерини қитиқлади. Қасаткин тезда зийрак тортди, юзида қизиқиш ва манфаатдорлик белгиси кўринди.

— Ҳали бу томони ҳам бор-а? Яхши айтдинг. Шунча йиллаб хабар олмаган, энди жиндай чўзиб қўйсин. Мен дадамга жуда ўхшармишман, ойим «Дадангни худди қуйиб қўйганисан» дерди

— Даданг ҳам сенга ўхшаган келишган, чиройли, хушқомат бўлса, бутун Европа ганиса керак. Топиб оласан!

Бу гаплар Қасаткиннинг кўнглига орзу-ҳавас, ҳузур бўлиб қўйилди, юз-кўзлари хурсандчилик билан ёришиб кетди. Ҳачекнинг топафонлигига қўйил қолди. Уни мақтади:

— Арманисан, балога ақлинг етади! Кўнглингга олмагин-у, Ҳачек, нега арманлар бунақа билагон, уддабурро бўлади?

Ҳачек елкасини қисди. Кейин гап бошқа ёққа чалғиб кетди.

Шу учрашув ва суҳбат баҳона уларнинг ораси яқин бўлиб қолди. Қасаткин тез-тез кириб турадиган, баъзан шиша кўтариб келадиган бўлди. Лекин битта шарт қўйди:

— Қелишиб қўяйлик, Ҳачек, хизмат еримда, катта-кичик кишилар олдида сенсирамайсан. Тушундингми?

Ҳачекка малол келгандай бўлди. Эски қилиғи тутди:

— Обруйингга зарар етадимми?

— Ўзингдан қоладиган гап йўқ, хизматчилик. Сал юртни тинчитиб олайлик, кейин...

— Нима, бетинчмисанлар?

— Партизан деган гап чиқяпти.

— Йўғ-э!

— Қишлоқ Советининг раиси шунда қўлга тушган-да! Осиб юборди-ку! Ҳа, ростданам сен йўқ эдинг!

— Эшитдим. Яна биттаси ҳам бор эмишми?

— Бор. Кечаги комендатура тепасига қизил байроқ тикиб кетибди.

— Йўғ-э, ростданми?

— Рост. Ўзининг ҳам тоғдай юраги бор экан! Бутун тергов давомида гинг демаса-я! Комендантнинг юрагини ҳам қон қилиб юборди.

Ҳачекнинг «молодец!» деб юборишига сал қолди, ўзини аранг тутди. Юзидаги ифодани йўқотиш учун япалоқ бурнини уқалаб, хаёлини босиб келаётган фикрни чалғитди.

— Ўзи ҳам тоза калтакни еди, тишлари синиб кетди. Тирноқларини омбир билан суғириб ташлашди. Шунда ҳам шерикларини айтмади, манжалақи!

— Шунақа қийнайдимми?— ҳайратланди Ҳачек.— Уларинг жуда маданиятли кўринади-ку!

— Қаршингда душманинг ўтиргандан кейин маданиятлигинг эсингга келадими! Душман бўлгандан кейин қийновга олмай, диванга ётқизиб уқалайдими! Хола, осаётганда сиз бормидингиз?

— Йўқ, охиригача туролмадим. Кўнглим галати бўлиб, Рустам билан биз кетиб қолдик,— деди Маро бувининг энсаси қотиб. «Ешгина бир қизнинг қийналганидан завқланмай ўл» деб кўнглидан ўтказди. Унинг кўз олдидан дор тагига кетаётган ўша қиз ўтди. Ана, унга ёнидаги эркак нимадир деди. Шунда қиз эгиб бораётган бошини тик кўтарди, юзига нур югурди, тетик қадам ташлади.

— Эркак-ку, тақдирга тан бериб, бўйинини сиртмоққа тутди. Лекин манжалақи қиз нима дейди, дегин,— сўзини давом эттирди Қасаткин. У ўз сўзидан ўзи маст ва мамнун эди. Ҳаммадан Рустам унинг оғзига тикилиб қолган эди. Қасаткин истеҳзоли кулиб, масҳара қилди. «Бари бир биз енгамиз! Улим босқинчиларга!» дейди-я, манжалақи. Енгиб бўпсан! Аҳмоқ! Ундан кўра йиғла, ёлвор, узр сўра. Раҳми келса, шафқат қилса ажабмас.

— Йиғласа шафқат қилармиди?

Қасаткин «ҳа, шафқат қиларди» деса ҳеч кимнинг ишонмаслигига ақли етиб, шу маънога яқин қош учуриб қўйди.

— Уша терговда бўйнига олиши керак эди!

Ҳачек ўз кайфияти бузилиб келаётгани учун Қасаткинга қаттиқ-

роқ бир нарса деб қўйишдан ўзини тийиб, папирос тутатди, тутунлари орасидан ўзича сўзланган бўлди:

— Партизанлар дегин!

Бир чеккада Рустам йиғлаб ўтирарди. Маро буви уни ёнига тортиб, бағрига босди.

— Ҳа, раҳминг келдими, Рустам?— пичингнамо деди Қасаткин.

— Қўрқиб кетди, амакиси, бола-да!— жавобни Маро буви қилди ва Рустамнинг сочларини силади.

Рустамнинг шундай қаҳрамон қизни бераҳмларча қийнаганларига, кейин титилиб кетган кўйлақда эл олдида шарманда қилиб, олиб чиққанларига, бу ҳам етмаганидек ёш жонига шафқат қилмасдан осганларига чиндан ҳам ачиниб, раҳми келди. Шунча қилса ҳам ўзини тутиб ололмай йиғлаб юборган эди. Устига устак Қасаткиннинг кибрланиб, қизга қаҳри келиб сўзлашини айтмайсизми? Ўзингни бошингга тушсин, қани, нима қиларкинсан! Йўқ, бунақалар туққан онасини ҳам сотиб юборади. Рустам унинг қанақалигини энди яхши билади. Унга мақтаниш, маишат ва тумтароқ амалдорлик бўлса бас...

Маро буви Рустамни ёнига олиб, аста кўзгалди. Қасаткиннинг яна даҳшатли ҳикоя бошлаб қолишидан хавотирда эди. Хонага кириб бораётган Маро бувининг узун этагига хаёл сураётгандек тикилиб қолган Қасаткин деди:

— Шунақа гаплар, биродар. Қўзиқоринга ўхшаб, бу лаънатилар унда-бунда бош кўтариб қолди.

Хачек бу хилдаги суҳбатни давом эттиришга энди бардоши етмаслигини билиб, яқун ясади:

— Бўпти, келишдик, уйда «сен»сан, кўча-кўйда «сиз». Йўқотиб топган ўртоғимни, кечирасан, биродаримни беобрўй бўлишини истамайман.

Хачек бу шартини ҳеч бузмас, балки бошқалар олдида сифатлар қўшиб мурожаат этарди. Бу эса, Қасаткинга жуда хуш ёқарди. Хачекка бўлган ишончи ортиб борарди. Сал кунда унинг соатсозлик дўконига бемалол кириб, оёғини чалиштириб ўтирадиган, папиросининг тутунини бураб-бураб чиқарадиган, қандайдир соатлар олиб келиб, сотиб беришини илтимос қиладиган бўлиб қолди. Бузуқ бўлса «Тузат! Сот! Нимага олса ўртада!» деб ҳазиллашарди.

Ана шу кунларнинг бирида ишончли ўртоғи йўқлигидан нолиб кириб келди:

— Бутун бир қишлоқда кўнглинг тортиб гаплашадиган битта одам йўқ. Ишонасанми, Хачек? Ҳаммаси қаланғи-қасанғи, подадан қочган! Майда гап. Мен еб, у қуруқ қолгандай қовоғидан қор ёғади. Юрагим сиқилиб кетади, ўшаларни кўрсам!

Маро бувига эса, бошқача нола қилди.

— Хотиндан бахтим йўқ экан, хола. Бу лаънатининг қўли бемаза. Сув қайнатса тагига олдириб юборади. Германияда қизиқ экан, комендант айтиб берди: қиз эрга тегиш олдидан оила тутиш уч ойлик, ҳатто олти ойлик курсларини битириб чиқаркан. Маза-да! Хотиннинг пазандалигига нима етсин! Биз ҳам шуни қиламиз, қараб туринг. Шу қишлоқдан ўзим бошлайман.

— Қўймайсан, Қасаткин!— уни олқишлайди Хачек.

— Мана мени айтди дерсан, қиламан дедим, қиламан! Муаллимларни Германиядан олиб келамиз. Кеча бир тўда ёшларни юбордик-ку, балки ўшалардан чиқиб қолар! Бормайман, деб оёқ тирайди, йиғлайди. Мен ичимда уларнинг нодонлигидан куламан. Бу ботқоқлик билан зах ўрмонда нима қиласан. Бор. Германияни кўр, ўрган!

— Уқишгамас, оғир ишга олиб кетяпти, дейди-ку.

— Қизикмисан Хачек, меҳнатдан одам ўлибдими! Бугун ишласа, эртага ўқишга ўтиб кетади. Қўрибсанки, ўқимишли, маданиятли бир одам. Уруш умрбодмас-ку!

— Буёғи ҳам бор дегин?

— Албатта! Ҳозир уруш, албатта, ишлатади. Урушдан кейин уларни нима қилади. Уруш сал кунлик нарса.

— Мусофирлик, ғариблик қурсин, болам. Асал солсанг, оғзингда татимайди!— ўртага гап қўшди Маро буви ва дастурхон ёзди.— Биз янги кўчиб келганимизда ҳеч ўрганолмаганмиз.

— У бошқа вақт эди!— баҳона топди Қасаткин.— Ҳозир бошқа замон. Сизлар бу ёққа нима қилиб келиб қолгансизлар?

— Турк қирғинидан қочганмиз! Жонимиз кўзимизга ширин кўри-ниб қолган. Қани, дастурхонга қаранглар, Хачек бирор нарсанг борми, буфетда қолмабди.

— Бор! — Хачек ирғиб ўрнидан турди. Қаёқдандир бир шиша ароқ топиб келди.— Иккаламизга етиб қолар.

— Етмаса, яна топилиб қолар,— қулгига олди Қасаткин ва шиша-ни олиб, фасон ушлаб туриб очди.— Ўзинг қуй, биров қуйганини яхши ичаман.

Маро буви кеча кечқурун сўйилган хўрознинг гўштини димлаб олиб келди. Рустам: «Кеча «Қасаткин хўроз»ни мен сўйдим!» деб юбо-ришига сал қолди. Пастки лабини тишлади.

Қасаткин олдидаги тақсимчага бир парча гўшт билан иккита кар-тошка олиб солди. Овқат ҳамон буғланиб турарди, у иссиқ эди. Лун-жини овқатга тўлдириб гапирган эди, товуши палағда чиқди.

— Онанг овқат қилсаю иштаҳани менга берса! Овқатмас, илик, оғзингда эриб кетади. Умуман, арманларнинг овқати ширин бўлади.

— Келиб тур, биров сенинг кўкрагингдан итаряптими!

— Одам истиҳола қилади. Қўшниларингдан...

— Қўшнилариمنىнг эшиги бошқа. Келсанг, жиноятчиникига кел-майсан.

— Шундайку-я...

— Онам комендатурада ишлайди, мен, мана, тирикчилик деб дўко-нимни очиб ўтирибман.

— Ишларинг яхшими?— қизикди Қасаткин.

— Ёмонмас, насибамни топиб турибман,— Хачек арақ қуйиб, Қа-саткининг олдига сурди.— Ол, битта симирайлик, кейин отамлашиб ўтирамыз. Патефон қуйиб бераман.

— Яхши пластинканг борми?

— Сен боли топилади. Кеча ажнабийчасини бир офицердан олиб қолдим. Қўйиб кўрсам, бу дунёда бунақаси йўқ!

— Қанақа қилиб қўлга туширдинг, менга ҳеч учрамайди-ку.

— Сен соатсоз эмассан-да.

— Йўқ, армани эмассан дегин! Хўш-хўш,— хандон солиб қулди Қасаткин ва оғзини тўлдириб кавш қайтарди.

— Бир офицер соатини олиб келди. Қаттиқ ерга тушиб кетганми, улоқтириб отганми, анча шикастланган. Дарров тузатиб бер, дейди. Бундоқ қарасам, шошиб турибди. Қўлимдаги ишим зарур бўлмаса ҳам «Битта катталарингники, ҳозир келиб олиб кетиши керак» деб туриб олдим. Кўзи мўлтиллаб турибди, қўлтиғида 4—5 та пластинка. Секин ҳазиллашдим. «Битта пластинкангни берсанг, таваккал қилиб бенавбат қўлга оламан, бошим кетса ҳам майли!» дедим. Ремонт ўлгур, шунақа зарур эканми, тангилик билан пластинканинг иккитасини узатди. Ин-софга келиб: «Йўқ, биттаси бўлади» деб биттасини қайтариб бердим. Шунақа гаплар, оғайни!

— Хотинлар соатимиди?

— Шунақайди шекилли?

— Тамом, биттасиникига олиб кетаётган! Немис офицери яшашни билади, бизнинг мужик эмас.

Хачек буёғини чўзмади. Ёлғонни дўндирган эди. Ваҳоланки, пластинкани Хачек Витянинг олдидан қайтиб келаётганда йўлда бир қути папиросга битта болдан алмаштириб олган эди.

Хачек пластинкани олиб чиқиб патефонга қўйди. Чиндан ҳам пластинка шўх ва ўйноқи эди. Қасаткиннинг оёқлари ликиллай бошлади. Хачек яхши тушунмаса, умуман, музиканинг фаҳмига бормаса ҳам, боши билан маъқуллаб, Қасаткинни қўллаб ўтирди. Қасаткин Рустамга ёпишди:

— Уйнасанг-чи, ҳой бола! Буни қара, томир-томиринггача жимирлатиб юборади.

Рустам унинг тортиши билан ўртага тушиб, туриб қолди. Нима қилишни билмас, гоҳ Маро бувига, гоҳ Хачекка қарарди. Қасаткинга «Йўқ! ўйин билмайман!» дейишга нима учундир журъат этмасди. Уни кўрди дегунча кўз олдига одам осилган кун келарди, бақириб-чақириб юришлари қулоғида жаранглар эди, гоҳ қаҳрланиб, гоҳ чўчиб қўярди.

— Қўйсанг-чи, уни! Маишатиингни бузиб нима қиласан. Ўзи ота-онасини соғиниб, нима қилишини билолмай гаранг.

— Унинг ота-онаси ҳам Арманистондами?

— Гап шунда-да!

— Шу ерда ёлғон гапирдинг, армани!— Қўлини ниш қилиб туриб олди Қасаткин.— Ёлғон! У сенинг жиянинг туғул қариндошинг ҳам эмас. Алдама мени!

Хачек қотиб қолди. Унинг бунчалик хабардорлигидан беҳабар эди. Анграйиб қолди. Маро буви унинг жонига оро кирди.

— Сен Қасаткиндан яширмай қўя қол, ўғлим, болалик ўртоғинг. Синашта бўлиб қолдинг. Мен унга ҳаммасини айтганман. Билиб қўйгани яхши.

Қасаткин ютиб чиққанидай керилиб, яна баланддан келди, товуши дадиллашди.

— Ундан олдин ҳам билардим. Сенинг ҳеч қанақа опанг ёки синглинг йўқ. Қайнатанг партия ходими. Битта аканг бор, анави йили келган, у милицияда ишлайди — майорми, подполковникми, шунақа! Сен мени лақиллатмай қўя қол!

Хачек кўрдик, бу тулки ҳаммасидан хабардор. Ён босишга мажбур бўлди. Кулгига олиб гинахонлик қилди:

— Билсанг, нега суриштирасан? Ошна-оғайнигарчилик шунақа бўладими?

— Бир қармоқ ташлаб кўрдим. Хавотирланма, бир худо, бир мен биламан, холос. Тўшагингни қалин қилиб ётавер!

Хачек унга пахта қўйди.

— Юртимизнинг оқсоқоли бўлганингдан кейин билишинг ҳам шартда! Немис ҳар кимни ҳам катта қилиб кўтармайди. Битта чиройли хатингни ўзи нима турарди-ю, суратга ўхшайди. Лекин сенинг ҳам, менинг ҳам ўқишим чала қолди.

— Ўқишни қўйсанг-чи, китоб деса, юрагим сиқилиб кетади. Мен мана шунақа ҳавойи ишни яхши кўраман. Тилим билан иш битказсам: Одам боласи «гаҳ десам» қўлимга қўниб турса!

— Амалдорликни яхши кўраман, деб қўя қол!

— Ҳа албатта! Дунёни амалдорлар ушлаб туради-да, дўстим. Ҳозир ақл эмас, амал асри.

— Сенинг ишинг жойида, менга ёмон бўлди,— ўкинган киши ҳолатига кирди Хачек.— Қиш бўлса оёғимдан зах ўтиб, қани кимнинг соати бузилди, деб туйнукдан қараб ўтираман.

— Хафа бўлма,— дея унга тасалли бериб, кўнглини кўтарди Қасаткин.— Уруш тугасин, марказда битта соат дўкони очиб оласан. Швейцария соатларини олиб келиб сотасан. Арманисан-ку, имкон туғилиши билан қўлингни бурнингга тиқиб ўтирмассан! Ана шунда қизлар оппоқ билагини кўрсатиб гиргиттон бўлгани бўлган. Ё уруш тугаши билан хотинингга чошиб қоласанми?

Қасаткин тегли қилиб кулди, кўзини қисди. Хачек унинг дамини қайтарди:

— Иккита ўғлим бор.

— Нима, битта-яримта қизнинг билагидан ушлаб турсанг, устига ўғлинг келиб қоладими?

Қасаткиннинг беҳаёларча ҳазилидан Маро буви хижолат тортиб ошхонага ўтиб кетди. Рустам гушуниб, бошини қуйи солди. Қасаткин кайфининг ҳарорати ҳамон совимасди:

— Нодон бўлма! Бу беш кунлик дунё! Инғлаган ҳам, кулган ҳам ўтади. Яйраб қолиш керак!

Қасаткиннинг Хачекка бунчалик ён босиб келишининг ўз сабаби бор эди. Қўнглига алам тугиб, пайт пойлаб юрганди. Хачек бирдан йўқ бўлиб қолди — бола-чақасининг олдига кетди. «Йўлда қўлга тушиб йўқ бўлиб кетади» деб умид қилиб турганда, ранги рўйи сарғайиб келиб қолди. Бу орада Рустам ҳангомаси бўлиб ўтди. Қайтиб келгач, албатта ҳамма гапдан хабар топган. Онасининг қилган «муомала»сини комендатурага бориб айтса борми, ойини ўттиз қилиб бошида ёнғоқ чақади. Ундан кейин дадасининг қамалишида унинг қўли борлигини билади. «Бўлди, сўзинг тўғри, сенинг қўлинг йўқ» деб ишонтирмоқчи бўлса ҳам, кўкрагида турибди, ўчмас кек бўлиб турибди. Гестапога сал сездириб қўйса, кифоя, оёғини ерга тегизмайди.

Демак, бирдан-бир чора Хачек билан яқинлашиб, унинг оғзига уриб туриш, вақти келса, чўчитиб, вақти келса, меҳрибонлик қилиш. Албатта, бу ҳолда узоқ яшаб бўлмайди. Лекин, ҳозирча бундан бошқа тадбир йўқ. Ёнбошига келиб қолса, унинг юзига қараб ўтирмайди, албатта.

Қасаткин пластинкани яна қайта қўйдириб, ўрнидан турди, эзилган этагини текислади:

— Қани, Хачек, яна биттадан қуй, тикка туриб ичамиз. Қорин ҳам тўйиб кетди.

— Марҳамат, яна битта шиша бор. Давом эттиришимиз мумкин, бу ёғидан хавотир олма!— деди Хачек шишанинг охирини иккига бўлар экан.

— Йўқ, шу битта бўлади. Бу қадаҳ йўл оёғи! Ҳали хўжайин чақириб қоладими?

— Чақирса нима, ўзи ичмайдами, фариштами?

— Ичади, лекин бизга ўхшаб ичмайди.

— Ёнида бўлганингдан кейин ўргатгин-да! Қиз болага ўхшаб хўлаб ўтирадигандир-да.

— Жаҳли ёмон, қўрқиб тураман. Аламзадами, нима бало. Бир хўмрайса, баданимда қумурсқа ўрмалаб кетгандек бўлади.

— Хотини жуда тортадиган дейди-ку,— ўсмоқчилади Хачек.

— Қим айтди сенга, ойингми? Биров билмасин, тортмайди, симиради. Француз коньягига жуда ўч! Ҳатто эри ҳайиқади.

— Эрининг олдида бемалол ичаверадими?

— Йўқ. Бу жиҳатдан тартиб! Кишилар олдида ҳурматини сақлайди. Баъзан писанд ҳам қилмайди. Хуллас, билиб бўлмайди.

— Ўзи русми? Одамлар рус дейишади.

— Очигини айтсам, аниқ билмайман. Лекин рус қони бор. Онасими, дадасими Россиядан қочганлардан. Бундан олдин Парижда туришган экан. Нима бўлибди-ю, амалдан пасайтириб бу ёққа юборибди. Бутун

алами шунданга ўхшайди. Бизни кўришга кўзи йўқ. Икки гапнинг бири-да ёввойилар дейди. Шу гапи менга ҳам алам қилади. Ноилжман. Каттанг бўлгандан кейин тилингни тескари тишлар экансан!

Хачек унинг ёнига ўтиб, қўлини елкасига ташлади.

— Хафа бўлма, зодагон оиласидандир-да!

— Унақага ҳам ўхшамайди. Лекин ниҳоятда аламзада!

— Унақа дема,— Қасаткиннинг ҳимоясига ўтди Хачек,— қулоғига етиб қолади.

— Тўғриси-да!— деди-ю, Қасаткин меъеридан ўтинқираб кетганини фаҳмлаб олди, қадаҳни баҳона қилиб, гап чалғитди.— Кел, шунини ширин таом тайёрлаган Маро холам соғлиғига олайлик.

— Жоним билан,— қўшилди Хачек.

Маро буви: «Раҳмат, бодаларим, ош бўлсин» деб миннатдорлик билдирди. Улар қўзғалиши билан дастурхонни йиғиштиришга киришди. Қасаткин кўча эшигидан чиқиб, кўздан ғойиб бўлиши билан деди:

— Тил топсанг, гаплашадиган йигит. Қўй, болам, бундан кейин жифиллашиб юрма. Мана, бир-икки ширин гапирувдинг новдадай эгилди-қолди. Дардлашиб ўтирдинг. Лекин ёмон кўп чекадиган бўпсан!

Хачекнинг кўнглидан: «Оҳ, онажон, бу бари бекорга уюштирилгани йўқ. Садқайи хўроз гўшти кетсин! Лаънатини ўзимга мослагунимча жигар-бағрим хун бўлиб кетди. Падарига лаънат бу аблаҳнинг» деган фикр ўтди. Кейин онасидан сўради:

— У. Рустамнинг тарихини қаёқдан билади?

Она ўғлидан Қасаткин билан бўлган учрашувини сир тутар эди. Энди айтиб беришга мажбур бўлди. Тилла узукни берганини айтса ҳам, нима учундир кийимликни яширди.

— Нима қилай, болам, мажбур бўлдим.

— Чакки бўпти. Ҳа, майли! Бу лаънати ҳали бизни тинч қўймайди.

— Нима, мени Германияга олиб кетадими!— бирдан сапчиб тушди Рустам.— Ҳеч ҳам бормасман. Қочиб кетаман!

— Қолибсан-ку, бўпти-да! Мана, қалин дўст бўлиб олдик. Энди сенга индамайди!— деб уни юпатди Хачек.

— Мен тирикман, сен ҳеч қаёққа бормаёсан, болам. Мендан кейин нима бўлади, билмадим.— Маро буви кўзига ёш олди.— Сен бежавотир юравер! Кел, дастурхонга, болам, катталар ўтириб, сен тузуккина овқат емадинг. Мен ҳам бирга ейман, кел, кела қол. Икки кўзим буларда бўлиб, мен ҳам овқатлангандек бўлмадим.

— Нега икки кўзингиз бизда бўлади?— ажабланди Хачек.

— Қим билади? Иккаланг учрашсанг, юрагим ўйнаб туради.

Хачек мийиғида кулди:

— Бундан кейин аҳил яшаймиз, юлдузимиз ўнг келиб қолди. Хавотир олманг!

— У ҳам одам боласи, ширин сўзнинг гадоси. Ҳамма нарса тилга боғлиқ. Тахтга кўтарадиган ҳам тил, жаллод болтасига олиб борадиган ҳам тил.

Рустам ҳеч нарса тушунмай, жим ўтирарди.

### XIII

Маро бувининг комендатурага ишга кирганига ҳам анча бўлиб қолди. Бир-икки кун оғирлик қилганга ўхшаб, ҳориб-толиб қайтди. Розилик бериб қўйганига пушаймон ҳам еди. Ҳалигача аниқ билмайди, нима бўлиб розилик берди? Қасаткиннинг юзидан ўтолмадими? Рўзгор боши Хачекнинг йўқлигида юраги увишиб, «Майли!» деб қўйдими? Бўлмаса, нима манфаати бор? Қизиқ, Хачек қайтиб келиб ҳам: «Мен

Йўғимда розилик бериб қўйибсиз. Мана, мен келдим, энди қўйинг, одамини топси!» демади.

Хуллас ишга кирди. Иши, аслида-ку оғирмас. Ишидан ҳам уни кузатиб турадиган кўзлар оғир. У супургисини олди дегунча қошида битта солдат пайдо бўлади. Маро буви қайси хонани йиғиштирса, шу хонага кириб, бир четда ўтиради, сувга чиқса, деразадан қараб туради, Гўё соқов, на гапиради, на бир нарса уқтиради!

Олдинига Маро бувининг гаши келиб, аристондек табиати хира бўлиб, қилар ишидан адашиб юрди. «Кабинетни еб қўяманми, жувонмарг, нарироқ чиқиб тур!» деб ичида қараб юрди. Йўқ, кейинчалик унга ҳам ўрганиб қолди. Эшикдан кириши билан салом бериб, қайси кабинетни йиғиштирмоқчи эканини айтади, у очиб беради. Артиб-тозалаб бўлгач, ундан олдинроқ: «Ёпиб ол!» деб ишора қилади. Кейин шу солдатга ҳам раҳми келди: «Гўдайиб туради ёки бир чеккада ғарибдек бўйинини эгиб ўтиради. Кампир хотинга азамат бир назоратчи!— Қизик, деб ўйлайди Маро буви.— Нимасидан хавотир олади?» Кабинетларида қулф-калитлик стол-стулу битта-иккита суратдан бошқа ҳеч нарса йўқ. Тўғри, комендантнинг кабинети салобатли. Тўрда Гитлернинг сурати, ўнг бурчакда йилтироқ катта сейф, столи ҳам дабдабали, хона ўртасига гилам тўшалган, деразасида темир панжара. Эшиги иккита калит билан очилади. Маро буви йиғиштиргани кирганда на столнинг устида, на ахлат саватида қоғоз зоти бўлади. Лекин хонадан тутун бурқсаб, кулдон сигарет қолдиқларига тўла бўлади. У кириши билан деразаларни очади, вентиляторни қўйиб юборади. Бир чеккадан артиб чиқади. Стулларни яна жой-жойига қўяди. Кейин деразани ёпиб, иллагини тушириб, «мана бўлди, эшигингни ёпиб ол» деб ишора қилади. Табиати-роқ солдат бўлса жилмайиб қўяди. Бир хили то Маро буви ишни тугатиб чиқиб кетгунча ҳам қироатини бузмайди. «Мен еб, сен қуруқ қолганга ўхшамай ўл!» деб кўнглидан ўтказади, энсаси қотади. Улар ҳам алмашиб туради. Уч киши, айниқса биттаси расвойи жаҳон. Яна биттаси бор, униси бутун бошқача. Маро бувини кўриши билан, бош силкиб кўришади, буви тушунмаган тилда нимадир сўзлайди. Ҳаммасига Маро буви маъқуллаб бош чайқайди, ёки ўзича жавоб қилади. У ҳам «тўғри-тўғри» дегандек бошини қимирлатади. Шу навбатчилик қилганда Маро бувининг табиати ёришиб, ишининг тугаганини ҳам билмай қолади. Унга бир куни иккита нок олиб келди. Солдат олмади, буви қистади. Буви кўриб турибди-ку, кўнгли суст кетяпти-ку, нимадандир ҳадиксирайди.

— Олавер, нок-ку, ўз ҳовлимдан. Сенинг ҳам менга ўхшаган онанг бордир. Соғиниб ўтиргандир, ол!— деди Маро буви қистаб. Солдат атрофга олазарак бўлиб бир қараб олгач, қўл узатди. Шунда ҳам дарров қўйнига тизди.

— Оҳ, бечора, сенларнинг ҳам жонингни бошлиқларинг олиб қўйган экан-ку!— деди Маро буви латта солинган челаги билан супургисини қўлига оларкан, солдат унинг гапини тушунгандай жилмайди.

Маро буви «Юр, уйда бир ўзинг зерикиб ўтирасан!» деб Рустамни бирга олиб келганда, солдатлар бувига ўрганиб қолган эди. Унинг бахтига ўша мўмингина салом-аликли солдат экан. Рустамни кўриши билан ишора қилиб: «Уғлингми?» деб сўради. Маро буви «невара» дейишни удалаб тушунтиролмади: «Ҳа» деб қўя қолди. Рустам кулди:

— Уғлингизми?— деб сўраяпти. Сиз бўлсангиз «ҳа» дейсиз.

— «Невара» дейишни билмасам нима қилай, болам, билсанг, тушунтириб қўя қол.

Бундоқ ўйлаб қараса, Рустам ҳам шу сўзнинг немисчасини билмас экан. Аранг тушунтирди. Солдат яшнаб кетди. Унча-мунча гаплашишди. Лекин бари бир Рустамни кабинетларга киритмади. Мумкинмас, демади-ю, бошлиғи келиб қолишини айтди.



— Жаҳли ёмон!— деди.

— Қўй болам, гап тегадиган бўлса, кирма! Ма, менга бир челак сув узатиб юбор!

Рустам ҳовли ўртасидаги қудуқдан сув тортиб, бир челак лиммо-лим қилиб олиб келди. Сув чайқалиб, почасини ҳўл қилди, Маро буви буни кўриб кулди:

— Ҳа, бунча тўлдирмасанг! Қарзга олдингми?— деди-да, ярмидан озроғини сепиб ташлаб қолганини олиб кириб кетди. Рустам ҳовлида қолди. Ҳовли сатҳи каттагина. Атрофида хоналар бор. Солдатлар кириб чиқиб юрибди. Ҳу ана, бири пастда турибди шекилли, у ёқдан-бу ёққа бориб келади, бўйнида автомати. Рустам ўша томонга юрмоқчи бўлган эди, Маро буви йиғиштираётган хона деразасидан солдат:

— У ёққа борма, мумкинмас!— деди.

Шундан кейин Рустам дераза тагида ўтирди. Маро бувининг ифлос бўлган сувини олиб бориб, кир ўрага тўкди, янгисини олиб элтиб берди. Қайтиб келишда яхшилиқ қилмаган бўлса ҳам, солдат билан қуюқ хайрлашди. Маро буви изоҳлади:

— Бу яхши бола, яна биттаси бор, худонинг балоси. Столнинг орқасида энгашиб полни артсам, тепамга бориб туради.

— Ҳа, бунча!— Пол тупроқми бир нарса кўмиб қўясиз?!— деб ажабланди Рустам.

— Билмасам... Шунақа кўнгли қора!

Олдинига хўрлангандек эриш туюлган бу қоидалар, кейин ўз кучини йўқотгандек Маро бувига таъсир қилмай қўйди. Худди шундай Рустам ҳам ўрганиб қолди. Кейин-кейин кабинетга кирса ҳам индамайди-ган бўлдилар. Буви полни ювса, Рустам столларнинг устини, стулларнинг суюнчиқларини юмшоқ латта билан артиб берарди. Кир сувни олиб чиқиб, тозасини олиб кирарди. Шундай кунларнинг бирида комендант хотини билан келиб қолди. Маро бувининг жон-пони чиқиб кетди. Солдатга гап тегади, Рустамни ҳайдаб беради, деб ўйлади. Бундан олдин ҳам бир-икки келган, унда Рустам йўқ эди, унда мана шу юмшоқ-қина солдат навбатчилик қилмасди.

Маро буви комендантни кўриши билан, қўлидаги пол латтасини челакка аста ташлаб, қаддини ростлади. Эгилиб салом берди. Комендантнинг бугун табиати равшан шекилли, очиқ юз билан алик олди. Хотинига нималардир деди. Хотини қийналиброқ бўлса ҳам, русчалаб сўрашди ва олдига борди:

— Сиз ҳақингизда менга Қасаткин кўп гапирган. Битта ўғлингиз бор. Урушдан олдин келиб, кетолмай қолган неварангиз бор.

— Мана ўша неварам!— Маро буви эшикдан сув кўтариб кирган Рустамни кўрсатди. Рустам сувни қўйиб, дарров салом берди. Уни немис деб ўйладими, немисча сўзлаган эди:

— Немисчани биласанми? — деди хотин ва бирдан эслагандек ўзи жавоб берди.— Ҳа, сенинг онанг немис тили муаллимаси. Эшитганман.

Маро бувининг хаёлидан ўтди: «Қасаткин ўлгур, кўрган-билганларини оқизмай-томизмай буларга етказиб турадиганга ўхшайди».

Хотин Рустамни бошдан-оёқ кўздан кечирди. Меҳри тушиб қолдими, қайрилиб қолган ёқасини аста тузатди:

— Генрих, кўзининг қоралигини қара!

Ёзма столининг галадонидан нимадир титкилаётган комендант бошини кўтариб, энсаси қотгандек Рустамга чор-ночор қаради ва хотинининг ажабланаётганининг маъносини дарров тушунди. Тушунди-ю, хаёли чувалиб кетди. У Париж районларидан бирида ишларди. Иши яхши эди. Минг қилганда ҳам Париж. Истаса шаҳар айланади, истаса музейга кирарди. Берлин яқин эди. Лекин хотини туфайли ҳаммасидан бебаҳра бўлди. Бир зиёфатга бордию, балога қолди. Генрих гапга ово-

ра бўлиб кетибди, бундоқ қараса бир арман йигити билан ўйин тушяпти. Суҳбатлари чортанг, икки кулиб, бир гапиради. Ўйиндан кейин қуюқ хайрлашиб жойига келиб ўтирди. Бари бир иккала кўзи ўшанда. Яна рақс бошланиши билан ирғиб туриб, ўшанинг қучоғига ташланди. Яна қувноқ ханда, ноз-карашма... Генрих олдинига кайфнинг аломати деб унча аҳамият бермади. Бари бир уйга қайтиб кетаётганда, «Ўзини анча энгил тутганини» таъкидлади. Хотини индамади. Генрих, гапимни тушунди, деб ўйлаб, бу кечани эсидан чиқариб юборди. Чакки қилган экан. Бир куни иккаласини Париж кўчасида бир кўрди, кейин телефонда гаплашиб турганда ушлаб олди.

— Маргарита, яхшимас, бас қил!— деди.

Маргарита узр сўраб, тавба қилиш ўрнига шартта туриб:

— Мен уни яхши кўраман, Генрих! Унинг қоп-қора кўзларига қара, оламни ёритади!— деса борми.

Генрих турган ерида шамдек қотиб қолди. Ҳатто нима дейишини билмади. Олдинига зиёлиликка бориб «тушунтирган» бўлди, кейин эркалади, охири бўлмагач, яна учрашганини билгандан кейин, тарсаки тортиб юборди. Воқеа қўмондонликкача бориб елди. Маргаритани чақириб «Буюк Германия Армияси офицерининг хотинига номуносиб қилиқлар қилганликда айблаб» суҳбат ўтказдилар. Таъсир қилмади. Генрихга галоқ қўйишни таклиф этишди. Рози бўлмади. У хотинини астойдил севганидан ҳар қандай азоби бўлса ҳам тортишга тайёрлигини айтиб туриб олди. Унга индамасдан жавоб берган хўжайинлари, Совет Иттифоқига уруш очиш арафасида ишидан озод қилиб, Польшага юбориб қўйди. Ундан мана «Сосновка»га комендант бўлиб келди. Қунда Париж тушига қиради. Хотини аввалгидан анча ўзгариб, аслига келиб қолганга ўхшаса ҳам, ўша арман йигитни эслаб туради. Мана бугун ҳам боланинг қоп-қора кўзини кўриб, унинг битмаган ярасини яна тимдалади.

Генрих излаган нарсасини ғаладондан олиб, тўрт буклаб, ички чўнтагига солди. Чиройли мўйловини силаб хотини олдига келди, пичинг қилди:

— Чўлоқ тоғаси ҳам бор, уни ҳам кўр!

Маргарита писанд қилмади. Чиндан ҳам Рустамнинг тим қора кўзлари унинг хаёлига гўзал Париж, қора кўзли арман йигитни намоён қилган эди. Ҳаммаси тушдай ўтди-кетди.

Маргаританинг юраги бир орзиқиб, оғзига ширин нарса солгандай тамшаниб қўйди. Рустамдан кўзини олиб, ҳамон ишини давом эттиролмай қўлининг ҳўли билан турган Маро бувига юзланди:

— Пазанда эмишсиз. Айниқса товуқ гўштини дўндириб пиширармишсиз. Товуқ гўшти менинг жоним! Яқинда туғилган куним бўлади, айтдириб юбораман, келиб қарашиб юборасиз!

— Хўп, жоним билан!— деди Маро буви ва «буни ҳам Касаткин айтган» деган фикр кўнглидан кечди.

Рус тилида борган бу сўзларга комендант яхши тушунмай «нима деясан?» деган эди, Маргарита кулиб:

— Яхшилаб тозаланг. Эрим инжиқ дедим!— деганича эрининг орқасидан эргашди. Ҳовлига тушиб, Рустамга иккита бармоғини қимирлатиб хайрлашди.

— Очиққина жувон экан!— деди кетидан Маро буви.

«Очиққина жувон» икки кундан кейин одам юбориб, Маро бувини олдириб кетди. Ўйини тозалатди, кирини ювдирди. Ўзи ҳам қарашиб турди. Чиндан ҳам очиққина жувон экан, бемалол гаплашиб юрди, бирга ўтириб овқат қилди. Қайтишида «қора кўз неварангизга» деб бир дона шоколад бериб юборди, ёлғизлигидан нолиди, чақирса, йўқ демасдан келиб туришини илтимос қилди:

— Эримнинг одати ёмон, бировни олдимга киритмайди. Биров мени еб қўярканми!— деб ҳазиллашди. Яна бир чақиртирганда «қора кўз неварасини ҳам олиб келсин» дебди. «Ўзи-ку, майли. Эри қўпол экан» деб Рустам зўрға эриниб борди. Эски қадрдонлардай бағрига олиб кўришди. Гоҳ русчалаб, гоҳ немисчалаб гаплашди. «Кўзингнинг қорасидан бер!» деб ҳазиллашди. Хонасига олиб кириб, альбом очиб, ёшлигидаги суратларини, Берлин, Париж акси туширилган расмларни кўрсатди. Ёш укаси бўлганини, чўмиламан, деб фарқ бўлганини ҳикоя қилиб берди.

Рустамга ўхшаб жуда чиройли бола бўлган экан. Унинг ўлимидан кейин, сал ётиб, онаси оламдан ўтибди. Ана ўша йили эрга теккан экан. Ўшанда қаттиқ кўрқиб кетганидан туғмайдиган бўлиб қолибди.

— Генрих болани ёқтирмайди!— деди охирида ўкиниб. Ўзи болани жуда яхши кўрармиш, айниқса Рустамга ўхшаган қора кўз, чиройли болаларни.

— Эрим, сени менга рашк қилиб юрибди-я!— деб хандон солиб кулди. Ҳали келиб қолса, хархаша ҳам қилиши мумкин.

— Бўлмаса мен кета қолай?— деди Рустам хавотир олиб. Ўрнидан қимирлаган эди, Маргарита елкасига қўлини қўйиб:

— Мен бу хонадоннинг қули эмас, бекасиман. Ҳушига келса шу! Ҳа, ростданам товуқ сўйишга қўрқмайсанми?

— Нима қилди?

— Битта товуғим бор, сўйиб бергин? Эрим сўйгувчи эди, бугун эрталаб кетиб қолибди. Ўзим қўрқаман.

— Майли,— деди Рустам ва Маро бувиникида «Қасаткин хўрозни» сўйгани эсига тушди. Тажрибасизлик қилиб оёқларини қаттиқ босиб турмаган экан, чиқиб кетиб тоза овора қилган эди. Бу гал оёғини жуфт қилиб, қаттиқ боғлади. Кейин оёғи остига босиб туриб, пичоқ тортди. Товуқ жони хўрозникига ўхшаган қаттиқ бўлмас эканми, қанотини бир-икки уриб типирлади-ю, тинди-қолди. «Қасаткин хўроз» ҳаммаёқни жуда бузиб юборган эди.

— Уста экансан!— деб олқишлаган Маргарита Рустамга қўшилиб патини тозаламоқчи бўлган эди, Маро бувига ёқмади.

— Бунақада терисини шилиб ташлайсизлар. Тўхтаб туринглар. Ҳозир ўзим бирпасда тозалаб бераман, деди ва наридан бери ишини тутатиб «яна бойвуччанинг кўнглига келмасин» деб қўлларини совунлаб ювиб келди. Унинг қўллари шунақа келишардики, Маргарита термилиб қолди. Шунча патини юлибди-ю, бирон ери титилмаса-я.

— Бу ҳам санъат экан!— деди Маргарита ва товуқни кострюлга солди. Ичини Маро бувига ҳада қилган эди.

— Товуғим кўп, айланай, қонини оқизиб кўтариб юраманми,— деб олмади.

Яна бир келганда Маргарита картада фол очиб ўтирган экан. Маро бувига ишни кўрсатиб, Рустамни ёнида олиб қолди. Карта ўйинидан беҳабарлигини билиб, ҳайрон бўлди, ҳатто ажабланди.

— Шунга ҳам билмайсанми? Кел, ўргатиб қўяман.

«Пиррани» аввал тушунтириб, кейин ташлаб кўрсатди. Картани сузиб, Рустам учун ҳам, ўзи учун ҳам ўйнади.

— Зеҳн қўйиб тур!— деди. Рустам болалик ишқибозлиги билан зеҳн қўйиб турди. Салда ўрганди-олди. Шундан кейин уч қўл ўйнашди. Маргарита иккитасида «ютқизиб», биттасида ютди.

— Яна битта қизиги бор, энди келганинда ўргатаман,— деди.

Шундай қилиб, Маро буви комендантнинг уйида ҳам ўз кишиси бўлиб қолди. Туғилган кунда қора терга ботиб ёрдамлашди. Ўзи ҳам жиндай совға олиб келган эди. Маргарита олмади, аксинча, ўзига битта қўйлақлик, Рустамга иссиқ пайпоқ инъом қилди.

— Яхшиям сизлар бор, бўлмаса қоң бўлиб кетардим бу ерларда!—

деб баъзан хурсанд бўлиб қўяди. Баъзан Рустамни чақиртириб, кечга-ча карта ўйнайди. Баъзан бирга бозор қилади. Саватни Рустам кўтариб юради. Кейин яна карта. Картада зерикса, патефон қўяди, ҳатто ўзича ўйин тушади. Кавалер ўрнида Рустамни олиб гир айланади. Баъзан ўйиннинг охири йиғига айланиб кетади.

— Дунёда энг бахтсиз хотинман!— деб кўз ёшларини артади. Рустамнинг тимқора кўзларига қараб, хаёл суриб қолади. Эри келадиган вақт бўлди дегунча пардоз-андоз қилиб, кийиниб чиқади. Эри эшикда кўриниши билан Рустамга жавоб беради.

— Бора қол, қоракўз, тагин қайфияти бузуқ бўлса, сени хафа қилиб қўймасин!

Генрих Рустамнинг ёнидан хўмрайиб ўтиб кетади, гоҳ саломига алиқ олади, гоҳ олмайди. Қаршисига пешвоз чиққан хотини билан ўпиб кўришади. Фуражканин қўлига тутади ва елкасидан қучоқлаб уйга юради. Маргаританинг эри келиши билан ўзгариб қолишини, унинг эрига қилаётган муомаласининг самимий эмаслигини ўйлаб, Рустам уйига етиб келади.

Эшик ёнида Хачек Касаткин билан гаплашиб турибди. Хачек асабий кўринади. Уртада тагин гап ўтибди шекилли, деб ўйлади Рустам.

Рустамни кўриши билан Хачек:

— Ана, комендант хотинининг ёрдамчиси келяпти!— деб кулди. Кулгиси табиий чиқмади. Рустам салом бериб, тўхтади.

— Ҳали дўконда гап бўлиб қолди, яна биттасини ушлабсанларми?— деди аҳамият бермаган бир оҳангда Хачек. Касаткин ҳам парво қилмади.

— Биздан эмас, келгинди.

— Шу ерлик дейишяпти-ку?

— Илгари турган экан, тўғриси, асл шу ерлик.

— Ким экан у?

— Комаровми, Корниловми дегин.

— Яна Витя Корнилов бўлмасин?

— Эҳтимол... Танийсанми?

Хачекнинг юраги шув этиб кетди. Наҳотки ўша Витя! Унинг уч кун аввал келганидан хабари бор, ўша куниеқ тунда қишлоқдан чиқиб олганди. Буни эрталаб ушлашибди-ку! Ундан бошқа яна қанақа Корнилов бор? Бу ким бўлди? Юраги ўйнаб нуқул «ўша, ўша сенинг дўстинг Витя» дер эди. У ўзини аранг тутиб, Касаткинга жавоб қилди:

— Витя бу ёқларга келмайдиган бўлиб кетган. Ундан кейин у бунақа ишлар билан шуғулланадиган йигит эмас.

— Молиячими?

— Шунақайди шекилли.

— Бўлмаса худди ўзи! Шуғулланмайди-я! Пистирма қўйиб, зўрға тутдик. Икки кундан бери ўзимга келолмайман. Лаънати жуда уста экан. Бир қўлимиздан чиқиб кетиб, иккинчисида зўрға илинтирдик. Осмондан ўтдими, ернинг тагидан ўтдими, билмай қолибмиз. Йўқ, изини топдик. Бизнинг ҳам садоқатли одамларимиз бор. Мана буларни эрта якшанба пуллаб қўй, пули керак!— деди Касаткин докага ўралган бир нечта соат узатиб.— Лаънати бизни жуда чарчатди. Бориб дам олмасам бўлмайди, ҳаммаёғим қақшаб кетяпти.

— Нозик йигитсанлар-да, салга чарчаб қоласанлар!— деди Хачек ўзини зўрма-зўраки бефарқ кўрсатиб.— Энди уни нима қиласанлар?

— Буёғи менинг ишим эмас, тутиб бердим — бўлди. Немиснинг ўзи билади.

— Ўзи нима иш қилибди?

— Энди буёғига ўтма! Биз бировни бекордан-бекорга қўлга олмаймиз. Ёнида тўппончаси ҳам бор, дўстим.

Қасаткин жўнаб кетса ҳам, Хачек жойидан қимирлаёлмай қолди. Уша Витянинг хўдди ўзгинаси! Энди нима қилди? Кимдан ёрдам сўраб, кимга маслаҳат солади?

Хачек гангиб қолди. Бошига оғриқ кирди. Тиззасида титроқ тургандек бўлди. Хаёл билан йўл чизиб, ёнида Рустам турганини ҳам унутди. Кейин пайқаб, уни уйга киритиб юборди.

Рустам:

— Сизга нима бўлди, рангингиз оқариб кетди, — деганича эшикни итарди.

— Шунақами? — дея Хачек унинг кетидан кириб, ҳовлида юзини муздай сув билан ювди. Чала артиниб, Рустамга тайинлади:

— Ойимга билдирма, ҳозир бир ерга бориб келаман!

Кетидан эшикни ёпиш ҳам хаёлидан кўтарилиб, Хачек кўчага отилди. Рустам ҳайрон қараб қолди. Хачекни ҳеч бунақа ҳаяжонда кўрмаган эди: «Нима бўлди! Нима гап?»

Хачек озгина юргач, хушига келди: «Қаёққа кетяпти? Мўлжал қилган ерига ҳозир бориб бўлмайди-ку! Эҳтимол, Витя кеча ўша ерда паноҳ топган-у, бугун қўлга тушган?»

Хачек орқасига қайтди. Ўзини босиб, онаси олдига кириб келди.

Рустамнинг кўзи унда эди. Кечки овқатда иштаҳаси ҳам бўлмади.

— Ол, болам, нега иштаҳанг йўқ? — деди онаси.

— Яқинда овқатланган эдим, — деб жавоб қилди у. Аслида эрталабки нонуштадан кейин ҳеч тамадди қилмаган эди.

Кечаси билан безовталаниб чиқди. Алламбало тушлар кўрди. Бирортасини англаб бўлмайди. Бир ери эсида қолибди: битта барзангидай ит унга ташланаётган эмиш. Чўчиб уйғонса туши. Шу-шу кўзига уйқу келмади. Икки марта ҳовлига чиқиб келди. Биттасида кўчага қаради. Бирдан иккита ит қувалашиб ўтиб, чўчитиб юборди. Ити ҳуриди. Уни босиб, яна кириб ётди. Уша Витя бўлса, шерикларини сотмайди. Хачек бунга амин: Тағин ким билади, киши бунақа вақтда ўзини қандай тутади! Уйлаб-уйлаб Хачекнинг кўнгли буёғидан тинчиди. Лекин бошқа масала тинчини олди. Витя ётаверадими, уни отиб ташласа ёки немислар одат қилганидек майдонга олиб чиқиб осса, қараб тураверадиларми?..

Хачек эрталабгача сабр этишга қарор қилди. Дўконига борса, маълум бўлади. Туннинг бунақа узунлигини умрида биринчи марта ҳис қилди. Бугун тонг отмайдими! Тун ёруғ, тонг отмайди. Қизиқ! Деразадан осмонга қарайди. Осмон оппоқ. Ой баркашдай бўлиб, деразанинг қаршисида турибди. Ой ҳам бу кеча кўзига хунук кўринди. Шундан кейин чарчаб ухлаб қолди. Кўзини очса, кун чиққан. Тезгина ювиниб, нонуштани дўконда қиламан, деб жўнаб қолди. Борса, ҳар кунги ҳаёт. Ҳеч ким билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Икки киши келиб соатини олиб кетди. Хачек шунча қиладики, қани хаёлини йиғиб олиб, ишини бошласа! Қўли бормайди. Қидирган нарсаси қолиб бошқасини олиб қўяди. Лекин икки кўзи кўчада. Битта-яримта «ўз кишимиз» кириб қолармикин деган умиди бор. Йўқ, ҳеч ким йўқ. Ё улар ҳали билмаганмикан? Билмаган бўлиши мумкин, кечагина бўлган иш. Йўқ, мумкинмас. Ўзи ўшаларнинг олдига келган-ку! Ё қўрқиб кўчага чиқолмай ўтиришибди-ми? Улдими!..

Тушгача ҳеч кимдан дарак бўлмади. Бу орада Қасаткин кириб, бир қути чет эл папиросини ташлаб кетди.

— Мана бунй чек, ўладиган дунёда.

Хачекнинг юраги Қасаткинни кўриши билан нима учундир шиг этиб кетди. Инъоми ҳам татимади.

— Хотинчангни тоза соғинибсан-а, кўзларинг сузилиб кетяпти, — деб тегишди Қасаткин. Хачек унинг оғзини шунча пойлади. Лекин Витя

ҳақида бир нарса демади. Сўрашга эса ўзи ботинмади. Шубҳаланиши мумкин.

Қасаткин чиқиши билан бир қиз бола кириб:

— Чет эл соатларини ҳам тузатаверасизми?— деди.

Бу пароль эди. Ҳачек ялт этиб унга қаради. Содлагина бир қиз. Лабини лабига қаттиқ босиб, қўлида соат ушлаб турибди.

— Қўлимдан келса бемалол. Қани, кўрай-чи...

Лекин қиз соатни узатмади. Аста деди:

— Витя амаки қамалган. Ҳеч ким билан учрашмасмишсиз. Эртага Степан бобо шу ерга келади.

Ҳачек товуш чиқармасдан маъқуллади. Биров деразадан кузатиб турган бўлмасин, деб қизнинг қўлидан соатини олди, ағдариб у ёқ-бу ёғини кўрди, қопқоғини очиб, механизмини кўздан кечирди.

— Йўқ, синглим, бунини тузатиб бўлмайди, запас қисми менда йўқ,— деб қопқоғини тарсиллатиб ёпди-да, қўлига тутди. Қиз хомуш чиқди.

Эртасига Степан бобо келди. Бу ўша, қишлоқ Советининг раиси билан пионервожатий қиз осилган куни Маро бувининг ёнида турган, Маро буни: «Юр, болам, кетдик, тушингга киради, қўрқасан!» деб Рустамни олиб қайтаётганда, «Тўғри қиласан, Маро, болани олиб келиб чакки қилибсан» деган соқол-мўйлаби сарғайиб кетган чол эди. Оғзи аранг кўринадди. Вужудидан махорка анқийди. Дағал қўлида катта ён соат. Паролни айтиб, аста ўтирди. Урта бармоқдек қилиб махорка ўради-да, лекин чекмади.

— Будкангга тутуним сиғмаса керак! Майли, кейин,— деди ва маслаҳатга кўчди. Фикрини айтди. У қисқа-қисқа жумла тузарди:

— Бошқа йўл йўқ. Жиянингни йўлга соласан. Буёғи биздан.

Ҳачек «Қандай бўларкин?» деб хаёл сургандек бўлган эди:

— Буёғини яна келишиб оламиз,— деб ўрнидан турди. Махоркасини тутатди. Ҳачек папиросни тутатмоқчи эди, тўрвасини тутди,— мужик одам, мана бундан чексанг-чи, ғуборингни суғириб олади. Папирос ҳам буюмми!

— Бизга шу маъқул.

— Нозик тортиб кетгансанлар. Кетдим. Хабар қиласан.— Чол йўтала-йўтала дўкондан чиқди. Эшикда дуч келган Қасаткингга соатини кўрсатиб, Ҳачекдан шикоят қилди.

— Бизнинг соатни тузатмасмиш, бойвачча! Хонимларникига устамиш.

— Узингдан ҳам соатинг қари шекилли.

— Қари отга ем берса бўлмайдами. Уста бўлгандан кейин тузатсин-да!

Бунини эшитиб Ҳачек мийғида кулди. Қасаткин кириб, танбех берди:

— Нега чолни хафа қиласан. Тузатиб бер-да!

— Чол соатсиз яшайверса ҳам бўлаверади.

Ҳачек кечқурун Рустамни ёнига олди. Гап айлантириб келиб, Маргаритага тақади.

— Жонингга теккани йўқми?

— Йўқ.

— Бозорга ҳам бирга боряпсан шекилли.

— Эрта якшанба яна борамиз. Тайинлаб қўйди.

— Оғир юк кўтаргирмайдами? Нима олмоқчисизлар?

— Уч-тўртга жўжа товуқ олармиш. Сўйиш сендан деб қўйди. Кечқурун эрининг ўртоқлари келармиш.

— Ҳм... қассоблик ҳам қиляпман дегин. Ишинг дуруст-ку. Тагин ўғил қилиб олмасин. Эҳтиёт бўл.

— Ўғил қилмайди, эри болани ёмон кўради.

— Нега?

— Билмасам, — бўйинини қисди Рустам.

— Менга қара, Рустам, бозорга чиқишинглар аниқми?

— Шундай деяпти-ку, чиқса керак. Уйда товуғи йўқ. Товуқ гўштисиз туролмас экан.

— Бойваччалар-да!

Суҳбат шу билан узилгандек бўлган эди, Рустам сўради:

— Менда ишингиз бормиди?

— Кеча Қасаткин берган соатларни сотишиб юборасанми дедим.

— Майли, бормай кўя қоламан.

— Йўқ, бор. Хафа бўлади.

Икки кундан кейин якшанба ҳам келди.

Рустам нонушта қилиб, Маргаританинг олдига кетар экан, Хачек эшиккача эргашиб чиқди. Кўчага чиққач, аста деди:

— Кўча-кўйда бирор ҳодиса рўй берса, қўрқма, хўпми?

Хачек бир кўзини қисиб, маъноли илжайди ва орқасига қайтди. Анча ерга боргунча, орқасидан қараб турди. Анча ерга боргандан кейингина «Нега бунақа деяпти?» деган савол Рустамнинг хаёлига келди, фикрини чулғаб, миясида ғувиллаб турди. Хаёл билан комендантнинг ҳовлисига кириб келганда, Маргарита пардоз-андозини қилиб, кўнғир сочларини бошига турмаклаб, меҳмонга бораётган одамдек кийиниб турарди. Умуман, у ҳамма сатанг хотинларга хос кийинишни яхши кўрарди. Турланиб-турланиб кўчага чиқади. Утган ҳафта эди шекилли, сал барвақт келиб қолган Рустам кўрган: у ойнанинг олдида ярим соатдан мўл пардоз қилди. Қийиниб чиқиб, ўзини ойнага солди. Нимадир ёқмади шекилли, ичкарига кириб, кўйлагини алмаштириб чиқди, шунга қараб сочини яна бошқача фасон қилди. Яна ойнага у ёқ-буёғини солди, гоҳ ёқасини, гоҳ елкасини текислаган, тортиб кўрган бўлди. Тантғиланиб:

— Яхшими? Ярашдими? — деди Рустамга ва кейин туфли танлади, ўнтacha туфлиси бордир!

Мана бугун ҳам сатангларга хос дид билан кийинган. Эғнида бу ерларда расм бўлмаган оппоқ, жим-жима кофта, пастида ғалати қилиб тикилган, ҳар қадам ташлаганда, этаги бир қалқиб кетадиган юмшоқ матодан юбка, оёғида ярми оқ, гулчини қора амиркон туфли, сочини бугун жуда аллабало қилиб турмаклаган, устига ҳарир рўмол ташлаган.

Рустам уни кўриб, бугун бозорга бормаиди шекилли, деб ўйлади. Пардоз-андози жуда бошқача эди. Буни ўзи ҳам пайқадими, чиройли юзларига ярашган оппоқ тишларини ялтиратиб изоҳ берди:

— Бу ерда Париждагига ўхшаган борадиган ерларим бўлмаса, қаерда кияман? Эртами-индин қариб қоламан.

Рустам тушундики, у уйда ўтиравериб ўлгудек зерикади, кўчага чиқиш унга бир байрам. Парижнинг ҳумори тутади. Бу кийимлар Парижга жуда ярашса керак. Бу ерда юзга тушган сўгалдек ғалати кўринади. Шунини Маргарита тушунмагани қизиқ.

Маргарита таманно билан ҳовлига тушиб, Рустамга:

— Анави ердаги саватни олгин, товуқларни ўшанга соламин. Оёғидан осилтириб, кўчада қақиллатиб юрасанми? — деди бепарвогина ва жим-жима кофтасининг кўкрагини тузатди.

Рустам бандли, тўқима ва думалоқ саватни билагига солиб, Маргаританинг ёнида кўчага чиққанида хизматкор болага ўхшаб кетганидан кўнгли бузилди. Нега шу ишга рози бўлиб, уникага қатнаб юрганидан хафа бўлди. Тунов кунини шу нарса кўнглидан ўтиб: «Энди бормайман, тенгини топсин!» деб туриб олган эди, Хачек қўймади. «Бу замонда шу зарур!» — деб раъйини қайтарди.

Бозорбоши хийлагина йўл эди. Маргарита атрофдаги одамларни кўриб-кўрмай йўрға отдай чиройли юриш қилиб боряпти. Узица, ҳамма-нинг кўзи менда, деб ўйласа керак, назокат билан ҳаракат қилиб баъзан Рустамга лўкма ташлайди. Оппоқ тишларини кўрсатмоқчи бўлгандек жилмаяди, бежирим сумкасини қўлтиғига қисиб олган.

Бозорга етай деб қолгандек Рустам синфдоши «қуёншунос»ни кўриб қолди. Қўнгли ёришгандек, лабига ним кулги тошди. «Қуёншунос» ҳам Рустамни пайқайди. Кўришмоқчи бўлиб интилди-ю, ёнида комедантнинг хотини борлигини кўриб, орқасига қайтди, олисдан мас-харалаб лабини буриштирди. Рустамга шуниси алам қилди. Ичида «Ҳали кўрарман сени!» деб қўйди.

Улар тўғри товуқ бозори томонга ўтишди. Одам қалин бўлмаса ҳам бор. Ҳамма қишлоқ бозоридай озиқ-овқатдан тортиб, кийим-кечак-кача ёйилган. Айниқса, ҳарбий кийимларнинг эскиси кўп. Баъзан немис солдатининг қўнжи калта этиги, баъзан шим кўриниб қолади.

Маргарита бу эски-тускилардан ҳазар қилиб, жиркангандек лабини жийриб боради. Бирортаси тирсагига тегиб кетса, энсаси қотади, лабини буриштиради, нимадир деб тўнғиллайди.

Товуқ бозори бир четда бўлиб, одам сийрак эди. Маргарита, гарчанд, товуқ олгани келган бўлса ҳам, қовушиб киришолмас, унинг фасон кийим-боши халақит бераётганга ўхшарди. У бир-икки товуқни кўрган бўлди. Дидига ўтирмади.

— Менга ёшроқ 3—4 та товуқ керак эди, — деди кампирга.

— Шу иккита товуғим бор, бошқа йўқ, — жавоб қилди товуқ эгаси.

— Менда бор, — деди кампирнинг орқасида пайдо бўлган ёшгина бир қиз. — Лекин бу ерда эмас, уйимда. Бозорни бир кўрай деб, олиб чиқмаган эдим. Ёшгина, жуда ҳам семиз, баҳорги жўжа. Марҳамат, олинг! 3—4 бўлса, 3—4 тасини бераман. Танлаб олинг!

— Уйингиз узоқми? Олиб чиқинг! — деди Маргарита қизиқиб.

— Шундоқ йўлингиз устида. Йўл-йўлакай олиб кета қолинг. Ё бозор-ўчарингиз борми?

— Йўқ.

— То мен бориб, тутиб олиб келгунимча сарғайиб қоласиз. Олиб келганим сизга ёқадими-йўқми, уйда танлаб-танлаб оласиз.

Қизнинг сўзи Маргаритага маъқул тушди. Яна уйининг узоқ-яқинлигини суриштирди. Олисга ўхшатгандек бўлган эди, қиз яна тушунтирди.

— Ҳаво яхши. Томоша қилиб борасиз. Узоқмас, анави уч оғанини қарағай бор-ку, ўшанинг орқасида.

Бу — бундан уч кун аввал келиб Ҳачекка Витянинг қамалганини хабар қилган ва Степан бобонинг келишини билдирган қиз эди. Эғнида нимдошгина оддий кўйлак, оёғида ўғил болаларниқига ўхшаган жи-гарранг туфли, бошига рўмолча ўраган, икки учи қуённинг қулоғига ўхшаб турибди.

Қиз охири Маргаритани боришга кўндирди. Олдига тушиб йўл бошлади. Оғзи тинмасдан гапириб борарди. Маргарита эса уни эшитишдан кўра, ўзининг савлат тўкиб юришига диққат берарди. Унинг ёнида Рустам дўбиллаб боряпти. Улар бозордан чиқиб, ўнгга бурилишди, салдан кейин яна ўнгга бурилишди. Одам сийраклашди. Олисда ўрмон кўринди. Қиз гап билан чалғитарди. Баъзан орқаси билан юриб, ўзи гапириб-ўзи кулиб, Маргаританинг диққатини тортарди. Бари бир Маргаритага олисга ўхшади. Буни сезган қиз:

— Ҳу ана, етдик, — деб чолиб кетди. Булар боргунча яна кўчага чиқиб турди. Очиқ юз билан кутиб олди. Хонага таклиф этди. Бос-тирма остида қақиллашаётган товуқларни кўрсатди.



Маргарита даҳлизга кирганини билади, икки киши икки ёнида пайдо бўлди. Биттаси тўппонча ўқталди:

— Товушингизни чиқардингиз, отиласиз!!

Маргарита қотиб қолди. Томирлари бўшашиб, қўлидаги сумкаси тушиб кетди. Унгими, тушими ажратолмади. Тили сўзга келмай, шилқ этиб йиқилди.

— Сен уйга ўт!— деди биттаси ва дир-дир титраб турган Рустамни ичкари хонага ўтказиб юборишди. Шу орада пайдо бўлган бояги қизга тўппончали йигит:

— Кетингдан ҳеч кимни эргаштириб келганинг йўқми?— деди. Қиз боши билан йўқ ишорасини қилди.— Чиқ, айт, аравани тўғрилашсин.

Қиз тезгина чиқиб кетди. Рустам ҳамон ўзига келмас, титраб турарди. Шунда Хачекнинг: «Кўча-кўйда бирон ҳодиса рўй берса, қўрқма!» дегани эсига келиб, сал дадиллашди. Яна бир киши кириб келди:

— Тайёрми?

— Сал ўзига келсин.

— Йўлда ўзига келади, кўрпага ўра!— у чиқиб кетди. У чиқиб кетиши билан бу ердаги икки киши диванда беҳуш ётган Маргаритани пахтали кўрпага ўради. Икки еридан боғлади. Бош томонини очиқ қолдирди. Эшикда арава товуши келиши билан, биттаси деразанинг эски ва кир пардасини кўтариб, ҳовлига қаради. Кейин Рустамга:

— Сен чиқма, сал туриб кетасан!— деди кескин бир товушда.— Комендантга айт, хотин керак бўлса, Корниловни чиқариб юборсин.

Иккаласи Маргаритани ўликка ўхшатиб кўтариб, хонадан чиқди. Рустам уйда ёлғиз қолди. Деразанинг пардасини кўтариб қарагани бо-тинмади. Салдан кейин арава гичиллаб ўрнидан қўзғалди. «Олиб кетишди» деб кўнглидан ўтказди Рустам. Шу пайт эшикда бояги бош-лаб келган қиз пайдо бўлди. Очиқ юз билан:

— Иш битди!— деди ва ранги оқариб турган Рустамни кўриб.— Кўрқиб кетдингми? Ма, мана буни ичиб ол,— деб бир кружка сув тутди. Шунда Рустам кўрдикки, бу ерда ҳеч ким турмайди. Турса ҳам жуда камбағал одам бўлиши керак. Хонада ҳеч нарса йўқ. Зах ҳиди келади.

— Менга қара, Рустам,— деди бояги қиз яна. Рустам ўз исмини эшитиб ҳайрон қолди.

— Менинг исмимни қаёқдан биласиз?— деди ичига илиқлик югуриб Рустам.

— Ёрдаминг тегади-ю, билмаймизми? Яхшиям кўзларинг қора экан, қора кўзни Маргаритахон яхши кўраркан, бўлмаса шу кунда нима қилардик.

Шу гапдан кейин Рустам ўзини тутиб олди. Титроғи тарқади, баданига иссиқлик югурди, ҳатто пешонасига майда тер тошди. Бозорда соддагина бўлиб кўринган қиз унчалик тўпори эмас, пишиқ ва гапдон экан. Шунча ишдан кейин ҳавотир олмасдан бемалол гаплашиб ўтиришини қара!

— Рустам,— деди у таъкидлаб.— Гап шу: комендантнинг олдига йиғлаб, кўрқиб-қақшаб бор. Товуққа боргандик, шундай-шундай бўлди дейсан. Мени танимайсан, мен сенга ҳеч нарса деганим йўқ, тушунарлими? Ҳалиги кишиларни ҳам билмайсан.

— Ҳалиям билмайман. Энди кўришим.

— Кўрсанг ҳам танимайсан, хўпми?

— Хўп!

— Совет докторининг ўғлисан-ку, пишиқ бўл, дадил бўл. Дўқидан кўрқма! Бунинг отини кураш дейдилар. Қани тур, кетдик.

Қиз уни бошлаб кўчага чиқди.

— Адашмасдан топиб кетасан-а... Боравер, оқ йўл!

Қиз қўлини силкиб, ўрмон томонга кетди. Рустам бир оз юргач, орқасига қараб уни кўрмади.

Рустам комендантаникига нафаси оғзига тиқилиб елиб келганда, Генрих ҳовлида кучугини ўйнатаётган экан. Рустамни кўриши билан кўнгилсиз ҳодиса бўлганини сизди. Итини қўйиб, унинг олдида чопди:

— Нима гап?

— Партизан. Партизанлар...— энтикиб, дудуғланди Рустам.

— Маргарита қани?

— Уғирлаб кетишди.

— Қаерда? Қачон?

— Бозорда.

— Бозорда?— ҳайрат билан бақирди Генрих. Бир лаҳза чақмоқ урган одамдек тилсиз қолди. Бит кўзлари қинидан чиқиб кетгудай чақнади. Уйга югуриб кириб, кителени кийиб чиқди. Йўл усти тўппончасини тўғрилади.

— Қани, юр!

Сал вақт ичида бутун комендатурани оёққа турғазди. Рустамдан қайта-қайта сўраб-суриштирди. Рустам ҳалигина келган ерига бошлаб борди. Ҳеч ким йўқ, фақат бостирма тагида беш-олтита товуқ қақилларди. Арава изининг кетидан боришди. Арава ўрмондан сал ичкарида ётибди. Комендант ҳаммаёқни титдирди, ўрмоннинг ичкарисигача одам киритди. Лекин изни топишолмади. Вақт ўтган сари комендант топилмас матоҳидан ажралган одамдек диққинафас бўларди. Дуч келганни бўралаб сўқар, ҳатто Қасаткиннинг бетига тарсаки тортиб юборди.

— Тўнғиз! Урнатган тартибинг шуми?! Узингинг қўлинг бор!

Қасаткиннинг жон-пони чиқиб кетди:

— Улай агар хабарим бўлса...

— Топ!! Топмасанг, ҳаммангни биттадан осаман. Бошлаб сени осаман!

— Хўп, хўп!— дерди-ю, Қасаткиннинг қўлидан уч пуллик иш келмас эди. Бу ўртада товуқ бозори остин-устун қилиб юборилди. Тухум, товуқ сотиб ўтирган хотинлар терговдан ўтди. Биттаси калтак еб, оғзи-бурни қоп-қора қон бўлиб чиқди. Ҳаммаси нуқул «битта қиз бошлаб кетувди» дерди. Қизни ҳам тузуқкина айтиб беролмас эди.

— Шу қишлоқликми ахир?— деди бақириб Қасаткин.

— Бу ерлик бўлмаса керак.

— Авваллари бозорга келармиди?

— Йўқ. Бугун бирдан пайдо бўлиб қолди.

— Кўрсанг танийсанми?

— Билмасам...

— Кўзинг кўрми, кўрган одамингни нега танимайсан?

Шу куниеқ қишлоқ хотин-қизларини ҳайдаб чиқишди. Бир-бир бозордаги хотинлар қаршисидан олиб ўтишди. Ҳатто касаллиги туфайли чиқолмаган иккита хотиннинг уйига олиб кириб кўрсатишди. Йўқ, у қиз еру кўкда йўқ эди!

Комендант баттар туюқди. Бу кутилмаган ҳодисадан гангиб қолди. Кечга бориб хабари чиқди. Кимдир бир варақ қоғоз ташлаб кетибди. Маргарита тирик. Витя Корнилов қўйиб юборилса, озод қилинармиш. Шунда Рустам ҳам «Комендантга хотин керак бўлса, Корниловни қўйиб юборсин» деганини айтиб балога қолди.

— Нега шуни эрталабдан бери айтмадинг!— деб қойиб берди, мушт ҳам туширмоқчи бўлди-ю, яна шаҳдидан қайтди. Рустам қўрқиб, йиғлаб юборди.

Масала аён эди. Маргарита Корниловни озод қилиш учун ўғирланган. Генрих ўйлаб-ўйлаб ўйининг охирига етолмасди. Юқорига те-

лефон қилиб, «хотинингни қўриқлаб берамизми?» деган маънода жавоб олди. Бу ундан баттар алам қилди. Эргалаб яна эшигининг тагида бир хат топди. Унда энди муддати белгиланган эди. Шу бир кун ичида Корнилов озод қилинмаса, хотинингдан умидингни узавер, дейилганди.

Генрих жуда шошиб қолди. Корниловнинг тергови билан қизиқди. Ҳамон ҳеч нарса демайди. Ҳзи сўроқ қилди. Ҳша аҳвол: кўзи кўр, қулоғи гаранг, тили соқов!

— Ҳзинг кимсан ахир, айт!— деди комендант бўғилиб.

— Молия ходими. Районда ишлардим. Қариндошларимникига келганман.

— Ёнингдан тўппонча чиқибди-ку.

— Ёнимдан эмас, Ҳша атрофдан топишган,— Витя иложи бўлмагач, улоқтириб юборганини эслади.

— Нега энди Ҳша атрофда тўппонча ётади?

— Билмасам.

— Осилган қишлоқ Советининг раисини танирмидинг?

— Болалигимда кўрганман. Ахир, шу ерда катта бўлганман.

— Қишлоқ Советига котиб бўлгансан.

— Бу тўғри. Лекин сиз гумон қилаётган ишга менинг алоқам йўқ.

— Яхши ниятда келмагансан. Утган бир келганинда пионервожатий билан кўришгансан. У эса икки кундан кейин байроқ тиккан!

— Бу гапларни энди эшитяпман.

Комендант Витяни ортиқча қийновга олмади. Бу унинг фойдасига хизмат қилмас эди. Жинояти аниқлангач хотинига алмаштириш қийин бўлиб қолади. Жинояти аниқланмаса, «жинояти номаълум одам учун хотинимни нобуд қилгим келмади» деган баҳона топади. Баъзи бир маълумотлар бор экан, улар Ҳзининг қўлида. Йўлини топади!

Бундай ўйлаб қараса, шу хотини деб бу ёқларда санқиб юрибди. Парижда иссиққина ерда ишлаб турган эди. Ҳша арман йигити билан бўлган ҳангомодан кейин жавобини бериб юборса, олам гулистон эди. Жавобини беролмади. Юрагига қулоқ солса, астойдил севади. Унингсиз дунёнинг қизиғи йўқ. Битта дайди партизани деб хотинимдан жудо бўламанми? Борди-ю, Корнилов партизан бўлсин, унинг қўлидан нима иш келади, ўнта бўлганда нима иш қила олади? Итдай акиллаб-акиллаб қолаверади. Буюк Германия кичкина кучми?!

Ана шундай мулоҳазалардан кейин хотини кўзига жуда чиройли кўриниб, чиндан ҳам унингсиз яшашнинг маъноси йўқлигини ҳис қилди.

Шу куни қош қорайганда Витя Корниловни чиқариб юборди. Эрталаб хотини кириб келди. Сиполикни қўлдан бермасдан:

— Сен менга жуда қимматга тушдинг, жонгинам!— деб қарши олди.

Маргарита эрининг қучоғида ҳўнг-ҳўнг йиғларди.

## XIV

Маргарита воқеасидан кейин Рустам тушундики, бу ишларда Ҳачекнинг ҳам қўли бор. Бўлмаса унинг Маргарита билан бозорга боришини ким билади? Қиз шунча тайёргарликни қаёқдан кўради? Одамларнинг далага кам чиқишида, тракторларнинг-машиналарнинг тез-тез бузилиб қолиши ҳам бежиз эмас. Ҳар кўрганда энсаси қотиб орқасидан бўралаб сўкиб юрган Ҳачекнинг Касаткин билан топишуви, қалинлашувида ҳам бир гап бор! Тажанг, қизиққон Ҳачекнинг оғирлашиб, камгап бўлиб қолишини айтмайсизми! Хуллас, Ҳачек шулар ичи-

да. Онасининг ишлашига, менинг комендантаникига бориб юришимга индамаслиги ҳам шундан. Бекорга ўша куни «Кўча-кўйда бирор ҳодиса рўй берса, қўрқма!» деб огоҳлантириб қўймаган. Қизиқ, шунча воқеа ўтиб кетди-ю, Рустам қайтиб келгандан кейин «Нима гап бўлди?» деб тузуккина суриштирмади ҳам, фақат Витя Корнилов қамоқдан чиқарилиб юборилгач, кулиб «Шунақа ишлар, оғайни» деди ва ичидан тўлқин уриб Рустамни қучоқлади, кўтариб хонани айлантирди. Унинг бунақа хурсанд бўлишини Рустам энди кўриши. Маро буви:

— Ҳа, болам, нима гап?— деб қизиққан эди,

— Витя қутулиб кетибди,— деб ўзидан қочириб жавоб берди.

Маро буви:

— Яхши бўпти, болам, ҳеч банданинг бошига золимнинг зулмини солмасин!— деди ва кетидан сўради.— Нега Витя билан борди-келди-ни йиғиштириб қўйдинг.

— Узини олиб қочиб юрибди. У катта одам, мен оддий соатсоз. Мени бошига урадимиз?

— Оҳ, болам, амалу илмига қараб дўст бўларканми киши. Кўнгил кўнгилга тўғри бўлиши керак. Таъмагир, амалдордан дўст қидиради. Ораларингдан бир нарса ўтган-у, мендан яширяпсан. Сеңинг тилинг тез.

— Йўқ, ҳеч нарса ўтгани йўқ, ойижон. Мана, озод бўпти-ку. Энди кўрсангиз, ўзидан сўрайсиз.

— Сўрайман ҳам! Унутма, Витя яхши йигит, дўстини доғда қолдирмайди.

— Эҳтимол,— деди Хачек.

«Витяни ўзидан қочиришида ҳам бир гап бор» деб ўйлади Рустам. «Буларнинг ҳаммаси битта!» деган фикр бирдан шиддат билан миясига келиб, хаёлини қаттиқ қамраб олди. Кетмай туриб олди.

Мана шунда Рустам ҳам ўзининг шунча вақтдан бери кўчада кесак тепиб, йўл чангитиб юрмаганини Хачекка билдирмоқчи бўлди. Ахир у ҳам бекорга Маро буви комендатурани йиғиштиргани борганда эргашиб, Маргаританикига қатнаётгани йўқ. Узининг иши бор.

Қалъадан чиқиб келган кунларининг бирида товуқхонанинг ёнига ўтса, бир ёғоч қутида бир талай мих турибди. Мих унда фикр уйғотди. Кўчага олиб чиқиб сочса, лаънати гитлерчиларнинг машинасига қадалмайди? Ахир, машиналарнинг резинасига мих қадалиб ишдан чиқади-ку! Шофёрларнинг тажанг бўлиб, олиб ташлашаётганини неча марта ўз кўзи билан кўрган!

Шу фикр билан у бир ҳовучини катта йўлга сочиб келди. Ҳозир машиналар ғилдирагига қадалиб, тўхтаб қоладигандек олисдан киши билмас кузатиб турди. Йўқ, ҳеч нима бўлмади, машиналар ҳамон ғилдираб ўтиб турибди. Ҳафсаласи пир бўлгандек ўзича «Дарров тўхтаб қолмайди-да, кейин билинади» деб тасалли берди. Эрталаб чиқиб, мих сочган ерини қараса камайиб қолганга ўхшайди. «Ҳа, қадалибди. Анчаси машиналар ғилдирагида кетибди» деб хурсанд бўлди. Четга учиб чиққанини ўртага олиб ташлади. Яна олиб чиқиб сочди. Лекин биронта машинанинг ғилдирагига мих кириб, шофери тажанг бўлиб турганини кўзи билан кўрмаганидан кўнгли хира эди. Йўқ, кейин кўрди. У комендатурага борганда ҳам, Маргаританинг олдига ўтганда ҳам, йўл-йўлакай сочиб кетарди. Бу унга жуда ўнг эди. Шу иш учун қатнашман, деб ўзини ишонтирарди.

Бир куни Маро буви билан комендатурага борса, бир барзангидай немис шофери белига қўлини қўйиб, резинаси эзилиб, пуччаги чиқиб ётган машина тепасида тажанг бўлиб турибди. «Бу менинг ишим бўлади!» деб ичида қувонганича ўтиб кетди. Бир маҳал қудуққа сувга чиққанида кўзининг қирини ташласа, қора терга ботиб, қон бўлиб

бошқа баллон қўйяпти. Ичида «Ўл, сенларга бу ҳам кам!» деган бўлса-да, пайт топиб олдига чиқиб борди.

— Нима қилибди?— деди жўрттага.

— Қўрмаяпсанми? Мих кирган бўлади-да!— деди жаҳл билан шофер.— Бир ҳафта бўлгани йўқ, биттаси тешилганига. Кўча тўла михми нима бало! Кеча битта шофер ҳам додлаётган эди!

Шофер филдиракни қўйиб бўлгач, тешилган резинани олиб ташлаб михини қидира кетди. Ҳа деганда тополмади. Охири «Мана, мана!» деб қолди ва битта михни омбир билан суғириб олди. «Мени шунча овора қилган ва ишдан қўйган сен лаънатими?» деганча қўлида узоқ ушлаб турди ва гудурланди.

— Кечаги ҳафта ҳам худди шунақа мих кирган эди!

Михни «ма, томоша қил!» дегандек Рустамнинг олдига улоқтирди. Рустам ўз михини таниди. Лекин оппоқ бўлиб, йилтиллаб кетибди.

Шофер қўлини артиб, жўнаб кетди. Рустам эса ерда ётган михни олиб, яна кўчанинг ўртасига ташлади. «Қадалавер, михжон, бундан баттар бўлсин, лаънатилар» деган фикр кўнглидан ўтди.

Ўз ишидан мамнун ва хурсанд кириб келган Рустамни кўрган Маро буви сўраб қолди:

— Ҳа, бунча, жуда хурсандсан! Бир гап борми? Тинчликми?

— Анави машинанинг резинаси тешилибди!— деди-ю, ҳаяжонланиб, аммо у ёғини айтмади.

Маро буви ҳайрон бўлди:

— Бировнинг машинаси бузилса, кулиш керакми?

— Қизиқ сўкинар экан!— гап чалғитди Рустам.

— Бошқа гап бор, сен мендан яширяпсан!— унинг гапига ишонқирамади Маро буви.— Улар билан ўйнашма, болам, балога қоламиз.

Рустам бу ишидан ғурурланса ҳам кўнгли тўлмади. Яна нимадир қилмоқни истайди-ю, лекин ўша нимани билмайди. Шунда бир фикр бошига келди. Мих типпа-тик турса яхши қадалади. Демак уни яхши қадаладиган қилиши керак! Кафтдай-кафтдай қалин тахтача топиб, унга михни қоқди, нари ёғидан чиқариб, катта кўчага ташлаб қўйди. Ўзи йўғон дарахтнинг орқасига ўтиб олисдан кузатиб турди. Ярим соат ҳам ўтгани йўқ, битта машина тўхтади. Ундан ёқаси очиқ, бошьяланг шофер чиқиб, машинанинг орқасига ўтди. Филдиракка қадалиб ётган Рустамга таниш михни тахтачадан олиб, олисга улоқтирди, ўзича сўкиниб қўйди. Филдиракни тепиб-тепиб кўрди. Кейин жўнаб кетди. Шунда Рустам миясида яна бир фикр туғилди: қоронғи тушиши олдидан ташлаш керак. Эртасига бирдан ўнчачасини тайёрлаб, қоронғи тушиши билан бир-биридан олис қилиб ташлаб келди. Эрталаб келиб қараса бир нечтаси йўқ. Худди шунақадан иккитасини комендант туррадиган ҳовлининг эшиги остига ташлаб, устидан тупроқ тортиб қўйди. Ахир, бу ерга машина кўп келиб туради-ку! Биттасининг қадалганини ўз кўзи билан кўрди. Маро буви билан Маргаританинг олдидан чиқиб келаётса, комендантни олиб келган машина шофери қўлида ушлаб турибди.

— Тешилди шекилли,— деди ўзича шофер.

Рустам тахтачани кўриб-кўрмасликка солиб, ўтиб кетди.

Шу куни Хачекка овқат ташлаб келаётса, иккита бола йўлини тўсди. Биттаси яқин келиб, бирдан:

— Кел, бизга қўшил!— деди ва маъноли ишора қилди.

— Йўқ, қўлимдан келмайди. Тинчгина уйда ўтираман.

— Тинч ўтирмаяпсан-ку!

— Ким айтди?

— Биламиз!

— Бекор!

Бола «мендан шубҳаланияпти» деб ўйлади ва ишонч ҳосил қилиш учун чўнтагига қўлини тиқиб салмоқлади:

— Бизга қўшилмасанг ҳам майли. Ма, керак бўлса ишлата-сан!— У битта қўл граната узатди. Рустам қўрқиб кетган кишидек орқасига тисарилди. Энди Рустам астойдил шубҳага тушган эди. «Атайин ташкил қилинган ифво бўлмасин!»

— Йўқ... Йўқ! Мен бунақа ишларга аралашмайман!

— Мабодо керак бўлиб қолса-чи?

— Йўқ, керак бўлмайди.

— Майли, ўзинг биласан. Бизда бу нарсанинг ортиқчаси йўқ. Индамасдан ўтиб кетишди. Рустам шубҳаланганча уларнинг орқасидан қараб қолди: ҳам шубҳаланди, ҳам ҳаваси келди!

Қизиқ, бу болалар Рустамни қаёқдан билади, нимадан хабардору нимани билади? «Биламиз!» деганида нимани кўзда тутди? Ё Рустамнинг миҳ ташлаб юришини кузатганми? Буларнинг ўзи ким? Қаерда туришади? Нега Рустам уларни ҳеч кўрмаган?

Рустам шуларнинг ҳеч бирини на Маро бувига, на Хачекка билдирган. Ичига ютиб юрган эди. Кечаги Маргарита воқеасидан кейин Хачекка билдиришга қарор қилди. Унинг ишдан қайтишини пойлаб ўтирди. Пайт топиши билан, жилмайиб олдига борди. Маро буви қаёққадир чиқиб кетган эди.

— Ҳа, нега куласан?— гап бошлади Хачек.

— Энди ҳаммасини биламан!

— Билсанг жим! Биласанми, Рустам, бир подшоҳ ўғлининг ақлини синамоқчи бўлиб, бир хилда учта одам ҳайкалчаси ясатибди. Уғлига бериб: «Шундан қайси бири яхши?» деб сўрабди. Уғли бундоқ қараса, учаласи бир хилда, фарқ қилиб бўлмайди. «Билмадим» деб елкасини қисибди. Шунда подшоҳ доно вазиридан сўрабди. Доно вазир ҳайкалча-ларни қўлига олиб қараса, чиндан ҳам бир-биридан айириб бўлмайди. Шунда вазир қўлига чўп олади-да, биттасининг қулоғига тикса, наригисидан чиқади. Индамасдан ерга қўяди. Иккинчисини олади. Бир қулоғидан чўп тикса, оғзидан чиқади. Уни ҳам ерга қўяди. Учинчисини қўлига олади. Бир қулоғидан чўп тикса, ичига тушиб, қолиб кетади. Шунда у учинчи ҳайкалчани подшоҳга узатиб «Тақсир, мана шуниси яхши!» деган экан. Чунки, биринчисининг қулоғида гап турмайди, иккинчиси эшитганини ҳаммага вайсайверади, учинчиси эса, сир сақлайди.

Эртақ ўзига қаратилганини билган Рустам бўшашибгина:

— Тушундим,— деди.

— Тушунган бўлсанг, яхши. Ойим ҳам билмасин!

Рустам ўзига билдирилган ишончдан қувониб кетди. Қувончи ичидан тўлқин уриб, қилиб юрган ишлари, болалар билан учрашганини айтиб берган эди, Хачек ажабланмади ҳам, ортиқча қизиқмади ҳам, қисқагина қилиб:

— Хабарим бор!— деди.

Бу жавобни Рустам кутмаган эди. Ҳайрон қолди. Унинг назарида Хачек ҳамма нарсадан хабардор авлиёга ўхшаб кетди.

— Товуқхонадаги миҳни ҳам тамом қилибсан. Кеча керак бўлиб, қарасам, иккитагина қийшиғи қолибди.

— Керакмиди, топиб келаман.

— Йўқ, бўлди. Менга қара, Рустам, ҳамма нарсадан хабардор бўлганинг учун сендан бир илтимос бор.

— Марҳамат!— Хачекдек одамнинг ишонганидан яшнаб кетди у, тимқора кўзлари ёниб.

— Комендантнинг столидами ёки бериги хонадами, мана бунақа бланкалар бўлиши керак.— Хачек чўнтагидан нусхасини олиб кўрсатди ва яна солиб қўйди.

— Керакми? — нақд қилиб қўйди Рустам.

— Сен болалик қилиб ҳовлиқма. Бу оғир иш. Яхшилаб бир назар сол. Кейин яна гаплашамиз.

Бу ишнинг оғирлигини Рустам эртасига Маро буви билан комендатурага келганда билди. Комендантнинг хонасига кириши билан оёқ-қўли титраганга ўхшаб, муздек тер вужудини босди. Кимдир уни кузатиб тургандек, кимдир қўлидан маҳкам ушлаб «Хўш, энди қалайсан?» деяётгандек ваҳима босаверади. Ҳаяжон билан бўлиб тузуккина ҳеч қаёққа қаролмади. Унинг бахтига ўша куни Хачек ҳам сўрамади. Яна бир борганда Рустам энди ўзини тутиб олган, кўнгли анча хотиржам эди. Пайт топиб, иккала хонани ҳам кузатди, столларнинг галадонини тортиб кўрди, ҳаммаси қулф. Топшириқни бажаролмаганидан ўксиб, Хачекка хабар қилди.

— Сенга столининг устига сочилиб ётади, дедими биров. Йўқ бўлса, йўқ-да! — унинг кўнглини кўтарди Хачек. Эртасига секин бир четга олиб ўтди.

— Мана бу калитдан биттаси бериги хонанинг столига тушиши керак. Эҳтиёт бўлиб очасан-у, 3—4 тасини оласан. Тушундингми? Уч-тўрт-тагина!

— Хўп.

— Жуда эҳтиёт бўл. Бу гал бўлмаса, янаги гал. Лекин шошма!

Ҳақиқатан ҳам икки галгача Рустам удалолмади. Унинг бахтига қарши нуқул қўпол автоматчилар навбатчилик қиларди. Анали биттаси дуруст эди, бемалол гаплашади, ҳовлига чиқиб, папиросини чекиб ўтиради. Маро буви уни яхши кўриб гоҳ иккита олма, гоҳ нок олиб келиб беради, кечаги гал иккита пишган тухум олиб келибди. «Тузи борми — йўқми» деб қоғозга майда туз ҳам ўраб олибди. Рустам ана шу автоматчининг галидагина топшириқни бажарди. Маро буви полини ювиб, артиб, энди эшикни қулфламоқчи бўлган эди:

— Узим қулфлайман. Сиз бораверинг. Ахлат соладиган савати ҳали ҳовлида, — деди Рустам.

— Нега шу вақтгача олиб келиб қўймадинг, болам, — деганича Маро буви комендантнинг хонасига ўтиб кетди. Автоматчи эса дарвоза олдида ҳамшаҳари шофер билан гаплашиб турарди.

Рустам ахлат саватини хона бурчагига қўйган бўлиб, стол тортмасига калитни солди. Биринчиси тушмади, иккинчиси тушди-ю, буралмади. Рустамнинг юраги ўйнаб, меҳнати бекор кетганига ёниб кетди. Ҳаяжон билан яна бир бураган эди, очилиб кетди. Қай кўз билан кўрсинки, худди ўша бланкадан бир дастаси тортманинг шундоққина оғзида турибди! Шошиб қолганидан шарт бир қисмини юлқиб, икки буклаб чўнтагига солди. Тортмани қулфлаб, Маро бувининг олдига чиққанда терлаб кетганди. Қизариб ҳам кетган бўлса керак, Маро буви тегишди:

— Ҳа, иссиқ шўрва ичдингми?

— Ким билади, терлаб кетяпман, — деди Рустам аранг ички титроқдан ўзини босиб ва ҳовлига чиқиб, қудуқ сувида юзини ювди.

Шундай оғир ишни қойил қилиб бажаргандан хурсанд бўлиб қайтган Рустамни Хачек койиб берди:

— Уч-тўртта демадимми сенга. Бунақада билиб қолади.

Рустам буёғини ўйламаган экан, қўрқиб кетди.

— Билмабман...

Хачек ёнбосмади:

— Доим киши айтганини қил!

— Хўп, — деди Рустам бўшашиб.

Эртасига Маро буви билан комендатурага бормади. Юраги бўлмади. Унинг фикрича, бланканинг олингани билинса, бугун у гап топиб келади. Маро бувининг йўлини пойлади. Тиқ этса; кўзи эшикда бўлди.

Аксига олиб, Маро буви ҳам бугун кечиккан эди. Рустамнинг кўнгли безовта бўлиб, эшик ёнига чиқиб турди. Ундан сал нарироқ юрди. Ундан сал нари... Шундай қилиб, анча ерга бориб қолганини билмади. Бир пайт катта кўча томондан беш-олтита бола гаплашиб келаверди. Рустам кўриши билан шивирлашиб қолишди. Улар ичида «қуёншунос» ҳам бор эди. Анов бирини бир-икки кўрган. Рустам нима учундир чўчигандек бўлди-ю, «қуёншунос»ни кўриб, яна хотиржам бўлди. Йўқ, хотиржамлиги бекор экан, болалар Рустамга яқинлашиб келиши билан аллақайси бири «Сол, хоинни!» деб қолди. Рустам биринчи, иккинчи мушт тушганни билади, кўзини очса касалхонада ётибди. Юз-кўзлари боғлаб ташланган, бутун бадани зирқираб оғрийди. Тепасида Маро буви ўтирибди. Кўзлари қизариб кетган. Қўлида ёғимланган ҳўл дастрўмол.

— Ҳа, болам, сенга нима бўлди? Қайси ноинсофнинг қўлига туша-қолдинг? Нима гуноҳ қилувдингки, ўласи қилиб уради сени?

Рустам индамади. Хўрлиги келди. Кўзига ёш қалқди. Энтикди. Маро буви ҳўл рўмолчаси билан кўзини артди.

— Йиғлама, болам! Нега йиғлайсан? Урганларнинг қўли синсин, акашанг бўлсин.

Эрталаб энтикиб Маргарита кириб келди. Рустамнинг ўраб ташланган юз-кўзини кўриб, чўчиб кетди:

— Кўрсанг, танийсанми? Шу ерлик болаларми? Бу хилда қўйиб бўлмайди, жазосини бериш керак. Мен Генрихга айтаман, топдирсин. Касаткинга ҳам айтаман! Бу нима деган гап?!

— Ҳа, шуни айтинг, айланай, қўли тегмаса, тили тегмаса! Бу қандай бедодлик! Болам бечора, ўрмалаб кетаётган қумурсқага озор бермайди.

— Биламан. Яхши бола. Қандай қоп-қора кўзлари борки...

— Кўзининг ости ҳам қорайиб ётибди, айланай!

Маро бувининг соддалигидан Маргаританинг кулгиси қистади. «Ёшлар дардини кексалар билмайди, ўзининг ёшлигини эсидан чиқариб юборган бўлади» деб кўнглидан ўтказган Маргарита бирпас ўтириб:

— Мен Генрихга айтаман, у хулиганларни омон қўймайди, таъзини беради,— деганича ўрнидан қўзғалди. Рустамнинг бинт ўралган пешонасидан аста ўпди:

— Кўзларинг аввалгидек ёниб турибди!— деб чиқиб кетди.

Маргарита айтганми ёки шундай қилиш зарурати туғилиб қолдими, Рустам сал ўзига келгач, Касаткин ўнтача болани бошлаб келди. Девор тагига қатор тизиб қўйиб:

— Қайси бири! Қўрқма, айтавер! — деди.

Чапдан учинчи бўлиб «қуёншунос» ҳам турарди. Анави ҳам ўша куни бор эди. Биринчи бўлиб мушт туширган анави лаби тиртиғи.

Рустам ҳайрон бўлиб қолди: улар нимага уришди? Рустам хоин эмас-ку! Улар Рустамнинг кимлигини билишмайди. Билишса, уришмас эди, албатта. Демак, улар Рустамнинг чин ўроқлари, билмасдан уриб қўйишди. Шунинг учун уларни тутиб бериш керакми? Албатта, йўқ!

— Хўш, танимаяпсанми?

— Йўқ...— бошини қимирлатди Рустам.

— Яхшилаб қара. Мана бунисими?

— Йўқ.

— Мана будир?

Рустам бошини қимирлатди. Касаткин «қуёншунос»нинг энгаҳидан туртиб бақирди:

— Бошингни кўтар!— юзини Рустамга қаратди.— Мана шу бўлса керак.



Рустамнинг кўзи у билан тўқнашди. «Қуёншунос» кўзини олиб қочди.  
— Шунга ўхшайди-а!— дадиллашди Қасаткин.— Кўзингга қарол-  
маяпти!

— Йўқ, у эмас!— деди қатъий қилиб Рустам.

— Бўлмаса ким бўлди? Қишлоқда тўполон қилиб юрадиганлар шулар.

— Булар орасида йўқ. Уткинчи болалар бўлса керак.

— Эҳтимол!— бўшашди Қасаткин.— Қани, жўналаринг, ялангоёқ-  
лар! Тўполон қилмай юрларинг!

Қасаткин ҳамма болаларни тирқиратиб қувиб чиқарди. Рустам умидсизликка тушмасин дедими, яна таъкидлади:

— Шу қишлоқдан бўлса, топамиз!

Рустам ичида «топиб бўлсан!» деб қўйди ва хотиржам бўлиб кў-  
зини юмди.

Рустам касалхонадан чиққан куннинг эртасига Хачек унинг соғли-  
гини сўраб туриб, деди:

— Район марказига олиб бориб ўйнатиб келайми?

Зерикиб турган Рустамга жон кирди:

— Қани эди!

Маро буви ҳам рози бўлди:

— Ўйнатиб кел, болам бечора касалхонада қон бўлиб кетди.

Нонуштадан кейин йўлга тушдилар. Ҳаво юзида юпқа пардадек бу-  
лут кезади. Сал ел эт жунжиктиради. Йўл ёқасидаги дарахтлар барги сарғайиб қолган. Шамол қалқитса, юлқиниб узилади. Бу эрта куз эди.

Хачек йўл усти дўконига кириб ўтди. Эшигини очиши билан икки энлик хат ерга тушди. Хачек олиб ўқиди: «Соат учун эртага келаман. Албатта тузатиб қўй». Рустамнинг кўзи тушди. Хатда имзо йўқ, даф-  
тарнинг ярим варағига ёзилган.

— Имзоси йўқ-ку, кимдан?— қизиқди Рустам.

— Билмасам, биронта тентакдир-да! Эртага келганда биламиз.

Рустам Хачекни билиб туриб, ҳазилга олганини тушунди. Катта-  
лардёк гинахонлик қилди:

— Мендан яширяпсизми?

— Билсанг, нимага сўрайсан?

— Хатидан танисангиз керак-да!

Хачек индамади. Бир варақ қоғоз олди, дўконнинг бугун ишламас-  
лигини ёзиб, ойнасига ичкаридан ёпиштириб қўйди.

— Кишилар кутиб ўтирмасин! Биз ўша одамнинг соатини тузатгани кетдик!— маъноли кулиб деди Хачек.

— У кишининг соати район марказида тузатиларкан-да!

Рустамнинг нимага ишора қилаётганини билган Хачек қаҳ-қаҳ со-  
либ кўлди, кўзларидан ёш чиқиб кетди. Шусиз ҳам катта бурни япалоқ тортиб, катаклари кенгайди.

— Биласан! Анча нарсага ақлинг етади!

— Мен кичкина боламасман...— ўпкалади Рустам.

— Албатта! Ўзини тутиб олиб урган болаларни кўриб туриб, атайин танимаган кишини бола, деб бўлмайди.

Рустам ялт этиб, Хачекка қаради. Рустамнинг кўзида «Бу қанақа одам ўзи, ҳамма нарсдан хабардор. Эртага гапирадиган гапингни ҳам бугун билади. Лекин ҳеч олдиндан чувини чиқармайди. «Ичидан пишган», деган ҳайратланиш бор эди. Хачекникида эса «укам, ҳаммасидан хабарим бор. Сен қувлик қиласан-у, болалигингдан билиниб қолади. Лекин ўша болаларни танимаганинг яхши бўлди. Бу ақлинг етилиб қолганидан далолат» деган маъно барқ уриб турарди.

Улар катта кўчага чиқиб, ўткинчи машинага ўтиришди. Машинада бир ўрта ёш хотин бор экан, бора-боргунча турмушнинг кундан-кун

оғир бўлиб кетаётганидан нолиб борди. Номини тилга олмасдан немисларни қарғарди. Хачек чўчиган киши бўлиб:

— Қарғаманг, хола, эшитиб қолса...

— Эшитса, эшитаверсин, ўлар бўлсам ўлдим. Бешта болам бор. «Аҳволинг нима кечди?» дейдиган одам йўқ.— Хотин тиззасидаги боласини қўлига олди. Яхшилаб ўраб, яна бағрига босди.— Янги тартибига қирон келсин!

Хотиннинг лаблари кўкариб кетган, дир-дир титрайди. Дам ўтмай, кўзи учади, зарда билан бурнини уқалайди. Кўзини очган боласига юмшоққина гапиреди:

— Сен ухлайвер, болам. Сенинг гуноҳинг йўқ. Уйқунг пишди. Кел бўлмаса, кўчаларга қараб ўтир!

— Энди қаёққа кетяпсиз?— қизиқди Хачек.

— Укамнинг олдига. Марказда туради. Ўзини кўриб, ҳолимни арз қилиб келаман. Юрагим эзилиб кетди. Озгина ёрдам берармикан, деган ниятим йўқ эмас.

Рустам дарров тушунди, хотин укасининг олдига куйиб-ёниб ёрдам сўраб кетяпти. Укаси ўзига тузук, инсофликкина одам бўлса, майли-я, бўлмаса хотин бечора ўртаниб кетади!

Улар машинадан марказга кираверишда тушдилар. Аламзада хотин боласини ерга қўйиб, тўзиб кетган сочларини тузатган бўлди, рўмолини танғиб боғлади, тугмачаларини солиб, боласини қўлига олганича жўнаб қолди.

— Хайрлашув ҳам эсига келмади, бечоранинг!— деди орқасидан Хачек.

— Шоферга раҳмат демади-ку! — уни тўлдирди Рустам

— Ғариблик шунақа, оғайни. Девона бўлиб қолиш ҳеч гапмас!

Хачек бозорбошидаги кофехонага кирди. Биттадан кофе буюрди. Бир четга бориб ўтирди. Олдига фартук тутган, юмалоқ киши икки стакан кофени тақсимчага қўйиб, олиб келди. Салом йўқ, алик йўқ, «дўқ» этиб қўйиб кетди. Рустам «Бунча тўнкадек қўпол одам экан!» деб турган эди. Хачек стаканини аста кўтариб, остидан ихчам қилиб тахланган қоғоз олди, кафтида ушлаб туриб кофе хўплади. Ҳайрон бўлиб, термилиб турган Рустамга :

— Ич, кетамиз!— деди. Шунда Рустам ўзининг термилиб қолганини сезиб, стаканга ёпишди. Кофе илиққина эди.

Кофехонадан чиқиши билан Хачек ҳожатхонага ўтди. Хатни ўша ерда ўқиб чиқди шекилли, Рустамнинг олдига келиб:

— Сен шунда тур, мен бир ерга ғирллаб кириб чиқаман!— деб елиб кетди, бир бинонинг орқасига ўтиб, кўздан ғойиб бўлди.

Рустам «мендан сир тутди» деб олдиниға ўксиган бўлса ҳам, кейин «ҳаммасини билишим шартми! Кўриб турибманки, зарур иш қияпти» деб ўзига тасалли берди ва шу атрофда айланиб туриш ниятида, аста юрди. Аҳолидан немис солдатлари кўп эди. Машиналар ғир-ғир ўтиб турибди. Крест белгилари кўзни қамаштиради. «Роса солдат билан машиналарини бу ерга йиғибди-ку!» деб ўйлади Рустам. Нарироқ бориб, бир майдончада устига брезент ёпилган танк ва замбаракларни кўрди, тўпларнинг қувири бесўнақай туртиб чиқиб турибди. Рустамнинг хаёлига қалъада бўлган жанг, ундаги отишмалар келди. Мана шунақа танку замбараклар бостириб кирган-да! Брезент тагидаги қуроллар унинг кўзига шу онда жуда бадбашара кўриниб кетди. Онасини эслади, дадаси ёдига тушди. Дадаси шу пайтларда қаерда юрганикин? Ишқилиб тирикмикин? Рустамни нима деб ўйлаётганикин? Тириклигини билармикин? Қаёқдан билади?

Шу пайт ёнидан иккита ит қувалашиб ўтиб қолди. Унинг хаёли бузилди. Биттаси «Сергак»ни эслатди. Худди ўзи! Шошиб қолган Рустам

«Сергак!» деб юборди. Ит бирдан тўхтаб, орқасига қаради, «Сен кимсан? Менинг номимни қаёқдан биласан?» дегандек думини сал ликиллагиб турди. Лекин жойидан қимирламади. Шериги келиб, тегишган эди. чалғиб кетди. Рустам яна чақирди. Ит яна қаради, яна думини ликиллатди. Рустам унинг номини эркалаб такрорлаб, имо қилиб, олдига борди. Энди шубҳа йўқ, худди Сергакнинг ўзи! Лекин жуда ориқлаб, ифлос бўлиб кетган, кўзларини шилимшиқ босган. Бўйнида арқон узуги. Бир оёғи сал оқсайди ҳам. Шундай бўлса ҳам қалбига илиқлик тўлди, кўнгли ёришгандек бўлди. Тинч, осойишта кунлар кўз олдидан бир-бир ўтди. Қандай кунлар эди! Уқиш, спорт, китоб... Сергак билан қувалашини... Ота-онаси... Мана шу кир-чир бўлиб кетган ит ўша кунларнинг гувоҳи, йўқ, гувоҳи эмас, иштирокчиси! Шу лаҳзада итининг ифлос бўлиб кетгани, бўйнида узук арқони билан юргани ҳам кўзига кўринмади. Бу ўша ўз ити, дўсти, онаси яраланганда дадасига хабар берган меҳрибони, элчиси. У ҳам ўша даҳшатли кунларни кўрган, азобини тортган. Мана дайдиб бу ёқларга келиб қолибди. Кимдир бўйнига арқон солиб боғлабди. Пайт топиб қочибди, шекилли, кўчада дайдиб юрибди. Бечора Сергак! Қанақа кунларни кўрмади!

Рустам ўз итини яхши таниди. Эркалаб чақирди, имо-ишора қилди, лекин ит уни тан олмади. Тутқич бермай қочди. Яна ширин гапириб, яқинлашган эди, яна нарироқ кетди.

— Нега мендан қочяпсан. Сергак, мен Рустамман-ку. Юр, сени олиб кетаман. Яна бирга бўламиз. Ифлос бўлиб кетибсан, ювиб-тозалайман, ўйнатаман.

Ит Рустамни ҳамон тан олмас, у беғоналашиб кетган эди. У тутқич бермай, шериги билан ўйнашиб жўнаб қолди.

Рустам йиғламоқдан бери бўлиб, орқасидан қараб қолди. Унинг кўзида ёш бор эди.

Рустам эсини йиғиб олгунча, бирдан бомбардимон бошланиб қолди. Ҳаммаёқни қий-чув тутиб кетди. Қаердадир зенит тўплари гумбирлаб отилди. Сирена янгради. Қочган йўл танламайди, дегандек Рустам одамлар кетидан югурди. Бир кўчага кирди, ундан чопиб чиқиб, яна қаёққадир чопди. Икки кишининг кетидан бориб, бир чуқурликка ётди. Сал нафасини ростлаб осмонга қаради. Осмонга қараса, қизил юлдуз акси туширилган иккита самолёт, бири олиб бири қўйиб, район марказини ўққа тутяпти, бомбардимон қияпти. Бомбалар портлаб ёрилаётгани, ўшалардан биттаси ҳозир устига тушиши мумкинлиги эсига келмасдан, қувонганидан:

— Бизникилар!— деб бақириб юборди. Ёнида ётган киши:

— Жиннимисан, товушингни ўчир— деб муштини кўрсатди.

— Жонидан тўйганга ўхшайди!— деди шериги тўнғиллаб.

Рустам беғоналар ёнида ётганини билиб, жим бўлди. Салдан кейин бомбардимон тўхтади. Рустам чангини қоқиб, ўрнидан турди. Қаерда? Қаёқ келган томони? Эслаб ололмади. Таваккал қилиб, бир томонга йўл олди. Анча юрди, ҳамон бояги еридан чиқмасди. Бир кўчага бурилиши билан ўлиб ётган бир хотиннинг устидан чиқди. Устида боласи билан йиғлайди. Қўллари қон. Рустам бориб болани олди. У ҳам яраланган эди. Бу ўша, машинада бирга келган хотин ва унинг қўлидаги боласи эди! Нима қилиш керак? Утиб кетаётган одамдан касалхонани сўради. Кўчанинг охирини кўрсатди у одам. Рустам болани олиб ўша томонга жўнади. Бир амаллаб, касалхонани топди. Ҳадиксираб кириб борди.

— Ёрдам берингла!— деди у дуч келган оқ халатли хотинга. Хотин бир хонага бошлаб келди, у ерда қисма кўзойнакли, оқ халатли сап-сарик немис ўтирарди. Рустам немисчалаб:

— Ёрдам беринг!— деди илтижо оҳангида. Мужик боланинг не-

мисча гапиргани таъсир қилдими, боядан бери пинагини бузмасдан ўтирган немис аста қўзгалди. Келиб болани кўрди. «Сен немисчани билсанг, мен ҳам русчани биламан» дегандай бузуқ бир тилда сўради.

— Бу ким? Укангми?

— Билмайман.

— Синглингми?

— Йўқ.

Немис ҳайрон бўлиб, масхаралаб кулди, бола йиғларди.

— Исми нима?

— Билмайман.

Немис Рустамни девона, тентак фараз қилгандай бошидан оёғига-ча қараб чиқди. Узи-ча яна масхараомуз кулди:

— Киминг бўлади?

— Кўчадан олдим. Онаси ўлиб ётибди,— деди Рустам хомуш.

— Гуманист!— таъна билан боқди немис.

— Осколка текканга ўхшайди,— деди Рустам оҳиста.

— Кўряпман.

Бола ҳамон йиғларди. Немис ярадор боладан ирганган одамдек юзини буриштириб, жойига бориб ўтирди. Унинг бунчалик парвойи-фалаклигини кўрган Рустамнинг жон-пони чиқиб кетди. Бунақа врачни умрида биринчи марта кўриши эди. Унинг дадаси ҳам врач бўлган, бировнинг касалини эшитса, ичиб турган чойини қўйиб югуради. Рустам ўзини аранг босиб, яна немисчалади:

— Ўлиб қолади?

Немис тиржайди:

— Ҳеч нарса қилмайди. Руснинг жони қаттиқ бўлади!

Бирпасдан кейин кирган ҳамшира немиснинг ишораси билан болани олиб чиқиб кетди. Рустам кетидан эргашиб чиқди. Кейин билса, бу немис ҳарбий касалхонаси экан! Боланинг ярасини боғлаб, яна Рустамнинг қўлига бердилар. Рустам «жайдари» район касалхонасини топиб, болани топшириб бўлгунча, анча маҳал бўлиб қолди. Хачек қолдириб кетган ерга келса, у қон бўлиб, бир четда ўтирибди. Уни кўриши билан ўрнидан ирғиб турди.

— Қаёқда юрибсан?

Рустам жуда қолдан тойган эди, индамади. Бунинг устига табиати ҳам жуда хира эди. Хачек унинг шимидаги қон юқини кўриб қолди.

— Яраландингми?

— Йўқ,— боши билан жавоб қилди ва бола тарихини айтиб берди.

— Бечора хотин, ажал қувиб келган экан-да! Дунёдан нолиб кетди.

Боласини тайинлаб топширдингми?

— Ҳа, раҳм қилиб олиб қолишди!

— Катта иш қилибсан!— Унинг кўнглини кўтарди Хачек.— Мардлик қилибсан! Бизнинг ишлар ҳам битди.

Бир оз юргач, яна қўшиб қўйди:

— Шунинг учун кечикиб кетган экансан-да!— Бу энди Хачекнинг бояги бақирғига узри эди. Рустам тушунди, бошини чайқади.

Эртасига кечаси Қасаткинни қишлоқ четидаги бақалоқ эманга осиб кетдилар.

## XV

Касаткиннинг ўлимини эшитган Маро буви олдинга бир чўчиб тушди. Қимларгадир қаратиб «Тинчлик ёқмаганлар!» деди. Сал юраги ачишгандек бўлди. Кейин эрининг қамалишида унинг қўли борлиги эсига тушдими ёки қишлоқда кейинги вақтда қилиб юрган бемаъ-

виликлари гашини келтириб, қаҳрини қўзғадими, гоҳ газаб тўнини тес-кари кийиб олгандек, гоҳ раҳми келгандек бўлди.

— Немисга қўшилиб, пишган тухумдан жўжа чиқараман, деб юрган эди, нодон! Ғалвирда сув ташиб бўларканми? Халқ билан ўйнашма! Халқ — оқиб турган дарё, усти жим бўлгани билан остида тўлқинлари бор. Мана ўз бошини еди!

Бир айланиб келиб, Хачек билан Рустамга насиҳат қилаётгандек, яна ўзича сўзланди.

— Қиличнинг дамида юриб бўларканми, тентак! Ишқилиб касри элга тегмаса бўлди. Оқсоқол ким? Немиснинг думи! Қалтакесакникига ўхшаб яна ўсиб чиқаверади — ўрнига бу бўлмаса, бошқаси бўлаверади. Эл доносив қолмагандек, нодонсив ҳам бўлмайди. Жабр, жабр элга, бева-бечорага! Менинг одамимни ўлдирди, деб немис аламга кирмаса эди. Ишқилиб, сен бу ишлардан узоқмисан, Хачек болам?

— Эрта-ю кеч ёнингиздаман-ку, ойи.

— Ким билади, эштитбманки, бу хаёл ўлғур ҳар қаёққа олиб кетяпти. Қариб қолдим шекилли. Бир маҳал оранг бузуқроқ юрарди.

— Тўғри. У бир маҳал эди.

Хачек қараса, онасининг беозордек кўринган терговига бардош беролмайди. Касаткин ҳақида гап борган сари ичидан тўлқин уйғониб, кўкрагига тиқилиб келяпти. Бошини қуйи солганча, ўрnidан қўзғалди. Бу қўзғалишнинг сабабини Рустам ўзича тушунди: «Хачек сирини очилиб қолишидан қўрқди. Унинг қўли бор!».

Рустам унинг кетидан чиқиб борди. Хачек олма тагида папирос чекиб турарди. Кўзлари бир нуқтага хаёлчан қадалган. Рустам кетидан кузатиб чиққандек унга деди:

— Хўш, нимага чиқдинг?

— Узим...

— Бор, уйга кир. Шамоллайсан.

Унинг юрагига ҳеч нарса сиғмас эди. Папиросини узун сўриб, гильзасини бармоғи орасига олиб, узоққа чертди. Тутунини бурқсатиб чиқариб, товуқхона олдига борди. Товуқларга термилиб турди. Товуқлар кўзига беғам, беташвиш бўлиб кўринди. Қорни тўйса бас, қамаб қўядими, далага олиб чиқиб ёядими — унга бари бир. Бунинг устига яна нодон. Тухум қўяди-ю салдан кейин қаёққа кетди, деб ўйламайди. Хўроз зўравонлик қилиб дон еб турган товуқни бекордан-бекорга чўқиган эди, гаши келди. «Хўш, нега уни чўқиди? Хўроз бўлгани учунми, ёки кучи етганиданми? Ҳэй, зўравон бўлган сени...»

Хачек чўқилган товуққа рақми келиб, олдига бир кафт дон сочди. Устига чиқиб қолган онаси:

— Ҳозиргина сепганман. Текин томоқ қилма!— деди.

— Талашиб еяпти-ку!

— Махлуқ тўйганини биладими, болам, берсанг еяверади-да! Хафироқмисан?

— Бошим оғрияпти!— ёлғон гапирди Хачек. Она бечора ишонди, жони ачиди.

— Бирпас ётиб дамингни ол. Кечаси кеч келдинг.

Хачек ардоқлаб сақлаган сирини очилган одамдек сесканиб кетди. Дарров жавоб қилди

— Кеч эмас эди, ойи!

— Қайфинг ҳам бордай эди.

— Ҳа, жиндай бор эди,— ростига кўчди у.— Иккита танишим дўконга яримта кўтариб келиб, ҳеч қўймади.

— Ўзинга эҳтиёт бўл, болам, ичириб қўйиб, битта-яримтаси гапингни ўғирламасин! Замон ёмон!— деганнича Маро буви эшик томонга ўтиб кетди. Очилиб қолган кўча эшикнинг ҳалқасини илиб, орқасига

қайтди. «Ойим тўхтаб, гапга солмасин» деб Хачек ўзини четга олди. Унинг ҳозир ҳеч ким билан гаплашадиган кайфияти йўқ эди. Кўнгли ёлғизлик тусайди. Қасаткин воқеаси нима билан яқунланиши уни қизиқтирарди, холос. Қўлга тушадиган бирорта из қолмаган бўлса, бўлди! Унинг бутун ташвиши шунда! Аслида-ку, бу иш у дарахтнинг тагида, ёки атрофида бўлгани йўқ. Хачек уни меҳмондорчиликка бошлаб борди. Жиндай ичилди. Кейин... мурдасини олиб бориб, дорга осишди. Барибир тажрибали кишилар эмас-да!

Хачек ниманидир сезаётгандек безовта бўлиб кунни ўтказди. Ишда ҳам ўтиргандек бўлмади. Ҳамманинг оғзида Қасаткин. Биров ажабланиди, биров қўрқувда. Соатини олгани кирган биттаси «Бундан беш баттар бўлсин. Унга бу ҳам кам!» деди. Хачек ифвогарми деб, унинг оғзига урди.

— Одам ўлса-ю, шунақа десангиз!

У одам хадик тортмасдан, баралла деди:

— Қасаткин одам бўлибдимми?! Уша одам бўлса, мен одамликдан чиқиб кетаман, ит бўламан, ҳўкиз бўламан!

Хачек кўрдики, бу одам тўлиб турибди. Қасаткин алам ўтказганларданга ўхшади. Гапни чўзмади, чалғитди:

— Соатингиз яхши соат экан. Эҳтиёт қилиб тутинг.

— Мукофотга беришган эди. Эскиб қолди.

— Йўқ, ҳали анчага етади.

— Бузилса ҳам, духобага ўраб олиб қўяман. Эсдалик.

У киши чиқиб кетдию Қасаткин воқеаси яна Хачек хаёлида янги-ланиб қолди. Бўғилиб бораётган Қасаткиннинг «Ҳазилингни қўй, Хачек!» дегани қулоғида жараглади. Узи ҳам ҳўкиздек кучли экан, уч киши зўрға эвлашди. Ёки киши бўғилаётганда шунақа кучли бўлиб кетадими? Кўчада одамлар оёғи узилиши билан тайёрлаб қўйилган арқонга осишди...

Хачек уйга қайтганда унча кеч эмасди. Бари бир онаси ҳар кунгидан кеч қайтганини билибди. Шу оналар жуда қизиқ-да, боласи улғайиб бола-чақали бўлса ҳам кўзига ёш кўринади, тергаб-тежаб туради!

Хачек ўша куни барвақт туриб, совуқ сувда яхшилаб ювинди. Унинг ҳиди баданида тутилиб қолгандек ишқалаб артинди. Кийимини алмаштирди. Бари бир табиати кутганидек равшан тортмади. Демак, бир неча кун ўтиши керак. Онаси айтгандек Қасаткин пишган тухумдан жўжа чиқараман, деб ўз бошини еди. Яхши қўзи онадан ажралмайди! Подадан ажралганнинг оқибати шу! Улиб-тирилиб бунақа хоинлик қилмаса, ким унга қасд қиларди, кўп қатори юрарди. Унга ўхшаб омади келмаганлар камми! Ҳамма сотқинлик қилаётгани йўқ-ку. Унинг асли тухуми бузуқ экан, тегига тортди. Германия деса, оғзидан бол томарди-я, лаънатининг! Бунча бегонапарвар бўлмаса! Киши ҳам ўз она юртидан шунақа юз ўгирадими? Юртинг сенга нима ёмонлик қила қолган эдики, унинг қасдига бунчалик иш тутасан, лаънати ит! Эл-юрт билан ўйнашиб бўладими — сенга ўхшаган ҳаромхўрларнинг кўзини очиб қўяди! Аҳволинг шу! Тағин шафқат қилинг дейди-я! Сен шафқат қилдингми? Тўлқинга қарши туриб бўлмайди. Сенга ўхшаганларнинг жазоси бўйинингга «Хоинга ўлим!» деб тахтача осиб тўғри қилишди!..

Хачек нонуштани қилиб, дам оладиган куни бўлса ҳам дўконда ўтириб қолди. Уйга қайтгиси келмади. Уйга қайтса, биров кетидан қувиб бораётганга ўхшади. Икки киши келиб, ремонтдан чиққан соатини олиб кетди, биттаси ремонтга олиб келган экан: «Иш бошимдан ошиб ётибди, янаги ҳафта кел» деб қайтариб юборди. Унинг қўли ишга бормасди. Кўчага қараб ўтирди. Рустам тушлик олиб келди. Қосанинг энди қопқоғини очган ҳам эдики, дўконнинг эшиги безовта тақиллаб қолди.

То у: «Ҳозир! Ҳозир» деб эшикнинг илмоғини туширгунча яна тақиллади. «Хачек! Хачек!» лаб ҳаяжонли бақирди. У Рустам эшикни очиши билан ўзини ичкари олди ва Рустамнинг елкаси оша:

— Яхшиям, шу ерда экансан! Юр, кетдик! Қоч!— деди ва ундан олдин чиқиб жўнади. У кўчадан ўтиб бир қўрага ўзини урди. Шошиб қолган Хачек масала нима ҳақда бораётганини дарров фаҳмлаб, Рустамга деди:

— Ойимга ўзинг тушунтириб қўй!— У ҳам чиқиб кетди. Рустам нима қилишини билмай, турган ерида қотиб қолди. Кейин, ҳушини йиғиб, уйга чопди. Нафаси оғзига тикилиб, етиб келса, эшиги олдида машина турибди. Шофери папирос чекапти. Елиб келаётган ерида таққа тўхтади: «Ҳаммаси тушунарли, уйни босишибди» деди-ю, ўзини четга олди. Лекин умидини узиб нарига кетолмади. Кетганда қаерга боради? Дўнглик орқасига ўтиб, ўсиқ ўт панасида кузатиб ётди. Кўз олдига Маро буви келди. Бечоранинг аҳволи нима кечди? Юраги чиқиб кетгандир! «Уғлингни топиб бер!» деб ғазабга олаётган бўлса, нима дедийкин? «Ишда!» дейди-да.

— Дўконда бўласанми?— деганда Хачек мужмал қилиб:

— Дўконда бўлсам керак,— деб жавоб қилганини Рустам ўз қулоғи билан эшитган. Шунинг учун овқат чиқарган эди. Овқат ҳам насиб қилмади. Буларни она билмайди, албатта!

Шу пайт кўчанинг у томонидан мотоцикл келиб, иккита одам тушди. Битгаси поғони йилтиллаб турган офицерга ниманидир доклад қилди. Офицер асабий бир нарса деди-да, Хачекларникига кириб кетди. Ким билади, балки Маро буви «Уғлим дўконда!» деган бўлса, бориб қуруқ қайтиб келяптими!

Бу олағовур узоқ чўзилмади. Иккита солдат, Маро бувини олдига солиб, ҳайдаб чиқди. Кўчага тушгач, битгаси олдига ўтиб олди. Рустам Маро бувининг оқариб кетган ранги рўйини кўрди-ю додлаб юборишига сал қолди. Нима гап? Уни қаёққа олиб боради? Унда нима айб?!

Рустам ҳаяжонини аранг босди. Ўрнидан аста туриб, улар кетидан эргашди. Бир кўнглида олдига югуриб бориб: «Уни қаёққа олиб кетяпсизлар, қўйиб юборинглар! Унда айб йўқ!» дегиси келди. «Айб кимда?» деса нима деб жавоб қилади? «Уғли Хачекда» дейдими?! Йўқ, бу мумкин эмас. Хачекда ҳам айб йўқ. Биров Қасаткинга хоинлик қилсин, дебдими?»

Аллақайси бир китобда «мардлик манманлик эмас, ақл билан иш тутишда» деб ўқигани эсига тушиб, Рустам ўзини босди. Ишни чуватиб нима қилади. Балки, сўраб-сўраб ҳали қўйиб юборар!

Маро буви кайфи бор одамдек, гандираклаб борарди. Рустамнинг унга раҳми келди. Нимага машинада олиб кета қолмади? Эл-юрт олдида изза қилиш учун ҳайдаб кетяптими? Эл-юртнинг Маро бувига қаҳри келиб бўпти! Рустам уни таниганидан, бери Маро бувининг оғзидан бировни ғийбат қилганини, ғийбат тугул, ёмонлик кўзлаганини билмайдди. Хачек бўлса, кишиларнинг хизматига ҳозир-нозир, меҳнатини аямайди. Қўли билан бўлмаса, тили билан яхшилик қилади. Яхшилик деса жонини аямайди. «Яхши сўз илонни инидан чиқаради, ёмон сўз кишини динидан чиқаради» деб яшайди. Бўлмаса, Рустам ким? Бегонанинг боласи! Дадаси бир маҳал Хачекка яхшилик қилган бўлса қилгандир. Битта Хачекка қилибдими? Йўқ, Маро буви шуни ҳам эсдан чиқармайди. Эшикдан бўйинини эгиб кириб келгандан бери кучоғидан қўйиб юбормайди. Емайди— едиради, ширин гапириб, қалин ўрин солиб беради, кунда аҳволини сўраб кўнглини кўтаради. Ана шундай меҳрибон, кўнгли очиқ, тили ширин кампирни икки бўрсикдай солдат ўртага олиб ҳайдаб кетаяпти, баъзан тўнғиллаб ҳам қўяди.

Рустам хаёл суриб, йўл устига чиқиб қолганини билмади. Узоқда

велосипед пайдо бўлди. Уқдай учиб келяпти. Солдатларни кўриб, бир кўчага уриб кетди. Сал беридан чиқиб, яна елиб келаверди. Рустамнинг рўпарасига келиши билан, таққа тўхтади.

— Утир! Тез бўл!— деди велосипедда учиб келган бола. Рустам «Нима гап? Қаёққа?» дегунича бўлмай уни олдига ўтқазиб, учиб кетди. Нарироқ бориб, чапга бурилди. Орқа йўллар орқали қишлоқдан чиқди. Жарликка йўл олди. Озгина юриб тўхтади, бошлаб ўзи тушиб, велосипедни Рустам қўлида қолдирди.

— Чарчаб кетдим!

У чиндан ҳам қора терга ботиб, қизариб кетган эди. Этаги билан юзини артди. Кейин Рустамга деди у:

— Сал бўлса, қўлга тушардинг! Бувингни кўрдингми, олиб кетишди. Бугун ўнтача одам қамалди. Яхши, тоғанг қочиб қолибди. Сал кеч қолсам, сен ҳам кетувдинг. Хў, сени урган, лаби тиртиқ бола бор-кў, Коля, сен билан юзма-юз қилгани Қасаткин олиб борган новча, ориқ. Ушани ҳам қўлга олишди.

Қатта тош орқасидан иккита бола чошиб келди. Биттасини Рустам дарров таниди, синфдоши «қуёншунос» эди.

— Хўш, ишлар қалай, Рустам?— дея яқин келиб, қўл узатди.

— Ёмонмас.

— «Ёмонмас» эмиш! Саша бўлмаганда шу вақтда севикли комендантининг олдида ўтирардинг! «Ёмон эди, яхши бўлди» дегин. Сашага қуллик қилиб қўй!

Рустам бу гапларга ишониб-ишонмасдан салгина жилмайиб қўйди. Велосипедни етаклаб, тўрттовй ўрмонга кириб кетди. Рустам «Қаёққа кетяпмиз?» демаганидек, болалар ҳам борадиган ерини айтмади. «Улимдан қутқариб қолган болалар ёмонлик қилмаса керак» деган ишонч билан Рустам индамасдан бораверди. Борган сари ўрмон қуюқлашмоқда, баъзан зах ҳиди келиб қолади. Салқин ел эт жунжиқтади. Рустамни олиб келган бола ҳаммадан олдин совуқ еди.

— Терлаганингдан!— деди «қуёншунос» ва эгнидан пиджагини ечиб, унинг елкасига ташлади.— Қийиб ол!

— Узинг-чи?

— Мени қўявер!

Бир майдонга чиққач, туриб қолишди. Ҳаммадан кўра билимдонлик ва йўлбошчилик қилиб келаётган «қуёншунос» ҳам хавотирсираб қолди, атрофга таниш белги қидиргандек аланглади. Бирдан:

— Мана бу ёққа!— деди ва шартта ўнга бурилди.— Сал бўлмаса, адашай дебмиз. Ҳозир ботқоқлик чиқиши керак.

Ростдан ҳам салдан кейин ботқоқлик бошланди.

— Келинлар, бирпас дам олайлик, ҳали анча юрамиз. Сен, Саша, велосипедни бир ерга бекит, бари бир у ёққа олиб ўтолмаймиз.

Саша индамасдан велосипедни етаклаб, чакалакзорга қараб кетди. Ерга ётқизиб, устига шох-шабба синдириб ташлади.

— Ит оладими, бу ердан! Туради!— деди қайтиб келиб.

— Йўқолмасин, ҳали бизга кўп иш беради, тентак!— деди «қуёншунос».

— Қўрқма, сенга велосипед керак бўлса, мен топиб бераман. Мотоцикл бўлсаиди, бу бошқа гап!

«Қуёншунос» изоҳ берди:

— Бу ит, немис мотоциклини мўлжаллаб юрибди!

— Йўлини қилолмайманми? Мана кўрасан!

— Тагин филдираги остида бошинг қолмасин?

— Қолмайди.

— Гуноҳингни кечирадиган — Рустам. Қўлига тушсанг, фриш кечирмайди,— деди «қуёншунос»; кейин Рустамга юзланди — Уша ку-



ни роса мардлик қилдинг-да! Сал бўлмаса ҳаммамизнинг бошимиз кетарди. То олдинга боргунча Қасаткиннинг дўқларини кўрсанг: «Биласанми, кимни ургансанлар! Жонларингда қасдинг борми, итваччалар! У комендантнинг ўғли бўлади-я! Комендантнинг хотини уни қандай яхши кўради! Биттангни таниса, тамом, ҳамманг кетдинг», дейди, сўқади. Ювиндихўрнинг қўли жуда қаттиқ экан, бир тарсаки туширган эди, ҳали чакагим оғрийди!— «Қуёншунос» энгаҳини ушлаб, силкиб қўйди.— Уша вақтда биз сени ўзаро «комендантнинг ялоқиси» дер эдик. Бундоқ сездириб ҳам қўймайсан.

Рустам нима дейишини билмади.

Улар туриб, йўлга тушдилар. Анчагина масофани қамраб олган ботқоқликдан ўтишлари билан йўлларини икки киши тўсиб чиқди, кимликларини суриштирди. «Қуёншунос»нинг ўзи муомала қилди. Аллакимнинг номини тилга олиб, Рустамни кўрсатди. Икки киши қандай боришларини айтиб, ўтказиб юборди. Қош қорайганда ертўла, чайлалар қурилган бир ерга етиб келдилар. Урмонга ўрнашган бутун бир қишлоққа ўхшарди. Хачек ҳам шу ерда эди. Рустамни кўриб, югуриб келди.

— Ойим қалай?

Рустам йиғлаб юборди.

— Қаёққа олиб кетишди?

Жавобни эшитиб, бирдан бўшашиб тушди. Рустамнинг елкасига қўлини ташлаб, ёнма-ён ўтирди. Эртасига онасидан хабар топди: «Қамоқда, терговда! Унинг ўзига айб қўйишмаса ҳам, «Ўғлингни топиб берасан» деб ғазаб қилаётган эмиш! «Ўғлим эрталаб ишга кетган, ҳозир қаерда, билмайман» деса ишонмас эмиш.

— Чинакам ўғлинг бўлса, сени қутқариб олсин! Келсин, сени қўйиб юборамиз!— дебди.

Бу хабарни эшитиб, Хачек баттар тутоқди. Демак, онаси, уни туғиб улғайтириб, роҳатини кўраман, деган онаси у учун азоб чекиб ётибди. Босқинчилар уни қийнайди, масхаралайди, йиғлатади, балки тепкилаб ураётгандир. Балки шу лаҳзада оғзидан қони оқиб беҳуш ётгандир? Унинг номини айтиб, кўмагини истаб ёлвораётгандир. Бешафқатлар баттар хўрлаётгандир. «Ўғлингни топ, кетасан!» деб шарт қўйиб, тепасида ўтиргандир. Ўғли эса ўз жонини олиб қочиб, ўрмонда ўтирибди!

Хачекнинг юрак-бағри ўртаниб кетди. Бу қандай бедодлик, ўғли учун онаси азоб тортса, қийналиб ётса! Йўқ, йўқ, бу мумкин эмас. Ўғли учун она қийналмаслиги керак! Фарзандини улғайтиргунча тортган азоблари, сал иситма чиқарса, мижжа қоқмай тепасида тонггача ўтириб чиққанлари, ортмоқлаб кўтарганлари, ўзи уйқудан қолиб, уни ухлатганлари, у қоқилса, бутун вужуди зирқираб, югуриб-елганларининг ўзи етиб ортади. Ҳали унинг ўндан бир қарзини узгани йўқ. Кафтида қуймоқ пишириб берса ҳам ҳаққи кетади. Сочига оқ тушиб, қадди букилганда душман қўлида фарзанди учун банди бўлиши қолдимми!! Инсофли фарзанд бунга рози бўлолмайди, рози бўлиши мумкин ҳам эмас!

Витя Корнилов ҳам шу ерда эди. Хачек тўғри унинг олдида борди.

— Ишлар чатоқ-ку, ўртоқ, онамни гаровга олиб ўтирганмиш, итваччалар!

— Эшитдим. Емон бўпти!— ўйчан ўқинди Витя.

— Мен бораман. Онамни қўйиб юборсин!

— Жинни бўлдингми?

— Айт-чи, сенинг онанг бўлса бормасмидинг?— саволга савол билан жавоб қилди Хачек.

— Бу найранг. Онангни чиқариб юбормайди.

— Балки чиқариб юборар.

— Ёш боламисан, шунга ҳам ақлинг етмайдими?

— Бўлмаса нима қилишим керак?

Витя ўйлашиб қолди. Аслида бу гапни Хачекдан илгари эшитган, ўшандан бери бошини қотирарди. Ўртоқлар билан маслаҳатлашиб ҳам бир фикрга келолмади. Мана ҳозир ҳам ўйлаяпти.

Витядан аниқ жавоб чиқишига кўзи етмаган Хачек ўз сўзида туриб олди. Онасининг ўзи учун азоб чекишини, балки ҳалок бўлишини истамайди. У билган шу босқинчи немис бўладиган бўлса, раҳму шафқатни билмайди, сочининг оқини ҳам ҳурмат қилмайди. Эртага дорга осилиши мумкин. Унда Хачек қандай бошини кўтариб юради, унинг нимаси фарзанду нимаси одам бўлди? Йўқ, у боради, онасини қутқаради, зўравонлар номардлик қилиб сўзида турмаса турмасин. Онасининг у учун ҳалок бўлиши номус!

— Нима десанг, де, Витя, мен кетаман!

— Жавоб бермасак-чи?

— Нима деб жавоб бермайсанлар! Онангни осса осаверсин, сен борма! Сен бизга керак дейсанми? Она сути мени кўр қилмайдими? Шундан кейин мен нима деган одам бўламан?!

Витянинг нафаси ичига тушиб кетди. У икки ўт орасида ёнарди. Олиб қолишга қурби етмайди. Олиб қолганда нима тадбир кўради, қаддини энди кўтариб келаётган отряднинг қўлидан нима иш келади? Бекорга кетаётганини билади. Лекин не илож! Хачекнинг феъл-атворини яхши тушуниб турибди. Хачек онасининг ҳалокатини узоқдан томоша қилиб ўтирадиганлардан эмас! Номусини сақлаб, ўлишга тайёр йигитлардан! Уни энди кўраётгани йўқ!

— Эргалабгача сабр қил!— деди охири Витя.— Зора бир йўли топилиб қолса! Кечаси қаёққа борасан?

Ҳар дақиқа ганимат бўлса ҳам Хачек тишини тишига қўйиб тонгни оттирди. Уфқ ёришуви билан Витянинг олдига кириб борди. Рустам ундан узоқмас эди. Хачек кўзини Витянинг кўзига қадади. Иккаласи бир-бирига тикилиб қолди, Витя бирор тадбир тополмабди!

— Мен кетдим, Витя.

— Мен ҳам бораман!— бирдан қичқириб юборди Рустам.

— Сен нима қиласан, жигарим. Сен бирга борадиган жой эмас. Сени Витя амакинга омонат қолдираман. Ундан ажралма.— Хачек атрофдаги ўртоқларга қаради.— Мени кечирасизлар, бормасдан бошқа иложим йўқ. Яхши-ёмон гапирган, бирортангизнинг дилингизни оғритган бўлсам кечирасизлар! Хайр!

Рустам энг яқин кишисидан ажралиб қолаётган одамдек унинг этагига ёпишди, қучоқлаб қўйиб юбормади. У ҳўнг-ҳўнг йиғларди. Хачек уни ўзидан аранг ажратди. Ёшли юз-кўзидан ўпиб овитди:

— Мен бораману бувинг келади. Ўзинг бувингни яхши кўрасан-ку. Сен бунақа қилсанг, мен кечикиб қоламан. Ўзинг катта боласан-ку! Ким айтади сени уруш кўрган йигит деб? Омон бўл! Витя, Рустамдан хабардор бўлиб тур!

Хачек йўлга тушди. То кўздан ғойиб бўлгунча ўртоқлари орқасидан қараб турди. Рустамнинг кўз ёшлари ҳамон тинмас эди. Витя келиб бағрига олди.

— Йиғлама, йигит, кураш шунақа бўлади. Баъзан билиб туриб дўстингни ўлимга юборасан.

— Хачекни ўлдирадиларми?— Хачекнинг ўлишига энди ақли етгандек бирдан сўради Рустам.

Витя Рустамнинг ярасига туз сепгиси келмади.

— Йўқ.

Нонуштадан кейин қишлоқдан хабар келди: Маро буви қамоқда юраги ёрилиб ўлибди!

Витя ўрнидан ирғиб туриб, ташқарига отилди. Битта отни эгарлаб, эпчил бир йигитга тутди:

— Чоп, Хачекни қайтар. Энди бориши бекор!!

Йигит отга сакраб минди. Энди жиловини тутган эди, яна Витя тайинлади:

— Йўлни биласан-а! Ботқоқликдан юрма, ботиб қоласан. Олис бўлса ҳам, бу томондан кет, олдидан тўсиб чиқасан!

— Хўп!— деб йигит отга қамчи босди.

Анча вақтгача отнинг оёқ товуши қулоқларга эшитилиб турди. Кун билан Витянинг кўзи йўлда бўлди. Чопар кечиккан сари юраги увишди, хаёли қочди. Рустам бўлса йўл бошига чиқиб ўтирди. Маро бувининг ҳалок бўлганидан кўнгли бузилиб, унинг яхшиликлари хаёлидан ўтса, кўзига ёш келса, Хачекнинг қайтаётганидан севинаётганга ўхшарди, у куйишни ҳам, севинишни ҳам билмасди. Лекин қалганга ўлимга кетган бўлса ҳам, Рустамнинг юраги ишонмаётган эди. Мана энди у омон қайтиб келяпти. Буви эса йўқ. Уни солдатлар ҳайдаб кетганини кўрганиданми, ўлганига ишонапти. Демак, юрагида шодликдан кўра, қайғу кўп. Хачекнинг қайтаётганидан қувонаётгани бекор, у бувисининг азасини тутиб ўтирибди. Лекин ўрнидан тургиси келмайди. Гўё келаётган Хачек эмас, бувининг ўзи, Хачек шу ерда юрибди! Хачекни кутяпти-ку, лекин келаётган буви бўлиб кўриняпти. Бувининг сўзлари қулоғига эшитилиб кетади, кўз олдидан ўтади. Қандай ажойиб кампир!

Рустам хаёллари аралаш-қуралаш бўлиб, тушдан кейин гангиганга ўхшаб қолди. Тушликка ҳам чиқмади. «Қуёншунос» келиб қистаса ҳам кўнмади.

— Хачек келса, йўлда тўхтаб қоладими, кириб келади ўзи!— деса ҳам рози бўлмади. Охири битта темир товоқда каша билан бир бурда нон келтириб берди.

Рустамнинг иштаҳаси бўлмади. Уртоғининг кўнгли учун бир-икки қошиқ олди. Маро бувининг ўлганини эшитган бўлса ҳам, яна алланимани сезаётганга ўхшарди. Яна нима бўлиши мумкин? Рустам ўйлаб ўйини охир қилолмасди.

Кечга бориб, Рустамнинг юраги сезган нарса содир бўлди. Хачекнинг кетидан кетган чопар қуруқ қайтиб келди! Хачек ҳеч қаерда йўқ эмиш! Қишлоқнинг оғзигача чопиб бориб, кейин қишлоқнинг анча еригача пиёда кирибди. Битта-яримта кўргандан суриштирибди. Йўқ эмиш!

— Наҳотки, шунчалик тез кетиб қолган бўлса?— деди Витя ҳайрон бўлиб.

— Мумкинмас!— деди бошқаси.— Ё адашган, ё бошқа йўлдан кетган. Ҳали ҳеч қанча вақт бўлгани йўқ эди.

Ҳамманинг боши қотиб қолди. Рустам йиғлаб ўтирарди.

— Йўқ, етиб борган бўлиши мумкин!— деди яна тилга кириб Витя.— Йўлда кўрмай ўтиб кетгансан!

— Эҳтимол,— деди чопар бўшашиб.— Чақирганим йўқ. Лекин ўрмоннинг оғзида у ёқ-буёқни қараб, ўтиб кетган бўлмасин, деб пойлаб ўтирдим.

Эртасига ҳам бу нарса ёришмади. Лекин қишлоқдан бир хабар келди. Степан бобо Маро бувининг ўлигини оламан деб юрганмиш, икки марта комендатурага бориб келибди.

— Оладиган бўптими?— сўради Витя.

— Буёғини билолмадим.

— Бермаётгандирки, икки марта қатнаган.

Яна бир кун ўтди. Хачекдан хабар йўқ. Еру дўстлари яна ташвишга тушиб қолди. Комендатурага борганини ҳам ҳеч ким билмайди.

«Бу хилда ўтириб бўлмайти» деган Витя уч кишини тайинлаб, разведкага юборди.

— Билиб келасанлар! Билиб келишларинг шарт! Биринчи навбатда комендатурага борган-бормаганини билинглар!

Улар эртасига қишлоқдан хабар етказди, комендатурада Хачек йўқ!

Витя енгил нафас олди. Рустамни кучоқлаб: «У тирик, оғайни, у тирик қолибди!» деб ўпди. Рустам йиғи аралаш кулди. Маро бувининг ўлгани ҳам хаёлидан кўтарилгандек бўлди.

Эртасига Хачекнинг ўзи Степан бобо билан кириб келди. У ўша куни қишлоққа кириши билан онасининг ўлганини эшитган-у, комендатурага бориш ниятидан қайтган. Онасининг ўлигини ташлаб келишга кўнгли бўлмай, қош қорайгач, Степан бобони топган, унга маслаҳат солган. Степан бобо:

— Кечикканинг яхши бўлибди. Энди комендатурага боришининг ҳожати йўқ. Мардлик қилиб келаётган экансан, буёғига ҳам мардлик қил. Итваччаларни кўзига кўринма!— деган.

— Онаминг ўлиги қолиб кетаверадимми?

— Нега қолади? Оламиз. Мен ўзим оламан. Мен кексага бало ҳам урмайти.

— Йўғ-э!

— Бундан бошқа чора йўқ. Сен борганинг билан онанг тирилиб олдинга чиқмайди!

Степан бобо ўзига ўхшаган иккита мункайган чол билан бир кампирни олиб комендатурага боради. Ҳаммаёғидан махорка бурқсатиб, комендантнинг худди ўзининг олдига киради. Комендант галга солади. Охири:

— Ўғли келиб олсин!— дейди.

— Биз ўғлини қаёқдан топамиз! У бир қуш, учди-кетди, қайси чакалакзорда маишатини қилиб юрибди. Бу вақтнинг болаларида оқибат борми! Тиригида ташлаб кетган, ўлигида келадими?

— У ақлли армани!

— Оҳ, жаноб комендант! Ақлли бўлса, шу аҳмоқ ишга аралашадими? Нодон! Нодонки, онасининг бошини еди-да!

Степан бобо кўрса, комендант эриб келяпти. Яна анча вайсади, ҳатто ҳушомад қилади:

— Эртага келинглар, ўйлашиб кўрамиз!— дейди комендант юмшагандек бўлиб.

Эртасига борса комендантнинг ўзи йўқ. Бошқалари олдига солиб, ҳайдайди. Яна бир борганда мурдани олиб келади. Уйига олиб келиб қўйиб, бир қўрада яшириниб ётган Хачекка хабар беради:

— Бора кўрма! Ҳаммаёқни искович босди!

— Онамин кўрмай қоламанми?— ғазабланди Хачек.

— Чидайсан!

Хачек тилини тескари тишлашга мажбур бўлди. Гожлик қилади:

— Бир минутга кириб чиқай. Хайрлашай...

— Йўқ! Бошингни болтага тутиб берма! Немис ҳам шу ниятда жасадни берди шекилли.

— Йўғ-э!..

— Хўп деявер! Бу итваччалар анойи эмас.

Шундан кейин Хачек бормасликка сўз беради. Йиғлаб, тиззаларига муштлаб қолади. Аллакимларни бўралаб сўкади. Ғазабланади. Ўз ёғига ўзи қоврилади.

Бари бир кўмиш куни яширинган жойидан чиқиб қабристон йўлини хилватда пойлаб туради. Бир кўча бўлиб одамлар тобутни олиб ўтади-

лар. Одамларнинг меҳру оқибатидан ҳайрон қолиб, узоқдан онаси билан йиғлаб хайрлашади.

Кечқурун қовоқлари шишиб, босқинчиларга қарши нафрати яна ҳам гуркираб ўрмонга қайтади. Фарёд уриб қаршисига чиққан Рустамни бағрига босиб, ҳўнг-ҳўнг йиғлайди:

— Онамиз йўқ, Рустамжон, егим қолдик!..  
Тонг отгунча иккаласи ёнма-ён ўтириб чиқди.

## Хотима ўрнида

Акбар ўғли Рустамга «ёт!» деганда оёғидан яраланган ва ерга ташланган эди. Бошини кўтариб, атрофига қараса, ўғли кўринмайди ёки ярасининг оғриғи билан бўлиб, қоронғида кўрмадими, тонг ёришини кутиб ётди. Қошида қолган санитарни атрофга эмаклатиб, қидиртирди. Ҳатто таваккал қилиб чақирди ҳам. Ҳеч қаерда Рустам йўқ эди. Чор-ночор икки санитарнинг кўмагида чакалакзорга юрди. Йўл-йўлакай кўзи атрофда бўлди. Ҳар шарпа унга Рустам бўлиб кўринарди. Куни билан шу чакалакзорда ётиб, бирор ердан чиқиб қолишини умид қилди. Санитар йигит нуқул:

— У анави томонга қочди, адашмасам, ўша ўғлингиз эди, жуссаси кичкинагина кўринди, — деб орқа томонни кўрсатарди.

— Бунақа пайтда киши энгашиб қочади. Катта ҳам кичкина бўлиб кўринади. У ёққа қочиши мумкин эмас, — деб Акбар ишонмас эди. Унинг кўзига зирқираб оғриётган яраси ҳам кўринмас эди. Санитар: «У бу атрофда йўқ, энди йўлимизни давом эттирайлик» дейишга ботинмас, Акбар эса ҳамон ўғлидан умидини узолмас эди. Ҳатто кўзига ёш ҳам олди. Хотинидан ажралган эди, энди ўғлидан ҳам жудо бўлдимиз?! Рустамни бирор ерда ўққа учди, деб гумон қиларди. Ўққа учганига ишонгиси келмасдан санитарига қидиртирар ва бирор ердан дараги чиқиб қолишини умид қиларди. Ниятига етмади. Қош қорайди.

Чор-ночор йўлга тушди. Санитарнинг биттаси шу атрофлик экан. Қаёққадир бошлаб кетди. Юрса бўладиган ботқоқликдан уни навбат-навбат опичиб ўтдилар. Кечаси эски бир ташландиқ кулбада тунаб, эрталаб яна йўлга тушдилар. Акбарнинг оёғи дўмбира бўлиб шишиб кетган эди. Оғриғи борган сари зўрайиб борарди. Акбарнинг ўзи врач эмасми, хаёлига турли фикрлар келган сари яраси зўрайиб бораётганга ўхшарди. Улар учинчи куни ҳарбий қисмга келиб қўшилганларида Акбар оёғидан умидини узиб бўлган эди. Оёғи тиззасининг пастидан синган, суякни ўқ тешиб ўтган экан. Санбатга ётқизишлари билан у ерда касбдошлари:

— Кесиш керак! — деб туриб олди.

— Эҳтимол... — қаршилиқ билдирмоқчи бўлди Акбар.

— Қасбдош! Узингиз тушуниб турибсиз... Бошқа илож йўқ!

Акбарнинг хавфсизрагани рўй берган эди. Оёғида гангрена — қон заҳарланиш касали бошланган эди. Бу — Акбарга шу кейинги кунлардаги учинчи зарба эди. Бу учинчи зарба унга жуда ортиқча эди. Оёғи кесилган куни туни билан йиғлаб чиқди. Оёғига эмас, ўз тақдирдан нола қилиб йиғлади. Хотини ҳалок бўлса, ўғли йўқолса, ўзи чўлоқ бўлиб қолса!..

Одам боласидек кўникувчан жонзод йўқ. Ахир, у меҳрибон онаси ўлганда устига совуқ тупроқ тортиб келиб, кейин яна яшайди-да! Беш-ўн кун хомуш-хафа юради, аза тутади. Кейин рангининг сариғи кетади, лабига кулги чиқади, тўй-томошага юради. Кейин кўрибсизки, сал вақтдан кейин яна аслига келиб олади — гўёки онаси ўлмаган! Бўлмаса, она жудолиги унут бўладиган нарсами?!

Акбар ҳам тақдирга тан беришга мажбур бўлди. Бошлаб бир оёққа, котинининг умри қисқа эканлигига ўзини ишонтирди, ўглидан умидини узмасдан, бир оёқ билан бир неча ойдан кейин Тошкентга қайтди. Қайтди-ю, қайнотаси олдига нима деб кириб боришини билмади. Аслида бу томонга келмаса бўлар экан! Қайнотаси воқеадан хабар топиши билан «ўзинг тирик қолибсан-ку!» деб таъна қилаётгандек кўз ўнгидан кетмасди. Аттанг, бекорга келибди! «Гулим кетди, тиканим ундан нарига!» деб рўйхушлик бермаса-я?!

Акбар минг бир андиша билан кириб борди. Ҳовли жимжит: ҳовлидан ўтган ариқнинг жилдираб оқиши бемалол эшитилиб турибди. Уни кўриб, ҳовли ўртасидаги олманинг пастки шохида ўтирган иккита мусича пир этиб учди. Том бошига қўнди. «Бизнинг тинчимизни бузган сен кимсан?» дегандек хавотирсираб қаради. Ҳовли Акбарнинг кўзига тор, иморатлар чўкиб кетганга ўхшаб кўринди. Унинг назарида узоқдаги уруш бу ҳовлининг ҳам фойзини, ҳуснини ўғирлагандек эди.

Акбар ҳовлининг ўртасига етмасдан орқасидан шарпа сезди. Угирилиб қараса, Матлубанинг опаси — қайин эгачиси Мастура бўзрайиб турибди. Бир лаҳза ифодалаб бўлмайдиган сукунат чўкди. Кейин Мастура йиғлаб унинг бўйнига ташланди. У шунчалик зарб билан бўйнидан қучоқладики, бир оёғида турган Акбар учиб кетай деди!

— Орқангиздан кўрдим. Олдиниға ишонмадим. Нонга навбатга турган эдим. Орқамда турган Ҳанифа: «Поччанг-ку, танимаяпсанми?» деганини биламан... Омонмисизлар, эсонмисизлар. Матлуба қани? Рустам қани?

Акбар тайёрлаб қўйган жавобни қилди:

— Мен госпиталдан келяпман.

— Уруш бошланибдики, хат-хабар йўқ сизлардан. Отам бечора куйиб тагин ётиб қолдилар. Юринг уйга, нима қилиб ҳовлида турибмиз! Вой, мен ўлай, уйга ҳам олиб кирмабман!

Улар даҳлизга ўтганда ичкаридан одам товуши келди, аранг эшитиларди, хасталиги сезилиб турарди:

— Мастура, ким? Ким келди?

— Акбаржон! Акбаржон келди!— деди-ю, эшикни ланг очиб юборди. Акбар «Ак..?» деганни эшитди, ичкарига кирса, ота каравотидан тушиш тараддуида. Югуриб бориб, аранг тўхтатди.

— Тушманг, тушманг!.. — деб қучоқлаб кўришди, уни жойинга ётқизди.

Ота бир ҳовуч устихон бўлиб қолганди. Мабодо Акбар кўчада кўрса танимас эди. Сочлари оқдан кўра, яна ҳам оқроқ рангга ўтиб кетган, юзида эт зоти қолмаган, кўзи ўра тубидаги чўғга ўхшайди. Юзида гўшт қолмаганидан оғзи жуда катта кўринади. Энгаги туртиб чиқибди.

Ота энтикиб йиғларди-ю, кўзидан ёш чиқмасди, фақат димоғи пиқ-пиқ этарди. Мастура:

— Ортиқча уринманг, дада, узилиб қоласиз!— деб тўғрилаб, ўрнига ётқизди. Кўрпасини елкасига тортди. Кўришга қийналмасин деб, ёстинини баландроқ қўйиб берди.

— Мана шундоқ ётинг!— деди.— Яхшими? Ё яна сал кўтарайми?

— Бўлади!— деди ота сўзни қудуқ тубидан тортиб олаётгандек шикаста товушда. Кейин Акбарга юзланди.— Яхши келдингизми? Болаларим қани?

Акбар йўлда тўқиган ёлғонини айтди:

— Уруш бошланган кунини уларни эвакуация қилишган эди. Ҳали қаердалигини билолганим йўқ. Сизларга ёзишмадимми?

— Йўқ!— ҳаммадан аввал жавоб қилди Мастура.— Нега ёзишмабди, а?

— Қизиқ...— салмоқлади мулоҳаза билан ота.— Уруш бошлан-

ганига фалон ой бўлди. Шу вақтгача хат-хабар бермаса, бу қандоқ бўлди.

Акбар елкасини қисди.

— Соғ-саломатмикин, нега хабар қилмайди?

Бирдан Мастура типирчилаб қолди:

— Навбатим ўтиб кетган бўлса-я! Дастурхонга қўйгудай нонимиз ҳам йўқ.

У югуриб чиқиб кетди. Акбар сафар тўрвасида нон, консерва борлигини айтганча орқасидан қараб қолди.

— Майли, олиб келсин, болам, тагин нон — худо, ош — пайғамбар бўлиб қолди. Ярим кечаси чиқиб кетган эди.

Узилган гап уланмади. Орани қулоқни тешиб юборгудек сукунат босди.

Умрида ёлгон гапириб кўрмаган Акбар ўзини қўйгани жой тополмай қолди. Жўрттага стулга суяб қўйган қўлтиқтаёғини тушириб юборди, уни олмоқчи бўлиб, ўзини чалғитди. Кўзи отанинг кўзи билан учрашиб қолишидан қўрқарди. Учрашди, тамом — фош бўлади! Унинг кўзига ёш қалқиб келарди. Бари бир ота буни пайқадими ёки оталик юраги билан сездими, масалани кўндаланг қўйди:

— Бир нарса бўлган бўлса, айтаверинг, болам. Юртга келган тўй!

Шунда ҳам Акбар журъат қилиб айтолмади. Тўлғанди, баҳона қидирди, охири йиғлаб юборди... Ота тушунди-ю, «оҳ қизим!» деб ҳушидан кетди. Шу ҳушидан кетганча, шомга бориб кўзини очди. Чақирилган врачлар:

— Тинчлик беринглар. Ҳаяжонланмасин! — деб кетди.

— Тинчликмиш... Тинчлик адои-тамом... — деди улар орқасидан инқиллаб ота.

Ота кундан кун нари кетса кетдики, бери келмади. Овқатдан қолди, гап-сўздан қолди. Баъзан-баъзан оғир уҳ тортиб, қуруқ кўзларини артарди. Кечалари билан ўтириб чиқарди. У ўз оламига кириб кетган эди. Утирса ҳам, бошини қўйи эгиб, кўкрагига теккудек бўлиб тушириб ўтирарди. Мастуранинг раҳми келдими:

— Бошингизни кўтариб ўтиринг, дада, бунча эгиб олдингиз, — деган эди:

— Ер чақиряпти шекилли, болам, — деди-ю, йиғлаб юборди. Икки томчи ёш оқиб, оппоқ соқолига тушди.

Ана шу суҳбатдан беш кун ўтгач, почтальон бир хат ташлаб кетди. Хатни қутидан олган Мастура қувончидан йиғлаб, дадасининг олдига чонди.

Лекин чол оламдан ўтган эди!

Хат Рустамдан эди. Бўлган воқеаларни батафсил ёзиб, охири шундай тугатган эди: «Ўша куни дадамни йўқотиб қўйдим. Бизнинг партизан отрядига келган комиссар Орловнинг (у асирликдан анча аскарлар билан қочиб, бизга келиб қўшилган) айтишича, у аниқ бир кишидан эшитган, дадам оёғидан яраланиб госпиталга келганмиш, демак, қамалдан чиқиб олган. Мен ҳозир ўрмондаман. Соғ-саломатман. Аниқ бўлмагани учун адресимни ёзолмадим. Бу хатни Катта ерга ўтиб кетаётган бир одамдан бериб юбордим. Мендан хавотир олманг, отажон. Урушдан кейин албатта кўришамиз. Кўришгунча хайр. Соғ бўлинг, саломат бўлинг. Сизларни соғиниб: Рустам».

Мастура билан Акбар оталарининг ўлганига ва Рустамдан келган хушхабар таъсирида ҳўнг-ҳўнг йиғлар эдилар.

Алам билан қувонч қўшилиб кетган эди.

1979 йил

Москва — Тошкент.



## ЯНГИ ҲИКОЯЛАР

Уктам Усмонов



*Ҳар ким ўз уйида мисоли подшоҳ...  
ФИРДАВСИЙ.*

1

**КАМОЛИДДИН** ярим кечада уйғониб кетди. Туш кўрдими, нима бўлди ўзи: худди бурунгидай — хотинининг иссиқ кифтидан қўлини олгиси келмай, эриниб, қандайдир лоқайдлик билан уйғонганга ўхшади. Кейин бирдан ўзининг алахсираётганини пайқади-ю, юраги орқасига тортди. Рашидахоннинг сал кам икки йилдан бери бўш ётган жойига уйқули кўзларини тикди ва қилт этиб ютинди. Гўё хотини ўлмагандай, оқ сурп ич кўйлагининг кўкраклари очилиб, қоп-қора қалин сочлари бутун ёстиқни эгаллаганча ҳамон ёнида ётгандай туюлди.

Деразадан тушаётган хира ой шуъласида у тусмоллаб пахмоқ шиппагини оёғига илди-ю, ҳовлига чиқди. Бошқа нарсаларни ўйлайман деса ҳам бўлмади: негадир ҳозир миясини Рашидахоннинг хаёли эгаллаб олган эди. Уйга қайтиб кирди-да, Хосиятдан хабар олиш учун оёқ учидан юриб келиб, эшик хиёл очиқ турган ён тарафдаги хонага ўтди. Қоронғи бурчакдаги каравотда ухлаётган қизи томонга бирмунча тикилиб турди ва чироқни ёқай деб қўл чўзган онидан, яна хаёлига «майли, уйғонмасин» деган фикр келди-ю, секин ўз хонасига кириб кетди. Бари бир ухлаёлмади. Дераза қаршисига бориб ғира-шира шарпадан иборат ташқарини бемақсад кузата бошлади. Хў олисда — муюлишга ўрнатилган симиёғочдаги хира электр лампочкасини шамол беланчакдек тебратяпти. Қўшни уйларнинг деразалари одамга хўмрайгандай қорайиб кўринади...

«Соат неча бўлдикин?» деб ўйлади Камолиддин, аммо шифоньер устида чиқиллаб турган соатга қараш учун чироқни ёққиси келмади. Камолиддиннинг юраги гаш тортиб, чап кўкраги негадир оғирлашгандек, ўзича бир-икки уқалаб ҳам кўрди. Рашидахон бўлганда-ю, дарров



сезарди, аввалига каравоти гичирлаб, кейин эснаб кўзини очарди-да, «ҳа, нима қилиб турибсиз ярим кечада, ётинг», дерди ва нарироқ сури- либ, Камолиддинга жой берарди. Шунда Камолиддиннинг юраги бир- дан қўйиб юборгандай дили равшанлашарди...

Камолиддин уйқуси келмаса ҳам ўринга кириб ётди. Қоронги шифтга тикилганча яна марҳума хотинини ўйлай бошлади. Суришти- риб келганда, у ҳамма расм-русумларни жойига қўйди; ҳатто эл-юрт- дан ошириб ҳам юборди...

Бир хил эркаклар борки, хотини бетоб ётгандаёқ, «пешонам шу экан», дейди-ю, бошқасини мўлжаллаб қўяди. Лекин Камолиддин Ра- шидахон билан ўн уч йил ораларидан қил ўтмай, оғиру енгилни бара- вар тортишиб, бир-бирларига шу қадар кўникиб кетган, эканларки, бе- чора жон бераётганда ҳам Камолиддин ўлим деган бедодликни ақ- лига сиғдиролмай, «у кетса, менинг қолишимдан нима маъно?» деб юрак бағри ўртанди. Йўқ, докторларнинг айтгани бўлди — «бошқа туғ- манг» деб тайинлаганларини кулоққа олмай, бечора Рашидахон пешо- насининг шўрига шундай қилган экан. Болани қорнидан олганлари ҳам фойда бермади. Кетганда ўлганнинг жони кетди. Кўз очиб-юмгунча, мана, орадан икки йил ҳам ўтибди.

Камолиддинга ҳар қанча оғир бўлмасин, айрилиқ азоби, ёлғизлик азоби уни ҳар қанча қийнамасин, юрагидаги алами оз-оздан сусайиб, охири сўна бошлади. Аммо нимадир баҳона Рашидахон эсига тушгудек бўлса, ўша азоби яна қайталайди, яна худди бурунгидек ўзини қўйиш- га жой тополмайди. Шундай пайтларда баъзи бир тани бошқаларнинг меҳрибонликлари ҳам юрагига тигдек ботади.

Хотинининг йигирмасини ўтказаётгандаёқ маҳалла комитетининг раиси Ҳошим ака Аброров Камолиддин билан катта дарвоза ёнида дардлашиб турди-да, кейин:

— Бандалик экан, ука, начора, — дея насиҳат қила бошлади. — Йиғлаб-сиқтаган билан, куйган билан келармиди энди, кетди. Мушт- деккина қизалоқ икковингиз шундай ҳовлида қачонгача ҳувиллаб ўти- расизлар? Бирон-бир бевами, ишқилиб, хонадонга аёл киши керак. Уй- лаб кўринг. Хосият қизга ҳам оғир бўп кетади бунақада.

Камолиддин ўшанда дабдурустан айтилган бу гапга жавоб топиб беролмай қолди, эҳтимол, бу индамаганини ҳам одамлар бошқача йўй- ган бўлишлари мумкин...

Камолиддин Рашидахон тиригида у-бу нарсани аяса аягандир-у, аммо ўлгандан кейин бутун борини тўкиб ташлади. Ҳамма маъракала- рини, йилини ҳам ихлос билан, маҳалла-кўй ичида уялмайдиган қилиб ўтказди. Ўзи аzza-базза бориб, катта қўчқор олди, туёғига ҳам тегмай қозонга солдирди, калла, хасип торттирди, қирқ килолик ош дамлат- тирди. Қолган нимталарни қўни-қўшнига, мўйсафидларга улашди, ҳам- манинг дуосини олди. Кейин уч ойча овора бўлиб мозорига қаради. Ша- ҳар маъмуриятидаги ошналарини ишга солиб, Рашидахоннинг қабри теваарагини бошқаларникига қараганда сал кенгроқ олдирди. Катта бир хонадек келадиган жойни гулдор темир панжара билан ўратиб, ўрта- сига бир метрлик мрамар ёдгорлик ўрнатди-да, Рашидахоннинг рангли суратини қўйдириб, тагига бу дунёнинг ўткинчилигини ёдга солиб ту- рувчи Яссавийона руҳдаги икки мисра шеър ёздирди. Шундан сўнг юрагида чўкиб ётган унча-мунча ғуссалари-ю, Рашидахон олдидаги гу- ноҳлари ҳам (агар гуноҳлари бўлса) ювилиб кетгандай сезди ўзини. Лекин оғир бир юк ҳамон дилини эзгани-эзган. Рашидахон ўлган кун- нинг эртасигами, ишқилиб, иккита қўшнисини — биттаси янги жемпер, бит- таси жун рўмоли кўтариб чиқди-да, «шу нарсалар сизникида туриб тур- син, деб бергандилар раҳматлик... шу ҳам насиб қилмаган экан», деб ташлаб кетишди. Камолиддин куя дори ҳиди анқиб турган жемпер би-

лан жун рўмолга индамай қараб қолаверди-ю, лекин нафсонияти шу қадар ерга урилдики... хотинидан хафа бўлишни ҳам, хафа бўлмасликни ҳам билмасди ўшанда. «Наҳотки, шунчалик зиқна эканманки, мендан яшириб буюм олса...»

Мана, ҳозир ҳам Камолиддин ётган ўрнида бир тўлғониб нариги томонга ағдарилди, ўша воқеани хотирлай бошлади. Кейин Рашидахон қизлигида олган ҳаворанг юпқа пальтосини деярли ўн йил кийиб, ташлаб юборар даражага келганда ҳам устидан қўймаганини эслади-да, хотинига баттар ачинди...

## 2

Орадан икки ярим йилча ўтиб... энди шу хонадонда кичкинагина тўй бўляпти. Камолиддинга қолса, бунақанги даранг-дурунгсиз, ҳамма ишни ими-жимидагина ҳал қилиб қўя қоларди. Бироқ бегона аёлни «ҳе» йўқ, «бе» йўқ индамай уйга киритиб олиш ҳам эл-юрт олдида хунук экан. Аввало-ку, яна оила қуришга бўйни ёр бергунча ҳам Камолиддин неча марталаб айниб, неча марталаб яна «хўп» деб, одамларнинг тоза жонига тегиб кетди. Йўқ, бошга тушмагунча киши тушунмас экан. Хотини ўлган кунлари уйланиш деса осмонга сапчийдиган одам, кейинроқ бу масалада жиддийроқ бош қотириб кўра бошлади. Кўпинча ишдан чарчаб қайтади, баъзан ишхонада нимадандир кайфияти бузилади, уйга келганда кимнингдир салгина далдасига зор бўлиб туради. Хосият ҳам буни сезади. Дадаси келгунча чой қўйиб, овқат пишириб, у ёқ-бу ёқларни қўли етгунча йиғиб-йиғиштириб ўтиради. Лекин Камолиддинга баъзан овқат ҳам ёқмайди, еган таомининг мазасини билмай ейди. Бир чеккада бош эгиб, дастурхон попугини ўйнаб ўтирадиган Хосиятга қараб туриб, баъзан жаҳли чиқади, юрагидаги бутун аламини шу бир қарич болага тўкиб солгиси келади. Лекин бундай пайтларда у ўзини куч билан босади, онаси ўлгандан бери қизига бирон оғиз ёмон гапирмаганининг сабаби ҳам шундан. Ахир, у бола-ку!? Унга нимани айтсин? Ишдан хафа бўлиб келганиними? Бошлиқ билан сал аччиқлашганиними? Еки дилини ўртаб ётган, ўзи ҳам нималигини аниқ англамаётган бетайин ҳисларни айтсинми? Нима деб айтади? Йўқ, аксинча, қиз бечорани у ҳар қадамда юпатиши, дунёдаги энг азиз кишисидан айрилганини, кўнгли яримталигини унга сира билдирмаслиги, уни ўқситмаслиги керак!..

Хуллас, энди тўй бўляпти... Ёр-биродарлар орага тушиб, охири қўйишмади: нариги маҳалладан уйда ўтириб қолган бир ўқитувчи қизни топишибди. Ўзи тузук оиладан, ака-ука, опа-сингиллари кўп-у, аммо ҳаммалари тиниб-тинчиб кетган хонадон экан. Фақат мана шу кенжа қизларигина бир кам қирққа чиқса ҳам тенги топилмаган, бунга ҳам эҳтимол тили дудуқлиги сабаб бўлгандир. Бечора қиз университетни битириб, мактабда ўқитувчилик қилаётган йили шошилиб бир таксига тушган-у, такси симёғочга урилиб кетиб боши жароҳатланган, кейин тили дудуқланиб, кўрсатишмаган жойлари қолмаган, бари бир давосини топишолмаган экан. Шундан сўнг унинг ўзи ариза бериб, мактаб кутубхоначилигини олган экан. Камолиддин ўша қизни ҳатто кўриб ҳам ўтирмади. Ёлғизлик жонига тегиб, худди қимор ўйнаётган одамдай «хўп» деб юборди-ю, ошналариининг гапи, тавсифи билан чегараланиб қўя қолди.

Қиз томон ҳам Камолиддиннинг аҳволини тушуниб, «ҳа, майли, катта тўй бўлмаса ҳам, пешоналарига ёзилгани шудир-да», деб розилик беришди. Аввалига шундай бўлди. Лекин орадан бир ҳафта ўтгач, «тўй, тўй» деб ҳамма ёққа овозаси тарқалган пайтда... энди бошқа ашулани айтиб ўтиришибди. «Йўқ, тўй қилиб оласиз... кўчада қолган хотинга эмас, онаси ўлмаган қизга уйланяксиз...» Бу нима шармандагарчилик

энди?! Бўйи етган қизи турса-ю бу ёқда, у базм қилиб ўтирса! Хосиятнинг юзига қандай қарайди ахир? Ўзи шундоқ ҳам кейинги кунларда афти-ангорини таниб бўлмайди. Ранги сўлиб, юзида фақат кўзи қолган. Хўш, Камолиддин нима қилсин, нима?! Бу бармоғини тишласа, буниси зирқирайди! Нима қилсин? Уша қариқизнинг холасига минг лаънат! Тинчгина бўлаётган ишни лойқалатиб... ўша холаси айнитибди қизнинг онасини! Синглисини сиқиққа олиб: «Нима бало, қизингга ишонмайсанми? Бирон-бир айби борми?— деб зарда қипти.— Нега унда тўйсиз узатяпсан?! Нега эл-юрт таомилини оёғости қиласан? Нима, одамлар сенинг тўйингга зорми ҳозир? Тўй дегани... ҳамма кўрсин, ҳамма фотиҳа берсин, фалончига фалончи тушибди, деб ҳамма билсин, қолаверса, бундан буёғига эр ҳам, хотин ҳам билиб қадамини боссин, деб тўй қилинади. Шуниям тушунмайсанми!? Ким айтади сени қўша-қўша фарзанд ўстириб, куёв кўриб, келин туширган бойвучча деб! Жуда бўлмаса, қизингни ўйламадингни?! Бошқа болаларини дабдаба билан чиқариб, менга қолганда нега пасайиб кетишди, демайдим бечора! Бу худо берган айби — соқовлигини биринчи бўлиб ўзинг юзига солганингмасми!? Йўқ, у сенга — қиз, менга — жигар. Ўтирган бари бир ўрнини топади. Уша иккинчи хотин олаётган азамат, агар зигирдай инсофи бўлса, мард эркак бўлса, тўй қилиб олсин! Сал бели қайишса, қадрига кўпроқ етади!..» деган ҳам ўша.

Бу гапга ҳеч ким қарши туролмади. Камолиддин ҳам охири бўйин эгди. Қарабсизки, шу чароғон ҳовлида унинг иккинчи тўйи бўляпти. Тўйга айтилганлар унча кўп эмас — Камолиддиннинг яқин ёр-дўстлари, бир-иккита қўни-қўшни; меҳмонларнинг аксари эса қиз томоннинг одамлари. Камолиддин «менга куёвларга ўхшаб кийиниш энди ярашмас, уят бўлар», деган эди, орага яна келиннинг ўша шаддод холаси аралашди. У деб-бу деб, Камолиддинга бошдан-оёқ сарпо кийдиришди. У қоп-қора костюмда, оқ кўйлак устидан ярқиллаган қизил галстук тақиб, елкасининг сал чиқиб қолганини айтмаса, ўн ёш ёшариб кетгандай хипча бўлиб турибди. Келин бўлмиш Шаҳлохонга ҳам обдан оҳанжамо билан сарпо тиктиришган. Ёши ўтгани сабабими анча тўлишган қомати тўпни-ғигача тушган оқ ҳарир кўйлақдан тошиб турибди. Баланд турмакланган қора сочлари юзи ширмондай тўла бўлгани учун унчалик кўзга ташланмайди. Камолиддин қанча тумшаймасин, бари бир худди йигирма яшар қизни узатиб келаётгандай, автобус тўла аёллар маҳаллани бошларига кўтариб, ёр-ёр айтишарди:

Йиғлама қиз, йиғлама, тўй сеники, ёр-ёр,  
Остонаси тиллодан уй сеники, ёр-ёр...

Хотинларнинг ғайрат билан бири олиб, бири қўйиб айтган бу хонишларидан Камолиддин тоза мулзам бўлса-да, Шаҳлохонни дарвоза олдида кутиб олишдан бошқа иложи қолмади. Шу қий-чув, тўс-тўполоннинг ичида ҳам у нуқул ўзига таниш овозларни илғаб олишга уринар, хижолатли кўзлари фақат бир-икки одамни, айниқса, қизи Хосиятнинг излар, унинг ҳозир нима иш билан бандлигини кўзидан сира қочиргиси келмас эди.

Келин тушган автобус нақ остонагача бостириб келди-ю, хотинларни бир-бирига сўқиштириб таққа тўхтади. Шофёр йигит эшикни очди. Қани энди янгалар ноз қилмай, тезда ҳовлига кириб кета қолишса экан! Йўқ, қаёқда дейсиз?! Куёв бола сиполик билан бош эгиб келиб, келинни бурунги вақтдагидек даст кўтариб олиб чиқиб кетмаса ҳам, янгичасига, жуда бўлмаса қўлидан етаклаб тушириши керак эмиш автобусдан. Бу гапдан Камолиддиннинг юзлари ўтдай чакнаб, баттар довдираб қолди. Назарида ҳамма уни майна қилаётгандай бўлиб туюлди. Келин эса туша қолмас, ёр-ёр тобора авжга минмоқда эди:

Қатламалар қатланибди,  
Келин бола отланибди, ёр-ёр-ей,  
отланибди...

Охири маҳалла мутасаддиларидан бири Қамолиддинни деярли туртиб автобусга олиб чиқди. Келин ўрнидан туриб секин унга яқин келди. Қамолиддин Шаҳлохоннинг оқ нейлон қўлқопда қисилиб турган миқти қўлидан олиб, пастга етаклаб тушди. Орқаларидан хотин-халаж ҳам гуриллаб кўтарилди-ю, сочқи сочиш бошланди. Ҳар хил конфетлар, чақа-тангалар ерга дувиллаб тушган сари маҳалла болаларининг қичқириви нақ оламни бузгудек қулоқларни батанг қиларди. Тўйга келганларнинг бари шовқин-сурон билан ҳовлидаги столлар атрофида бир-бир жойлашиб ўтиришди. Қамолиддин ҳам аста-секин умумий оқимга бўйсуниб, ҳаяжонини босиб олди, бекордан-бекорга ҳадеб хи-жолат чекаверганига ичида ўзини койиб ҳам қўйди.

Гуллар билан безатилган, деворига каттакон қизил палак қоқилган стол ортига Шаҳлохон иккови эндигина келиб ўтиришаркан, бирдан худди рўпарагинасида — катта уй остонасида турган қизи Хосиятга кўзи тушди. У бугун энг чиройли кўйлагини кийиб олган. Дадасига рафиқа, ўзига эса она бўлиб келган бегона аёлга у ҳайрат ва таажжуб билан тикилар, бу уни ўз онасига таққослаётганими ёки «наҳотки шуларнинг бари ўнгимда юз беряпти», деб ҳайратланаётганими — билиш қийин эди. Қамолиддиннинг ичида гўё бир нарса чирс этиб узилгандай эрталаб қизи билан иккови ўртасида бўлиб ўтган гап лип этиб миясидан ўтди.

Хосият ўрнидан тургач, ўзидан-ўзи юлқиниб, чой ҳам ичмади. Аввалига у қизининг нега тажанг бўлаётганини сезмади. Кейин қараса, Хосиятнинг кўзлари шишиб, қизариб кетган. Қамолиддин айни мана шундан қўрқарди.

Мана худди кутгани бўлди: Хосият пана-панада ўзини тиглаб, юм-юм йиғлаб юрибди. Бунини Қамолиддин сезгандан сўнг ҳам анча вақтгача индамади. Охири чидай олмади, қизининг аҳволидан кўнгли эзилиб, қилаётган ишидан ҳам афсуслана бошлади. Бу ёқда ҳадемай одамлар, тўйга қарашадиган қариндош-уруғлар кела бошлайди. Нимадир чорасини топиш керак...

Қамолиддин ичкари уй эшигида туриб, ҳовлида майда-чуйда юмушлар билан машғул бўлиб юрган Хосиятнинг бу ёққа қарашини кута бошлади. Қизи хокандозни деворга суяб, кўзини қайта-қайта этаги билан артди. Отаси кириб кетган уй томонга ёвқараш нигоҳ билан тикилган эди, шунини пойлаб турган Қамолиддин уни бармоғи билан имлаб чақирди. Хосият ерга қараганича истамайгина дадасининг олдига келди. Қамолиддин кўнгли бўшашганидан қизини маҳкам бағрига босди, кўзлари намланиб, Хосиятнинг пешона ва юзларидан ўпа бошлади. Хосият ҳам шунини кутиб турган экан шекилли, дадасининг кўкрагига ёпишиб, баралла ҳўнграб юборди. «Падарига минг лаънат шунақа тўй-пўйингни ҳам! Сўққабош ўтиб кетганим яхши эмасми-я!..»

Аммо одам ҳамиша ҳам мана шундай чуқур туйғулар оғушида яшмайди ва яшай олмайди. Бунақанги изтиробли кечинмалар, ҳам адолатли, ҳам азобли ҳолатлар киши қалбига меҳмондек онда-сонда бир келади-ю, уни ларзага солиб, иродасини букиб кетади. Кейин одам, хоҳласа-хоҳламаса, худди тинган сувдек бўлиб қолади. Атрофига хотиржам назар ташлайди ва ўз ҳаётини яшаётган муҳитига мослаштиришга уринади.

Хосиятнинг «Кетаман!» деган зардали овози хаёлга чўмган Қамолиддинни ўзига келтириб қўйди. Бирдан сергакланиб, қаддини ростлади.

- Қаёққа кетасан?
- Холамникига!
- Бугун тўй-ку? Холанг ҳам келади.
- Йўқ! Кетаман!

Қамолиддиннинг бирдан жаҳдй чиқиб, тутоқиб кетди. Лекин шунда даям ўзини босди. Бошқа иложи ҳам йўқ. Агар ҳаммасига эътибор бераман деса, бунақа воқеалар Рашидахон ўлгандан бери неча марталаб бўляпти. Бир куни Қамолиддин йиғилишга шошилаётган эди. «Қизалоғим, дарров мана буни дазмоллаб бер, кийишга кўйлагим қолмабди», деди эндигина ўрnidан турган Хосиятга бир оз намланган оқ кўйлагини узатиб. Ўзи қоғозларга шўнгиб кетди. Хосият дазмолни роса қиздириб, этагидан босиш ўрнига бирдан ёқасидан бошлаган эди, «жазз» этди-ю, оқ кўйлакнинг ўнг ёқаси сарғайди-қолди. Хосият тилини тишлаганча анча вақт серрайиб турди-да, кейин қолган қисмини ҳам дазмоллаб, апил-тапил нонушта қилган дадасига узатди. Қамолиддин кўйлакни шошиб кийиб, галстук боғлаш учун кўзгу қаршисига борди-ю, бирдан кўзлари чақчайиб кетди. Хосиятга қаради. Қизи рўпарасида шу даражада эзилиб турардики, сўкиб юборишга тайёр Қамолиддин: «Ҳа, дуруст, ёмон дазмолламабсан, қизим», дейишдан бошқа илож тополмади ва ўшанда кун бўйи сарғайган ёқа билан ишда юрди.

Мана, ҳозир ҳам ғазабини ичига ютиб, қизининг елкасини силади, яна бағрига босди. Энди фақат ўз отаси тафтидангина ором олиши мумкин бўлган қиз учун бу ҳам ёқимли, ҳам азобли эди. У ҳамон пиқ-пиқ йиғлаганча дадасига ёпишиб турарди.

— Сенга нима бўлди, қизим? Ақлинг кўп деб ўйлагандим. Нега қийнайсан мени? Шу қийналганларим озми? Нима қилай, мен ўлдирмадим-ку ахир аянгни!? Нима қилайлик, қисматимизда шу нарса бор экан, сенга, сендай қизалоғимга азоб бериш, жоҳиллик қилиш пешонамга ёзилган экан, мен нима қилай, болам? Айт, мен нима қилсам кўнглингни жароҳатламаган бўламан? Майли, нима десанг ҳам, айтганингни қилай. Айт, қизим, айт!..

Шу гапдан кейин Хосият бир дақиқа яна ўксиб-ўксиб йиғлади-ю, бирдан дадасига раҳми келиб кетди. Чунки шу пайтгача у дадасининг бунчалик ожизлиги, одамнинг ичи ачийдиган бир ҳолга тушганини кўрмаган эди. Секин бошини кўтариб, юзини деворга ўгирди-да, дадасининг нимадир дейишини кутиб, нафасини ичига ютиб турди. Қамолиддин ҳам Хосиятдаги бу ўзгаришни пайқаб:

— Кетаман деганингни иккинчи эшитмай, қизим, хўпми? — деди. — Келишдикми? Уятга қоламиз-а! Биринчи кунданоқ қизи уйига сиғмабди-да, дейишмайдимиз? Бу фикрни миянгдан чиқариб ташла, агар ҳақиқий қизим бўлсанг! Хўпми?

Хосият «хўп» дегандай бош ирғади. Қамолиддин қизининг пешонасидан ўпиб, елкасига бир-икки қоқиб кўйди-да, ташқарига чиқди. Йўлакда қолган Хосият ўз қилмишидан уялиб, дадасига кўринишга ҳам анча вақт ботинмади. Кейин шахт билан уйдан чиқди-ю, ҳовлини супуриб-сидиришга тушди...

Хосият куни билан, ҳатто мана ҳозир ҳам келин келган пайтда ҳам хушчақчақ кулиб, одамлар орасида очилиб-сочилиб хизмат қилар, бироқ уни сал синчиклаган киши шу оддий ҳаракатларга ҳам у қанчалик куч сарфлаётганини, ўзини зўрлаётганини англаб олиши қийин эмасди. Аммо бугун тўй кечаси, ҳамма ўзи билан ўзи овора, шунинг учун Хосиятнинг бу руҳий азобини бошқалар сезмас, ҳатто дадаси ҳам «бояги гапим қаттиқ таъсир этибди», деб хотиржам эди.

Озгина деган билан анча-мунча одам йиғилган: хизмат қилаётганлар тўхтовсиз у ёқдан-бу ёққа югуришар, ҳовли ўртасига тортилган бақувват симга ўрнатилган, беш юзталик лампочкага катта-катта ҳаша-

ротлар келиб урилиб, ўша заҳоти ўткир нурдан куйиб нобуд бўлар, оз-оздан бошланиб, охири, мана, бинойидек тўй бўлиб кетганига энди Камолиддиннинг ўзи ҳам ҳайрон қолиб ўтирарди. Тўрт бурчак шаклида тузилган ва устига оппоқ гўлқоғоз дастурхонлар ёзилган столлар чироқ ёруғида янаям оқиш кўринар, дастурхон ҳар турли ноз-неъматлар, баланд-паст, ингичка-бақалоқ шишаларга тўла, ҳар жой-ҳар жойда эса Хосият куни билан ҳовлидаги гуллардан қирқиб тайёрлаган нафис гулдасталар солинган гулдонлар тизиб қўйилган эди...

Меҳмонлар, маҳалладан териб-териб чақирилганларнинг бари жой-жойларига ўтирганларидан сўнг даврага салкам йигирма йилдан бери шу маҳалла комитетининг раиси бўлиб ишлаётган Ҳошим ака Аброров чиқди-да, худди қўлидаги микрофонга ишонмагандай бир-икки пуфлаб, бир-икки чертиб кўриб, кейин гап бошлади:

— Азиз дўстлар, ҳурматли меҳмонлар! — деди қайта-қайта томоқ қириб. — Ким бўлиши ва қандай яшаши инсоннинг ўз қўли, ҳалол меҳнати, ақли, одоби, одамгарчилиги... — Ҳошим ака тагин нима сифатларни айтсамикин, дегандай ўйланиб қолди ва бошқа тополмади шекилли, олдинги гапларини қайтарди: — яъни ўз қўли, ҳалол меҳнати, одоби, одамгарчилиги... шуларнинг барини инсоннинг ўзи яратади. Эгасига ўхшаб кулиб турган манави хонадонга бир қаранглар! Ҳув кираверишда ўтин тахлаб қўйиладиган пастак бостирма-ю, буваkning замонидан қолган ўн бир ёғочли битта чурук уй бўларди бу хонадонда бор-йўғи. Мана энди! Шуларнинг барини барака топкур Камолиддин...

Хайриятки, Хосият шу ҳовлида ўтган онасининг тўйини билмайди. Чунки Ҳошим ака ўшанда ҳам худди ҳозиргидек таңтана билан тўйни очиб берган, ўшанда ҳам мана шу бостирма-ю, ўн бир ёғочли эски уй хусусида сўз юритганди. Эҳтимол, атайлаб айтдими, ёки ёдидан чиқиб айтдими — ишқилиб ўша гапни яна қайтарди. Бир-икки маҳалладош хотинлар кўзларига филт-филт ёш олишиб, марҳума Рашидахонни эслашар, «одамзоднинг умри шу эканда, бу ёқдан келиб, у ёқдан зим-зиё чиқиб кетар экан», деган фикрларга берилиб уйда чаққон-чаққон хизмат қилиб юрган Хосиятга ўгринча қараб-қараб қўйишар, изтиробдан ютиниб, баттар кўнгиллари бузилиб, «ҳа, бечора бола-я, сен нимани билардинг, билмаганинг ҳам тузук, бекорга бағрингни тиглаб нима ҳам қилардинг», дея бир-бирлари билан пичир-пичир дардлашиб қўярдилар.

Хосият эса ҳаммасидан хабардор эди, у ҳамма нарсани биларди. Гарчи у ота-онаси бағрида эрка ўсган бола бўлса ҳам, аммо онасиз ўтган икки йиллик умри уни кўп нарсаларга ўргатди. Онаси ўлган пайтда аввалига у бошига тушган бу мусибатнинг бутун даҳшатини у қадар англаб етмагандай эди. Кейин-кейин ёлғизлик ва етимлик азобини аста-секин тушуна борган сари мурғак юраги бу ҳақсизликка шу даражада чидолмайдиган бўлдими, баъзан у болалик ёшидан улғайибгина эмас, ҳатто бирдан кексايиб қолгандек қилиқлар қилар, доимо иш билан банд дадаси эса буларнинг кўпидан беҳабар эди.

Камолиддин барвақт туриб, кўпинча ўзи чой қайнатиб, дастурхон ёзиб, холодильникда бор нарсалардан олиб нонушта қилар, Ҳосиятга ҳам мактабга кетишига у-бу нарса тайёрлаб қўярди. Хосият эса, ўзини қанча зўрламасин, якка ўзи бўлгани учунми, сира иштаҳаси келмасди. Сўнгра лоқайд бир кайфиятда зўр-базўр ўрnidан туриб, кўпинча дарсларини ҳам тайёрламай мактабга жўнарди. Бир-икки соатдан кейингина қорни очганини сезарди. Эски одатига кўра кўчадан чопиб келиб, папкасини титкиларди. Ана шунда яна онасининг жеркиб-жеркиб папкасига олмами, булочками, ишқилиб, бирон нарса солиб қўйишларини эсларди-да, юраги орқасига тортиб, қорни очгани ҳам бир зумда хаёлидан учиб, бутун дарс давомида бир нуқтага тикилганча нималарнидир

ўйлаб ўтирарди. Унинг кўнглидан беҳабар айрим ўқитувчилар эса унга ноҳақ танбеҳ беришар, қиз бечорани баттар қийнашарди.

Бир марта мактабга янги келган ёшгина тарих ўқитувчиси ҳам худди шундай қилди. Хаёли паришон ўтирган Хосиятни дабдурустдан доскага чақирди:

— Нимани ўйлаб ўтиргандинг?

— Ҳеч нимани,— деди Хосият ерга қараб.

— Йўқ, айтасан, дарсга қулоқ солмай, нимани ўйлаб ўтиргандинг?

— Айтмайман! — Хосият кутилмаганда ўқитувчининг юзига еб қўй-гудек тик қаради. Синфдаги бир-иккита ўйинқароқ болалар пиқир-пиқир кулиб юборишди. Бу муаллимга шу қадар ҳақоратли туюлдики, у Хосиятга ўшқириб берди:

— Айтмасанг, икки қўяман!

— Менга деса ўнтасини қўйинг!

Хосият юлқиниб бориб папкасини олдида, кўзлари филт-филт ёш, югурганча синфдан чиқиб кетди. Уқитувчи эса «қайт деяпман сенга» деганча қолаверди. Кейин доска олдида у ёқдан-бу ёққа юриб, бир неча марта бармоқларини қисирлатиб эзди-да, синфком Лолани ўрнидан тургазди:

— Нега ўртоқларингизга қарамайсизлар? Нима бу тартибсизлик? Синф раҳбарингизга айтишга мажбурман...

— Хосият ойсини эслаётган эди. Сизга айтмади.— Лола шундай деб кўзини ерга олди.— Кўпинча шундай бўлади, биз билан ҳам гаплашмай қолади ойсини эслаган пайтида. Уйига бир ўзи кетиб, йўлда йиғлайди...

Лоланинг бу гапидан ўқитувчи довдираб қолди, кейин шоша-пиша:

— Нима, ойси...?— деб сўради.

— Улган, бултур,— Лоланинг ҳам ўпкаси тўлиб ютинди. Уқитувчи беҳтиёр эшикка ўзи югурмоқчи бўлди-ю, кейин бу фикридан қайтиб, яна Лолага мурожаат қилди:

— Югуринг, Лолахон. Чақиринг Хосиятни. Уқитувчимиз ўтиниб сўраяптилар, денг. Чақиринг, биз дарсни бошламай турамыз.

Лола югурганча чиқиб кетди. Бир оздан сўнг бошини ерга эгиб олган Хосиятни эргаштириб кирди. Шундан кейингина ўқитувчи дарсни бошлади. Танаффусда ҳамма болалар синфдан чиқиб кетганларида ҳам ўқитувчи қолиб, Хосият билан анча вақт гаплашиб ўтирди. Унинг нима деганини ҳеч ким эшитмади-ю, аммо Хосиятнинг чиройи очилиб, иккинчи танаффусдаёқ ўртоқлари билан қўшилиб ўйнаб кетди...

Одамлар Хосиятни «ҳали бола, бола бўлмаса отаси бошқа хотин олса, шунчалик суюниб, терисига сиғмай тўйда хизмат қилиб юрармиди...» дейишарди-ю, аслида у, боя айтганимиздек, ҳаммасидан боҳабар эди. Ҳатто орқасидан маъноли қараб, бош чайқаётган қариндош-уруғ, қўни-қўшни хотинларнинг ўзаро пичир-пичирларини ҳам аллақандай кўнгили зийраклиги билан сезиб турар, лекин буни бегона одамларга билдирмасди. Билдириб ҳам нима қиларди?! Очигини айтса, ким кўринганининг унга ачиниб қарашларидан ҳам тоза безиб кетди. Икки йилдан бери шундай қйлишади! Юпатганлари билан онаси қайтиб келармиди энди... Қайтага марҳуманинг Хосият билмаган яна битта қилиғи ёки одати, яна бир гапи ёки ширин сўзини эсга солишадия, ўзлари сезмаган ҳолда қиз бечорани баттар азобга қўйишади. Ачиниб айтилган шунақанги гаплардан кейин Хосиятнинг кўзига кечалари уйқу келмайди, ҳатто меҳрибон дадаси ҳам кўзига негадир бегонага ўхшаб кўриниб кетади. Шу боисдан ҳам Хосият уни қаттиқ ўпиб бағрига босадиган, эркалашга ҳаракат қиладиган аёллардан ўзини олиб қочади, бундайларнинг олдида у одамовига ўхшаб тумшайиб олади.

Ҳозир у бутун иродасини ишга солиб, дод деб юборишдан ўзини зўр-базўр тийиб юрибдию, аммо ҳар қадамда ҳўрлиги келади. Укириб йиғлаб, кўнглини бўшатиб олишни истайди. «Ишқилиб ўзимни ҳам, дадамни ҳам шарманда қилмай...» деб ора-сира лабини тишлайди. Бошқа нарсага овуниш мақсадида чопиб-чопиб тўйнинг хизматини қил-япти-ю, аммо ундаги бу ички тўлғониш ва безовталиқни сал диққат билан кузатган одам дарров сезади...

Маҳалла комитетининг раиси Ҳошим акадан кейин вақти-вақти билан бир куёв томондан, бир келин томондан меҳмонлар ўртага чиқиб, Шахло билан Камолиддинга, уларнинг оилаларига бахт, осойишталик, ували-жували ҳаёт тилай бошладилар. Камолиддин ўзини ҳар қанча хотиржам тутмоқчи бўлса ҳам, баъзи бир табриклар унга худди таънадек ботар, кўз ўнгига беихтиёр Рашидахонни рўбарў қилиб қўярди. Ана шунда у нимага қарамасин, қадаҳгами, кумуш қошиқларгами, нукрадай оқ қоғоз дастурхонларгами — ҳаммасининг тагидан унга аввалги хотини мунгайиб тургандек бўлар, бутун жисми уятга ўхшаш туйғудан ловуллаб кетарди. Бу ҳам етмагандай, ҳар бир табрикловчи қўлида қадаҳ кўтариб гапираётган пайтида, ҳозирги одатга кўра, Шахлохон уларнинг ҳурмати учун ўрнидан турар, шунда Камолиддин ҳам ноилож шу ишни қилар, новчалиги учун келиннинг олдида шифтдай қаққайиб ҳаммага майна бўлаётгандай, нутқини тугашини сабрсизлик билан кутарди. Азбаройи ноқулай аҳволга тушгани шунчаликки, бир гал ўрнидан тураётганида рўпараларига қўйилган катта гулдастани тирсаги билан туртиб ағдариб юборди. Хизмат қилиб юрган йигитлардан иккитаси югуриб келиб, «зиёни йўқ, зиёни йўқ» деб кулганча, гулдастани тўғрилаб, дастурхонга тўқилган сувни артиб қўйишди. Камолиддин ҳадеб ўзини тутолмай кафтига пиқиллаб кулаётган Шахлохонга қараб-қараб ўрнига ўтираркан, «дарвоқе, бу гулларни ҳам Рашидахон эккан эди-я,— деган хаёл келди миясига.— Уларни ҳар қишда қаламча қилиб, устига қипиқ сешиб, ёш боладек авайларди...»

Шундан кейин Камолиддин, балки хижолатпазлиқдан қутуларман, деб ўйлаб бир-икки қадаҳ коньякни кетма-кет охиригача бўшатган эди, Шахлохон унга сал бошқачароқ қараб қўйди; синамаган одамнинг бу қараши Камолиддинни баттар хижолат қилди. «Ичкиликка суяги йўқ экан, деб ўйлаяпти шекилли...» Коньякдан ҳам ҳафсаласи пир бўлди.

Бир пайт Камолиддин Хосиятнинг яна бояги жойда — рўпарадаги остонада туриб ўзига ҳадеб тикилаётганини кўриб қолди-ю, юраги «шиғғ» этди. Дадаси сезганини билган Хосият дарров кўзини бошқа ёққа олди ва кимдир тутқазган патнисни хотинлар ўтирган томонга кўтариб кетди. У, бир жиҳати, доим ҳувиллаган ҳовлилари ҳозир гавжумлигидан, ҳамма ясан-тусан билан келгани ва уни кўп меҳмонлар бағрига босиб, пешонасидан ўпиб кўришаётганидан хийла хурсанд эди. Иккинчи томондан эса, у шу пайтгача ҳеч ўзини бунчалик ёмон сезмаган, калласи тобора оғирлашиб, эргалабдан бери туз тотмаган бўлса ҳам, сира қорни очмас, оёғи эса юрган сари қўрғошиндек ер тортиб кетаётганга ўхшарди. Лекин, бутун вужуди гўё қулоққа айлангандек, ҳар бир ҳаракат, ҳар бир сўз, ҳар бир ишорани сира назардан четда қолдирмас эди.

Тўй алламаҳалгача давом этди. Яқунловчи сўзни айтинг, деб яна маҳалла комитети раисига микрофонни тутқазшишганда, Хосият одамлардан бўшаган беш-олтита косани устма-уст қўйиб, ошхонада пешмапеш ювиб туришган аёллар олдига бораётган эди, чарчаганидан оёқлари чалишиб кетаётганини сеза бошлади. Ҳовли юзига қараганда хийла баландроқ остонадан энди ҳатлаб ўтмоқчи бўлганида, шундоққина орқасидан ойисининг: «Хосият қизим, кўзингга қараб юрсанг-чи», деган овозини эшитди. Чакка томирлари бирдан лопиллаб урди-ю, бамисоли



кўкрагига биров игна тикқандай қаттиқ санчиб кетди, қўлидаги косаларни тушириб юбормаслик учун турган жойида қотиб қолди. Кейинги дақиқада кўз олди қоронғилашиб, газ ўчоқ олдида турган одамлар, идиш-товоқ юваётган хотинлар чайқалиб-чайқалиб кетишди. Хосият косаларни ушлаб қоламан деб ҳар қанча уринса ҳам, кучи етмади, худди биров зўр билан йириб очаётгандай панжалари мажолсизланди ва қўлидаги косалар ерга тушиб, чил-чил синди. Хосият фақат шуни эслайди, кейин орқага, ҳозиргина онасининг овози келган томонга қайрилмоқчи бўлди-ю, ҳушини йўқотди...

Аслида Хосиятнинг орқасидан ойиси эмас, ён қўшнилари Суйима хола гап отган эди. Аммо унинг: «Хосият, қизим, кўзинга қараб юрсанг-чи», деган дашноми шу даражада ойисининг овозига ўхшаб кетдики!.. Кейин ошхонада бирдан қий-чув кўтарилди, бошини орқасига бурганча шилқ этиб остонага қулаган Хосиятни беш-олти хотин даст кўтариб, ичкарига киритишди-ю, тандир тагида турган челақдан ҳовучлаб сув олиб юзига сепишди. Шунда Хосият секин кўзини очди ва боши устига эгилган нотаниш башараларга қўрқибгина тикилиб турди-да, афтини буриштириб йиғлаб юборди. Сал ўтмай яна ҳушидан кетди...

Ошхонада одамлар уймаланишиб, чоп-чоп бўлиб қолганини кўриб ўтирган Камолиддиннинг юрагини ваҳм босди, ранги ўзгарди; бўйнини чўзиб ўша томонга қараб турди-турди-да, охири секин ўрнидан қўзғалиб, ошхонага қараб кетди. Етиб борганда хотинлар Хосиятнинг юзига сув сепишаётган эди. Камолиддин қизини бегона аёллар қўлидан даст кўтариб олди-ю, муздай юзларини юзига босди. Авайлаб кўтарганча ҳовли тўридаги уйга олиб кирди ва ўзининг қалин ўринли қаравотига ётқизиб қўйди. Бу пайтда Шаҳлохон ҳам унинг тепасига етиб келган, бошқа бир-икки қариндошлар ҳам йиғлаб, баъзи кўнгли бўш аёллар рўмолларининг учи билан кўзларини артишмоқда эди. Шунда Шаҳлохоннинг анови шаддод холаси тўпланганларни жеркиб берди:

— Ҳой, мусулмонлар, одам кўрмаганмисизлар! Боринглар, ўтиринглар, ҳавони тўсяпсизлар! Шундоқ ҳам димиқиб кетибди уй...— У шундай деб томошабиндек йиғилиб турган одамларга аччиқ қилгандай, шарақ-шуруқ деразаларни очиб ташлади.

Камолиддиннинг бериги ён қўшнилари — врач аёл ҳам тўйда экан, Хосиятга бир разм солиб, югуриб уйга кириб кетди-ю, зум ўтмай асбобларини кўтариб чиқди ва дарров укол қилди. Хосият тамшаниб-тамшаниб қўйди...

Ташқарида эса тўйни бошқараётганлар одамларни тинчлантириш учун «ҳеч нарса бўлгани йўқ, ўтиринглар», дегани билан бари бир меҳмонлар безовталаниб қолишди. Қариялардан бири фотиҳа ўқиб, тўйни ёпди. Уколдан кейин Хосият гарчи кўзини очмаса ҳам, лекин равон нафас ола бошлади. Буни кўргач, Камолиддиннинг юзига ҳам сал ранг югурди. Ҳовлига чиқиб, меҳмонларни, қариндош-уруғларни кузата бошлади...

Охири ҳовли бутунлай тинчиди. Идиш-товоқ ювган, столларни йиғиштирган аёллар ҳам хайрлашиб кетишди. Фақат Шаҳлохонга янга бўлиб келган хотинлар-у, Камолиддиннинг бир-икки яқин қариндошлари қолишди. Янгалар келин тушадиган уйга кириб, дунёнинг ишларидан гапга тушиб кетишган, Хосият ётган уйда эса Камолиддин билан Шаҳлохон ҳамон ҳушига келмаётган қизнинг тепасида қадалиб ўтиришарди. Қўшни врач аёл яна чиқиб, Хосиятга укол қилди-да, жўнаётганида:

— Ҳеч қўрқадиган жойи йўқ, — деди тумшайиб ўтирган Шаҳлохон билан Камолиддинга кулимсираб боқиб. — Шунақа бўлади ўзи. Қуни

билан оч юрганга ўхшайди. Ҳозир уколдан ухляпти. Ҳадемай уйғонади, кўрқманглар. Уйғонса, озгина ширин чой беринглар.

Чиндан ҳам врач айтгандек бўлди. Хосият аввалига жиқ-жиқ терлади-да, Шаҳлохон оппоқ дастрўмоли билан унинг пешоналарини, кўзлари, юзларини авайлаб артгач, секин кўзини очди. Камолиддиннинг юраги дукурлаб уриб кетди, томоғига қаттиқ бир нарса қадалгандай, кўзларига ёш тирқираб чиқди. Шаҳлохон бўлса энди шоҳи дастрўмоли билан аста-секин Хосиятни елпий бошлади.

Хосият хира кўзларини тепасига энгашиб турган бегона аёл ва дадасига тикиб турди-да, негадир хиёл талпинди. Боши устида худди ойиси энгашиб, уни елпийганга ўхшаб туюлди назарида... Ана, ойиси, остонадан кирди-ю, ўша ернинг ўзида тўхтаб, ўткир кўзларини унга қадаб, Хосиятни синамоқчи бўлди, кейин кулимсираб, қўлидаги рўмолчаси билан уни елпий бошлади. Хосият яна талпинди, ойисига нимадир демоқчи бўлди, лекин айтмади, фақат лабларига ҳорғин табассум ёйилди... Кейин нозик қўлларини базўр кўтариб, ойисининг дўмбоқ билан ушлади-да, унинг кафтини юзига босди.

Бу манзарани Шаҳлохоннинг елкаси оша кузатиб турган Камолиддин остонасидан бугун яна қайта бахт кириб келганига ишонди-ю, борган сари ўпкаси тўлиб, томоғига келган йиғини зўрға тийганча, сиқилиб кетган юрагини бўшатиш учун она-болани холи қолдириб, секин ҳовлига чиқди...



Асад Асиров



Ота ишдан келгач, уйда яна кўнгилхиралик бошланди. Қош қорайган. Райхондан дарак йўқ. «Қизинг яна қиз йиғарга кетдими?», деб зугум қилди Олим ака. Жонини рўмол учига тугиб ўтирган Турсун опа «ишда ушланиб қолгандир-да», «магазинга киргандир-да». каби жавоблар билан эрини ҳам, ўзини ҳам овутиб турди. Сигир соғиб, кечки овқат баҳонасида ўчоқ бошидан бери келмай, хуллас, отанинг кўзидан нарида юриб турган она юмушлари қолмагач, чор-ночор бўшашибгина кириб ўтирди. Бу пайтда Олим ака бир чеким носни тили тағига ташлаб, қуруқ кигизда ёнбошлаганча ётарди. Эрининг жаҳли чиққанда ёки гоят қувониб кетгандагина нос чекишини яхши билган онанинг руҳи баттар тушиб кетди.

— Туринг, кўрпача солиб берай!

Олим ака кигизнинг бир чекасини кўтариб, носни жаҳл билан туфурди:

— Ростини айт, қизинг қаерларда юрибди ўзи!

— Булбулникида қиз йиғар бор, дегандек бўлувди, шаққа кетганми дейман...

Жаҳли чиққандан Олим аканинг ҳар туки кирпи тиканакларидек кўтарилди, сакраб ўрнидан туриб кетди.

— Қизингни шу ярамас қиз йиғарларга иккинчи марта юборма, демаганмидим сан аҳмоққа! Санлар мани бош кўтариб юролмайдиган қилишасан, ё гўрга тиқасанлар!

Мушти тугилган отанинг кўзлари чақчайди, юзининг чўнкаси чиқиб, кўрқинчли тус олди. Довдираб қолган онанинг тили ҳадеганда калимага келавермади. Чунки, ҳарчанд аччиғланса ҳам, ота ҳеч қачон бугунгидек ваҳимали қиёфага кирмасди.

— Жўна ҳозир! Агар қизингни топиб келмасанг, иккаларингни ҳам қораларингни кўрмай!

Турсун опа кўчага қандай югуриб чиққанини ва Булбулникига гириллаб жўнаб қолганини ўзи ҳам сезмай қолди. Нотекис йўлда туртиб-суртиб одим ташларкан, она кимдан хафа бўлишини билмай, пиқ-пиқ йиғлаб борарди.

Ўзи қийинчилик кўриб катта бўлган она қизим яйраб-яшнаб ўссин

деган хаёлда Райҳоннинг кўнглига қараб юриб янглишганини бугун тушуниб ўтирибди. Авваллари рухсат сўрайдиган қизи бугун ҳеч кимга билдирмай кетган. Булбулнинг уйи кошки яқин бўлса, нақ қишлоқнинг у чеккасида. Кўзи қоронғига ўрганиб қолгач, она оёғини қўлига олганича илдамлаб, қиз йиғар бўлаётган хонадонга ярим соатларда етиб борди. Ҳовлидаги электр лампочкадан таралаётган нур кўчани ёритиб турар, у ерда бир тўп шарпа кўзга ташланарди. Турсун опанинг орқадан яқин келиб қолганини кўрган шарпалар жам бўлиб нарироқ кетишди. Она қараса, булар бир оилани бемалол тебрата оладиган йиғитлар экан. Улардан биттаси турмушга чиқаётган қиз — Булбулнинг қўлидан маҳкам ушлаб олиб: «Чақириб бермасанг, қўйвормайман» дея кимнидир талаб қиларди. Турсун опа ўзини сездириш учун бир-икки йўталиб қўйди. Шошиб қолган ўспирин, таниб қолмасин деган андишада ўзини тескари ўгирганча, қоронғиликка қочиб қолди. Турсун опага кўзи тушган Булбул ҳам негадир ўнғайсизланди-ю, сир бергиси келмади.

— Келинг, ойи, бемаҳалда нима қилиб юрибсиз?!

— Райҳон ўртоғинг шу ердами?! — саволга савол билан жавоб қайтарди она.

— Нима, дугонамни олиб кетмоқчимисиз? Уям узатилар, бизарам шунда керак бўлиб қолармиз!

Булбул овозини қаттиқ-қаттиқ чиқариб гапирар, яқинроқ келиб қолган бир қизга гап орасида Райҳоннинг опаси келибди, дея эслатиб қўйиб, опани яна гапга чалғитарди. Нима учундир у Турсун опани ичкарига қўйвормасди.

— Жа ўлар бўлсам ўлиб бўлдим, — деди тоқати тугаган она. — Санларни бу бетайин қиз йиғарларинг бир ҳафталаб чўзилиб, на бизларга тинчлик бор, на ўзларингга! Бу қиз йиғарми ё йиғит йиғарми ўзи? Тўғриси айт, Райҳон уйингдами, ё биронтаси билан етаклашиб юрибдимиз?! Уни ҳозир бу ёққа чақир!

Онанинг бу саволларига ҳам жавоб беришга шошилмаётган Булбул қизлардан бирига: «Райҳонни чақирвор», деди-да, Турсун опани юпатишга тушди:

— Ойижон, жон ойи, хафа бўлманг! Ахир ҳозир ўйнаб-кулиб қоладиган вақтимиз, турмушга чиққандан кейин... ўзингиз биласиз-ку...

— Ўйнаб-кулиш бундақа бўлмайди, — энди астойдил ғазабланди Турсун опа. — Қоронғи-қоронғида мушук-сичқонга ўхшаб... Бошқа жойлардагидек йиғитникида очиқ тўй қилиб қўя қолганларинг тузук экан қайтага. Шетга қоганда бизар адашвотмизов!

Шу пайт қаердандир Райҳон пайдо бўлиб қолди. Унинг қўлида бир шода райҳон бор эди. У кела солиб райҳонни онасининг қўлига тутди. Райҳон бўйи Турсун опа димоғига урилиб, чўккан кўнглини анча кўтарди. У ёшлигидан бери райҳонни жон-дилидан яхши кўради. Кўпинча қулоғига райҳон тақиб юради. Ҳовлисини тўлдириб райҳон экади. Тўнғичининг исмини Райҳон деб атагани ҳам шундан.

— Қизим, очиқ айт-чи, юрагим сезиб юрипти, қандайдир сирни мандан яширивотсан. Отангнинг қулоғига ҳам сан тўғрингда хунук гаплар чалинипти. Биласан-ку, у кишининг ҳолини. Аяйлик бечорани, қаттиқ жаҳли чиқса, давлинаси бор-а, нима бўлишини биларсан! Бирор чатоқ иш қилиб қўйган бўлмагин тағин!

Райҳон анчагача жавоб бермай борди; электр чироғи нури панада қолиб, тим қоронғи йўлакка ўтишгач:

— Ойи, сиз райҳонни жуда яхши кўрасиз-а, тўғримми, — дея Турсун опанинг дағал бармоқларидан аста ушлади.

— Ҳа, ёқтираман, нима эди?

— Агар адашмасам, райҳон тўғрисидаги қўшиқларни ҳам, шунақа қўшиқларни айтадиган қўшиқчиларниям...

— Эсингизда бўлса, бултур Ойхон опамни турмушга чиқарганимизда, бир йигит райхон ҳақида қўшиқ айтганди, ўзингиз ўн сўм ўгиргандингиз чаккасига.

«Кимгадир ёқар лола, ким атиргул шайдоси,  
Мен учун райхон аъло, райхоннинг йўқ баҳоси»...

Қиз паст, мунгли овозда шу қўшиқни куйлай бошлади. Онанинг юраги бирдан орқасига тортиб кетди. У хаёли оғиб, ариқчага оёқ ташлаб юборди-да, қоқилиб, чангли тупроқ кўча узра юз тубан йиқилди. Ёрдамлашмоқчи бўлган қизидан шарт қўлини тортиб олиб, ўрнидан аранг турган онанинг шилинган тиззалари жиз-жиз ачир, сочлари юзига ёйилиб тушганди.

— Гапир, мегажин! — деди ниҳоят тили гапга келган она чап мушти билан қизининг елкасига бир тушириб.— Шу отарчи бузуқминан, нима бало, алоқанг борми?!

— Бўлар ишнинг ҳаммаси бўлиб ўтган,— деди Райхон очиқ тан олиб,— урмай тугули, ўлдирворсаларинг ҳам бари бир энди манга.

— Нималар деб алжиравотсан, қизим, болагинам, ахир сан мани оппоқ қизимсан-ку! — Она энди Райхонни бағрига маҳкам босиб, тобора қаттиқроқ қучоқлаб ҳансирадди. У қизининг қўлидан қўйиб юборса, шу заҳотиёқ биров бадном қилиб кетадигандек!

— Онажон! Кечиролсангиз, қизингизнинг гуноҳидан ўтинглар. Ман ўзимни тутолмадим, алданиб қолдим. Олти ой аввал бир қиз йиғарда манга ичиришиб... Ман Собирники бўлиб қолганман, онажон! Бағримда олти ойлик бола бор! Яшагим келади, ўзимни ўлдиролмайман, ўлдиролмайман!!!

Турсун опа қоронғи кўчада бақадек бўлиб қолди. Анчадан кейин сал ўзига келган она қизининг билагидан маҳкам ушлади:

— Юр баққа, сани уйинг энди Собирникида! Отанг бадном башарангни кўрмасинам-куймасинам!

Райхонга энди бари бир, ўлимга юр, деса ҳам ҳеч қайтмай кетаверадиган ҳолатда эди...

Эшик очилиб, остонада Турсун опа кўринди. Жўнатишга жўнатиб қўйиб, юраги сиқилганидан соқолини битта-битта юлиб ўтирган Олим ака хотинининг афт-ангорига қараб, даҳшатга тушди:

— Нима фалокат бўлди, онаси, қизинг қани?!

— Худо урди биззи,— деди остонадан аранг ўтиб, ўтириб қолган она.— Ҳаммасига ман айбдорман, сиздан яшириб юриб, қизимни бебошроқ қиворганаканман. Мани ҳозирри ўзида ўлдирсангиз арзийди. Совчи кўрмай, тўй кўрмай, невара кўрай деб турган ман аҳмоқни!

— А! Ни-ма... дединг!..

Олим аканинг кўз ўнгидаги нарсалар бир-бирларини қувалашиб, пирпирак бўлиб кетди. У ўнг қўли билан чап кўкрагини чангаллаганча гурсиллаб ёнбошига йиқилди...


Эртаси, кун пешиндан оққанда, Олим ака солинган тобутни одамлар елкага олиб, уйдан кўтариб чиқа бошладилар. Ювош-мўмин бу киши билан видолашишга шу қадар кўп одам йиғилган эдики, улар ҳовлига сиғмай, кўчани ҳам тўлдириб туришарди. Тобут кўтарган одамлар, ўзлари сезмаган ҳолда, ҳовлида барқ уриб ўсиб ётган райхонларни босиб ўтишар, теварак-атрофни бу ўсимликнинг ҳушбўй иси тутиб кетган эди. Эрининг тобути ортидан сочларини ёйганча судралиб кетаётган Турсун опанинг димоғига ҳам райхон иси етиб борди. Жафокаш аёл жиққа бўлиб кетган рўмолча билан дарҳол бурнини тўсди. Авваллардагидек райхон иси унинг баҳри-дилини очмади, бузилган кўнглини баттар вайрон қилди.

Ғазалкент.



## **ХАЛҚ ВИЖДОНИНИНГ САДОСИ**

**А. Т. ТВАРДОВСКИЙ ТУГИЛГАНИГА 70 ЙИЛ ТЎЛДИ**



Москва философия ва адабиёт институти битираётган студентлардан бирига давлат имтиҳонида адабиёт фанидан «Муравия ўлкаси» поэмаси саволи тушди. Қизиғи шундаки, бу студент шу асарнинг муаллифи Александр Твардовскийнинг ўзи эди. Бу факт машҳур совет шоири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин ва Давлат мукофотлари лауреатлари Твардовскийнинг ижоди 30-йиллардаёқ нақадар машҳур бўлганини кўрсатади. У ижодга катта ҳаётий тажриба билан кириб келган эди. Бутун асарларига ўзи кўрган, билган воқеаларни, «ён дафтаридида қайд этилган чизгилар»ни сингдирарди. Твардовский асарлари рўйхатида диққат қилинса, бу нарса яққол сезилади. У ёзган асарлар тартиби «Муқаддима» ва «Социализмга йўл» номли поэмаларидан берилган парчалар билан бошланади. Шоир бу дастлабки асарларида деҳқонларнинг янги ҳаётга кириб келиши, уни ўзларининг мағлабига айлантириб олиши йўлидаги ҳаракатлари ҳақида сўз юритади. Бу илк уринишларда шоир бутун иқтидор қувватини намоён эта олмаганини сезади,

шу боис ҳам уларни асарлари тўпламига тўлиқ киритмай, айрим парчалар билан чекланади. Чунки ҳар иккала поэма ҳам шоирнинг кейинги ижоди, хусусан «Муравия ўлкаси» асарининг яратилиши учун катта тайёргарликнинг бошланиши бўлган, холос. У 1936 йилда рус совет шеърлятида биринчи бўлиб коллективлаштириш мавзусини кенг ёритган «Муравия ўлкаси» поэмасини эълон қилади. Асар шартли эртақ асосида ёзилган бўлса ҳам, унинг мазмунидан ҳаётийлик шундоқ сезилиб туради.

Твардовский асарлари асосида маълум маънода «ҳужжат»лар ётади. У катта эпик асарларидан олдин шунга замин бўлгулик туркумлар яратди. Бу туркумларнинг «хроника», «кундалик», «йўл дафтари», «ён дафтардан» номли «жанр»лар остида эълон қилишининг боиси ҳам ана шу «ҳужжат»лиликка бориб боғланади. Шу нуқтаи назардан қаралса, унинг «Муравия ўлкаси» поэмасини ёзилишида юқорида эслатилган икки поэма билан бирга «Қишлоқ хроникаси» туркуми ҳам алоҳида роль ўйнаган. Туркумга кирган шеърлар поэмада ҳаёт манзараларини тўла кўрсатиш, қаҳрамон руҳий оламини очиш учун «калит» вазифасида хизмат қилган. Худди ана шу, ўзи кўрган, «қайд этилган» воқеаларни шеърга кўчириш ва ундан эпик асарга ўтиш фазилати Твардовскийнинг деярли барча асарларида учрайди. Бу поэмасидан кейин шоирнинг бир қатор шеърлий китоблари нашр этилади. Хусусан, «Йўл», «Тоғ ортида» тўпламларига жамланган шеърларида ҳам шоир қишлоқ кишилари, уларнинг дунёси ҳақида фикр юритиб, бутун ижодига хос хусусият — донишмандлик, халқ жонли тилидан унумли фойдаланишни намоийш қилган.

Александр Твардовский 1939 йилда Совет Армияси сафига қақрилади. У Улуғ Ватан уруши фронтларида бир кўлида қалам, бир кўлида қурол билан душманга қарши жанг қилади. Унинг ижодида бу давр ҳам ўзининг акс-садосини топган. Уруш йилларида шоир «Фронт хроникаси» шеърлар туркумини яратади. Твардовскийнинг бу даврдаги ижодининг гултожи бўлмиш «фронт ҳаётининг қомуси» — «Василий

Тёркин» асарига худди ана шу туркумга кирган шеърлар асос бўлган. «Жангчи ҳақида китоб» деб номланган «Василий Тёркин» поэмаси совет жангчисининг беқиёс оламини рангин бўёқларда, рус тилининг бутун гўзаллиги билан акс эттирган. Василий Тёркин конкрет шахс эмас. У совет жангчисининг шоир қалб призмасида сайқал топган мужассам типидир. Унда шоирнинг қараши, Ватанга муҳаббати, тўлқинли ҳиссиёти, тушунча ва идеаллари мужассам бўлган. Асардаги эркин ҳаракат, воқеаларнинг табиийлиги, жангчига хос сўзлашув унинг қимматини оширган. Учирма иборалар, қочирим, киноя, юмор, халқчиллик, соддалик дostonнинг бошидан охиригача сингиб кетган. Китобда оддий совет жангчисининг «руҳий гўзаллиги» шеърини мисраларда кўрсатилган.

Твардовскийнинг «Василий Тёркин»дан ташқари «Йул ёқасидаги уй» поэмаси ҳам уруш мавзуга бағишланган. Асарни шоир лирик хроника деб атаган. Унда машъум урушнинг бир оила бошига солган қулфати фониди ўша давр фожиаси кўрсатилади. Поэмада шоир ва қаҳрамонлар нутқи бир-бирини тўлдириб мукамаллик пайдо қилган.

Твардовский ёшлигидан замин кенгликларига саёҳат қилишга қизиққан. Шу қизиқш туфайли унинг асарларига реал ҳаёт кириб келади. Чунки у ана шу саёҳатлари натижасида қалб торларини тебратган, бир умр ёдида қолган таассуротларини қоғозга туширган. Улар бўлғуси асарларнинг маълум бир чизгиларини, реал заминини таъминлайди. Бу хусусият унинг қаҳрамонларига ҳам хос. Шоирнинг асарларида лирик туйғулар жуда чуқур таҳлил билан берилди. Бундай хусусият, айниқса, унинг урушдан кейинги ижодида ёрқин кўринади. Шу билан бирга бунинг олдида воқеа ва ҳодисаларни фалсафий идрок этиш ҳам қўшиладики, бу эса шоир иқтидорининг уфқлари кенгайиб кетганлигидан далолат беради. Твардовский кейинги йилларда яратилган «Бу йиллар лирикасида 1959—1967» тўплами учун Давлат мукофоти билан тақдирланган. Унинг Москва — Владивосток са-

фари асосида юзага келган асари «Олис-олислар» совет шеърлятида катта воқеа бўлди. Бу асари учун шоирга Ленин мукофоти берилди. Лиро-эпик характерда бўлган бу поэмага айрим қисмлар бўлиб урушдан кейинги йилларда яратилган шеърлари киритилган. Поэмада эпик қаҳрамон йўқ. Ватан, халқ, замон лирик қаҳрамон сифатида намоён бўлади. Асар кундалик дафтар шаклида ёзилган.

Одамларга нисбатан қайноқ муҳаббат, қатъийлик, руҳий соғломлик, аччиқ ҳақиқат ва тўғрилиқ поэма лирик қаҳрамонининг бош фазилатидир.

Твардовскийнинг асарлари, айниқса, поэмаларида бир нарсани, айниқса, очиқ сезиш мумкин. Уларнинг заминида маълум бир катта тушунча шеърини ифодасини топган. «Муравия ўлкаси», «Василий Тёркин», «Йул ёқасидаги уй», «Олис-олислар» поэмаларининг «замиң», «ҳаёт», «уруш», «ғалаба» тушунчаларига нисбат берилиши бежиз эмас.


Шоирнинг илҳоми — халқ виждонининг садоси сифатида янграйди. Унингча халқ бу оддийгина «омма» сўзини ташкил этувчи восита эмас, балки ҳар қайсиси ўз шахсияти, ўз қисмати, бахтига эга бўлган одамлардир. Ана шу нуқтаи назар, яъни одамларнинг бир-бирига ўхшамаган тақдирларини кўрсатиш орқали халқ руҳиятини гавдалантириш шоир асарларининг мундарижасини ташкил этади.

Твардовский шеърини асарлар билан бирга очерк, ҳикоя, қиссалар ҳам ёзган. «Ватан ва бегона юрт» китобидаги очерклариди ҳам, «Колхоз раисининг кундалиги» повестида ҳам яна ўша «ўзига қадрдон кишилар» қишлоқ одамларининг маънавий оламига мурожаат этади.

Адабий қайдлар, портретлар, бадий ижоднинг маҳорат сирлари кенг таҳлил этилган мақолаларида Твардовский ижодининг яна бир қирраси кўринади.


Унинг асарлари кўп тилларда сўзламоқда. Шу жумладан ўзбек китобхонларининг ҳам мулкига айланган.

Икром ОТАМУРОДОВ.



## «ТОНЛАР ДОСТОНИГА ЎЗДИНГ ОТИНИ»

ТЕМУР ФАТТОҲ ТУФИЛГАНИГА 70 ЙИЛ ТЎЛДИ



Ўзбек совет адабиётининг тараққиётида таниқли шоир Темур Фаттоҳнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. У ўзининг янгрёқ шеърлари, баллада ва достонларида замонамизнинг улугвор воқеаларини куйлади, янги дунё бунёдкорлари бўлган совет кишиларининг беғубор қалб кечинмаларини жўшқинлик билан тасвирлади. Шоир 1910 йилда Қўқон шаҳрида туғилган. Унинг дастлабки шеърлари «Янги Фарғона» газетасида эълон қилинган. Шоирнинг биринчи шеърлар тўплами «Йиллар эсдалиги» 30-йилларнинг ўртасида нашр этилди. «Асрлар

фожиаси» деб аталган иккинчи тўпламига киритилган шеърлари ва «Рашк» поэмасида шоир озод турмуш самараларини, халқимизнинг меҳнат шижоатини, чинакам дўстлик ҳамда социалистик мусобақанинг шарофатини шоирона бўёқларда ифода этади.

Темур Фаттоҳ Ўзбекистон Давлат гимни текстининг муаллифларидан биридир.

1956 йилда Темур Фаттоҳнинг «Ленин ҳақида шеърлар» китоби босилди. Шоир бу кутлуғ мавзуга қўл уришдан олдин доҳий яшаган ва ишлаган жойларга сафар қилади. Лениннинг ҳаётини синчиклаб ўрганади. Шундан кейингина Ленинга бўлган қалб туйғуларини, эҳтиромини катта муҳаббат билан мисралар бағрига жо этади.

Темур Фаттоҳ бир қатор қардош ва чет эл шоирларининг таржимони сифатида ҳам маълум.

Шоирнинг Улуғ Ватан уруши давридаги ижоди айниқса самарали бўлган. Шунинг учун биз унинг мазкур давр ижодига кенгроқ тўхталамиз.

Улуғ Ватан уруши йилларида совет ёзувчилари ёвуз душманга қарши умумхалқ курашида актив иштирок этдилар. Минглаб совет ёзувчилари ҳаракатдаги армия сафларида қўлда қурол билан Ватанимизни ҳимоя қилишга отландилар.

Ўзбек совет адабиётининг намоёндалари Ойбек, Фафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Ғайратий, Комил Яшин, Собир Абдулла, Амин Умарий сингари ижодкорлар ҳам бу даврда баракали ижод қилдилар. Улар уруш майдонларида қаҳрамонлик кўрсатётган жангчиларнинг, мамлакат ичкарасида фидокорона меҳнат қилаётган халқнинг ўз она-Ватанига муҳаббати, душманга нафрати ва ғалабага ишончини лирик мисраларда тўла акс эттирдилар.

Мазкур шоирлар социалистик Ватанни чин қалбдан севган ва шунинг учун бир



жон, бир тан бўлиб, якдиллик билан маккор душманга қарши отланган совет халқининг улугвор образини маҳорат билан тасвирлаганлар.

«1941 йил. Гитлер Германияси муқаддас Ватанимизга бостириб қирди. Халқимиз бор кучини ашаддий душманга қарши ташлади. Улуғ жанг йиллари ёзувчилар ҳам ўз қаламларини найзага айлантиришга мажбур бўлдилар. Мен ҳам четда қололмадим, халқимизни душман устидан ғалаба қозонишга сафарбар этувчи бир қанча шеърлар ёздим», деган эди Темур Фаттоҳ. Оташқалб шоир халқ курашидан четда қолмади. Урушнинг дастлабки кунларидаёқ фашист босқинчиларни фош қилувчи асарлар яратди. У ўз шеърларида Ватанини мудофаа қилиш учун кескин жангга чақирди:

Бошланди жанг, энг улуғ жанг,—  
Кирдик майдонга.  
Эга бўлмас ҳеч бир душман  
Бизнинг бўстонга...

Жанг қиламиз йўлингда  
Меҳрибон Ватан!  
Жанг қиламиз,— токи бор  
Танда жон, Ватан!

Шоир бу ихчам, қисқа сатрларда кенг маъно бера олган. У Улуғ Ватан уруши бошланишини, совет халқининг Ватан ҳимояси учун жангга отланишини, халқимизнинг қаҳрамонлигини, Ватан йўлида ҳатто жонини ҳам аямаслигини жарангдор ифодалайди. Шу билан бирга душманнинг маккорлигини, унинг ёвуз ниятларини қаҳр-ғазаб билан фош этади. Душман ҳар қанча маккор бўлса ҳам мағлубиятга учраши муқаррар эканлигини зўр ишонч билан куйлайди. Урушнинг биринчи кунларидаёқ ёзилган бу шеър шоирнинг ёниқ эҳтиросига йўғрилган.

Совет Армияси сафида ўзбек жангчилари қардош халқлар билан бирликда қаҳрамонона жанг қилдилар. Республикамизда 227 Совет Иттифоқи Қаҳрамони бор.

Темур Фаттоҳ жангларда ботирлик, қаҳрамонлик кўрсатган ўзбек жангчилари ҳақида шеърлар ва уларга атаб мадҳиялар ёзди. Шоирнинг Амин Умарий билан бирга ёзган «Ватан урушининг қаҳрамони Муҳаммад Иброҳимов ҳақида мадҳия» асари шу сирага қиради. Унда тўпчи Муҳаммад Иброҳимовнинг жасорати жўшқин мисраларда тараннум этилади:

Кўрсатдинг ўзбекнинг шижоатини,  
Тонглар достонига ёздинг отини.  
Қасос пўртанасин малъунга урдинг,  
Ғазаб дарёсини зафарга бурдинг.

Аланга, тутунлар ва ўқлар ичра,  
Даҳшатли ўлимдан ҳайиқмай сира,  
Тўпингни тўғрилаб душман томонга,  
Газанда тўдасин фарқ этдинг қонга,—

шоир «Қасамёд» деган шеърини ҳам шу қаҳрамонга бағишлаб ёзган.

Маълумки, Гитлер ва унинг ҳамтовоқлари бутун дунёда ҳоким бўлишга интилган

эди. Улар барча халқларни ўзларига бўйсундириш, уларни қулга айлантириш учун босқинчилик урушини бошладилар. Фашистлар ўзларининг қора ниятларини ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам амалга оширмоқчи эдилар.

Лекин совет халқи, совет жангчилари сўнгги томчи қони қолгунча ўз Ватанини, ўз жонажон ерининг ҳар бир қаричини фидокорона ҳимоя қилишга қасамёд қилиб, тиш-тирноғигача қуролланган душман ҳамласига қарши матонат билан курашади. Шоир Муҳаммад Иброҳимовнинг «Қасамёд»и орқали жангчиларимизнинг қалб ниҳолларини ифода этади. «Ишон эл, танамда токи жоним бор—Ватанда душмандан қолдирмайман из!».

Москва бутун прогрессив инсониятнинг ифтихори, Москва озодлик манбаи, Москва юракларга сурур, кўзларга нур берувчи, бахт-саодат келтирувчи—пойтахтдир. Шоир бу ҳақда «Чавандоз» шеърисида бундай дейди:

Ҳар жангчининг юрагида  
Москванинг зарраси бор.  
Москвадир жангчи учун  
Тақдир, виждон ҳам ифтихор!..

Москва у — она юртнинг  
Ҳеч енгилмас пойтахтидир,  
Москва у — ғуруримиз,  
Москва у — эл бахтидир.

Мазкур асарнинг қаҳрамони чавандоз Алиев, Можайскда даҳшатли жанглар бораётганда, разведкага чиқиб немис офицерини тириклай ушлаб келади.

Шоир доврак разведкачининг бу жанговар юришини туйғулар бағрига синдириб бадий лавҳада акс эттиради.

Темур Фаттоҳнинг бу йилларда яратган шеърларида бир хусусият — алоҳидаликдан умумийликка ўтиш кўзга ташланади, яъни у конкрет бир жангчининг кечинмаси, қаҳрамонлиги, фидойилиги орқали совет жангчиларининг Ватанга бўлган чексиз муҳаббатини кўрсатади.

Оддий жангчи Аҳмаджон Шукуров ажойиб қаҳрамонлик кўрсатади. 1943 йилнинг ёзида Орёл шаҳри остоналарида даҳшатли жанглар бораётган эди. Бизнинг жангчиларимиз немисларнинг кўп марта қилган ҳамласини қайтариб ҳужумга ўтадилар. Фашистлар бардош беролмай чекина бошлайди. Дивизия душманни қувиб изма-из борарди. Золотаревка қишлоғига яқин жойда қаттиқ жанглар бўлади. Шу ерда Аҳмаджон Шукуров ўз пулемётидан кўпгина душманни ер тишлатади. Пулемётнинг ўқи тугагач, яраланган бўлса ҳам қўлига автомат олиб душман устига ташланади. Унга жуда катта жасоратлари учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилади. Бу қаҳрамон ҳақида кўпгина асарлар ёзилган.

Темур Фаттоҳнинг «Шерзод Аҳмад» номли шеъриси ҳам унинг жасорати акс эттирилган. Шоир Аҳмаджон Шукуровни шерга, ўқ ёғинини тўфонга, немисларнинг қутуриб ҳужум қилишини ваҳший

оқинга, ўткир кўзини чақинга, фашистларни ялмоғизга ўхшатади. Бу ўхшатишлар эса акс эттириладиган воқеани шоирона гавдалантиришга хизмат қилади.

Шоир ўзбек халқининг фарзандига ватанпарварлик ва қаҳрамонлик азалий одат эканлигини мамнунлик билан куйлайди:

Шернинг ўғли шер бўлади,  
Майдонларда эр бўлади,  
Унга қарши келган душман  
Ҳеч шубҳасиз ер бўлади.

«Жасорат» шеърида эса яна бир ўзбек жангчиси бухоролик Камолнинг қаҳрамонлиги жонли тасвирланади.

Бу йигит жонжон Ватаннинг шон-шарафи ва озодлиги учун қаҳрамонона жанг қилди. Унинг қалби Ватан душманларига зўр нафрат туйғулари билан тўлиб тошди. У оташи ватанпарвар совет кишиси эди, ўз мамлакатини ҳимоя қилиш учун бутун куч-қувватини, ҳаётини бағишлади:

Ботир ҳалок бўлди

жанг майдонида,

Лекин ҳамишага қолди яхши от,  
У яшар халқимизнинг тоза қонида,  
У бизнинг дилларда

мангу барҳаёт.

У яшар юртимизнинг ғалабасида,  
Уни деб очилар

боғларда чечак,

У яшар


тўпларнинг қаҳқаҳасида,

Унга қойил бўлар

шонли келажак!

Шоир айтгандек, эл-юрт учун ҳалок бўлган фарзандларимиз доим барҳаёт, улар тилимизда, дилимизда, қалбимизда мангу яшайди. Темур Фаттоҳ адабиётнинг партиявийлик принципига тўла амал қилиб, бадиий ва ғоявий жиҳатдан юксак асарлар яратди.

Сафиян ЯХИН.





## ХАССОСЛИК ВА ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ

Адабий жараёнга фаол аралашиб келаётган адабиётшунос олим Салоҳиддин Мамажонов назаридан кейинги йигирма йил ичидаги бирор бир янги тенденция, адабий йўналиш ва ижодий жасорат четда қолгани йўқ. Унинг катта меҳр ва эҳтирос билан ёзилган «Лирик олам, эпик кўлам»<sup>1</sup> китоби ушбу фикримизни тасдиқлайди.

Китоб адабиётшунос олим излашилари-нинг ўзига хос синтези, жўшқин, кўтаринки «илҳомий ҳолат» (Ҳ. Олимжон) ҳосиласи. Асарнинг мазмуни ва мундарижаси катта рамзий маъно юкланган номидан ҳам маълум. Гап шундаки, китобга асос бўлган икки ижодкорнинг ижоди ўз руҳи ва моҳияти билан, кенг кўлами ва нозик поэзияси билан алоҳида ажралиб туради. Гарчи асар номининг биринчи қисми хассос шоир Ҳамид Олимжон, кейинги қисми эса улкан адиб Шароф Рашидов ижодларининг рамзи сифатида олинган бўлса-да, аслида бу икки сифат иккала ижодга ҳам баб-баравар дахлдор. Гўзал, нозик лиризм Шароф Рашидовнинг барча асарларига сингиб кетган типик фазилат. Бусиз унинг ижодини тасаввур қилиш мумкин эмас ва буни С. Мамажонов ҳам ўз таҳлили жараёнида исботлайди. Худди шунингдек, адабиётшунос олим Ҳамид Олимжон ижоди таҳлилида ҳам унинг лирикасига эпик кўламлик, уфқий бепоёнлик хослигини таъкидлайди.

Китобнинг Ҳамид Олимжон шеърлятига бағишланган илк қисми «Шоир дунёси»да муаллиф асосий урғуни шоир ижодининг асосий йўналишини белгилайдиган асарлар таҳлилига беради.

Бу асарлар қисмининг боблари сарлавҳаси номиданоқ («Кўклам севинчлари», «Олов сочлар», «Ўзбекистондан «Россия»-гача) маълум.

Ҳамид Олимжоннинг поэтик улғайиши

ўта кескин синфий курашлар даврида, бошқа таланти тенгдошларидек, жуда қисқа бўлди. Илк асарларидаёқ ўз ижодини кейинчалик бош мавзуга айланиб қолган жиҳатлар яққол кўзга ташланганди. Улардан энг муҳими — инсоният кўкламини, унинг бахт-саодатини куйлашдир. Тадқиқотчи тўғри таъкидлаганидек, шоир «янги ҳаётни, социалистик тузумни кўклам деб тушунади» ва талқин қилади. Унинг илк ижоди, гарчи камчиликлардан холи бўлмаса-да, масалаларнинг қўйилиши ва унинг поэтик талқини, «шоирнинг нуқтаи назари, позициясининг тўғрилиги жиҳатидан диққатга молик эди.

Уткир, кескин синфий курашлар оловида тобланган, буюк ғоялар, идеаллар учун курашни эзгулик, деб билган шоирнинг илк тўплами — «Кўклам»даги ижобий фазилатлар куртаги, муаллифнинг тўғри хулосасидек, унинг «кейинги асарларида барг ёзиб, гуллаб... ижодининг марказий масалаларига, демак, туб фазилатига айланиб кетди».

20-йиллар ва 30-йиллар бошларидаги ўзбек адабиётида мавжуд янги тенденция — «поэзия орқали янги совет адабиётининг эстетик принципларини ҳимоя қилиш» жараёнида фаол иштирок этган Ҳамид Олимжон умрининг охиригача бутун талант кўрини ёрқин идеаллар учун кураш ва улар тантанасига бахшида этган ватанпарвар эди.

Ҳамид Олимжон оригинал поэтик образларнинг бутун бир системасини бадий кашф этган шоир. Бу конкрет, аниқ, манتيқий поэтик рамзий образлар шоирга воқеликни бутун зиддиятлари билан акс эттириш имконини беради. Улар воситасида шоир ўзбек халқининг, она-Ватанимизнинг катта ҳаёт йўлини чуқур ва ҳаққоний ёритади. Асардан асарга функцияси кенгайиб теранлашиб борган қуёш, олов, нур баҳор сингари анъанавий образларнинг мазмуни чуқурлашиб, моҳияти ўткирлашиб боради. «Шоир дунёси»ни ўқиб жараёнида олимнинг зарғарона кузатишларидан бу фикрга амин бўласиз. Бу образлар ўз мазмуни,

<sup>1</sup> Салоҳиддин МАМАЖОНОВ. Лирик олам, эпик кўлам. Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент — 1979.

қудратига эга бўлиб, шоир ниятини ёрқин ифодалашга йўнайтирилганлигини, янги инсонлар образини яратиб воситаси эканлигини таъкидлаган тадқиқотчи, шу инсонлар кураши ва меҳнатини, «евги-садоқатини, дустлиги, орзу-ҳаваси, кўзларини қуёшга, оловга қиёслайди, «бу эстетик программ характердаги фикр ва ниятлар» кейинчалик шоир асарларида конкрет ҳаётий лавҳаларда рўёбга чиқиши айтилади. Буларнинг ҳаммаси С. Мамажоновга чўнг илмий хулосалар чиқаришга, умумлашма қилишга имкон беради.

Ушбу анъанавий образлар билан боғлиқ яна бир хусусият шундаки, тадқиқотчи уларнинг тадрижи таҳлили жараёни орқали шоирнинг бутун поэтик ва адабий меросини қамраб олади ва шу йўл билан ижодий эволюциясини кўрсатади.

Тадқиқотчининг маҳорати шундаки, гарчи ҳар бир боб муайян долзарб проблемага ва конкрет тўплamlар таҳлиliga бағишланган бўлса-да, бу таҳлил объекти фақат шу асарлар ва тўплamlар билан чегараланиб қолмайди, балки шоирнинг бутун ижодига қаратилади. Шу сабабли айнан бир шеърй асар турли бобларда шу бобларга асос бўлмиш адабий проблемалар нуқтаи-назаридан ҳам тадқиқ этилади. Яъни бир асарга турли томондан, комплекс ёндашилади.

Дарҳақиқат С. Мамажоновнинг жуда тўғри таъкидлаганидек, «Х. Олимжонга хос фазилатларидан бири шу эдики, у тўплaml тузганда ундаги асарларнинг мавзуи, мотиви ва ғоявий йўналиш жиҳатидан бири-бирига яқин, тўғрироғи, бир бутун бўлишига диққат қиларди». Гарчи боблар шу хилдаги «асарларнинг марказида турган ғоявий мотивлар» таҳлиliga бағишланса-да, улардаги тадқиқ объектига шоирнинг бутун ижодий мероси қамраб олинади. Бундай услубнинг илмий-назарий қиммати шундаки, биринчидан, бунақа кенг қамровлилик муаллифга олға сураётган илмий тезиси ва даъволарини ҳар томонлама асослашга имкон туғдирса, иккинчидан шоирнинг турли жанрлардаги бой ижодий меросини унинг ибратли ҳаёт йўли, ижтимоий фаолияти билан боғлаб, тўлиқ тасаввур этиш, бу ижоднинг бутун тароватию гўзалликлари билан туйиш, ҳис қилиш имконини беради. Даъвомиз қуруқ бўлмаслиги учун битта мисол келтирмақчимиз. Урта мактаб ўқувчисигача ҳамма Ҳамид Олимжонни «Шодлик ва бахт кўйчиси» деб билади. Ва буни ҳар бири ўзича исботлайди. Бу хассос, оташин шоиримиз ижодининг нақадар ардоқли, халқчил ва суюкли, боқий эканлиги аломати.

Дарҳақиқат, шундай. Бахт мотиви шоирнинг бутун ижодидан қизил ип бўлиб ўтади. Бу мотив унинг ранго-ранг жанрлардаги бутун ижодининг ғоявий лейтмотиви, бош оҳангига айланади. Мунаққиднинг «Шоир совет кишиларининг қандай ўй ва туйғуси ҳақида фикр юритмасин, ҳаммасини бахт ва шодлик мезони билан ўлчайди», деган хулосасига қўшиямасдан илож йўқ.

Она халқ бахти ва шодлигини куйлашми ўзи учун энг буюк, олий саодат деб

билган Ҳамид Олимжон шеъриятида, драматургияси ва публицистикасида бу ғоявий мотивлар унинг ижодий программасига, танқидчи айтгандек, «ижодининг сарлавҳасига» айланади.

С. Мамажонов шоир ижодидаги ушбу фазилатни ҳар томонлама чуқур, далилланган ва асосланган илмий кузатишлар, комплекс таҳлиллар орқали тадқиқ этади.

Шоир лирикасида шодлик ва бахт мотивининг собитлиги ва етакчилиги, унинг жўшқин ва кучлилиги сабаблари нимада? Ана шу саволга жавоб излаган муаллиф асосий боисни — «Х. Олимжоннинг шахсий бахти борлиги»да деб билади. Худди шу «шахсий бахт» унинг илҳомининг париси, равонлиги бўлди, шеърларининг ритмини, оҳангини, куйи ва интонациясини белгилади. Унинг «Социалистик даврни ва совет кишилари қалбидаги олий кўтаринки ҳолатларни тасвирлашга моҳир, ниҳоятда иштиёқманд»лиги ҳам ана шундан.

С. Мамажонов шоирнинг ҳаётий ва ижодий тажрибаси тажассуми, бахт ва шодлик, вафо ва садоқат, янги социалистик тузум ҳақидаги қарашлари ҳамда хулосаларининг қаймоғи бўлмиш «Зайнаб ва Омон» достонини ҳам худди шу нуқтаи назардан тадқиқ этишида жуда катта рамзий, поэтик маъно бор.

Атоқия олим В. М. Жирмунский «Ҳамид Олимжон — асос-этибори билан лирик шоир. Унинг... лирикаси... революцион романтизм билан суғорилган», деганида тамомила ҳақ эди. Муаллиф шоир шеъриятининг узвий қаноти бўлмиш романтика хусусида «Дунё гўзал кўринар сенга» қисмида баҳс юритар экан, Ҳамид Олимжон ижодидаги машҳур олимнинг шу сўзларидан келиб чиқиб ёндашади. Асарларидаги романтизмнинг заминлари билан қизиқади ҳамда уларни асослайди. Хўш, шоир ижодидаги романтикани вуҷудга келтирадиган бадий-поэтик омиллар, олим назарича, нима экан? Улар — «фантастикага мойиллик, яъни воқеликани идеалга яқинлаштириб тасвирлаш фазилати, эҳтироснинг зўрлиги, лириканинг таранглиги ва кучлилиги, ода ва балладачилик, кўтаринки оҳангнинг устунлиги». Теранлик билан кузатилган, чуқур ва атрофлича илмий асосланган бу умумлашмалар мунаққид изланишларининг самараси.

«Улим ёвга!», «Қўлингга қурол ол!» — шоирнинг оташин, жанговар шеърлари номи билан аталган бобда Ҳамид Олимжон ҳам шоир, ҳам инсон, ҳам ватанпарвар аскар сифатида талқин этилади.

«Ҳамид Олимжоннинг урушнинг дастлабки йилларидаги шеърларининг асосий қисмини сафарбар шеърлар ташкил қилган эди, шунинг учун шоир халқ руҳини — уларнинг тинч ижодий меҳнат шавқи-завқи билан қайнаган қалбини, руҳини янги изга солишда — жанговарлик изига кўчиришга астойдил бел боғлаган эди» (таъкид бизники В. З., М. Х., Н. Ш.).

Шуниси диққатга сазоворки, тадқиқотчи шоирнинг шу давр асарлари таҳлиliga ҳам унинг ижодидаги ўша асосий мотив, руҳ —

«совет кишининг озодлиги, бахт-шодлиги масаласи» нуқтаи назаридан ёндашади. Ҳамид Олимжон уруш даври лирикасида «жанговар публицистик руҳ, қаҳрамонлик ва патетика руҳи, актив дидактиклик ва фалсафийлик, афористик фикрлашга мойиллик» ёрқин кўринишига ҳам боис сифатида мазкур хусусиятни асос қилиб кўрсатган муаллиф ҳақ эди.

Вазият, уруш Ҳ. Олимжондаги бошқа хислатларни ҳам намоёиш этди. У, аввало оташин шоир сифатида қолган бўлса ҳам, унинг улкан ташкилотчилик қобилияти, жанговар ватанпарварлиги, том маънода дўст ва интернационалист эканлиги ёрқин намоён бўлди. Бу китобдан Ҳамид Олимжоннинг поэтик оламига, ташкилотчилик талантига ва сезгир, меҳрибон дўстлиги, инсонийлигига кўплаб факт ва далиллар топиш мумкин. Тадқиқотнинг мазкур ўринларида муаллифнинг юқорида қайд қилганимиз бир фазилати — ижодни шахсият ва кенг миқёсдаги ижтимоий фаолият билан омухта ўрганиш, тадқиқ этиш — янада равшан кўринади. Зотан, бу даврда Ўзбекистон совет Ёзувчилар союзи секретари сифатидаги улкан фаолиятсиз Ҳамид Олимжоннинг жанговар ижодини тасаввур этиш мумкин эмас. Гоҳ у фронтда олдинги линияда оташин нутқи, ўтли мисралари билан жангчиларни ғалабага илҳомлантирса, гоҳ фронт орқасида туриб, фронтдагиларга бутун халқ номидан «Мен ўзбек халқи номидан гапираман» дея шеърӣ хат уюштирди, гоҳ В. Державин, В. Луговской, А. Толстой, А. Ахматова, А. Дейч, В. Иванов, К. Чуковский, В. Жирмунский каби ўнлаб адабиёт ва фан арбобларини қабул қилиш, жойлаштириш каби ташкилий ишлар билан шуғулланиб, халқимизга катта руҳий мадад берувчи, ғалабага ишончини кучайтирувчи оташин асарлар битди...

Ҳа, ишонч ва умид руҳи — шоирнинг уруш даври лирикаси, драматургияси ва публицистикасининг бош ғояси, лейтмотиви бўлди. «Жангчи Турсун», «Роксананинг кўз ёшлари», «Россия» каби программ асарлари руҳида ана шу ғоя, туйғу, ҳоқимлик қилди. Ушбу асарларнинг ғоявий-бадий хусусиятларини теранлик билан муфассал таҳлил этган Салоҳиддин Мамажоновнинг фикрлари, умумлашмалари ўз илмий-эстетик ва фалсафий қиммати билан ибратлидир.

Атоқли адиб Шароф Рашидовнинг социалистик реализм адабиётига қўшаётган ҳиссаси салмоқлидир. Ана шу ҳиссани баҳолаш — адабиётшунослигимиз олдида турган долзарб муаммолардан. Ёзувчи ижодининг худди шу қиррасига, маҳорат масаласига асосий эътиборни қаратиб Салоҳиддин Мамажонов, қийин бўлса-да, жуда тўғри йўл тутди. Чунки адибнинг маҳорати масалалари «етарли ўрганилганича йўқ. Шунинг учун ҳам биз,— деб ёзади адабиётшунос олим,— ишимизни тарихий-адабий характерда эмас, балки маҳорат йўналишида (таъкид бизники — В. З., М. Ҳ., Н. Ш.) кўрдик: ёзувчи ижодининг моҳиятидан келиб чиқиб масалаларни қўзғадик ва булар-

ни, ҳатто, конкрет бирор асарни махсус таҳлил этган чоғда ҳам, маҳорат нуқтаи назаридан таҳлил этишга уриндик. Адибнинг адабий-танқидий қарашлари, ва публицистик мақолаларидан... мақсад ва ғоямизни ҳимоя қилишга кўмаклашадиган ўринларда фойдаланам бўлди».

Сирасини айтганда, ушбу иш ёзувчи маҳоратига бағишланган дастлабки йирик тадқиқотлардан ҳисобланади. Шароф Рашидов бадий ижодни ғоят маъсулиятли ижтимоий-сиёсий фаолият билан омухта қилиб бораётган ижодкорлар хилидан. Унинг улкан ижтимоий сиймоси шундай бир кучки, бу куч ижоднинг қисмати ва парвозини белгилаб талант йўналишини тайин этиб, маҳорат мезонини тоблаяди, ижод уфқини фавқуллодда кенгайтиради. Шу жиҳатларни қайд этар экан, муаллиф шундай тезисни олға суради: «адибнинг ижтимоий сиймоси қанчалик улкан бўлса, унинг бадий ижод маҳсули ва ҳосиласи ҳам шунчалик теран, халқчил, чуқур ва ҳаётӣ бўлади». Бутун таҳлил давомида шу ғояга амал қилган тадқиқотчи адибнинг серқирра ижодий фаолиятини унинг ниҳоятда кенг ва катта кўламдаги ижтимоий-сиёсий фаолияти фониде тадқиқ этади. Бу «Халқ ва ижод» деб номланган, Шароф Рашидов ижодида бағишланган йирик қисмининг бутун мазмунида акс этиб туради. Қисмининг ўзига хос муқаддима ролини ўтовчи бобнинг «Ёзувчининг ижтимоий сиймоси ва ижод уфқи» деб номлангани, унда асосан, ёзувчи ижоди ва шахсининг ижтимоий асосларига катта эътибор берилганлигининг боиси ҳам шунда.

С. Мамажонов ёзувчининг бой ҳаётӣ тажрибаси, ижодӣ йўли ва унинг сабоқлари ҳамда адибнинг эстетик идеали тадқиқига асосланиб, бу сабоқ ва идеаллар ижодининг етакчи фазилатига, талантининг бош йўналишига айланганини комплекс таҳлиллар орқали кўрсатиб беради. Илк асарларида уч кўрсатган, кейинги бутун ижодида етакчи хусусиятга айланиб қолган фазилатлар — «халқ ҳаракати ва қудратини, унинг меҳнати ва сурурини куйлаш, актив аёл образини, биринчи навбатда, коммунист образларини яратиш, ватанпарварлик ва интернационализм туйғуларини улуғлаш, социалистик ҳаётнинг ғолибона пафосини ифодалаш», «воқеликни кенг элик планда бадий идрок этишга ва лиро-публицистик калитда — пардада бадий тадқиқ этишга уриниш» махсус қайд этилади ва бутун тадқиқот давомида илмий-назарий исботланади. Шундай қилиб, китобда Шароф Рашидовнинг бутун партиявий, жамоат ва адабий-ижодӣ ҳаёт йўли, шу ижодӣ йўлнинг бarchа мураккаб жараёнлари, бор бўйи билан намоён бўлади, бу жараёнларнинг ўзига хос хусусияти ва бадий-эстетик фазилатлари илмий таҳлил этилади.

Тадқиқотчи Шароф Рашидов ижоди тадқиқотида ҳам тадрижий принципга амал қилади: таҳлилни шеърӣ асарларидан бошлади. Дарҳақиқат, Шароф Рашидов адабиётга аввал шоир сифатида кириб келганди. Унинг шеърӣ тўпламлари ҳам чоп

этилган. Бу шеърлардаги бадий хусусиятлар хусусида анча кенг тўхталган мунаққид асосий ургун кейинчалик ёзувчи ижодининг бош, марказий фазилатига айланган жиҳатларга беради. Жумладан, адиб ижодидаги эпиклиқнинг илк илдиэларини шу дастлабки шеърлардан излайди ва топади. Чунки, рости билан ҳам, Шароф Рашидовнинг Улуғ Ватан уруши даври лирикасида «халқ жасоратини эпик планда (таъкид бизники — В. З., М. Х., Н. Ш.) кўрсатишга мойиллик» бор эди.

Бу фикрнинг илмий даъвоси шу билангина чекланиб қолмайди, балки у адибнинг эпик-патетик услубининг тўла шаклланишида ҳам роли катталиги жиддий кузатишлар асосида исботланади...

Шароф Рашидовнинг шартли шакллардаги киссаларида ҳаёт ва севги туйғуси юқори пардаларда улуғланади. «Кашмир қўшиғи», «Икки дил достони», «Комде ва Мудан» каби асарларнинг завқли кўтаринки таҳлили (ушбу асарлардаги шартлилик адибга, аввало, умуминсоний ғояларни куйлаш ва фаол тасдиқлаш учун шарт эди) Салоҳиддин Мамажоновни эхтироси билан хулосаларга олиб келади. Шу жиҳатдан унинг қуйидаги хулосалари асослидир. Мазкур асарлардаги «ёрқин бўёқлар, товланувчи ритмлар... қайноқ лиризм, ўйноқи халқ қўшиқлари, инверсиялар, шеърин нутққа хос кўтаринки образли фикрлаш... қўшиқ дейишга асос беради».

Ҳам ёзувчи, ҳам олим маҳоратларига хос муштарак бир деталь хусусида тўхташнинг мавриди келди. Гап бадий ва илмий ижоддаги эхтирос ҳақида. Айримлар бадий ва илмий ижодларнинг мутлақо ўзига хос табиатидан, хусусиятларидан келиб чиқиб, шундай тезисни олға суришади. Бадий ижод юксак эхтирос, ўшқин ҳиссиёт ҳосиласи бўлса, илмий ижод фирт мантиқ, тафаккур ҳосиласи. Фан, илмий ижод эхтиросни, ҳиссий мавжни кўтармайди. Бу фикр фаннинг бошқа соҳаларига дахлдор ва унда, шубҳасиз, асос бор. Лекин туйғулар маҳсули, ёниқ эхтирослар, юксак ҳасослик ҳосиласи бўлмиш бадий асар ҳақида қуруқ, ёлғиз илмий мантиқ билан ёзиб бўладими? Йўқ. Лекин эхтирос билан эхтироснинг фарқи бор. Агар эхтирос ҳақиқатни тасдиқлашга, уни ҳимоя қилишга хизмат қилсагина ўзини оқлайди. Бунинг исботи — «Лирик олам, эпик кўлам» китоби.

«Олим,— дейди С. Мамажонов,— бир томчида, яъни санъаткор ижодини, маҳоратини ўзида тажассум этган ёрқин бир деталда ёхуд образда ёзувчининг бутун ижодини таърифлаши мумкин».

Тадқиқотчи ўзининг шу эстетик принципдан келиб чиқиб, Шароф Рашидов адабий маҳоратининг синтези бўлган воситалар қаторида, адиб санъаткорлигининг индивидуал услубининг бош фазилати ҳисобланмиш юксак эхтиросга ҳам эътиборни тортади.

С. Мамажонов услубига хос яна бир муштарак хусусият — сиёсий аналитик таҳлия — тадқиқотнинг «Повестдан романга»,

«Оддий ва ижтимоий инсон», «Роман ва халқ (эпопеяга қадам)» каби қисмларида айниқса, дастлабки бобда тўлиқ намоён бўлган.

«Ғолиблар» повести ўз вақтида қизғин кутиб олинган. Лекин адиб уни қайта ишлаб, роман шаклига келтирди. Яъни ўз ғоявий нияти — повестни янада қиёмига етказиш, уни тубдан қайта ишлаб, роман шаклига келтириш ва шу билан меҳнат фронтидаги умумхалқ жасорати тўғрисида катта эпопея яратиш ниятини амалга оширди. Повестдаги барча 27 боб қайта ишланган, жиддий тузатишлар, янги 14 боб қўшилган.

Ушбу бобнинг илмий қиммати шундаки, унда мунаққид «Ғолиблар» повести билан «Ғолиблар» романини саҳифама-саҳифа, деталма-деталь эринмай, кенг қиёсий ўрганган, шу орқали адибнинг жиддий ва улкан меҳнатини, ижодий эволюциясини конкрет кузатишлар асосида кўрсатишга муваффақ бўлган.

Шароф Рашидов шундай санъаткорлар хилиданки, у ўз асарлари устида ишлашни, уларни янада пишитиш ва тيرانлаштиришни тўхтатмайдиган, бундан эринмайдиган, ўзига ғоят талабчан, адабий жамоатчиликни жуда хурмат қиладиган заҳматқаш. Бунинг сабаблари анча. Ана шу сабаблар таҳлили, повестни романга айлантириш жараёнида юз берган «ёзувчининг ғоявий-эстетик ниятини янада тўла ва равшан ифодаланишига хизмат қиладиган» ўзгаришлар, жиддий таҳрир ва бадий сайқаллар (бу ўзгаришлар махсус 6 гуруҳга бўлинган ва ҳар бири алоҳида мустақил тадқиқ этилган) таҳлили олимни ҳаққоний илмий хулосага олиб келган: «Ғолиблар» Ойқиз ҳақида ҳикоя қилувчи қиссадан халқ ҳақида ҳикоя қилувчи романга айланди» (таъкид бизники — В. З., М. Х., Н. Ш.).

«Ғолиблар» романини ёзишдан кўзланган мақсад нима? Мунаққид аввало ана шу табиий саволга ишонтирарли илмий жавоб беради. Бу жавоблардан энг муҳими, тадқиқотчи назарича, ёзувчининг «Ғолиблар» билан «Бўрондан кучли» — дилогия ўртасидаги меъёрни, мувозанатни, жилла бўлсада, ўзаро яқинлаштириш нияти эди. «Мавзунинг ўзи,— дейди муаллиф,— асарга асос бўлган ҳаётий воқелининг ўзи, биринчи навбатда, ёзувчининг халқ ҳаёти ва курашини ёритиш нияти шундай қилишни тақозо этган». Оқибат-натияжада марказида урушдан кейинги ўзбек қишлоғи ҳаётининг бош муаммоларидан бўлмиш — коммунистик жамиятнинг моддий-техника базасини яратиш йўлидаги халқ кураши, жасорати ва шу жараёндаги халқнинг янада жипслашиши, улардаги коллективизм, интернационализм туйғуларининг ўсиши, халқда яширишиб ётган... қудрат ва ташаббус, юксак орзу-истакларни ёритиш — бадий кашф этадиган монументал асарлар юзага келгани исботлаб берилади.

«Ғолиблар», «Бўрондан кучли» ва, умуман, ёзувчи барча асарларининг этик, эстетик маркази халқ, шу халқ руҳи, интилиши, меҳнати ва курашидир. Ана шу халқнинг

тўлақонли, бадийи пишиқ ва ғоявий мукам-мал образини яратиш ўзбек адабиётининг бугунги даражасини, унинг оламшумуллигини ёрқин намойиш этувчи далилдир.

Шароф Рашидов ленинча халқлар дўстлигининг, социалистик ватанпарварлик ва интернационализмнинг оташин ва садоқатли куйчисидир. Дўстлик — янги тарихий бирлик — совет кишисининг бойлиги, қудрати, кечаси, бугуни ва эртаси. «Бизнинг ритмас-туганмас қудратли ҳаётбахш кучимиз дўстликдадир» — деб ёзади ёзувчи «Дўстлик байроғи» публицистик китобида. С. Мамажонов тўғри ва ўринли эътироф этганидек, «Шароф Рашидов ўзининг публицистик мақолаларида, айниқса, давлат ар-боби сифатида бажараётган конкрет ишларида халқлар дўстлиги байроғини баланд кўтармоқда. У ленинча халқлар дўстлигини кўз қорачиғидек асраш учун курашиб, республикамизнинггина эмас, балки кўп миллатли совет халқининг меҳр-муҳаббатини қозонди. У барча совет кишиларига ягона оила аъзолари, яъни совет халқи, деб қарайди ва ўзининг бадий асарларида ҳам шу тарзда кўяди».

Унинг бутун ижоди, жумладан, дилогиясининг ҳам пафосини тайин этган бу улғувор ғоялар ўзбек адабиётининг катта ютуғидир.

«Қудратли тўлқин» бош қаҳрамони Пўлатни адиб махсус Павел Корчагинга ўхшатиб тасвирлаганида рамзий маъно бор. Бу ўзбек Корчагини учун Данко идеал бўлгани, Серёжа номли ёш боланинг урушдаги қаҳрамонлиги унинг учун беқиёс маънавий-руҳий мезон бўлгани бежиз эмас. Ёзувчининг бадий ва публицистик асарларида шу мавзу маҳорат билан ҳал қилинганлиги хусусида мунаққид асосли фикрларни айтади.

«Услуг ҳаёт демакдир, воқеликни бадий тадқиқ этиш усули демакдир» боби — тадқиқотчининг ўзи ёзганидек, «маълум маънода якуловчи боб, юқоридаги таҳлил

ва кузатишлар асосида Шароф Рашидов услубига доир айрим фикр ва хулосалар боби».

Дарҳақиқат, Шароф Рашидовнинг умумсовет адабиёти, айниқса, романчилик тараққиётига қўшган ва қўшаётган ҳиссаси, адабиётшунос олимнинг махсус қайдидек, «энг аввало... асарларининг ғоявий-эстетик йўналиши, жанри ва услубий йўналишида ёрқин кўринади». Худди шу проблемалар хусусидаги кузатишларини хотималаб, тадқиқотчи ёзувчининг барча асарларида яна бир асосий хусусият — таҳлилий йўналишнинг бўртиб кўриниши ҳақида тўхталади. Бундай таҳлилий йўналиш мунаққиднинг ижодига ҳам хос эканлигини мамнуният билан айтмоқчимиз.

Китоб яна шуниси билан қимматлики, унда кейинги пайтларда ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигидаги қатор янги тенденциялар ўзининг муносиб илмий аксини топган. Булар бадий асарларни ижодкор шахси, ижтимоий фаолияти ва ижодининг бошқа қирралари билан комплекс тадқиқ этиш, сўз санъаткорлари ижодини умумсовет ва жаҳон адабиёти контексти фонида қиёсий ўрганиш, конкрет назарий-эстетик проблемаларни ўрганишнинг кучайганлиги ва илмий-аналитик таҳлилнинг социологик таҳлил билан қўшилиб, омухта-лашиб кетаётганлигидир.

Мана шу тенденцияларнинг ҳаммаси мавжуд — «Лирик олам, эпик кўлам» тадқиқоти, шубҳасиз, адабиётшунослик фанимизга қўшилган катта ҳисса ҳисобланади.

**Воҳид ЗОҲИДОВ,**  
ЎзФА академиги.

**Мурод ҲАМРОЕВ,**  
СССР ПФА мухбир-аъзоси,  
филология фанлари доктори.

**Нарзулла ШОДИЕВ,**  
филология фанлари кандидати.



## МУНАҚҚИДНИНГ БИРИНЧИ ЎИТОБИ

КПСС Марказий Комитети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ёш ижодкорлар ҳақидаги қарорларига жавобан Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти бир қатор серияли нашрлар ташкил қилди. Улардан бири «Мунаққиднинг биринчи китоби» деб аталади. Бу серияда Ботир Норбоевнинг «Курашчан шеърият», Муҳаммадали Қўшмоқовнинг «Чечанликда сўзга сувдайин оқиб...», Михли Сафаровнинг «Дунё кирмоқдадир шоир қалбига», Тўлқин Расуловнинг «Бадий асар қанотлари», Ортиқбой Абдуллаевнинг «Шеъриятнинг тиниқ осмони», Маҳмуд Саъдийнинг «Теран томирлар», Урол Утаевнинг «Танқид ва услуб» каби китоблари босилиб чиқди. Ёш мунаққидлар баъзиларида камроқ, баъзиларида кўпроқ намоён бўладиган қатор муштарак фазилатларга эга. Уларнинг ҳаммаси марксча-ленинча эстетиканинг асосий қонун-қоидаларини яхши билишади ва уни адабий жараённинг конкрет ҳодисаларига изчил татбиқ қилишади. Улар социалистик адабиётнинг партиявийлиги, халқчиллиги, ғоявийлиги, гуманизми, интернационал пафоси ҳақида бевосита кўп гапирмайдилар, лекин адабий жараёндаги ижобий ва салбий тенденцияларни таҳлил қилиш, ёзувчиларнинг ижоди, асарлари ҳақида мулоҳаза юритиш орқали ана шу принципларни тасдиқлашга интиладилар. Улар ўз мулоҳаза ва таҳлилларида энг юксак меъёрга — жамиятимизнинг ижтимоий тараққиёти манфаатларига таянадилар. Ёш мунаққидлар адабиёт ишини коммунистик қурилиш ишининг узвий қисми сифатида талқин қиладилар ва шунга асосланиб, ҳар бир адабий ҳодисани ҳаётийлик ва ҳаққонийлик нуқтаи назаридан баҳолашга интиладилар. Бу эса мазкур китобларнинг чуқур гражданлик руҳини вужудга келтирган ва замонавийлигини таъминлаган.

Ёш мунаққидларнинг деярли ҳаммаси учун характерли бўлган умумий фазилатлардан яна бири шундаки, улар жўнликдан, лоқайдликдан, юзакиликдан қочишади, адабиёт ҳақида, унинг китобхонга берадиган маънавий ва эстетик бойлиги тўғрисида эҳтирос, ҳаяжон билан ёзишга интилишади. Улар ёзувчи олдида бўлар-бўлмас мантиқсиз саволларни, ноўрин талабларни қўявермайдилар, балки ёзувчи шахсига чуқур ҳурмат билан қалам тебратадилар. Шу туфайли бу китоблар анча ўқимишли чиққан. Улар китобхонни ўз орқаларидан эргаштира биладилар, ўз мулоҳазаларини мантиқ кучи билан унга сингдира оладилар.

Ёш мунаққидлар умумий дунёқарашлари, ғоявий-эстетик принциплари, методологик асослари жиҳатидан бир-бирларига яқин турсаларда, адабий ҳодисаларни, конкрет бадий асарни тушуниш ва таҳлил қилишда бир-бирларидан фарқ қиладилар. Тўғри, ёш мунаққидларнинг ҳаммасининг ҳам ижодий қиёфаси, узил-кесил шаклланиб етган дейишга ҳали вақт эрта, лекин уларда шунга интилиш бор. Улар илмий тадқиқ объектлари, фикрлаш тарзлари билан, баён қилиш услубига кўра бир-бирларидан ажралиб турадилар. Масалан Т. Расуловда яхши маънодаги академизмга интилиш бор — у фикрларини атрофлича далиллаш йўлидан боради. М. Қўшмоқовда фикрий теранлик билан баёндаги образлик ва эмоционал юксаклик бир-бирига қўшилиб кетган. О. Абдуллаевда баҳсга, мунозарага мойиллик кучли. Шуниси қувонарлики, у бошқалар билан мунозарага киришганда эҳтиросга берилиб кетмайди, ҳаёлига келиб қолган нарсани пала-партиш қалаштириб ташламайди, балки рад этиб бўлмайдиган фактларни келтириш йўли билан босиқ ва боодоб тарзда баҳслашади. М. Саъдий эса адабий танқидга журналис-



## МУНАҚҚИДНИНГ БИРИНЧИ КИТОБИ

тика приёملарини олиб киришга интилади. Унинг мақолаларида публицистик руҳ кучли. У. Утаев бугунги адабий танқидчилик масалаларига қизиқади ва китобида танқиднинг ғоявийлиги, танқидчининг маҳорати масалаларини кенг ёритишга интилади. М. Сафаров кўпроқ шеърият масалаларига қизиқади ва уларни атрофлича, бутун мураккаблиги билан қўйишга интилади. Б. Норбоев ҳам, асосан шеърият масалалари билан шуғулланади. У, кўпроқ ёшлар шеърияти муаммоларини ёритишга интилади.

Хуллас, ёш мунаққидларимиз муштарак фазилатларга эга бўлиш билан бир қаторда, ўзига хос индивидуал ижодий қиёфага ҳам эга. Бу эса уларнинг китобларини таълабчанлик билан таҳлил қилишни тақозо этади.

Ёш мунаққидлар асарларининг таҳлилини Т. Расулов китобидан бошлайлик. «Бадий асар қанотлари» деб номланган бу китоб адабиётнинг назарий масалаларига бағишланган. Бу жуда муҳим, чунки бизда, соф назарий масалалар ҳамон кам ишланмоқда. Адабий жамоатчилик ҳам, китобхонлар оммаси ҳам мукамал назарий асарларни муштоқлик билан кутмоқда. Шунинг учун ҳам «Бадий асар қанотлари» яқинда босилган икки томлик «Адабиёт назарияси» китобидан айнан олинганига қарамай, илқ кутиб олинди.

Бу рисола назариянинг энг ўзак нуқталаридан бирига — сўз санъатининг спецификасини ташкил қилувчи образлилик ва образ, услуб масаласига бағишланган. Булар шу қадар кенг, мураккаб ва чигал масалаларки, уларни бир кичик рисолада тўла тадқиқ қилиб, мукамал ҳал қилиб бериш имкони йўқ. Мунаққид бунини даъво ҳам қилмайди. Шунга қарамай, Т. Расуловнинг китоби қатор фазилатлари билан адабий тафаккур ривожига муносиб ҳисса қўшади. У анча юксак илмий савияда ёзилган. Мунаққид масалага доир адабиётлардан яхши хабардор, бу соҳадаги замонавий концепцияларни ишига ижодий тарзда сингдира олган. У конкрет адабий материални ҳам пухта эгаллаган. Китобдаги кўпгина назарий хулосалар, илмий қарашлар, фараз ва таҳминлар жуда бой адабий материал билан далилланади.

Т. Расулов образ ва образлилик масаласининг айрим мунозарали жиҳатларига аниқлик киритишга эришган. Ҳозирга қадар айрим мутахассис адабиётшунослар орасида ҳам образни асар персонажи ёхуд қаҳрамони сифатида талқин қилиш, образлиликни эса фақат «образли ибора» маъносида қўллаб, бадий асар тилигагина доир ҳодиса деб қараш мавжуд. Кўпинча «образ» ва «образлилик» тушунчалари бири-бирдан фарқ қилинмайди, бир хил нарсалар сифатида талқин қилинади. Муаллиф бундай ҳолларни асосли равишда танқид қилади ва уларнинг тафовутларини аниқ очиб беради. Жумладан, у образни санъаткор тасавурининг бадий асардаги тасвири сифатида қарайди ва унинг тўғилишидаги асосларни, бадий образнинг вужудга келишида ғоя ва пафоснинг ролини, унда-

ги умумийлик ва хусусийлик, типиклик ва индивидуаллик масалаларини текширади. Тўғри, бу борада муаллифнинг қўшилиб бўлмайдиган фикрлари ҳам бор (улар ҳақида қуйроқда тўхталамиз), лекин шунга қарамай, бу мулоҳазалар образ ва унинг моҳияти ҳақида яхлит тушунча беради. Шунингдек, образлилик ҳам фақат тил ҳодисаси эмас, балки бадий асарнинг бутун структураси, ёзувчининг кечинмалари, фикрлари, дунёқарashi билан боғлиқ ҳолда рўёба чиқувчи ҳодиса экани яхши очилган.

Бу китобида «назариябозлик» касали йўқ. Муаллиф санъат табиатини нозик илган ҳолда мулоҳаза юритади. Маълумки, санъатнинг умумий қонуниятларини қуруқ такрорлайвериш билан иш битмайди. Масалан, санъат воқеликнинг образли инъикоси деймиз. Бу — жуда тўғри ва аини чоқда, ўта умумий мулоҳаза. Шу билан чеклансак, санъатнинг ўзига хос томонларини очолмаган бўлардик. Гап шундаки, санъатда умумий қонуниятларнинг амал қилиши кўпгина бошқа ҳодисаларга боғлиқ. Санъат турига, материалга, тасвирлаш принципига, санъаткорнинг ижодий индивидуаллигига кўра бу қонуниятлар ҳар гал бир-бирдан фарқ қилувчи шаклларда намоён бўлади. Шунинг учун ҳам санъатнинг ҳамма турларига бир хил андоза, қолипда ёндашиб бўлмайди. Масалан, назм билан насрни олайлик. Уларнинг иккови ҳам «объектив воқеликнинг образли инъикоси», лекин ҳар қайси воқеликни шундай ўзига хос йўл ва воситалар билан акс эттирадики, натижада бир-бирдан кескин фарқ қилувчи ҳолат майдонга келади. Тадқиқотчи улар ўртасидаги ана шу тафовутни аниқ ҳисобга олиб иш тутиши лозим. Бу фикрга «наҳотки, тадқиқотчилар шеър билан насрни фарқлай олмасалар?» деб таажжуб билдириш мумкин. Адабий тажриба шундан далолат бераптики, уларни фарқламайдиган танқидчилар бор: улар кўпинча қисса ёки ҳикояга қўйиладиган талабларни пририк шеърга ҳам қўяверади ва ҳаммасини бир мезон билан ўлчади. Натижада, китобхон қалбига бир дунё завқ бағишлайдиган, уларга руҳий озиқ берадиган яхши шеърлар, чинакам поэзия намуналари бир томонлама, камситилган ҳолда баҳоланади.

Муаллиф назарий тадқиқотни бугунги адабиётнинг бадий савиясини кўтариш учун кураш билан боғлай олган. У образ, унинг компонентлари ҳақида гапирар экан, бадий асарда акс этадиган ҳаёт ҳақиқати, реал ҳаётдан олинган оддий нусха эмаслигини алоҳида таъкидлайди. Мунаққид қуруқ нусхакашлик, бадийликка, бинобарин, санъатнинг таъсир кучига раҳна солишини мисоллар билан очиб берган. Санъаткор бу иллатлардан фақат бир йўл билан — воқеликни образли акс эттириш йўли билан қутулиши мумкин. Шу тарзда образ ва образлилик хусусида анча маъқул ва самарали фикрлар айтилганки, у бугунги адабий жараёнга ижобий таъсир кўрсатади. Аини чоқда муаллиф шундай фикрлар ва мулоҳазаларни ҳам илгари сурадики, уларга ас-

ло қўшилиб бўлмайди. У бадий образга шундай таъриф бередди. «Бадий образ деб фавқулодда муҳим эмоция қўзғовчи ягоналик билан ҳаётда бор ва бўлиши мумкин бўлган умумийликнинг (ўзига хос ҳолат ёки хатти-ҳаракатдаги) муайян ҳиссий конкретликда типиклаштириб гавдалантирилган ғоявий-эстетик бирлиги тасвирига айтилади». Бу мураккаброқ, маъхумроқ таърифда образ табиатидаги эстетик моҳият етарли даражада таъкидланмаган бўлса-да, уни, умуман, қабул қилиш мумкин. Лекин бу таъриф реалистик адабиётдаги образга тааллуқли. Бинобарин, нореалистик адабиётнинг образлиги қандай хусусиятларга эгаллиги очилмай қолган. Албатта, рисола-нинг ҳажми ва мақсадларини инобатга олиб, муаллифдан бунга талаб қилмай қўя-қолса ҳам буларди... Бироқ танқидчининг ўзи бу таърифни бутун адабиётга нисбатан қўллайди ва нореалистик адабиёт намуна-ларида уларнинг белгиларини тополмай, уларни санъатдан ташқари ҳодиса деб эълон қилади. Чунончи, индивидуалликдан маъхум образлар «ўликликка мансуб» деган фикр айтилади. Сўнг «Минг бир кеча» қаҳрамонлари таҳлил қилинади ва улар индивидуалликдан маъхум деган хулоса чиқарилади. Бу иборанинг маъноси шуки, улар санъат доирасидан ташқари туради, яъни «ўликликка мансуб». Табиийки, муаллиф «Минг бир кечани» «санъатга алоқаси йўқ» деган фикрни айтмоқчи эмас, лекин унинг истагидан қатъий назар, шундай хулоса келиб чиқяпти. Менимча, «Минг бир кеча»да ҳам, халқ оғзаки ижодининг бошқа намуналарида ҳам, шу билан бирга, романтик асарларда ҳам, албатта, индивидуаллик бор, фақат реалистик адабиётдан фарқ қилади. Тадқиқотчининг вазифаси фольклор асарларига реалистик адабиёт талабларидан келиб чиқиб ёндашиш эмас, балки уларнинг ўзига хос хусусиятларига таяниб, умумий қонуниятларнинг конкрет намоён бўлиш тарзларини ўрганишдир. Қўрамикзи, Тўлқин Расулов бир ҳолда бунга амал қилиб тўғри иш қилган, иккинчи ҳолда эса уни унутиб, бир томонлама хулосаларга йўл қўйган.

Назарий масалалар шунақаки, улар муаллифдан кенг фикрлашни, ҳар бир мулоҳаза ва ҳукми амалиёт тарозисидан ўнлаб марта тортиб кўришни, ҳар ибора, ҳар жумлада аниқликка эришишни талаб қилади. Акс ҳолда турли-туман чалкашликлар туғилаверади. Бу хусусда иккита мисол келтирамиз. Рисоланинг бир ўрнида: «Инсоният ўз тарихида материалистик дунёқарашга ўтгунча воқеликни ҳаёл пардаси орқали романтик тарзда идрок этиш ва тасвирлаш давом этаверган»,— деган жумла бор. Бу пухта ўйламай жумла тузишнинг намунасидир. Уни ўқиб, қатор савол беришингиз мумкин: а) демак, инсоният ўз тарихининг қай бир нуқтасида материалистик дунёқарашга кўчибди-да. Бинобарин, ҳозир идеалистик дунёқараш йўқ экан; б) умуман, инсониятнинг дунёқарашини қандай тушуниш керак? Конкрет синфлар, муайян ижтимоий ғуруҳлар, айрим мутафаккир,

санъаткорларнинг дунёқарашини бор, лекин «инсониятнинг дунёқарашини тасаввур қилиш қийин; в) майли, муаллиф айтганча бўла қолсин. Унда романтик тасвир — идеалистик, реалистик тасвир — материалистик дунёқарашга тўғри келадими? Бу — схема, ҳозирги илм бунинг нотўғрилигини исбот қилган. Ниҳоят, г) муаллиф фикрича ҳозир бутун дунёда материалистик дунёқараш ҳукмрон бўлса, унда шу кунларда ҳам «воқеликни ҳаёл пардаси орқали романтик тарзда идрок этиш ва тасвирлаш» асосида яратилаётган юзлаб асарларни қандай изоҳлаш керак? Қўринадики, ноаниқ ишлатилган битта жумла шунча чалкашликни келтириб чиқаради.

Китобнинг бир саҳифасида ўқиймиз: «Ўз туйғу ва фикрларининг ҳақиқат эканига ишонтиришининг бирдан-бир имконияти «ҳаётнинг ўз жонли формаси»га солиб, конкрет, нарса ёки ҳодиса сифатида ифода-дай билишдир». Биринчи қарашда, бу мулоҳаза ҳам тўғридай кўринади, лекин ундаги «бирдан-бир имконият» деган ибора ноўрин ишлатилган. Ҳозир адабиётшунослик илими исбот қилдики, реалистик адабиётда воқеликни «ҳаётнинг ўз жонли формаси»да тасвирлаш мавжуд имкониятлардан бири, ҳолос. Адабиёт ҳаётни ҳаёлий формада ҳам, фантастик формада ҳам акс эттириши мумкин. Ҳаёт конкрет воқеалар силсиласи сифатида эмас, қаҳрамоннинг ички дунёсидаги хилма-хил кечинмалар, туйғулар тасвирига қурилган асарлар ҳам бор.

Бу китобнинг иккинчи қисми услуб масалаларига бағишланган. Унда ҳам кўпгина фазилатлар мавжуд. Мунаққид бу соҳадаги чигалликларга ҳам аниқлик киритишга интилади ва «услуб», «усул», «манера», «слог» каби тушунчаларни бир-биридан фарқлаб, конкрет текширади. Муаллиф услуб масаласига тўғри ёндашган. У услубни бир қатор шаклий белгилар йиғиндиси сифатида қарамайди, балки асар бадийяти билан боғлиқ, санъаткор индивидуаллигини рўёбга чиқарувчи восита сифатида талқин қилади. Шу позицияда туриб у Ойбек, Абдулла Қодирӣ, Абдулла Қаҳҳор каби санъаткорлар услубини тадқиқ қилади. Унинг фикрича, санъаткор услубининг шаклланишида унинг шахсий тажрибаси, кўрган-кечирганлари катта роль ўйнайди. Бу фикрни у Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғуллом, Уйғун каби шоирларнинг таржимаи ҳолидаги айрим нуқталар, уларнинг услубий изланишларга кўрсатган таъсирини таҳлил қилиш билан далиллайди. Китобнинг бу саҳифалари нозик кузатишларга бой. Айни чоқда, эътироз туғдирадиган ўринлар ҳам бор. Чунончи, муаллифнинг уч шоир услубидаги ўзига хослики уларнинг болалиқда кечирган ҳаётининг ўзгачалиги билан изоҳлаши сунъий, зўрма-зўракидек тўғулади. Албатта, инсон характеридаги кўпгина сифатлар айни болалик чоғида шакллана бошлайди. Болалик хотиралари кейинчалик ижодкорнинг бутун ижоди давомида тажалли беришига шубҳа йўқ. Лекин ижодкорнинг болалик даврига абсолют қиммат бериб бў-

лармикин? Ахир, «услуг» деган нарса бир умрга берилган ўзгармас нарса эмас. У доимо такомиллашиб, ҳаракатланиб, ўзгариб туради. Қолаверса, чинакам санъаткорларнинг бутун ҳаёти ўз услубини излашдан, уни мукамаллаштиришдан иборат. Бу жараёнда унга болалик таассуротлари билан бир қаторда яна бошқа кўпгина омиллар таъсир этади. Шунингдек, услуб соҳасида Т. Расулов қарашларига тўғри келмайдиган бошқа ҳодисалар ҳам мавжуд. Масалан, адабиёт тарихи шундай санъаткорларни биладики, улар бир вақтнинг ўзида бир неча хил услубда ижод қилганлар. Гоголни эслайлик. Унинг «Диканка қишлоғи оқшомлари» китобидаги асарлари кўтаринки романтик услубда, «Миргород» юмористик услубда, «Улик жонлар» гротеск услубида ёзилган. Бундай мисоллар кўп. Уларни қандай изоҳлаш керак? Хуллас, бу мулоҳазалар шундан далолат берадики, адабиёт ҳодисалари гоёат хилма-хил, ранг-баранг, мураккаб. Улар ҳадеганда биз истаган қолипга тушавермайди. Тадқиқотчи адабий ҳодисаларнинг ана шу кўп қиррали жиҳатларини ҳисобга олмоғи шарт.

Т. Расулов китобидаги баҳсалаб бундай ўринлар мунаққид билимларининг заифлигини кўрсатмайди. Булар мустакил фикрлашга, ижодий изланишга интилган ҳар бир ижодкор асарига бўлиши мумкин. «Бадиий асар қанотлари» китобхон савиясини оширишга ёрдам бериши билан бирга, уни ҳам фикрлашга ундайди.

М. Қўшмоқовнинг китоби ўзбек халқ оғзаки ижодига бағишланган. Яширишнинг ҳолати йўқ — биз кўпинча фольклор намуналарини бажонидил ҳузур қилиб ўқиймиз-у, улар ҳақида ёзилган илмий мақолалар ёхуд китобларни унча ҳам хуш кўравермаймиз. Лекин бу гал китобчадаги Булунғур дostonчилик мактаби ва Фозил шоир ижодига бағишланган мақолани, Жуманбулбул ва Тилла кампир ҳақидаги эсселарни шавқ билан ўқиб чиқдим ва эстетик завқ олдим. Шунинг эъза эканман, айрим фольклоршунос мутахасссларнинг бу китобга ғашланиб бераётган баҳоси эсимга тушди. Чунончи, яқинда бўлган йиғинлардан бирида таниқли фольклоршунослардан бири «Қўшмоқовнинг китобида ҳеч қандай янгилик йўқ, ундаги гаплар кўпдан бери илмга маълум» деган фикрни айтди. Мен мутахассс эмасман, фольклоршунослар билан беллашишга чоғим келмас, лекин шундай бўлса-да, муҳтарам олимимизнинг фикрига қўшилмасликка журъат этаман. Тўғри, М. Қўшмоқовнинг китобида илмга маълум гаплар кўп тилга олинади. Масалан, Булунғур ва Кўрғон дostonчилик мактабларининг хусусиятлари, уларнинг вакиллари, Фозил шоирнинг ижоди, Жуманбулбул ва Тилла кампир ҳақидаги материаллар, «Ойсулув» дostonидаги мотивларнинг Тўмарис ҳақидаги ривоятларга яқинлиги фольклоршунослик илмига илгаридан маълум эди. Бу маълумотлар В. М. Жирмунский ва Ҳ. Т. Зарифовнинг «Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси» асарига 1947 йилдаёқ эълон қилинган. Ле-

кин шуниси борки, муаллиф бу материалларга мурожаат қилар экан, бирон ўринда буларни ўзи биринчи бўлиб кашф қилаётганини даъво этмайди. Биланс, у мазкур китобга ҳам, бошқа ўзбек ва рус фольклоршуносларининг асарларига ҳам, ҳатто С. П. Толстов, В. И. Авдиев каби олимларнинг тадқиқотларига ҳам таяниб иш кўришини қайта-қайта таъкидлайди. Лекин ёш мунаққид уларнинг фикрлари доирасида қолиб кетган эмас, балки тадқиқ қилинаётган масалаларга ўзининг оригинал ва теран муносабатини ҳам билдирган. Натижада бу масалалар ўқувчи нигоҳи қаршисида кутилмаган янги қирралари билан жилоланади.

Бу китобнинг фазилатларидан бири — муаллифнинг оғзаки ижод намояндаларига — халқ шоирларига бениҳоя илиқ, чуқур эҳтиромида кўринади. «Шоирлар халқнинг асил, туғма хусусиятларини бадиий гадалантирувчи, халқни оёққа турғизувчи ва илҳомлантирувчи, тарихий инқирозлардан кейин халқ юрагининг қақнуси бўлгучи кишилар» деб ёзади у. Муаллиф бу фикрни Фозил шоир, Жуманбулбул, Тилла кампир каби санъаткорларнинг тақдир орқали муайянлаштиради. Мунаққид бу шоирларни сўз санъатида тенгсиз жаҳоҳирлар яратган буюк санъаткорлар деб билади. Масалан, Фозил шоирнинг буюклигини у «бизларга танитган одамзод иқлимлари ранго-ранг ва ўзига ҳок» эканида кўради. Шу фикрдан келиб чиқиб, у Фозил шоир репертуаридаги дostonларда учрайдиган ранг-баранг инсон характерларини яратиш маҳоратини тадқиқ қилади. Алпомиш, Барчин, Қоражон, Гўрўғли, Авазжон каби характерларни текширганда у жуда синчков нигоҳ билан аjoyиб кузатишлар қилади ва чуқур хулосалар чиқаради.

Ниҳоят, бу китобда яна бир янгилик бор — мунаққид халқ ижодига ҳам олим, тадқиқотчи, ҳам шоир кўзи билан қараган ва яхши самарага эришган. Шундан хулосага келиш мумкинки, бугун турли хил илмлар бир-бирига яқинлашиб, ҳамкорликка киришган нуқталарда йирик муваффақиятларга эришмоқда, янги кашфиётлар бунёдга келмоқда. Шундай экан, халқ ижодини текширувчи олим ўз шахсиятида ҳам фольклоршунос, ҳам тарихчи, ҳам этнограф, ҳам тилшунос, ҳам адабиёт назариячиси, ҳам шоирни бирлаштириш йўлидан борса, шунга интилса, бу йўлда уни улкан муваффақиятлар кутмаётимикин? Бу йўл халқ ижодининг ранго-ранг бойликларини дадироқ ва тугалроқ кашф этишга олиб бормасмикин?

М. Сафаров, О. Абдуллаев ва Б. Норбоевларнинг китоблари, асосан, шеърят масалаларига бағишланган. Тўғри, уларда бошқа жанрларга тааллуқли гаплар ҳам бор. Жумладан, М. Сафаров ҳозирги ҳикоячилик ёхуд танқидчилик ҳақида ҳам баҳс юритса, О. Абдуллаев бугунги танқид муаммоларини ёритишга ҳаракат қилади. Шундай бўлса-да, бугунги шеърят масалалари уларда асосий ўринни эгаллайди.

Ёш мунаққидлар асосан адабиётга 60—70-

Йилларда кириб келган ва ижодлари ҳали етарлича таҳлил қилиниб, муносиби баҳосини олмаган ёшларга эътиборларини қаратганлар. Улар аллақачонлар кўпчилик томонидан эътироф қилинган шоирлар ҳақидагина эмас, Рауф Парфи, Маъруф Жалил, Машраб Бобоев, Жамол Камол, Олимжон Холдор, Абдулла Шер, Муҳаммадали Қўшмоқов каби ёшлар ижодини ҳам атрофлича таҳлил қилганлар. Шеърят ҳақидаги бу мақолаларда яна бир фазилат бор — улар ўз тенгқурлари ижодини таҳлил қилганда, қуруқ баёнчилик йўлидан бормайдилар, аксинча, конкрет адабий фактларни адабий жараён билан боғлаб ўрганишга, ёшлар ижодини муҳим муаммолар, жиддий масалалар фонида таҳлил этишга интиладилар. Масалан, М. Сафаров традиция ва новаторлик масаласини бугунги шеърятнинг ҳаққонийлиги ва ҳаётийлиги билан боғлашга интилган. О. Абдуллаев китобида ҳам классик адабиётимиз традицияларининг роли, шоирнинг ижодий индивидуаллиги, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Шайхзода каби улкан совет шоирларининг бой ижодий тажрибаларидан ўрганиш, ёшлар шеърятдаги услубий изланишлар анча кенг ёритилган. Б. Норбоев ёшлар ижодини шеърятнинг ижтимоий эстетик функциялари, граждандлик ва ғоявийлик проблемалари билан боғлиқ равишда таҳлил қилади. Проблемаларнинг қўйилиши, улар ҳақида атрофлича мулоҳаза юритишга уриниш яхши самаралар берган: ёш мунаққидлар бугунги адабий жараённинг муҳим хусусиятлари, етакчи тенденциялари ҳақида анча теран фикрлар айтишган, салмоқли хулосалар чиқаришган. Масалан, М. Сафаров «адабий авлод фақат хронологик ҳодиса эмас» деб қарайди. У «адабиётдаги ҳар бир янги ёзувчилар авлоди замондошларнинг маънавий қиёфасидаги типик, характерли тарихий-ижтимоий янгиликларни бадий кашф этиши, ана шу йўл билан адабий тараққиётга сифат ўзгаришлари олиб кириши керак» деб масалани тўғри қўяди ва уни аниқлашга ҳаракат қилади. Бу, менимча, ҳар қайси авлоднинг адабиётдаги ўрнини, ўзига хос қиёфасини белгилашда бирдан-бир тўғри йўлдир.

О. Абдуллаев ҳам ҳозирги шеърятимиз хусусиятларини тўғри белгилайди. У ёзади: «Кейинги йилларда шеърятимизнинг энг катта ютуқларидан бири қуруқ риторика ва баёнчиликнинг камайгани бўлди. Шеърга маъсулият, талабчанлик билан қараш, ижодкорнинг давр ва инсоният олдидаги бурчини ҳис қилиш кучайди». Муаллиф бунинг оқибатида шеърятимизда пайдо бўлаётган ижобий фазилатларни ҳам умумлаштиради: «Ҳозирги шеърятнинг ижтимоий салмоғи ошиб кетди. Поэзияда интеллектуаллик кун сайин кучайиб бормоқда, фалсафийлик чуқурлашмоқда. Ҳаёт ва оламни яхлитликда, тараққиётда ҳис қилиш, инсон умрининг мазмуни ҳақида теран фикрларга берилиш, даврнинг энг қайноқ, энг долзарб мавзуларини жўшқинлик билан куйлаш бугунги кун шеърларига чуқур мазмун ва оҳангдорлик бағишла-

моқда». Ана шундай тўғри методологик принципларга таяниб, мунаққидлар бугунги поэзиямизда ҳамон учраб турадиган сохта новаторлик, фикрий саёзликни, мазмун қашшоқлигини, бир томонлама шаклий изланишларни қаттиқ танқид қилдилар. Уйлайманки, буларнинг барчаси адабиётимизнинг ривожига учун муҳим аҳамиятга эга. Лекин бу ёш мунаққидларнинг адабиётга, шеърятга, ёшлар ижодига ёндашишида принципиал камчиликлар ҳам бор. Масалан, М. Сафаров традиция ва новаторлик проблемасини тўғри қўйган ҳолда, масаланинг айрим қирраларини ёритишда нотўғри фикрларни олға суради ва беихтиёр қараматоқчиликка ўралашиб қолади. У новаторликни «ҳаётни мураккаб ҳамда яхлит тараққий этаётган бир жараён сифатида янгича тушуниш, ҳаёт тўғрисидаги янги ғоявий концепцияни ҳаққоний баёдалашга имкон берадиган реалистик ифодий система яратишдир» деб тўғри белгилайди. Шундан кейин Ҳамза, Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Комил Яшин, Уйғун каби сўз санъаткорларини новатор ёзувчилар сифатида таърифлайди. Бу фикрлар тўғри. Лекин шундан кейинги мулоҳазага мутлақо қўшилиб бўлмайди. Муаллиф ҳозирги ёшлар ижодини шу улкан санъаткорлар ижодига таққослаб, «шубҳасиз» ёшлар ижодига эришилган ютуқлар уларнинг ютуғи билан баҳслаша олмаслиги мумкин» деб хулоса чиқаради. Бундан бир оз олдинроқ эса у «ёшлар ижодига нисбатан «новаторлик» тушунчасини сўзнинг юксак маъносиде қўллаб бўлмайди» деган фикрни айтган эди. Агар бу фикр тўғри бўлса, табиийки, адабий жараёнга янги сифат ўзгаришлари олиб кираётган авлод ҳақида сўз юритиш ҳам мумкин эмас. Мунаққид буни тушунади ва шу саҳифа давомида «биз шеърятдаги янги авлод ижодидаги новаторлик тенденцияларини, новаторона изланишларни ва бу изланишларнинг адабий аънаёларга алоқаси масаласини ижодий практиканинг реал факти сифатида бемалол таҳлил предмети қилиб олишимиз мумкин» дея ўз фикридан чекинади. Масаланинг бу тарзда қўйилиши жиддий эътирозлар туғдиради. Нега энди ёшлар ижодига тўғри авлод вакилларининг ижодидан «шубҳасиз» паст туради деб қараш керак? Нега уларга нисбатан «новаторлик» тушунчасини сўзнинг юксак маъносиде қўллаб бўлмас экан? Масаланинг бундай қўйилиши ўта бемаъни эканини ҳамма яхши билади. Бундай йўл билан адабий жараённинг характерли хусусиятларини ҳам, адабий ривожланишнинг сифатларини ҳам, ҳар бир янги авлоднинг ўзига хос ижодий қиёфасини ҳам очиб бериб бўлмайди. Бундай таққосларда адабиётшунослик ва танқидчиликка чинакам илмийлик баҳш этувчи тарихийлик принципи бузилган. Биз ғайри тарихий мавҳум таққослар йўлидан эмас, ҳар бир адабий ҳодисани уни туғдирган ва шакллантирган конкрет ижтимоий-маънавий омиллар билан узвий алоқада таҳлил қилиш йўлидан бормоғимиз керак.

Танқидчилик ғоят мураккаб ва нозик иш.

Унда кўтарилаётган ҳар бир масалани, олдига суриллаётган ҳар қайси мулоҳазани атрофлича пухта ўйлаб кўриш, унинг ҳамма жиҳатларини иноватга олиш талаб қилинади. Биласан, зоҳиран тўғридай кўринган мулоҳаза ёки хулоса тескари натижага олиб келиши мумкин. Буни М. Сафаровнинг ҳам, О. Абдуллаевнинг ҳам айрим фикрлари яққол тасдиқлайди. Масалан, дидактика масаласини олайлик. Хўш, шеърятда, лирикада дидактикага ўрин борми? Бу саволга кўпчилик, жумладан, М. Сафаров ҳам салбий жавоб беради. У ёзади: «баъзи ҳолларда шеърятни фалсафийлаштириш йўлидаги уринишлар... бир оз жиддий фалсафийроқ дидактикани вужудга келтиряпти». Кейин шундай хулоса чиқаради: «Насихатгўйлик оҳанги шеърятнинг табиий жозибасига, самимий руҳига зид». Бу фикрлар тўғри — мен уларга тўла қўшилиман. Лекин масаланинг бир нозик томони ҳам бор: умуман, шеърятдан дидактикани қувлаб чиқариб бўлармикан? Дидактика, яъни бой ва ранго-ранг ҳаётнинг тажрибалардан чиқариладиган ибратли хулосалар, доно умумлашмалар, ҳар доим ҳам жуда кўп лирик шеърларнинг мағизини ташкил қилмаганими? Мен бу ўринда бир вақтлар адабиётнинг мустақил жанри сифатида шаклланган дидактик поэзияни кўзда тутаётганим йўқ. Бу фикрни Навоий ёхуд Фузулий, Пушкин ёки Лермонтов ижодидан олинган мисоллар билан ҳам исбот қилиш мумкин. М. Сафаров ҳам буни яхши билади. У анъана ва анъанавийлик масаласини тадқиқ қилишда давом этар экан, «классик назмда дидактизм — ҳаётнинг донишмандлик эди. Ёш шоирларимиз донолик билан ақлбозликни аралаштириб юбормасликлари керак» деб ёзади. Шундай экан, дидактикани умуман олиб, унга қарши курашиб бўлмайди. Адабиётни ҳаёт дарслиги дейишади. Шу таърифнинг ўзида дидактика сўз санъатининг табиатида мавжуд эканига ишора бор. Ҳаёт ҳақидаги, инсон тўғрисидаги ибратли хулосаларсиз, доно мулоҳазаларсиз адабиёт йўқ. Ҳамма гап асарда дидактик элементларнинг қай тарзда ифодаланишида. Улар адабиёт қонуниятларига кўра образли ифодаланса, асарнинг моҳиятига сингиб, ундаги воқеалар ва характерлар тақдирдан табиий келиб чиқса, яхши. Аксинча, улар асарда қуруқ ва яланғоч ифодаланган, зўрма-зўраки ёпиштирилган бўлса, бу—ёмон. Шеърятда дидактизмни танқид қилар эканмиз, масалани конкретлаштириб қўйганимиз маъқул, токи дидактизм деганда қандай ҳодисани назарда тутаётганимиз аниқ бўлсин.

Худди шунга ўхшаш ҳодисалар О. Абдуллаев китобида ҳам учрайди. Бир ўринда, у ёзади: «Шеърда, албатта, муҳим фалсафий фикр, ижтимоий фойдали гап, юрак дарди бўлиши керак». Жуда тўғри фикр, айти ҳақиқат! Бу талабни деярли ҳамма танқидчилар ва шоирларнинг ўзлари ҳам бот-бот тақдорлаб туришади. Унга қарши эътироз билдириб бўлмайди. Шундоқ бўлса-да, мен шу фикр муносабати билан

баъзи мулоҳазаларни ўртага ташламоқчиман. Биз ҳамма вақт, ҳар қайси шеърдан муқаррар тарзда янги гап талаб қилишимиз ўринлимикан? Ҳа, поэзия юрак дардидан туғилади, шеърят ижтимоий фойдали бўлиши керак. Айти чокда шеърят шу қадар ранг-баранг, шу қадар хилма-хил ҳодисаки, у танқидчи И. Фафуров ёзганидек, таърифларга сиғмайди. Бунга илова қилиш мумкинки, шеърят тор талаблар қолипига ҳам сиғмайди. Инсон қалбидagi ранг-баранг ва ўткинчи туйғуларни ифодаловчи шеърларни олайлик. «Кеча келгумдир дебон» деб бошланадиган машҳур ғазалга ёхуд Э. Воҳидовнинг узум ҳақидаги ғазалига «янги гап» талаби билан ёндашиб бўлармикан? Агар ҳар бир шеърдан ошқорра, яланғоч ижтимоийлик талаб қилинса, шеър таҳлилида мунаққиднинг ўзи қийналиб қолмасмикан. Масалан, М. Сафаровга ўхшаб. У Э. Воҳидовнинг «Ёшлик девони»даги лирик қаҳрамон ҳақида ёзади: «У ёр васлига эришган ва муҳаббат нашъасидан баҳраманд бўлган шахс. У классик шеърятимизнинг лирик қаҳрамонидай ёр ҳажрида ўртаниб, сарсону овора бўлмайди, севгилисини лола сайлига бемалол тақлиф этади ва ёри ҳам рози бўлади». Бу тавсиф масалани жуда жўнлаштириб юборган. Шеърни бундай талқин қилиш, жўнлаштириш М. Сафаров китобида кам учрайди. Юқоридаги мулоҳазалардан қандай хулоса чиқариш мумкин? Мен, албатта, шеърятимизнинг энг муҳим принципига — унинг ижтимоий фойдалилигига, мазмунининг ҳаётийлигига, эҳтиросининг жўшқинчилигига қарши чиқаётганим йўқ. Аксинча, буларнинг ҳаммасини жуда муҳим деб эътироф этган ҳолда, таърифлар, қондалар ва талабларимизни абсолютлаштирмаслик кераклигини, ҳар бир шеърдан умумий талабларнинг мукамал тажассумини излаш нотўғрилигини таъкидламоқчиман, холос.

Б. Норбоев ҳам «Курашчан шеърят» китобида поэзиямизнинг истиқболини, ҳаётийлиги ва бадийлигини ўйлаб қалам тебратган. У таҳлил қилаётган материални яхши билади, муҳим проблемалар нуқтаи назардан бугунги адабий жараёнга ёндашади. Бу китобда ҳам қатор нозик кузатишлар, теран фикрлар бор. Айниқса, «Шеър — юрак тўғриси» ва «Уфқларни кўзлаган ёшлик» деган мақолалар яхши таассурот қолдиради. Улар мунаққиднинг қобилиятдан нишона. Лекин бошқа мақолаларда мунаққид ўз мақсадларига эриша олмаганини ҳам алоҳида таъкидлаш керак. Бу китоб ҳақида матбуотда билдирилган танқидий фикрларга қўшилмоқ лозим. Хўш, Б. Норбоев китобидаги заифликлар нимادا кўринади? Менимча, адабий жараёндаги мураккаб ҳодисаларнинг моҳиятига чуқур кира билмасликда, кўпгина муҳим проблемаларни жўн ва бир томонлама талқин қилишда, поэзия табиатини эътиборга олмамай, шеърят зиммасига тўғри келган вазифаларни юклайверишда, бадий асар таҳлилида меъёрнинг ноаниқлигида ва ниҳоят, шоирлар шахсига етарли эҳтиромнинг йўқлигида кўринади. Бундай жиддий қусурлар-

нинг олди олинмаса, улар фақат Б. Норбоевнинг эмас, умуман, адабий танқидчиликнинг мавқеига путур етказиши мумкин. Шунинг учун уларга батафсилроқ тўхташ керак.

Китоб «Шеър руҳи — давр руҳи» деб аталган мақола билан бошланади. Бу мақолада мунаққид шеърятимиз тарихига ҳам назар ташлайди, унинг ривождаги асосий хусусиятларни белгиламоқчи бўлади. Бу — тўғри ва самарали йўл. Аммо эътироз туғдирадиган жойи шундаки, у шеърятимиз тарихини ўта бир томонлама, ғайри илмий тарзда талқин қилади. Унинг фикрича, «инқилобгача яратилган шеърларнинг кўпчилик қисмини ҳаётдаги ғам-аламларни, қора бўёқларни инкор қилувчи шеърлар ташкил қиларди». Очигини айтганда бу жумланing маъносини яхши ўқа олмадим—ахир, шеърят ёхуд кенгроқ олсак, умуман, адабиёт қандай қилиб «ҳаётдаги ғам-аламларни» инкор қилиши мумкин? Улар адабиётнинг тасдиғи ёхуд инкорига мутлақо боғлиқ эмас-ку? Мунаққид совет шеърятга ҳақида ёзади: «Янги тузум ғалаба қилиши билан шодлик ва бахтиёрлик мотивлари кўпроқ янграй бошлади». Бу фикр ўз-ўзича олганда — тўғри, лекин кўшилиб бўлмайдиган томони шундаки, бу хусусият муайян давр шеърятининг бош хусусияти, бош йўналиши деб эълон қилинади: «Шу асосда поэзиямизда қувонч ҳисларига йўғрилган асарлар кўпроқ яратилди ва улар шеърятнинг бош йўналишини белгилаб берди. Шу тариқа шодлик ва қувонч ҳисларини қалбига жойлаб олган, шу туйғулардан бошқасини тан олмайдиган романтик қаҳрамонлар пайдо бўлди». Бу тенденция, мунаққиднинг фикрича, 50-йилларнинг ўрталаригача давом этган. Шундан сўнг адабиётга, шеърятга янги авлод — ёшлар кириб келди. Улар «қусурларни эътироф этувчи қаҳрамонларнигина эмас, бу камчиликларга қарши курашувчи қаҳрамонларнинг образларини ҳам яратдилар! (Ундов белгиси мунаққидники.— О. Ш.). Шу тариқа, шеърятимизда фидойи қаҳрамонлар пайдо бўлиб, улар ўзларининг программаларини эълон қила бошладилар». Масаланинг бу тарзда қўйилиши ғоят чалқаш ва бир томонлама. Мунаққид поэзия тарихини сунъий равишда икки даврга бўлади: биринчисида шодлик ва бахтиёрлик мотивлари янграган-у, романтик қаҳрамонлар яратилган, иккинчи даврда эса камчиликлар ҳам фош қилинган-у, фидойи қаҳрамонлар яратилган. Бу ердаги схемалар, субъективлик ўз-ўзидан кўриниб турибди: ахир, 20—30-йилларда ўзбек шеърятга ғоят мураккаб курашлар даврини кечирди, ғойий жангларда унинг янги эстетик принциплари шаклланди, Ҳамза ва Сўфизода, Ғафур Ғулум ва Ойбек, Ҳамид Олимжон ва Усмон Носир, Уйғун ва Шайхзода каби шоирлар дурдона асарларини худди шу даврда яратдилар. Уларнинг энг яхши асарлари том маънода ҳаётий, бу асарларнинг мазмуни ҳам ҳаёт каби ранго-ранг. Наҳотки, бир-бирига ўхшамаган, ҳар қайсиси шеърятни ўзининг бетакрор индивидуаллиги билан бойитган

шу шоирларнинг ҳаммаси фақат «шодлик ва бахтиёрлик мотивларини янграган» бўлса? Бундай дейиш поэзия тарихини, у ҳисоб ўтган мураккаб кураш йўлини, унинг турфа хил хусусиятларини жунлаштиришдан ўзга нарса эмас.

50-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб шаклланган поэзияни эса қусурларни танқид қилувчи поэзия сифатида қараш ҳам нотўғри. Умуман, поэзия тарихига, унинг тараққиёт босқичларига «кижобийни тасдиқлаш», «иллатларни фош қилиш» нуқтаи назаридан эмас, поэзияда ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш, инсоннинг руҳият олами очиш принципларининг эволюцияси нуқтаи назаридан қараш керак.

Б. Норбоев шу мақоласида «конфликтсизлик назарияси»ни таҳлил қилар экан, уни келтириб чиқарган манбаларни ҳам ғоят бир томонлама изоҳлайди. Унинг тасдиқлашича, бу «назария»ни туғдирган асосий сабаб... бизнинг фашизм устидан қозонган ғалабамиз эмиш. У ёзади: «Одам-хўр фашизм устидан қозонилган ғалаба кишиларимиз қалбига ўз мардлигидан, шижоатидан фахрланиш туйғуларини тўзғитиб (?) юборди». Бунинг натижасида «кишиларимиз руҳидаги бу хил туйғу ва ҳислар шоирларимиз қалбига ва онгига, қолаверса адабиётимизга, шеърятимизга кучли таъсир кўрсатди» ва «оқибатда шоирларимизнинг услуби ўзгариб, кўпинча шон-шарафлар, мадҳу-саноларга тўла шеърый мисралар майдонга кела бошлади». «Конфликтсизлик» иллати жуда ёмон иллат. Унга қарши ҳозир ҳам курашмоқ керак. Бунинг учун бу иллатнинг моҳиятини тўғри аниқлаш лозим. Б. Норбоев эса буни анча жўн тасаввур қилади ва уни туғдирган реал ижтимоий-маънавий сабабларни нотўғри белгилайди. Ниҳоят, бу мақоладаги яна бир принципиал нотўғри қарашга дуч келамиз. Мақоланинг бошидан охиригача мунаққид 50-йиллар шеърятини ҳозирги шеърятга қарама-қарши қўйиш йўлидан боради. Унинг фикрича, 50-йилларда, яъни «конфликтсизлик» назарияси ҳоким бўлган даврда шеърятимизда биронта ҳам воқеа бўлишга арзийдиган асар яратилмаган, у фақат юзаки, ҳаётни бўяб кўрсатадиган асарлардан иборат бўлган. Мунаққид бу фикрини менинг бир мақоламдан келтирилган кўчирма билан тасдиқламоқчи бўлади. Ҳолбуки, менинг мақоламда мунаққид келтирган фикр билан бир қаторда «конфликтсизлик» назарияси тўғрисида совет адабиёти ривожланишдан тўхтаб қолмагани, худди шу даврда ўзбек адабиётининг ўнлаб асарлари бутуниттифоқ ўқувчисининг эътиборига сазовор бўлгани ҳақида гап боради. Уйлайманки, масаланинг бу тарзда қўйилиши тўғри. «50-йилларда адабиёт фақат қусурлардан, заифликлардан иборат эди, фақат кейинги даврдагина бу иллатлардан қутулиб, ривожланишнинг катта йўлига чиқиб олди» деб тасдиқлаш эса тарихий фактларга батамом зиддир. Бундай концепция адабиёт ривождаги икки босқични бир-бирдан ажратиб қўяди ва ҳар хил авлод вақилларини бир-бирига қара-

ма-қарши қўйишга олиб келади. Ниҳоят, бу 50-йилларда яратилган анча-мунча бақувват ва яхши асарларни ноҳақ камситишга, қоралашга сабаб бўлади.

Б. Норбоев бугунги шеърят масалаларини таҳлил қилганда ҳам кўпгина муҳим проблемаларни анча чалқаш ва саёз савияда қўяди. У гражданлик масаласига махсус мақола бағишлайди. («Гражданлик — курашчанлик»). Бироқ унда адабиётимизнинг энг муҳим принципларидан бири бўлмиш — гражданлик принципи нотўғри ёритилган. Аввало, муаллиф «гражданлик» тушунчасининг умумий маъносига қарши чиқади. Унинг фикрича, гражданлик бурчини «ҳалол меҳнат қилиш, пок яшаш» деб тушуниш қисман тўғри, холос. Хўш, танқидчи бу масалани қандай тушунади? Унингча, «меҳнатқашларнинг гражданлик бурчи фақат ишлашдан, моддий неъматлар етиштиришдан иборат бўлса, улар жамият олдида кўндаланг турган вазифаларни ҳал этишда қатнашмаса, дунёдаги энг кичик ўзгаришлардан тортиб энг буюк инқилобий кўтарилишларгача (ҳатто айтиш мумкинки, Октябрь инқилоби ҳам) юз бермаслиги, инсоният ҳаётида жиддий ривожланиш бўлмаслиги мумкин эди». Жумланинг ғализлигига эътибор бермай қўяқолайлик-да, унинг мазмунига назар ташлайлик. Мунаққид нима демоқчи? Гражданлик меҳнат қилишнинг ўзи эмас, жамият олдида турган вазифаларни ҳал қилишда қатнашишдир деган гапни тасдиқлаётми. Лекин нима учун бу икки тушунчани бир-бирига қарама-қарши қўйиш керак. Ахир, ҳар ким ўз соҳасида ҳалол ва виждонан меҳнат қилиши «кўндаланг» вазифаларни ҳал қилишда қатнашиш дегани эмасми? Ёхуд ҳар ким меҳнатини бажариб бўлиб, бу вазифалар ҳақида нутқ сўзлаши ёхуд бир-икки соат ўйланиши керакми? Мунаққид поэзиянинг гражданлигини ҳам бир томонлама талқин қилади. Унинг фикрича адабиётнинг, поэзиянинг гражданлиги фақат ҳаётдаги камчиликларни, қусурларни, иллатларни фош қилиш билан белгиланади. Албатта, бундай талқин гражданлик принципини жуда торайтириб қўяди ва шеърят ривожини бир томонлама йўлга солиб юбориши мумкин. Фақат бу масалада эмас, балки шеърларда меҳнат мавзусини ишлаш ва меҳнат кишини образини яратиш масаласида ҳам мунаққид нотўғри ва чалқаш позицияда туради. «Ҳа-миша меҳнат майдонида бўлиш, бутун ҳаётини ишлаб чиқариш ва жисмоний меҳнат билан боғлаш яхши, аммо бунда кишининг ўз қобилиятини, маънавий дунёсини ўстириш учун, ижтимоий проблемаларни ҳал қилишда қатнашиш учун вақт оз қолса, бу меҳнатни қўллаб-қўлтиқлаб бўлмайди». Бу гапнинг ҳам маъносини уқиб олиш жуда қийин. Муаллиф нима демоқчи? Иш соатини камайитириш керак деяптими? Ёки ишдан кейин «проблемаларни ҳал қилишда қатнашиш керак» демоқчимиз? Борди-ю, меҳнат шароити бунга йўл қўймаса-чи? Айтайлик, пахта терими фаслида бир ҳафта ёхуд ўн кундан сўнг ҳаво айнаши, қор ёки ёмғир ёғиши маълум бўлиб қолди. Унда нима қи-

лиш керак? «Ўз қобилиятини, маънавий дунёсини ўстириш учун» вақт кўп қолсин деб, оқшом тушмасдан даладан чиқиб, уйга ё клубга жўнаган маъқулми ёхуд бор кучини ишга солиб, ҳамма имкониятлардан кенг фойдаланиб, баъзан эса ҳатто уйқуни, оромни ҳам тарк этиб, худди жанговар шароитдагидек уюшқоқлик билан меҳнат қилиб, ҳосилни йиғиб олса ҳам бўлаверадими? Шундай булса, бу меҳнатни «қўллаб-қувватлаб» бўладими, йўқми? Мен сезиб турибман — Б. Норбоев бу саволга, албатта, «қўллаб-қўлтиқлаш керак» деб жавоб беради. Юқорида келтирилган парчада ҳам у инсон ҳаёти фақат меҳнатдан иборат эмас, бошқа томонларга ҳам эга, меҳнат кишини тасвирлаганда шу томонларга ҳам эътибор бериш керак демоқчи. Бироқ бу фикрни у шу қадар чалқаш ифодаланганки, натижада мантиқан мунаққид кутмаган хулосалар келиб чиққан.

Б. Норбоевнинг китобида шеърят спецификасини инobatга олмай, унинг олдида ҳар хил талаблар қўйиш, сўнг эса ўзи қўйган талабларни қолипга айлантириб, (Норбой Худойбергенов ибораси билан айтганда, «танқид тоғораси» ясаб олиб), конкрет асарларни шу қолипга солиб кўриб баҳолаш ҳам кўп учрайди. Мана, Б. Норбоев поэзия зиммасига юкланган талаблардан баъзилари:

«Биз лирик қаҳрамон босиб ўтган йўл батафсил кўрсатилсин демоқчи эмасми. Лирик шеърда батафсилликдан воз кечилгани маъқул. Аммо шоир... қандай йўллар билан бўлмасин (таъкид бизники — О.Ш.) ўз қаҳрамони фаолиятидаги муҳим ўзгаришларни ишонари далиллаши керак».

«Ҳадеб ҳаётдан гўзаллик ахтаравериш, ижобий хусусиятларни таъкидлашга зўр бераверишнинг ўзи ҳам бадиий заиф шеърларнинг кўпайиб кетишига, шеърятнинг ифода воситаларида бир хилликнинг, рангсизликнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди».

«Шеърят адабиётнинг бир бўлаги сифатида... ҳар бир касбнинг ўзига хос томонларини поэтик тил воситасида бор қийинчиликлари ва мураккабликлари билан очиб бериши лозим». Мунаққид бу талабдан келиб чиқиб, бугунги шеърят аҳволини қўйидагича баҳолайди: «Бу жиҳатдан олиб қараганда ўзбек совет поэзисини, айниқса ёшлар шеърятини анча камбағал экани сезилади. Шеърятимизда ҳар бир соҳа кишининг эмас, ҳатто ишчилар, зиёлилар меҳнатининг чигал жиҳатларини очиб берувчи, қалбимизда улар қилаётган ишга муҳаббат уйғотувчи шеърлар оз...»

Ўйлайманки, бу парчаларни изохлаб ўтиришнинг зарурати йўқ — уларнинг савияси, поэзияга унча алоқадор эмаслиги ўз-ўзидан кўриниб турибди. Поэзия табиатини етарлик тушунмаслик оқибатида Б. Норбоев конкрет шеърлар таҳлилида ҳам аниқ мезон ва меъёрга амал қилмайди. Натижада қарама-қарши баҳолаб, асоссиз мақтовлар ёхуд, аксинча, ноўрин танқидлар кўпайиб кетган, баъзан эса у шеърдаги эстетик бойлиқни очиш ўрнига асар моҳиятини бир

томонлама ўта ғариб ҳолда изоҳлайди. Масалан, китобнинг бошида мунаққид Саид Назарнинг «Зафар-ла безанди бизнинг асримиз» деган мисрасини «худа-беҳудага лоф уриш» деб атайди. Кейинроқ эса Омон Матжоннинг «Зафар заридан унинг ҳар саҳифаси» мисрасини келтириб, бу «давримизга хос айрим тараққиёт жараёнларини тасаввур этишимизга ёрдам беради» деб ижобий муносабат билдиради. Мен бу мисралар ўртасида моҳият эътибори билан ҳеч қандай тафовут кўрмадим. Шундай экан, нега уларнинг бири мақтовга сазовор-у, иккинчисини чангитиб сўкиш керак?

Конкрет шеърлар таҳлилидан бир мисол. Мунаққид А. Ориповнинг «Уйларим» шеъри ҳақида ёзади: «Шоир ўзининг бу асари билан икки муҳим вазифани бажаради; ҳам тарбия ишидаги чалкашликларга муносабат билдиради, ҳам 50-йиллардаги конфликтсизликка зарба беради». Менимча, бу шеърнинг ғоявий мазмуни нотўғри очилган — мунаққид уни ўта тор утилитар нуқтаи назардан баҳолаган, натижада унда ифодаланган теран фикрлар, эҳтиросли туйғулар қолиб кетаверган. Бундай таҳлил шеъринг асарининг эстетик яхлитлигига путур етказиши, уни қуруқ фикрлар мажмуасидан иборат бўлган оддий ахборот даражасига тушириб қўяди. Афсуски, мунаққиднинг китобида бундай «талқин» ва «таҳлиллар» анчагина мавжуд.

Б. Норбоев ижодкор меҳнатининг машаққатлари ҳақида, шоир шахсиятига эҳтиром тўғрисида кўп гапиради, бироқ, афсуски, ўзи бу гапларига мутлақо амал қилмайди. Кўп ҳолларда у шоирлар ҳақида бепишанд мулоҳаза юритади, уларга нисбатан ноўрин оҳангни қўллайди, кўрсатмалар беради, ижодкорнинг икки ишларига аралашади. Танқидчи ҳар бир ижодкордан муқаррар тарзда қусур топиш иштиёқи билан ёнади. Табиийки, бундай «ёниш»лар; «жазаватга тушиш»лар яхши самара бермаган. Ёш мунаққид Ғафур Ғулумга нисбатан «истеъдодли шоир» иборасини қўллайди. Бу, аяббатта, одобдан эмас. У бир неча ўринда Ғафур Ғулум шеърларини жиддий танқид остига олади. Жумладан «Қаймоқдай шеър» асаридан парча келтиради-да, «улуғ бир шоирнинг мавзунини жўнлаштириб юборганини, шеърининг шу хил утилитар мақсадларга бўйсундиришга интилганини кўриб, хафа бўлиб кетасан, киши» деб ёзади. Мен ёш дўстимни «қўйинг, кўп ҳам хафа бўлаверманг, ука» деб юпатишни истайман. Ғафур Ғулум шеърларининг ҳаммаси ҳам бир хил савияда эмас. Ҳеч қайси даҳо шоирнинг истаган мисраси, истаган шеъри даҳликдан нишонга бўлавермайди. Албатта, Ғафур Ғулумни ҳам танқид қилиш мумкин. Бироқ танқид ҳаққоний ва асосли бўлиши керак. Б. Норбоевни хафа қилган шеърга келсак, у чиндан ҳам «утилитар мақсадларга бўйсундирилган». Матълумки, Ғафур Ғулум ҳар хил халқ йиғинларида кўп қатнашар эди. Бундай йиғинларга у қуруқ бормас, вазиятга мос келадиган шеър ёзиб борар, нутқ сўзлаб, шеърини ўқиб беради. Уйлайманки, жамоатчиликка шеърини

тарзда муружаат қилишга ҳар қандай шоирнинг ҳаққи бор. «Қаймоқдай шеър»ни Ғафур Ғулум республика чорвадорларининг бир йиғилишида ўқиб берганди. Унда чорвачиликнинг кундалик долзарб масалалари ҳаётий тарзда, теран халқчил юмор билан ифодаланган. Бу шеър шоирнинг оташин қақирғи, ўз юртдошларига шеърини хитоби эди. Муҳими шундаки Ғафур Ғулумнинг ўзи бу шеърини ҳеч қаерда эълон қилдирмаган эди. Шеър Ғафур Ғулум вафотидан кейин архивдан олинди, нашр этилди. Модомики, шундоқ экан, шоирдан хафа бўлишга асос борми?

Яна бир ўринда мунаққид Туроб Тўланин «Ойдинмидинг» шеърини парча келтиради-да, шундай хулоса чиқаради: «Афсуски, бу тўртликдан ўзига хос оригинал мазмунни ўн йил ахтарсангиз ҳам топа олмайсиз! У классик шоирларимиз ва бахшиларимиз томонидан «юзинг ойга ўхшайди, қошинг ёйга монанд, шунинг учун бағрим қон» тарзида кўп марта қўлланган сўзларни нуноқлик билан қайта такрор этади, холос». Билмадим, мунаққид келтирган парча шахсан менга ёқди. Лекин гап бунда эмас. Боринки, Б. Норбоев ҳақ бўла қолсин. Шунда ҳам у адабиётга камида ўттиз йиллик меҳнати сингган улкан бир шоирга нисбатан шундай дағал ва бепишанд оҳангда гапиришга ҳақлими? Бундай тўнглик, бундай зарда, бурун жийриш шоир шахсига ва қолаверса, умуман, шеърингга ҳурматсизлик-ку? Эҳтиросли, буни Б. Норбоев танқидчининг жасорати деб ўйлар. Лекин, менимча, дўқ ва пўписа, дағдаға ва кесатикларнинг илмдаги, танқидчиликдаги ҳақиқий жасоратга мутлақо алоқаси йўқ.

Уқувчилар афв этсинлар — мен бу китобга анча кенг тўхтадим ва анча-мунча кўчирмалар келтирдим. Табиийки, мен муаллифни камситиш, қоралаш ёхуд қобилиятини шубҳа остига олиш учун бундай қилаётганим йўқ. Аксинча, Б. Норбоевнинг истиқболли ёшлардан бири деб ҳисоблайман. Бироқ чинакам истиқбол эгаси бўлиш учун истак, ҳатто қобилиятнинг ўзи ҳам кифоя қилмайди. Бу китобдаги заифликларни тугдирган асосий сабаб бор: бу Б. Норбоев қарашлари, мулоҳазаларидаги методологик заминнинг заифлигидан туғилган. Уйлайманки, адабиётшунослик илмининг асосларини чуқурроқ ўрганиш, ўз назарий савиясини ўстириб бориш, адабиётдек мураккаб ва инжиқ ҳодисанинг ҳамма қирраларини чуқур тушунишгина эмас, теран ҳис қилиш тўғрисида ёш мунаққид ўз заифликларидан халос бўла боради ва танқидчи масъулиятини чуқур идрок этиб, адабиётимизга фойда келтирувчи асарлар битади. Унинг бунга иқтидорли эканини «Қурашчан шеърят» китобидаги сўнги икки мақола аён кўрсатиб турибди.

Ёш мунаққидларнинг китобларида ўзбек танқидчилигининг ҳозирги аҳволи билан боғлиқ масалалар ҳам анча кенг ёритилганки, бу муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга.

У. Утаевнинг «Танқид ва услуб» деган китоби бутунисича танқидчилик масалала-



рига бағишланган. Уни таҳлил қилишдан аввал М. Сафаров ва О. Абдуллаев китобларидаги танқидчиликка бағишланган ўринлар ҳақида қисқа тўхташ лозим.

М. Сафаров бир мақоласида ёш танқидчилар ҳақида фикр юритади ва уларнинг ижоди учун муштарак бўлган хусусиятларни аниқлаб, бугунги танқидий жараён тўғрисида муҳим фикрлар айтади. У И. Ғафуров, П. Шермухамедов каби танқидчилар ижодини атрофлича таҳлил қилади.

О. Абдуллаев китобидаги иккита мақола танқид масалаларидан баҳс юритади. Бу мақолалар ҳам ўзига хос хусусиятларга эга — уларда муаллиф анча етук мунозарачи тарзда намоён бўлади. Унинг мақолаларидан бири профессор Кўрўғлининг Москвада нашр этилган «Ўзбек адабиёти» китоби ҳақида. Ёш муаллиф профессор Кўрўғли китобини анча кескин танқид қилади, унда ўзбек адабиётининг тарихи ҳам, ҳозирги кунги ҳам бузиб кўрсатилганини, методологик ва фактик хатолар кўплигини таъкидлайди. Энг муҳими шундаки, ёш мунаққид ўз фикр-мулоҳазаларини турли-туман илмий ва бадий манбалардан олинган фактик материаллар билан далиллайди. Бу жиҳатдан, айниқса, ўзбек халқининг генезиси масаласида олдинга сурилган фикрлар ғоят ибратлидир. Ёш мунаққиднинг «Танқидчиликдаги нур ва соялар» деган мақоласи бугунги ўзбек танқидчилигига бағишланган бўлиб, унда айрим танқидчилар ижодидаги ютуқлар ҳам, жиддий нуқсонлар ҳам ишонарли далиллар асосида кўрсатиб берилган.

У. Утаевнинг китобида ҳам танқидчиликнинг ғоят муҳим муаммолари қаламга олинган. Ундаги биринчи мақолада КПСС Марказий Комитетининг «Адабий-бадий танқид ҳақида»ги тарихий қарорининг ўзбек танқидчилиги ривожидagi баракали роли таҳлил қилинади ва буни адабий жараёндан олинган конкрет мисолларда кўрсатилади. Муаллифнинг Б. Назаров, Ҳ. Умировларнинг китоблари ҳақида айтган мулоҳазалари диққатга сазовор. Ёш мунаққид ўз ҳамкасабаларининг асарларидаги фазилат ва қусурларни тўғри очиб берган.

Бу китобда бир муҳим фазилат мавжуд — у фактик материалга жуда бой. Мунаққид бугунги ўзбек танқидчилигидаги эътиборга сазовор ҳодисаларнинг ҳаммасини қамраб олишга интилган. Унинг мулоҳазалари М. Қўшонов, Л. Қаюмов, С. Мамажонов, У. Норматов, П. Шермухамедов, И. Ғафуров, Н. Худойберганов каби таниқли танқидчилар билан бирга кўпгина ёш мунаққидларнинг ҳам асарлари асосига қурилган.

Бироқ У. Утаев фактларга кўмилиб, унга асир бўлиб қолмаган. Аксинча, у фактларнинг мағзини қақишга, улар орасидаги алоқани аниқлашга ва танқидчилик ривожидagi умумий хусусиятларни умумлаштиришга интилади. Шу йўлдан бориб, у танқидчиликдаги жанр изланишлари («Портрет маҳорати»), услубий ўзига ҳосликлар ҳақида фикр юритади. У. Утаев танқидда далиллаш санъати проблемасини кўяр экан, тан-

қидда ҳукмбардорлик иллатига қарши чиқади, унда олға суриллаётган ҳар қандай фикрнинг объектив ва тўғри, ишонтириш кучига эга бўлиши учун курашади. Китобнинг катта қисми йирик танқидчиларнинг ижодий тажрибасини умумлаштиришга, уларнинг маҳоратини, ижодий индивидуаллигини ўрганишга бағишланган. Бу жиҳатдан «Адабиётимиз жонкуярлари» деган адабий портрет ажралиб туради. У атоқли танқидчи Матёқуб Қўшонов ҳақида. Ёш мунаққид теран эҳтиром билан қалам тебратиб, олим ҳаётдаги лавҳаларни жонли ҳикоя қилади ва унинг бугунги ўзбек адабиётшунослигига қўшган ҳиссасини, ижодидаги ибратли хислатларни очиб беради.

Бу китоб камчиликлардан холи эмас. Унда айрим ўринларда баёнчилик устун эканини, тилда ғализликлар учраб туришини, баъзи мақолалар қурилишида алланечук схематизмга ўхшаб кетадиган бир хилликлар мавжудлигини айтиш мумкин. Ёш мунаққид танқидчиликда маҳорат масалалар таҳлиliga берилиб кетиб, адабий танқиднинг ижтимоий-сиёсий функцияси, унда ғоявийлик ва партиявийлик масаласи, танқидчининг ғоявий позицияси каби ғоят муҳим проблемаларга камроқ эътибор берган. Бу эса китобнинг умумий қимматига бир оз бўлса-да путур етказган.

М. Саъдийнинг «Теран томирлар» китоби қатор хусусиятлари билан бошқалардан ажралиб туради. Унинг икки муқовасига «адабий-танқидий мақолалар» деб ёзилган бўлса-да, китобчани соф танқидий асар сифатида қабул қилиш қийин. Унда адабий-танқидий мақолалар кам, борлари ҳам журналист кўли билан ёзилган. Бунинг маъноси шуки, айрим мақолаларда чинакам илмий таҳлил етишмайди, унинг ўрнига публицистик мулоҳазалар устунлик қилиб қолган. Шунга қарамай, бу китобчада бошқа ёш мунаққидларда учрамаган фазилатлар бор. М. Саъдий рус классик ва совет адабиёти, жаҳон адабиётининг айрим вакиллари ижодини кенг тарғиб қилишга алоҳида аҳамият берган. Унинг М. В. Ломоносов, И. А. Крылов, А. С. Макаренко, буюк испан шоири А. Мачадо, озарбайжон шоираси Маҳсати хоним Ганжавий ҳақидаги мақолаларида уларнинг ижодий сиймолари анча тўлиқ очилган. Муаллиф буюк сиймолар ҳақидаги маълум ҳақиқатларни такрорлаш билан чекланмайди, балки янги мулоҳазаларни ўртага ташлашга интилади. У классиклар ҳақида ёзар экан, уларга ўз эмоционал муносабатини ҳам ифодалайдики, бу мақолаларга муайян жозиба бахш этади. Масалан, мунаққид И. А. Крылов ижодининг манбалари ҳақида фикр юритиб, бу буюк масалчининг шарқ адабиёти, фольклоридан ҳам кўп нарса ўрганганини айтади ва ишонарли фактлар келтиради. М. Саъдийда миллий адабиётлар ўртасидаги қардошлик алоқаларини ўрганишга, турли халқлар ўртасидаги дўстликнинг конкрет кўринишларини излаб топишга иштиёқ кучли. Жумладан, «Теран томирлар» мақоласида ўзбек ва грузин халқлари ўртасидаги дўстлик, бу икки халқ адабиёти ўртасидаги

қадимий алоқалар тўғрисида қизиқарли фактлар асосида ҳикоя қилган. Рус ва ўзбек адабиётлари ўртасидаги алоқаларни ўрганиш жиҳатидан эса «Тўнғич мажмуа» мақоласи диққатга сазовор. Унда 1935 йилда Москвада В. В. Ермилов ва Р. Мажидий таҳрири остида чиққан «Ўзбекистон адабиёти» альманахи таҳлил қилинган. Мунаққид ўзбек ёзувчилари ижодини рус китобхонига намойиш этган: бу китобнинг вужудга келиш жараёни ҳақида гапирар экан, бу ишда А. М. Горькийнинг ролини, 30-йилларда Ўзбекистонга биринчи марта келган рус ёзувчилари бригадасининг хизматларини мамнуният билан таъкидлайди.

Бу китобда бугунги ўзбек адабиёти ҳақида ёзилган мақолалар ҳам бор. Улардан бири «Халқ адиби» деб аталган. Унда атоқли ёзувчи Назир Сафаровнинг ижодий қиёфаси очиб берилган. «Қиссаларимизда ҳаёт романтикаси» (у М. Махмудов билан ҳамкорликда ёзилган) мақоласи эса проблематик характерга эга. Мақола 1969 йилда ёзилган ва ўша йилларда жамоатчиликнинг эътиборини қозонган бир қатор қиссалар таҳлилига бағишланган. Мақолани эскирган асар сифатида қабул қилмайсиз, негаки унда қўйилган проблемалар (қахрамон проблемаси, гуманизм масаласи ва бошқалар) бугун ҳам аҳамиятини йўқотган эмас. Ёш мунаққид таҳлил қилаётган қиссаларни баҳолаётган экан, бошқа танқидчилар билан мунозара қилади ва ўз қарашларини анча ишонarli далиллайди. Шу билан бирга мақолада пухта ўйланмаган иборалар, социалистик реализм адабиётининг моҳиятига мос келмайдиган ноаниқ хулосалар ҳам мавжуд. Бу хусусда фақат бир мисол билан чекланамиз. М. Саъдий бадиий асарда ҳаёт романтикасини тасвирлаш ҳақида фикр юритар экан, «Санъатнинг бош вазифаси — ҳар қандай шахсни эмас, балки руҳан бой, маънавий дунёси ранг-баранг шахслар тақдирини кўрсатишдир», — деб ёзади. Мунаққид бу фикрини шундай далиллайди: «халқимизнинг идеалга, ҳаёт нафосатига, олам сирларини билишга интилиши шуни тақозо қилади». Биринчи қарашда бу фикр тўғридай, кўп такрорланавериб, оддий ҳақиқатга айланиб кетгандай кўринади, лекин аслида жуда нотўғри фикр. Тўғри, халқимиз нафосатга, олам сирларини билишга интилади, лекин бундан санъатнинг бош вазифаси фақат бой шахсларни тасвирлашдир деган гап келиб чиқмайди. Санъат тарихидан руҳан бой бўлмаган одамларни тасвирлаган юзлаб мисолларни келтириш мумкин. «Шинель»нинг қахрамони Акакий Акакиевич ёхуд «Ревизор»нинг қахрамонлари руҳан бой, маънавий дунёси ранг-баранг шахсларми? Асло-да! Шундай экан, нима учун одамларни навларга ажратиб, бир тоифасига санъатдан ўрин бериш керак-у, иккинчи тоифасини қувиб чиқариш керак. Йўқ, санъатнинг бош вазифаси яхши одамларни акс эттириш-у, ёмонларидан кўз юмиш эмас, балки Горький таъбири билан айтганда, инсоншуносликдир. Ҳаётда мавжуд жамки инсон тиллари адабиётнинг объекти бўлиши мумкин. Шуниси муҳимки,

ёзувчи уларни аниқ ғоявий-синфий позициядан, юксак коммунистик идеал нуқтаи назаридан баҳолаб тасвирлайди.

Биз етти мунаққиднинг илк китоблари билан танишиб чиқдик. Куринадики, улар жаҳон адабиётини, ўзбек классик адабиётини, замонавий адабиётни пухта ўзлаштирганлар. Барчаси ҳали тугал шаклланиб етмаган бўлса-да, ўз индивидуал ижодий қиёфаларига эга. Улар адабиётни севиб, истиқболи ҳақида қайғуриб, бугунги кун ҳақида мулоҳаза юритадилар ва адабиётимиз ривожига самарали таъсир этадиган теран, салмоқли фикрлар айтдилар.

Деярли ҳамма адабий йиғинларда танқидчилигимиз ҳали иттифоқ миқёсига чиқа олмаётгани айтилади. Дарҳақиқат, бизда адабий танқид беқиёс даражада ўсди, ўзимиз «йирик» деб атайдиган танқидчиларимиз ҳам кўп, мана, истёвдодли ёш мунаққидлар ҳам етишиб чиқапти. Бироқ иттифоқ миқёсига мунтазам кўринаётган, энг муҳими, ўз мақолалари, китоблари, фикрлари билан умумиттифоқ адабий жараёнига таъсир ўтказётган танқидчилар йўқ ҳисоби... Нима учун шундай? Менмича, бунинг асосий сабаби — бугунги танқидчилигимизнинг фикрлаш даражаси билан изоҳланади. Шиддат билан олға кетаётган давримиз, унинг таъсирида гурираб ўсаётган адабиётимиз биз — танқидчилардан фикрлаш даражасини муттасил ўстириб боришни талаб қилади. Бугун танқидий тафаккур жуда тез суръатлар билан ўсаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Сўнгги ўн-ўн беш йил ичида адабиётни системали, типологик ўрганиш, структурали анализ, санъаткорнинг ижодий индивидуаллигига янгича қараш, социалистик реализмни очиқ система сифатида тадқиқ қилиш каби янги ҳодисалар вужудга келди. Улар фақат бизнинг мамлакатимиздагина эмас, социалистик мамлакатларда ҳам кўпгина йирик олимларнинг диққат-эътиборини жалб қилди. Бу масалалар атрофида қизгин мунозаралар, баҳслар давом этмоқда. Бу проблемаларни ишлаш жараёнида совет адабиётшунослиги ва танқидчилиги янги босқичга кўтарилиди десак хато бўлмайди. Афсуски, ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигида бу проблемаларга жиддий қўл урилгани йўқ. Бу проблемалардан биронтасини ҳам китоблари таҳлил қилинган етти ёш мунаққиднинг ҳеч қайсиси тилга олмабди. Бу ва шунга ўхшаш бошқа муҳим проблемалар ҳақида ўйлашга, асарларимизда уларга кенг ўрин беришга ва шу йўл билан адабиётни идрок этишимизни, таҳлилигимизни янги босқичга кўтаришга вақт етиб келмадимми? Бу вазифани, яъни танқидчилигимизнинг фикрлаш даражасини умумиттифоқ миқёсига, жаҳон прогрессив танқидий тафаккури миқёсига олиб чиқиш вазифасини биринчи навбатда, ёшлар бажариши керак эмасми?

Уйлайманки, бугун кўп сонли танқидчилар сафида комил ишонч билан одимлаётган иқтидорли ёшларимиз бу қийин ва мурраккаб ишни ҳам шараф билан бажара оладилар.



## ЖАҲОН КЕЗИБ ТУПЛАНГАН КУЙЛАР

**Барот БОЙҚОБИЛОВ. Висол ва ҳижрон. Ғафур Ғулوم номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент — 1979.**

Шоир Барот Бойқобилов янги китобига «Висол ва ҳижрон» деб ном қўйибди. Унга кейинги йилларда ёзган асарлари жамланган.

Висол ва ҳижрон қадимий тема. Бу ҳақда ўзбек классик поэзиясининг буюк намояндалари ҳам, совет даврининг атоқли ижодкорлари ҳам ёзганлар. Чунки у — лириканинг доимий ҳаракатдаги абадий мавзудир. Барот Бойқобилов бир жиҳатдан анъаналар изидан борса, иккинчидан ҳеч кимникига ўхшамаган ўз қўшиқларини айтади. Шундай қилиб, китобдаги бош мавзу — висол ва ҳижрон. Қолган кўп ёндош оҳанглар, мантиқан яқин кичик-кичик мавзулар туркуми унга бўйсундирилади. Совет кишиларининг ғурури, фахри бўлган улуғ ва қудратли Ватан мадҳи, Ленин ва партия иродаси билан сайқал топган замонамиз нашъу-намоси, барча моддий ва маънавий бойликларни яратётган ажойиб замондошларимиз фазилати, юксак инсоний муҳаббат неъматлари, аёллар зафодорлиги ва эркак фидойчилиги, салафларимиз қолдирган мерос салобати, узоқ элларда жўш урган она юрт меҳри—ҳаммаҳаммаси висол ва ҳижрон тушунчасини чуқурлаштирилади.

Шоир висол мафҳумини кенгайтиради. У, ёрга эришувгина эмас, айни чоқда каттақон ва ҳур Советлар дёбирига дахлдорлик ҳамда

«Осиё бешигида улғайган Ўзбекистон» бағрида яшаш бахтига муяссарликдир. Шунинг учун ҳам китобнинг дастлабки саҳифалари ўлкамиз шаънига айтилган, чуқур ватанпарварлик руҳи билан суғорилган шеърлардан бошланади:

Мен Советлар Шарқининг коммунист шоириман,  
Камол топган Ватаним улуғ Ўзбекистондир.  
Ўз умридан бахтиёр миллионларнинг бириман.

Мен куйлаган чаманим қутлуғ Ўзбекистондир.

«Инқилобчи оталар содиқ фарзанди бўлиб» кўркам даврда яшаган шоир мерос ва ворислик умумий тараққиётнинг асоси эканини яхши тасаввур қилгани ҳолда поэзияда устозлар ва шоғирдлар алоқасига, шоғирдларнинг устозлар анъанасига содиқлиги масаласига алоҳида аҳамият беради. Бу жиҳатдан «XXI аср шоирларига» шеъри диққатга лойиқ. Халқ кўлами кенг бу шеърда «долғали асрнинг навқирон шоирлари»га мурожаат қилинади.

Аждодлар ва авлодлар алоқаси, устозлар ва шоирлар ҳақидаги ўйлар Ленинга аталган «Шарқ гулчамбари», «Ветеранлар», «Разведкачи Сирожиддин Валиев монологи» каби бир қатор шеърларда давом эттирилади. Инқилобнинг тонгида доҳий «Ўрта Осиёнинг бахтига ҳумор» бўлиб, Мирзачўлни ўзлаштиришга имзо чеккан, «заҳматкаш инсонни қутлаб», сафарбарликка чорлаган эди. Бугун ўша муқаддас орзулар ушалди.

Партия иродаси ва насллар шижоати чўлда жаннат яратди. Энди унинг тавсифида: «Шоҳ сатрин битади шоири замон».

Мана, қарийб ўттиз беш йилдирки, Коммунистик партия ва Совет ҳукумати жаҳонда тинчлик ўрнатиш ва урушга қарши курашнинг ташаббускори ўлароқ тинмай фаолият кўрсатиб келмоқда. Тинчликнинг мустаҳкам қўрғони бўлган СССР осмони мусаффо. Аммо фашизм одамлар бошига солган оғир кулфатларни, Улуғ Ватан уруши қурбонларини замондошларимиз ҳеч қачон унутмайдилар. Шу сабабдан шоир:

«Уруш» десам тилим  
куяди,  
Тилим эмас, дилим  
куяди.  
«Уруш» сўзи тушса  
өсимга  
Калимага келмайди  
тилим,—

дейди.

Лекин бу ночорлик эмас, чунки тирик жонларни ўпқонга тортувчи урушни бугун «Йўқотмоққа қодирдир инсон, жиловлашга қодирдир замон!» Романтик кўтаринчилик билан ёзилган «Ниҳол ва чинор», «Жанговар сонетлар» туркумига кирган «Қардошлик қабристони», «Сукут дақиқаси», «Ярадор дарахтлар», шунингдек, «Мусо Жалил», «Номалъум матрос қабрида», «Саласпилс бонги» сингари шеърлар кўкка чирмашган ота-оналар оҳидан хабар беради. «Гискарёв қабристонидан» куйидаги мисралар эса қалбларни жунбушга келтиради,

...Фарзанди ухлайди қай-  
си мазорда?  
Оналар билолмай оворан  
жон.  
Отасин меҳрини қўм-  
саб наҳорда  
Қабрлар бошида фарзанд  
саргардон.  
Отлар суяниб заранг  
асога,  
Қарчиғай боласин қаб-  
рин излайди.  
Кампирлар қўлини очиб  
дуога,  
Неварасин ёдлаб, дардин  
сўзлайди...

Йўқ, энди бу фожиалар  
такрорланмайдилар! Ҳамма  
сергак, ҳамма тинчлик пос-  
тида. Айтишларича, волга-  
градликлар кечалари шаҳар  
уйқусини кўриқлаб юрган  
Сталинград солдатининг  
оёқ товушини эшитар экан-  
лар. Львовни фашистлардан  
озод қилишда биринчи  
бўлиб шаҳарга ёриб кирган  
ва жангда ҳалок бўлган  
қаҳрамон танкист Марченко  
кечалари педисталдаги тан-  
кини миниб шаҳар кезар  
ва львовликлар оромини  
сақлар экан. Қурбонлар шу  
қадар хушёр бўлган ўлкада  
барча албатта тинчлик сол-  
датидир!

Халқ оғзаки бадий  
ижоди дурдоналари шоир-  
лар учун туганмас хазина,  
илҳом манбаи. Асрдан-  
асрға, наслдан-насла ўтиб  
келган, инсон руҳий ола-  
мининг чўққиси бўлган эр-  
таклар, афсоналар, миф-  
лар, нақл ва мақоллар  
шунчаки чиройли бўлгани  
учун эмас, ахлоқий-фалса-  
фий жиҳатдан замонамиз-  
га оҳангдош бўлгани, иб-  
рат тимсоли экани сабабли  
қайта тилга олинади ва  
қайта ишланади. Барот  
Бойқобилов қаламига ман-  
суб «Тоҳир чинори», «Ка-  
лев ва Линда» номли кичик  
афсоналар шу жумлага  
киради.

«Ҳижрон, ҳажр» ёрдан  
айрилиб қолиш, фироқ  
ҳолатида бўлишнинг ўзи  
эмас. Айни вақтда севган  
диёридан узоқда бўлиши-  
да, нотаниш элларда уни  
кўмсашидир. Олисларга саё-  
ҳат ойларида шоир Вата-  
нининг жигарпораси экан-  
ини, унинг ажралмас қис-  
ми эканини кучлироқ ҳис  
этади. Натижада ҳижрон

туйғуси вужудини қамрай-  
ди. Бу туйғу қайси мамла-  
кат, қайси шаҳарда бўл-  
масин советлар юртининг  
вақили сифатида боргани  
туфайли чуқур гуманизм  
ҳисларини изҳор қилишга  
ҳалал бермайди.

«Италиядан мактублар»  
туркумига кирган «Апенин  
тоғлари», «Рим», «Италия  
кўшиқлари», «Колизей ха-  
робаси» га ўхшаш ўнлаб  
шеърларда албатта тарихга  
муножаат қилади ва ўзи-  
нинг руҳига мос мавзулар,  
оҳанглар топади. У «кўшиқ»  
излаб замон ичра жаҳон  
кезган» да Дантенинг, Пет-  
рарканинг овозини эшита-  
ди. Шоир ёзади:

Италия шеърятини  
Пегас узра миндирди  
мени,  
Апенинининг чўққисига  
Лочин қилиб кўндирди  
мени,  
Петрарканинг музасини  
Чал, деб ўзбек оҳангла-  
рида  
Сонет «темир қонуни»га  
бир умрга қўйдирди мени.

Башариятнинг нодир ор-  
зуларини, инсон руҳининг  
мағрур парвозини, эзгу-  
ликни куйлаган талент ҳеч  
қачон қадрини йўқотмай-  
ди. Бинобарин «қироллар  
ер тишлаб ётган» заминда  
Микеланжело «Румонинг  
давруғин таратиб, юксакда  
турибди улугвор». У дои-  
мо миллионлаб юракларда  
яшайди. Данте, Леонардо  
да Винчи, Рафаэль нафос-  
сат оламининг даҳолари  
бўлгани учун инсонларни  
ҳаяжонга солишда давом  
этаберадилар.

Барот Бойқобилов Ита-  
лиянинг ҳозирги аҳволига  
ачинади. Мана, римлик ёш  
рассом. У санъат ошиғи,  
Рафаэль руҳига қасамёд  
қилиб, расм чизади ва  
сотгани кўчага олиб чиқа-  
ди. Қани энди бозори  
юриша қолса. Пулдорлар  
дунёсида санъат кимга ке-  
рак? Ёки «кўзларида мунг-  
ли қисмат» сезилиб турган  
мана бу шоир-чи? У ҳам  
ўз китобларини сотиш кў-  
йида овора. Тили бурро  
таржимон, «бу киши зўр  
шоир» деб таништирганда,  
«шоир ҳолин кўриб» сай-  
ёҳининг юраги сирқирайди.  
«Неаполлик она ҳасрати»

шеър тўпلامдаги гоят ҳа-  
зин асарлардан бири:

Сершовқин шаҳарнинг  
муюлишида  
Тентирайди ёш она.  
Дарёнинг денгизга қую-  
лишида  
Пешонаси тош она,  
Қизин бағрига босиб  
гамғузор  
Кўзларида ёш она.  
Неаполга айлаб дардин  
ошкор  
Излайди бир бошпана...

Одам қадри бойлик билан  
ўлчанадиган капитал дунё-  
сида дарбадарлар озмун-  
чани? Замин бепоёну улар  
учун борарга жой йўқ.  
Бечораларнинг тўшаги ер,  
кўрпаси осмон.

Бари бир дунё шундай  
қолмайди. Бир куни келиб  
танасида «инсон билан  
шернинг қони бор» сфинкс  
жонланади, «дўст юзи-  
га оёқ қўйган бир касо-  
фат» забун бўлади ва  
қудратли Нил тўлқинлари  
елкасига офтоб текканлар-  
ни ояқшлайди.

Воқелиқдаги турли-туман  
фактлар адабиёт ва санъ-  
атга материал бўлиб  
хизмат қилади. У шоир  
қалбидан жой олиб, ҳая-  
жонлантурса, ички кечин-  
маларга сабаб бўлса, катта  
ва умумлаштирувчи бадий  
кучга айланади. Зотан  
санъат ва адабиёт ҳамма-  
дан аввал кечинма эмасми?  
Айниқса лирика шоир ру-  
ҳий кечинмаларининг са-  
мараси бўлганидан китоб-  
хон ҳам дастлаб уни юрак  
билан ҳис этиб, шоир  
кечинмаларига шерик бў-  
лади. Бунинг учун Барот  
Бойқобилов шеърларини  
ўқиганда унга кўшилиб  
табиат манзараларидан  
завқланамиз, ижодкорлар  
даҳоси яратган тарихий  
обидаларни ва санъат  
асарларини кўриб ҳайрат-  
ланамиз, аламзадалар аҳ-  
волига дил-дилдан ачина-  
миз.

Қисқаси, шоир тасвир-  
лаган воқеа-ҳодисалар  
бизни лоқайд қолдирмайди.  
Қалбимизда уйғонган теран  
ҳис-ҳаяжонлар оқибатида  
бизда давримизнинг шид-  
даткор ва серташвиш ҳаё-  
ти тўғрисида, кишиларнинг  
жамиятдаги бурчи ҳақида,  
ижоднинг моҳияти ҳамда

санъаткорнинг халқ олдидаги масъулияти хусусида фикрлар пайдо қилади...

Нима учундир сўнги вақтда ёзилган мақолалар, тақризларда бадиий асарлар кўпроқ социологик жиҳатдан таҳлил қилинади, ғоявий мазмуни устида гапирилиб, эстетик томони эса эсдан чиқарилади ёки энгил-елли мулоҳазалар билан чекланилади. Натижада шоирнинг маънавий дунёси қандай ранг-баранг шеърый шаклларда, қандай янги сўз ва таъбирларда очилгани сояда қолади.

Барот Бойқобилов анчадан бери поэзиямизга узоқ йиллар давомида хотирдан чиққан, ё бўлмаса ишлатилмаган шакллари олиб кириб, қўллаётгани маълум. Мазкур китобда ҳам классик поэзиямиздаги мусамманни эслатувчи октавалар, рубойига ўхшаб кетадиган тўртликлар, со-

нетлар, станслар бор.

Шоирнинг асарлари оригинал қиёсларга, эпитет ва муболағаларга бой. «Қояда оҳудек сакрар шалолла», «тоғлардан пиёда чопган ирмоқлар», «самога санчилган ойнинг ўроғи», «тарвузларнинг кучоғида базм қураб қизғалдоқ», денгиз тўлқинлари «эгарсиз тулпор», самога интилган фаввора «оқ аланга» ва бошқа шуларга ўхшаш образлар тафаккур-тасаввур меваларидир.

Шу билан бир қаторда ўз ўрнини топмаган иборалар учрайди: лирик қаҳрамон Ойга бориб келган биринчи одамни кўриб «қилдим сайру мулоқот», дейди. Ёки, «бугун айёмдир», «ёғду сочар армонлар», «сукунат дақиқаси» (сукут дақиқаси ўрнига — М. Ю.), «растаси экан бор», «тасаввурнинг арқонлари», «бармоқ урди

даст», «сув остига чўккан юлдуз, зор бўлгандай чирокларга» қабилидаги нуқсонли ифодалар бор. Бизнингча: «Лайлак қор ёғса ҳам бошига фалак» ўрнига «Гар қор ҳам ёғдирса бошига фалак» бўлгани; «Унутолмас ўлганича бу саҳнани шўр аёл» ўрнига «Унутолмас бу саҳнани пешонаси шўр аёл» дейилгани маъқул. Таъкидлайлик, бундай мисоллар ғоят кам.

Хулоса тарзида айтиш керакки, шоирнинг санъаткорлиги китобхон қалбини очишга хизмат қиладиган калит. Шундай калит Барот Бойқобилов қўлида бор, уни дуруст ишлатаётир. Ўзидаги барча яхши кайфиятларни китобхонга юқтириши фикримизнинг исботидир.

**Маҳмудали ЮНУСОВ,**  
филология фанлари доктори.

## ИЗЛАНИШ

**Жамол КАМОЛ. Тафаккур. Шеърлар.**

«Ёш гвардия» нашриёти, Тошкент — 1979.

**Жамол КАМОЛ. Достонлар. Ғафур Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент — 1978.**

Жамол Камолнинг «Тафаккур», «Достонлар» номи китоблари нашр этилди. Бу тўпламлар шоир ижодини маълум даражада умумлаштириб фикр юритиш имконини беради.

Тўпламга шоирнинг 60-йилларнинг иккинчи ярмида эълон қилган саккизликлари билан бир қаторда, кейинги йилларда яратган янги шеърлари ҳам жамланган. Бу ўтган даврнинг икки қиррасидаги шеърлар бир хил бўлмаслиги табиий, албатта. Чунки шоир шу йиллар оралиғида изланиш, ўсиш ва тақомиллашиш жараёнини босиб ўтди.

«Тафаккур» тўплами шоирнинг ижодий изланишлари беиз кетмаганини

кўрсатади. Бу ҳол унинг дастлабки саккизликлари билан кейинги йилларда ёзган шеърларини қиёслаб кўрганда яққол сезилади.

Тўғри, Ж. Камолнинг илк саккизликларига ҳам фалсафийлик бегона эмас. Унинг «Она-ер ўртаниб, миллиард ёшини», «Ажаб дарё кўрдим, сувга лиммолим», «Дўстим, тунда туриб уфқларга боқ» сингари саккизликлари 60-йилларда ёқ илик қаршиланган ва муносиб баҳоланган эди. Бироқ бу саккизликлар билан «Файласуф билан суҳбат»га ўхшаш шеърлардаги фалсафийлик ўртасида катта фарқ бор. Унинг саккизликлари замирида, асосан фикр ётади, яъни чиройли ва ақлли бир фикр шеър қилинади. Уларда конкрет ва индивидуал инсон образи, айниқса, замондош қиёфаси бўртиб кўринмайди. Шунга биноан туйғу, ҳис-ҳаяжон ҳам фикр копкиси остида қолади.

«Файласуф билан суҳбат», «Ҳиёнат», «Ролми ёки

ҳақиқий ўзи» сингари шеърларда эса теран фалсафий фикрли, чуқур мушоҳадалар, ўйчан ва аини вақтда оловқалб, диёр ва замоннинг ўтмиши, бугунги ва келажоғи ҳақида астойдил қайғуриб яшаётган ватанпарвар замондошимиз қиёфаси ёрқин кўриниб туради. Масалан, «Файласуф билан суҳбат» шеърини қора бўёқдангина иборат деб тушунувчи айрим файласуфлар билан баҳсга киришади. Бундай хусусият, яъни баҳсга мойиллик Жамол Камолнинг сўнги йиллар шеърларидаги етакчи ижобий фазилатлардан биридир.

«Менинг увоқ шеърим — менинг дилпорам» туркумидаги саккизликлар бундан ўн йиллар аввал ёзилган. Бу туркум тўлиқ ҳолда мазкур тўпламда эълон қилинди. Унда шоирнинг салоҳиятини намоён этувчи мағзи тўқ, нозик ибораларга бой саккизликлар анчагина.

Шу билан бирга туркумда айрим фикран саёз, мазмунан бўш саккизликлар ҳам учрайдики, улар шоир ижодини қисман хиралаштириб қўяди.

Шоирлар муҳаббат яловчилари(?)  
 Майли дарё бўлсин меҳр  
 ила шафқат,  
 Лекин, сиз, тинмагур дил  
 овчилари,  
 Нафрат борлиги ҳам  
 унутманг фақат.  
 Шоирлар, эй нафрат  
 яловчилари(?)  
 Замин қаҳрлидир, Утли-  
 дир само...  
 Лекин, сиз даҳри-дун  
 оловчилари (?)  
 Муҳаббат борлигини  
 унутманг асло!

Шеърда «шоирлар бу дунёда муҳаббат ва нафрат деган нарса бор, бирини ёзганда иккинчисини унутиб қўйманглар» деган маълум гап айтилади, холос. Бундан ташқари, «муҳаббат яловчилари», «нафрат яловчилари» каби жуда ғализ иборалар ишлатилади.

Умуман ҳажм ва шакл (саккизлик) қонуниятини сақлашга ҳамда фикр тифизлигига интилиш тўпламдаги қатор шеърларда фикр мавҳумлигини, тасвир ва баёндаги сакталикларни келтириб чиқарган.  
 Тўпламнинг асосий қиммати эса бу тарздаги шеърлар билан эмас, балки бадий жихатдан бақувват, фалсафий теран асарлар билан белгиланади. Бундай шеърлар эса китобнинг мағзини ташкил этади.

Жамол Камолнинг беш поэмасини ўз ичига олган «Достонлар» мажмуаси сўнгги йиллар достончилигимиздаги тараққиёт тенденциялари ҳақида фикр юритиш учун асос беради.

Энг аввало, Жамол Камол асарлари мисолида ўзбек достончилигининг жанр қирралари, услубий таровати, шакли ранг-баранглиги, мусиқа — сўз-фикр, бадийят — ғоявийлик — туйғулар гармонийсидаги имконият чегаралари кенгайганлигини кўриш мумкин.

Масалан, китобга кирган «Армон» достонида муҳаббат ҳиссининг бир ўзбек

хонадони, бир муштипар волидаи-мукаррама бошига солган чексиз азоб-уқубатлари тасвирланади. Достон катта дард, туйғулар туғёни билан битилган. Уруш туйғули бир кампир бағрида қолган азобли излар умумлашма бир воситага кўтарилган.

«Армон» шакл жиҳатидан «Уста Ғиёс», «Сурат» каби достонларни эслатади. У шеърини новеллалардан тuzилган. Ҳар бир шеърини парчада тугал воқеа, тугал манзара, психологик тасвир, характер, образ намоён бўлади. Айни вақтда улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ва уйғун. Ҳар бир новеллада, воқеа шиддати ва мазмун драматизмига монанд воситалар мавжуд.

Шу нарса диққатга сазоворки, Жамол Камол ижодида бир неча мавзу кўзга ташланади. Шулар орасида Ўзбекистон — Ватан мавзусига шоир ўта назарқарда муносабат билдиради, меҳр-муҳаббат туйғуларини, тафаккур кучини унинг янги томонларини очиш ва кам ёритилган қирраларини нурлантиришга йўналтиради. Шу маънода шоирнинг «Армон», «Тош туғён», «Варахша» достонлари бир-бирини тўлдириб бойитади.

Жамол Камолнинг Ўзбекистон — Ватан ҳақидаги ўй-мушоҳадлари, жўшқин ва эҳтиросли ҳислари бевоқифона мавзуси билан боғлиқликда намоён бўлади. Бу нарса «Армон» достонида гўзал ифодаланган.

Жамол Камолнинг лирик шеърларидаги каби «Армон»да лирик характерни яратишда ҳиссий мушоҳадаси етакчилик қилади. Лирик характер, қаҳрамон тақдири ўзининг психологик кечинмалари, руҳият тасвири билан ассоциатив планда намоён этилади. Бу нарса «Армон» достонининг ҳаётийлигини, таъсир кучини, ишонтириш қувватини оширган.

«Ишонмайман, ишонмайман, ёлгон, ёлгон  
 Учовидан биттаси-ку  
 омон қолган!  
 Учовини туққан эдим  
 терга ботиб,

Учовини боққан эдим  
 заҳмат тотиб.  
 Ишонмайман, ишонмайман,  
 ёлгон, ёлгон.  
 Учовидан биттаси-ку,  
 омон қолган!  
 Отасидан қолган учта  
 сағир эди.  
 Учови ҳам менга  
 юрак-бағир эди,  
 Ишонмайман, ишонмайман,  
 ёлгон, ёлгон!  
 Учовидан биттаси-ку,  
 омон қолган!..»

Ушбу парча Ширин кампирнинг юрак нидосидан. Шоир она изтиробларини, юрак дардини ҳам, айни замонда фронт орқасидаги ўзбек кишлоғининг ва ўзбек халқи руҳиятининг кечинмаларга бой манзарасини ярата олган.

Фашист газандаларига қарши «мамлакат уммондек тошган, жангоҳлар оташи кукка туташган» бир пайтда она суқсурдек уч ўғлонини навбатма-навбат Ватан озодлигини ҳимоя қилишга кузатади. Уч фарзанди ҳам Ватан ҳимоясида жонини фидо қилади.

Она уч ўғлонини, уч дилбандини бир бор кўришга интиқ, учовидан келган қора хатни қўлларига ғижимлаган ҳолда остонасида вафот этади. Ёрқин миллий бўёқларда акс эттирилган Ширин кампирнинг оналик қалби, меҳри, сабр-қаноатига бағишланган бу достон чуқур интернационал аҳамиятга эга.

Маълумки, умумий достончилигимиз манзарасида тарихий мавзудаги поэмалар ҳам бир силсилани ташкил этади. Жамол Камолнинг «Варахша» достони ҳам шу сирага киради. Достонда олис мозий манзаралари, Варахшанинг Қутайба томонидан забт этилиши ва унга қаршилиқ кўрсатган халқнинг буқилмас иродаси сўзланади.

Шоир китобхонни қадимий Варахша бағрига олиб киради, унда кечган тарихий ҳодисаларни бадий бўёқларда жилолантиради.

Достонда муваффақиятли чиққан образлардан бири халқ вакили Чилангардир. Қутайба ва Чилангар баҳси асарнинг энг кўркем саҳифаларини ташкил эта-

ди. Чилангарнинг кўп маъноли, дардчил ва ўтли жавоби ўқувчини ларзага солади, унинг исёнкор руҳи мозийни ҳозирги давр билан чамбарчас боғлаб туради. Унинг мардона сўзларида босқинчи қаршисида ҳар қандай шароитда ҳам кул бўлмаган халқнинг ботир фарзанди сиймоси гавдаланади.

Шоир ҳар бир лавҳа мазмунига монанд ранг-баранг шакллардан, гоҳ ўйноқи, гоҳ ҳазин хилма-хил оҳанглардан фойдаланади, дoston ичига драматургия, кинематография элементларини олиб киради. Қаҳрамон характери унинг ички дунёси орқалигина эмас, ташқи кўринишлари, портрети орқали ҳам очишга интилади.

Бироқ, ушбу дoston айрим қусурлардан ҳам холи эмас. Чунончи, Туркон малика билан Эрнафаснинг ўзаро муносабатлари ҳақидаги лавҳалар, лирик мушоадалар керагидан ортиқ даражада чўзилиб кетган. Бу нарса дostonнинг драматик шиддатини маълум даражада сусайтиради.

Тўпلامдаги «Тош тугён» дostonи устоз Ойбекка бағишланган. У адибнинг Бухоро сафари мисолида бу улўф сиймонинг бадиий қиёфасини яратиб қаратилган. Дoston шоир илҳоми туфайли оддий ҳужжатлик чегараларини ёриб ўтади ва китобхон кўз ўнгида буюк идеаллар, тинимсиз ижодий ниятлар билан яшаган адибнинг бадиий образи яратилади.

Шоир Ойбекнинг ижодкор ва инсон сифатидаги қиёфасини маълум даражада муваффақият билан гав-

далантиришга эришди. «Асрлар — оёғида бир нафас меҳмон, Замонлар — боши узра бир кўчкин шамол» бўлган кўҳна Бухоронинг минораларини Ойбек «Тош тугён» деб атаган экан. Жамол Камол ҳам дostonни «Шоир ўзи ҳам энди — тош қотган тугён» деб хулосалайди.

Жамол Камолнинг шеърий тафаккурида ҳиссий мушоҳадакорлик устиворлик қилиб бораётганлигини қайд қилган эдик. Мазкур дostonларда ҳам ҳаёт материали тақозосига кўра ассоциативлик янги-янги қирралари билан кўзга ташланади. «Армон» дostonида воқелик онанинг руҳий кечинмалари асосига қурилган ҳис-туйғулари орқали англашилса, «Тош тугён»да ўтмиш ва тарихий воқелик буюк Ойбекнинг ижодий ҳаёли, тасаввури, тафаккур қудрати, ҳиссиётлари пўртанаси орқали кўрсатилади. «Варахша» дostonида эса «бир минг икки юз ёшли вайрона», «қўрғонлар қумлар аро қотган, увишган», мозористонга айланган ўлик шаҳар лирик қаҳрамонга ўз тарихини ҳикоя қилади, ўқувчини тарих қатламларининг саҳифаларига етаклайди.

Ҳар уч дostonдаги ҳаёт материалининг гоёвий-бадиий тадқиқи тўғридан-тўғри бугунги кунларимизга дахлдордир. Хусусан, инсон ва Ватан тушунчаларининг ҳам маънавий, ҳам жисман бир-бири билан чатишиб кетганлиги ҳақида фикр юритар эканмиз, бу нарса ўзаро туташ инсон ва инсоният тушунчаларини юзага келтиради.

Булардан ташқари китобдан яна «Қуёш чашмаси» ва «Эшиқда ой тўлқини» номли дostonлар ҳам ўрин олган. Биринчиси шоирнинг Болқон сафари натижаси маҳсулидир. Асарда Болгарияни озод қилишда шаҳид бўлган совет жангчилари, шу жумладан ўзбек ўфлонларининг мardдлиги, халқлар дўстлиги тараннум этилади. Лекин дostonда кўп сўзлилики касали сезилиб туради. Айниқса, ўринсиз тафсилотларга берилиш, натурализм элементлари, баш гоёвий ниятнинг яққол кўриниб турмаслиги, турли зарур-нозарур тафсилотлар кўлкасида қолиб кетиш асарнинг бадиий мукамаллигига соя ташлаган. Бу шоирнинг мазкур жанрдаги илк тажрибаси эканлиги билан изоҳланади. Чунки ундан кейин яратилган асарларида бундай камчиликлар бартараф этилган.

«Эшиқда ой тўлқини» дostonида эса, ёш бир бола тилидан севишганлар бошига тушган ҳижрон азобларини тасвирлаш орқали уруш фожияси кўрсатилади. Бу мураккаб ҳолат тасвирини шоир муваффақият билан акс эттиради. Асар қаҳрамонларининг ҳаяжонли ва дилбар, пировардида эса ҳазин натижа билан тугаган тақдирларига, муҳаббатларига китобхонни куйинтиради.

Жамол Камолнинг ҳар икки китоби ҳам унинг ижодий изланишлари яхши самаралар бераётганидан далолатдир.

**Бахтиёр НАЗАРОВ,**  
**Нуъмон РАҲИМЖОНОВ,**  
филология фанлари  
кандидатлари.



**Бош редактор: МИРМУҲСИН.**

**Редколлегия: УЙГУН, ЗУЛФИЯ, Ҳ. ҒУЛОМ, С. АЗИМОВ, И. РАҲИМ, И. ЮСУПОВ, Р. ФАЙЗИЙ, Н. НАРЗУЛЛАЕВ, Т. ТУЛА, Ҳ. НИЕЗОВ (бош редактор ўринбосари), Ҳ. АБДУСАМАТОВ, Ш. ШОМУҲАМЕДОВ, У. УМАРБЕКОВ, У. УСМОНОВ, Ш. ХОЛМИРЗАЕВ, У. НОРМАТОВ, Ҳ. ХУДОЙБЕРДИЕВА, Ҳ. ШАРИПОВ.**

---

©Шарқ юлдузи, 1980.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.

---

На узбекском языке

**«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»**

(Звезда Востока)

№ 8.

Орган Союза писателей Узбекистана.

Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства ЦК КП Узбекистана,  
Ташкент — 1980

---

Рассом А. Қамбаров.

Техредактор М. Мирражабов

Корректор А. Билолов.

---

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар авторларига қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Шарқ юлдузи»дан олинди деб кўрсатилиши шарт.

---

Теришга берилди 3.05.1980 й. Босишга рухсат этилди 28.07.1980 й. Р—03015. Қоғоз формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub> Физ. листи 15. Қабарик босма. Шартли босма листи 21.

Нашриёти ҳисоб листи 20,06. Тиражи 210159. Заказ № 3272.

---

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмаҳонаси. Тошкент — 700029, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

**БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ:**

**700000. ТОШКЕНТ ГСП, ПУШКИН КЎЧАСИ № 1  
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» РЕДАКЦИЯСИ.**

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

**БОШ РЕДАКТОР — 332437, БОШ РЕДАКТОР ЎРИНБОСАРИ — 320828,  
МАСЪУЛ СЕКРЕТАРЬ — 330918, ПРОЗА, ОЧЕРК-ПУБЛИЦИСТИКА, САНЪАТ,  
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 332181, ПОЭЗИЯ, ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК —  
332479, РАССОМЛИК — 330918.**